



# Шарк Юлдузи

Ойлик,  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

# 8

1984

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

53-сана чиқиши

## Мундарижа

Ўзбекистон КП Марказий  
Комитетининг пленуми  
тўғрисида  
информацион билдириш  
2

СССР Ёзувчилар союзининг  
50 йиллигига  
Комил Яшнинг  
Съездда ёқилган машъал  
Ғафур Ғулом  
Устоз билан учрашув  
Уйғун

Яратиш қудрати  
Назир Сафаров  
Нурли йўл  
Иброҳим Раҳим  
Дилкаш суҳбатдош  
Мирмуҳсин  
Биринчилардан эди  
Абдулла Орипов  
Муқаддас даргоҳ  
Муҳаммад Али  
Таъзим  
3—19

НАСР  
Отаёр

Мен қуёшни  
кўргани келдим  
Эссе  
20

Муроджон Мансуров  
Мангу жанг. Роман  
29

Абдуқаҳҳор Иброҳимов  
Чакана савдо. Пьеса  
73

Йўлдош Сулаймон  
Авлодлар. Қисса  
105

ШЕЪРИЯТ  
Ойдин Ҳожиёва  
Бизга ёдгор бу дунё  
63

Муҳаммад Солиҳ  
Мен  
унинг номидан  
сўрайман узр  
69

МУШОИРА  
100

ПУБЛИЦИСТ МИНБАРИ  
Раҳмат Файзий  
Қалби қайноқ кишилар  
хузурида  
130

Ҳусниддин Шарипов  
Умид  
132

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ  
Асад Асиялов  
Ғанишерлар садоси  
134

Ҳожиқул Худойқулов  
Бир шеър тарихи  
141

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ —  
АДАБИЕТЛАР ДУСТЛИГИ  
Алексей Толстой  
Совет адабиётининг  
чорак асри  
Александр Фадеев  
Ўзбек халқининг ифтихори

Алишер Қаюмов  
Ҳамза Ҳакимзода ва

Николай Погодин  
142—145

ДИЛЛАРДАН ДИЛЛАРГА  
Туроб Тўла  
Ҳаёт ҳамиша ҳақ  
146

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ  
Анатолий Алексин  
Бешинчи қатордан  
учинчиси...  
Повестдан парча  
148

АДАБИЙ ТАНҚИД  
Нинель Владимирова  
Эски масала ва янги  
муаммолар  
155

Очил Тоғаев  
Публицистик таҳлил  
санъати  
165

ТАҚРИЗЛАР  
Умарали Норматов  
Турмушнинг теран таҳлили  
172—175

БОЛАЛАР ДУНЕСИ  
Қадам Саидмуродов  
Ит, мушук ва ҳасис  
савдогар ҳақида эртак  
176

САРГУЗАШТ,  
ФАНТАСТИКА  
Борис Пармузин  
Жон аччиғидаги  
найранглар. Повесть  
180

# ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ

## МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

### ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

### ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1984 йил 23 июнь куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлди. Пленумда «Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко йўл-йўриқлари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» ги масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкентдаги Октябрь революцияси номли завод электр слесари Н. М. Железнов, Сарийосиё районидаги «Коммунизм» агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Б. Омонов, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Ҳ. Жўрабеков, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. Т. Туропов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Навоий кон-металлургия комбинатининг директори А. А. Петров, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ашуралиев, Главташкентстройга қарашли 159-қурилиш трести партия комитетининг секретари И. В. Прасолов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Ғиждувон район партия комитетининг биринчи секретари С. Ғаниева, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг ректори С. Ҳ. Сирожидинов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. А. Шоғазатов, Фарғона тўқимачилик комбинатининг мастери Н. И. Ермолаева, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси П. Қаюмов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Алламурадов ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Е. К. Лигачев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси ўртоқ В. А. Хайдуrow Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди.

Ўртоқ В. Г. Кретов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлимининг мудирини, ўртоқ З. Ҳайдаров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар мудирини қилиб тасдиқланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ К. Н. Могильниченко, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими секторининг мудирини ўртоқ В. И. Смирнов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари В. М. Леғостаев ва И. Е. Пономарев ўртоқлар иштирок этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.



## ШОНЛИ ЙЎЛ

СССР Езувчилар союзининг ташкил этилганига 50 йил тўлди.

Езувчилар союзи ярим асрдан буён кўп миллатли совет адабиётининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Қадрли журналхонлар!

«Шарқ юлдузи»нинг ушбу сонида СССР Езувчилар союзининг ярим асрлик шонли йўли ҳақидаги материаллар билан танишасиз.

Комил Яшин

## СЪЕЗДДА ЁҚИЛГАН МАШЪАЛ

Октябрь инқилоби инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди. Утмишдаги икки ёқлама зулм кишанларидан халос бўлган ўзбек халқи бепоён Ватанимиздаги барча қардош халқлар каби Ленин ғояларидан куч-қудрат олиб, Коммунистик партия раҳнамолигида янги дунё қуришга киришди. Ўз ҳаққи-ҳуқуқини таниган, эрк нашидасидан баҳраманд бўлган халқнинг синфсиз жамият барпо этиш йўлидаги курашлари осонликча рўёбга чиқмади. Бу йўлда кўп қурбонлар беришга, мислсиз қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Эксплуататор синф вакиллари — бойлар, руҳонийлар, босмачи тўдалари, буржуа миллатчилари, муштумзўрлар ҳақиқат ва эрк учун курашган халқ ташаббусини бўғиб ташлаш учун жон-жаҳди билан уриндилар. Аммо уюшган, улуғ мақсад йўлида ҳаёт-мамот жангига отланган қудратли тўлқинни тўхтатиб қолишга қодир куч дунёда йўқ эди. Аёвсиз жангларда синфий душманлар устидан ғолиб чиққан меҳнаткаш халқ ўз жароҳатларига малҳам қўя бошлади. Вайрон бўлган шаҳарлар, хўжаликлар тикланди, экилмай қолган ерларга қайта экин экилиб, хароб қишлоқлар гулистонга айланди.

Мамлакатимизда маданий революция ғалаба қозонди. Тўрт девор ичига занжирбанд этилган муҳтарама оналар, опа-сингилларимиз ҳам озодликка чиқиб, жамият ишларида фаол иштирок эта бошладилар.

20-йиллардаги кескин синфий курашлар шароитида ёш совет адабиёти, унинг жанговар отрядларидан бўлган ўзбек совет адабиёти ҳам шаклланиб, ғоявий жиҳатдан мустаҳкамланиб борди.

Уттизинчи йиллар ҳам буюк Ватанимизнинг тарихига улуғвор воқеаларга тўла шиддатли қадамлар билан кириб келди. Қишлоқ хўжалигини қайта қуриш, қудратли саноат гигантларини бунёд этиш, саводсизликни тугатиш, маданий инқилобнинг ғалабаси каби улкан тарихий ҳодисалар кўз ўнгимизда рўй берди. Уларнинг гувоҳи ва

**Езувчиларнинг  
Бутуниттифоқ  
I съезди  
делегатлари**



**Раҳмат Маждий**



**Гафур Гулом**

бевосита иштирокчиси бўлганим билан фахрланаман. Бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзган меҳнат романтикаси, ҳаммага бирдек қанот бергандек эди. Яшарган, ўтмишдаги зулм кишанларидан халос бўлган озод инсон Ватанимизнинг ҳамма чеккаларида фидокорлик кўрсатиб, мислсиз мўъжизалар яратар ва завқли меҳнат нашидаси билан бахтиёр эди.

Ана шу қайноқ, кўтаринки руҳ, эркин ижод шукуҳи адабиёт ва санъат аҳли орасида ҳам тўла ҳукм сурарди. Ўлкамизни қайтадан гуллашиб-яшнатаётган азамат колхозчилар, донгдор ишчилар, моҳир пилдачилар, бир сўз билан айтганда, янги дунё қураётган бунёдкор кишилар адабиётнинг ҳақиқий қаҳрамонларига айланган эди.

СССР Езувчилар союзининг 1934 йил августда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ Биринчи съезди ҳам 30-йиллардаги улугвор ҳодисалардан бири ҳисобланади. Буюк санъаткор А. М. Горький раислигида ўз ишини муваффақиятли яқунлаган бу йирик анжуман совет адабиётининг тараққиётида жуда катта роль ўйнагани ҳаммамизга маълум.

Мазкур съездда қатнашиш учун Ўзбекистондан қал қилувчи овозга молик 10 делегат ўзбекистонлик ижодкорлардан вакил қилиб сайланган эди. Мен мазкур съездда ғойибона правление аъзолигига сайланганимдан фахрланиб юраман. Забардаст шоиримиз Ғайратий эса съездда ревизия комиссияси аъзолигига сайланган эди. Ўзбекистон Езувчилар союзининг шу вақтдаги раиси Раҳмат Маждий президиум аъзолари составига сайланганди.

Съезд материалларини катта ҳаяжон билан ўқиб чиққаним ҳамон ёдимда. Унга СССР да яшовчи 52 миллат адабиётининг вакиллари қатнашганини билиб, қалбим ифтихор ҳисларига тўлди. Чиндан ҳам совет ёзувчиларининг бу улкан йигини халқлар дўстлиги байрами, қардошлиқ байрамига айланган эди. Съезд минбаридан туриб К. Федин бу ҳақда «съезд фақатгина совет ёзувчиларининг съезди эмас, у совет халқларининг съездидир», — деб айтган эди.

А. М. Горькийнинг съездда сўзлаган бой ва мазмундор, эркин нутқларини ўқиганимда ҳам қатта таассурот олдим. Атоқли адиб совет адабиётининг мақсади ва вазифалари ҳақида лўнда, аниқ гаплар айтган, кўпгина назарий масалаларни, жумладан, ижодий метод ҳақидаги қарашларини содда баён қилиб берган эди. Мана, улардан айримлари. Устоз социалистик реализм методи хусусида шундай дейди: «Социалистик реализм турмушни ижод деб олади. Унинг



С. Аиний



Ойдин

мақсади инсоннинг табиат кучлари устидан ғалабаси, саломатлиги ва узоқ умр кўриши, ўсиб бораётган эҳтиёжларига кўра оламни бир оилага жам бўлган гўзал хонадонга айлантириш истаги йўлида хизмат этувчи бебаҳо истеъдодларни тўхтовсиз ривожлантиришдир.»

Союз олдида турган ташкилий-тарбиявий масалалар хусусида Горький қуйидагича амалий маслаҳатлар беради: «Менимча, союз ёзувчиларнинг профессионал фаровонликларини эмас, балки бутун адабиёт фаровонлигини ўз олдига мақсад қилиб қўйиши лозим. Союз қандайдир бир меъёрда бошловчи ёзувчилар армияси устидан раҳбарликни қўлга олиши, уларнинг кучини турли ишларга тақсимлаши, ўтмиш ва ҳозирги куннинг материаллари билан ишлашга ўргатиши керак.»

Устознинг мана бу сўзлари барча покиза виждонли ижодкорларга қаратилган дил даъвати эди: «Олға ва чўққига, ўртоқлар, бу йўл фақат мамлакатимиз ва давримизнинг барча муносиб кишиларининг йўлидир... Биз жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган улкан вазифани бажаришга киришганмиз. Шунинг учун ҳам ишнинг муносиб иштирокчилари бўлайлик.»

Горький адабиётни, ижод аҳлини юракдан севган киши эди. У талантли ижодкорларни авайлаш, уларга барча зарур шароитларни яратиб бериш, санъаткорлар ўртасида ўзаро ҳурмат-эҳтиром, аҳилликни барқарор этиш учун муттасил қайғуради. Бу хислатлар съезд минбаридан айтилган қуйидаги сўзларда ҳам ёрқин ифодасини топганди: «Ўртоқлар, мен сизларни ўқишга, худди жангчилар жанг майдонларида бир-бирларини қадрлагандек бир-бирингизни иззат-ҳурмат қилиш ва қадрлашга ҳамда тарих сизларни кўҳна дунё билан аёвсиз курашга чорлаб турган бир пайтда арзимаган нарса учун кучларингни бир-бирингизга қарши курашга сарф қилмасликка чақираман.»

Катта ҳаёт мактабини ўтаган улғу санъаткорнинг бу каби қимматли маслаҳатлари барча совет ёзувчилари каби ўзбек ёзувчиларига ҳамда янгидан ташкил топган Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ишларини тўғри уюштириш ва йўлга солишда асосий йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилди. Шахсан ўзим ижодий фаолиятим давомида, кейинроқ Ёзувчилар союзининг биринчи секретари бўлиб ишлаган пайтларимда устоз сабоқларига доимо амал қилдим.

1935 йилда СССР Ёзувчилар союзининг драматургия масалалари-




Умаржон Исмоилов



Хусайн Шамс

га бағишланган пленуми бўлиб ўтди. Пленумда барча қардош адабиётлардаги драматургиянинг аҳволи ва вазифалари кенг муҳокама қилинди. Делегатлар А. М. Горькийнинг драматургия проблемаларига бағишланган докладини зўр қизиқиш билан тингладилар. Улуғ устознинг камтарлиги ҳаммамизни ҳайратга солди. У ўз сўзини: «Мен драматург сифатида йигирмата ёмон пьеса ёздим», — деб бошлаган эди, бутун зал ўрнидан туриб кетди. Ҳамма бир овоздан «Йўқ, бу пьесалар ёмон эмас!» деб хитоб қилар, гулдурос қарсақлар янграр эди. Шундай катта санъаткорнинг ўз асарларига нисбатан юксак даражадаги талабчанлигига ҳали-ҳали ҳайрон қоламан. Мен ҳам бошқалар қатори музокарада сўзга чиқдим. Ўзбек драматургияси эришган ютуқлар, долзарб муаммолар, жиддий камчиликлар ҳақида гапирдим. Еш ўзбек театри ва драматургияси халқ олқишига сазовор бўлаётгани ҳақида сўзлаб бердим. Шу йилларда Ҳамза номидаги Академик драм театри катта шуҳрат қозонган эди. Буюк инглиз драматурги Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси театрда зўр муваффақият билан ўйналарди. Донгдор моҳир санъаткор, Ҳамза театрига асос солган йирик санъат арбобларидан бири Абдор ога Ҳидоятлов бош ролни шундай ажойиб ижро этар эдики, саҳна сеҳрига мафтун бўлган томошабинлар спектакль тамом бўлгандан кейин ҳам талай вақт залда қолиб, севимли театр коллективини ва буюк актёрни олқишлар эдилар. Спектакль йигирма кун кетма-кет ўиналди. Ниҳоятда толиққан актёр ўйин пайтида саҳнада беҳуш йиқилиб қолди... Театршуносларнинг эътирофига кўра, Шекспир асарлари ўз ватанида ҳам бунчалик шуҳрат қозонмаган экан... Мен бу фактларни айтиб берганимда залда гулдурос қарсақлар янграб кетди. Устоз Горький буни эшитиб қаттиқ ҳаяжонланди. В. Ермилов пленум аъзолари номидан Ҳамза театри коллективини 15 йиллик байрами билан қутлаб, табрик телеграммаси юборишни таклиф қилди. Таклиф бир овоздан маъқулланди. Мазкур телеграмма тексти ҳозир ҳам театр архивида сақланади. Бу мисол съезд қарорларидан илҳом олган ўзбек адабиёти ва санъати тўғри йўлдан ривожланиб, катта зафарлар қозона бошлаганига далилдир.

Биринчи съездда Совет Езувчилари союзининг устави ҳам қабул қилинди. «Совет Езувчилари союзи буюк социализм даврига муносиб бадиий асарлар яратишни ўзининг мақсади қилиб қўяди», — деб ёзилган эди унда. Бу сўзлар барча ижод аҳлини улуғ мақсадларга илҳомлантирди, кучимизга-куч, қалбимизга мадор бағишлади.



Зиё Саид



Ҳасан Пўлат

---

Совет адабиёти ва санъатининг истиқбол йўлини белгилаб берган мазкур тарихий съезд совет ёзувчиларини мустақкам, жипслашган, жанговар отрядга айлантирди.

Қисқа вақт ичида ўзбек совет адабиёти ҳам янги ривожланиш босқичига кўтарилди. Шу йилларда яратилган Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Миртемир, Ғайратий, Амин Умарий, Мақсуд Шайхзода, Ҳасан Пўлат сингари ёниқ қалбли шоирларнинг янги ҳаёт нашидасини куйловчи шеър ва дostonлари, Ҳусайн Шамс ҳамда Абдулла Қаҳҳорнинг роман ва ҳикоялари, Ойдиннинг ихчам новелла-лари, Зиё Саид, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Умаржон Исмоилов, Туйғуннинг замонавий ва ўтмиш мавзуларини ёритишга бағишланган қатор драмалари кенг китобхонлар ва томошабинларга манзур бўлди. Мен ҳам драматик асарларим билан давр даъватига «Лаббай» деб жавоб бера олганимни фахрланиб айта оламан.


Бу йилларда ўзбек адабиёти майдонида самарали қалам тебрата-ётган ижодкорларнинг деярли кўпчилиги ўттиз баҳорнинг нари-берасидаги навқирон ёшлар эдик. Тажриба ва маҳоратимиз кам эди. Ҳаммамиз билим олишга, ўқиб-ўрганишга, давримиз ва халқимиз учун муносиб асарлар яратишга чанқоқ эдик. Биз учун А. М. Горький, В. В. Маяковский, Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий каби буюк санъаткорларнинг улугвор ҳаёти ва ижодий мактаби туганмас илҳом ва ибрат манбаи эди. Рус адабиёти классиклари, қардош халқлар ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналари, халқ оғзаки ижодининг битмас-туганмас барҳаёт чашмаларидан баҳра олиб ўсдик. Камолот босқичларига кўтарилишимиз осонликча рўй бермади. Ана шу ўсиш ўрганиш йилларида давлатимиз ҳамиша биз учун устозлик қилди.

Бугунги кунда ўзбек совет адабиёти жуда кўп истеъдодли ёшлар ҳисобига бойиди. Катта билим ва маҳоратга эга бўлган бу ёрқин истеъдодлар яратаётган айрим асарлар адабиётимизнинг шухратини фақат Иттифок миқёсига эмас, балки жаҳон минбарига кўтармоқда-лар. Бир вақтлар кичкинагина коллектив бўлган Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг аъзолари бугунги кунда олти юз кишидан ошиб кетди. Буларнинг ҳаммаси ана шу биринчи съездда белгиллаб берилган йўлнинг ҳаётийлиги ва мислсиз улугворлигини кўрсатади.

Ёш ёзувчилар, санъаткорларимиз ўзларининг ранг-баранг адабий-ижодий фаолиятларида устоз Горький анъаналарини давом эттира-



Ғайратий



Назир Сафаров

ётганлиги, халқчиллик, партиявийлик принципларида мустаҳкам турган ҳолда ёрқин асарлар яратиб, социалистик реализм адабиётини бойгаётганлиги ҳаммамизни қувонтиради.

Съездан кейинги ўтган шонли 50 йил мобайнида совет ёзувчилари кўплаб улғувор ишларни амалга оширдилар. Чинордек бақувват адабиёт дунёга келди. Бу адабиёт халқ ҳаётини ҳаққоний ақс эттириш, меҳнаткашларга эстетик завқ бағишлаб, коммунистик руҳда тарбиялашни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Жаҳон бўйлаб тинчлик, тараққиёт учун кескин курашлар кетаётган, капиталистик жамиятнинг асослари парчаланиб бораётган, мустамлака ва чиркин ҳаёт емирилаётган даврда совет ёзувчилари жаҳондаги улғувор воқеалардан четда лоқайд кузатувчи бўлиб қололмайди. Бу адабиёт дунёдаги бутун прогрессив кишилиқнинг виждони, тараққийпарвар кучларнинг яловбардори бўлиб, юксак гуманистик ғояларни тараннум қилаверади. Мен ижодкор сифатида ана шу илғор адабиётнинг вакили эканимдан, партия ва халқнинг муносиб дастёри бўлиб келаётганлигимдан ҳамиша фахрланаман.

Союзимиз босиб ўтган шонли эллик йилнинг бадийий солномасини яратиш бугунги қалам аҳли учун муқаддас вазифалардан бири. Агар шу улғу ишга ўз қаламим, меҳнатим билан улуш қўша олсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Ғафур Ғулом

## УСТОЗ БИЛАН УЧРАШУВ

Бу воқеа 1934 йил июль ойи охири, август ойи бошларида бўлган эди. Москвадаги совет ёзувчиларининг Биринчи қурултойига биз, Ўзбекистондан бир группа ёзувчилар — Ғайратий, Ойдин, Назир Сафаров, Туйғун, Раҳмат Мажидий ва бошқалар делегат бўлиб бордик. Совет адабиёти тарихига биринчилиги билан ўчмас бўлиб ёзилган бу



съездда Алексей Максимович Горький билан учрашдик. Биз бу учрашувни жуда кўп вақтдан буён орзу қилган эдик.

Кўпчилик делегатлар билан биз ўзбекистонлик ёзувчилар улуг' устознинг совет адабиётининг ривожланиши ҳақидаги сермазмун докладини тингладик. Унинг доно сўзлари мамлакатимизнинг ҳамма томонидан келган ёзувчиларда, меҳмонларда бир олам таассурот қолдирди.

Съезд ишларининг танаффус вақтларида биз Алексей Максимович Горький билан сўзлашдик. У миллий республикалардан келган ёзувчиларга алоҳида эътибор бериб, улар билан суҳбатлашар эди.

Съезд ишининг охирида — биринчи августда Максим Горький номига қўйилган самолётда Москва устида учдик. Бу совет давлатининг биринчи темир қанотларидан эди.

2 августда Алексей Максимович меҳмонларни Москва атрофига жойлашган боғига меҳмонга таклиф қилди. Мен, Ойдин, Туйғун боққа Алексей Максимович билан дастурхон устида суҳбатга бордик. Басавлат, доно адиб биз ўзбек ёзувчиларидан съездда олган таассуротларимизни сўради. Кўп, яхши ёзишни таъкидлади. Биз унинг маслаҳатларини бажонидил қабул қилдик.

Устоз билан учрашув ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди. Мен ўша вақтдаёқ, ўзим учун ҳамон кечагидек хотирада сақланадиган «Янги ишқ» номли шеър ёзган эдим:

Мен зўр гурунгда бўлдим, жуда зўр гурунг —  
Дунё бўйлаб йиғилган эди ошиқлар.  
Устоз Горький кўтарилди юксак тоққа тенг,  
Минбар оша янги ишқдан беради хабар.  
Кўзимнинг қорачуғи, ўтли ёшлигим  
Тўла мазмуни билан шеъримга кўчсин.  
Ҳа, мени кучоғида ўстирган даврим,  
Шу қадарли шеърлар шаънингга бўлсин.

1961 йил



Ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ I съезди делегатлари. Биринчи қатор (чапдан ўнгга): Ғайратий, Ғ. Ғулом, Зиё Саид; иккинчи қатор: Р. Мажидий, С. Айний, С. Холдорова, Лохутий, А. Серафимович, Ойдин; учинчи қатор: Оққлов, Пинҳасов, Х. Пўлат, Н. Сафаров, У. Исмоилов, Х. Шамс.

1934 йил.

# ЯРАТИШ ҚУДРАТИ

Ёзувчилар союзимизнинг эллик йиллик умрига, фаолиятига, кураш ва яратувчилик қудрати жўш уриб турган тарихига назар ташласак, кўп ибратли тафсилотларга дуч келамиз. Ўзбек совет адабларининг илк уюшмаси «Қизил қалам» фаолияти... ТАП — Тошкент Ёзувчилари бирлашмасини ташкил этган ижодкорлар... «Попутчиклар...» 1934 йилдаги Ёзувчилар съездининг жуда катта ташкилотчилик ишларидан бири шуки, ана шундай майда-майда гуруҳларни, турли адабларни битта союзга бирлаштирди. Умумлашган катта ижодий иттифок пайдо бўлди. Бу, албатта, партиянинг оқилона тадбири эди. Союз тузилиши адабиётимиз тараққиётидаги улкан кўтарилишлар, ўсишлар сарчашмасидир.

Маълумки, илгари ҳамма ижодкорлар асосан шеърятда ижод қиларди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, мен ҳам — барчамиз шоир эдик, носирлар деярли йўқ эди, Ҳамзанинг «Янги саодат» деган кичик бир романи бор эди холос, союз тузилгач, бизда ҳам проза, драматургия билан қатъий шуғулланувчи адаблар дунёга келди, ўзбек совет насри, драматургияси туғилди.

Ҳаётимизни кенг миқёсда кўрсатиш учун, шубҳасиз, прозаикларимиз, проза намуналари кўп бўлиши керак. Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировларнинг асарлари, ундан кейинги авлод прозаси, савиясидан, даражасидан қатъий назар, ана шу маънода ҳам эътиборлидир.

Мен шу ўринда бир масалани айтиб ўтмоқчиман: ҳозир драма билан махсус шуғулланадиган ёзувчиларимиз йўқ — бу жуда ёмон. Яшиндан кейин ким жонини бериб, умрини бериб, драмада ижод қилди? Тўғри, деярли барча ёзувчи, шоирлар бир-иккитадан драма ёзишди, аммо тугал бир нарса яратмасдан, яна бу даргоҳдан чиқиб кетишди, Асқад ҳам, Шухрат ҳам, Ҳусниддин ҳам, Жуманиёз ҳам, масалан, шундай қилишди. Улмас дуруст ишлар қиляпти, Машраб Бобоев яхши бошлади... Хуллас, драматургия ўз кашшофларини, фидокорларини кутмоқда. «Бир кунлик меҳмонлар» драма жанримизни кўтара олмайди.

Шу кунларда мени қувонтираётган нарса союзимизга жуда кўп ёшларнинг қабул қилинишидир. Улар орасида шоири ҳам, носири ҳам, драманависи ҳам бор. Ахир, кексалар қиладиганини қилиб бўлди, асосан ишни энди ёшлар олиб бориши керак. Ҳозирда союзимизнинг 600 дан кўп аъзоси бор — бу жуда катта куч. Бу тафсилот адабиётимизнинг гуркираб ўсаётганидан, бундан-да юксак поғоналарга кўтарила олишидан дарак беради.

Эллик йил ичида адабиётимиздаги усуллар ҳам ўзгарди, ҳам ривожланди. Албатта, иш, ижод нуқсонсиз бўлмайди. Адашишлар бўлиши табиий. Айниқса, ёшлар адашиши мумкин: ана шунда танқидчилик ёки баъзи шошқалоқ ўртоқлар дарров сўйил кўтармасдан, хато қилган адабга аввало унинг нуқсонини яхшилаб тушунтириб, танбеҳ бериб, кейин уни меҳр билан тарбиялаши керак. Ижодкорни АСРАШ ва тарбиялаш союзимизнинг, тажрибали, ёши улуг адабларимизнинг асосий бурчи ва вазифасидир, мен шундай деб биламан. Мен бу ўринда романлар, қиссалар, ажойиб ҳикоялар яратаётган ёшларни — Шукур Холмирзаевни, Ўткир Ҳошимовни, Нурали Қобулни, Зоҳир Аъламини, Эркин Аъзамовни, Хайриддин Султоновни, Мамадали Мақмурдовни, Тоғай Муродни эслагим келади. Биз бундай умидли қаламкашларни доимо асрашимиз, уларнинг янада яхшироқ нарсалар яратишига, жамиятимизга янада каттароқ ишлар қилиб беришига қўмаклашмоғимиз лозим. Бу деганим ёшларни:

эркалатиш керак экан, деганим эмас, албатта, уларни муттасил тарбиялаб бориш, келажак меҳнатчисига айлантириш, халқимизнинг илғор вакиллари кўпайтириш йўлидаги бир мулоҳаза холос.

Ҳозирги фаровон ҳаётга осонликча эришилмаган. Урушлар, қиргинлар, ўлимлар, очликлар, қурбонлар бериш... каби мусибатлар кўпригидан бугунга етиб келганмиз, бу ҳеч кимга сир эмас. Худди шу манзара Ёзувчилар союзимиз тарихига ҳам оид. Республикамизда қандай тараққиёт юз бергани, бугун Академиямизда қилинаётган кашфлар бутун жаҳонга маълум ва манзурлиги, аввал кўп ижодкорлар бир хонали уйда ёки ижарада бошига ёстиқ эмас, китоб қўйиб ётгани, аммо катта, мерос асарлар яратгани, бугунда деярли ҳар ёзувчининг кенг уйи, тагида машинаси борлиги ҳам ҳаммага аён. Шундоқ бўлгач, союзимиз ҳар қаламкашдан фақат яхши асар ёзасан, деб талаб қилишга ҳақли.

Шунинг учун ҳам халқимиз ҳаётини социалистик реализм мезони асосида бадиий тадқиқ этиш, чин маънодаги халқчил ва партиявий асарлар яратиш ҳар бир қаламкашнинг муқаддас бурчидир.

Эллик йил ичида бугунда ўзбек совет классикаси деб аталган силсилага пойдевор бўлган асарлар яратилди — бунда Ёзувчилар союзининг улкан, бемисл раҳбарлик хизмати бор. Бундан кейин халқимизнинг маънавий тараққиёти учун ниҳоятда зарур бўлган ана шу раҳбарлик, ижодкорларимизнинг фидокорона меҳнати, жамиятимиздаги илғор, ибратли ўзгаришларни тинмай акс эттира бориш, халқимиз, улкан совет халқи эришаётган маънавий ютуқларни оламга танитиш йўлидаги меҳнат давом этаверади, деб ишонаман.

Назир Сафаров

## НУРЛИ ЙЎЛ

Совет Ёзувчиларининг тарихий I съезди чақирилган кунга 50 йил тўлди. Маълумки, асримиз бошларида Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз Утар каби ўзбек маърифатпарвар-демократ шоирлари самарали ижод этдилар. Уларнинг изидан адабиёт майдонига кириб келган Ҳамза, Садриддин Айний, Сўфизода, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Нозимахоним каби сўз санъаткорлари халқ ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни қаламга олдилар, эрк ва озодлик ғояларини тараннум қилдилар. Аммо бу йилларда уларнинг асарлари газеталарнинг камлиги, халқнинг саводсизлиги учун ҳамма жойда бирдек кенг тарқалмаган эди.

Суронли инқилоб йилларида янги дунёнинг оташин куйчиси Ҳамза «Яша Шўро!» деб бонг урди. Унлаб инқилобий қўшиқларида Октябрь революцияси ғояларини куйлади ва халқ орасида фаол тарғиб қилди. Садриддин Айний «Байналминал марши», Абдулла Авлоний «Уйғон, миллат!» каби шеърлари билан унга жўр бўлди.


Зулм кишанларидан қутилган меҳнаткаш халқ янги дунё, янги тузум асосларини бунёд этишга астойдил киришди. Турмуш янги изга тушиб кетди. Дастлабки «Қўшчи» союzlари тузила бошланди. Аммо ҳали синфий кураш бутунлай тугаган эмас эди. Бу йилларда камбағал деҳқонлар, ишчилар, илғор зиёлилар мустақкам бир муштга айланган бўлса, буржуазия алоҳида синфни ташкил этар эди. Унга қарши муросасиз кураш олиб бориш лозим эди.

1926 йилда Акмал Икромов бир докладида зиёлилар ва зиёлилар ҳақида гапиргани, майда буржуа сарқитлари таъсирига берилиб, улардан ҳамон қутула олмаётган айрим зиёлиларни танқид қилгани эсимда. СССРда саноатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини

ялпи коллективлаштириш, муштумзўрларни синф сифатида тугатиш каби улкан вазифалар ғалаба қозонгандан кейин ўз суянчиқларидан ажралган юқоридаги зиёлилар мосуво бўлиб қолдилар. Ҳаётдаги шиддатли ижтимоий ўзгаришлар туфайли ўша давр ибораси билан айтганда «попутчик»лар совет платформасини қабул қилишга мойил бўла бошладилар. Бу факт, ўз навбатида, совет тузумининг афзаллигини, маданият соҳасида тўғри сиёсат олиб борилганлигини кўрсатадиган ажойиб далилдир.

Шундай қилиб, 30-йилларнинг бошида адабий курашлар жараёнида чиниққан, ленинча маданий инқилоб адабий курашлар жараёнида истеъодли янги ижодкорлар авлоди етишиб чиқди. Булар қаторида Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулوم, Уйғун, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Ғайратий, Миртемир, Ҳусайн Шамс каби ёниқ қалбли, қалами ўткир адиблар бор эди. Бу ижодкорлар М. Горький, В. Маяковский, Ҳамза каби совет адабиётининг улуғ асосчилари бошлаб берган инқилобий анъаналарга содиқ қолиб, янги турмушдаги ўсиш-ўзгаришларни илқом билан, катта завқ-шавқ билан куйладилар ва бадиий йилларда халқчиллик, партиявийлик байроғини буларнинг қўлида кўтардилар. Бу йилларда адабий ҳаракатчилик тўғри изга тушган бўлса ҳам ҳали уюшган, барқарор ташкилот йўқ эди. ВОАП, РАПП, ЎзАПП каби адабий ташкилотлар бир вақтларда ижобий роль ўйнаганлигига қарамай, тез суръатлар билан юксалиб бораётган совет адабиёти тараққиётига бир қадар ғов бўла бошлаган эди. Бу ташкилотларнинг иш фаолиятида маъмуриятчилик, формализм ҳукм сурарди. Масалан, бу уюшмага расман аъзо бўлиш учун ижодкор, албатта, бирон корхонада ишлаши шарт эди. Ғайратий, Ғиёс Соатий, Ҳаким Зоҳидий, Солиҳ Собирий ва бошқа бир қанча ижодкорлар заводда ишлагандан кейингина союз аъзолигига қабул қилинган эдилар. Ҳатто келса шоир Хислат ҳам ЎзАПП аъзолигига кириш учун Ташсельмаш заводига бориб ишлашга мажбур бўлган эди. Бундай иш методи тўғри эмасди, албатта.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1932 йил 23 апрелда «Адабий-бадиий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида» чиқарган тарихий қарори адабиёт соҳасидаги камчиликларни чуқур таҳлил қилиб берди ва барлашга ёзувчиликни ягона ижодий союз атрофига бириктиришга қарорди. Адабиёт соҳасидаги парокандаликка барҳам берган бу қарордан кейин ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ съездини



Ҳамид Олимжон ва С. Айний 1943 йил


ўтказишга қизгин тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Улуғ пролетар ёзувчиси А. М. Горький раҳбарлигида тузилган ташкилий комитет турли ёзувчилар, адиблар ўртасида самарали иш олиб борди.

Ўзбекистонда таъсис этилган ташкилий комитетга Раҳмат Мажидий раис қилиб тайинланди. Мен маъсул секретарь вазифасини бажардим (Унгача «Қизил Ўзбекистон» газетасида маъсул секретарлик қилардим, Раҳмат Мажидий эса шу газета муҳаррири эди). Янги раисимиз ўз ишига катта маъсулият ва қатъият билан киришганини эсламай ўтолмайман. Ишларимиз бирданига силлиққина ривожланиб кетмади, эски методларда ишлашга кўникиб қолган РАПШнинг собиқ раҳбарлари янги тадбирларга тиш-тирноғи билан қарши чиққанлигини яхши биламиз. Лекин устоз Горькийнинг оқилона ишлари ва обрў-эътибори уларнинг барча уринишларига барҳам берди. Бу даврда улуғ ёзувчи ўзи яратган ажойиб инқилобчи қахрамон Павел Власовдек фидойилик кўрсатди ва жуда катта ташкилий-тарбиявий ишларга раҳнамолик қилди. Партия қарори ҳамда уставнинг актив ҳаракати ва ташаббуси билан миллий республикаларда қайтадан ташкил этилаётган союз ишларига кўмаклашиш учун тажрибали ёзувчилардан иборат ижодий бригадалар юборилди. Таниқли адабиётшунос В. Ермилов раҳбарлигида Ўзбекистонга сафарбар этилган рус ёзувчиларининг ишлари ҳам самарали бўлди. Улар қисқа муддат ичида бизнинг ишларимизга амалий ёрдам бериш билан бир қаторда ўзбек ёзувчиларининг кўплаб асарларини рус тилига таржима қилдилар. Натижада Москвада биринчи марта «Литературный Узбекистан» номли йирик китоб чоп этилди. Унда таниқли ўзбек адибларининг асарларидан парчалар (суратлари ҳамда қисқача ижодий справкалар билан бирга) ёритилган эди. Зиё Саид билан ҳамкорликда ёзилган «Тарих тилга кирди» асарим шу тўпламда тўла босилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг ташкилий даврида партия ва ҳукуматимиз ҳар доим яқиндан ёрдам бериб, ташаббусларимизни қўллаб-қувватлаб келганини ҳам мамнуният билан айтиб ўтиш керак. Ўзбекистон Коммунистик партияси ва ҳукуматининг қарорига мувофиқ янги адабий-бадий газета ва журналлар таъсис этилди. Ёзувчилар союзи идораси учун барча шароитлари мавжуд бўлган бино ажратилди, ижод уйи, боғ берилди.

Шу ўринда бир воқеани айтиб ўтай.

Ташкилий ишларимиз йўлга қўйилгандан кейин барча ижодкор-



Чет эллик адиблар Ойбек хонадониди

лар Союзга келиб, кўрилатган тадбирларда фаол иштирок эта бошлади. Аммо ўзининг тарихий мавзудаги ажойиб романлари, долзарб қисса, ҳикоя ва фельетонлари билан китобхонлар қалбини забт этган атоқли ёзувчимиз Абдулла Қодирий негадир кўринмас эди. Бир куни ўзаро маслаҳатлашиб, Мажидий, М. Алексеев<sup>1</sup> ва мен адибнинг уйига бориб, ҳол-аҳволдан хабар олиб келадиган бўлдик. (Мен бу ҳақда илгарилари ҳам ёзганман. Яқинда Абдулла Қодирийнинг 90 йиллик юбилейи муносабати билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган суҳбатимда бу учрашув ҳақидаги хотираларимни батафсил баён қилдим). Қодирий бизни очиқ чеҳра билан қаршилади. Қизгин суҳбат асносида ҳукуматимиз ёзувчилар учун катта боғ берганини ҳам айтдик ва қўли гул, яхши боғбонга муҳтожлигимизни билдирдик.

Абдулла ака ўйлашиб туриб:

— Бир боғбон бор, аммо маҳаллада билиб-билмай қулоқлар рўйхатига қўшиб қўйишибди. Агар ёрдам берсаларингиз, боғбонга ёлчир эдингиз, — деб қолди.

— Боғбонни кўрсатинг, — деб илтимос қилдик. Унинг ўйига бошлаб борди. Танишиб, гаплашиб кўрдик. Содда, қуюқ қора қошли, чайир, 55 ёшлардаги киши. Исми Иноғомжон. Мақсадимизни билгач, у бажонидил рози бўлди.

Эртаси куни шу масала юзасидан Ўзбекистон Марказий Ижроқўмининг раиси Йўлдош Охунбобоев ҳузурига кириб, воқеани тўла айтиб бердим. Оқсоқолимиз ҳам қизиқиб қолиб, боғбон билан суҳбатлашиб кўрди ва тадбирларимизни маъқуллади.

Хуллас, Абдулла Қодирий билан бўлган учрашувимиз кутилган натижани берди. Адиб адабий ижод билан яна жиддий шуғуллана бошлади, ижодий сафарларга бориб келди ва қисқа муддатда коллективлаштириш мавзудаги янги асари — «Обид кетмон» қиссасини ўқувчиларга етказди. Шу баҳонада боғимиз яхши боғбонга ҳам эга бўлди. Союз атрофига жипслаша бошлаган ёзувчилар партия қарорларини омма орасида кенг тарғиб қилиш борасида фаоллик кўрсатдилар. Турли адабий кружоклар ишга тушди. Проза, поэзия, драматургия секцияларидан янги асарларни муҳокама қилиш йўлга қўйилди... Боғ эса ёзувчиларнинг сеvimли боғи, ҳақиқий ижодхонасига айланди. Булар — шу йилларда олиб борилган кўплаб тадбирларимиздан бир шингили, холос.

Икки йиллик қизгин тайёргарликдан ва амалий ишлардан кейин 1934 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг I съезидига тўпландик. Ҳаят кўтаринки руҳда ўтган бу съездда қатнашган барча ёзувчилар партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги тадбирларини яқдиллик билан маъқулладилар. Халққа, янги замонага муносиб яхши асарлар яратиш барча ижодкорларнинг гражданлик бурчи, виждон иши эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ниҳоят, биз орзиқиб кутган қувончли кун ҳам етиб келди. 1934 йил август ойида совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ I съезида қатнашиш учун Ўзбекистондан сайланган ўн делегат улуғ пойтахт — Москва шаҳрига йўл олди. Съезд кунларида Ватанимизнинг ҳамма жойларидан келган юзлаб ёзувчилар билан учрашиб, дўстона суҳбатлар қурганим, улуғ Горькийни кўрганим, мазмундор докладларини тинглаганим — буларнинг ҳаммаси катта бир олам. Шу кунлардаги таассуротларим, ҳаяжонларимнинг чеки йўқ эди.

Съезддан олган сабоқларим барча ёзувчилар учун, шахсан мен учун бир умрлик улкан дорилфунунга айланди десам муболаға бўлмайди.

Бутуниттифоқ Ёзувчилар союзининг I съези совет адабиётининг кейинги ривожига асос солди. Партия ва халқ иродаси билан ташкил топган бу ижодий союз улуғвор йўлни босиб ўтди. Ярим асрлик шонли

<sup>1</sup> Шу вақтларда СССР Ёзувчилар союзи Урта Осиё бюросининг раиси бўлиб ишлаган.

йиллар мобайнида кўп миллионли Совет Иттифоқининг ёзувчилари жамиятимиз тараққиётининг ҳал қилувчи участкаларида бўлдилар. Халқимизнинг шодлиги ва қувонч-ташвишларига ҳамоҳанг бадий асарлар яратдилар, уларнинг қудратли овози ҳар доим ўз китобхонлари қулоғига баралла эшитилиб турди, коммунизм қурувчи омманинг тарбия мактаби бўлиб қолди.

Беш йилликлар вазифаларини бажариш даврларида ҳам, фашизмга қарши ҳаёт-мамот кураш йилларида ҳам совет ёзувчилари партия ва халқ билан ҳамсаф, ҳамқадам бўлдилар. Уларнинг очерк, шеър, ҳикоя, қисса ва поэмалари жангчиларимизни мардлик ва жасоратга даъват қилди. Ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, душман устидан қозонган ғалабамизга муносиб ҳисса қўшди.

Совет адабиёти ва санъати арбоблари ҳар қачонгидай бундан буён ҳам ленинча партиямиз йўлини тарғиб қилувчи, жонажон Ватанимиз қудратини намойиш эттирувчи, совет тузуми афзалликлари ва халқимизнинг улуғвор меҳнат жасоратларини муносиб бўёқлар ва бетакрор образларда акс эттирувчи ёрқин асарлар яратиш учун изланишдан тўхтамайдилар. Бизнинг эзгу, муқаддас ишимизда I съездимиз бошлаб берган буюк анъаналар, социалистик реализм методининг ҳаётбахш сабоқлари раҳнамо бўлиб қолаверади.

Иброҳим Раҳим

## ДИЛКАШ СУҲБАТДОШ

Сергей Петрович Бородин совет адабиёти ва маданияти ривожига катта ва яхши из қолдирган арбоблар қаторида туради. У айниқса ўзбек қаламкашларига қадрли одам. Унинг номида Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг таржима асарлар учун бериладиган адабий мукофот таъсис этилиши бежиз эмас.

Бу ажойиб инсон, устоз ёзувчининг жуда яхши хосиятли хусусиятларини, қудратли ижодининг сеҳргар кучини мамнуният билан тилга олгим келади.

Мен Сергей Петрович Бородин билан Улуғ Ватан урушининг бошида ғойибона танишиб, асарлари орқали ўзини севиб қолгандим. Уша кезларда унинг «Дмитрий Донской» эпопеяси қўлимиздан тушмасди. «Дмитрий Донской» Минин ва Пожарский, Александр Невскийлар руҳи янглиғ ватанпарварлар сафида юргандай, жангчиларга мадад бераётгандай эди. Едимда: 1942 йили Москва бўсағасида немис-фашист қўшинларини тор-мор қилиб, уни пойтахтдан анча нарига ҳайдаб қўйилган вақтда Сергей Петрович Бородиннинг «Дмитрий Донской» романига СССР Давлат мукофоти берилди. Ушанда биз жангчи китобхонлар «Дмитрий Донской»ни Москва мудофаачилари рўйхатига қўшиб қўйгандик. Қизил аскарларнинг газеталарида, жанговар варақаларда бу ватанпарварлик мадҳи бўлмиш асарнинг СССР Давлат мукофоти олишини маъқуллаб «Дмитрий Донской» ҳам Москвани фашистлардан биз билан бирга ҳимоя қилди, деб ёзгандик..

Урушдан сўнг, бу ҳақда мен Сергей Петрович Бородиннинг ўзига ҳикоя қилиб берганимда меҳмондўст адиб кабинетидан туриб рафиқасига «Рауза, дастурхон тайёрни, қадаҳ кўтаришга катта бир эҳтиёж туғилиб қолди», деб қувонганди.

Сергей Петрович Бородин сердастурхон одам эди, топганини дўстлари билан баҳам кўрарди. Шу туфайли унинг уйдан меҳмон узилмасди. Унинг меҳмондўст дастурхони атрофида ҳам адабиёт

муаммолари, маданиятнинг муҳим масалалари ҳақида суҳбат-мунозаралар борарди. Албатта бундай пайтларда Сергей Петрович Бородин мударрису мавлонолик поғонасида турарди.

Сергей Петрович Бородин билан жуда кўп учрашган эдик, Фарғона водийсига, Зарафшон шаҳар-қишлоқларига бирга сафар қилгандик. У одамлар билан мириқиб суҳбатлашар, уларнинг ўйлари, фикрларини билиб олиш учун эринмай узоқ-узоқ гаплашиб ўтиришни яхши кўрарди.

Ўзадаги анорзор бир қишлоқда кекса колхозчилар билан қилган суҳбати ҳали-ҳали едимда. Бир миришкор боғбон унга жуда ёқиб қолди. Боғбондан анор қандай етилишини сўради, унинг ҳикоясини ёзиб олди. Кейин бир қўйчибон билан суҳбатлашаётганида баногоҳ қўриқчи кучуклар ҳақида гап кетди. Унинг кучукни мақташини тинглагач, қўриқчи кучукка ишқибоз бўлиб қолди ва ниҳоят қўйчибон тақдим қилган кучукни авайлаб Тошкентга олиб келди, унга Ўзадан эсдалик, деб «Ўват» деган ном берди. «Ўват» Сергей Петровичнинг сўнгги кунигача Бородинлар уйига содиқ хизмат қилди. Зарафшонга борганимизда Толимаржон қурилиши ҳали лойиҳада эди. Унинг келажаги зўр бўлишига кўзи етган Сергей Петрович Бородин келинг, битта очерк ёзайлик, деди. Иккимизнинг имзомси билан «Толимаржон» сарлавҳали очеркимиз газеталарда босилиб чиқди.

«Дмитрий Донской», «Самарқанд осмонида юлдузлар» романларининг муаллифи Сергей Петрович Бородин тарихий романларнинг устаси сифатида ўзига хос мактаб яратди. Унинг образ яратиш лабораторияси, тил устидаги машаққатли меҳнати, устма-уст ёзиб эринмай қайта-қайта кўчиришлари ёзувчи мароқли меҳнатининг ибратли намунаси эди. «Дмитрий Донской»да ҳам, «Самарқанд осмонида юлдузлар»да ҳам бирорта такрорий образ, такрорий ўхшатиш ёки бир-бирига ўхшаш жумлани тополмайсиз. У жонли суҳбатда ҳам шундай пухта, дилкаш, бетакрор суҳбатчи эди.

Мирмуҳсин

## БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИ

Машҳур адиба Ойдин (Манзурахон Собир қизи) ўзининг ажойиб ҳикоялари, новеллалари, шеър ва публицистик мақолалари билан ўзбек совет адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган йирик сўз санъаткорлари қаторида туради. Айниқса, кичик прозамиз юксалишида унинг хизматлари беқиёс каттадир.

Кўпинча бу адиба ҳақида гап кетганда фақат унинг адабий ижодига диққат қилиш билаё кифояланамиз. Адиба фаолиятининг бошқа жиҳатларига эса назаримда, кам эътибор берамиз. Ҳолбуки, у серқирра фаолият эгаси эди. Биз уни Ойдин опа деб атар эдик. Ҳатто ёши каттароқ адилбар ҳам унга эҳтиром билан «Ойдин опа» деб мурожаат қилишарди.

Маннон Уйғурни — оға, Лутфихонимни — ая деганимиздек, адабиётимизда ўз номига муносиб битта Опа бор эди. Уруш йиллари Николай Погодин, Алексей Толстой, Якуб Колас ва Василий Янлар ҳам унга «Айдын — апа» деб мурожаат этишганининг шоҳидиман. Севимли адибамиз Ойдин опа биринчилардан бўлиб йигирманчи йилларда паранжи ташлаган, қўлига қалам олиб матбуотда ишлаган ўзбек қизи эди.

1934 йили Тошкентдаги «Янги ҳаёт» мактабига ўша вақтда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлган



Ортиқова ва Маориф комиссари Отауллаев билан шоира Ойдин келиб мактаб ўқувчилари билан учрашгани, кейинчалик, 1936 йили Куйбишев номидаги I-сонли ўрта мактабга Ғайратий, Шокир Сулаймон, Ойдин ва Уйғунларнинг келгани ҳамон ёдимда. Опа шу мажлисда СССР Ёзувчиларининг биринчи съезди ҳақида, устоз М. Горький билан учрашувлардан олган таассуротлари ҳақида сўзлаб берган ва Сельмаш заводига бағишланган шеърларидан ўқиб берган эди. У йиллари камина ўн тўрт — ўн беш ёшларда, 8-синф ўқувчиси эдим. Уша йиллардан бошлаб шеърларимни Опага консультацияга олиб борадиган бўлдим. Мана, қирқ-эллик йил бўлдики, Ойдин опанинг ҳикоялари — «Шириң келди», «Чақалоққа чакмонча», «Мардлик — мангулик», «Қизларжон», «Садағанг бўлай, командир», «Сухбати жонон» ва бошқа асарлари адабиётимиз хазинасини бойитган нодир намуналар қаторида халқимизнинг бебаҳо мулки сифатида яшамоқда.

Шунинг учун ҳам у Бутуниттифоқ Ёзувчиларининг I съездида яқдиллик билан делегат қилиб сайланганди. Бундай бахтли шарафга Совет Шарқи аёллари ичида биринчи марта Ойдин опамиз муяссар бўлди. Ҳа, ўзбек совет адабиётида Ойдин опа тонг юлдузидек ярқираб чиққан аёл эди. Унинг асарлари тез-тез босилиб турган, ўзи Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретарлигига сайланиб, адабиётга раҳбарлик қилган йилларда ҳали Ўрта Осиёдаги бошқа қардош адабиётларда Ойдин опа даражасида турадиган қалам соҳибалари йўқ эди. Марварид Дилбозий, Зулфия, Нигор, Таушанхоним Эсенова, Силва Капутикян ва бошқалар адабиёт саҳнасига кейинроқ чиқдилар. Аммо бу йилларда рус адабиётида Ольга Форш, Анна Караваева, Мариэтта Шагинян, Вера Инберлар самарали ижод этар эдилар. Бу ижодкорлар Ойдин опага маънавий муаллималик қилган деб айта оламиз.

Опа партия топшириги билан «Ўзбекистон хотин-қизлари» (ҳозирги «Саодат») журналини ташкил этди ва унинг биринчи муҳаррири бўлди. Партия Марказий Комитети аппаратида ишлаш, Ёзувчилар союзига секретарлик қилиш, журнал ташкил этиш, то умрининг охиригача ЎзССР Олий Советининг депутати сифатида катта жамоат ишлари олиб бориш — буларнинг барчаси унинг чин коммунист, катта жамоат арбоби эканлигидан далolat беради. Ойдин опа қалби биллурий пок ва ниҳоятда камтар инсон эди. Буни замондош адиблар яхши билишади. Бугун СССР Ёзувчилар союзи ташкил топган ва биринчи съездимиз бўлиб ўтганига 50 йил тўлган кунни байрам қилаётган дақиқаларда забардаст адибанинг хизматларини ҳурмат билан ёдга олиб, порлоқ хотираси олдида таъзим қиламиз.

Абдулла Орипов

## МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Ёзувчилар союзимизнинг остонасига қадам қўйган инсофли ҳар бир адибни чексиз ҳаяжон чулғаб олиши табиийдир. Чунки Ёзувчилар союзи жонажон адабиётимизнинг бош қароргоҳигина бўлиб қолмасдан, айна вақтда халқимизнинг гоятда азиз фарзандларини ўз атрофида тўплаган, улуғ инсонларнинг унутилмас хотираларини кўз қорачиғидек авайлаб келаётган табаррук даргоҳдир. Неча-неча авлодлар ўқиб-ўрганиб, тарбия кўрган улуғ асарлар, халқимиз маънавиятининг сабоқхонасига айланган ўнлаб мураббий-китоблар Ёзувчилар союзимизнинг муборак назаридан ўтган.

Сир эмас, бу шундоқ бағри кенг даргоҳки, бу ердан улкан

истеъдодлар қаторида шунчаки ҳаваскорлар ҳам ҳамиша паноҳ топган.

Биз тенги шоирлар ҳам мана шу союзимизнинг тупроғини ялаб, униб-ўсиб келмоқдамиз. Улуғ устозларимиз қатнашган ҳар бир анжуманда биз ёшлар ҳам тўп-тўп бўлиб иштирок этардик, устозларимизнинг ҳар бир ўғитини, ҳар бир сўзини жон қулоғимиз билан тинглардик. Устоз Ойбек, устоз Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир... Бу зотларнинг ҳар бири адабиётимизни истиқболга етаклагувчи бир дарё эдилар. Мен ҳанузгача ўзгалардан ҳам ана шу фазилатларни излаб юраман. Бизнинг бахтимиз шундаки, Ёзувчилар союзимизга ҳамиша улкан қалбли, заковатли инсонлар раҳбарлик қилиб келганлар. Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Комил Яшин, Шароф Рашидов... Феъли-атвори турфа, истеъдод даражаси рангбаранг, лекин ҳаётдан жуда кўп нарсаларни талаб этувчи юзлаб ижодкорларнинг бошини бир жойга қовуштириш, уларга раҳнамолик қилиш ҳазилакам иш эмас. Масаланинг иккинчи бир муҳим томони, балки, назаримда, энг муҳим жиҳати шунда: бу адабиётнинг гоъвий-бадий ютуқларини доимо мустаҳкамлаб, адибларимиз қурган ва қураётган сўзимиз биносини муттасил мукаммаллаштириб, боришдир. Уч-тўрт мисол келтириш мумкин. Масалан, бир пайтлар машъум конфликтсизлик муаммоси ҳам союз қароргоҳида ҳал этилган. Ёки шеъриятимиздаги схематизм ва риториканинг барҳам топа бошлаганида ҳам союзимизнинг хизмати катта. Биз ўзбек совет адабиётимизнинг ҳамма босқичларида яратилган ва яратилаётган энг яхши асарларни кўз қорачиғимиздек асраймиз, улардан ўрганамиз. Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон шеърлари, бошқа устозларимиз назмлари биз учун, биздан кейин келаётган авлод учун ҳам тарбияхона бўлиб қолаверади. Айни вақтда шуни ҳам айтиш керакки, шеъриятда психологик анализ замон тақозосига кўра гоътада теранлашиб бормоқда. Бу ниҳоятда қувонарли ҳолдир. Ҳар бир нарсани тадқиқ этишнинг меъёри бўлганидек, инсон руҳининг тадқиқотида ҳам меъёр бўлиши лозим. Биз энди шаклбозлик, тадқиқотбозлик кўринишидаги мавҳумиятдан эҳтиёт бўлишимиз шарт. Бугунги адабиётимиз, шеъриятимизда халқимизнинг бой ва рангдор, асрлар бўйи пешланган буюк тил бойлиги тўлалигича намоён бўлмаётир. Мен бора-бора баъзи шоирларнинг лексикони — тил бойлиги 100—150 та «тайёр», «навбатчи» сўзлардан иборат бўлиб қолмасайди, деб қўрқаман. Шу каби масалалар ҳам бизнинг союзимизда, унинг матбуоти саҳифаларида албатта ҳал бўла боради.

Мана, союзимиз эллик ёшга тўлибди. Биз, қўлимиз кўксимизда, мураббийимиз, падаримиз олдида ташаккур деймиз. Барчамиз, устозу шоғирдлар бир саф бўлиб, союзимизнинг ҳар бир даъватига лаббай деб жавоб берамиз.

Муҳаммад Али

## ТАЪЗИМ

Совет Иттифоқи Ёзувчилар союзининг, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг эллик йиллик юбилеи халқимиз учун ҳам, ҳар бир адиб ва адабиёт муҳиб учун ҳам, хусусан, шахсан мен учун ҳам катта байрамдир. Ёзувчилар союзимизнинг эшиги ҳамиша очиқ — шу боис ҳам ижод ҳамиша гуркираган, ҳамон адабиётимиз гуркираб ривожланмоқда.

Адабиётимизни, халқимизни, маданиятимиз ва ҳаёт тарзимизни

дунёга танитган асарлар айна шу союзимиз раҳбарлигида муҳокама этилган, нашр қилинган.

Езувчилар союзи — ижодкорларнинг уйи, уларнинг ҳар бир асари шу уйдан оқ йўл, йўлланма олади. Союзда бирор учрашув бор, анжуман бўлади, йиғилиш бўлади, дейилса, мен ҳар доим, гўё союзга биринчи бор келганимдай ҳаяжон, муҳаббат билан ошиқаман, миямга яна ижодий фикрлар, улкан ниятлар киражагини ўйлаб, хурсанд бўламан. Мен союз остонасидан ўтишим билан бу даргоҳда ишлаган аждоғим устозларимиз Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом эсимга тушади, уларнинг буюк хизмати, мураббийларча ўғитлари, ўлмас асарлари олдида яна бош эгаман.

Союзимизнинг юбилеи менинг ҳам шахсий байрамим, деб бежиз айтмадим: зотан, ҳар бир асарим, неки ёзган бўлсам, аввало шу союзимизда муҳокама этилган, оқ йўл берилган. Муҳокама — жуда катта дарс. Хусусан, тажрибали адиблар асарингни ўқиб, фикру мулоҳазаларини айтади — бу фақат фойдали, муаллифга фақат ёрдам, мадад беради. Менинг «Машраб», «Гумбаздаги нур» дostonларим ҳам, «Боқий дунё» романим ҳам союзимизда муҳокама қилинган. Масалан, шу шеърӣ романи дунёга келишида союз бевосита раҳбарлик қилганини бу ўринда мамнуният билан таъкидлагим келади. 1973 йилда романинг биринчи қисми (у пайтда дoston ҳолида эди) муҳокамага қўйилди, Миртемир ака, Шўҳрат ака каби устоз адиблар менга кўп яхши маслаҳатлар беришди, кейин мен асарни ёзишда давом этдим. Олти йилдан сўнг романи муҳокама қилдик, Мирмуҳсин ака раислигида ўтган бу йиғилишда роман атрофлича, чуқур, холисона таҳлил қилинди, шундан сўнг қайта ишлаб, нашрга бердим. Мана, кўриб турганингиздай, оддийгина бир ижодкорга союз шунчалик эътибор билан, меҳр билан қарайди, унинг ҳар бир ёзганини ўз фарзанди каби вояга етказди. Ахир муҳокамаларда менга: шу образ ҳали хом, пишитиш керак, мана бу ўринда воқеликни тарихан янада ҳаққонийроқ тасвирлаш лозим, бу персонаж тип даражасига кўтарилиши даркор... каби маслаҳатлар берилмаганда, бу асарни қандай қилиб ёза олардим? Мен союзимиздан, союзимизнинг доимо ижодкорлар билан ахил иш олиб бораётган секциялари, уларнинг фаол ходимларидан миннатдорлигимни яна таъкидлашни истайман.

Езувчилар союзимиз биз — ижодкорлар учун ниҳоятда фойдали учрашувлар, анжуманлар ташкил қиладики, бу ҳар бир адиб ёки шоир учун ижодий ўсишида, шахс сифатида камол топишида катта аҳамиятга моликдир. Масалан, 1976 йилдаги Осиё ва Африка ёш ёзувчиларнинг Тошкентдаги учрашуви менда жуда катта таассурот қолдирган. Мен бу йиғинда осийлик ва африкалик жуда кўп тенгдошларимни, хусусан, Москвадаги жаҳон адабиёти институтида бирга ўқиган дўстларимни кўрдим, суҳбатлашдим. Икки улуғ қитъадаги ҳаёт тўғрисида ўйладим. Ижодий ниятлар туғилди... Бунда ҳам союзимизнинг катта хизмати бор, албатта.

Ўзбекистон Езувчилар союзи биноти биз учун алмаматрдай — оналар онасидай улуғ, муқаддас маскан. Биз бу ерга ҳар доим ўз онамиз қошига боргандай меҳр-муҳаббат билан кириб келамиз. Бир ижодкор сифатида барча тенгдошларимнинг ҳам кўнглидаги гапларни қўшиб айтишим мумкин: биз союзимизнинг фаолияти, обрўси, адабиётимиз шўҳрати бундан ҳам юксалиши учун нима хизмат бўлса, барчасига тайёрмиз.



# МЕН ҚУЁШНИ КЎРГАЛИ КЕЛДИМ

(Миртемир)  
Эссе



Одатда қуёш чиқаётганда ва ботаётганда катталашади, кундузи тепангда ёғду сочиб туради. Ўзбек совет шеърлятида Миртемир ижоди ҳам қуёшнинг ана шу ҳолатларига менгазуликдир. У сўнгги нафасига халқнинг ишончини оқлаб кетди: элини, она тупроғини жон-дилидан сева билди, куйлади. Куйлаганда ҳам меъерида, дилларга етказиб, қойилмақом қилиб куйлай олди. Ҳеч кимга ёмонлик истамади. Бундай иллат унинг мижозига ёт, ҳар ишда яхшилик қанот эди. Ўзини эл қаторида санарди, ҳар қаерда ўзини эл билан бирга биларди. Камтарлигидан бир шеърида «Умрим оддийлардан оддийроқ...» деб куйлаган эди. Нимаики ёзса, ўтмишга қайрилиб қарар, бугун билан солиштирар, шу кўйи айтаётган гапини исботлагувчи эди. Кечаги кунни, ўтмишни унутолмас ҳам эди. Ҳар бир ёзганидан кўнгли тўлмаган, ўзини ҳамиша халқидан қарздор билган Миртемир таржимаи ҳолида ёзди: «Бошимга синоғлиқ кунлар ҳам тушди. Лекин ёзишдан, таржимадан ҳеч қачон тинмаганман. Уринаман, изланаман, ўрганаман. Ҳали мен ёзув столига астойдил ўтирганим йўқ, ҳали халқимга айтишим керак бўлган гапни айтолганим йўқ. Мендан нон ва туз аямаган, ҳам шараф бағишлаган халқимдан ҳали мен кўп қарздорман.»

Ўзини Миртемир шогирдлари қаторида кўра олган, эндиликда ўзи ҳам устозлар сафида бўлган Зулфия бундай дейди: «Миртемир чинакам инсон эди. Мен энг маънос онларида ҳам Миртемирнинг шу ўқтамлигини йўқотмаганлигини кўрганман... Миртемирнинг ўзи аслан чўнгликдан — юксак Қоратоғнинг яғринидан... Унинг қоядай қўйма шеърлари яхлит мазмун, чарақлаган ғоя, пок аланга билан ёнган ҳислар, халқнинг бой тилидан таркиб топган.»

Миртемир вафот этди!..

Уша йўқлов онларидаёқ Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи, бутун ўзбек халқи кўп қатори, Чингиз Айтматовдан шундай таъзиянома олди: «Биз учун қадрон Миртемир ака вафотини чуқур қайғу билан эшитдим. Ажойиб инсон, қайтарилмас талант, туркий адабиётлар ва туркий тиллар билимдони Миртемир ака орамиздан кетди. Оқсоқол Миртемир хотираси олдида бош эгаман!»

Миртемир вафот этди. Аммо унинг қуёши ботгани йўқ!

# Күёшни куйлайман...

Буюк денгизда асов тўлқинлар исён наърасини тортиб ўйнаганда, биз уйқу қучоғида эдик. Тўлқинлар қирғоқларга ларза берганда кўз очдик...

Миртемир

Қоратоғ этакларидан эниб тушгучи сойлар Туркистоннинг Эски Иқон ҳамда унинг теваарак атрофидаги Ибота, Чаға, Тошаноқ сингари қишлоқлари бағрига сингиб кетади. Ҳрақач-Ҳрақач булутлари қаёққадиш шошаётган осмон, саратонда жимирлаган ҳовур, сертупроқ йўлларга тушган турли излар, сархил меваларини сахийлик билан елга инъом этган тутлар... Буларнинг барчаси киши қалбини орзиқтиради, хаёлни олис-олисларга етаклайди. Эски Иқон кўчаларида одам сийрак. Бировлар Қоратоғ этакларида чорва билан овора, аксарият аҳоли буғдой ўроғида.

... Минг тўққиз юз ўнинчи йили ҳосил мўл бўлди — одамларни шошириб қўйди. Кўплар ҳовлиларига қайтмай, далада ётиб қолар, тонг бўзарар-бўзармас яна ишга тушиб кетар эди. Шундайлар орасида Турсунмуҳаммад Умрбек ҳожи ўғли ҳам бўлиб, кўли ишда-ю, фикри-зикри қишлоқда — уйда эди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди-да! Уйда ёстиқдоши Тўти ёлғиз. Унинг ой-куни яқин. Хотинининг асли исми Моҳирўй бўлса-да, неғадир ҳамма, ҳатто ўзи ҳам Тўти, деб чақиради.

Турсунмуҳаммаднинг ҳаётдан кўнгли тўқ. Туриш-турмуши бошқаларникидан кам эмас. Деҳқончилик қилади, мол-ҳоли етарли. Фақат, фақат худо уни фарзанддан қисиб кўяётганидан еган-ичгани татимас, қун сайин одамови бўлиб бормоқда эди. Тўнғичи Абдулҳамидни умри билан бермаган экан — кетди-борди. Сўнг Турсунмуҳаммад Маккага ҳажга ҳам бориб қайтди. Иккинчи ўғлининг отини Хожимурод қўйди. У ҳам турмади — акасининг этагини ушлаб кетди, норасида шўрлик... Мана ҳозир Моҳирўй яна ҳомилали. Тўғилди-ўлди, келди-кетдидан юрак олдириб қўйган Турсунмуҳаммаднинг безовталиги шундан.

У чошгоҳ бўлиб қолганини одамлар нонуштага отланаётганида ҳам сезмади. Манглайдан тер сизиб, ўроқ тортаверди. Бир замон қулоғига синглиси Биби Саҳронинг чинқириғи эшитилди-ю, ҳаракатсиз қотди-қолди. Синглиси олисдан қулочини ёзиб, нималардир деб чопиб келар, Турсунмуҳаммад ҳеч нарса эшитмас, эшитгулик аҳволда ҳам эмас эди. Ҳамшираси жуда яқин келгандагина ўзини тутиб олди.

— Суюнчи, акажон, суюнчи! Уғил! Эшитяпсизми? Нима бўлди сизга, ўғил деяпман!

Турмуҳаммад буғдойи ўриб олинган ангорда ўтлаётган самани белига қандай кўнганини билмайди. Ҳовлисига елдай учиб бордию отдан сакраб, доя момонинг ҳай-ҳайлашига қарамай, хотини ётган хонага отилди.

— Раҳмат, энаси!..

Моҳирўй эрига маъюс термулиб туриб, хўнграб юборди. Шўрлик аёлни икки фарзанднинг доғи бутунлай доводиратиб қўйган, бунисининг умри ҳам омонатдай кўриниб, кўнглини безовта қилмоқда эди.

Эртаси куни Турсунмуҳаммад хонадониде одамлар ғимирлаб қолди. Янги меҳмонга аталган қўй сўйилиб, қишлоқ оқсоқоллари, катта-кичик йиғилиб келди. Эл тарқалиш олдиде Турсунмуҳаммад оқсоқолларга оқлик қўйиб, удумга кўра, фарзандига исм тилади.

Шу-шу, Турсунмуҳаммаднинг минг тўққиз юз ўнинчи йил буғдой пишиғида туғилган ўғли Миртемиршо аталиб яшайверди. Турган гапки, бу норасида келгусида атоқли халқ шоири, Миртемир деб ном таратган эъзозли эл ўғли бўлиб етишиши ўшанда ҳеч кимнинг тушига кирмаган. Бироқ шундай бўлди: ўша оила, ўша қурама қишлоқ, ўша қадим Туркистон табиати ва одамлари Миртемирнинг эзгуликка ташна покиза қалбига аста-аста қуёшдай катталашиб кирди. Бу ҳақиқат шоирнинг 1934 йили ёзган «Кўёш ҳақида» шеърида ҳам акс этган:

Мен ерга қуёшни кўргали келдим,  
Бироқ у қулмаган бўлса ўшал кун  
Куйлагум, куйлагум қуёш ҳақида,  
Тароналар тўқиб, солгум садо — ун...

Миртемир ёшлиқдан қуёшни, нурли борлиқни тўлиқиб куйлади. Нури йўқ жойни кўрса — бор бўлсин деди! Уша шеърида у яна: «Дарвозаларнинг пешонала-

ЭССЕ  
◆ МЕН ҚУЁШНИ КўРГАЛИ КЕЛДИМ  
◆ ОТАЕР

рида елпираган туғлардай, бир қудрат таратолсин қичқириқларим», дея ўз маслағида собитлигини таъкидлади.

У не замонлар мудроқ, ҳорғин ва чарчоқ, тоқ, шўрлик ва тарқоқ бўлган, лекин ленинча инқилобдан қудрат ва илҳом олган, ямоғу қуроқлиги, чанқоқлиги бас бўлган юртини куйлаб, унинг фазилатларидан фахрланиб, одамларини ардоқлаб ўтди.

## Зайнаб момо ўғитлари

Биби Сахро акасига суюнчига борганда, ўн уч яшар қизалоқ эди. Тақдир тақозоси шу бўлдики, у Миртемир туғилганда қанчалик қувониб, вояга етказиб суюнган бўлса, сўнги манзилга узатаётганда шунчалик куюниб, ғариб бир аҳволга тушиб қолди. Тақдир тақозоси шу бўлдики, Миртемир ҳаётда Биби Сахро бувига фарзандгина бўлиб қолмади, балки суюкли куёв сифатида ҳам ҳурматини қозонди.

...Йигит ёшидаги Миртемир олис айрилиқли сафардан қайтиб келгач, Турсунмуҳаммад синглиси Биби Сахрога маслаҳат солди.

— Миртемирни ўзинг катта қилдинг, синглим. Онаси шўрлик ҳузурини кўролмади... Болам бечорага онаси қабрини кўриш ҳам насиб этмаган экан... Энди, шу қизинг Ёрқиной билан Миртемирнинг бошини қовуштириб қўйсақ бўлармиди...

Биби Сахронинг кўзи ёшга тўлди. Қувончданми, ўксинишданми — буни айтолмайди. Ҳар тугул икки фарзанди ҳам ёнида бўлишидан, орзу-ҳаваси ушалаётганидан кўнгли ҳаприққани рост.

Алқисса, тўю томоша, расм-русуми жойига қўйилиб, Миртемир билан Ёрқинойнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди.

Ушанда 1935 йил эди...

Ака-сингил Турсунмуҳаммад билан Биби Сахронинг қуда-андачилик қилишларига оналари Биби Зайнаб ўғитлари ҳам сабаб бўлгандир, эҳтимол. Эски иқонлик Умрбек ҳожи Усмон ўғли Биби Зайнабга уйланаётганда, ёр-дўстлари орасида: «Сенга бошқа қиз қуриб қолувдимми?» деганлар ҳам топилган экан. У замонларда ҳам қизлар паранжи-чачвонга қанчалик чирманиб юришмасин, қишлоқ йигитлари қайси қизнинг ҳусни қанақаю, феъли-атвори қанақалигидан бохабар эканлар-да! Зайнабнинг шаддод ва қақажонлиги Умрбек ҳожига биродарларининг ҳалигидай таъна қилишларига баҳона бўлган. Лекин Зайнабни ёқтирган Умрбек ўз аҳдидан қайтмаган. Кейинчалик қишлоқдаги иззат-икромли хонадонлардан бўлиб танилган бу оилада беш қиз ва бир ўғил — Турсунмуҳаммад дунёга келган.

Ўғлини еру кўкка ишонмаган Умрбек ҳожи уни ҳеч нарсадан ўкситмай ўстиради. Буй етгач, Исомиддин домла деган маърифатли одамнинг Моҳирўй исмли ойдек қизига уйлантиради.

Биби Зайнаб фарзандларига ўрни-ўрни билан қаттиққўл ва меҳрибон бўлганидан, фарзандлар ҳам оналарининг нима дейишини кўз қарашидан оқ илғаб олишарди. Одамлар Биби Зайнаб бош қўшган маъракаю давра кўнгилдагидан зиёд ўтишига одатланиб қолганлар, доимо унинг ҳурматини жойига қўйганлар. У бирор жойда дидига ўтиришмаган ҳодиса устидан чиққудек бўлса, ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб юборар, айниқса, болакайларга озор бергани жини суймасди.

Миртемир момосининг бу фазилатларини кейинчалик «Момом» деган тўртлигида таърифлашга жазм этган:

**Момомнинг отини Зайнаб, дердилар,  
Келади чақичин чайнаб, дердилар.  
Келса ҳам келсин-да, булоқдай димиб,  
Келмасин қумғондай қайнаб, дердилар.**

Шоирнинг «Бувим чўпчакларидан» туркумига кирган талай шеърлари Биби Зайнаб момонинг ўғитлари, у айтган ривоят эртақ, халқ ҳикматлари таъсирида туғилгани сир эмас.

Миртемирнинг Тошкентга келиб, ўз йўли ва ўрнини топиб кетишига ҳам Биби Зайнаб сабабчи бўлди. Дастлаб бобоси Исомиддин ҳожи қўлида, олти ёшидан эса Нўғай домлада ўқиган Миртемирга эски мактаб таълими ёқмай, у ердан қочади. Шунда Биби Зайнаб момоси ҳеч кимга билдирмай, уни Тошкентда ўқиётган неваралари — Ирисбек ва Баҳромга қўшиб юборади.

— Тавба! — деган эди Миртемир домла. — Мендак шумтака бир «қочоқ»қа бувимнинг ўшанда нега бунчалик меҳрибонлик қилганига ҳали-ҳали ҳайрон

қоламан. Бизлар шошиб турибмиз-у, шўрлик бувим бўлса куймана-куймана иссиқ нон ёпиб, бўғирсоқлар пишириб, йўлхалтамизга жойлаб қўйгани кечагидай ёдимда... Ундан кейин десангиз, Тошкентда янги ҳаётим бошланиб кетди, анча пайтгача амакиларим, айниқса, Баҳром амаким ҳолимдан тез-тез хабар олиб турди. Уша амаким урушда ҳалок бўлди. Ундан уч қиз, икки ўғил қолди. Ўрнини билдирмадим. Болалари ҳозир уйли, оилали, тотувли... Қизларнинг учови ҳам фан кандидати — дорилфунунда педагог...

Устоз сўзлапти-ю, мен унинг ўғил-қизлари, яқинлари, умуман, ҳаммага ҳам бирдек — доимо ёрдамга шай туришини, меҳри уммонлигини дилимдан ўтказаман, фарзандлари — Дарижон, Юлдузхон, Миржалол, Мирзо, Гулнорани очилиб-сочилиб эркалаганини кўрмаганимни эслайман. Оила аъзолари даврасида ҳам, шогирдлари қуршовида ҳам у доимо сипо, талабчан, ғамхўр, бироқ бу фазилатлар ҳеч қачон зўраки бўлган эмас.

— Ҳар бир нарса, ҳар қандай хатти-ҳаракат, муомала асло одоб чегарасини, меъёр сарҳадини бузмаслиги керак, бўтам... — деб уқтиришни яхши кўрарди домла. — Ахир, ўйланг, сизнинг елкангизга қоқиб: «Сиздан зўри йўқ, ажойибсиз, етилиб қопсиз!» деб мақтовга ўрайверсам... Хўш, ундан кейин нима бўлади. Эртага ўтолмай, индинни кўришга сабрингиз чидамай бир замбил лой бўласиз — шу! Фарзандларимга муносабатимни эслатдингиз. Тўғри, уларни ҳадеб ялаб-юлқай-вермайман. Олган ҳар нафасимда улар нафасини туяман. Чинакам бир отачилик меҳрим шулар туғилибдики, шулар билан бирга. Улардан кўнглим хотиржам — ҳеч бири ранжитгани йўқ мени...

Кўзларимга ёш қуйилиб келади. Устоз бу гапларни менинг юзимдан ўтолмай айтаётганини сезиб тураман. Бўлмаса, устоз шахсий кечинмаларини бу қадар ёйилиб (таъбир жоиз бўлса, мақтанганнамо) айтадиганлардан эмас эди. Лекин домланинг бу гапларини айтаётганидан қандайдир мақсадни кўзлаганини ҳам сезиб тураман. Мана, ўйлаганимдай бўлади. Устоз гапига яқун ясаб, дейди:

— Шундоқ гаплар, бўтам... Шоир ҳам шеърларига шундай муомалада бўлиши керак: уларни туғилгандан ҳадеб эркалатавермаслиги, ҳаммага кўз-кўз қилиб мақтайвермаслиги зарур. Аксинча, уларга ҳар гал назар солганда ҳар бирини тежаб-тергаб, у ер-бу ерини тўғрилаб, зиммасидаги бурч ва масъулиятни тагин ҳам кўтариб, шеърхон қаршисида қизариб қолмаслиги учун қайғуриб туриши лозим. Тушунгандирсиз...?

Ким билсин, бу хислат ҳам домлага ўша кайвони Биби Зайнаб момодан юққан бўлса, ажаб эмас...

## Мен ҳаётни севардим

...Мунис онаизор бўғриқиб-бўртиб нон ёпади. Енгсақда дамба-дам қўли куйди-да, тандирдан тортиб, уҳ-уҳлаб қўяди. Хивич-той минган ўғилчаси тандир айланиб гижинглайди. Она унга патир узатади. Насибасини олган болакай дунё топгандай қувониб нари кетади.

... Йиллар ўтиб, она қишлоғи ёдига тушди дегунча, танглайда унга аталгувчи ўша патир таъмини туяди.

Бу хотиралар аввал қоралама — насл ҳолида ифодасини топади. Кейин назм шаклини олади. Кейин сайқал топаверади, топаверади...

... Кексайган шоир армонлари ва ўйларининг поёни йўқ. Гоҳо бедор тунлари уни ажал лақиллатади. Кўзга тобут ва бешик кўринади. Гўё кимдир эшик чертади, йўқ чертмайди, асабий тақиллатади. Олис Туркистон, она қишлоқ ёдга тушади. Нодонликда, сарсонликда, гўлликда ва сўқирликда ўтган йиллар хаёлдан кечади. Ана, ўчоқ бошида жилмайганча она заранг косада ҳалим гўжа сузаяпти. Гоҳо қалами қўйлагиде, девор оша ёниб, қўшни боғбон қизи муралайди. Ё рамазон айтиб чопган болалар тўдасида ўзини кўради... Энди унинг хаёлини замон кўринишлари, бугуннинг манзаралари бўлади... Яна қинғир кўчалар, мастлик суронлари, сув талашган маҳалла одамлари, совуқ сувга оқизоқ бўлган нон таъми ёдга тушади. Яна болаликда ҳар гал нон ёпилганда унга аталган ўша патир — кўнглига қуёшдай кириб келгувчи ҳароратни ҳис этгандай бўлади. Икки юзи қуёшдай ёниб патир узатаётган она сиймоси кўз ўнгидан кетмайди...

... Туннинг чироқлари олтин игналарини отиб, «лип-лип» ўтадилар. Поезд темир изларни соз каби чалиб олға интилади.

Шоир ёндафтарини олиб ёзиб қўяди: «Шу осмон остида айрилиқдай оғир ҳол йўқ-ку...»

Йиллар умр онларини юлиб олади. Хотиралар, кечмиш дақиқалар ўчмас муҳрини босади. Шоир шеър қоралаш билан ўзини овутиди. Дафтар варақлари

тўлиб боради: «Кунга, тунга, тонгга бермай дам, иш кетади, шумикин бахтим?»  
Олис айриликдан сўнг — узоқ сафардан кейин шоир «Қадах» шеърисида баралла  
кўнгил бўшатади:

**Синов йўли мардона кечганимга ичаман,  
Ғуссаларимга кафан бичганимга ичаман,  
Ҳаётда янги варақ очганимга ичаман,  
Билган билсин, билмаган бўлсин огоҳ!**

Табиат қаршисида кезаётган шоир «Хўш...» деганча, алланималарни ҳавога  
ёзиб-ўчиради, ўзича нималарнидир шивирлаб қўяди:

— Шер илҳом билан, қандайдир бир туртки билан, юракдан тўкилиши  
керак,— дейди домла тўлқинланиб.— Бугунги кунимиз эрта учун ҳамиша мўъжиза  
бўлиб қолаверади. Яна гап шундаки, ҳақиқий инсон буни жуда яхши билади. Шу  
мўъжиза бўлиб қолаётган кунларда муҳр қолдираётганидан хабардор. Лекин  
унинг бахтсизлиги шундаки, у гоҳ ўзи билиб, гоҳ билмаган ҳолда умрини дақиқа  
сайин қисқартиб бораверади — ўткинчи, бўлмағур икир-чикирлардан асабланади,  
гоҳ иккинчи даражали ишлар билан ўралашиб, ранжийди...

У Ленин замонасига етиб келган жафодийдалар бахтидан сўзлайди, ҳоришни  
бўйнига олмайди...

Миртемир бир пас у ёқдан-бу ёққа юриб, тўхтайти...

— Қўрқоқларга бахт қаёқда дунёда?

Ўз товушидан ўзи чўчиб тушган ёш шоир атрофга аланглайди. Ҳеч ким йўқ.  
Яна ўйга толади. Яна ўзича нималарнидир шивирлайди. Ҳавога бармоғи ила  
аллақандай сатрларни ёзиб-чизади, яна ўчиради.

— Мен қайтиб бормайман!.. Айтайми, бобожон?.. Тўппа-тўғри айтаман: мен  
дахрийлар сафида!.. Тушунасизми? Сизнинг сўқир йўлбошчиларингиз дунёсига  
қарши курашувчилар сафидаман! Боролмайман, кир тилаклардан соф-мағрур  
бошимга салла ўролмайман!..

«Ҳа...— дейди шоир.— Буни асарнинг ўрталарига қўйиш керак. Йўқса,  
таъсирсиз чиқаяпти...» Сўнг негадир хаёлини тунлар ўғирлайди, сўнг тонг...  
Фикрлар қуюлиб келади:

«Сўнгсиз тунларнинг хаёли юракка қўрқув солган дамларда, хаёл борлигини  
қуршаб олган дамларда — тонг отгани ва кўланкалар ботгани қандоқ соз!»



Унутилмас лаҳзалар.



— Қандоқ сози!

Миртемир хаёлига қўнмиш нидога жавоб қайтарди-да, яна Туркистонни, қишлоғини эслаб кетди...

Хаёли учқур пайтлар эмасми, энди фикрини меҳнат кишилари банд этди:

«Кўрганмисиз,  
Қорага бўёлғон меҳнат қахрамонларин?!»

«Буни «Кўклам куйлари» номли сочмага киритиш керак. Жуда ҳам ўрнига тушади», ўйлади у.

Она Туркистон ишқида орзиқди.

Кейин табиат мўъжизаларига шайдо бўлиб уйига қайтаркан, ортидан бир нидо эргашди:

— Борлиққа таралсин танбурим товуши!

Миртемир 1927 йили ёзган ўша «Кўклам куйлари»да: «Уф... Мен — севгувчи эдим...» дейди. Дарҳақиқат, шундай бўлди. Шоир умрининг сўнгги дақиқасигача севгини теран тушуниб, ўшандоқ севги соҳиби бўлиб яшади: ёрини қанчалик севса, Ватанини шу қадар ардоқлай билди. Шеърятга муҳаббати қанчалик оловли бўлса, халқига шу қадар ҳарорат ва меҳр билан ихлос қўйди. Меҳнат кишиларини қанчалик оддий ва камтар, фидойи ва содда деб тушунса, ўзини ҳам ўшалар қаторида ҳис этди. Шоир деган юксак номни ҳеч қаерда, ҳеч қачон пеш қилмади. Шу азиз Ватанга туғилганидан доимо бир умр миннатдор бўлиб ўтди.

Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи йили ёзган «Сени, болалигим» шеъридаги мана бу мисраларни эса кўп тизди:

Шиддатга ўрганган болалик чоғим  
Кўзим қорасида қолур умрбод.

Шоир ўйга толади...

... Ху анави чўққилар ўтмиш уммонига ғарқоб нуроний чолларни эслатади. Қоянинг кунботар томонида эриб битмаган қорлар бор. Қуёш ўз машғулотини айни авжига чиқарган пайт — қоқ туш. Пастга отилаётган сой шаҳд билан тошга урилади-да, қуёш нурида ялт-юлт қилиб, этакдаги майсаларга марварид томчилар улашади...

Сой ёқалаб сал қуйи юрилса, турли дарахтлар билан қопланган сўлим гўша...

Шоир хаёлига ўроқ тушади-да, фикрлари олис уфқлар этагини тутати. Ана, у ўзга бир олам кўйнида нафас оляпти. Орзу қанотларини йиғишга ожиз...

Тўлқинлар кўпикланади... Бир тўлқинки, турғунликни тарк этиб, қўрқинч гўрларга, маъюс чўлларга, ўнгу сўлларга қулоч отяпти. Ҳеч қандай қудрат уни қайтаролмайди: тинмай тошаяпти, кўпик сочаяпти. Наърасидан, шовқинидан ҳар ёқ ларзага тушади. Тўлқинлар эса илгари босади, илгари босади...

Шоир янги ҳаёт уринишларини қудратли, ғалаёнли тўлқинларга ўхшатар экан, шеърга нуқта қўяди: «Ҳовлиқма тўфон олдин босажак...»

Кейин кўз ўнгида Ватан сарҳадлари мезон тортади. Унинг ҳар бурчида бу тошқин шовқинларини туяди. «Қоронғи кечалар ботди йўқликка!» унинг кўнглидан кечади. Фурудан, янги ҳаёт наъъасидан ҳаволаниб сўлиш олади.

...Минг тўққиз юз ўттиз иккинчи йил эди чоғи. Самарқанд ҳар галгидай азимлиги билан улугворлик касб этган. Саратон ҳарорати кўнглини лоҳас қилади.

Капитал... Хрестоматия ва адабиётлар. Дарсликлар... Миртемир мутулаа билан банд: ўқийди, ёзади, ёзади, ўқийди... У машқига нуқта қўйиб, қушдай енгил тортди. Уйни бир айланиб келиб, ёзганлари тепасига энгашди. Сўнг қоғоздаги ларни овоз чиқариб ўқий бошлади. Бу шеър — иқроор, шеърий конспект эди. Ўтмиш билан янги кун муқоясаси!

У шеърдаги «Ер билан осмон-ку» деган сатрни тузатиб, яна ўқийди: «Бир узоқ, қўшилмас йўл-ку, Маркс формуласи ила — сенинг тушунчангнинг ораси...» Кейин сарлаваҳа қўйди: «Ленинизм дарсидан»: «Ёзганларим чўзилиб кетмадимикин?...» ўйлади у. Охиридан узундан-узоқ изоҳли мисраларни олиб ташлади-да, қайта ўқийди: «Қуражакмиз зарбдор фронт бўлиб, синфсиз жаҳон!»

## Яна Иқон ҳақида

Туркистоннинг Миртемир туғилиб-ўсган Эски Иқон қишлоғи қурама бўлиб, у ерда қадимдан қарийб қирқ уруф вакиллари истиқомат қилиб келганлар. Устознинг ўз сўзи билан айтганда, уларнинг тили «дағалроқ», лекин жуда бой,

рангдор; оҳори тўқилмаган эртақ, дoston, қўшиқлари кўп. Миртемир ота томонидан қоровулбобо, она томондан ўтрор уруғига бoриб тақаларди. Ҳар иккала уруғ ҳам Эски Иқонда катта, маъқеи баланд уруғлардан ҳисобланган.

Бу ҳақда шоир таржимаи ҳолида қуйидагиларни ёзади: «Менинг уруғим қоровулбобо... Қишлоқ ўртасида баланд ва кўламлик култепа бор, тепаасидан қадим шаҳарларнинг қолдиқлари, ҳатто олис Туркистон, Яссавий мақбараси кўринади. Култепа ўртасида Темур ё Улуғбек ўрнатган бир сандиқча келадиган кўктош бор. Еттинчи бобомгача шу тепада қоровуллик қилибди. (У кезларда қишлоқ айланаси кўрғон экан-да!) Боболарим бари полвон, яъни аскар экан. Олисдан ёв кўринса, ноғора урилиб, ҳамма кўрғонга тиқиларкан... У замонларда тез-тез жанг бўлиб турар экан-да... Шу туфайлими, иқонликлар қоровулбобо уруғини аскар уруғи деб аташган.»

— Иқон «йиқон» сўзига эгизак-да, — дейди устоз, — мундоқ тушунтирганда, ишонишлик, дегани. Ёхуд тагин аниқроқ ёндошилса, эътиқод, имон, самимият, илиқлик (ҳарорат) маъносида тушунилса ҳам бўлади... А-ҳа.. Демак, ишонч, эътиқод, имон, самимият, ҳарорат бўлгандаям шу тушунчаларнинг энг қадимийси (ахир, қишлоғимиз номи ҳам Эски Иқон-ку!) экан-да! Тавба!..

Шоир бир қиррасини доим пешонаси ўртасида тўғри кўндириб юргувчи дўпписини кўзғатиб, яна жойига қўяди-да, хаёлга берилади. Мисвок билан тишларини тозалайди (ҳеч нима емаган бўлса ҳам!). Одатича, тишларини фижирлатиб маънос тортади...

Миртемир умрининг охиригача Туркистонни, қишлоғини эсидан чиқармади. Ёзганда ҳам ёдида тутди. Кейинги шеърларининг бирида шундай дейди:

**Эсимга тушади оқсоч Туркистон...**

**...Эсимга тушади гўдаклик замон,  
Ўт ўриб, даладан ҳориб келганим.  
Ҳали оловнафас ва сўлқилдоқ нон,  
Совуқ сувга ташлаб еганим...**

Устознинг сўлғин ёноқларига, йиллар беаёв муҳрини босган серажин манглайига, катта бир адабиётда ўзига хос бир мактаб яратиб улгурган миқти жуссасига разм соламан: ким билсин, балки шу топда устод ёдига олис аждодлари тушгандир? Эҳтимол, бобоси ва жигаргўшаларини эслаётгандир... Ёки уни ҳар кеча чўпчаклар айтиб ором оғушига узатган Биби Зайнаб момоси хаёлида жонландимикан? Қайдам, устоз ўзини оқ юзиб, оқ тараб улғайтирган Биби Саҳро бувига фойибона ташаккурини изҳор этаётирми?..

## **Биби саҳро бувининг билганлари**

— Миртемиргинам болагидаям бошқа болаларга ўхшамасди, — дейди ҳаётда домлага ҳам она, ҳам қайнона сифатида азиз бўлган Биби Саҳро буви. — Онам Биби Зайнаб ҳам Миртемирни кўз қорачиғидай кўрарди. Миртемир момоси билан кўпроқ у эртақлар айтган маҳаллари бирга бўлар, зийрак, ҳар нарсага қизиқар, саволлар бергани-берган эди... Моҳирўй келинойимизнинг дадалари Исомиддин ҳожи билимдон, ҳурматли киши эди. У Миртемиржоннинг иштиёқини кўрди-да, тарбиясига олди. Ёшлигидан ёзишга, ўқишга диққатини тортди. Ушанда болагинам уч-тўрт ёшларда эди чоғи. Бир пайт қарасақ, Миртемир кўлига тушган нарса билан эшик-деворларга, ерга ёзадиган одат чиқарди. «Бирор дардга чалиниб қолмасайди» деган ташвишда қолдим. Неча бор болагинамнинг кўлига уриб, бу одатидан қайтармоқчи бўлганим ёдимда — фойдаси бўлмаган бари бир. Бу ҳам етмагандай уйимизга биров кириб келди дегунча, кўлига пичоқ олиб ташқарига чопадиган одат чиқарди. Узи билан бирга мени ҳам чиқишга ундар:

— Юрақолсанг-чи, меҳмон келди-ку, ахир, қўй сўямиз, — дея бийрон тил билан бидирлагани-бидирлаган эди.

...Бирдан устоз хонадонидан кузатганларим ёдимга тушди: «Устоздаги меҳмоннавозлик, очиққўллик ҳам кўндоқда теккан экан-да.» Бу мўътабар хонадонда дастурхон эртадан кечгача очиқ туради. Келиб кетувчилар кўп: устознинг қадрдони, бири қариндош-уруғи, бири редакция, телевидение ё радиодан, бошқа бирови эса шогирди ё бўлмаса устоз ҳали танимаган бирор ҳаваскор қаламқаш... Уларнинг ҳеч қайсисини устоз ранжитмайди. Аввало

меҳмон сифатида кўриб, самимий қаршилайди — дастурхонга таклиф қилади, у-будан олиб ўтиришга ундайди.

— Манови қази Туркистондан, бўтам,— дейди у меҳмоннинг кўнглини топиб гапиришга тиришиб,— кўриниши шундайроқ бўлсаям зап таом-да — мағзи тўқ... Маза қиласиз...

Эки кўпинча кайфияти очик кезлар ўғиллари Миржалол ё Мирзажонга яххонадан мусалласми, хуллас, бирор ичимлик олиб чиқишни буюриб қолади. Меҳмоннинг оз-оз ичиб ўтиришидан, (хасталиги бошланиб, ўзи ичмай кўйган бўлсаям) тортинмай, самимий гурунглашиб ўтиришидан завқланади. Умр йўлдоши Ёркиной ая ҳам эртадан-кечгача устоз Миртемирни сўраб-келувчиларнинг кўнглини олишдан эринмайди: ё мулоим сўзи, ё бир пиёла чойи, ё ширин таоми билан ҳамisha ҳозир нозир. (Ижодкор зотидек нозиктаъб, таъбир жоиз бўлса, «инжиқ» ва «ичимдагини топ»ларнинг умр йўлдоши бўлиб яшай билган аёллари-мизга ҳамisha таҳсинлар бўлсин!)

Келиб-кетувчиларга эса устоз албатта вақт ажрата билади. Имкони даражасида ҳар бирининг ҳожатини чиқаради. Бу билан домла шоирлиги ё «катта киши»лигидан тушиб қолмайди, бошлаган шеъри чала қолишидан нолиб, кайфиятини бузмайди. Аксинча, ўз ижодий ишларидан фикрини чалғитмаган ҳолда келиб-кетувчилар суҳбатидан баҳра олади, улардан лирик қахрамонларига ранг-бўёқ топишга уринади — шу тариқа ёзганларига кунба-кун сайқал беришдан эринмайди...

— Биласизми, болам, устозингиз болалигида яна бир одат чиқарган,— сўзида давом этади Биби Саҳро буви.— Исомиддин ҳожи бувасидан бирмунча ёзиш-ўқишни ўрганган Миртемиршони эски мактабга, Нўғай домла қўлига бердик. Олти яшарлар бориديه ўшанда. Кўп ўтмай эски мактаб болажонимга унча маъқул бўлмаганини пайқай бошладик. Кўпроқ ўзи китоблар ўқир, алланималарни хиргойи қилиб юрарди.

Мен кўпинча онам Биби Зайнабга зуғум қилиб қолардим: «Ҳаммасига сиз сабаб: қаердаги кўрқинчли эртақми-ей, яна бир нималарни айтиб берганингиз-берган неварангизга. Бир балога йўлиқмаса гўрга эди...» Қайда дейсиз, болам, онам парво ҳам қилмади гапимга. Қайтага Миртемиршо билан тагин кўпроқ овора бўлди. Аслида онам Биби Зайнаб тўғри қилган экан: Буни Миртемир эл оғзига тушиб, ардоқли бўлиб қолгандан кейин англадим...

Шундан кейин буви овозини пасайтириб сирли оҳангда давом этди:

— Ҳаммасиям майли-я, болам, кексайганида қолганмиди-йўқми, билмайман-у, лекин устозингизнинг ёшлиқдан бир одати, айниқса ошиб тушарди. Пинҳона кузатиб, неча бор ёқамни ушлаганман: йўл-йўлакай кетаётиб бирдан шаҳодат бармоғи билан ҳавога нималарнидир ёзган бўларди. Кейин лаблари пичир-пичир қилиб сал ўтгач, яна бояғи қилиғини, гоҳо ҳавога ёзганларини ўчириб ташлагандек, яна шаҳодат бармоғи билан чизиқ тортиб юборарди...

Биби Саҳро буви гапираётину вужудим аллақандай сирли жимирлашдан бир аҳволга тушиб бораётганини туяман. Миртемирдаги шу хислатни мен ҳам кўп кузатиб ҳайратга тушган, уни қай йўсинда изоҳлашни билолмай, «эшитган ё ўқиганларга эриш туюлмасмикин» деган ҳадикда эдим.

## Жўра бўза

Тонг отиб келар, шоир ҳовлида хазонларга тикилганча ўй сурарди. Ҳозиргина қоралама шеърига сайқал берди. Руҳи тетик. Ҳализамон болажонлари, неваралари уйғониб, ҳовли улар овозига тўлади...

«Тагин куз... Қилинадиган юмушлар бўлса бир талай...» ўйлади у. Кейин хаёли яна бололик йилларига кетди. Ўзича кулиб қўйди. Зап урф-одатлар бор эди-да...

Қизиқ... Туркистонда ёш гўдакларни юрса ҳам, ўтирса ҳам куёв билан бирга қўшиб қўйишарди. «Бу ҳам шундоқ улғайиб, куёв бўлсин, эр етсин!» дейишгани бўлса керак-да. Тантаналар тантанадек, маросимлар маросимдек ўтарди: бир ёнда кўпқари, бир ёнда қизиқчилик авжга чиқар, бир ёнда қирқ қулоқ дош қозон қайнаб ётарди...

Шундоқ танти маъракаларнинг бири жўра бўза деб аталарди.

Жўра бўза тайёрлаш учун тўрт-беш пуд тариқ олинарди-да, сўнг сувга солиб, кўкарганча ивителиарди. Кейин шолчада ёйиб совитилиб келида туюларди, хумда сақланарди. Ана ундан кейин иссиқ сувга солиб, сузиб олинарди, яна хумга солинарди-да, гиламчами, бирор шолчами билан хум оғзини беркитилади, шу куйи бир кеча турарди. Қарабсизки, жўра бўза тайёр.

Иннакейин сузса бўлаверади...

— Бўза... Шароб... У жон олғучи жонон оғудирки, унинг жоду ва ситамкорлигини билиб турасан,— дерди домла,— бироқ офатижон бу оғуни сипқормоқдан юз ўгиришнинг ҳам иложи йўқдир! Ешликда жуда ўч эдик-да...

Жўра бўза берган киши кўй сўярди. Яна ҳар ким баҳоли қудрат нимадир олиб келарди. Жўра бўзада ўттиз-қирқ киши бўларди. Ундан ташқари қариндош уруғлар ҳам чақириларди. Кимда-ким билмасдан бўзагар (бий) узатган пиёлани ерга қўйиб қўйса, ўша киши зиёфат берарди...

Шу чоғ яна Биби Сахро бувининг сўзлари ёдимга келади:

— Миртемирни жуда ёшлигидан жўра бўзага қўшиб қўйгандик. Ёшлигидан катталарга қўшилиб, одам бўлишини истардик. Ушанда ҳам Миртемир ўзгаларни ўйларди. Меҳмон кутишни жуда яхши кўрарди, денг. Нуқул пиёлани ерга қўйиб қўйгани-қўйган эди...

— Тўй томошаси ё улоқ, ё пойга, ё кураш ё бўза билан ўтарди,— деб эслайди домланинг ўзи.— Ҳатто чоллар ҳам жўра бўза ичишарди. Намозга бўзалик уйдан кириб-чиқишаверарди, кўп кўрганман. Жўра бўзанинг қоидаларини қатағон дейишарди. Жўра бўза қадим қўшиқларда ҳам куйланарди.

**Бўзани кўп ичмангиз, кайф этади,  
Барчани бирдек яратсанг нетади!..**

Уша кунлар мағзини чақсам, бўза ёз бўйи тиниб-тинчимеган деҳқоннинг кишки ҳордиғи — кўнглини ёзиши, бу кўҳна дунё бўзагарнинг ноласи эканда. Чунки қишлоғимизда тўкма гап, деган йиғинлар ҳам бор эди, яъни давлатмандларга хос бу йиғинларда сўқим сўйилар, қази-қарталиқ, норину ҳасиплик баркашлар тортилар... У йиғинларда шаҳардан хонандалар келар, қийқирик баравж ва шишалик шароблар гардун пиёлаларда айланарди. Бўза ҳалол саналарди чамамда.

У хаёл оғушидан ўзини айириб олди. Урнидан туриб, дадил одимлар билан ижодхонаси томон йўналди.

Тағин ўтилган донғил йўл хотирасидан жунбушга келди-ёв, шеър қораламоқчи, шекилли...

**(Давоми бор)**



**Чингиз Айтматов ўзбек ёзувчилари даврасида.**



Муроджон  
Мансуров

◆  
**МАНГУ  
ЖАНГ**



Роман

Биринчи бўлим  
**АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ**

*Тонг отади, кун ботади, кун кетидан кун ўтади. Унинг ётиши ўша-ўша. На ёнбошлайди, на тура олади. Алмисоқдан қолган сим каравотга михланиб, шифтга қадалиб ётгани-ётган. Ягона эрмаги — қафасдаги қушлару, девордаги улуғвор портрети.*

*Ун бир йилдирки, шу аҳвол, шу азоб, шу кўрғилик...*

*Соатлаб, ҳафталаб, йиллаб уларга тикилишдан, омади келиб, кимсан Бурҳон тўкис бўлиб юрган даврларини эслашдан ўзга чораси йўқ, лекин қани энди булар ҳаммаси бир таскин берса, ақалли анави собиқ дўстлари кўз олдидан от миниб, ясов тортиб ўтишини бас қилса! Лоақал бир кун, бир дақиқа тинч қўйса!..*

*Ун бир йилдирки, шу аҳвол, шу азоб, шу изтироб, шу ўрганиш...*

*Ота экан, неча йилдирки, папалаб ардоқлашади. Ўзи истамаган ҳолда оқ ювиб, оқ тарашади. У бўлса кечалари, тонг-саҳарларда ич-ичидан хўрлиги келиб, «бас, етар, бу кунимдан ўлганларим афзал!» дея нола қилишини қўймайди. Лекин қани энди носаси ижобат бўлса...бўла қолса!..*

*Ун бир йилдирки, шу аҳвол, шу азоб, шу изтироб, шу хўрликлар...*

*У кунлар, йилларнинг ҳисобини ҳам йўқотган. Унинг учун кун ҳам, тун ҳам бор. Фақат йилда икки бор — кўклам келиши билан уйдан пешайвонга, кейин яна кеч кузда ичкарига кўчиришлари бор. Лекин*

қани энди шу билан аҳволи-руҳи енгиллаша қолса! Бу тош-қотиб ётиш азобларидан, бу қайтар дунё жафоларидан қутула олса!

Ун бир йилдирки, шу аҳвол, шу кўч-кўч, шу азоб, шу кўргиликлар...

Қани энди ҳаммасини қайта бошдан бошлаб бўлса! Уч ўртоқ, уч актив, уч большевик, ўша вақтдагидек, бири қизил тулпорда, бири саман отини миниб, яна бири қорабайирда ишга чиқа олса!

Узи биларди қандай яшашни!..

## I

— Пишт! Пишт, падарлаънат!

Аммо қушлар баттар безовталаниб, ўзларини тўрга урдилар: қарчиғай чағиллаб, утки, қўрқинчли пихиллади. Саъва ожиз чирқиллаб, тўти гапириб юборди.

Бурҳон чолни ваҳима босиб келди: «Нима бало, уларга бир нарса бўлганми?»

Ҳали тонг отиб улгурмай, чумчуқлар бўғотлар остидан чирқираганча ўқдай учиб чиқар, узоқ-яқинда моллар маъраб, қўйлар баърар, отлар қўрқинчли кишнаб, итлар ҳуриб акиллар, ҳаммаёқ шундай нотинч овозларга тўлиб кетган эдики...

Худди шу пайт ер остидан бир нарса гулдураб келиб, Бурҳон чолни каравот-паравоти билан, наинки каравоти, у ётган уй билан қўшиб кўтариб ташлади. Уйнинг тўсини синчлари, рому эшиклари қасирқусур қилиб ғирчиллаб кетди. Назарида, уй деворлари майишиб келиб, устига том босиб туша бошлади.

— ...Гуноҳкор бандангни ўзинг кечир...— даҳшатдан чолнинг тили қотиб, пешонасидан муздек тер чиқиб кетди.

Унинг назарида замон охир бўлган-у, ер ёрилиб, дунёни сув босиб келар, гўё яна бир неча дақиқадан кейин мана шу писта пўчоқдек қалқиб турган уй, бутун олам йўқлик қаърига шўнғиб кетадигандек эди.

Аммо сўнгги дақиқада мўъжиза рўй бериб, уй деворлари оған жойидан ўрнига қайтиб келди, бир титраб қўйиб, жим бўлиб қолди.

— Узингга шукр, иноятингга минг қатла шукр,— енгил тортиб пичирларкан, Бурҳон чол туйқусдан кўзи ичкари уйнинг ланг очиқ эшигига тушиб, юраги музлаб кетди. Остонада шифтдай бўлиб... биров эшик кесакисини қучоқлаб турарди...

«Е тавба, ким бўлди?» Кечалари уйқуси беихтиёр қочиб кетганда девордаги портретидан оҳиста тушиб келадиған сувратдаги одам эсига келиб, ҳайратланди: «Ростдан яна ўшами?! Намунча уни тарк этмай қолди бу занғар?..»

У аввалига бир бебзор шарпага ўхшаб, гоҳ-гоҳ пайдо бўлиб қолар, шунда ҳам девордан бери келмасди. Бурҳон чол ҳам ҳаёлига ўрнашиб қолган шунчаки бир нарсадай ундан ҳайиқмасди. Узоқ кечаларда бамисоли бир эрмаги эди. Лекин кейин-кейин бориб, у тез-тез пастга тушиб келадиған, қўлини кўкси узра чирмаштирганча виқор билан хона кезиб, соатлаб баҳслашадиган одат чиқарди. Баъзан енгиб, баъзан енгилиб, тонг-саҳардагина уни тарк этади, жойростонига чиқиб кетади.

«Оддий кунда майли, аммо мана бу даҳшатли кечада унга нима бор экан? Еки ростдан ҳам у бор нарсамикин?..»

Бурҳон чол эшик кесакисига ҳамон ёпишиб турган қорага яхшироқ разм солди. Қизиқ, шарпа ҳам унга ўхшаб, тинмай бир нималар деб пичирлар, кўзини шифтдан уза олмасди.

Чол уни таниб, ўзига келди: «ҳеҳ, бечора, оқсоч-ку! Утакаси ёрилай дебди бунинг ҳам...» Оқсоч хотин, остонада дағ-дағ титраб турар, афтидан, уни қора тортиб ичкаридан қочиб чиққан эди: Қошки Бурҳон чолнинг қўлидан бир иш келса! У нима-ю, тўнтарилиб қолган тошбақа нима! Тошбақа-ку, биров раҳми келиб ўнглаб қўйса, ҳеч нарса бўлмагандай, юриб кетаверади. У-чи? Уни ўнглаб юборадиган куч

борми дунёда?.. Бурхон чол ички бир ҳасрат билан бош чайқади: Йўқ. Бўлса, ўн бир йилдан бери туриб кетмасмиди?.. Унда нимага умид тутиб ётибди? Бу ҳаётдан кўз юмиб кета олмаяпти? Нимадан, кимдан илинж кутиб ётибди? Уғли Қудратданми? Ҳа, қани эди кўзи очиқлигида номи қолаётганини кўрса, шу бирдан-бир тилагига етса. Кейин ўлса ҳам армони йўқ эди.

Оқсоч хотин зилзила тиниб, даҳшат ўтиб кетганига энди ишонди шекилли, кўксига туф-туфлаб, ётоғига йўналди. Азбаройи довдираб қолганидан ундан ҳол-аҳвол сўрашни ҳам унутди. Бурхон чол эса ҳамон ўйларди:

«Ҳақат ўғлим бу юмушни уддалай олармикан?.. Уриниб кўрармикан?.. Билса — мен унинг фаҳри, қалқониман-ку. Кимсан фалончининг ўғли, райком секретари бўлиб юрибди-ку... Мен унга қилганларим олдида бу нима экан?! Энди қайтармаса қачон қайтаради? Қачон?..»

У қайта мизғиб кўз очганда кун ёйилиб келар, худди кечаси ҳеч гап бўлмагандек олам яшнаб ётар эди. Бодраб-бодраб гуллаган ҳовлидаги нашвати ноқларнинг гуллари шундай оппоқ, улар орасидан кўзга ташланиб турган нилий осмон шундай тиниқ, офтоб нурлари шундай ўткирки, улар одамнинг эсига беихтиёр беғубор болалик йилларини, омади чопиб, даври келган пайтларини солиб-юборади.

Бурхон чолнинг эсласа арзигулик мавқеи, обрў-эътибори бор эди. Ҳеч ким уни шундай сурилиб кетади деб ўйламасди. Умрининг охиригача ҳеч кимга сўз бермай ўтса керак, дерди ҳамма. Шундай даври келган раислардан эди. Энди эса, мана, бир бурда бўлиб...ётибди. Бурхон чолнинг мижжаларига шу заҳотиёқ ёш қалқиб чиқди-ю, дарахтлар орасидан тушиб турган нур чаплашиб кетди. Узи соғ қўлини кўзларига босиб, қулт этиб ютинди: «Одам боласининг аҳволи шу экан-да. Эртага нима бўлишини билмас экан-да. Билса ҳар турли гуноҳ ишларга қўл урармиди!..»

Ич-ичидан хўрликми, аламми юрагини тирнаб босиб келади. Узи каравотида ночор-ноилож тўлғаниб қўяди. Ташқаридан, шундайгина пешайвон олдидаги нашвати нок устидан тинимсиз бир сас эшитилади. Худди асаларилар подшоши ўзининг тўпи-тўдаси билан шу нашвати устига кўр ташлаган-у, минглаб асаларилар визиллаб базм қураётганга ўхшаб кетади. У ётган ерида бошини буриб, тепага қаради-ю, нашватининг бодроқ гуллари орасида гулдан-гулга учиб-қўниб юрган беҳисоб оч кўнғир аричаларга кўзи тушди. «Қандай интизомли, қандай заҳматкаш-а? — ўйлади у. — Дунёда улардай ақлли жонивор бўлмаса керак. Жон ширин, интизом қаттиқ-да. Бўлмаса-ку...»

У бир вақтлар асаларичилардан эшитган гапни беихтиёр эслади. Буларда тартиб қаттиқ, ҳуда-беҳудага ўзини ишлаганга солиб, инга кириб чиқа олмайди. Инга қуруқ келганлар ёки маза-матрасиз шира билан алдамоқчи бўлганлар ўша заҳоти қўриқчи асаларилардан жазосини олади. «Асалдай ширин нарса ҳам қаттиққўллик меваси эканини қани энди одамлар билишса. Илгари колхоз аҳли, худди шу асалариларга ўхшаб, топганини бир ерга тўкарди. Ҳалол-пок, кўпчиликни ўйлаб ишларди. Алдам-қалдам нима — билмасди. Мабодо бундайлар топилиб қолса ҳам, кўпга бормасди, жазосини олиб, қишлоқдан кўчиб кетарди-да, ҳамма ақлини йғиб, ўз ишини билиб қиладиган бўлиб қоларди. Энди-чи? Энди ҳар ким қандай қилиб бўлса-да, планни дўндирса бўлгани эмиш! Уғли Қудратга неча марта айтди: «Ҳей, бола, бу йўлинг қалтис, одамлар миннатдор бўлмайди. Планни тўлдиришнинг осон йўлларини қидирма, интизомни маҳкам ушла, қўл остингдагиларнинг тизгинини бўш қўйма, бир бўшатдинг — кейин пушмон бўласан» деди. Йўқ, билганидан қолмади. «Сизнинг даврингиз, қаттиққўллик даври ўтган, у қари толлар кесилиб кетган», деб маҳмаданалик қилди. Мана, бағрикенглик оқибати, энди «учар»

одамларни изга солотмай, ҳар турли кўзбўямачиликлардан қайтара олмай ҳалак. Одамларнинг ўзларига қўйиб беришнинг оқибати шу-да! Юмшоқкўнгиллилик, яхши гап билан иш юритиб бўларканми?! Наҳот, ўғли Қудрат шунча йил ўқиб, шунча йил идора ишларида юриб, шу оддий ҳақиқатни билмаса?!

У орқамда қоладиганим деб кимга умид тутиб ётибди-ю, бу бўлса, юмшоқкўнгиллилик билан ўзининг илдиизига ўзи болта уриб ўтирибди. Ҳеҳ, тавба, буларга қачон ақл битаркан ўзи?!»...

У устига офтоб келиб бошини четга бурди-да, вассажуфт шифт остида қўнишга жой тополмай париллаб айланаётган арвоҳкапалакка кўзи тушиб, юраги увишиб кетди. «Эҳ, падарлаънат, яна келибди-ку! Кечаси анави қора шарпа, кундузи бу арвоҳкапалак келишини қўймаса! Тавба, тинчлик борми ўзи булардан?..» деб юборди беихтиёр. Уни кимдир қувиб солишини, уйдан ҳайдаб чиқаришини истаб, атрофга жавдиради. Лекин аксига олгандай, уйда ҳам, ҳовлида ҳам ҳеч ким кўринмасди.

Бурҳон чол юрагига ғулғула тушиб, қизғиш тўшли капалакка қараб қўйди. Энди у уйнинг тўсинига қийшиқ кўниб турганча қанотлари тиним билмай пириллар, одамнинг юрагига баттар ғулғула солар эди. У қачондир чоллардан эшитган гапни эслади: «Одамнинг куни битиб, умри тугаб бора бошласа, тепасида илгари ўтиб кетган узоқ-яқинларининг руҳи гирдикапалак бўлиб қолармиш. Гўё рози-ризалик тилашгани, орада ўтган гапларни кечгани келармиш. Тавба, дунёда кўп қизиқ эътиқоду тушунчалар бор-да. Ёки одам ўзига шунчаки таскин-тасалли бериш учун ўйлаб чиқарганмикан бу нарсаларни? Одамнинг руҳи-жони арвоҳкапалакка кўчадиган бўлса, ҳаммаёқни арвоҳкапалак босиб кетмасмиди? Ахир, шу вақтгача у билган қанча одамлар оламдан ўтиб кетмади? Бу қай бириники ҳам бўлиши мумкин? Балки бу унга ҳеч ишонмай, бутун рашк ўтида ёниб ўтган хотинининг руҳидир. Шунча йил шол бўлиб ётиб, чеккан азобларини кўриб энди гуноҳидан кечгани келгандир... Бошқа ким ҳам бўлиши мумкин? Ёки Қодир партизанми? Мени сотиб, кўрган кунинг, топган обрўинг шу бўлдим, оғайни, деб келдимикан? Балки Акбардир, унинг руҳидир. Ал қасосул минал ҳақ, деганларидек, ҳеч бир ёмонлик жазосиз қолмас эканми? Қани бир ўзинг осмонга устун бўла олганинг? Қайтар дунё нимагини энди билдингми, демоқчимми?.. Балки шундайдир, лекин...

Лекин ажаб, беш кунлик дунёда наҳот умрини беҳуда вағиллаб ўтказган бўлса?! Чекига тушгани шу экан, иложи қанча эди?! Унинг ўрнида бошқа биров ҳам шундай қилмасмиди, шундай иш юритмасмиди?! Унга ўхшаган қаттиққўл одамлар юрт бошида турмаганда бу ёруғ кунлар қаёқда эди?! Биз қаттиққўллик қилсак, ким учун қилибмиз? Шу юрт, шу халқнинг келажагини деб қилганмиз-ку, ахир. Шошмай туринг, ҳали бу қаттиққўллик кейин ҳам керак бўлиб қолади...»

Ташқарида кимдир овоз бергандек бўлди. Бурҳон чол Қудрат келдимикан деб ўйлаганди, юз ўгириб Жўрани кўрди. Бултур институтни битирган ҳайкалтарош невараси икки ўртоғи билан ҳовлида тортиниб турарди:

— Ассалому алайкўм, опоқдода, яхшимисиз? Зилзилалар билан тинч ўтирибсизларми? Манави ўртоқларим билан сизни бир зиёрат қилиб келувдик, майлими? — деди у шерикларига ишора қилиб.

Ҳовлидаги қийғос гуллаган олмаю нашватиларга маҳлиё бўлиб қолган йигитлар унга тавозе билан салом беришди, бўйдоргина жингалак соч грузин йигит бош эгиб, қўлини кўксига қўйди. Кўзойнакли, қотма рус йигити эса дераза олдига келиб кўришгани қўл узатди. Бурҳон чол унинг сазаси ўлмасин учун соғ қўлини чўзаркан, неварасига синовчан қараб қўйди: булар ким бўлди-ю, нимага бошлаб келди экан?

Жўра карнай қилиб ўралган катта оқ қоғозларни қўлтиғига кистириб, қўлида сурпга ўроғлиқ бир нарсани кўтарганча шериклари-



ни ичкарига қистади. Улар пешайвонга кириб қайтадан қўл бериб кўришгач, стулларни унга яқинроқ суриб ўтиришди. Йигитлар — ҳар ким ўзича тортиниб-қимтиниб ҳол-аҳвол сўрар, Жўра ўртадаги ноқулайликни кўтариш учунми, уларни таништиришга ошиқар эди.

— Опоқдода, булар менинг ўртоқларим. Бирга ишлаймиз. Отар уста рассом, Лёня архитектор. Учаламиз биргаликда бир ишни — колхозимизнинг буюртмасини бажаряпмиз.

Бурҳоннинг ичида йилт этиб умид уйғонди: наҳот унинг ҳайкалини ишламоқчи бўлишса?!

Сабри чидамай неварасига ялт этиб қаради:

— Қандай буюртма дединг?

Бурҳон чол бошини кўтариб ёнбошламоқчи бўлди-ю, эплай олмади. Ётган ерида неварасига умид тўла кўзларини тикиб жавдирлади.

Жўра бир ёнга силлиқ таралган сочларини селпиб, олдинроқ сурилди. Унинг кўнглидагини англаб етмай жавобга ошиқди:

— Колхозимиз биз ишлаётган лойиҳа институтига буюртма берган экан. Гузарда шон-шухрат ҳиёбони билан музей очишмоқчи эмиш. Биз унинг олд саҳнига бир ёдгорлик ҳам ўрнатсак, деб таклиф киритяпмиз.

Бурҳон чолнинг юраги гурс-гурс уриб келиб, томоғига бир нарса тикилди: «Демак, улар бекорга келишмаган!..» Ўзини бир олам шодлик чулғаб келиб, йигитларга миннатдор тикилди:

— Кимга қўймоқчисизлар? Билса бўладими? — деди зўрға ўзини босиб.

Невараси унинг қувончини ўзича тушуниб, боягидан очилиб кетди:

— Сиз... уни танийсиз, опоқдода!

«Мен... уни танийман?»..

Бурҳон чол бўшашиб тушди. Қулоқлари чиппа битиб, бамисоли юраги ҳам тўхтаб қолди. Ётган ерида беҳол тортиб, кўз олди қоронғилашиб кетди. «Ҳеҳ, бандаи лодон, — деди ўзини-ўзи койиб. — Аҳмоқ бўлмасанг шу тирмизаклардан мурувват тилайсанми? Неварам-ку, менга қўймаса кимга қўяди, деб чиппа-чин ишониб, шуларнинг олдида боладай алданиб ўтирибсан-а! Минг лаънат!»

У гўё ўзини бир дард айлантирган одамдай, кўзларини юмиб, бирпас жим қолди. Кейин чуқур тин олиб, юзини соғ қўли билан ишқади. Шошиб қолиб, қаердандир бир пиёла сув топиб келган неварасига қараб, қўл силтади:

— Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетди.

Йигитлар хотиржам бўлиб жойларига чўкишаркан, у ичида: «Хайрият, сезишмади, бир ўзи бўлса ҳам бошқа гап эди, унда эшитадиганини эшитарди бу тирранча», деб қўйди. Кейин ўзини тамомила хотиржам тутиб, неварасига синовчан қаради:

— Айтмоқчи, кимга дединг?

— Нимани, опоқдода? — Жўра азбаройи ўзини йўқотиб қўйганидан саволни англаб етмади.

— Нимани бўларди? Ўзинг айтган...ҳайкални-да.

— Ҳа-а, — невараси ҳижолатдан дув қизарди. — Сиз у одамни яхши биларкансиз. Бирга жанг қилиб, бирга колхоз тузган экансизлар. Ўзингизнинг ўртоғингиз экан-ку?

Бурҳон чолнинг яна боши, бутун вужуди қизиб кела бошлади. Хаёли қочиб, қулоғига ҳеч нарса кирмай қўйди: «Бирга жанг қилиб, бирга колхоз тузган экансизлар? Ўзингизнинг ўртоғингиз экан-ку?» Ким у? Кимга қўймоқчи ҳайкални булар? Қодиргами? Салкам қирқ йилдан кейин-а? Унутилиб, номи ўчиб кетганда-я? Қизиқ бўпти-ку!..»

Бурҳон чол неварасига истеҳзо аралаш назар ташлади. Бир кўнгли уни гап билан узиб олмоқчи бўлди-ю, яна бегона одамлар олдида ўзини тийди.

— Эшитяпман, қулоғим сизларда, — деди иложи борича бамайли-хотирлик билан.

Невараси бундан беҳабар, яна завқ-шавққа тўлиб, тушунтиришга тушиб кетди:

— Биласизми, опоқдода, бу ёдгорлик бир бошқача бўлади. Биз фронт орқасида қолиб, аяларимизнинг жонига ора кирган, уларни деб қурбон бўлиб кетган бир одамга — Акбар полвонга ҳайкал қўймоқчимиз.

— Имҳ!.. — Бурҳон чолнинг юзлари бужмайиб кетди. Ўзи кўзларини чирт юмиб, тишини тишига босганча беҳол инграб юборди.

У ҳамма нарсани кутса ҳам, буни кутмаган эди: «келиб-келиб ўша Акбарга ҳайкал қўйишмоқчимиз?! Бундан кўра, шу хабар билан келгандан кўра, уни тириклайин ёқиб юбориша қолмайдими? Шу кунларни кутиб ётган эканми ҳали у? Ўғлим райком секретари бўлди, ўлсам ўзи катта иззат-ҳурмат, мотам митинглари билан кўмади, номимни ўзи адабийлаштиради, ҳеч бўлмаса қабрим устига ҳайкалимни қўйдиради-ку, деб юрибдими? Шунча йил юртга бош бўлиб, халқни шундай оғир йиллардан омон-эсон олиб чиқса-ю, давлатга қанча хизматлар қилиб, қаҳрамон бўлса-ю, у қолиб қаёқдаги бир тракторчига қўйишадими ёдгорликни?! Яна кимсан, ўз невараси, пушти қамаридан бўлган фарзандининг боласи шу гапни топиб келиб ўтирса! Ҳали мен бунинг отасига ишониб, ундан умид тутиб ётибдими? Ишонганим шулар бўлса, кўрган куним қуриб кетмайбдими?!»

Йигитлар, чолга бир нарса бўлдими, деб шошиб қолишди. Невараси унга сув тутди. Бурҳон чол зўрға бир қултум ичди-ю, бошини ёстиққа ташлаганча жим қолди.

У юрагини бир нима ўртаб келиб, алам билан ўйларди: «Нега, нимага унинг номини эшитди дегунча бутун вужудига ўт туташиб, ичи куйиб кета бошлайди? Нима бу? Ғайрликми? Ахир ўлиб кетган одамга ғайрлик қилиш... инсофданми?»...

Кўз олдига ҳар кеча портретидан тушиб келадиган тунги суҳбатдоши — сувратдаги одамнинг қиёфаси келди-ю, қулоқлари остида унинг кечаги заҳархандаси жаранглаб кетди:

**Сувратдаги одам.** Ўзи сени одам ўрнида кўрганми? Умр бўйи ўчакишиб ўтди-ку ўзинг билан!

Лекин шу заҳоти ич-ичидан бошқа бир Бурҳон унга қарши чиқиб, эътироз билдирди.

**Сийратдаги одам.** Нега энди умр бўйи бўларкан! Аввалига сизлардан қалин дўст бўлганмас-ку.

— Бўлса бордир. Лекин шу дўстликка биринчи бўлиб ким раҳна солди? У эмасми, юз-хотирни ҳам билмаган?! — қисди-қафасга ола кетди сувратдан тушган Бурҳон.

— Тўғри, у юз-хотирни билмасди. Ҳақ, гап келганда отасини ҳам аямасди. Лекин виждонан айтганда, замон ўзи шунақа эди, шунини талаб қиларди одамдан.

Бурҳон чолнинг назарида ичидаги одам негадир ҳиндилардек бошдан-оёқ оққа ўранган миттичолга ўхшаб кетар эди. Сувратдан тушиб келган Бурҳон тўкис эса, шундай баҳайбатки, боши шифтга етгудек. Худди уйда улкан одамнинг сояси кезиб юргандек. У ҳадеб ўзини-ўзи оқлаб, миттичолни мот қилмоқчи бўлади.

**Сувратдаги одам.** Дўстим-дўстим, дейсан. Замон ўзи шунақа эди, дейсан. Лекин лоақал бирор марта сенга бўлишганини, тарафингни олганини эслайсанми ўзинг?!..

**Сийратдаги одам.** Сен нима деясан? Биз қизил қўшинда бирга жанг қилган одамлармиз. Бир-бирига бўлишмаган, керак бўлса жонини бермаган жангчи-жангчимиз?!

**Сувратдаги Бурҳон.** Жангда бўлса бордир. Лекин ҳаётда-чи? Кейин-чи? Кейин ҳам шундайлигича қолдимиз?

**Сийратдаги Бурҳон.** Кейин... Дарвоқе, кейин нима жин урди? Ўртага қандай совуқчилик туша қолди? Ўзи нимадан бошланиб, кимдан ўтди? Ўша дахлсиз буғдойдан бошланмадими ҳаммаси?

...Ҳа, ўша сабил дахлсиз дондан бошланган эди, чамаси. Бўлмаса, улар учовлон қандай аҳил, қандай иноқ эдилар. Шўро учун деса, Қодир айтди деса, ҳар қандай нарсага тайёр турардилар-а. Жондан кечсалар кечардиларки, орқага қайтмасдилар. Қизил кўшинда босмачиларни неча йил даштма-дашт, довонма-довон қувиб юриб, не-не ўлимлардан омон қолиб, худди ака-укадек бўлиб кетишган эди. Энди қишлоққа келиб, Шўро ишини бирга юргизишар, бир-бирларидан бемаслаҳат ҳеч иш қилишмасди. Улар қишлоқ кўчасидан — уч отлик, уч большевик — Қодир қизил тўриғида, ўзи қорабайир отида, Акбар эса, саман кашқасини мўниб ўтиб боришаркан, қараган ҳам, қарамаган ҳам қарар эди. Ўзига тўқроқ одамлар зир титраб, жилпанглаб қолишар, камбағал — бечоралар эса шод-хуррамлик билан кулбаларига таклиф қила кетишарди. Ишлари бир йилча яхши юришиб турди. Лекин ўттиз учинчи йилнинг кўкламига келиб, нима жин урди-ю, одамлар уларга унчалик рўйхуш бермай кўя бошлашди. Кўрсалар ҳам кўрмаганга олишар, илгаригидек илиқ қаршилашмас, гўё улар энди Шўро активларининг кароматига ҳам ишонмай қўйишгандек эди. Очлик ҳам одамларнинг силласини қуришиб, кўплар илиқ узилдидан омон-эсон чиқиб олишларига кўзлари етмай руҳлари тушиб кетган, қуруқ гап ҳеч кимга ёқмай қолган эди. Қишлоқдан ҳар кун бир-икки ўлик чиқарди.

Ўровдаги олди ўриқлар гул кўрсатиб, ариқлар бўйида ялпиз чиқа бошлаган кезде шаҳарга бир ойлик курсга кетган Акбар қайтиб келиб қолди. Ўзи қорайиб кетибди, юзи тунд. Улар билан ҳам совуққина сўрашди. Бир кун аввал унинг тоғаси қазо қилган, Бурҳон билан Қодир унинг маъракасига бир амаллаб, ўн килоча ун топтириб туширишган эди.

Бунинг устига Акбарга вақтида хабар бериша олмади. Шундан хафа эди чоғи. Ахир тоға ҳам отадек гап. Эрталаб фотиҳаликда турганида ҳечнарсга демади-ю, лекин у тушдан кейин авзойи бузилиб, Шўро идорасига кириб келди. Унинг вазоҳатини кўриб улар ўрниларидан туриб кетишди:

— Тинчликми, ошна? — деди Қодир ҳовлиқиб.

Акбар жавоб ўрнига унинг кўзларига қаттиқ тикилди. Нимадандир нафрати ошиб, ғазаби қайнаб, лаблари пир-пир учди. Ўзини боса олмай нари кета туриб, қутилмаганда чўрт ўгирилди:

— Чарм камзул кийиб, аскар шинелида гўдаиб юрсак, бошдан будёновкамизни қўймасак бўлди экан-да! Шўронинг одами бўлиб қолаверар эканмиз-да, а?!

Бурҳон ялтиратиб ҳавасга киядиган чарм камзули билан хром этигига қараб қўйиб, ғижини келганча юзини четга бурди: «Бўлмаса сенга ўхшаб таъзияли одамдек тўн кийиб юришимиз керакми?»

Қодир партизан шунча тезлигига қарамай, бошдан будёновкасини олиб, шинелининг чўнтагига тикқанча ҳижолат аралаш ерга кўз тикди. Акбар ҳовридан тушса ҳам, жаҳлидан туша олмай, яна нари кетди. Ойна олдига бориб, дераза раҳига иккала кўлини тираганча шамол билан уриб ёғаётган ёмғирга ўкинч-ла тикилиб қолди.

Бурҳон бояги гинасини унутиб, унга ўзича тасалли бермоқчи бўлди:

— Ўзинг кўриб турибсан, илик узилди... Бунақа вақтда йўғон чўзилиб, ингичка узилади. Иложимиз қанча...

Акбар ёрила олмай турган экан, шарт ўгирилди-ю, «портлаб» кетди:

— Бўлмаса, илик узилди деб, томошабин бўлиб туравериш керакми?! Шўронинг шўролиги қаерда қолади шунақа вақтда ёрдам бера олмасаларинг?

Улар ерга қарашди. Ўртага совуқ жимлик чўкиб, ҳеч ким ҳеч нарса дея олмай қолди. Ташқарида шамол ҳувиллаб яланғоч дарахтларни минг кўйга солади. Ёмғирнинг томга такира-тукур урилиши дам

кучайиб, дам сусаяди. Эшик тирқишидан ураётган намхуш шамолдан эт жунжикади.

— Сен кечир бизни,— деди ниҳоят Қодир, ўртага тушган жимликни бузиб,— тузукроқ ёрдам қила олмадик. Қўлимиз калталиқ қилиб...

Бурҳон аниқ кўрди: Акбар титраб кетди. Ўзини боса олмай қўл силтади:

— Мен уни айтаяпманми?

Қодир ўзини оқлашга уринди:

— Хар қалай, сенинг активлигинг ҳурмати...

— Падарига лаънат шунақа ҳурматни! Бошқалар-чи? Е улар Шўронинг фуқаросимасми?..

— Фуқароси,— Қодир энди гаши келиб унга қаради.

— Фуқароси бўлса нега ёрдам бермайсизлар? Одамлар очликдан силласи қуриб, қулаб қоляпти-ку, сизлар бўлсангиз идорага кириб олиб...

Қодирдан ҳам аввал Бурҳон жизиллаб кетди:

— Нима, идорага кириб олиб?.. Беркиниб ўтирганаканмизми? Е берадиган бир нарсамиз бўла туриб яшириб қўйганаканмизми?.. Қўлимиздан келган ёрдамни бергандирмиз...

— Одамларга ўлгандан кейин эмас, тиригида ёрдам қилиш керак, билсангиз.

Қанчалиқ аччиқ, аламли бўлмасин, у ҳақ эди. Тўғри, ўша унни вақтлироқ ҳам тушириш, бир одамни бевақт ўлимдан асраб қолиш мумкин эди. Лекин начора, аввалроқ иложини қилиша олмади. Омборда беҳисоб ғалла бўлса эканки...

— Сен ҳам бизни тушунсанг, тушуниб айбласанг бўларди,— Қодир шамол очиб юборган эшикни тарақлатиб ёпиб қўйиб, Акбарга қаради.— Халққа бериб бўладиган бирор нарсамиз бор бўлса ҳам майли эди...

— Йўқ эканми? Қуриб кетган эканми?— унга таънали тикилди Акбар.

— Айт, нимамиз боракан? Сен бизни нима деб, ким деб ўйла-япсан?!— Қодир жаҳлдан азбаройи буғриқиб, қора-қизил бўлиб кетди, чидамай хонанинг у бошидан бу бошига қараб юрди.

— У эсини еб қўйибди, Қодир. Қандайдир бир ифвогарнинг гапига учибди. Бўлмаса, сен билан менга ишонмайдими? А? Ўз дўстларига ишонмайдими?— Бурҳон қўлини пахса қилиб, ўз гапини маъқуллашга уринди.

Бундан Акбарнинг энсаси қотиб, ўзи бўғилди. Бетоқатланиб белбоғини ечаркан, бош силкиб, ташқарига ишора қилди:

— Ҳеч қанақа ифвогар эмас, халқ айтаяпти! Шўронинг омборларида дон туриб, одамлар очдан ўлаётганини гапиряпти.

— Қанақа дон?!.. Сен анави... даҳлсиз донни айтаяпсанми ҳали?— Бурҳоннинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.— Йў-ўқ! У донга тега олмайсан. Мен унга мана шу бошим билан жавоб бераман-а!.. Қодир, сен ўзинг тушунтирсанг-чи! У донга тегиниб бўлмаслигини айтсанг-чи!— Бурҳон қўл силкилаб уни тезлади.

Акбар энди чидамай, унга юзланди:

— Ҳей, инсон, менга қара!— деди чарм камзулидан тутиб.— Эспесингни еб қўймаганмисан? Мен одамлар очликдан ўляпти десам, сен ўз гапингни маъқуллайсан. Е... шунчалиқ тошбағир бўлиб кетганми-санлар, ўзларинг?!

Қодир унинг орақасидан келиб, елкасига қўл ташлади:

— Сен ҳам тушунгин-да, бундай. Муҳрлаб кетишган ахир,— деди иложи борича, босиқлик билан.

— Муҳрлаб кетишган бўлса, сен билан менинг мана бу қўлларимизни ҳам муҳрлаб кетишганми?— Акбар энди унга ҳеч бўлмаса сен тушунсангчи, дегандай қаради.— Халқ шундай оғир кунга қолганда Шўронинг номидан иш кўра олмасак, унинг одами бўлиб нима қилиб

юрибмиз? Билиб қўйларинг, қўлимизда дон бўла туриб одамларга бермаганимиз учун халқ ҳам, юрт ҳам кечирмайди бизни. Агар шу бугуноқ уни тарқатмасаканмиз, мен Шўроингдан чиқаман!

Акбар, гап шу, дегандек қизил алвонли столга бағрини бериб тўрсайиб ўтириб олди. Ўртага боягидан ҳам ноқулай жимлик чўқди. Қодир Бурҳонга қаради, у бунга елка қисди. Кўкни баттар қора булут бурқаб келиб, ёмғир яна ҳам тезлашди. Шамол бўғотлар тагида хуштак чалиб ингранди...

— Нима қиламиз? Акт тузсакмикан?— деди ниҳоят Қодир, энгагини қашлаб.

Бурҳон тепа сочи тикка бўлиб кетди:

— Жавобгарлигичи? Жавобгарлиги нима бўлади?!

Энди Қодирнинг ҳам энсаси қотди:

— Бас-да! Худди сендан бўлак одам жавобгарлиқни билмайди-гандек гапирасан.

— Бўлмаса менинг гарданимдан соқит қилиб қўйларинг-да, кейин билганларингни қилларинг!

— А?

— Ҳа!

— Яхши! Калитни қўй стол устига! Агар шу билан мени олиб чиқиб отишса, отиб ташлай қолишсин!— Қодир будёновкасини қўлида чангаллаганча шахд билан ташқарига йўналаркан, Акбарнинг қарши-сида тўхтади,— сен ҳам тўрсаявермай, битта рўйхат билан акт тузиб тур. Мен одамларга хабар қиламан. Ҳеч ким эсингдан чиқмасин-а?!

— Охирини ўйласанг бўларди, Қодир!— унинг орқасидан писанда қилди Бурҳон.

У ўгирилиб бир қараб қўйди-ю, индамай чиқиб кетди.

Бурҳон алам-аччиқда: «бўлмаса, мен ҳам чиқдим активликдан!» дея зарда қилмоқчи бўлди-ю, лекин журъати етмади. «Активликдан чиқсам ким бўлиб қоламан, оддий бир одамми?!»— деди-ю, бўшашиб тушди.

Бўйнидан ўтказиб қўлтиғига тумор қилиб тақиб юрган омбор калитини ипидан узиб олиб, стол устига ташларкан, ҳамон қовоғи очилмай ўтирган Акбарга ички бир ҳасад билан қараб қўйди. Шу топда ўзини ундан ожив ҳис қилиб, шундай ёмон кўриб кетдики, айтиб бўладиган эмасди...

Шу-шу уларнинг ўртаси қайтиб ҳеч илимади-я, тавба. Умрининг охиригача кетди-я шу дарз. Мана, энди яна ўшани эсга солиб, унга ҳайкал қўямиз деб келиб ўтирибди, булар...

### 3

— Нима, арзимадимиди, опокдода?— неварасининг саволи уни ҳушига келтирди. Бурҳон чол ётган ерида Жўранинг кўзларига тикилганча жим қолди. У бир кўнгли, юрагида борини тўкиб, узил-кесил гапни айтгиси, ҳайкални йўққа чиқаргиси келар, яна бир кўнгли, нимадандир умидвор бўлар, иккиланар эди. Булар унинг гапига қулоқ солса хўп-хўп, лекин солмаса-чи? Бошқалар билан, масалан, ўша вақтда Акбар билан бирга ишлаган анави дажжол Зорин чол билан маслаҳат қилиб юрса-чи? Унда нима бўлади? Яхшиси, буларни йўлга солиш керак, ўз оёғи билан келганда... фойдаланиб қолиш керак.

Бу фикрдан унинг бир бурда юзи ёришиб, ўзи мийиғида кулди. Йигитларга бир-бир разм солиб, бош силкиди:

— Кўп савоб ишга қўл урибсизлар, ўғилларим. Тўғри, Акбарнинг якка ўзига ҳам ҳайкал қўйишларинг мумкин. Ихтиёр сизларда. Лекин, менимча, бу адолатдан бўлмайди. Ҳар нарсада ҳақиқа кўчган маъқул. Ахир, бу депарада Совет давлатини деб отилиб чиққан ёлғиз унинг ўзи эмас-ку, тўғрими? Шуни ўйламабсизлар-да!

Бурҳон чол яна кўнглидаги аллақанча гапларни тўкиб солмоқчи, неварасини ўз измига юргизмоқчи эди-ю, назарида бу ҳозир ортиқча-

дек кўриди. Мавридини топиб ётиги билан айтмаса, ёмон хаёлларга бориб юриши, ихлоси қайтиб қолиши мумкин, деб ўйлади. Бўлмаса ҳозир ҳаммасини айтмоқчи эди: Биз ахир, ажралмас уч ўртоқ бўлганмиз, учаламиз ҳам тенгқур эдик, бу депарадан биринчи бўлиб Қизил қўшинга кириб, Фарғона водийси-ю Бойсун томонларда босмачиларнинг додини берган ҳам, қишлоққа Шўронинг одами бўлиб келиб, баравар фирқага кирган ҳам ўзимиз-ку. Билсанг, шу қишлоқда колхоз тузишни ҳам бизга ишониб топширишган. Эҳ, у даврлар, қани энди қайтиб келса! Биз уч отлик, уч собиқ қизил аскар, уч большевик ўшандагидек, қишлоқ кўчасидан бир-бир савлат тўкиб ўтиб борсак...

Ҳеч эсидан чиқмайди: ҳар куни эрта билан қуёш чиқар-чиқмас шу Катта Қанглининг гузарига Қодир қизил тўриғида, Акбар саман отида, ўзи эса қорабайирда чиқиб боришар, уч ўртоқ, уч коммунист, уч актив ишни ана шундай бошлашар эди. Бирининг хизмати бириникидан кам эмасди...

— Тарихни билмасдан иш бошлабсизлар-да, а? — деди ниҳоят Бурҳон чол, шуниси чакки бўпти-да, деган маънода.

Меҳмон йигитлар унинг нима демоқчилигини тушунмай, Жўрага савол назари билан қарашди. У бувасининг гапини тушунтирган эди, бирдан улар жонланиб азда-базда тортишиб кетишди. Бири уни ёқлаб, чолнинг тарафини олса, иккинчиси нимагадир унга қўшила олмас, Жўра бўлса тарвузи қўлтиғидан тушиб, бир нима дея олмай турарди. Охири у:

— Биласизми, опоқдода, — дея чайналди, — биз сиз айтгандай қилишимиз ҳам мумкин эди-ю, лекин... колхознинг номи «Акбаробод» бўлганлигидан... шуни лозим кўрган эдик.

Бурҳон чолга жон кирди:

— Мен ҳам шуни айтяпман-да: номининг ўзи етмайдими? Ой чиқса ҳам Акбарга, кун чиқса ҳам Акбарга экан-да?!

Жўра кўнглидагини ичига ютиб кета олмай, сипориш билан эътироз билдирди:

— Ахир қишлоғимиздан чиққан биринчи депутат ҳам... шу одам экан-ку, опоқдода.

Бурҳон чолнинг гаши келди, овозини пасайтириб, жеркиб берди:

— Бўлмаса, нимага мендан маслаҳат сўраб юрибсан? Бор-да, билганингни қилавер. Менинг бошимни қотириб нима қиласан, гапимни назарга илмасанг?!

Жўра ҳижолатдан қизариб-бўзарди. Отасиникига ўхшаш кўй кўзларини олиб қочиб, тушунтиришга ҳаракат қилди:

— Ундай эмас, опоқдода, биз олдингизга атай келгандик. Мана бу чизмаларимизни, анави ҳайкалчани кўрсатсак, ҳарқолда бирга ишлагансиз, ўртоғингиз экан, қандай чиққанини айтармикансиз деддик.

Бурҳон чол бу ўзидан чиққан қайсар болани, келиб-келиб Акбарни ёқлаб чиқаётган неварасини, бир кўнгли, олдига солиб ҳайдамоқчи ҳам бўлди-ю, яна шайтонга ҳай берди. Бир чеккаси, ўртоқлари олдида изза қилгиси келмаган бўлса, иккинчидан, эшитган одам ҳалиям инсофга келмабди-да, деган хаёлга бормасин, деб истиҳола қилди.

— Қани, кўрсатмайсанми бўлмаса, — деди Бурҳон чол, охири сал юмшаб.

Унинг имоси билан меҳмон йигитлар энди очилиб-сочилиб, чизмаларини пешайвон деворига осишга тушиб кетишди. Икки гапининг бирида кулиб, кўзини қисиб қўяётган грузин йигит девордаги унинг портретига ишора қилиб, дўриллаган овозда «Бобой қаҳрамон экан-ку», деса, юзига ҳуснбузар тошган қотма рус йигити «Бабай дуруст сиёсатчи», деб кўяр эди.

У бу гапларга сал-пал тушуниб турган бўлса-да, атай неварасини айлантирди:

— Нима дейди?

— Қаҳрамон эканлар-ку, дейишяпти, — чизма қоғозларни узатиб турган Жўра жавобни калта қилди.

Шу топда чолнинг дилига нимадир ғулғула солиб, «мавриди келганда йўлга солсанг-чи! Йўлга солсанг-чи!» — дея аврашга тушди-ю, девордаги портретига беихтиёр қаради. Сувратдаги Бурҳон ҳам «нима, арзимабдими, арзимабдими?!» дерди ғўё. Бурҳон чол неварасига гинали тикилиб:

— Шу колхозга йигирма йил раислик қилганимни, хизматим ўша Акбарникидан кам эмаслигини тушунтирмабсан-да, а? — деди.

Жўра кўзларини олиб қочиб, ерга қаради. Хийла фурсат ўтиб, бошини кўтарди:

— Тушунтирганим билан... тавсия қила олмайман-ку.

— Рўйирост айтишинг шартми? Гапни шунга келтириш ҳам мумкин-ку... Отанг райкомнинг биринчи секретари бўлса, ким ҳам қарши чиқа оларди? Бунақа вақтда андишани бир чеккага йиғиштириб қўядилар, билсанг.

Жўрага бу гап унча ёқмади шекилли юзи тундлашиб кетди. Буни сезган Бурҳон чол ўзининг гапидан ўзи ўнғайсизланиб, энди уни андавალашга ошиқди:

— Мен бир гапирдим-қўйдим, сени зўрлаётган жойим йўқ. Ҳар кимнинг хизматини ҳукуматнинг ўзи яхши билади,— деди шунда ҳам нимагадир шама қилиб.

Жўра яна ижирганиб бир қараб қўйди-ю, индамади. Бу орада йигитлар чизмаларни деворга осиб, бояги сурпга ўроғлиқ қайкалчани очиб қўйиб, мана кўринг, дегандек ўзларини четга олишди. Бурҳон чол стол устидаги оқ бўрдан ишланган мўъжаз қайкалчани кўриб, озги очилиб қолди: «Тавба, мўнча ўхшамаса! Худди ўзи-ку! Топганини қаранг буларнинг. Акбар полвон постаментда худди трактор ўриндиғи ёнида тургандай кафтини пешонасига қўйганча узоқ-узоқларга тикилиб қолган. Эғнидаги оқ яқтак билан пешонасини танғиган қийиғи ўзига шунақа ярашибдики...»

Бурҳон чол бир дақиқа унинг ўрнида ўзини кўргиси келиб, кўзларини юмди: «Ростдан ҳам унга қайкал қўйишса, қандай чиқаркин? Шундай пурвиқор бўлса қани эди! Ҳеч армони қолмасди!»

У йигитлар ўзини кутиб қолишганини сезиб, ҳушёр тортди-ю, девордаги расмларга бир-бир кўз югуртира кетди.

Ана, пешонасини қийиқ билан танғиган ўша Акбар полвон оқ отда бошқа бир қора отлиқ баджаҳл одамнинг рўпарасидан чиқиб унинг қамчили кўлини шаппа ушлаган. Азбаройи қаттиқ қисганидан қора отлиқнинг кўлидан қамчиси тушиб кетай-тушиб кетай деб турибди. Пастда бўз кўйлакли бир муштипар аёл болаларини бағрига босиб, ёшли кўзларини оқ отлиққа тикканча қолган. Ғўё ич-ичидан халоскорига бир олам миннатдорчилик айтаётгандек.

Бурҳон чолнинг гаши келди: мўнча осмонга кўтармаса уни! Ким бўлибди, бор-йўғи оддий бир тракторчи эди-ку!

Ана, у худди ўшандай деҳқонча оқ кийимида бир тўп қизларнинг халоскоридай уларнинг олдида қулоч ёзиб, қалқон бўлиб турибди. Шундай тиниқ, шундай жонлики, худди тирилиб келгандай.

— «Бало-ку болакайлар! А?» — Бурҳон чол невараси билан шерикларига ҳавасланиб қараб қўйди-ю, кейинги дақиқада хаёлига урилган фикрдан юраги орзиқиб кетди: «Айтмоқчи, Қудратга айтиб, буларни йўлга солсам-чи! Юқоридан айттирсам-чи!» Ялт этиб девордаги маҳобатли портретига қаради: «Бўлмаса-чи! Яхшилиқча кўнмаса, шу-да!» дерди Сувратдаги Бурҳон ҳам.

«Қандай бўларкин?» — иккиланди Бурҳон чол.

«Ҳозир истиҳоланинг ўрни эканми?! Қандай бўларкин, десанг қуруқ қолаверасан-да!»

«Рост! Этиб қолгунча отиб қол, дейдилар,— кўнглидан кечирди Бурҳон чол, бу фикр ўзига хуш ёқиб,— майли, бир ўзига қўймай қўяқолишсин. Лекин уч ўртоқ, уч номдор коммунистга қайкал қўйишлари мумкин-ку! Уларнинг баҳонасида номи абадийлашиб қолади-ку. Тўғрими?!»

Бурҳон тўкис ҳам уни тезлади:

«Бўлмаса, шунча йил нима учун курашдинг-у, нима учун жанг қилдинг, ахир?»

«Шуни айтгин-а, шуни!..» — Бурҳон чол кўнглида йилт этган илинждан энтиқиб, чуқур тин олди: «Қани энди кўзим очиклигида бир кўрсам ўша ҳайкални!.. Зора худо, ол қулим, деса-ю...»

У неварасига илтижо аралаш умидвор тикилди...

#### 4.

Қудратнинг назарида мажлис ўзи режалаштиргандан зиёда, ҳатто хамирдан қил суғургандек ўтаётган эди: Зилзиладан кейин анча-мунча ерлари шаҳарга ўтиб кетиб, кичрайиб қолган иккала колхоз ҳам, тортишиб ўтирмай, осонгина бирлаша қолди. Сайлов эса ундан ҳам силлиқ кўчди. Правление аъзолигига ҳам ўзи кўрсатган кишилар ўтди. Ҳамма нарса аввалдан келишиб олингандай борар, одамлар ур-ра-ур-ра билан ҳар битта таклифни бир овоздан маъқуллашар эди.

Мажлисга ўзи келмай бошқа одамни юборганида борми, кўрардингиз томошани: гуруҳбозлар бош кўтариб чиқиб, мажлисни роса чўзиши, райком тавсия қилган номзоднинг ўтмай қолиши ҳам ҳеч гап эмасди.

Йўқ, бошбошдоқликка йўл қўйиб бўлмайди. Бунақа нозик пайтда ўзи бўлгани дуруст. Биринчи — биринчи-да. У ўтирган жойида ким юрак ютиб, райкомнинг иродасига қарши бора оларкан?!

Қудрат ич-ичидан ғурурланиб кўкрагини кўтариб қўйди. Стулга ярим ястаниб, умумий йиғилиш қарорини қироат билан ўқиётган атлас кўйлакли жувонга назар ташлади. Оз қолди, дея хаёлидан ўтказаркан, жиддий тус олиб тарадудланди: Дарвоқе, колхозниг номини ўзгартириб — тасдиқлатиб олиш-чи?! Умуммажлисга келишдан мақсад ўзи шу-ку...

Бу ҳаммадан ҳам унинг ўзига керак: дадасини бир хурсанд қилсин! Ҳайкал кейин ҳам бўлаверадиған нарса. Қочиб кетмайди. Ўғлининг қўлидаги иш экан-ку. Унга бир оғиз гапи. Аммо мана бу ишни бирёқли қилиб олса, зўр бўларди. Дадаси ҳам ундан жуда умидвор. Ҳар гап кўргани борганида алланималарга шама қилиб, орқада қоладиганим ўзингсан, эрта-индин кўз юмиб кетгудек бўлсам, номимни сендан бўлак ким ҳам эсларди, дея кўзёш қилгани-қилган. Рост-да! Ундан бошқа кимдан умид тутади?! У ҳам фарзандлик қарзини энди узмаса, бир колхозга унинг номини қўйдира олмаса, райком секретари бўлиб нима қилиб юрибди?! Фақат кейин гап-сўз чиқмаслиги учун ҳамма нарса ими-жимида ҳал бўлгани маъқул.

Ҳозир «Акбаробод» номини янгилашиб олса, кейин орадан сал ўтиб, «Бурҳонобод»га айлантириш қийин эмас. Шундай қилиш керакки, одамларнинг дами ичида қолсин...

Тўтидай гўзал, атлас кўйлакли жувон қарорни ўқиб бўлиб, ўзига ярашмаган бир шахдамлик билан президиум томон юриб келди-да, уни мажлис раисига топшириб, ўтирган жойига йўналди. Одамлар мажлис охирлаб қолганини сезиб, қимирлашга тушдилар. Улар қарорни тасдиқлаб, бу расмиятчиликдан ҳам тезроқ қутулишга ошиқар эдилар. Ниҳоят мажлис раиси йиғинни яқунлашга руҳсат сўрагандай унга қаради. Ҳар эҳтимолга қарши энгашиб пичирлади:

— Узингиз бир нарса десангиз бўлармиди?..

Қудратнинг миясига қайноқ қон урилди:

— Раис-чи?! — у тилла кўзойнагини стол устига олиб қўйиб, унга паришон тикилиб ўтирган колхоз раисига ялт этиб қаради: «Нима, гапирмоқчи эмасми? Боя кўнгандай эди-ку, яна нима жин урди уни?»

— Ҳа, дарвоқе, — мажлис раиси ҳушёр тортиб қаддини ростлади, — ҳали яна битта масала бор-а, сўз...

Боядан бери бир парча қоғозни ҳимариб-текислаб ўтирган колхоз раиси ўрнидан туриб, минбар томон юрди. У бўйчангина, олимнамо



кийинган, ҳаворанг кўйлагидан тортиб ҳаворанг костюм-шимигача, оёғидаги жигарранг баландпошна ботинкадан тортиб, тилла кўзойна-гигача ўзига қўйиб қўйгандек ярашиб тушган эди. Ҳали тароққа бўй бермаган жингалак сочлари дўпписи тагидан тошиб чиқиб турибди.

У чор-ночор сўзга чиққан одамдай минбар олдида ҳардамхаёл тўхтади. Кейин бир оз андиша билан залга қараб қўйди. «Балога етади буларнинг ақли, тушуниб турибди ҳаммасини,— Қудрат ўзига ўзи таскин беришга уринди,— Ўзига қолса розимас. Лекин шуни деб, арзимаган нарсани деб унга қарши бориб бўпти. Қарши борса кейин ўзини қаерда кўришини яхши билади. Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан! Номзодини раисликка қўйдиради-ю, ҳаммани қўйиб, унга қарши чиқа оладими?!»

Раис сўзни даромаддан бошлади-ю, Қудрат янглишмаганини аниқ сизди. Кўнгли жойига тушиб, унга қулоқ осди.

— Ҳурматли отахонлар, азиз биродарлар! — давом этарди у, — бугун биз кўздай яқин қўшниларимиз билан бир коллектив хўжаликка бирлашган кунимизда мен сизларга билдирган жуда катта ишончингиз учун чин дилдан ташаккур айтмоқчиман. Негаки, ҳар иккала колхозда ҳам рисликка бемалол қўйса арзийдиган бир талай кадрлар бор эди, уларнинг ҳеч биттаси мендан ёмон ишламасди. Лекин мен бир нарсага хурсандманки, энди оғир пайтларда уларга бемалол суянишим, улардан кўп нарсаларни ўрганишим, биргаликда колхоз ишини олға бостиришимиз мумкин.

Мен яна шунисига хурсандманки...

Қудрат ичидан кулиб қўйди: «Ўлма, азамат! Ўзингга керак бўлса, шалдироқ аравани тоза олиб қочар экансан-а?..»

Лекин унинг хурсандчилиги тезда безовталиқ билан алмашинди. Раис гапни узокдан айлантиргани сари мана ҳозир қовун тушириб қўядигандек хавотирлана бошлади. Раис ҳам шуни сезгандек унга кўз қирини ташлаб-ташлаб қўяр, афтидан, дангалига кўчиб. ишни бузиб қўйишдан чўчирди. Ниҳоят, у индаллосига ўтди:

— Таомилга кўра янги туғилган фарзандга оиланинг энг табаррук кишилари ном қўйиб беришгучи эди, лекин бугун ташкил топган хўжалигимиз янги бўлмаганлиги, қўшни хўжаликлар бирлашишидан бунёдга келганлиги сабабли, агар ҳурматли отахонларимиз розилик беришса, уни иккисидан бирининг номи билан атасак, деган таклиф бор эди. Қарши эмасмизлар?..

Қудратнинг нафаси томоғига тиқилиб, чакка томири бўртиб чиқди: «Мен унинг қулоғига тоза танбур чертган эканман-ку, а?..»

Яхши ҳам Қудратга ўхшаганларнинг бахтига дунёдан лаганбардорлар йўқолиб кетмаган. Бунақа пайтларда бири бўлмаса бири жонга ора кириб туради. Ҳозир ҳам олдинги қаторда ўтирган мошранг кител-шимли ўрта яшар одам шанғиллаб, ҳамма учун бир ўзи жавоб қилиб юборди:

— Ҳа, энди бу ёғи ўзингизга ҳавола. Биз рози.

Қудратнинг кўкрагига шабада тегиб, хийла енгил тортди. Аммо раиснинг ҳамон ийманиб, ҳижолатдан сал қизариб туришини кўрди-ю, яна гаши қўзиб келди: «Бу кишимнинг оғзига чайнаб солиб қўяди шекилли. Шунақаям мижғов бўладими одам!..»

Унинг хуноби ошганини сизди шекилли, раис бир оз дадилланди:

— Узларингга маълум, раис биздан бўлди, энди номни қўшнилардан олсак. Қўшни колхознинг номини сақлаб қолсак. Ҳаммамиз учун бирдай қадрли ном билан, партия съезди номи билан атасак...

— Жуда яхши-да!

Кимдир шундай дея чапак бошлаб берди-ю, зални гулдурос қарсак тутиб кетди.

«Хайрият-э, тил-забонинг бор экан-ку!» дея кўнглидан кечираркан, Қудрат мамнун бўлиб қарсакка қўшилди. Раис эса «энди хурсандмиз», дея писанда қилгандай унга бир қараб қўйди-ю, қарсак тинишини ҳам кутмай, мажлисни якунлашга ошиқди.

— Бўлмаса,— деди у овозини кўтариб,— қарсақларингизни яқдиллик белгиси деб қабул қилишга розимисиз? Еки...

— Розимиз!— деди бояғи мошранг кител-шимли шанғи одам.

— Овозга қўяверинг,— деди бошқаси орқа қатордан.

Раис энди нима қил, дейсиз, дегандай унга қаради. Қудрат ғижиниб юзини четга бурди: «Юмалоқ-ястиқ қилиб қўяқолмайдами! Демократияга бало борми?!»

Раис бир қарорга келгунча залнинг охиридан норғул бир қария ўрнидан туриб, алланарсалар деганча тўғри шу ёққа йўналди. Уни биров эшитиб, биров эшитмади. Раис ҳам уни сезмай:

— Бўлмаса, кимда-ким колхозимиз,— деди-ю бирдан ўртадаги йўлкадан минбарга чиқиб келаётган ҳалиги қарияга кўзи тушиб, тўхтаб қолди. Одамлар таажжубланиб унга ялт этиб ўгирилишди. Залда совуқ бир ғовур учиб ўтди. Мажлис раиси Қудратнинг қулоғига бир нималар деб маслаҳат солган бўлди. Лекин шу топда Қудратнинг қулоғига ҳеч нарса кирмас, минбарга чиқиб келаётган чолни унинг ўзи яхши таниб турар, танигани учун ҳам юраги пўкиллаб, ич-ичидан ғижиниб ўтирар, бу қайсар чол ҳозир бир касрни бошламаса кошки эди, дерди ўзига-ўзи.

Бошидан ҳеч тушмайдиган кепкасини қўлида ғижимлаганча, ҳеч нарсадан тап тортмай минбарга чиқиб келаётган қарияни таниб, раис ҳам ғалати бўлиб кетди. Ҳозир ўғирлик устида қўлга тушган одамдек ноқулай ҳис қилиб, безовталанди.

— Ҳа, Зорин тоға, гапингиз бормиди?— деди ноилоҳ.

— Бор, ўғлим, бор,— деди чол ёғоч зинадан саҳнага кўтариларкан соф ўзбек тилида. Кейин чинор илдизидай чайир, ҳам қоқ қўли билан ўсиқ сариқ қошларини силаб қўйиб, тапни ҳазилга бурди. — Қарасам, Зорин тоғам нима дейди, демасдан ҳам овозга қўйиб юборяпсан, чиқиб келавердим...

Залда энгил қулги учиб ўтди. Қария бўлса президиумдагилар тугул Қудратга ҳам эътибор бермай, ҳали анча гапи бор одамдек минбар пештахтаси устига кепкасини ташлаб, раисга ўгирилди.

— Гапингни бўлиб қўйганим учун маъзур тутасан-да, раис ўғлим. Майлими?— У ўзи рус бўлатуриб ўзбек тилида баъзи бировлардан тозароқ, ширалироқ гапираётгани учун ҳам одамларни ўз оғзига қаратиб олган, ҳамма унга маҳлиё бўлиб ўтирар эди. Бунга сари Қудратнинг ичини ит тирнарди: «Қаёқдан пайдо бўлди бу сассиқ чол? Мажлисда бало бораканми унга? Раиснинг кўзи қаёқда экан?» Бу орада Зорин чол янги раиснинг кифтига қоқиб қўйиб, баҳайбат гавдасини одамларга ўгирди. Унинг олдида дуркунгина раис ҳам кичкина тортиб, ёш болага ўхшаб қолди.

— Иигирма йил бурун қизиқ бир воқеанинг шоҳиди бўлганмиз. Районимизда машҳур бир раис бўларди. Уша раис ёнидаги пачоқроқ колхозни ўзига қўшиб олганида, шунга ўхшаш мажлис бўлган. У қўшни хўжаликнинг бутун фермасини, идорасини, омборларини кўчириб кетиб бўлиб, умумий мажлис чақирган. Шунда қўшнилари келишса, ҳалиги раис бир ўзи президиумда дутор чертиб ўтирганмиш. Ҳамма бир-бирига қарабди. У бўлса дуторни «Дилхирож»га черта туриб: «Энди бугундан бошлаб сиз бизга қўшилдингиз. Биз шу дуторни қайси мақомга чалсак, шу муқомга йўрғалайверасиз. Шу билан мажлисимиз ҳам тамом»,— дебдию чиқибди-кетди. Ҳеч ким ҳеч нарса дея олмай қолаверган экан...

Қудратнинг юзига лов этиб олов югурди-ю, ичида сўкинди: «Нима, дадамда онасининг ҳақи қолган эканми, ҳалигача чайнашини қўймайди?»

Қария залга гинали тикилди:

— Бу-ку, илгариги гап. Лекин ҳозир ҳам ўшанга ўхшашроқ бир нарса бўлмаяптими, а? Ростини айтсам, мен бугун сизларни таний олмай, тушунолмай қолдим, ҳамқишлоқлар. Ўзи нима гаплар бўлапти-ю, сизлар кимга жўр бўлиб, нимага қарсақ чалаяпсизлар?

Кимнинг ноғорасига ўйнайсизлар? Ҳа, бундоқ ўйлаб кўрасизларми, йўқми? Биров ўзини томдан ташласа, сиз ҳам ташлайверасизми?.. Тўғри гапга ҳам қарсак, нотўғри гапга ҳам қарсак. Нима, бу ерга қарсаквозликка келганмисизлар? Умуммажлис ҳам шунақа бўлади-ми? Ким нима деса маъқул бўлаверса, умумий мажлис қилишнинг нима кераги бор? Шундай-шундай бўлди, деб эълон қилиб, эшиттириб қўяқолиш керак, вассалом. — Зорин чол азбаройи қизишиб кетганидан қўлини силкиб-силкиб гапирар, яна нафасини ростлаб бирпас тўхтаб қоларди. — Сен, раис ўғлим, ақлли гапларни гапирдинг. Гапингга мен юз фоиз қўшиламан: партиянинг яхшилигини билмаган одам кўр бўлади. Негаки, у бизга эрк, озодлик берган, адолатни қарор топтирган. У жуда улуғ, муқаддас. Имон, эътиқод, ор-номус билан барабар турадиган нарса. Шундай экан, биз уни бачканалаштиришимиз тўғримики?

Зал сув қуйгандек жимиб қолган, ҳамма ўйчан, ўзи ерга қараганча, лекин бутун вужуди билан уни тинглар эди. Фақат Қудрат игнада ўтиргандек бетоқатланади, қариянинг ҳар гапи унга наштадек санчилиб, бунга сари ўрнидан сапчиб туриб кетгудек бўлади. Охири, у чидаб тура олмади:

— Биз ҳам бачканалаштираётганимиз йўқ шекилли?

Зорин чол унга ярим ўғирилди:

— Бачканалаштирмаётган бўлсангиз, менга бир нарсани айтингчи, районингизда нечта «Партсъезд» колхози бор? Учтадан кам бўлмаса керак?

Қудрат ноўрин лўқма ташлаганини сизди-ю, лекин энди жавоб қайтармай иложи йўқ эди. Бир зал одам унинг оғзига қараб турар эди:

— Қанча кўп бўлса, шунча яхши! Мен бу гапни ҳамма ерда айтишим мумкин. Бу билан биз ҳеч қачон ютқазган эмасмиз: ютқазмаймиз ҳам! — У шундай дея ўзича баҳса нуқта қўймоқчи бўлди. Лекин қария бўш келмади:

— Йўқ, райком ўғлим. Мен бошқача фикрдаман. Шу фикримнинг тўғрилигини, керак бўлса, исботлаб ҳам бераман.

Қудратники тутди: «Тоза кекчи дажжол чол экан-ку, олиша-олиша дадамни йўқ қилгани етмаган эканми?! Секретарлик ҳурматим борми-йўқми?! Андишасизлик ҳам эви билан-да!» У чидаб туролмай ўрнидан ярим турди-да, уни минбардан ҳайдагудек гап қилди:

— Отахон, биз сизни таниймиз, ҳурмат қиламиз. Керак бўлса, бошимизга кўтарамиз. Лекин ҳозир на у колхознинг, на бу колхознинг аъзосиз. Сиз аралашмасангиз ҳам бўларди. Нима қиласиз битаётган ишни йитириб...

— А?! — Зорин чол бир зум ўзини йўқотиб каловланиб қолди. Уртага ноқулай жимлик чўкди. Ҳеч ким ҳеч нарса деёлмас, орага бир оғиз ҳам гап сиғмасди. Лекин қария ҳам осонгина таслим бўлмади. — Шунақами? — деди, ўзини тутиб олиб. — Ҳали менга тегишли бўлмай қолдимми бу ердаги гаплар? Қирқ йил бу депарада бекорга лақиллаб умримни беҳуда ўтказган эканман-да, ундан чиқди? Йў-ўқ, райком ўғлим, сен билмасанг, тан олмасанг ҳам мана булар билади, мана бу халқ билади. Чунки мен шу халқ ичида яшаганман. Шу колхозларга хизмат қилганман. ЭМТЭСлар аллақачон тугатилиб, ўзим пенсияга чиқиб кетган бўлсам ҳам, шу колхоз партия ташкилоти ҳисобида тураман. Демак, бу ердаги гаплар менга ҳам дахлдор. Тўғрими, халойиқ? — У одамларга юз ўғирди. Зал шовқинлади:

— Ҳақ гап!

— Парво қилманг, тоға!

— Нега дахлдор эмас экан?!

— Гапираверинг!

Зорин чол кўзлари намланиб, залга таъзим қилди.

— Раҳмат, болаларим, минг раҳмат сизларга... Энди.. рухсат берсангиз, гапимни тугатиб олай. Нима демоқчи эдим? Ҳа. Йигирма тўртинчи йили Бутуниттифоқ оқсоқолимиз Михаил Иванович Калинин

республикамизга келганларида ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани айтмоқчи эдим. У пайтда Андижонда ишлардим. Ушанда Михаил Иванович билан пахта тозалаш заводи ишчиларининг учрашуви бўлган, шу учрашувда ишчилар ўз заводларига дохий Ленин номини беришга рухсат сўраб мурожаат этишганди. Шунда Михаил Иванович ишчиларга «Яхши истак, лекин яхши истакнинг ўзи кифоя қилмайди. Аввало Ленин номига муносиб бўлиш керак»,— деб жавоб қилган эдилар. Партия ҳам шундай: Уни ҳам қадрлай билиш керак. Бу юксак номга ҳам олдин муносиб бўлиш керак. Бу номда битта хўжалик бўлсин-у, юзтага татисин, шу номга арзисин. Мана, гап қаерда! Сизлар бўлсангиз, шу баҳонада бир одамнинг табаррук номи ўчиб кетишини ўйлаб ҳам кўраётганингиз йўқ. Хўш, колхозимизнинг ҳозирги номига нима қилибди? «Акбаробод»нинг нимаси ёқмай қолди сизларга? У ўзи кимнинг номига қолганини биласизларми? Ё буни ҳам унутиб юборганмисизлар? У ахир бошқа ердан келган эмас, мана шу қишлоқнинг боласи, ўз ҳамқишлоғингиз эди-ку. Қани, бирорта одам менга айтсинчи, бу депарада, хоҳ у колхозда, хоҳ бу колхозда Акбар полвон ҳайдамаган ер топилармикан? Топилмайди! Энг оғир йилларда у кунимизга яраган, оғиримизни енгил қилган эди, энди унутдикми? Сизни деб, бизни деб, шу фаровон ҳаётни деб ўзини аямаган одамнинг қадрли ҳали шу бўлдими?

Зорин чол бир зум жим қолиб, залга оғир сукунат чўкди, ҳамма ер чизиб қолганини кўриб, у гапини тугатишга ошиқди:

— Уят бўлади, болаларим, яхши эмас, бундай одамларни унутиш. Уларнинг хотираси олдида умрбод қарздорсизлар. Ёдинларда бўлсин, у ҳам фирқа аъзоси эди. Фирқа бўлганда ҳам чин коммунист эди. Ундай одамларни қадрлаб ҳеч кам бўлмайсиз, уларни қадрлаганингиз — партияни қадрлаганингиз бўлади.— У иккала қўлини боши узра баланд кўтарди.— Агар оғир-енгил гап қилган бўлсам, мен қарияни маъзур тутинглар. Лекин сизлардан яккаю ягона илтимосим шуки, яхшиликка юз тутсангиз-у, «Акбаробод» номини сақлаб қолсангиз!

Зорин чол қўлини кўксига қўйиб, халққа таъзим этиб бош эгди. Одамлар чидаб туролмай, уни тик туриб олқишлай кетдилар.

Ҳамма — ёшу қари шу топда Қудратни ҳам, президиумдагиларни ҳам унутиб, андиша-истихолани йиғиштириб қўйиб, Зоринни олқишлар эди.

Қудрат эса жаҳл устида апил-тапил йиғиштирилар экан, «расво бўлди, бундан баттар бўлиши мумкин эмас. Қош қўяман деб кўз чиқардим-ку. Дадам эшитмасинлар. Эшитсалар уларга нима дейман, қандай тушунтираман?», дерди ўзига-ўзи.

Унинг дарди-дунёси шундай қоронғи эдики, буни ўзидан бўлак ҳеч кимса тасаввур қила олмасди.

## 5.

Бурҳон чол пешайвон тўридаги ўзининг катта қилиб ишланган портретига шунча йил бадалида биринчи марта энсаси қотиб қаради: «Шунча йил олишиб, сан эмас, ман деб эришганим шу бўлса... бу дунёда ўзи адолат деган нарса йўқ экан-да! Чучварани хом санаб юрган эканман-да, а?..»

У ҳаётдан тамомила умидини узиб қўйган пайтларида ҳам, ҳамма нарса — бу ёруғ дунё, ҳатто ўзи ҳам кўзига хунук, аянчли кўриниб кетган тақдирда ҳам, бу портрет ўз сеҳрини йўқотмаган, бамисоли эртақлардагидек, унинг жону жаҳони шу портретга яширилганга ўхшар эди. Назарида, уни кўздан қочирди дегунча аҳволи-руҳияси ёмонлаша бошлар, нигоҳи тушиши билан эса, яна енгил тортиб, ўзига қайтар эди. Шунинг учун ирим қилиб каравотини ичкари кўчиришса, портретини ҳам ичкарига олдирад, ташқарига олиб чиқишса, ташқарига осдирад эди. Кўзининг тўғрисида турмаса, ўзини худди ўлиб

қолаётгандек ҳис қилаверарди. Энди бўлса... кўргиси йўқ. Иложини топса, ўрнидан туриб, девордан юлқиб олиб улоқтирса.

Тавба, кечагина эмасмиди, «хўб портретим бор-да, бунақаси икки дунёда ҳам топилмаса керак», деб гурурланиб ётгани. Фарангиларнинг тахтиравон стулида сал ёнбошлаб, оёқларини чалиштириб ўтириши, қўллари билан стулнинг икки ёнбошидаги шербаччаларни силаб эркалаши ўзига шундай ёқардики... Уша вақтда расм бўлган оқ жужун кител-чи, ўзига ярашиб, қандай салобат бағишлаб турган эди? Юз-кўзларидаги виқор, қатъият, кўксида ярқираган юлдуз бу депарадан мендан машхур, мендан ўтадиган одам чиқмайди, ўйламанг, деяётганга ўхшамасмиди?.. Бурҳон ҳам бунга қаттиқ, жуда қаттиқ ишонар эди.

Лекин... кеча невараси — Жўра — ўртоқлари билан қаёқдан ҳам Акбарнинг бир даста расмларини кўтариб келиб, шу деворга осди-ю, унинг бутун умидларини чил-чил қилиб, ўзини шу аҳволга солиб кетди. Неча йиллар кўнглини иситиб, умид чирогидай довиллаб ёниб турган портретнинг сеҳри йўқолди-қўйди. Ниҳоят, ўзига ортиқча бино қўйган, манмансираб кетган бир одамнинг портретига айланди-қолди. Акбарнинг расмлари олдида бу портрет сариқ қақага ҳам арзимас, худди ўргамчикка ишланган бир нарсага ўхшар эди. Тавба, ўша тепакал расмом уни хўб чув тушириб кетган экан-да, а?..

**Сийратдаги адаши.** Кўзни ёғ босган пайтда олтин бўлиб кўринган нарсалар энди жез бўлиб чиқса, ҳеч ажабмас.

**Сувратдаги адаши.** Бекор айтибсан! Ноёб нарса ноёблигича қолади. Ахир буни ўша расмом бир ҳафта-ўн кун эмас, бир ой деганда битирган. Рози қилиб, нақд юзта қизил ўттиз сўмликни санаб олиб кетган.

**Сийратдаги адаши.** Сенинг портретинг ҳам ўша қизил ўттиз сўмликка ўхшайди. Эскириб, даври ўтган энди.

**Сувратдаги адаши.** Бўлмаса, Акбарларнинг даври кепти-да, сенингча!?

Бемаҳал кўзи илинган Бурҳон чол чўчиб уйғонди-ю тўрдаги деворда портретини бўм-бўш кўриб ҳайрон қолди. Уйдан кўра ташқари ёруғроқ бўлса-да, ичкариданми-ташқариданми, ерданми-кўкданми намозшом қоронғулиги ҳаммаёқни бирдай босиб келар, хонанинг у бурчида боши шифтга етгудек бўлиб, сувратдаги адаши унга зардали нигоҳини қадаб турарди. Бурҳон чол сийратдаги Бурҳон билан сувратдаги Бурҳоннинг навбатдаги даҳанаки жангги бошланганини сезиб, ихтиёрини уларга берди-ю яна секин кўзларини юмди...

**Сийратдаги Бурҳон.** Аслида давр ўшандай одамларники-ю, сенга ўхшаганлар даврон суриб юрибди-да.

**Сувратдаги Бурҳон.** Нима, унга биров активликдан чиқсин, оддий одам бўлиб кетсин, дебдими?! Ўзи истамаган биз билан ишлашни...

— Сен эса ич-ичингдан хурсанд эдинг. Яна биттаси ўйиндан чиқди деб.

— Бекор гап!

— Тузилаётган колхоз раислиги ўзимга қолди, деб суюнмаганми-сан?

— Хаёлимга ҳам келмаган.

— У отини миниб чиқиб кетганда бир енгил тортганинг-чи? Бу ҳам ёлғонми?

— Эсимда йўқ.

— Тониб нима қилдинг. Ҳаммаси ёдингда. Уша дахлсиз дон жанжали ҳам, Иқбор отинни кўчирмага ёзиш-ёзмаслик масаласида келиша олмай қолганимиз ҳам. Барча-барчаси ёдингда...

Рост. Ҳаммаси ўша ўттиз учинчи йилги бугдой жанжалидан бошланган эди. Ушанда дахлсиз донни юртга улашиб, обрў топгандан Акбар топиб кетди. Бурҳон билан Қодир эса, райондан эшитадиганини эшитиб келди. Яхшиям акт тузиб, ҳужжатлаштириб қўйишгани. Бўлмаса нақ кўрадиганларини кўришар экан.

Шунда ўртага сал совуқчилик тушган бўлса-да, сезиб сезмаганга олиб кетишган эди. Лекин Шўрога хайрихоҳ бўлмаган одамлар билан қулоқларнинг қолдиқларини кўчирмага ёзиш бошланганда ростакамига айтишиб қолишди. Улар бор-йўқ жиҳози устига қизил алвон ёзилган якка столу учта стулдан иборат Шўро идорасида кўчирма қилинадиганларнинг рўйхатини тузишар, Қодир билан Бурҳон айтиб, Акбар ёзаётган эди. Нима бўлди-ю, унинг тескари жаҳли тутиб, ручкани стол устига отиб юборди.

— Нима бу?! Қишлоқда биттаям одам қолдирмоқчи эмасми-санлар? Кейин ким билан колхоз тузасанлар?

— Қўшилмаётганингни айт, балки қисқартирармиз. Бу хомакисину, ҳали,— деди Қодир ёқинқирамай.

— Менга қолса, ярмини ўчириб ташлайман! Инсоф ҳам керак-да, одамга. Кейин жамоат юзига қандай қараймиз?

— Ярмини?— Валломатлик ҳам эви билан-да, дегандай тикилди Қодир, кейин Бурҳонга ўгирилиб, чўрткесарлик билан.— Сен нима дейсан?— деди.

Бурҳоннинг гаши келиб турган эди, ҳақини қўймай гап билан узиб олди:

— Илгари қулоқ қилинганларни ҳам бир тафтиш қилиб кўрармиз балки...

— Уларнинг гуноҳи сен билан менинг бўйнимда эмас, лекин манавиларники...— Акбар азбаройи жаҳли чиққанидан дудуқланиб қолди,— бир кунмас бир кун ёқамиздан олади, билсанг.

Қодир шунча тезлигига қарамай, бояги ҳовридан тушиб, уни тинчлантиришга уринди:

— Бўпти-бўпти. Ўзингни бос, оғайни, Қани, хотиржам кўриб чиқайлик-чи. Хўш, кимларга қаршисан? Бир бошдан айт...

Акбар жойига чўкиб, ўқишга тутинди:

— Ғулом чойхоначи, Али сартарош, Олим баққол, Иқбор отин...

— Шошма-шошма,— деди Қодир, кафтини рўйхат устига ташлаб,— Ғулом чойхоначи, Али сартарош, борингки Олим баққолинг тушунарли. Лекин Иқбор отининг нимаси? Уни қанақасига қолдириб бўларкан? Бориб турган текинхўр, халқнинг бошига битган бало-ку!

— Бидъатнинг ини десанг-чи!— Бурҳон ҳам жим тура олмади.— Етар, ҳар хил куф-суфлари, фаришта-ю малоикалари билан одамларнинг бошини шунча қотириб келгани!

Акбар ярим ўгирилганича уларга сўзсиз тикилиб туриб, биракай кесатди:

— Ўзларингникидан ҳеч ким юкиниб бормаган-да, а?

Бурҳон бир зум нима деярини билмай қолиб, ловуллаб кетди:

— Борган бўлса нима? Шунинг учун шафқат қилишимиз керакми?

— Йўқ,— деди Акбар энди атай босиқлик билан.— Одамда озгина инсоф ҳам бўлиши керак. Сенинг онанг, менинг опам, унинг отаси, бутун қишлоқ нима дейди? Шуни ўйлаяпсанларми? Элнинг ихлосини қайтариб қўйсақ майли экан-да ўзимиздан?!

Бурҳон аламдан бўзариб тўрсайиб олди. Қодир партизан эса, қаншарини силаб, ўйчан хона кезаркан:

— Яхши,— деди охири тўхтаб,— сен ҳам менга айт-чи, ундан, ўша фолбинингдан бизга нима фойда? Борми бирор фойдаси?

— Эри-чи? Эри мактабда муаллим-ку. Нима, эри қолиб хотинини кўчирма қилмоқчимисан?— Акбар кинояли илжайди.

Қодир энди қиличдай кесиб, қўл силкиди:

— Йўқ, эри ҳам кетади! Хотинини фолбинликдан қайтара олмаган одамни биз шўро муаллими қилиб қўя олмаймиз.

— Мен эса, тамоман қаршиман! Иккита бир бефарзанд одамни қишлоқдан кўчирма қилиб юборишга қаршиман! Шафқатсизлик ҳам эви билан-да!

Ўртага ҳеч гап сиғмай учаласи уч ёқда туриб қолишди. Хонага

оғир сукунат чўкди. Лекин уларнинг бир тўхтамга келолмасликлари юзларидан ҳам яққол кўриниб турарди. Охири Қодир бошини кўтарди:

— Тушунарли нимага қарши эканинг,— деди у зарда билан.— Лекин мен ўз фикримда қоламан. Юмшоққўнгиллик билан социализм қуриб бўлмайди.— Кейин Бурҳон томонга ўгирилди,— Сен нима дейсан? — Аммо-лекин кўнгилнинг борини айт. Бирортамизга бўлишиб ўтирма. Сенинг айтганинг ажрим бўлақолсин!— деди писанда билан.

Бурҳон бир унга, бир бунга қаради. Негадир шу топда хаёлидан «шунинг гапига кириб, аввалги гал нима бўлди», деган гина кечди-ю, кесиб жавоб қилди:

— Шахсан мен қаттиққўллик тарафдориман. Анави дахлсиз доғни улашиб юбориб, эшитганларимиз ҳам етар!

Акбар бўғриқиб, галати бўлиб кетди. Унга «шунақаи ҳали!» дегандек ялт этиб қаради-ю, лекин ортиқча ҳеч нарса демади. Фақат стол устидан қийғини олиб елкасига ташларкан:

— Ундай бўлса, менга рухсат,— дея кутилмаганда эшикка қараб йўналди.— Бошқа қаттиққўлроқ актив топиб оларсизлар.

— Акбар! Зарданг нимаси, ёш боламисан?— Қодир азда-базда унинг йўлини тўсди.— Қаёққа?

Акбар қўлини кўксига қўйди. Астойдил хафа бўлганини яшира олмай қийналди:

— Уэр, оғайни, менга тўғри келмас экан,— дея бош чайқади. Кейин уни четга суриб, Шўро идорасидан чиқиб кета бошлади. Қодир кетидан бир қадам юрди-ю, уни бу шахтидан қайтара олмаслигини сезиб, яна тўхтади. Ниманидир ўйлаб ерга қараб қолди. Бурҳон эса ўнглаб бўлмас хатога йўл қўйганини ўзи сезиб турар, лекин тилига ҳеч нима келмасди.

Ниҳоят, Қодирга забон битди, у шахт билан эшик олдига бориб, орқасидан қичқирди:

— Майли, десанг, сенга бир хизмат бор эди, Акбар ўртоқ!

У тўхташга тўхтади-ю, ўгирилишга ори қўймади:

— Нима дейсан?— деди анчадан кейин истамайгина.

— Тузаётган колхозимизга битта трактор ваъда қилишаётганди, шунга...— Қодир уёғини айта олмай чайналди,— ўқиб келсанг қандай бўларкин? Ахир бирор иш қилишинг керак-ку. Тўғрими?

У ҳамон жавобга шопилмай ерга қараб турар, қовоғи ўша-ўша солиқ эди. Бурҳон ғижиниб четга қаради: «Бекор қилди. Мен бўлсам ялинмасдим. Кетса-кетавермайдим»...

Лекин кутилмаганда Акбар орқасига ўгирилди-ю, Бурҳоннинг юраги орқасига тортиб кетди: «Қайтаптимми?!»

Йўқ, у жойидан жилмай секин сўради:

— Районга борибми?..

— Ҳа, районга бориб...

У ўйланиб туриб, бошини кўтарди:

— Қачон... жўнаб кетишим керак?

— Майли десанг, индингаёқ...

Акбар кутилмаганда дадил бош силкиди:

— Яхши, борганим бўлсин!— У шундай деди-ю, дарвозахона томонга ўтиб, устунга боғлоғлиқ отини еча бошлади.

Бурҳон ёқа ушлаб ҳайрон қолди: «Тавба, эси жойидами? Ўзининг ақли билан кўндими? Вой, оvsар-эй, партия аъзоси бўлатуриб, тракторчиликка рози бўлиб кетяптимми-а?»

Бу орада у саман отини етаклаб чиқди-да, ўзини эгарга олиб, Қодир томон қайрилди:

— Хўп бўлмаса,— деди нимагадир овози ўзгариб,— яхши-ёмон гаплар ўтган бўлса... кўнгилга олмайсизлар.

Бурҳоннинг бўғизига нимадир тиқилгандай бўлди; ҳар қалай, қанчадан бери дўст эдилар: «Битта фолбинни деб кесма-кесарлик қилмаса нима қиларкан?» Лекин шу заҳоти «бир томондан яхши

бўлди, колхоз раислиги...— деб ўйлади-ю, аллақандай енгил тортиб кетди,— дарвоқе, у кетса ўзига қолади-ку.»

Шу пайт саман дарвозахонада қолган шерикларидан айрилгиси келмай, турган ерида гир айланиб, кишнаб юборди-ю, унинг хаёллари тўзғиб кетди. Бурҳон бошини кўтариб, отини йўрттириб бораётган Акбарнинг қорасини муюлишда аранг кўриб қолди. Кўчадан от туёғининг дупури баралла келиб турар, дарвозахонада қолган қора қашқа билан қизил тўриқ бетоқат пишқириб ер тепинар, Қодир партизан бўлса, идора остонасида будёновкасини ғижимлаганча бош эгиб қолган эди.

У кетиб Шўро идораси ҳам аллақандай ҳувиллаб қолганга ўхшарди. Аммо Бурҳон буни тан олгиси келмай ичида қўл силкиди: «Кетса-кетибди-да! Осмон узилиб ерга тушармиди?! Ўрганиб кетамиз ҳали...»

## 6

**Сийратдаги Бурҳон.** Сен ўзи илгаридан шунақасан, бераҳмсан. Бировга ачиниб ўрганмагансан. Эсингдами, онанг қазо қилганида ҳам кўзингга ёш келмай, узоқ-яқин одамларнинг олдида ўнғайсизланганинг?..

**Сувратдаги Бурҳон.** Шу ҳам гап бўлдими?! Одам ҳар нарсага обидийда қилаверса, хотин кишидан нима фарқи қолади?!

— Ҳарҳолда худбинроқ, жони ўзига ширинроқ одамсан-да. Узинг турганда бошқа ҳар нарсадан воз кечворишинг мумкин. Йўқ де-чи?

— Яна қанақа тавқи лаънатларинг бор менга ортадиган, айтиб ол.

— Акбар ранжимаса ҳам бўларди сендан. Кейин Қодирга кўрсатган қароматинг олдида у нима бўбди?

— Бекорларни айтибсан! Мен унинг руҳи олдида покман! Заррача айбим йўқ!

— Яна тоняпсан-а, тавба. Ўша қиш, ўша воқеани унутиб бўларканми?..

Ҳа, Акбар ажраб кетмаса шу гаплар ҳам йўқмиди? Балки ўша кеча ўзи идорада якка қолиб, ўша машъум воқеа ҳам содир бўлмасмиди?!..

Ўша қиш жуда оғир келди, чилла кундан-кунга забтига олар, қорасовуқнинг дастидан кечга бориб кўчага чиқиб бўлмай қолар эди. Лекин Бурҳон билан Қодир уйқу нималигини билишмас, янги тузиладиган колхоз ташвишида, ҳали хонадонма-хонадон, ҳали идорама-идора елиб-югуришар эди. Биров колхоз деганинг ўзи нимаси, дея эзмаланади, бошқа бирови қўш ҳўкизини кўзи қиймайди. Яна бириси якка хўжалик бўлиб яшай турсак нима қипти, дея гаранг қилади. Улар эса гоҳ ётиги билан, гоҳ баланддан келиб тушунтирмоқчи, ишни олға бостирмоқчи бўлишади. Бурҳоннинг умиди битта. Эртаю кеч шу Қодир билан бирга бўлсам, топшириқларини бажариб, ишончини қозониб, янги тузиладиган колхозга раис бўла қолсам, дейди. Акбар кетгандан кейин қишлоқда раисликка даъвогар одамнинг ўзи қолмаган бўлса-да, Бурҳон ичи қуриб, Қодирнинг оғзини пойлайди. Шўрога садоқатини кўрсатиш учун кечалари алламаҳалгача ҳам идорада қолиб кетади. Лекин бу садоқати ўшанда бурнидан булоқ бўлиб чиқишига сал қолган, худо бир асраган...

Қишнинг узоқ, қаҳратон кечаларидан бирида у Қодирнинг қайтишини кутиб, идорада якка ўзи ўтирар, кечгача ҳовлима-ҳовли дирғизлаб юришганиданми, иссиқ элитиб, мудроқ босиб келар, боши столга теккудек мункиб-мункиб кетар эди. Олдидаги чироқ ожиз чирсиллайди, пилиги сўхта бўлиб, шишасининг бир ёнини қорайтириб боради. Уй ичида жимжилоқдек сичқон пилдираб юради. Югургилаб яқин келади-ю, юрак ҳовучлаб титраб-қақшаганча унга тикилиб қолади. Кипригими, бир ери қимирлаб кетиши билан зипиллаб инига ура қочади.



Шу пайт ташқарида бир нима гурс этиб кетди-ю, Бурҳон сергак тортиб, сакраб тургунча идора эшиклари тарақлаб очилиб, бир гала нотаниш одам ёпирилиб бостириб кирди. Бурҳон, бир кўнгли, столни чироқ-пироғи билан ағдариб ташлаб, ўзини деразага урмоқчи бўлди-ю, улгурмади. Ҳаш-паш дегунча қурол-яроғли беш одам уни ўраб олди. У шинелининг чўнтагидаги тўппончасига қўл югуртириб ҳам улгурмади. Кимдир орқадан милтиқ қўндоғи билан тирсагига бир туширди:

— Қўлингни кўтар, қизил итвачча!

Тулки телпакли олакўз одам бир қадам олдинга ўтиб, рўпарасида тўхтади, тўппончасининг учи билан даҳанини кўтариб, башарасига совуқ тикилди. Бурҳоннинг гаши келиб, кескин бош силкиди:

— Торт, матаҳингни!

Шу баробар қулоғининг тагига тушган тарсакидан гандираклаб кетди. Баҳонада чўнтагидан маузерини олиб улгурди-ю, отишга улгурмади. Кимдир тепиб учириб юборди. Елкасига тушган зарбдан ўзи юзгубан мункиб кетди. Димоғига ачимсиқ тупроқ ҳиди уриб, лабида лой таъми сезилди. Кимдир гарданидан кўтариб турғазиб қўйди-да, яна ўша олакўз, тулки телпаклига рўпара қилди. Унинг кўзлари шунчалик совуқ, ҳиссиз ялтирардики, Бурҳон беихтиёр, уни илгари жаллод ўтган эмасмикан, деб ўйлади. У яна тўппончасининг учини даҳанининг тагига яқинлаштираркан, уни дудама фаҳмлаб, сесканиб кетди. Кўзларини четга олиб қочди.

Очиқ эшикдан ичкарига ҳувиллаб шамол кирар, чироққа уриб, у ҳозир ўчиб қоладигандек лопиллар, олови дам ичига тушиб, дам кўтарилиб кетар эди. Тулки телпақлининг гаши келиб ёнига ярим ўгирилди-да, шерикларидан бирига ўдағайлади:

— Энангди уйма, эшикди очиб келасан? Тақа-тақла! — Кейин яна Бурҳонга юзланди: — Ростингди сўйла, раисинг қаёнда?

— Мен қаердан билай...

У тўппончанинг учи билан юзини буриб, ўзига қаратди. Қошлари паст-баланд чимирилди:

— Билмайсанма?

Бурҳон бош чайқаш баҳонасида юзини четга бурди. Нимагадир тўнг жавоб қилса, қутулиб қоладиганга ўхшарди.

— Менга айтиб кетмаган...

Тулки телпакли унинг орқасидаги шеригига бош ирғади:

— Чилвирди ол.

Бурҳоннинг кўзи унинг белидаги арқонга тушиб, юраги шувиллаб кетди: «Наҳотки, шу ернинг ўзида саранжомлаб, осиб кетишса.» Биттаси олдинроққа ўтиб, стул устига чиқди-да, арқоннинг бир учини тўсиндан ўтказа бошлади. Бурҳон пайтдан фойдаланиб, атрофга олазарак кўз ташлади. Чироқ турган столни қандай қилиб тўнтариб, ола-говур кўтарса экан? Кейин қоронғида қаёққа жуфтақ уришни ўзи биларди. Шу нарса боя эшик очиқлигида ҳаёлига келмаганини қаранг... Унинг калласи мокидай тез ишлар, лекин уларнинг қиттак бўлса-да, чалғиган пайтини топа олмасди. Энди аҳд қилай деганда бирортаси кўз ташлаб халақит берар, бунга сари юрагини ваҳм босиб, ўзига-ўзи «Энди нима қилдим, улгурмасам, нима қилдим», дер эди.

Стулдагиси арқонни тўсиндан ўтказгунча, бошқаси унинг иккинчи учини олиб сиртмоқ сола бошлади. Тулки телпақ уни жеркиб берди:

— Ҳей, чаққон! Қўлиди боғла, қўлиди! Фаросатинг борма, ўзи? Осиб қўя қолсанг, у дуняда айтадима шеригиди?

Улар энди шоша-пиша уни туртиб-суртиб, қўлларини орқасига қилиб боғлашаркан, Бурҳон бир ҳайқирик, бир ҳамла билан ҳаммасини итқитиб ташлаб, ўзини эшиққа уришга чоғланди-ю, охириги дақиқада кўзи ўзига тўғрилланган тўппончага тушиб, итнинг боласидай отиб ташлашларидан қўрқиб, аҳдидан қайтди. «Қийнашганча қийнаб кўришсин. Балки ҳеч гап ололмай ташлаб кетишар», деб ўйлади.

— Ана энди торт. Жонинг борича торт! — буюрди тулки телпақ. Улар икки кишилашиб арқонни жон-жаҳдлари билан тортишга

тушдилар. Бунга сари унинг қўли орқасига қайрилиб, суяклари ажраб кетгудек бўлиб қисирлайди. Бутун оғирлиги қўлларига тушиб, боши пастга оғиб кета бошлайди. Атрофини ўраб олган одамлар пастдан баҳайбат маҳлуқларга ўхшаб кўринади, соялари эса шифтга теккудек бўлиб лопиллайди. Тулки телпак энди қизил этигининг учи билан даҳанига туртади:

— Оёгингди осмондан келтирмасимдан айтарсан?..

Бурҳон тишини-тишига қўяди: нега айтаркан?! Шунча йил бирга юриб, бирга туриб, бирга жанг қилиб сотарканми? Қасам-чи? Қасамни бузиб бўларканми?!

У Шўро тузиб, биринчи иш бошлаган кунларини, мана шу қизил алвонли стол атрофида учаласи ўтириб, қўлларини устма-уст ташлаганча:

— Токи қиёматли дўст бўлишга!

— Бошга қилич келганда ҳам бир-бирларини сотмасликка!

— Ҳамиша бир-бирларининг сўзларидан чиқмасликка!— қасам ичишганини эслади: Йўқ, у қасамни буза олмайди. Унинг ўрнида Акбар ҳам, Қодир ҳам шундай қиларди. Ўлса ўлардики, сотмасди. У ҳам айтмайди.

Тулки телпак қизил этиклари билан ер тепинди:

— Жонинг бор-ма? Тортсанг-чи!

Улар арқонга осилиб тортадилар. Бурҳоннинг иккала қўли синиб кетгудек бўлиб буралади. Оғриқнинг зўридан тишлари гижирлаб кетади. Худди биров қўлларини елкасидан қайриб сугуриб олаётгандек, кўзлари тиниб, ер, қизил алвонли стол, унинг устидаги чирок, атрофдаги бесўнақай оёқлар чирпирак бўлиб айлана бошлайди...

— Айт, итдинг боласи! Раисинг қаёнда?— дағдаға қилади тулки телпак.

Бурҳон кўзларини чирт юмиб, тишини-тишига босади. Ўзига-ўзи далда беради: «Чида, яна бир оз чида. Зора, сабр косалари тўлиб, ташлаб кетишса...» Мияси ўқдай ишлайди. Бирпасда минг ёққа бориб келади: «Йўқ, шулар бўлади-ю, ташлаб кетадими? Е айттиради, ё ўлдиради. Шошма, бекорга ўлиб кетгунча, алдаса-чи? Алдаб қутулиб қолса-чи?..» У қутулишнинг минг хил йўлларини излайди: «Қандоқ авраб кетсамикин? Нима десам гапимга лаққа тушаркин булар?»

Босмачиларнинг тоқати тугаб, арқонни баттарроқ тортадилар. Унинг боши олдинга оғиб, ерга теккудек бўлиб, орқаси кўтарилиб, оёғи ердан узилади-ю, икки курагидаги оғриқнинг зўридан кўзлари тиниб, назарида дунё остин-устун бўлиб кетади. Бути орасидан кўринаётган тескари дунё, шифтга етгудек соялару бесўнақай оёқлар боягидан баттар чирпирак бўлиб айлана бошлайди. Қизил алвонли узун стол бамисоли тобутдек лопиллаб чайқалади. Ўзи ҳамон ўйлайди: «Нима деб алдасамикан? Алдаб бўлармикан буларни?...»

Тулки телпак жазаваси тутиб ўшқирди:

— Ур, даюсди! Упкасиди тушургунча ур! Айтмаганини кўрай!

Кураги аралаш боши, елкаси, бўксасига шилтиллаб қамчи туша кетди. Ҳар қамчи зарбидан кўзларидан олов чиқиб, қамчи ўрни ловиллай бошлади. Чап қўли синган шекилли, сирқираб оғрийди. Тулки телпак тепасида шағиллайди:

— Айтмасанг, ўзингдан кўр, итдинг боласи!

Унинг ўзи жазавада арқоннинг бир учини ердан олиб, сиртмоқ сола бошлади. Бурҳон буни кўриб ҳуши учди: «Астойдил-ку. Ростмана сиртмоқ соляпти-ку. Нима қилдим энди? Бекордан-бекорга ўлиб кетаман шекилли. Шошма, айтдим нимаю айтмадим нима? Ахир мен уни тутиб бераётганим йўқ-ку. Фалон ёққа кетган, деганим билан... ҳали унга бир нарса бўлиб қолаётгани йўқ-ку. Айтмасам, қўлингдан келганини қил десам, бир минутдан кейин йўқман, у дунёдаман. Мана шундай ит азобида ўлиб кетиш учун бу дунёга келган эканманми? Оғзим ошга етди деганда, рўшноликка чиқдим деганда... ўлиб кетавераманми?..»

— Тушир. Манови сиртмоқди сол бўйнига. Айтмаса — тўнғиз қавмида кетсин!

Бурҳон талвасада ўзини йўқотиб қўйди-ю, жон аччиғида гўё ич-ичида ўтирган бир дев ҳайқириб юборгандек бўлди: «Нега айтмас эканман?! Айтаман! У районга кетган, мажлисга кетган!»

— Боядан бери айтақолмайсанми, нокас! — деди арқон тортаётганлардан биттаси. Кейин шу заҳоти арқонни қўйиб юборди. У ерга юзтубан тушиб, бурни шариллаб қонаб кетди. Қон аралаш ачимсиқ тупроқ ҳиди димоғига урилиб, ерпарчин бўлиб ётаркан, негадир шу ётиши ўзига хуш ёқиб, енгил торгандек бўлди: «Хайрият, ўлмайдим, энди отиб ташлашмасам бўлгани.»

Босмачилар ундан ҳазар қилгандек бир зум тепасида туриб қолишди. «Ишқилиб, отмасин-да, отиб ташламасин-да. Худонинг ўзи асрасин. Уларнинг юзини тескари қилсин.» Бурҳон ётган ерида минг тавалло билан илтижо қиларкан, носаси худога етдими ёки уларнинг муддаоси бошқамиди, кутилмаганда тулки телпакнинг буйруғи билан ташқарига отилдилар.

— Отланинғ, кетдик, — деди у.

Улар қандай тез бостириб киришган бўлса, шундай тез чиқиб кетишди. Кўчани бир лаҳза от туёқларининг дупури тутиб, қишлоқни безовта итларнинг акиллаши босди: Эшик очиқ қолган, ичкарига ҳувиллаб совуқ кирар, чироқ ўчай-ўчай деб лошиллар, Бурҳон эса қўли орқасига қайириб боғланганча ерда қора қонига беланиб юзтубан ётар, нима қилиб қўйганини ўзи англаб ета олмас, ўрнидан туришни ўйламасди. Уйига кетган Қутфулла чол кела қолса-чи, қаерда қолди у шу вақтгача? Кела қолса-чи, районга хабар қилармиди, Қодирни асраб қолармиди, дейди. Лекин вақт ўтиб боргани сари уни даҳшат босиб келади, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганини, энди бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очолмаслигини, дами ичида қолишини аниқ ҳис этиб ётади...

Уша куни тонг саҳарда у кўча эшикнинг ваҳимали тақиллашидан чўчиб уйғониб кетди. Идора қоровули Қутфулла чол тегишли одамларни хабар қилиб юрар, Шўро раисининг уйига тезроқ етиб боришни тайинлар эди. У юрагини ваҳм босиб келиб, совуққа ҳам қарамай дераза тавақаларини очиб юборди-ю, қор кечиб кетаётган қоровулнинг орқасидан чақирди:

— Ҳой, амаки, нима гап? Тинчликми?

Қоровул чол тўхтаб култ этиб ютинди, кейин овози қалтираб, ростмана сўқинди:

— Э, падарига лаънат, ўша даюсларнинг! Ахир унинг бошига етишибди итлар!

— А? — Бурҳоннинг нафаси ичига тушиб кетди: «Энди нима бўлади? Тутишса худо урди десанг-чи?..»

Қоровул чол оғирлигини у оёғидан бу оёғига солиб, чуқур тин олди:

— Эй, худойим-а, яхшига қазо бергунча, ёмонга жазо бермайсанми-я?! Вечоранинғ гуноҳи нима эди?! Шўро раисига энди ёлчиганимизда...

Бурҳон ўз ёғига ўзи қоврилар, қандай сўрашини билмас, сўрай деса, чолни шубҳалантириб қўйишдан қўрқар, сўрамай деса, юраги тошиб ғашлиб борарди. Охири сабри чидамади:

— Тутишибдимикан?.. — деди ўзига ҳам бегона товушда.

— Қаёқда?! Ҳалигача даюсларнинг изиниям топиша олмай ётганмиш...

Бурҳон бир енгил тортиб, чуқур нафас олди: «Хайрият-э.»

Қоровул чол, ҳеч нарсадан беҳабар, қўл силтаб, қорни ғарч-ғурч босиб кета бошлади-ю, яна хаёлига нимадир келиб тўхтади:

— Айтмоқчи, ўзинг қалайсан? Қўлинг жойига тушгандайми?..

Бурҳон шошиб ҳовлиқиб қолди:

— Ёмон эмас, тузук, тузук шекилли.



Рисом Т. Жамолитдинов

— Қўрқма, тузалиб кетади. Лекин ҳозир бир амаллаб бўлса ҳам борганинг маъқул. Ўзинг тепасида турмасанг бўлмас,— маслаҳат берди чол.

— Бўлмасам-чи! Ўзим бормасам бўларканми?!— деди-ю, дераза тавақаларини қаттиқ ёпди...

Уриб қор ёғар, ер ҳам, кўк ҳам бирдай оппоқ оқариб борар, осмондан қор эмас, бамисоли пар ёғар, у шувиллаб, ғужғон ўйнаб кўзни тиндирар, мозорбошида сукут сақлаб турган одамларнинг бошларидан тортиб, елкаю, кўкракларигача оқартириб бўлган эди. Гўё ҳамма ҳозиргина сўнгги йўлга узатилган Қодир партизанни эмас, ўзининг тақдирини ўйлаб кетгандай, ҳаётида қилган савобу гуноҳларини тарозига солиб кўраётгандек, бош эгиб қолган. У чап қўлини қийғи билан бўйнига осиб олганча одамлар орасида тек турар, кўзини борган сари оппоқ оқариб бораётган қабр тупроғидан уза олмас, дилида фақат бир гап айланар, ўзинг кечир гуноҳқор бандангни, ўзинг кечир, дея такрорлар эди.

У райондан келган вакилнинг сўзи билан мотам митинги тугаса керак, деб ўйлаганди. Кутилмаганда вакил унинг номини тилга олиб:

— Сўз марҳум Шўро раисининг содиқ сафдоши, шу қишлоқлик большевик Бурҳон Ортиқовга,— деди-ю, у яшин ургандек чўчиб тушди: «Нима бу? Вакил уни синамоқчими?!» Бутун кучи бамисоли оёқларидан ерга ўтиб кетгандек, жойидан жила олмай, тараша бўлиб туриб қолди: «Энди нима қилдим, нима дедим?...» У ўртага чиқай деса, ўзи гуноҳқор бўла туриб мозорбошида гапиришга тили бормас, чиқмай деса, одамлардан, вакилдан ҳайиқар эди: «Ҳар хил хаёлларга бориб уни айбдорга чиқариб қўйишса-чи? Унда хонумониға ўт кетиб, бутун тоат-ибодатлари бир пул бўлади-ку! Йўк, нима бўлса бўлди, чиқмай илжи йўк. Худонинг ўзи кечирсин! Илоҳим кечирсин!»

У талвасада бир қадам олдинга чиқа туриб, оёғи нобоп ерга тушдими, этиги, қордан нам тортиб лойчираган янги тупроқ устида сирпаниб, мункиб кетди. Ўзи қабр ёнига чўккалаб қолди.

Ҳамма бараварига:

— Хув-ув-в, — деб юборди.

Бурҳон номус кучлилик қилиб сапчиб туриб кетди-ю, яхши сўз, фақат яхши гап билан ўзини оқлаб олмаса бўлмаслигини, аксинча, одамларга гап топилишини аниқ сизди. Сизди-ю, ўзини қўлга олиб, бошини тик тутганча:

— Муҳтарам жамоа!— деди уларнинг юрагини ларзага солувчи овозда. — Биз қандай жудоликка учраганимизни, қандай жафокаш дўстимиздан айрилиб қолганимизни энди англаб турибмиз. Қодир бир келдию бир кетди. Қани энди, камбағал учун, Шўро учун унақа қайишадиган, жонини жабборга бериб юборадиган одамни топиб бўлса! Топганда ҳам ундай бўлмайди. Қодир бўла олмайди! Баъзан биз уни ортиқча қизиққонликда айблаб қолардик. Шўро раиси деган бунча тез бўлмаса, қонунни бунча қаттиқ тутмаса, худди бегонадек иш кўради-я, аяшни, кечиришни билмайди-я, дердик. Лекин тан олиш керак, у бундай қаттиққўлликни ўзини кўрсатиш учун, кимсан фалончи бўлгани учун қилмасди. Йўк, у сиз ва бизнинг манфаатимизни кўзлаб шундай қилар эди. Бойларни, хусусий мулкка муккасидан кетганларни шафқатсиз равишда қулоқ қилиб, кўчирмага жўнатиб қишлоғимизда Шўроларни мустаҳкамлашга ошиқар, сизни, бизни янги тузум неъматларидан баҳраманд этсам, дерди.

Унинг ниятлари катта эди, ўртоқлар. Сиз ва биздай чоракорларни, бутун йўқсилларни битта колхозга бирлаштирмоқчи, районда биринчи колхоз тузиб, унга «Қизил Шарқ» деб ном бермоқчи эди. Шу колхоз дардида юрган эди. Афсус, ниятига ета олмади. Душманларимиз уни орамиздан юлиб олиб ташладилар. Лекин улар бизни бу йўлдан тойдира олмайдилар. Биз бари бир у колхозни тузамиз. Тузиб, дўстимиз хотирасига «Қизил Шарқ» деб атаймиз. Жўйингда тинч ёт, дўстим. Орзуларинг ора йўлда қолмайди.

...Уриб қор ёғар, гўё бутун олам оқлик ичида қолган, Қодирнинг қабрини энди ўнлаб бошқа эски қабрлардан фарқлаб бўлмас эди. Бурҳон сўзини тугатиб, ўзини бир қадам четга оларкан, вакил уни маъқуллагандек елкасига аста қоқиб, олдинга ўтди:

— Яхши таклиф, ўртоқлар! Мен кафолат бериб айтаманки, район ташкилотлари бу таклифни астойдил қўллаб-қувватлайдилар. Токи бундай катта йўқотиш, қурбон эвазига юзага келган «Қизил Шарқ» районда қалдирғоч колхоз бўлиб қолсин. Ҳамиша маёқдай порлаб, бошқаларга йўлчи юлдузлик қилсин. Бу колхоз фирқадош дўстимиз хотирасига биз тиклаган бир мангу ёдгорлик бўлиб қолсин. Шунга розимисизлар?

Қабристонда «Розимиз!», деган сўз қасамёддек жаранглаб учиб ўтди. Кейин митинг тугаб, одамлар шошиб орқага қайтиб чиқа бошладилар...

Бурҳон вакилни кузатиб, орқага қайтаркан, муюлишда ўзини кутиб турган одамга кўзи тушиб, дафъатан тўхтаб қолай, деди. Атиги икки ҳафта бурун улардан ажраб чиқиб, районга тракторчилик ўқишига кетган Акбар уни атай кутиб турар эди: «Турқи жуда бузуқ-қу. Қисди-нафасга олмаса гўрга эди. Зўрга қутулдим, деганда ҳали бу ҳам бор эканми?!».

Бурҳон бир кўнгли уни кўрмаганга олиб, бурилиб кетмоқчи бўлди-ю, лекин журъат эта олмади. Бу билан ўзининг гуноҳкорлигини сездириб қўйишдан қўрқди. Бўлганича бўлди, дея унга қараб юрди. Лекин у яқинлашиб боргани сари Акбар қимир этмай, ундан кўз узмай тикилиб туришидан юраги така-пука бўлиб, кўзларини қаёққа олиб қочишни билмас, ўзи довдираб оёқлари ҳам ўлда-жўлда тушаётганга ўхшар эди: «Тавба, бунча қаттиқ тикилмаса? Худди бир нарса биладигандек, борган заҳоти қулогининг тагига тарсаки тортиб юборадигандек тикилади-я! Нега? Нимани билди, қаердан билиб олди экан?..»

Орада беш қадамча қолди: «Йўқ, у ҳеч нарса билмайди. Фақат синамоққа шундай қаттиқ тикиляпти. Бўш келма», дея далда берди ўзига-ўзи Бурҳон. Кейин унга тик қараб бора бошлади.

Акбарнинг юзи ҳалигидан сал юмшагандек кўринди. У энди Бурҳоннинг қийқ билан бўйнига осилган қўлига, ундан оёқларига ўйчан кўз югуртирди ва яна дабдурустдан кўзларига қаттиқ тикилиб қолди. Бутун юз-кўзидан «Наҳот буни шундайлигича ташлаб кетишадими-ю, уни гумдон қилишади?» демоқчи бўлар, унинг босмачилар қўлидан тирик чиққанига ҳеч ишонгиси келмасди.

Бурҳоннинг етиб келиб узатган қўли ҳавода муаллақ қолди. Акбар у билан сўрашишни ҳам эп кўрмади. Бурҳон ўзини ночор айбдор ҳис қилиб, кўзларини туширди-ю, яна буни тан олгиси, енгилгиси келмай, бошини даст кўтарди.

— Менинг зигирча айбим йўқ. Нима, гуноҳим тирик қолганимми? — деб юборди чидамай.

— Билмадим. Лекин виждонинг сен айтганча тоза эмас, ўртоқ. Мозорбошида бекорга тийганиб кетмадинг. Кўзларинг ҳам айтиб турибди, — деди Акбар қандайдир нафрат билан. Кейин шарт бурилиб, қорни ғарч-ғурч босиб юриб кетди.

Бурҳон ҳайкал бўлиб қолаверди. У «Бекорларни айтибсан!» дея бақиритишни ҳам, орқасидан етиб олиб, ялиниб-ёлборитишни, бу фикрдан қайтаришни ҳам билмасди.

Яхши ҳам шундай қилмагани...

## 7

Аллақачон йўлга отланиб, машина чақириб қўйган Қудрат тоқати тугаб, дераза олдига келди. Ташқарига ярим энгашиб, жаҳл билан ўғлини чақирди:

— Жўра! Жўра дейман!

Ховлида қўлининг хаамири билан лўмбиллаган хотини кўринди:  
— Лаббай, адаси?  
— Қани унинг?! Келадиганми ўзи?!  
— Шундай гузарга... чиқара қолувдим. Маргаринга... Опоқ-отамларни кўргани борсангиз кўк сомса ёпиб берақолай деб. Тансиққина...

Қудрат энсаси қотиб, ичида тўнғиллади: «Тансиққина эмиш. Жуда бошлари осмонга етиб кетса керак!.. Қўлимда шунча ҳуқуқ, шунча ҳоқимият билан мен кўнгиллари ололмаяман-ку...» Унинг эсига беихтиёр яна ўша кечаги мажлис, ўша дажжол чол, кейинги дилхираликлар тушиб, боягидан баттар тутақди. Уйнинг у бошидан бу бошига юришга, ҳеч нарсани эсламасликка тиришиб кўрди. Бўлмади. Жавондан аллақандай бир оғир, китобни қўлига олиб, варақлашга тушди. Яна бўлмади. Стол устидаги янги почтани, газеталарни титкилаб кўрди. Бари бир алахсий олмади. Хаёлида ҳамон ўша мажлис, ўша дажжол чол, ўша дилхираликлар ўралашиб юрар эди.

Ниҳоят, у бир қўли чўнтагида, бир қўли билан гарданини силаганча дераза олдига келиб туриб қолди: Биров сезиб, биров сезмади-ю, лекин умрида бунақа мулзам бўлган эмасди. Ўша дажжол чолдан бўлак одам бўлса, ўзи биларди! Аммо унга...

— Е ҳалиям бўлса, райкомга чақиртириб... бир тузласамми-кан?!— Туриб-туриб унга нашъа қилар, аламини нимадан олишни билмасди: Рост-да, кичкина одам бўлса ҳам майли экан. Бутун бошли районни, керак бўлса ётқизиб-тургазса-ю, шу ерга келганда бир сассиқ чолдан панд еб турса. Қўл остидаги арзимаган бир колхознинг номини ўзгарта олмас! Алам қилмайдами! Лекин...

Қудрат Зорин чолни кўз олдига келтириб, ахдидан қайтди:

— Йўқ, мен уни чақиртириб ўтирмайман, ўчакишиб, сўкиб-нетиб юрмайман ҳам. Лекин қасдма-қасдига отамга шундай ҳайкал қўйди-райки, ичи куйиб ўлсин, додини кимга айтарини билмай қолсин. Унинг жазоси шу!..

— Жўра! Жўра дейман!

Шу заҳоти эшик очилиб, остонада ўғли кўринди:

— Лаббай, ада, мен шу ердаман.

— Эндими?!— Қудрат унга бир заҳрини сочмоқчи бўлиб қаради-ю, яна ўзини тийди.— Менга қара, сен нима ишлар қилиб юрибсан, ўзинг?— дея атай ўсмоқчилади.

— Нима қилибман, ада?— ўғил гуноҳини билолмай жавдиради. «Қилғиликни қилиб қўйиб, яна нима қилибман дейди!» Ичидан энсаси қотиб келса-да, Қудрат буни сездирмай қўя қолди.

— Утир!— деди иложи борица сиполик билан.

Жўра елка қисганча диванга қараб ноилож юраркан, Қудрат гапни нимадан бошлашни билмай хона кезинишга тушди: «Етиғи билан айтса, ялиняпти деса, осмондан келса, қайсарлиги тутса. Қандай тушунтирса экан унга? Қошки ҳозирги замоннинг болаларига ўхшаб бундоқ қувроқ бўлса! Бу тенгилар отасининг даврида машина миниб, машина алмаштириб, турли-туман модаларда кийиниб, қизлар билан ресторанма-ресторан ялло қилиб юрибди. Бу бўлса эртаю кеч бўлар-бўлмас ҳайкаллари билан овора. Яна ўз кўнглида Америка очмоқчи бўлиб, оддий бир тракторчига ёдгорлик қўямиз, деб юрганга ўла-санми? Тавба, ўқиган деб ким айтади буларни?! Яна уялмай-нетмай бувасининг олдига борибди...»

Қудрат қўллари кўксида чалкаштирганча унинг тепасига келиб тўхтади. Бу кажбахс ўғил билан ўзи алоҳида гаплашиб қўйишга қарор бериб, чакка томирлари таранглашди.

— Қишлоқда ўзингизча бир ном чиқармоқчи бўбсиз-да, а?— деди киноомуз тикилиб.

Жўра унинг нигоҳига дош бера олмай секин ўрнидан қўзғалди. Рўпарасида бўйи билан бўйини тенг қилиб, бош эгиб тураркан, нима гаплигига тушуна олмай бир қараб қўйди.

— Сиздан берухсат... нима қилибман, ада?  
 — Бувангнинг олдиларига нима деб бориб юрибсан бўлмаса?—  
 «Яна сиздан берухсат... дейди.»  
 Унинг қовоғи уюлиб келиб, четга қаради.  
 — Сендан сўраяпман?! Юзингни ўгирасан!...  
 Уғли чайналди:  
 — Бир одамга... ёдгорлик лойиҳаси ишлаётгандик. Шуни...  
 — Буванг жуда суюниб кетган бўлсалар керак, а?  
 Жўра жавоб ўрнига тўрсайиб олди. Бунга сари Қудратнинг тепа сочи тиккайди: «Ҳо, ҳали сиркалари сув кўтармайдиган ҳам бўб кетибди-ку!»  
 Жаҳли юзига тепиб, жаҳолатда кўрсаткич бармоғини чаккасига қадаб кўрсатди:  
 — Сенинг мана бу ақлинг жойида бўлса, ётган одамнинг олдига шу гапни кўтариб борасанми? Борган тақдирингда ҳам ўша одамнинг кўнгли яримталигини ўйламадингми? Ҳа, сизни қўшмасак кимни қўшамиз, дея олмадингми? Ёдгорликка қўша олмаган тақдирингда ҳам кўнгли учун бир нусхасини ишлаб кўрсатиб қўймайсанми? Эрта-бириси куни ўтиб кетадиган одам боши осмонга етиб ётмайдими? Сендан рози кетмайдими? Нима, асаканг кетадими?  
 Жўра унга «кап-катта одамни алдаб-а?» дегандай қараб қўйди-ю, Қудратники яна тутиб кетди:  
 — Бўлмаса, йиғиштир ўша ишларингни, кўрмай иккинчи! Билиб қўй! Мен шу районда эканман, у нарсанг икки дунёда ҳам амалга ошмайди! Шу гапим, иккала қулоғингда бўлсин! Бор!  
 Жўра унга қарши бир нарса дея олмади-ю, лекин чиқиб кета туриб таажжу билан галати қараб қўйди. Афтидан, «Бувам-ку, майли, сиз ҳам шунақа одаммисиз?!» демоқчи бўлар эди.  
 Унинг кўнглидаги бу норозиликни сезиб, Қудрат ёниб кетди:  
 — Ҳа?! Еқмадими?!  
 Уғли тўхтаб, ер чизганча бир дақиқа туриб қолди. Кейин аста бошини кўтариб:  
 — Ада,— деди титроқ овозда,— мени кечиринг-у, сиздан лозиммикан шундай дейиш?  
 Қудрат ҳар нарсани кутса ҳам шу мўмин-қобил ўғлидан бу гапни кутмаган эди, титраб кетди: «Тили ҳам чиқиб қолибди-ку бу зумрашанинг!»  
 — Шошма, сен қачондан бери менга ақл ўргатадиган бўлиб қолдинг? А?!— У бир-бир босиб келиб, ўғлининг рўпарасида тўхтади, юзларига узоқ тикилиб туриб, овозини яна баландроқ кўтарди.— Мен сенга кимман? Отаманми, ё?!..  
 — Отасиз,— Жўра бош кўтармай минғирлади.  
 — Унда бу қанақа қилиқ?! Кеча гапимни ерда қолдирсангиз, «ҳали, уйланмайман» деб, бугун «сиздан лозиммикан» деб турсангиз. А?!— Қудрат ўрни келганда ҳамма аламини бир қилиб, гап билан узиб-узиб ола бошлади.— Еки мен сизга ҳеч ким бўлмай қолдимми? Бутун бошли районга, неча ўн минг одамга ўтган сўзим сизга ўтмай қопти-да! Бекорларнинг бештасини ебсиз! Билиб олинг, бу уйда менинг, фақат менинг айтганим бўлади! Ўшанга уйланасан дедимми — уйланасан. Вассалом. Мен у одам билан қуда бўла олмай ҳалакман-ку...  
 Жўра, унга илтижо аралаш қаради.  
 — Ада?..  
 — Нима, ада?! Ўшанга уйлансанг бир жойинг камиб қоладими? Осмонга сапчийсан номини эшитсанг?  
 — Ада, ахир...  
 — Ҳеч қанақа ахир-пахири йўқ. Мен ўша одам билан қуда бўлиб олишим керак, вассалом!  
 — Ахир мен...  
 — Нима сен?! Ҳаётда нимани биларкансиз?— Қудрат ҳечнимани билмайсан, дегандек қўл силтади,— ўз фойдасини билмаган...



Жўра норози оҳангда лаб бурди. Қудрат баттар тутақди:

— Отаси керакли одам, шуни тушунасанми?! Дўстни душмандан ажрата олмайди-ю, яна ўжарлик қилиб, оёқ тирайди. Нодон...

— Мен ундай қила олмайман, ада, виждоним...

— Нима виждонинг?..

— Кўтармайди.

— Кўтармайди? — Қутилмаганда ҳақиқага кўчиб, бор гапни айтиб қўяқолган ўғлига қарши Қудрат нима деярини билмай, бир зум гангиб қолиб, кейин заҳарханда қилди: «Ҳо, қизиқ-ку! Бизнинг авлоддан ҳам битта чиқибди-ку.» Лекин Қудрат шу заҳотиёқ бунақа бир сўзлилир билан олишиш бефойдалигини сизди: улар худосининг олдида ҳам ўз сўзларидан қайтмайди. Бунақаларни фақат авраб, алдаб-сулдабгина йўлга солиш мумкин.

— Ҳех, тавба!? — Қудрат худди бир нарса нашъа қилгандек истехзоли кулганча орқасига қайрилиб, ўзича бош чайқаб қўйди. Кейин хонани бир айлағиб кела туриб, омади гапга кўчди.

— Яхши. Виждонинг кўтармаса кўтарадиганига юр. Токи сих ҳам куймасин, кабоб ҳам.

Жўра ялт этиб унга қаради. «Қанақасига?» демоқчи бўлди.

— Сен аввал бир нарсани тушун! Уша бронли тракторчига ҳайкал қўйишингга ҳеч ким қарши эмас! Ундан кейин ўша ёдгорликка бувангни тиқштираётган жойим ҳам йўқ. Лекин ёшлар қилиб, тарихий ҳақиқатни бузиб қўясанми, одамлар ранжиб қоладими деб... кўрқаман, холос.

Қудрат, шуни тушунасанми, дегандек унга тикилди. Жўра елка қисиб, астойдил ҳайрон бўлди.

— Нега энди ранжиркан?

— Ранжимаганда ҳам ҳаммага манзур бўлиши керакми?

— Албатта.

— Ҳа, баракалла. Мен ҳам шуни айтаяпман-да. Бир бўладиган нарсани бемаслаҳат бошлаб бўларканми?! Сен шундай бир иш қилгинки, ҳеч ким гинг дея олмасин. Одамлар отасига раҳмат, топибди, ўринлатибди, ҳақиқатан арзийди, десин. Ана шундай ёдгорликка мен ҳам, райком ҳам қарши чиқмайди. Ахир, бизнинг катта Қанғлида сен ўйлагандек қилиб, бири қолиб, бошқасига ҳайкал қўйиб бўларканми?! Йўқ, ўғлим. Бу адолатдан бўлмайди. — Қудрат ўғлининг кифтига кафтини ташлаб, ўзининг сидқидиллигини англамоқчи бўлди. — Сен мард бўлсанг, зўр ҳайкалтарошлигингни кўрсатаман десанг, ҳаётдагидек чиқариб кўр-чи! Бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан ҳайкалга тушириб кўр-чи! Мен қойил қолай!

Жўра унинг гапларидан таъсирланиб, энди ўзига бир ҳамдард, ҳамфикр топгандек, отасининг кўзларига тикилганча жон қулогини бериб тинглар эди. Қудрат беозор жилмайди:

— Агар билсанг, Катта Қанғлидан битта Акбар полвоннинг ўзи чиққан эмас. Улар уч ўртоқ, уч большевик бўлишган. Уччаси бир бўлиб, шу районимиздаги энг биринчи «Қизил Шарқ» колхозини тузишган. Бири шу йўлда қурбон бўлиб кетган бўлса, бошқаси уни елкасида опичлаб катта қилган. Ҳозирги ҳолига келтирган. Яна биттаси шу колхозда биринчи бўлиб трактор минган. Оғир уруш йилларида қирда ер очиб, фидойилик кўрсатган. Ана энди ўзинг ўйлаб кўр: бугунги фаровон ҳаёт учун курашган бу одамлардан қай бирининг хизмати каму қай бириники кўп? Уларни бир-биридан ажратиш, бирига ҳайкал қўйиб, бошқасига қўймаслик мумкинми?

Унинг гапларига маҳлиё бўлиб қолган Жўра беихтиёр:

— Йўқ, албатта, — деб юборди.

Бундан Қудратнинг кўнгли ёришиб, ўзи қадини ростлади, виқор билан қош учирди.

— Шунақа, ўртоқ Жўра Қудратович! Ҳечкимнинг инон-ихтиёрига боғлиқ бўлмаган нарсалар ҳам бор дунёда. Уни тарих дейдилар, тарихни эса бузиб кўрсатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! — Қудрат

кетиши кераклиги, аллақачон машина чақириб қўйганини эслаб, соатига қараб қўйди-да, асл мақсадига кўча қолди.— Биламан, сенга сал ноқулай. Лекин тарихни десанг бувангни қўшмай иложинг қанча?!

У қизиқ устида дилидаги ҳамма гапларни тўкиб солгиси бор эди-ю, яна ўзини тийди. Унга қолса, ҳозир «ҳей, овсар, тушунсангчи, ахир, бу нарса ҳаммадан ҳам менга, ўз отанга керак. Мен илдизи бақувват бир одам бўлсам, ўзинга яхшимасми, ўз фойданг эмасми?! Ҳозир менинг ҳам, сенинг ҳам суянадиганимиз шу қахрамон отамиз-ку! Унинг обрўси-ку! Районимизни текшир-текшир қилиб ётишган бир пайтда шу ҳайкал менга қандай аскотишини биласанми, ўзинг? Ахир у менга балогардон бўлишини тушунсанг-чи?! Шунақа вақтда қайишмасанг, қачон қайишасан ўзинг?» деб уришиб беришдан тоймасди. Лекин бусиз ҳам уни, у кажбаҳсни йўлга сола олди, рози қила олди шекилли? Яна ким билади, дейсиз.

Ҳар қалай Қудрат энди отасининг олдига икки қўлини бурнига тикиб бормади-ку. Тўғрими? Кечаги мажлисдаги воқеани эшитиб, жиғи-бийронлари чиқиб ётган бўлса, мана бу энди тафтбосди бўлади. Жўрани кўндирганини эшитиб, кўнгиллари зора ўрнига тушса.

Қудрат ўзини қушдай енгил ҳис қилиб, сервант устидан шляпасини оларкан; нимагадир энди ҳардамхаёл турган ўғлига кўзи тушиб, юраги жиғ этиб кетди. Айниб қолишидан чўчиб, тезроқ бирор нарсага алаҳситиб юборишга ошиқди.

— Ҳа, айтмоқчи, қара-чи, ойинг сомсани ёпиб бўптими? Айт, мен кечикяпман! Борадиган ерларим кўп.

Жўра нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади-ю, лекин унинг шошаётганини кўриб, ботинмади. Ноилож чиқиб кетди.

## 8

Қудрат катта ҳовлига кириб борганида отаси пешайвоннинг очиқ деразасидан ташқарига хомуш тикилиб ётар, қўзи нашватининг ер билан битта бўлиб тўкилаётган гулларидами, қачондан бери сув қуйилмайдиган эски ҳовуз атрофида оқ, пушти, сариқ бўлиб очилган гулсапсарлардами, билиб бўлмас эди. Уни кўриб отасининг юзига қон югурди. Кўзлари жавдираб, яқин келишини интиқлик билан кутаркан, саломига бош силкиб, мамнунлик билан алик олди. Пахтадай юмшоқ қўлини бериб, беозоргина кўришиб:

— Кел, келдингни, ўғлим,— деди аллақандай муштоқлик билан.

Қудрат кўнгли эриб кетиб, ҳозир шу хаста одамнинг бир оғиз сўзи, илтимоси учун ҳайкалгина эмас, ҳар нарсага ҳам тайёр эканини аниқ сезди. Ўзи эса атрофида парвона бўлиб, қол-аҳвол сўрашга, кейин оёғи узун хонтахтани каравотга яқинроқ суриб, келтирган нарсаларидан дастурхон тузашга киришиб кетди. Хотини ёпиб берган кўк сомсадан олиб қўйди. Иккита тақсимчада қулупнай билан гилос чайиб келди. Оқсоч кампир дамлаб келган чойни қайтараркан, отасини дастурхонга қистади.

— Дада, олинг, омонлик-сомонлик қилинг. Мана, пишиқчиликка ҳам чиқиб олдингиз. Кунлар исиб кетса, яхши бўлиб қоласиз.

Отаси бош силкиб, тақсимчадаги кўкламнинг эртаги ноз-неъматларига шукроналик билан қаради, биттадан олиб оғзига солган бўлди. Айниқса, келини думба ёғ солиб ёпиб берган кўк сомсани мақтаб-мақтаб еди. Бир ёнига ўнгарилиб, сал ёнбошлаганча чой ичаркан, Қудрат ҳавотирланибгина унга назар ташлаб қўйди. «Тинчликми, илгари ҳеч бунақа очилиб кутиб олмасдилар. Ишқилиб бурнимдан булоқ қилиб чиқармасалар бўлгани. Кечаги мажлисни эшитганми-канлар? Эшитмаган бўлсинлар-да...»

Унинг назарида отаси ҳамма нарсдан хабардор-у, фақат эшикдан кирмасиданок, юзига солгиси келмай, ўзини сипо тутиб турганга ўхшар эди. Нимагадир шундай туюлар, бунга сари кечаги дилхиралик яна ёдига тушиб ичини кемирарди. Ниҳоят, у ҳозир бошланадиган шундай гаплардан қочиб ўрнидан турди-ю, қушларга алаҳсиди.

Уларнинг сувини янгилаб, дон соларкан, отасининг тўрда илиғлик машҳур портретига кўзи тушди. Бу улкан расмини Қудрат болалигидан билади, унга негадир ўша вақтдаёқ меҳри тушиб қолган. Ҳатто «Катта бўлсам худди шундай, адамларникидай расмимни ишлатганим бўлсин», дея ич-ичидан орзу қилганлари эсида. Энди отасидай юртнинг каттаси, ҳамма ҳавас қилгудек бир столнинг эгаси. Лекин ҳали ўшандай бир расмини ишлата олганича йўқ. Ҳар гал шу портретни кўрганда бир яхши рассом топтиришни ўйлаб қўяди-ю, кейин яна хаёлидан кўтарилиб кетади.

Лекин бу портретни ўша калтабақай тепакал рассом хўб ишлаганда. Отасининг эғнидаги ўша вақтда расм бўлган китель-шим, кўкрагидаги олтин юлдуз, забардаст гавдасига ярашган шоп мўйлови, устарада қиртишланган бошидаги яп-янги чуст дўппи — барча-барчасидан аллақандай улуғворлик, салобат ёғилиб тургандай. Узини хиёл бир ёнга ташлаб, дабдабали креслосида ўтиришини айтмайсизми? Худди икки ёнидаги икки шербаччани эркалаб — юпатиб ўтиргандай. Хўб топган-да! Юзларидаги улуғворлик, кўзларидаги важоҳат, ўзига ишонч-чи! Шуларнинг ўзи бир олам.

Бурҳон тўкис деганларича бор экан-да, ўша вақтда... «Энди бўлса,— Қудрат каравотда муштдек бўлиб ётган отасига кўз қирини ташлаб қўйди, — шуларнинг мингдан бири ҳам қолмабди-я, тавба. Дунёга устун бўламан деганларнинг ҳам ҳоли охирида шу экан-да, а?»

У худди ўзи шу аҳволга тушиб қолаётгандек, ўз хаёлидан ўзи чўчиб кетди. «Пешона-да, пешона. Ҳамма шу қўйга тушаверибдими», дея ўзига-ўзи таскин бераркан, отаси енгил томоқ қириб, ожиз кекирди. Кейин шукрона айтиб, жойига оҳиста чўзиларкан, ўша-ўша мулойим овозда сўради:

— Кеча дарагинг бўлмади?

Қудрат буни кутмагани, оғзига ҳеч гап келмай шошиб қолди: «Мулойим — юмшоқ бўлиб кутиб олганларидан қўрқувдим-а, ҳаммасини орқага ташлаб қўйган эканлар-да.»

— Шу ерга келганингда... кирармисан, девдим. Ё зиёфат...

— Йўқ, дада, мажлисининг ўзи... чўзилиб кетди,— Қудрат ёлғонлашга мажбур бўлди,— кейин бемаҳалда безовта қилмай қўяқолай деб...

Ота ётган ерида сочикқа бармоқларини босиб арта туриб, энсаси қотгандай:

— Шунақа дегин?— деди сирли бир қараб қўйиб.

Қудрат қайтиб келиб, унинг қаршисига ўтиришини ҳам, ўтирмасини ҳам билмай қолди. Утирай деса, яна ўша мажлисдан гап очишидан безиллайди. Утирмай деса, яна ноқулай. Худди ўзини олиб қочаётганини сездириб қўяётгандай.

Ота норози қиёфада кўзини четга олди:

— Ундан кўра, юзим чидамади де...

Қудрат худди галстуги томоғини бўғаётгандек, уни бўшатишга уринди. Шу баробар юраги ҳам қисилиб, «шуни ҳам дарров етказишибди-да», дея гижинди. Яна иккиланиб отасига қаради: «Ростдан эшитганмиканлар?»

Бурҳон чол оқ кўрпа — чойшаблар остида ҳоксор тортиб ётар, негадир оқ — сарғимтил юзига алам, ўкинч, хўрлик бир йўла босиб келаётганга ўхшар эди.

Қудрат саросимага тушиб, ростига кўчганини ўзи сезмай қолди:

— Ҳамма нарса пишиб, ҳал бўлай деганда ўша ўзингиз билган Зорин чол қаердан пайдо бўлди-ю, ишнинг расвосини чиқарди-қўйди.

— А?... Ниманинг расвосини чиқаради?!— Бурҳон чол ҳайратдан аzza-базза бошини кўтариб қаради. Қудрат бекор қилганини сезди-ю, дами ичида қолди. Нима деярини билмай кўзларини олиб қочди.

Ота уни ўзича тушуниб, лабини гинали бурди:

— Лайлакнинг кетида қор ёғиб, битта илтимос қилибман-у... шуниям удалай олмадингми?— У «эссиз, савлат, эссиз, лавозим»

дегандай ижирганиб қаради.— Шу умум мажлисга соладиган нарса эканми? А?

Қудрат стулни яқин суриб, тушунтиришга ошиқди.

— Унимас, дада. Эсимни ебманми, ўшани умум мажлисга солиб!.. Мен... мен ўзим колхозларни бирлаштириш баҳонасида анави «Акбар-обод»ни янгилаб юбора қолайми, дегандим... Айтганингизни...

Ота унинг гапини охиригача эшитгиси келмай бошини ҳорғин сарак-сарак қилиб, гинали тикилди.

— Шу мен тириклигимда қиладиган иш эканми? Яна эсимни ебманми дейсан-а!

Қудрат ноилож бош эгди. «Ўзимдан ўтди, сал шошмасам» демоқчи бўлди-ю, айтаолмади. Гурурим, нимадир йўл қўймади.

— Яхши гап топиб кепсан! Хурсанд қилдинг!— Ота энсаси қотиб, юзини буриштирди. Унинг жаҳли чиқиб, гаплари ҳам ачиб борар эди. Қудрат унга қарай олмай мингирлади:

— Уша чол... бўлмаганда...

— Уша чол, ўша чол! Нима ўша чол?!— отанинг жаҳли чиқиб кетди.— Сенми районнинг каттаси ёки уми? Битта чолга бас кела олмасанг райком секретари бўлиб нима қилиб юрибсан?!

Худди шу нарса Қудратнинг нафсониятига тегиб, ўрнидан туриб кетди:

— Дада!

— Нима дада?!— Бурҳон чол кўзлари совуқ чакнаб, унга қаттиқ тикилди. Қудрат шунча йил каравотга миҳланиб, хасталаниб ётган бир одам шунча қаҳр-ғазабни қаердан олганига ақли етмай дафъатан лол қолди. У ҳали-вери бўш келадиган одамга ўхшамас, кесатиқ устига кесатиқ билан узиб-узиб олар эди.— Ҳали менинг гапим оғир ботади-ган бўб қолдими?! Амалдор бўлсанг ўзингга! Мен отангман! Менга қулоқ ошишга мажбурсан! Ким туфайли одам бўб қолибсан?! Эсингдан чиқибди-да, Масквада ўқитганларим, ишга жойлаб қўйганларим? Ўз-ўзидан қўтарилиб қолган экансан-да, а?!— У охири нафаси қисиб, бўзарганча гапира олмай қолди. Лекин шунда ҳам кўзини узмас, кўзлари билан таъқиб қилишини қўймас эди.

Қудрат минг оғир ботмасин, отасининг ҳурмати юзасидан бўйин эгди. Кечирим сўраб, гуноҳкор боладай стулга қайтиб ўтираркан, гудранди:

— Сиз ҳам менга осон тутманг-да, дада. Ўзимнинг бўларим бўлиб юрганда...

— Бўларинг бўлиб нима қилибди?— Ота, раҳмимни келтирмай қўяқол, сени жин ҳам урмайди, дегандай яна қайтариб ташлади.

— Уйлайсизки, райком секретарининг душманлари йўқ деб. Оёгимдан чаламан деб турганлар, тирноқ ичидан кир излаб юрганлар қанча-ку.— Қудрат отасига ўпка аралаш қараб қўйди.

— Сен уларни босиб қўй, тилини қисик қилиб ол. Бўшашсанг баланд келаверади-да.

— Ўз қўл остимдагиларни-ку бир амалларман, тепадагилар-чи? Уларни нима қилаоларканман?

— Одамани топиб қўлга ол! Иложсиз нарса бор эканми?

Қудрат энди дилидаги дардини яшира олмади, ҳечкимга айта олмай юрганлари ҳам очилиб кетди.

— Э, кошки ҳаммаси шунга юрса... Ҳозир ҳам биттаси босиб текшириб ётибди...

Бурҳон чол бир амаллаб бу ёнбошига ўгирилди, аzza-баzza хавотирланиб қаради:

— Бундай яхшироқ гаплашдингми ўзи? Нима дейди?

— Нима дерди?!— Қудрат ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади.— Хусусий мулкчиликка йўл очиб, одамларнинг тарбиясини бузиб юборибсизлар, дейди. Умуман, одамларга ерни бўлиб бериб, экин эктиришмизни нотўғри деб топяпти.

Ота афсусланиб бош чайқади:

— Мен сенга нима девдим?! Айтувмидим? Одамлар миннатдор бўлмайди, катталарнинг измидан чиқма, демабмидим? Моддий манфаатдорлик ошади, ҳосил кўпаяди, планлар осонгина бажарилади, деб ўзингникини маъқул қилгандинг. Энди нима бўлди? Эшитдим. Уша гектарчи деҳқонларинг бозордан бери келмай қўйганмиш. Даладан чиққан ҳосилнинг сархилини бозорда пуллаб, йилига машина янгилаётган эмиш. Пунктга мол ўрнига пул ўтказаетганмиш. Планниям қоғозда бажараётганмишсизлар. Шунақами?

Қудрат ичидан зил кетиб ўтирган бўлса-да, паст тушгиси келмади:  
— Жуда сиз айтганчаликмасдир...

Отага унинг жавоби ёқмай, ўсиқ қошлари чимирилди.

— Мен айтганчаликми, айтганчаликмасми, одам кетини ўйлаб иш қилмайдими?! Энди жонингга ким ора киради? Уша бойвачча деҳқонларингми?!

— Мен, бўлса — халққа бўлсин, дегандим, — Қудрат ўзини оқламоқчи бўлди.

— Бекор айтибсан! Ниятинг бошқа бўлган. Бағрикенглик қилиб, одамларга яхши кўринмоқчи, осон обрў орттирмоқчи эдинг. Аввалига шунга эришдинг ҳам. Лекин энди дамнинг ичингда, кўрсангки, ҳаммага бирдай мурувватпешалик қилиб бўлмас экан. Кимлардир сендан ҳайиқмай қўйибди. Кимлардир тилингни қисик қилиб олибди. Қаердадир сўзинг кесмай қола бошлабди. Тўғрими?... — Писанда билан сўради ота.

Қудрат минг ўзини босишга уринса-да, тилини тия олмади.

— Сиз ҳозирги одамларни билсангиз экан! Қошки улар бундан ўн йил аввалги халқ бўлса...

— Уларга нима қилибди, ўн йилда жуда олим бўлиб кетибдими?

— Олим бўлиб кетмаса ҳам, ўша пайтдагидай оми эмасдир. — Қудрат, сиз бу ерда ётиб нимани билардингиз, демоқчи бўлди. — У сизнинг даврингизда эди, ҳар отликқа эгилиб салом бераверадиган халқ...

Энди отаники тутиб, жаҳл билан кучанган эди, каравоти ғижирлаб кетди:

— Сен, бола, оғзингга қараб гапир. Ҳали биз сенга ҳар қанақа отлик бўлиб қолдикми?! Ундан кейин у халқни, у одамларни камситишга ким ҳуқуқ берди? Улардек фидойисини топсанг жон-жон дерсан! Фронтга деса, еб турган нонини, керак бўлса, жонини берган-ку, у халқ! Эсингдан чиқибди-да, у йиллар? Одамлар ёз-куз бўйи далада ишлагани етмай, қиши билан қаҳратон совуқда канал қазганлари, ГЭС қурганлари?! Қуруқ зоғора нону атала билан яшаганлари?! Лекин нолиш нималигини билмаганлари! Танкка маблағ йиғамиз, деб қолсак, охири тақинчоғигача олиб чиқиб берганлари? А? — Бурҳон чол юзини буриб ётган жойида қўл силкиди, — дарвоқе, сен нимани билардинг, кимсан Бурҳон тўқиснинг эрка-тантиси. Қийинчилик нималигини билмагансанлар.

Қудрат пушаймони ичида, ноилож бош эгди:

— Узр, дада, ундай демоқчимасдим.

Ота унга энсаси қотиб бир қараб қўйди-ю, ҳайтовур индамади. Орага бир дақиқа жимлик чўкиб, Қудрат унинг кўнглидан ҳозирги гиналарни қандай чиқариб юборишни ўйлаб қолди.

— Анавини гаплашдим, неварангиз билан, — деди охири, кўнгли чопиб-чопмай.

Ота синовчан разм солди.

— Утган сафар жуда баланддан келган эдинг, нима бўлди?

Қудрат дадилланиб, шахдам жавоб қилди.

— Бўлди. Кўнди ҳисоб. Уша айтганингиздек қилади.

— Кўнди ҳисоб эмиш! Э, қўй-э, — ота ҳали бояги жаҳлидан тушмаган экан, жеркиб берди.

— Дада! Нима кераги бор шунақа гапларни?! Битта ҳайкал қўйдира олмасам, райком секретари бўлиб нима қилиб юрибман.

Бунинг устига ўглингизман!..— Қудрат чидамай яна ўрнидан туриб кетди. Унинг енгиллиги, нимадир отанинг жинини қуриштириб, уни силтаб уришиб ташлади.

— Э, бор-бор, сенга жавоб! Бир яхши гап топсанг келарсан, бўлмаса келмасанг ҳам розиман.

— А?— Қудрат турган ерида тахта бўлиб қолди.

— Ҳайкалингга ҳам зормасман, ўзинга ҳам зормасман, ҳеч нарсанга зормасман!..

Қудратнинг қулоқлари остида эса, «зормасман, зормасман» деганлари қайта-қайта такрорланар, иззат-нафсига тегиб-тегиб кетарди... Аллақандай ички овоз қулоғига «зор бўлмаса-зорманда кетсин! Қадрингга етмадими-кет. Шунча қилганларингни, яхшиликларингни билмади-я, кет, кет, кет», дея пичирларди.

Охири у чидаб туrolмади. «Ҳали шунақами», деди-ю, бир ҳатлашда ўзини остонада кўрди. Угирилиб, бир лаҳзагина тўхтади. Нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин бўғзига иссиқ бир нарса қадалиб, ҳеч нима дея олмай, йиғлагудек бўлиб чиқди— кетди.

**Сийратдаги Бурҳон.** Кетди. Йиғламоқдан бери бўлиб кетди... Бекор қилдинг. Шундан бошқа суянадиганинг, қайишадиганинг йўқ-ку ўзи.

**Сувратдаги Бурҳон.** Ўзидан кўрсин. Қачонгача қовун тушириб юради? Еш боламас-ку. Райком секретари деган одам ушлаган жойини шарт узиб олмайдами?! Бундоқ қаттиқроқ сиёсат юргизиб, айтганини қонун қилиб қўймайдами?! Битта ўғлини қайириб ололмайди-ю, чиранганига ўлайми!

**Сийратдаги Бурҳон.** Ҳар қалай ўғлинг эди, ўз жигаринг. Ўлсанг иззат-ҳурмат билан кўмадиганинг. Бекор ранжитдинг.

**Сувратдаги Бурҳон.** Улганингдан кейин иззат-икром билан кўмадим, қабристонга шундай ташлаб келадими— бари бир эмасми?! Ҳарқанча қиладиган бўлса, кўзинг очиклигида қилсин! Номингни абадийлаштирадими, ҳайкал қўйдирадими... Кўзинг билан кўрмагандан кейин нима қизиғи бор?! Иззат-нафсига тегадиган гап қилмаса, ана эди — мана эди, деб юраверади-да...

**Сийратдаги Бурҳон.** Бошқалар турганда унга ҳам ноқулай-да, ўз отасини тикиштириш.

**Сувратдаги Бурҳон.** Бошқалар! Бошқалар!!! Бошқалар миннатдор бўлармиди?! Е унинг хизматлари ўшаларниқидан кам эканми?! Етар, шунча йил номини колхозга бериб қўйгани ҳам! Бир одамни улуглаш бўлса шунчалик бўлар-да!

**Сийратдаги Бурҳон.** Сирасини айтганда, у ҳам бегонамас, ўз дўстинг эди... Бир вақтлар ораларингдан қил ўтмасди. Кейин давринг келиб шундай ишлар бўлиб кетди-да.

Бурҳон чол у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб тўлғанди. Упкаси тўлиб кўзларида ёш халқаланди, бутун уй, қафасу деворлар, ўша улкан портрети аллақандай туман ичида қолиб кетди. Тавба, ўша туман ичида эса адаши— Сувратдаги Бурҳон дарғазаб бир қиёфада бир каттариб, бир кичрайиб кўринар, дам кучайиб, дам сусайиб бир садо — унинг бўғиқ овози келар эди:

— Ўзидан кўрсин, ўзидан кўрсин, ўзидан кўрсин!..

Худди шу топнинг ўзида эса, яна бошқа томондан, гўё ич-ичидан бошқа бир нидо ҳам келди:

— Ўзингдан кўр, ўзингдан кўр, ўзингдан кўр!..

Бурҳон чол бу садо ва нидоларнинг қай бирига қулоқ осийшини билмай, аста кўзларини юмди. Ҳаётида биринчи марта:

— Ким ҳақ эди, ўзи? — деб сўради, — ўзимми, уми?

Дарвоқе, аслида ҳам уларнинг жанги нимадан бошланиб, нимадан аланга олиб кетган эди? Нимани деб икки дўст шу даражага борган эдилар. Ким, қайбирлари улуглашга, ҳайкал қўйишга муносиб ўзи?..

(Давоми бор)



Ойдин Хожиева

## Бизга ёдгор бу дунё

Олма гули нопармон, ёронлар,  
Излаб сени топарман...

*Қўшиқдан*

### Қадамда гул

*Бўстон қишлоғида,  
Рўзибиён гузарида  
Етмиш беш йил умр кўрди  
Сарвар дойрадаст...*

*Бир қиз эди. Чаманга кирса,  
Гул кўйлақлар бичарди булбул.  
У тўйларда чилдирма урса,  
Атрофида учарди булбул:  
Қадамингда гуллар очилсин...*

*Оқ тулпорга ёпиб бахмаллар,  
Сўзи ўткир кайвони буви,  
Мингаштириб келди сулуви,  
Остонада ёнди машғаллар:  
Қадамингга гуллар сочилсин...*

*Халилбойнинг бўм-бўш уйига  
Уша куни бир давлат кирди.  
Етим кўнгли, баста-бўйига  
Савлат бўлиб, муҳаббат кирди:  
Қадамингда гуллар очилсин...*

Қизилтепада Бўстон деган қишлоқ бор. Мен болаликда бу қишлоқ боғларида булбул излардим. Бир куни саҳарда, — бу энди анча йилдан сўнг эди, — ариқ бўйидаги қоратолларда сайраган булбул овозини эшитиб, лол бўлгандим.

— Чўл булбули бу, — дегандилар онам...

Аслида эса мен қишлоқдошларимнинг ҳар бири қалбида булбул сайроғини аллақачонлар тинглаган эдим. Қишлоғимиз аёлларининг деярли барчасини уруш бева қилган эди. Ушалар дилида, камтар, бешухрат, меҳнат билан гўзал, сокин турмушларида муҳаббат ва садоқатнинг булбулигўеси куйларди... ҳали ҳам куйламоқда. Балки, шунданмикан, ҳозиргача чиққан китобларимда ҳамқишлоқларим ҳақида мисралар тизганман. Улар менга хануз илҳом, олов берадилар.



Чимилдикда ёнган икки шам  
Ширин-шакар гўдаклар бўлди.  
Бировдан кўп, бировлардан кам  
Турмушлардан кўнгишлар тўлди...  
Қадамнингда гуллар очилсин...

Ер ёндириб кетган бағирни  
Сўнг яхлатиб келди қорахат.  
Тунлар қучиб икки сағирни,  
Хайёллардан топди фароғат.  
Этакларин икки бегуноҳ  
Баҳор бўлиб тутса, суюнди.  
Бир сувратдан ўтини паноҳ,  
Естиғига йиғлаб, куюнди.  
От миниб ер ҳайдади кузда,  
Қор кечиб, ер шўрини ювди.

Бугдой ўриб, ҳўп қўшди ёзда  
Эркаклардай чайир, уқувли.  
Гўзасини ўтлар босганда,  
Қўлларини кесди қамишлар.  
Белин боғлаб канал қазганда,  
Кетмонида ёнди кумушлар.  
Совуқ ёрган бармоқларини,  
Эм топди у чироққа тоблаб!  
Келинга деб балдоқларини  
Сандиғига солди ардоқлаб.  
Дилда тоғдай озорлар билан  
Рўзгор тутиб, жамалга ортди.  
Қиз узатди «ёр-ёр»лар билан,  
Ўғил уйлаб, элга ош тортди.  
Сокин кўлдай яшаб ўтди тинч,  
Эсга келди на мансаб, на шон.  
Пок номидан ўзга бир илинж  
Кўнглини банд этгани гумон.  
Пилла тутиб, чиқарганда ном,  
Пахта план тўлган паллада —  
Унга халқи тутган эҳтиром  
Нишон қолди қуроқ халтада...  
Йўл булутдай тўлганиб олди.  
Укпар бўлиб ўтди Сарвархон:  
Қадамида сочилиб қолди  
Олмаларнинг гули нопармон.  
Қадамнингда гуллар очилсин...

## ОТА

Қирқ биринчи йиллар. Гавжум хонадон.  
Болалар тўпланса — бўлар бир кўча:  
Барига кийим-бош, иссиқ сўз ва нон...  
Ҳар куни қайнайди бир қозон гўжа.  
Жўхори ҳам тугар. Супра юқидан  
Атала қайнатар она гиргиттон.  
Янги тўнин олиб уй равоқидан,  
Ота бозор чиқиб кетади пинҳон.  
Қайтар, белбоғида ун, оқ лавлаги,  
Қизларга беш чайнам сап-сарик сақич.  
Томоша қилар ёш ювиб иягин,  
Уйга сиғмай қолар байраму севинч.  
Фотиҳадан кейин қўяр патефон.  
Бобораҳим қўшиқ айтар оҳ уриб.  
Чинордай тебраниб тинглар отажон.  
Ҳорғин танасига кўклам югуриб...

Ёзда пахса урди иморатларга,  
Гулларга, ҳақ сўзга бўлди ҳаводор.  
Учади хушомад муруеватларга,  
Ҳалол меҳнатига қолди вафодор.  
«Бобораҳим айтган қўшиқ баҳоси  
500 сўм, — дедилар, — бўлиб харидор.»  
— Одамзод сотарми юрак дунёсин,  
Дил мулкин нархламоқ эркак учун ор!  
Ойнинг ҳам ўнбеши бўлар-ку ёруғ.  
Яхши кунларгача етолсак омон,



Хали тўйлар бўлар элда хушдовруқ,  
Жужуқлар бахтига келар бир замон!  
Ғалаба келади туздай татимли!  
Дил тўлиб, солланиб чорпояларда  
Мириқиб тинглаймиз Бобораҳимни!  
Ушанда бол томиб ҳикоялардан...

44-йилнинг анжир пишиғи.  
Узум уза туриб, узилди у жон.  
Бобораҳим айтди маҳзун қўшиғин,  
Уғлидай оҳ тортди эски патефон.  
Ҳаётбахш шарбаги тугамай, бевақт  
Ота тоқ зангидай кирди тупроққа.  
Уруш бўронлари йиқитган дарахт  
Беш қиз тақдирида айланди боққа.

## Шаҳривайрон

Қизилтепа районида Шаҳривайрон  
тепа бор. Қадимда босқинчилар қир-  
ғин солиб ўтган шу тепаликда бир  
лаҳза ўтирдим...

Тарих саҳросига тикилдим ҳайрон:  
Ташнаком карвондай борар асрлар.  
Инсон ўз қавмига келтирмиш қирон,  
Қум остида қолмиш обод қасрлар.  
Тарих сўқмоғидан хира бир нишон:  
Шаҳривайрон, Шаҳривайрон...  
Совиган харобот. Ҳусук бир ёдгор.  
Чириган оғочлар.  
Занг босган темир.  
Дарз кетиб ётади беҳисоб суяклар.  
Илвироқ оғочлар —  
Қолганми бешикдан, тобутдан, дордан?!  
Кўзимга кўринар оппоқ билаклар,  
Бенаф хазиналар,  
Ҳажр куйиндиси,  
Ошом қуйқаси —  
Тубига оғудай чўккан косалар...  
Қиличлар дастаси... занглаган бўғзи...  
Нимага тўйди у —  
Қонгами?  
Шонгами?  
Е сийму зарга?  
Кундалар...  
Ётади ҳар ёнда тўзғиб...  
Оёқнинг остида чаноқлар... ёху!

Баҳорда шу тупроқ сутлари ийиб,  
Ҳар тирик жон борки, эмизиб боққан.  
Қулон ўтса ёзда туёғи кўйиб,  
Шамол лашкарлари ноғора қоққан.  
Кузада кўчманчи уруғлар ўтган,  
Туяларга юклаб кўмирларини.  
Бу ер болакайдай севиниб кутган  
«Бўри болалади» ёмғирларини.

Чондилар, ёқдилар, чидаб берди жим,  
Ерни дуч этдилар минг хил жабрга.

Лекин бир буюмдек орқалаб ҳеч ким  
Олиб кетолмади уни қабрга.  
Босқинлар ўтибди, тожу салтанат  
Ҳаммаси чирибди, топибди завол.  
Ҳамон собит турар шу тепа фақат,  
Шу Она еримиз ҳамон баркамол,  
Нурамас, чиримас, устивор, абад!

Каналда балқиган найкамалакда  
Кўзларим ҳайратга айланиб қолар.  
Қўйдайд-қўйдайд қовун-тарвуз палакда,  
Кўм-кўк алангадай ловуллаб толлар.  
Қирлар деҳқон каби келар югуриб,  
Боғларни солганча этакларига.  
Ухлаган гўзалдай уйқудан туриб,  
Тақиб тирикликнинг чечакларидан,

Келажак йўлида қолар ҳар сафар  
Қадим Шаҳривайрон тепалар...

## Боғ

Унутмас мени боғим...  
Усмон Носир

Ой шом еди. Зил зулмат  
Ичра чўкди чаман-боғ.  
Бир оҳ торғди табиат.  
Гул қатига тушиди доғ.  
— Ой, шошмагил, бу боғни  
Ишонурсан кимларга?  
Қийил жони титроқли  
Гулпараст насимларга.  
Капалаклар бол эмган  
Атиргулга боқиб лол,  
Маҳзун хаёлга чўмган  
Чинорлардан сўра ҳол.  
Ҳар баргани кўзга суриб,  
Айтганча арзи видо,  
Саҳарда қон тупуриб,  
Йўқотди сени дунё...

Эй, сен соҳиби илҳом,  
Огашнафас эрка соз,  
Боғингда кез бу айём —  
Кўрсатиб меҳру ниёз...  
Ким ҳавас, деб сўз битар,  
Ким ризқу рўз, нон учун

Тилдан қолсин шеър, агар  
Курашмас имон учун!

Ёнмоқ на хуш, нек байрам,  
Эй, чақмоқ урган юрак,  
Сўз аршида бугун ҳам  
Балқи, мажнун — камалак.

Тиғиз ҳосилга кирмиш  
Сен ўтқазган дарахтлар.  
Сархил мевалар термиш  
Сенга шогирд-фарзандлар.  
Юзинг ёруғ, кулиб боқ  
Қадр топган шон учун.  
Унутмабди сени Боғ  
Она юрт — боғбон учун!



## Едгорлик

Она ўтар. Унга ёдгор  
Мармар тошлар қўярлар.  
Тош лавҳада жимжимадор  
Ўз номларин ўярлар...

...Сизни ерга берганим йўқ,  
Тушларимга яширдим.  
Қор кўйлакли, қўлда урчуқ —  
Қишларимга яширдим...

Қиш кечалар сирга тўлди,  
Бўлди яна узунроқ.  
Еруғ ёзим кечар бўлди  
Хаёлчанроқ, маҳзунроқ.  
Мажнунтолнинг кўк навдаси  
Кўмкўк сувга эгилгай.  
Офтоб ютиб гоҳ нафасин,  
Сизмасми, деб тикилгай.  
Хар тонг айтиб кунга раҳмат,  
Қучардингиз оламни.

Гоҳ илиқ сўз топмай, диққат,  
Инжитарман боламни...  
Қўша-қўша узуклармас,  
Сандиқ тўла мол-бисот,  
Қолдирдингиз менга мерос  
Соғлом юрак, соф ҳаёт!  
Шу меросни сарф этолсам  
Эзгуликка бус-бутун,  
Сизга ёдгор, Онагинам,  
Тиклаганим ўша кун...

## Тилсим

Абдулла шоир дўмбирасини созлаб, кўзларини юмиб, илҳом парисини излаб, бўзлаб, дoston аввалида «Шоми ғарибон» куйини чала бошлади...

Музайяна АЛАВИЯ

Саратон селида ғарқ бўлган ҳовли.  
Кун қайтиб, қуйилар салқин ҳаловат.  
Бахши сиёқида қўшиқнинг сеҳри,  
Созидан ёйилар аста тиловат.

Қизлар кела берар хаёл сурганча,  
Ҳусну малоҳатда ойдек тўлганлар,  
Атирга беланиб, кўзни олганлар...  
Кампирлар ошиқиб келарлар қанча,  
Набира опичлаб, донишмандона  
Виқорли тоғдайин чўкар қаррилар.  
Қарчиғай йигитлар қураб чордона.  
Дўмбира товуши селдай шариллар...

Кўнарлар танламай тўрми, ё пойгак,  
Томларга, тутларга чиқишар нечов.  
«Шоми ғарибон»дан учқун оқарак  
Ҳислар, туйғуларга чирмашар олов.

Юзларда шафақдан тушган аланга,  
Кўзларда тун каби теран бир шовуш.  
Туман каби ўрлаб пасту баландга,  
Жаранглаб сочилар ер узра кумуш:  
«Юз йигирма ёшга кирдим, қаридим,  
Қаримасам, Асқар товча бор эдим...ов...»  
Қирларда акс садо отдай дунурлар.  
Даштларда минг кўзли булоқ биқирлар...

Қўшиққа шу қизлар юзин чайди,  
Йигитлар оҳангга қанот ёяди,  
«Дунё ўткинчимас. Умр бир тилсим» —  
Қаддини ғоз тугар мудраган чоллар.  
Ой ботар, уйларга жўнашади жим  
Еришган, тўлишган уйғоқ хаёллар...

## Гужум билан сирлашган чол

Одил Бўрон оддий бир одам,  
На шоир у, на-да бастакор.  
Қишлоқчада чоққина, шинам —  
Эл қатори ҳовли-жойи бор:  
Боғ полизга сув ташиб дастёр,  
Айланади чархпалаклар.  
Езда гулхаң ёқар анорзор,  
Девор ошар кадипалаклар.  
Дарвозанинг олдида улкан  
Ҳикматли бир гужум шовуллар.  
Қор-қуюнлар унга берган тан,  
Эголмаган уни довуллар.  
Одил жангга жўнаркан, уни  
Дўсти каби қучиб, йиғлаган.  
Хатларида, ёрдай юкуниб,  
Соғинч билан ҳар гал йўқлаган.  
Уруш тугаб, она қишлоққа  
Қайтганида шу Одил Бўрон,  
Гужумга юз босиб, қучоқлаб,  
Деган: «Жўра, бормисан омон?»...

Қалдирғочдай учди қизлар ҳам,  
Уя қуриб иссиқ қалбларга.  
Уғиллари ўқиган одам,  
Кўчиб кетди катта шаҳарга.  
Жаннатдай боғ ётади гуллаб,  
Мевалари тўкилиб ерга.  
Чол почтага қатнар мункиллаб,  
Болаларин дилида тергаб:  
«Етиб ортар қирқ набирага...  
Эгаси-да боғимнинг шулар.  
Усти-боши ботиб ширага,—  
Не қиларди — тут қоқса булар...»  
Утган йили баҳор бошида  
Ҳар бирига атаб бир ниҳол,  
Кўпқаватли бино қошига  
Экиб келди тинчимас шу чол...  
Гужум билан кун ботар чоқда  
У ўтирар узоқ сирлашиб.  
Иккисининг она тупроқда  
Томирлари кетган бирлашиб...



Яхши шеър экан...

Муҳаммад  
Солиҳ



Мен  
унинг номидан  
сўрайман узр

### Иқроф

*Ҳаяжонга солмас шуҳрат висоли.  
Етар.*

*Бир бор унга нигоҳ солганман.  
Байроқни яширган жангчи мисоли  
Умидни ўмганга боғлаб олганман.*

*Йўқ, хафа эмасман моддий дунёдан,  
Мен унга ҳеч қачон келолмайман тенг.  
Чиройли қиёс йўқ. Менинг ҳаётим —  
Узоқ,*

*жуда узоқ шимарилган енг.*

### Қайта туғилган одам

*Менда ниначалик гина йўқ,  
Кечирдим ҳаммани, кечирдим.  
Хотиржамман — энди кўнглим тўқ,  
Кўнглимга мен заҳар ичирдим.  
Сиз ўйлаган одамман, мани,  
Фариштаман, сиз тахмин қилган —  
Ҳар бир сўзим куракда турар  
Ва сиғажак ҳар бир ақлга.*

*Кайфиятим азлодир, азло,  
Чиққан каби хастахонадан.  
Сўзлаганда, сўзлайман гўё  
Туғилгандай ҳозир онадан...*

## Мақтов

Мен сизни доимо мақтагим келар,  
Кўкларга кўтаргим келади доим.  
Афсуски, мен севган одамим билан  
Сухбатга нўноқман, шудир хатоим.  
Сиз менга азизсиз. Мақтамайман, йўқ.  
Мен кўкка кўтарган одамлар мингта.  
Сизга нима даркор одам тўла кўк,  
Келинг, ўлтирайлик овлоқ заминда...


## Ҳаммаси ёдимда

Ҳаммаси ёдимда. Энди борай мен.  
Шартми севги учун ўзни оқламоқ?  
Ҳаммаси ёдимда. Демак, мен бойман —  
Агар бойлик бўлса ёдда сақламоқ.  
Умримни пойингга сенинг тўшадим.  
Менда ҳеч не йўқдир, энди ҳеч нарса.  
Ношукур эмасман — узоқ яшадим,  
Агарда муҳаббат ҳаёт саналса.

## Кучли сўз

Мен муҳтожман бир кучли сўзга,  
Фақат — «хайр» сўзидан ўзга.

«Оқ йўл!» десам, хайр деганда.  
Билиб туриб билмаган каби,  
«Оқ йўл!» десам, кутилмаганда  
Ийглаб туриб жилмайган каби!



## Шеърият

Туроқ деб аталган тенгсиз Тенглик бор,  
Қофия деган бир Дўстлик бор экан.  
Жаҳонда хонтахта деган Кенглик бор,  
Дунёда, Эрк бордир шеърият деган.

## Бир туйғу

Шошилма, жонингга раҳм қил, раҳм,  
Ховлиқма, бу туйғу сеникидир нақд.  
Нечун энгикасан, югурук юрагим —  
Наҳотки, анқонинг уруғидир бахт?  
Шошилма, оқил бўл, телбанинг қалби,  
Бу туйғу чиндан ҳам севгига монанд —  
Яланғоқ новдада бир томчи каби,  
Бир туйғу чиндан ҳам турар омонат...

## Уч марта

Ҳеч қачон мен сендан кутмайман нажот,  
Мен сени ҳеч қачон кўрмайман, демак —  
Унута олмайман сени ҳеч қачон.

Одам тақдирини ўзгартмоқ учун,  
Уни этмоқ учун ер билан яксон  
Қаттиқ севмоқ керак аввало уни.

Нарёғи осондир: шомда, кетарда  
Чуқур ихлос билан «ҳеч қачон» сўзин  
Шивирлаб айтсанг бас, унга уч марта.

## Кейин

...Кейин ер оқарди, кейин қор ёғди,  
Худди соғинч каби, соғинчдай юмшоқ.  
Севимли аёлнинг ёзмаган хати,  
Севимли аёлнинг жимлигидай оқ.

## Нур ичра

Иккита қоронғи хона мисоли,  
Кўзларимнинг ичи ёришар бирдан  
Ва ял-ял нур ичра тўлғанаётган  
Мен ўз виждонимни кўраман.

## Ташбеҳ

Нилуфар — шаккок гул, — сувни танлаган,  
Осмоннинг аксига томир ёзган гул,  
Бунда мен — ягона — сени англаган.

Менинг юрагимга ўхшайсан, валлоҳ.  
Сен каби ер билан кўк ўртасида —  
Кўксимда турибди у ҳам муаллақ!

Нилуфар! Сувдаги ойнинг қўшнисини!  
Менинг юрагимни ҳеч ким тушунмас,  
Ҳеч ким, тушунганим каби мен сени!

## Қаҳратон

Оқ рўпаги бошга танғилган,  
Қимир этмай, тубанга қараб,  
Фарзандлари хиёнат қилган  
Она каби турар ҳар дарахт.

Ҳар лаҳзада бир абадият —  
Чўнг фожиа худди кечгандай,  
Сукут ичра турар табиат  
Бир даҳшатли қасам ичгандай.

## Барчага баравар

Нима бўлса бўлди. Ингилмадим, йўқ,  
Барчага баравар «яхши» бўлай, деб —  
Камондан узилиб учаётган ўқ  
Тўхтамас ўзига бермоқ учун зеб.







Абдуқаҳҳор  
Иброҳимов

# Ч А К А Н А С А В Д О

ИККИ ПАРДАЛИ ПАМФЛЕТ ПЬЕСА

◆ МУАЛЛИФДАН ◆

Дунё қалқиб турибди. Сайёра-мизнинг турли бурчакларида ўқтин-ўқтин уруш учқунлари кўринади. Бу ҳаммани ҳушёрликка чорлайди.

Тарихдан маълумки, қулдорлик жамиятида қулдор қулни сотиб олиши ва сотиб юбориши мумкин эди. XX асрда эса кишини чаканалаб сотиб олиш хавфи тугиляпти. Бу жуда даҳшатли. Бу бир халқ ёки бир қитъа доирасидаги хавф эмас, балки пул ҳукмрон бўлган барча жойларга хос хавф, эҳтимол, ҳозир ҳам дунёнинг қаеридадир бу хавф даҳшатга айланаётгандир. Шунинг учун биз пьесада қатнашувчиларни бирор миллатга хос исм билан эмас, балки XX асрда мудҳиш воқеалар содир бўлган айрим жойларнинг номлари билан атадик.

## ҚАТНАШУВЧИЛАР:

ХИРОСИМА  
НАГАСАКИ  
АБУ ЗАБАЛ  
БЕЛЬФАСТ  
СОНГМИ  
ОСВЕНЦИМ  
БУХЕНВАЛЬД  
АТИКА  
ЗАКСЕНХАУЗЕН  
МАУТХАУЗЕН

Воқеа шу кунларда,  
океан ўртасидаги оролчада  
бўлиб ўтади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Оролча қирғоғида барокка услубида қурилган шийпон. Стол ва креслолар қўйилган. Столда кичик экранли телевизорлар, телефонлар бор. Бухенвальд, Хиросима ва Нагасаки киришади.

ХИРОСИМА (*атрофга боқиб, севинчдан чапак чалиб*). Вуй! Мунчаям чиройли!

БУХЕНВАЛЬД. Жаннатнинг худди ўзи.

ХИРОСИМА. Худди ўзгинаси! Китобда ўқиганимнинг худди ўзгинаси.

НАГАСАКИ. Инсон бу дунёда ҳам жаннат яратишга қодир.

ХИРОСИМА (*ўзича*). Вой-бу, анави гулларни!

БУХЕНВАЛЬД (*Нагасакига*). Лекин бу дунёда жаннат яратиш, бу дунёда ҳам жаннатдагидек яшаш — сизу бизларгагина хос.

НАГАСАКИ. Нима, бизларнинг шохимиз борми?

ХИРОСИМА (*ўзича*). Аргимчоқ ҳам борақан-а!

БУХЕНВАЛЬД. Шох эмас, миямиз бор. Ҳамма гап мияда. Ҳа, мияда. (*Бошига чертиб*). Мана бу бўлса, бошқаси ҳеч гап эмас.

НАГАСАКИ. Қизиқ.

ХИРОСИМА (*ўзича*). Пляждаги соябонларни! Ҳаммаси оппоғ-а!

БУХЕНВАЛЬД. Ўзингизни атайлаб гўлликка соялсиз ёки бўлмаса, мени синамоқчисиз шекилли, жаноб Аттика?

ХИРОСИМА (*ўзича*). Товус... Жудаям чиройли-а... Вой, туяқуш ҳам борақан!

НАГАСАКИ. Мен инженер Нагасаки бўламан.

БУХЕНВАЛЬД. Э, бундай денг? Денгиз сувини ичимлик сувга айлантисувчи атоммашинада ишлашга келгансиз.

НАГАСАКИ. Шундай. Мени қаердан биласиз?

ХИРОСИМА (*ўзича*). Ана, ана, олмахон... Жаннат деганларича бор экан.

БУХЕНВАЛЬД. Сиз ҳақда ҳам радиотелеграмма олганман. Лекин бугун жаноб Аттика ўз котибаси билан ташриф буюриши керак эди.

НАГАСАКИ. Жаноб Аттика ҳам инженерларданми?

ХИРОСИМА (*ўзича, кўлини манглайига соябон қилиб узоққа қариб*). Чўмилиувчилар кўринмайди-я!

БУХЕНВАЛЬД. Жаноб Аттика валенеъматимиз, яъни бу жаннатнинг эгаси Освенцим жанобларининг жиёнлари бўладилар. У киши ишлашгамас, дам олишга келадилар.

НАГАСАКИ. Биз ҳам бир ёғи ишлашга, бир ёғи дам олишга келдик.

ХИРОСИМА (*ўзича*). Балки бу ерда чўмилиш учун алоҳида вақт белгилангандир?

БУХЕНВАЛЬД. Бу ерга келиб, яхши қилибсиз. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз: жаннат бўлса, шунчалик бўлар. (*Хиросимани зимдан кузатиб, у томон ишора қилиб*.) Жанобларининг шахсий котибалари ҳам чакки эмас. Дидингизга балли: фариштанинг ўзи.

НАГАСАКИ. Шахсий котибам эмас.

ХИРОСИМА (*ўзича*). Қайтиб боргач, дугоналаримга гапирсам, ҳаммасининг оғзи очилиб қолар. (*Ўзича пичирлайди*.)

БУХЕНВАЛЬД (*Нагасакига яқин бориб, ярим овозда*). Сиз гапимга сал тушунмадингиз. Мен сизга пардали қилиб «котибангиз» деб қўя қолувдим. Одатда эл кўзига котиба дейилади-ю, амалда ўйнашлик вазифаси юклатилади. Шундай эмасми, жаноб Нагасаки?

НАГАСАКИ. Йўқ... У...

БУХЕНВАЛЬД (*запни бўлиб*). Офарин! Сиз ҳам менга ўхшаб ҳар нарсани ўз оти билан аташ тарафдори кўринасиз. Хурсандман. Қарашимизда умумийлик бор экан. Ўйнашингиз менга ҳам маъқул.

НАГАСАКИ. Ўйнаш эмас, ўзимнинг жуфти ҳалолим.

БУХЕНВАЛЬД (*хандон отиб*). Ўзининг жуфти ҳалоли эмиш! Мени лақиллатмай қўя қолинг, жаноб Нагасаки. Мен анойилардан эмасман. Мени кимсан Бухенвальд дейдилар-а! Кўпини кўрганман. Алдаганман-у, лекин алданмаганман. Қўрқманг, ўзимники етарли. Бунингиз ўзингизга буюрсин.

ХИРОСИМА (*ўзича*). Булар гапини тугата қолса, бир чўмилиб олардим-да.

НАГАСАКИ. Ҳалиям ишонмайсиз-а? Чин сўзим: ўзимнинг ҳалол хотиним.

БУХЕНВАЛЬД (*жиддий*). Ростданми? Уз хотини билан бу ерга... курортга келган ёш йигитни биринчи кўриб туришим.

ХИРОСИМА (*ўзича*). Дунёда шунақа пляжлар бўлар экан-ку, мен бўлсам...

НАГАСАКИ. Мен курорт деб эмас, иш деб келганман.

БУХЕНВАЛЬД. Бари бир. Бу ерда ишдан маишат кўп бўлади.

НАГАСАКИ. Жудаям яхши.

ХИРОСИМА (*ўзича*). Бу ёққа келишга рози бўлиб яхши қилибман.

БУХЕНВАЛЬД. Нимаси яхши?

НАГАСАКИ. Тўйимиз ўтганига бир ҳафта ҳам бўлгани йўқ ҳали.

ХИРОСИМА. Вой, Нагасаки, юқларимиз қани?

НАГАСАКИ. Аэропортда қолиб кетибди.

ХИРОСИМА. Вой, энди нима қилдик? Ўғирлаб кетишган бўлса керак.

БУХЕНВАЛЬД. Хотиржам бўлинг, хоним. Бу оролчада ерга тушган тугмача ҳам йўқолмайди. Ахир, бу оролча Освенцим жаноби олиларининг хусусий мулклари-ку! Бу ерда хусусий мулк мутлақо даҳлсиз. Қонун ҳимоясида. Лекин озгина англашилмовчилик бўлди. Юқларингизни Аттика жанобларига ажратилган шийпонга юбортирган эдим. Мен ҳозир хизматкорга буюраман: юқларингизни сизларга ажратилган жойга етказиб беришади. (*Телефон қилади.*) Доктрина, азизам, бу мен — Бухенвальдман. Озгина англашилмовчилик бўлибди. Ҳозиргина қитъадан келган йигит инженер экан. Ҳа, атоммашинада ишловчи... Юқларини ўзига ажратилган жойга етказиб қўйинг. Ҳа, готик услубдаги шийпонга!

ХИРОСИМА. Бизлар шу шийпонда турамизми?

БУХЕНВАЛЬД. Йўқ, бу шийпон менинг қабулхонам. Сизлар бошқа жойда турасизлар.

ХИРОСИМА. У ҳам шийпонми?

БУХЕНВАЛЬД. Ҳа, оролчада фақат шийпонлар бор, холос.

ХИРОСИМА. Вой, қишда нима қиламиз?

БУХЕНВАЛЬД. Бу ерда қиш нима қилсин. Бу ерда ҳамиша баҳору ёз. Ахир жаннат-ку бу ер! Еки жаннатга ўхшамайдими?

ХИРОСИМА. Йўқ, жаннатнинг худди ўзи.

НАГАСАКИ. Иш юритувчи Бухенвальд жаноблари...

БУХЕНВАЛЬД (*сўзни бўлиб*). Иш юритувчи вазифасини бажарувчиман.

НАГАСАКИ. Бари бир эмасми?

БУХЕНВАЛЬД. Йўқ, бари бир эмас. Освенцим жаноб олилари ҳар бир вазифага ходимни узил-кесил тайинламайдилар, балки вазифани бажарувчи қилиб қўядилар.

ХИРОСИМА. Фарқи нима?

БУХЕНВАЛЬД. Фарқи шуки, агар ходим бирор вазифага бир йўла тайинлаб қўйилса, унинг келгусига умиди, илинжи қолмайди. Агар вазифани бажарувчи қилиб қўйилса, лавозимни эгаллаш илинжида интилиб, яхшироқ ишлайди.

ХИРОСИМА. Тушунарли. (*Эрига.*) Азизим, мен ҳам сени ҳозирдан бошлаб эрлик вазифасини бажарувчи деб ҳисоблайман.

НАГАСАКИ. Ўзинг-чи? Ўзинг менга ким бўласан?

ХИРОСИМА. Хотинлик вазифасини бажарувчи.

БУХЕНВАЛЬД. Гапимнинг кулгили ери йўқ. Мана, мен шу оролча сотиб олинганидан бери иш юритувчи вазифасини бажариб келяпман. Бу ерда қанча ишлар қилинди. Қанча шийпонлар қурилди. Оролча ёввойи, ташландиқ ҳолдан, мана, кўриб турганингиз — маданий қиёфага бурканди. Шу тариқа оламшумул аҳамиятга эга трансплантатология клиникаси бунёд этилди.

Х И Р О С И М А. Трансплантатология нима дегани?

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Ҳали ўзингиз тушуниб оласиз.

Бир томондан Заксенхаузен, иккинчи томондан Маутхаузен шийпонга яқин келадилар, бирданига бир-бирларига кўзлари тушиб, қўрққанларича икки тарафга қочиб кетадилар.

Х И Р О С И М А. Нега улар бир-бирларидан қўрқишади.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Чунки уларнинг мускул группаси бир хил.

Х И Р О С И М А. Бу нима дегани?

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Ҳали бунга ҳам тушуниб оласиз.

Х И Р О С И М А (*эрига*). Азизим, ҳозир қайтиб кета қоламиз.

НА Г А С А К И. Ҳа, нега энди?

Х И Р О С И М А. Бу ерда мен тушунмайдиган нарсалар кўп экан.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Ахир бу ер жаннат-да!

Х И Р О С И М А. Майли, жаннат бўлса-ям, ташлаб кета қоламиз.

НА Г А С А К И. Кетолмаймиз. Бир йилсиз кетолмаймиз. Мен бир йил ишлаб бериш шартномасига қўл қўйганман.

Х И Р О С И М А. Вой шўрим...

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Хоним, ҳали ўрганиб ҳам кетасиз бу ерга.... Мана, озми-кўпми танишиб олдик. Хўш, энди расмият учун баъзи нарсаларни аниқлаб қўйсак. (*Стол торгмасидан дафтар олиб.*) Исмингиз?

Н А Г А С А К И. Нагасаки.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д (*ёзиб*). Сизники-чи?

Х И Р О С И М А. Хиросима.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Ешингиз?

Н А Г А С А К И. Йигирма беш.

Х И Р О С И М А. Ўн саккиз.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Жудаям яхши. Юрагингиз нечада?

Н А Г А С А К И. Саволингизга тушунмадим.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Юрагингиз нечада деяпман!

Н А Г А С А К И. Кечирасиз. Ҳеч қаерда менга бундай саволни беришмаган эди.

Х И Р О С И М А. Паспорт олиш учун тўлдирилган бланкада ҳам бунақа савол йўқ эди.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д (*Хиросимага*). Бу ер жаннат. Жаннатда бунақа саволлар бўлиши табиий. (*Нагасакига*). Демак, юрагингиз ўзингизники. Ёши ҳам йигирма бешда.

Н А Г А С А К И. Ҳа, юрагим ўзимники.

Х И Р О С И М А (*эрига*). Алдоқчи, тўйдан илгари юрагини менга берган ким эди?

Н А Г А С А К И (*Хиросимага*). Мен... (*Бухенвальдга.*) Тўғри, юрагимни унга берганман.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Ундай бўлса, сизни ҳаракатга келтириб турган юрак кимники?

Х И Р О С И М А. Ундаги юрак меники. Мен унга ўз юрагимни берганман.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Демак, юракларингиз ўрин алмашган. Шундай деб ёзаман бўлмаса. (*Еза бошлайди.*)

Н А Г А С А К И. Йўқ, йўқ! Юракларимиз ўз жойида. Алмашинмаган.

Н А Г А С А К И. Елғонмас, рост. Юракларимиз руҳан алмашган.

Х И Р О С И М А. Тўғрироғи, бирлашган.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Руҳан алмашгани ёки бирлашгани ҳисоб эмас. Буниси ҳисобга ўтмайди. Юраклар бирлашмайди ҳам. Бу мумкин эмас. Ҳозирги илмдан йироқ нарса.

Х И Р О С И М А. Тавба, вой тавба!

Н А Г А С А К И. Илмдан йироқ бўлсаям, одамларга хос нарса-ку.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Бу ҳақда кейин бафуржа гаплашамиз. (*Гапириб туриб, ёзади*). «Юраклари ўз-ўзиники, ёшига тенг». Вужудингиздаги бошқа аъзоларингиз ҳам ўзингизникими?

Н А Г А С А К И. Масалан?

Х И Р О С И М А (*Нагасакининг пинжига кириб*). Азизим, кўрқаяпман.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Нимадан кўрқасиз?

Х И Р О С И М А. Саволларингиздан.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Бунинг ҳеч кўрқадиган ери йўқ. Одатдаги саволлар.

Н А Г А С А К И. Бу ерда шундай бўлса керак.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Ҳа. Лекин келажакда ҳамма ерда ҳам одат тусини олади... Хўш, энди савол-жавобга қайтсак. Афтидан, бошқа аъзоларингиз ҳам ўзларингизники.

Х И Р О С И М А. Ҳа, ўз-ўзимизники.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д (*ёзиб*). Мускул группангиз қайси?

Н А Г А С А К И. Бунақа нарсдан хабарим йўқ.

Х И Р О С И М А. Мен ҳам билмайман.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Билмасангиз, илмий ҳаётдан орқада қолибсизлар.

Н А Г А С А К И. Лекин қоним группасини биламан. Биринчи.

Х И Р О С И М А. Меники ҳам биринчи.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Энди бу ерда мускул группаларингизни ҳам билишингиз керак бўлади. Майли, лозим бўлса, ўзимиз аниқлаймиз.

Х И Р О С И М А. Мен истамайман.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Нега?

Х И Р О С И М А. Қўрқаман.

Б У Х Е Н В А Л Ъ Д. Ҳеч кўрқадиган ери йўқ. Қон группасини аниқлаш усулига ўхшаш. Бу усулни буюк олим Ландштейнер II кашф этди. Уни Освенцим жаноби олийлари бу йилги Нобель мукофотига тавсия қилганлар. Мукофотни олиши аниқ. Узи шу ерда ишлайди. Эшитган бўлсанглар, қачонла-

ри Ландштейнер деган олим қон группаларини аниқлаган. Мўскул группаларини аниқлаган олим ўша олим шарафига ўзига Ландштейнер II деган тахаллус олган. Бу гаплар сизлар учун янгилик бўлса керак.

**НАГАСАКИ.** Ҳа. Мен физикман. Тиббиётдан узоқман.

**ХИРОСИМА.** Мен эса кассирман. Фақат аспириин ичганман. Бошқасини билмайман.

**БУХЕНВАЛЬД.** О, жудаям яхши. Энди бу ерда ҳатто аспириин ичишга ҳам зарурият туғилмайди.

**НАГАСАКИ.** Наҳотки?

**БУХЕНВАЛЬД.** Бўлмаса-чи! Жаннатда касаллик нима қилсин?

**Бир томондан Заксенхаузен, иккинчи томондан Маутхаузен киришади. Бир-бирини кўриб, икки томонга қочиб кетишади.**

**ХИРОСИМА** (*эрининг бўйнига осилиб*). Азизим, изимизга қайтайлик.

**НАГАСАКИ.** Айтдим-ку, шартномага қўл қўйганман деб.

**ХИРОСИМА.** Қўлингни қайтиб оласан.

**НАГАСАКИ.** Болалик қилма!.. Шартнома юзасидан пул олганман.

**ХИРОСИМА.** Ҳалигиларни яна кўрсам, юрагим ёрилиб ўламан.

**БУХЕНВАЛЬД.** Улардан кўрқманг. Улардан ҳеч кимга зиён етмайди.

Мен бунга кафилман. (*Бельфаст билан Абу Забал кирадилар, уларни кўрсатиб.*) Мана, жаноби докторлар ҳам кафил.

**БЕЛЬФАСТ.** Нима гап?

**БУХЕНВАЛЬД.** Заксенхаузен билан Маутхаузенларнинг хатти-ҳаракатидан (*Хиросомага ишора қилиб*) хоним чўчиянптилар.

**БЕЛЬФАСТ.** Чўчиманг, хоним. Улардан сизга мутлақо зиён етмайди. Мен бунга кафил.

**АБУ ЗАБАЛ.** Мен ҳам кафил. Улардан ҳеч чўчиманг, синглим.

**БУХЕНВАЛЬД** (*гапни бўлиб ва бошқа ёққа буриб*). Асримизнинг икки буюк олими (*Бельфаст ва Абу Забалга ишора қилиб*) кафолат бергач, чўчишга ҳеч ўрин йўқ, хоним. (*Нагасакига.*) Иш хусусида эрталаб гаплашамиз. Ҳозирча бориб дам олинглар. Ҳув анави готик услубида қурилган шийпон сизларники. Марҳамат, мана бу сўқмоқ билан борасизлар. Хўп, эртагача.

**НАГАСАКИ.** Эртагача.

**Нагасаки билан Хиросома чиқишади. Хиросома оёғи тортмай юради.**

**БЕЛЬФАСТ** (*Бухенвальдга*). Янги ходимлар билан қутлайман!

**БУХЕНВАЛЬД.** Киноянинг нима кераги бор! Мен ҳам сизга ўхшаш бир ходимман. Қўлимдан нима келарди.

**АБУ ЗАБАЛ.** Қўлингиздан кўп нарса келади. Мени ўзингизга тенглаштирманг.

**БЕЛЬФАСТ.** Қўйинглар, кап-катта одамлар айтишманглар. Киши — ўткинчи, кишилик — мангу.

**БУХЕНВАЛЬД.** Баракалла. Ўткинчи мангуга хизмат қилиши керак.

**АБУ ЗАБАЛ.** Йўқ, ҳар ким ўз умрини кўриши керак.

**БУХЕНВАЛЬД.** Йўқ, ақлли одам мияси ишдан чиққунга қадар умр кўришга ҳаракат қилиши керак.

**АБУ ЗАБАЛ.** Тўғри, ҳар ким узоқ умр кўришга ҳақли, лекин ўз умрини кўриши керак.

**БЕЛЬФАСТ.** Зарурат туғилса, трансплантологияни қўллаб ҳам умрни узайтириш лозим.

**БУХЕНВАЛЬД.** Бўлмаса-чи! Ишимиз шу-да!

**АБУ ЗАБАЛ.** Йўқ, жаноблар! Шуниси борки, зарурат туғилганда имконият бўлмаслиги мумкин. Нагижада трансплантология инсонни олди-сотти воситасига айлантириб юбориши мумкин экан. Бунга мана энди тушуниб етдим.

**БУХЕНВАЛЬД.** Олдиндан ваҳима қилаверманг, Абу Забал жаноблари. Трансплантология жудаям керак, айниқса мумтоз кишилар учун. Ақли расолар учун ҳамма нарса мумкин ва лозим.

**БЕЛЬФАСТ.** Бу фикрингизга қўшилмайман, жаноб Бухенвальд.

**АБУ ЗАБАЛ.** Бу фикримга қўшилмайсиз-у, лекин трансплантологияни ёқлайсиз. Буни қандай тушуниш керак?

**БЕЛЬФАСТ.** Тўғри, трансплантологияга қарши эмасман. Лекин бир умрнинг узайиши иккинчи бир умрнинг қисқариши ҳисобига бўлмаслиги лозим. Кимнингдир ҳаёти кимнингдир ўлимига боғлиқ бўлиб қолмасин.

**АБУ ЗАБАЛ.** Фикрингизда изчиллик йўқ, жаноб Бельфаст. Инсон

дарахт эмаски, бир қисмини шарт кесиб олиб, иккинчисига пайванд қилинса.  
БЕЛЬФАСТ. Қизишманг, дўстим. Фикримни охиригача эшитинг...  
Маълумки, иккинчи жаҳон уруши йилларида Шамов ва Юдин деган совет олимлари ўлган одамлар қонидан фойдаланишни таклиф қилишади. Аввалига бу таклиф эриш туюлади кўпчиликка. Кейин эса шу усулни қўллаб, минглаб одамнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

АБУ ЗАБАЛ. Бундан хабарим бор, ўқиганман. Лекин айтмоқчиманки, даволашда ўлимдан фойдаланмайлик, балки ўлимга қарши курашайлик.

БЕЛЬФАСТ. Лекин, менимча, фалокатга учраб, мияси пачоқланган кишининг соғ қолган аъзоларидан фойдаланиш, шу йўл билан бошқа беморларнинг умрини узайтиришнинг ёмон жойи йўқ.

БУХЕНВАЛЬД. Албатта, албатта. Бу жудам савоб иш.

АБУ ЗАБАЛ. Йўқ, масала сизлар ўйлаганча эмас. Авваламбор, тасодифий ўлимларнинг олдини олиш керак.

БУХЕНВАЛЬД. Бизнинг асримизда бу мутлақо мумкин эмас. Эшитишимча, қайси бир давлатда урушда қурбон бўлганлардан автомобиль фалокатида ўлганлар кўп экан.

БЕЛЬФАСТ. Ушаларнинг соғ қолган аъзоларидан беморни даволашда фойдаланиш тўла йўлга қўйилса, қанча кишининг умри узайтирилган бўлур эди.

БУХЕНВАЛЬД. Бизнинг клиникамиз ана шундай шарафли миссияга даъват қилинган-да! Бу сизгаям кундек равшан-ку, жаноб Абу Забал.

АБУ ЗАБАЛ. Ҳа, равшан. Ҳаммасини кўриб турибмиз.

БУХЕНВАЛЬД. Ишлаб, ўз ҳиссангизни кўшиб ҳам турибсиз.

АБУ ЗАБАЛ. Лекин аввал бошда хирургиядан, унинг энг сўнгги тармоғи — трансплантологиядан умидим катта эди.

БЕЛЬФАСТ. Ҳозир-чи?

АБУ ЗАБАЛ. Ҳозирми? Йўқ. Хирургияда операция бир одам, яъни бир бемор доирасида; трансплантологияда эса ҳозирча икки киши доирасида, яъни бахтсизликка учраган киши ва бемор доирасида. Тагин ҳали ким билади дейсиз, бу доира кенгайиб ҳам кетар. Умрини узайтиришга интилувчи сохта беморлар ҳам чиқиб қолар. Бир неча аъзосини янгилаш йўли билан узоқ умр кўришни истовчилар пайдо бўлар, бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмайдиганлар вужудга келар. Хуллас, пул ҳукмрон бўлган шароитда трансплантология оддий кишиларнинг ёвуз душманига айланиб кетар.

БЕЛЬФАСТ. Бунга йўл қўймаслик керак.

БУХЕНВАЛЬД. Йўл қўймаймиз ҳам.

АБУ ЗАБАЛ (киноя билан). Сизми? Сиздан шу гап чиқса, ишонмоқ керак.

БУХЕНВАЛЬД. Менга нима қипти. Мен ҳам сиздек инсонпарварман.

БЕЛЬФАСТ. Ҳақиқий олим илмини инсониятга қарши қўймайди.

АБУ ЗАБАЛ. Тўғри, олимнинг кашфиёти, ихтироси ўзича ёмон ёки яхши бўлмайди. Альберт Эйнштейн эҳтимоллик назариясини кашф этганда, ўз кашфиёти оқибатида қандай натижаларга олиб боришини билмаганди.

БУХЕНВАЛЬД. Билганида янада илҳом билан ишларди, севинарди. Мана, биз унинг кашфиётидан денгиз сувини чучук сувга айлантириш мақсадида фойдаланмоқчимиз.

АБУ ЗАБАЛ. Лекин Альберт Эйнштейн кашфиётидан термоядро қуроли ҳам яратилди, қанча одамнинг ёстиғи қуритилди.

БУХЕНВАЛЬД. Уша Альберт Эйнштейн «фан — гоаялар кураши» деган. Шунга ўхшаш, ҳаёт ҳам гоаялар драмаси. Драмада, одатда, ҳар бир қатнашувчи ўз фикрини ёқлайди, курашади, керак бўлса, қурол ишлатади.

БЕЛЬФАСТ. Ҳаётда қурол ишлатмаслик қорасини кўриш керак.

АБУ ЗАБАЛ. Афсуски, инсон қонида урушқоқлик унсури бор-да.

БЕЛЬФАСТ. Нима, қонимизда урушқоқлик унсури бор, деб илм-фан қўлга киритган ютуқлардан воз кечишимиз керакми?

БУХЕНВАЛЬД. Ҳали сиз илм-фан билан шуғулланишга ҳам қарши чиқарсиз? Балки орқага, ибтидоий жамоага қайтишни таклиф қилиб қоларсиз, жаноб профессор Абу Забал?!

АБУ ЗАБАЛ. Дунёни бошқариш қўлимдан келса, шундай қилган бўлур эдим. Чунки илм-фан тараққиётида инсоният истиқболини кўрмаётирман.

БУХЕНВАЛЬД. Тарки дунёчилик. Нигилистик қарашлар.

БЕЛЬФАСТ. Азиз ҳамкасбим, чарчаган кўринасиз, дам олинг.

БУХЕНВАЛЬД. Чиндан ҳам лабораторияда узоқ, узлуксиз ишлайсиз. Толиққан кўринасиз. Дам олинг, тунги клубга бир-икки қатнанг; чарчоғингиз ёзилади-қолади.

АБУ ЗАБАЛ. Мени иш чарчатмаяпти. Топган кашфиётимни эълон қилиш-қилмаслик ҳақида бош қотириш толиқтирляпти.

БЕЛЬФАСТ. Янги кашфиёт дейсизми?

АБУ ЗАБАЛ. Ҳа.

БЕЛЬФАСТ. Бу қандай гап? Мендан, сирдош ҳамкасбингиздан ҳам сир тутяпсизми?

АБУ ЗАБАЛ. Ҳа, ҳатто сиздан ҳам яширадиган кашфиёт. Лекин бунда мени худбинликда айбламанг, жаноблар. Инсониятни ўйлаб, кашфиётимни сир тутяпман. Чунки кашфиётим инсониятга бахт келтирадим, бахтсизлик келтирадими, ҳали бунинг тагига етолганим йўқ.

БЕЛЬФАСТ. Олимнинг кашфиёти бахт келтирмай қолармиди.

БУХЕНВАЛЬД. Бахт келтиради деб ҳис қилинг-да, жамоатчиликка маълум этинг. Тириклигингизда сизга ҳам ҳайкал қўйдирайлик.

АБУ ЗАБАЛ. Медицина равнақидаги хизматлари учун қурбақага ҳам ҳайкал қўйишган. Гап ҳайкалда эмас. Тириклигида ҳайкал қўйилиб, вафотидан кейин мангу лаънат остида қолганлардан бўлишни истайман.

БУХЕНВАЛЬД. Шухратга интилмаган олимни энди қўришим.

АБУ ЗАБАЛ. Йўқ, мен ҳам шухратга интиламан, хўш, қайси олим ўз меҳнати самарасидан завқланмапти, доврўғидан мақтанмабди. Шухратга интилмаганимда, олим бўлиб, миямни қотириб юрмасдим. Енгил иш тутардим. Лекин шухратпараст ҳам эмасман. Мен ҳам номимни ўз кашфиётим билан абадийлаштиришни истайман. Аммо шухратпарастлик учун, ном қолдириш учун Диана маъбадини ёқиб юборган Герострат ишини қилмоқчи эмасман.

БУХЕНВАЛЬД. Биламиз, камтарсиз.

АБУ ЗАБАЛ. Кашфиётим одамларга фақат бахт келтиришини билганимда-ку, камтарликни бир ёққа йиғштириб қўйиб, топган янгилигим ҳақида аллақачон оламга жар солардим.

БЕЛЬФАСТ. Шунчалик муҳим кашфиётми?

АБУ ЗАБАЛ. Менимча, муҳим кашфиёт.

БУХЕНВАЛЬД. Трансплантологияга оидми?

АБУ ЗАБАЛ. Ҳа.

БУХЕНВАЛЬД. Қани, эшитайлик.

АБУ ЗАБАЛ. Менимча, кашфиётим Ландштейнер кашфиётидан кам эмасга ўхшайди. *(Бухенвальд стол устидаги магнитофонни юргизиб юборади.)* Магнитофонни ўчириб қўйинг, фойдасиз. Бари бир кашфиётим сирини аниқ айтмайман ҳозирча. Умуман, янгилик шу: маълумки, қанд касалига мубтало бемор ҳар куни маълум миқдорда инсулин қабул қилиб туради. Инсулинни қанда қилмаса, кўп йил умр кўраверади. Мен топган дори моҳият эътибори билан инсулинга ўхшаш. Ундан вужуддаги бир аъзо ўрнига бошқа киши аъзоси ўрнатилган, лекин янги аъзо унинг мускул группасига тўғри келмаган чоғларда қўлланилади.

БЕЛЬФАСТ. Ана холос. Буюк кашфиёт-ку.

БУХЕНВАЛЬД. Ландштейнер II кашфиётидан ҳам аъло. Уники аро йўлда қолиб кетибди.

АБУ ЗАБАЛ. Йўқ, меники уникини тўлдиради.

БЕЛЬФАСТ. Энди мускул группалари тўғри келмаган ҳолларда яна операция қилишга ҳожат қолмайди. Офарин, жаноб Абу Забал! Чин қалбимдан қутлайман.

БУХЕНВАЛЬД. Қутлайман! Ғоят хурсандман, жаноб Абу Забал! Клиникамизда кўпчилик ҳолларда донор аъзоларнинг мускул группаси бемор мускул группасига тўғри келмаяпти. Моси топилгунча бемор ҳалок бўляпти, ёки аҳволи оғирлашапти. Энди бу муаммодан қутулашимиз. Дорингиз рецептини билсак бўладими?

АБУ ЗАБАЛ. Ҳозирча... йўқ.

БУХЕНВАЛЬД. Қачон мумкин?

АБУ ЗАБАЛ. Билмадим... Бизни нима учун йўқлаган эдингиз?

БУХЕНВАЛЬД. Дарвоқе... Едимдан кўтарилибди.

АБУ ЗАБАЛ. Яхшилаб эсланг.

БУХЕНВАЛЬД. Сиздан шундай буюк кашфиёт учини эшитгач, иккинчи даражали нарсаларни эслаб бўлармиди.

АБУ ЗАБАЛ. Шундайми?.. Хайр. *(Чиқади.)*

БУХЕНВАЛЬД *(орқасидан)*. Ҳой, тўхтанг! Ҳозир эсимга тушади. Кабинетидан Маркснинг «Капитал» и топилгандан бери шундай мулоким олимнинг авзойи бузилди-қўйди. *(Бельфастга.)* Дўстингиз жуда ўжар-да.

БЕЛЬФАСТ. Истеъдодилар шунақа бўлишади.

БУХЕНВАЛЬД. Масалан, сиз унақа эмассиз-ку.

БЕЛЬФАСТ. Демак, мен истеъдодли эмасман.

БУХЕНВАЛЬД. Йўқ, сиз бошқачасиз. Гапга тушунасиз. Истеъдодингиз

ҳам юксақ, Гапига қараганда, Абу Забалнинг янги кашфиёти оламшумул аҳамиятга эга. Умумий ишимиз йўлида қўллашимиз керак.

БЕЛЬФАСТ. Тўғри, қўллаш керак.

БУХЕНВАЛЬД. Баракалла. Сиз менга ёрдам берсангиз.

БЕЛЬФАСТ. Қандай қилиб?

БУХЕНВАЛЬД. Дўстингизни йўлга солинг. Топган дориси рецептини бизга айтсин.

БЕЛЬФАСТ. Айтмасачи?

БУХЕНВАЛЬД. Айтсин-да. Айттира олсангиз, бу хизматингизни хўжайинга етказаман. Биласиз, хўжайинимиз саховатда тенги йўқ одам.

БЕЛЬФАСТ. Илм йўлида шундоқ ҳам ҳаракат қиламан. *(Чиқади.)*

БУХЕНВАЛЬД *(орқасидан)*. Офарин! Бора қолинг, бора қолинг тез. *(Бир ўзи.)* Айтмаса, айттирамиз-да. Янги кашфиётни хўжайинга етказай. Балки у кишидан ҳам бирор маслаҳат чиқиб қолар.

### Аттика ва Сонгми кирадилар.

АТТИКА. Иш юритувчи жаноблари, мен Аттика бўламан. Тоғам билан учрашмоқчиман.

БУХЕНВАЛЬД. Яхши. Кутиб тулинг. *(Чиқади.)*

СОНГМИ. Тавба, ўз туғишган тоғанг билан ҳам кимларнингдир рухсатисиз кўриша олмасанг?

АТТИКА. Бунга ўзим ҳам ҳайронман.

СОНГМИ. Вақтинг кетяпти — нақдинг кетяпти.

АТТИКА. Ундан ҳам баттар. Пулни топиб бўлади. Лекин беҳуда ўтган умр қайтиб келмайди.

СОНГМИ. Шуни била туриб...

Аттика. Вақтимизни ҳеч суриштирмай ўғирлайверишади.

СОНГМИ. Олдимизда абадий уйқу борлигини била туриб...

АТТИКА. Гафлат босиб ётаверамиз.

СОНГМИ. Гўё ҳар биримиз учун бетараф давлат банкасида кунлар, соатлар, дақиқалар учун...

АТТИКА. ...счёт очилгану, истаганча фойдаланиш мумкин.

СОНГМИ. Аслида эса...

АТТИКА. ...умр ҳисобли! Бас, бу гапларни қўй! Улганим устига тепма! Кўриб турибсан, вақтим беҳуда ўтяпти...

СОНГМИ. Нима қилай бўлмаса?

АТТИКА. Бошқа гаплардан гапир!

СОНГМИ. Нимани гапирай?

АТТИКА. Билганингни!

СОНГМИ. Эшитганим бўлса-чи?

АТТИКА. Бас қил! Ҳазилнинг пайтимас. Юрагим торс ёрилай деяпти ўзи.

СОНГМИ. Қўрқма, Аттика, ёрилса, янгилаб оласан. Бу ерда шунақа иш қилишармиш-ку.

АТТИКА. Билиб қўй, Сонгми, шундай ўжарлик қилаверсанг, ўзингни янгилаб оламан.

СОНГМИ. Оҳ, кошкийди!

### Бухенвальд киради.

БУХЕНВАЛЬД. Сизларни куттириб қўйдим, кечирасизлар.

АТТИКА. Мени ўн дақиқа куттириб қўйдингиз. Шунинг ҳақини тўлаб қўйсангиз, узрингиз қабул.

БУХЕНВАЛЬД. Намунча. Вақти келса, мени ҳам куттириб қўярсиз. Узилишармиз.

АТТИКА. Йўқ, менинг вақтим сизникидан қиммат юради.

БУХЕНВАЛЬД. Меники ҳам унчалик арзон эмас. Қолаверса, тоғангиз топширигини бажариш билан ушланиб қолдим.

АТТИКА. Яна вақт кетяпти. Тезроқ бизга рухсат беринг, тоғам билан учрашай.

БУХЕНВАЛЬД. Рухсат бераман, лекин аввал расмият учун бир неча саволимга жавоб беришингиз шарт.

АТТИКА. Яна қайтараман: хўжайинингиз, менинг туғишган тоғам.

БУХЕНВАЛЬД *(бамайлихогир)*. Нима қипти.

АТТИКА. Қизиқ. Бу ерда менга истисно қилинмайдими?

БУХЕНВАЛЬД. Йўқ.

АТТИКА. Билиб қўйинг: кекса тоғамнинг бирдан бир меросхўри мен бўламан.



БУХЕНВАЛЬД (*бамайлихогир*). Буниям биламан. Лекин сиз ҳозирча фақат меросхўрсиз. Менга хўжайин эмассиз.

АТТИКА. Хўжайин бўлиб қоларман ҳам.

БУХЕНВАЛЬД. Унда бир гап бўлар. Лекин ҳозир бу ерда ҳеч бир истиснони тан олмайдиган қонун — ҳақиқий қонун ҳукмрон.

АТТИКА. Қонунларидан ўргилдим.

БУХЕНВАЛЬД. Мен эмас, тоғангиз жорий этган қонун. Бўйсунишга сиз ҳам, мен ҳам мажбурмиз.

АТТИКА. Эшим ўттиз учга бориб истисносиз қонун бўлишини энди эшитишим. Шу пайтгача қонунларнинг истисно моддаларидан фойдаланиб келган эдим... Майли, саволларингизни бера қолинг, вақт кетяпти.

БУХЕНВАЛЬД. Мана бу бошқа гап. Ҳар кимга ўзига яраша савол берамиз. Касбингиз?

АТТИКА. Диплом бўйича ҳуқуқшунос.

БУХЕНВАЛЬД. Дипломдагиси керак эмас, яна эслатаман, бу ерда хусусий мулк ҳукмрон, дипломга қоғоз сифатида қаралади. Ҳаётдагисини айтинг.

АТТИКА. Пултопармон.

БУХЕНВАЛЬД. Яхши, яхши! Аъло касб. Қанча топдингиз?

АТТИКА. Буниям ёзасизми?

БУХЕНВАЛЬД. Эсимни ебманми ёзиб. Ахир бу ерда хусусий мулк дахлсиз-ку.

АТТИКА. Ҳозирча пешона терим билан топганим юз миллионга яқин. Амма-холамдан, бувию бувамдан, амакиларимдан қолган меросларни қўшсак, икки юз миллиондан ошади.

БУХЕНВАЛЬД. Нима, барча қариндош-уруғларингиз тоғангизга ўхшаш безуррёт ўтишяптими?

АТТИКА. Ҳа, уруғимиз йўқолиб бормоқда.

БУХЕНВАЛЬД. Табриклайман!.. Елғиз меросхўр бўлиш нақадар яхши!

АТТИКА. Ташаккур.

БУХЕНВАЛЬД. Марҳамат!.. Хоним, сизнинг касбингиз нима?

СОНГМИ. Касбим ҳар куни ҳар хил.

БУХЕНВАЛЬД. Айтгандай, котибасиз, а? Тўғри, тўғри, одатда котибалар турли касбга эга бўлишади. Котибалик ёш аёлларга энг маъқул касб. (*Аттикага қараб.*) Эшингиз нечада?

АТТИКА. Ўттиз учда.

БУХЕНВАЛЬД. Яхши. Хоним, сизники-чи?

СОНГМИ. Бундан икки йил бурун ўн саккизда эди.

БУХЕНВАЛЬД. Демак, ҳозир йигирмада.

АТТИКА. Ҳа, йигирмада.

СОНГМИ. Эшим ҳамон ўн саккизда.

БУХЕНВАЛЬД. Нега энди?

СОНГМИ. Чунки кейинги икки йиллик умрим беҳуда ўтди. Бу ҳисоб эмас, яъни...

АТТИКА (*гапни бўлиб*). Аёллар ёшларини яширишни яхши кўришади. Сиздан нима кетди, ўн саккизда деса деявермайдими?

БУХЕНВАЛЬД. Йўқ, бу мумкин эмас. Чунки бу ер паспорт бериладиган жой эмас. Бу ер жаннат. Бунда ҳаммаси аниқ бўлиши керак. Демак, хонимнинг ёши йигирмада. Юрагингиз нечада?

СОНГМИ. Юрагим йўқ. Уни ўғирлаб қўйишган.

БУХЕНВАЛЬД. Энди ҳазилни йиғиштиринг, хоним.

АТТИКА. Вақт кетяпти!

БУХЕНВАЛЬД. Еки саволимга тушунмадингизми? Аттика. Мен тушундим. Тоғаннинг хатидан бу ерда бунақа саволга дуч келишни билиб олган эдим. Котибамнинг юраги ҳам, бошқа аъзолари ҳам ўзиники.

БУХЕНВАЛЬД. Хўш, ўзингизники-чи?

АТТИКА. Ҳамма аъзоларим ўзимники. Юрагим ҳам.

СОНГМИ. Сенда юрак нима қилсин? Ҳаммасини аёлларга улашиб юборгансан-ку. (*Бухенвальдга.*) Юраги ўрнида бир парча гўшт бор, холос.

БУХЕНВАЛЬД. Ўша гўшт ўзингизникими?

АТТИКА. Ҳа, ўзимники.

БУХЕНВАЛЬД. Шуниси ҳисоб. Мускул группангиз?

АТТИКА. Иккимизники ҳам тўққизинчи.

БУХЕНВАЛЬД (*бир чўчиб тушиб*). Тўққизинчи?

АТТИКА. Ҳа, тўққизинчи. Қитъада текширганимизда тўққизинчи дейишган... Энди бизга рухсатми?

БУХЕНВАЛЬД (бемажол). Ўзим сизларни бошлаб бораман. (Қўллари шалвираб ўрнидан туради.)

Чироқ ўчади.

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Роккоко услубидаги шийпон. Освенцим ўйланиб ўтирибди.

Бухенвальд киради.

ОСВЕНЦИМ. Нима гап?

БУХЕНВАЛЬД. Барча санъатимни ишга солдим.

ОСВЕНЦИМ. Хўш?

БУХЕНВАЛЬД. Абу Забал кашфиётини бари бир айтмади.

ОСВЕНЦИМ. Айтмаса, нега келдинг?

БУХЕНВАЛЬД. Қитъадан жиянингиз келибди.

ОСВЕНЦИМ. Хабарим бор.

БУХЕНВАЛЬД. Бошқа нарсдан хабарингиз йўқ-да.

ОСВЕНЦИМ. Нимадан?

БУХЕНВАЛЬД. Қитъадаги агентимиз хабар қилди. Жиянингиз мускул группаси тўққизинчи экан.

ОСВЕНЦИМ. Хўш?

БУХЕНВАЛЬД. Меники ҳам тўққизинчи-да?

ОСВЕНЦИМ. Хўш?

БУХЕНВАЛЬД. Менга бир кори ҳол бўлса, соғ аъзоларимдан жиянингиз фойдаланиши мумкин-да.

ОСВЕНЦИМ. Табиий. Ахир қилаётган ишимиз ямоқчилик-ку.

БУХЕНВАЛЬД. Ўзгага ямоқ бўлишдан кўрқаман.

ОСВЕНЦИМ. Қўрқма. Мана, мен бор. Тананг даҳлсиз.

БУХЕНВАЛЬД. Ахир, у жиянингиз. Яна ёлғиз меросхўрингиз экан.

ОСВЕНЦИМ (қаҳқаҳлаб кулиб). Мен ҳали унақа уч меросхўрнинг умрини кўраман.

БУХЕНВАЛЬД. Мен-чи?

ОСВЕНЦИМ. Бу ёғи ўзингга боғлиқ.

БУХЕНВАЛЬД. Садоқатим чексиз сизга.

ОСВЕНЦИМ. Кўрамыз.

БУХЕНВАЛЬД. Синалмаган жойим қолган бўлса, имтиҳонга тайёрман.

ОСВЕНЦИМ. Абу Забал кашфиётини билолсанг, имтиҳондан ўтганинг.

БУХЕНВАЛЬД. Ҳеч айтмааяпти-да.

ОСВЕНЦИМ. Айттир. Бутун санъатингни ишга сол. Хонимчалардан юбориб, кўнглини овла, ҳаётга иштиёқ уйғот.

БУХЕНВАЛЬД. Бундай тадбирларим иш бермааяпти. Фақат бир йўли борга ўхшайди.

ОСВЕНЦИМ. Хўш?

БУХЕНВАЛЬД. Абу Забал кашфиётини фақат Бельфаст билиб бериши мумкин.

ОСВЕНЦИМ. Жудаям яхши. Биз билсак бўлгани, узумини егин-у, боғини суриштирма.

БУХЕНВАЛЬД. Билиб бериши учун унга ҳам бирор нима ваъда қилайми?

ОСВЕНЦИМ. Албатта.

БУХЕНВАЛЬД. Қанча ваъда қилай?

ОСВЕНЦИМ. Абу Забалга бир миллион бермоқчи эдим-а?

БУХЕНВАЛЬД. Ҳа.

ОСВЕНЦИМ. Бельфастга ҳам бир миллион ваъда қил.

БУХЕНВАЛЬД. Жуда кўп-ку.

ОСВЕНЦИМ. Кашфиёти арзиса, бу кўп эмас. Арзимаса бир пул ҳам йўқ.

БУХЕНВАЛЬД. Менимча, жуда арзийди.

ОСВЕНЦИМ. Бўлмаса, нега бир миллионни кўп дейсан? Ахир, бир йиллик кўшимча умр кўришга ўн миллион беришга тайёр беморларим бор-а!

БУХЕНВАЛЬД. Мен Бельфастни камроққа ҳам кўндирарман деяпман-да. Албатта, сизни ўйлаб, компаниямизни ўйлаб.

ОСВЕНЦИМ. Майли, камроққа кўндиролсанг, қолгани ўзингга. Лекин хасислик қилиб, ишни бузиб қўйсанг, ҳаётинг қўлимда. Билиб қўй буни.

БУХЕНВАЛЬД. Мабодо, Бельфаст бир миллионга кўнмаса-чи?

ОСВЕНЦИМ. Унда Абу Забалга аталган бир миллион ҳам уники.

БУХЕНВАЛЬД. Абу Забал қуруқ қоладими?

ОСВЕНЦИМ. Абу Забал автомобиль фалокатига учрайди. Тушундингми? Қолаверса, у сиёсий рақибимиз: бориб турган марксист. Рақиб эса ўлимга мустаҳиддир.

БУХЕНВАЛЬД. Тушундим. Демак, Нобель мукофотига ҳам Бельфастни номзод қилиб кўрсатар эканмиз-да.

ОСВЕНЦИМ. Ҳа, қашфиётни Бельфаст номига расмийлаштирамиз.

БУХЕНВАЛЬД. Мана буни тадбир дейдилар. Яшанг! Энди илҳом билан ишга киришаман.

ОСВЕНЦИМ. Айт, жияним кирсин.

Бухенвальд чиқади. Аттика киради.

АТТИКА. Салом, тоға.

ОСВЕНЦИМ. Салом, Аттика. (Кўришадилар.) Уҳ-ҳў, катта йигит бўлиб кетибсан-ку.

АТТИКА. Уттиз учга кирдим, тоға.

ОСВЕНЦИМ. Шунақа дегин? Дарвоқе, кўришмаганимизга ҳам ўн беш йилча бўлибди.

АТТИКА. Ундан ошди. Ойим ўлганига ўн беш йил бўлди-ку!

ОСВЕНЦИМ. Дарвоқе, шундай. Хўш, жойлашиб олдингми?

АТТИКА. Ҳа.

ОСВЕНЦИМ. Хўш, менинг жаннатим сенга ёқдими?

АТТИКА. Йўқ.

ОСВЕНЦИМ. Нега?

АТТИКА. Бу ерда ҳеч бир истисносиз қонун ҳукмрон экан. Шуниси ёқмади.

ОСВЕНЦИМ. Нега?

АТТИКА. Мен шу пайтгача қонуннинг истисно моддаларидан фойдаланиб келган эдим. Жиян бўлганим-чун, менга бу ерда ҳам истисно қилинса.

ОСВЕНЦИМ. Йўқ, бу мумкин эмас.

АТТИКА. Ахир мен жиянингизман.

ОСВЕНЦИМ. Бари бир. Қонун истисноли бўлса, тартиб бўлмайди.

АТТИКА. Бўлмаса, мен бу ерда туролмайман.

ОСВЕНЦИМ. Ихтиёринг.

АТТИКА. Кетаман.

ОСВЕНЦИМ. Майли. Қачон кетасан?

АТТИКА. Истисносиз қонун жонимга теккунча тураман, кейин кетаман. ОСВЕНЦИМ. Жиян, сен жуда бебошвоқ бўлиб кетибсан. Ахир, мен сенга шу умид билан Аттика деган улугвор исм қўйган эдимми? Раҳматлик ойинг «ака, жиянингизга исмни ўзингиз қўйинг, токи сиздек одобли, маданиятли бўлсин» деганида, мен ўйлаб-ўйлаб, охири Аттика деб от қўйган эдим сенга. Тарихдан яхши биласан ўзинг, инсониятнинг қадим маданий бешикларидан бири Аттикадир. Ушанда сен бўйи ярим метрга борар-бормас чақалоқ эдинг. Энди эса...

АТТИКА. Энди отимдан норозиман, тоға.

ОСВЕНЦИМ. Нега?

АТТИКА. Негаки, қайси бир мамлакатда энг универсал, энг улкан, энг яхши турманинг номи ҳам Аттика экан.

ОСВЕНЦИМ. Нима қипти? Бунинг исмингга ҳеч алоқаси йўқ. Қайтанга яхши. Маданий жамият учун ўшандай энг универсал, энг улкан, энг яхши турмалар ҳам керак. Бусиз бизлар хотиржам яшай олмаймиз. Яхши турмаларда ёмон одамлар қайта тарбияланади, яхшиланади. Тушундингми?.. Жиян, бундоқ орқа-олдингга қараб юр, исмингга доғ туширма, бевошлик қилма.

АТТИКА. Йўқ, янглишасиз, тоға. Агар бевош бўлганимда, пешона терим билан юз миллион топа олармидим.

ОСВЕНЦИМ. Юз миллион?!

АТТИКА. Ҳа, юз миллион. Мен шунча бойликни қонуннинг истисно моддалари бўйича яшаб, ишлаб топдим. Агар қонуннинг ўзи бўйича яшасам, ишласам, ким бўлардим? Балки, сиз ҳам мени жияним дейишга ҳазарр қилардингиз...

ОСВЕНЦИМ. Баракалла, жиян. Ҳақиқий жияним экансан. Яшаш йўлини билиб олибсан. Хурсандман!

АТТИКА. Тоға, сиз бу ердасиз, мен қитъада кўп қийинчиликни бошдан кечирдим. Бешта ўлик кўмдим. Ойимдан кейин бувим, икки амаким, холам ўлишди.

ОСВЕНЦИМ. Таъзияга боролмасам ҳам, иона юбориб турдим, олдингми?  
АТТИКА. Ҳа, олдим. Ҳаммаларининг тепаларида сув томизиб турдим. Улар мендан рози бўлишди. Мен ҳам улардан рози бўлиб, орқаларида қолдим. Мол-мулкларини менга мерос қилиб қолдиришди.

ОСВЕНЦИМ. Ҳаммасига бир ўзинг меросхўр бўлдингми?

АТТИКА. Ҳа, уларнинг кўнглини овлаб, жами юз миллионга яқин мол-мулкка эга бўлдим.

ОСВЕНЦИМ. Офарин, жиян! Мен сени энди тушунапман. Шундай жияним борлиги билан фахрланаман. Барча мерос сенинг қўлингга ўтиб, яхши бўлибди. Пул тўпланса кўпаяди, бўлинса йўқолади.

АТТИКА. Гапингиз жудаям тўғри, тоға. Агар сиз ҳам мени ўзингизга бирдан бир меросхўр қилиб тайинласангиз...

ОСВЕНЦИМ (*гапни бўлиб*). Жиян, ахир ҳозир кўзим очиқ-ку? Қандай тилинг борди шу гапга?

АТТИКА. Ахир, тоғамсиз, ёшингиз улур!

ОСВЕНЦИМ. Ҳали мен ўлишни истамайман.

АТТИКА. Бари бир ўлим ҳақ. Ҳаммамиз ҳам ўламиз.

ОСВЕНЦИМ. Тўғри, мен ҳам, сен ҳам — ўламиз.

АТТИКА. Шундай бўлгач, вафотингиздан кейин сохта меросхўрлар чиқиб, пешона тери билан топганингиз таркана бўлиб кетмасин, дейман-да.

ОСВЕНЦИМ. Сенинг ҳам пешона тери билан топганинг нес-нобуд бўлмаслиги керак. Уйланганмисан?

АТТИКА. Энди уйланмоқчиман.

ОСВЕНЦИМ. Демак, ҳозирча сенинг ҳам мендан бўлак меросхўринг йўқ.

АТТИКА. Сиздан бўлак қариндошим йўқ.

ОСВЕНЦИМ. Бўлмаса, мен сени меросхўрим деб, сен ҳам мени меросхўр қилиб, расмийлаштириб қўямиз. Бўптими? (*Аттика жим.*) Қўрқма, сен орқамда қоласан.

АТТИКА (*севиниб*). Майли, тоға. Қачон расмийлаштирамиз?

ОСВЕНЦИМ (*телефон қулоғини олиб*). Темирни қизигида босамиз. (*Телефон рақамларини тера бошлайди.*)

АТТИКА (*чегга*). Албатта, орқангга қоламан, эй тоға. Аввал ҳужжат расмийлашсин, қолган умрингни ўзим белгилайман.

ОСВЕНЦИМ (*чегга*). Аввал ёш ўладими, кекса ўладими, бу ёғи ўз қўлимда. (*Телефон қулоғига.*) Доктрина, азизам, нотариал қоғозларинг билан ҳузуримга тез етиб кел. (*Телефон қулоғини қўяди.*)

АТТИКА. Доктринангиз ким бўлди, тоға?

ОСВЕНЦИМ. Ҳуқуқшунос. Сорбонна дорифунунида таълим кўрган зўр мутахассислардан. Ҳозир ўзи келиб қолади. Ёш. Таништириб қўяман. Хўш, қитъада нима гап?

АТТИКА. Умуман тинчлик. Лекин айримлар менга тинчлик беришмаяпти.

ОСВЕНЦИМ. Нега?

АТТИКА. Айтарли ҳеч гап йўқ. Нариги қитъада бўлган урушда душманинг фақатгина бир қишлоғини йўқ қилиб юборган эдим.

ОСВЕНЦИМ. Ия, бу зўр жасорат-ку! Душманга нисбатан қаттиққўл бўлиш — ботирлик. Сени қаҳрамон сифатида эъозлашлари керак. Ҳайкал қўйсинлар сенга. Шундай жияним билан фахрланаман.

АТТИКА. Мени урушга йўллаганлар ҳурматимни жойига қўйишмоқда. Лекин айрим галамислар... Шулар кўзидан бир оз пана туришим керакка ўхшайди.

ОСВЕНЦИМ. Ҳеч қўрқма, жиян. Улар билан ишинг бўлмасин. Улар ўткинчи одамлар. Қўлида бир мириси йўқ одам борни кўролмайди, гийбат қилади. Тушундингми? Еки ўшалардан чўчиб бу ёққа келдингми?

АТТИКА. Чўчиб? Мутлақо! Бу ерга сиздан маслаҳат олгани келдим.

ОСВЕНЦИМ. Уддабурро жиянимдан маслаҳатимни аямайман.

АТТИКА. Сармояни тиббиёт соҳасига урмоқчиман. Шунга сиз нима дейсиз?

ОСВЕНЦИМ. Ҳали менга рақобатчи бўлмоқчимисан?

АТТИКА. Сармоядорларнинг бари аслида бир-бирига рақобатчи эмасми, тоға?

ОСВЕНЦИМ. Умуман шундай. Лекин мен билан қасдма-қасдига беллашмоқчи бўлганларнинг бели синади, билиб қўй бунни, жиян!

АТТИКА. Мени тўғри тушунинг, тоға. Мен сармоямни сизни синдириш учун ишга солмайман, балки биримни икки қилмоқчиман. Билишимча, ҳозир тиббиёт энг сердаромад соҳа бўлиб қолди.

ОСВЕНЦИМ. Қаердан билдинг?

АТТИКА. Бир дўстим бор эди. Аввал нефть билан шуғулланарди.

ОСВЕНЦИМ. Хўш?

АТТИКА. Ҳозир қон билан шуғулланмоқда.

ОСВЕНЦИМ. Қон билан?

АТТИКА. Ҳа, инсон қони билан. Дўстим яқинда қайси бир мамлакатда плазма тайёрловчи компания очди. Компания клиникасида кунига уч юз-тўрт юз кишидан қон олинади. Ҳар ойда беш-олти минг литр плазма тайёрлаб, юртимизга жўнатмоқда. Ҳар литридан эса тўрт-беш доллар фойда кўрмоқда. Бу ҳали бошланиши.

ОСВЕНЦИМ. Ақлли инсонлар нималарга қодир-а! Эй, ақллилар ақлли-си — жияним, меросхўрим, кел, бағримга бир босай!

АТТИКА. Тоғажоним, қиблагоҳим, меросхўрим!

Иккови бир-бирига кучоқ очиб кела бошлайдилар.

Чироқ ўчади.

## УЧИНЧИ КЎРИНИШ

А. ИБРОҲИМОВ ◆ ЧАКАНА САВДО ◆ ПЬЕСА

Готик услубидаги шийшон. Хиросима креслода журнал кўриб ўтирибди. Бир варақ қоғозни байроқдек кўтариб Нагасаки киради. У хурсанд.

НАГАСАКИ (қоғозни боши узра айлантириб). Мана!..

ХИРОСИМА (севиниб). Нима, телеграммами! Уйимиздан... (Журнални улоқтириб, ўрнидан туриб кетади.)

НАГАСАКИ (виқор билан). Суюнчисини олмай туриб, айтмайман! (Қоғозни орқасига яширади.)

ХИРОСИМА. Майли, азизим. (Нагасакига юзини тугиб.) Мана, сенга суюнчи.

НАГАСАКИ. Бундай суюнчини бажонидил қабул этаман. (Хиросима юзидан оҳиста ўпиб олади.)

ХИРОСИМА. Қани бер-чи, мен ҳам кўрай телеграммани.

НАГАСАКИ (қоғозни узатиб). Телеграмма эмас.

ХИРОСИМА (қоғозни олмай). Нима бўлмаса??

НАГАСАКИ. Суғурта қоғоз.

ХИРОСИМА. Суғурта қоғоз?

НАГАСАКИ. Ҳа. Мен ҳаётимни суғурта қилдим. Минг долларга!

ХИРОСИМА. Минг долларга?

НАГАСАКИ. Ҳа. Нима, бу камми? Ахир, бир йилгина муддатга-ку.

ХИРОСИМА (кесагиб). Минг доллар! Бир йил!

НАГАСАКИ. Сени ўйлаб шундай қилдим.

ХИРОСИМА. Нима кераги бор эди?

НАГАСАКИ. Агар менга бирор кориҳол бўлса...

ХИРОСИМА. Қўй, қўй, гапирма. (Нагасакининг елкасига бош қўйиб.)

Сенсиз менга ҳаёт йўқ.

НАГАСАКИ (юпатиб). Азизим...

ХИРОСИМА. Йиртиб ташла қоғозни. Кел, йиртиб ташла. Юрагимга гулғула солма.

НАГАСАКИ. Бунга йиртиб ташлашим мумкин, лекин иккинчи нусхаси уларнинг қўлида. Мен бу қоғозни доимо ёнимда олиб юришим керак.

ХИРОСИМА. Нега?

НАГАСАКИ. Агар мен бирор тасодиф билан фалокатга учрасам, сен қолган аъзоларимдан трансплантологияда фойдаланишади. Бу қоғозда ана шу ҳақдаги васиятим ҳам ёзилган. Энди паспортимда ҳам шу ҳақда белги қўйилади.

ХИРОСИМА (бўшашиб). Шундайми?

НАГАСАКИ. Ҳа. Лекин ҳеч ташвишланма. Мен ҳали узоқ яшайман.

ХИРОСИМА. Бўлмаса, нега энди...

НАГАСАКИ. Ҳозир ҳар бир садоқатли эр ҳаётини суғурта қилиб қўймоқда. Бу одат тусига кирган. Мен ҳам сени, қолаверса, бўлажак фарзандимизни ўйлаб, шу ишни қилдим.

ХИРОСИМА. Ишқилиб, қаро кун бошимга тушмасин.

НАГАСАКИ. Албатта, тушмайди. Мабодо тушиб қолса, қилмишим бир кунингга ярайди. (Хиросимани чалғитиш мақсадида.) Дарвоқе бугун атоммашинани ишга солиб юбордим.

ХИРОСИМА. Хўш?

НАГАСАКИ. Энди оролча ичимли сувга сероб.

**ХИРОСИМА.** Демак, компания қитъадан сув ташиб келишдан қутулибди.  
**НАГАСАКИ.** Ҳа. Инсон заковати шундай эзгу ишларга қодир.

### Аттика ва Сонгми кирадилар.

**АТТИКА.** Биринчидан, эзгулик дегани нисбий тушунча. Ҳар кимнинг қилмиши — ўзи учун эзгулик.

**СОНГМИ.** Бутун бир қишлоқни йўқ қилиб юбориш ҳам эзгуликми?

**АТТИКА.** Бўлмаса-чи!

**НАГАСАКИ.** Йўқ, бу ваҳшийлик.

**АТТИКА.** Айтдим-ку, эзгулик дегани нисбий тушунча деб. Худди шу каби ваҳшийлик деганингиз ҳам нисбий тушунча. Бир нарса қарама-қарши манфаатли томонларнинг бири учун эзгулик, иккинчиси учун ваҳшийлик бўлади. Чунки ҳар ким ўз манфаатини ўйлаб иш тутади.

**НАГАСАКИ.** Наҳотки, инсон яхшидан ёмонни ажратолмаса?

**АТТИКА.** Ажрата олади. Лекин ўз нуқтаи назаридан қараб баҳо беради.

**СОНГМИ.** Бутун бир қишлоқни йўқ қилишни ҳамма ҳам қоралайди.

**ХИРОСИМА.** Қоралаш керак.

**НАГАСАКИ.** Албатта.

**АТТИКА.** Муқаддас иш учун, Ватан ҳимояси учун бир қишлоқ экан-ку, бутун бир ўлкани ҳам тоштаб ташламоқ мумкин ва керак.

**НАГАСАКИ.** Нима, одамларнинг чумолиқа қадри йўқми?

**АТТИКА.** Одамлар дейсиз-а? Сиздек зўр мутахассис, зиёли учун ҳамма одамларга бир хил қараш ярашмайди. Дунёда нима кўп одам кўп. Нима тез кўпаяди — одам!

**ХИРОСИМА.** Кўпайгани яхши-да.

**НАГАСАКИ.** Бўлмасам-чи. Миқдорий ўзгариш сифат яхшиланишига олиб боради.

**АТТИКА.** Йўқ! Демографик портлашга, яъни қаҳатчиликка олиб боради. Мен бунини сизларга фактлар тили билан исботлаб беришим мумкин. Мана, эшитинг, Одам Атодан бошлаб то 1830 йилгача одамлар бир миллиард бўлишган. Орадан бир аср ўтгач, яъни 1930 йилда икки миллиардга етишган. Бундан ўн йил илгари уч миллиард эдик. Ҳозир тўрт ярим миллиардга бориб қолдик. Шундай кетаверсак, йигирма биринчи асрнинг бошларида етти миллиардга етамиз. Бошқача айтганда, Одам Атодан бошлаб сайёрамизда қанча одам яшаб ўтган бўлса, бир пайтда шунча киши яшайди. Ер остидагилар билан ер устидагиларнинг сони баббаравар бўлади. Бир ўликка — бир тирик! (*Хилдон отади.*) Бир ўликка — бир тирик! Яхши ибора! Агар ёзувчи бўлсам, роман ёзиб, шундай ном берар эдим.

**НАГАСАКИ.** Жаноб Аттика, одамларга ҳурмат билан қарамоқ керак.

**АТТИКА.** Лекин ҳамма одамларга эмас. Фақат мумтоз кишиларга ҳурмат билан қараш керак, ҳалос.

**ХИРОСИМА.** Мумтоз кишилар — булар оқсуякларми?

**СОНГМИ** (*киноя билан*). Алоҳида кварталларда турадиган, алоҳида ресторанларда овқатланадиган, алоҳида касалхоналарда даволанадиган, алоҳида курортларда дам оладиган, ҳатто қабристонлари ҳам алоҳида бўладиган одамларни мумтоз кишилар дейилади. Шундай эмасми, жаноб Аттика?

**АТТИКА.** Офарин, Сонгми! Менга яқин юрганинг учун ақлинг ўсяпти.

**ХИРОСИМА.** Шундай алоҳидалик шартми?

**НАГАСАКИ.** Шарт эмас.

**АТТИКА.** Йўқ, шарт. Шартгина эмас, шундай бўлиши табиий.

**ХИРОСИМА.** Нима учун?

**АТТИКА.** Чунки она табиатимиз одамларни иқтидорли, ўртача қобилиятли ва қобилиятсиз қилиб яратган. Табиий тофовут заминдан ижтимоий тафовут келиб чиқади. Жамият мумтоз кишилар, ўрта ҳоллар ва оддий кишиларга бўлинади.

**НАГАСАКИ.** Йўқ. Ижтимоий тузумдаги паст-баландликлар туфайли кишилар ўртасида тафовут келиб чиққан. Ибтидоий тузумда бой, камбағал бўлмаган-ку, ахир. Ҳамма бир хил ҳуқуққа эга бўлган.

**ХИРОСИМА.** Ҳозир шундай қилиб қўйиш мумкин эмасми?

**АТТИКА.** Бари бир фойдасиз. Масалан, шундай бир тасаввур қилиб кўрайлик. Ер юзидаги барча бойликни ҳаммага бир хил миқдорда тақсим қилиб берилади, дейлик. Демак, ҳамма моддий томондан тенг. Лекин бу тенглик узоққа чўзилмайди. Қобилиятсизлар камбағаллашади, қобилиятлилар бойиб кетади. Шундай бўлиб келган, бўлмоқда, бундан кейин ҳам шундай бўлаверади.

НАГАСАКИ. Қобилиятли деганда кимларни кўзда тутяпсиз?

АТТИКА. Уддабурронларни! Яхши яшаш йўлини биладиганларни!

НАГАСАКИ. Жаноб Атика, тажриба тариқасида сиз ўз бойлигингизни одамларга тақсимлаб берармидингиз?

АТТИКА. Нега энди тақсимлар эканман! Ҳокимиятни, бойликни, муҳаббатни тақсимлаш — девоналик. Мен эса девона эмасман. Айтгандай, оролчага ташриф буюришим муносабати билан тоғам томонидан бугун кечқурун зиёфат берилади. Шунга сизларни лутфан таклиф этаман. Албатта, борингиз.

СОНГМИ (*Хиросимага таклифнома бериб*). Зиёфат катта шийпонда бўлади.

АТТИКА (*Сонгмига*). Қани кетдик!

### Атика ва Сонгми чиқадилар.

НАГАСАКИ. Борамизми?

ХИРОСИМА. Гапларини эшитдинг-ку. Тагин исми Атика эмиш.

НАГАСАКИ. Исми жисмиги зид экан.

ХИРОСИМА. Уйламай-нетмай исм қўяверишаркан-да.

НАГАСАКИ. Гўдакка ҳар қандай муқаддас исм ҳам муносиб. Катта бўлгач... Гап исмда эмас. Исм эгасида. Исм қўйганлар тарбиясида. Усган муҳитида! Оддий исми муқаддас қиладиган ҳам, муқаддас исми ҳаром эгадиган ҳам инсон, унинг қилмиши.

ХИРОСИМА. Қилмишларига қараб одамларга қайта исм қўйса бўлмасмикин?

НАГАСАКИ. Жонгинам, яхши исм ҳам ёмон одамга бир ниқоб. Яхши одамга эса ҳусн.

Бир томондан Заксенхаузен, иккинчи томондан Маутхаузен кирадилар, бир-бирига кўзи тушгач, қўрққанича орқаларига қочадилар. Буларни кўриб қолиб, Хиросима даҳшатга тушганича эрининг бағрига ўзини ташлайди.

ХИРОСИМА. Войдод!! Бу ердан мени олиб кет.

Чироқ ўчади.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Биринчи кўринишдаги манзара. Бухенвальд. Бельфаст, Абу Забал асабий ҳолда у ёқ-бу ёққа юриб туришибди. Атика виқор билан бамайлихогир киради.

АТТИКА. Чораси топилдими, жаноблар?

БЕЛЬФАСТ. Ҳозирча йўқ.

АТТИКА. Демак...

БУХЕНВАЛЬД. Тоғангизнинг ҳаёти хавф остида.

АТТИКА. Сизники ҳам.

БУХЕНВАЛЬД. Нега?

АТТИКА. Иш юритувчи вазифасини бажара туриб, валинеъматингиз соғлигига бефарқ қарагансиз.

БУХЕНВАЛЬД. Сиз-чи? Сиз! Елғиз меросхўри бўла туриб, тоғангиз соғлиги билан ҳеч қизиқдингизми? Йўқ!

АБУ ЗАБАЛ. Бирдан бир меросхўрлар одатда... ўлимни кутади, дейишади.

АТТИКА. Бу гапнинг менга даҳли йўқ.

БУХЕНВАЛЬД. Биласизми, Атика жаноблари, айтишларича, сиз тақдим этган сигарани чеккач, тоғангиз юрагида санчиқ бошланган.

АТТИКА. Бўлмаган гап. Кексалик. Тоғамнинг касали кексаликдан. Бўлмаса ўшандай сигарани мен ўн йилдан бери чекам.

АБУ ЗАБАЛ. Сигара заҳарланганми-йўқми — буни аниқламоқ керак.

БУХЕНВАЛЬД. Афсуски, аниқлаш имкониятидан маҳруммиз.

АБУ ЗАБАЛ. Нима учун?

БУХЕНВАЛЬД. Зиёфат маҳалида сигара қутичаси билан Освенцим ёнидан ўғирланган. Қутичада бир неча дона сигара бор экан.

АТТИКА. Ўзларингиз шоҳид, тоғам зиёфатда нафсию ҳирсига ҳаддан ташқари эрк бериб юборди, кексалигини ўйламади. Сигараларни ўзи чекиб тугатиб, қутичани ташлаб юборган бўлса керак.

БЕЛЬФАСТ. Ҳозир бундай даҳанаки жангнинг вақти эмас. Гапдан ишга ўтайлик, жаноблар. Ким бўлишдан қатъий назар, ёшми-қарими, оддий ёки мумтоз кишими, бари бир, бир беморнинг ҳаёти хавф остида. Хавфни бартараф этайлик.

БУХЕНВАЛЬД. Хўш, қандай қилиб?

БЕЛЬФАСТ. Мос юрак топилгунча, Освенцим жанобларини ухлатиб қўяйлик.

АТТИКА. Тўғри таклиф.

БУХЕНВАЛЬД. Йўқ, бу мумкин эмас.

БЕЛЬФАСТ. Нега?

БУХЕНВАЛЬД. Чунки Освенцим жанобларининг ҳали битмаган ишлари кўп. Тагин ким билади дейсиз, даврий уйқу абадий уйқуга айланиб кетадими.

БЕЛЬФАСТ. Ҳа, бўлиши ҳам мумкин.

АТТИКА. Улим ҳақ, жаноблар.

БУХЕНВАЛЬД. Лекин валинеъматим ҳали ўлмаслиги керак. Биргаликда қиладиган ишларимиз кўп.

АБУ ЗАБАЛ. Жаноб Бухенвальд! Бўлмаса, сизнингча, нима қилиш керак? Бизни бу ерга қақришдан мақсадингиз нима?

БУХЕНВАЛЬД. Консилиум ўтказиш. Сизлар билан биргаликда кризисни бартараф этиш...

АБУ ЗАБАЛ. Ўзингиз қандай чоралар кўрдингиз? Эшитайлик.

БУХЕНВАЛЬД. Бутун дунёга тўртинчи гуруҳ юрак кераклигини хабар қилдим: Лондон, Париж, Амстердам, Гаага, Брюссель, Хельсинки, Копенгаген, Токио, Коломбо, Неаполь, Рим, Вашингтон, Нью-Йорк, Чикаго — ҳуллас, ҳамма жойга телефон қилдим. У ерларда ҳам, оролчамизда ҳам самолётлар шай турибди. Мос юрак топилсайди, зудлик билан етказиб келардик-а. Буни қарангки, бахтга қарши, оламда бугун фалокат рўй бермаяпти.

АБУ ЗАБАЛ. Нима, кимдир фалокатга учрашини кутяпсизми?

БУХЕНВАЛЬД. Ҳа, ишимизнинг ўзи шунақа-ку.

АБУ ЗАБАЛ. Бир одамнинг бахтсизлиги иккинчи бир одамнинг бахтли бўлишига сабаб. Йўқ, мен буни истамайман.

БУХЕНВАЛЬД. Лекин биз фалокатга учратмаймиз. Фалокатга учрагач, фойдаланамиз.

АБУ ЗАБАЛ. Фалокат тасодифми, қасдданми — ҳамма гап шунда...

## ПАУЗА.

АТТИКА. Тоғамга ўрнатилган сунъий юрак қанча ишлайди?

БУХЕНВАЛЬД. Эллик соатча.

БЕЛЬФАСТ. Вақтнинг ярмидан кўпи ўтди шекилли.

АТТИКА. Демак, тоғамнинг умр юлдузи сўнмоқда.

АБУ ЗАБАЛ. Сизнинг эса, меросхўр жаноблари, бахт юлдузингиз порлай демокда.

БЕЛЬФАСТ (*Бухенвальдга*). Атика жанобларини ҳатто табрикламоқ ҳам мумкин.

БУХЕНВАЛЬД. Ноумид шайтон! (*Телефон қилади.*) Доктрина! Вазифангни зудлик билан бажар... Ҳа, мен ўзим бутун масъулиятни зиммамга оламан. Ҳа, тезроқ! (*Трубкани қўяди, енгил нафас олади.*) Сизларга ҳозирча жавоб, керак бўлсангиз ўзим қақираман.

АБУ ЗАБАЛ. Шийпонимга борар-бормас, қақриб қоласиз. Ундан кўра шу ерда ўтира тураман. (*Ўтиради.*) Сиз нима дейсиз, жаноб Бельфаст?

БЕЛЬФАСТ. Маъқул (*Ўтиради.*)

АТТИКА. Оқимга қарши бориш интизомдан эмас. (*Ўтиради.*)

БУХЕНВАЛЬД (*Атикага*). Оқим деганингизда нимани кўзда тутяпсиз?

АТТИКА. Вазиятни. Ҳар бир ишни вазиятдан келиб чиқиб қилмоқ керак.

БУХЕНВАЛЬД. Яъни, масалан?

АТТИКА. Масалан, «такси бекати» дейилади. Лекин кўпинча ўша жойда такси йўловчини кутиб турмайди. Балки йўловчи уни кутиб туради. Чунки унга такси керак. Усиз ҳеч иложи йўқ. Шунга ўхшаш ҳозир бизлар ҳам кимдир фалокатга учрашини, унинг мускул группаси тўртинчи бўлишини кутиб турибмиз. Чунки бизга шундай фалокат керак. (*Пауза.*) Бухенвальд жаноблари, сизни яхши ташкилотчи дейишади. Лекин мен бунга ишонмай қолдим.

БУХЕНВАЛЬД. Сабаб?

АТТИКА. Биттагина керакли фалокатни ташкил этолмаяпсиз-ку!

АБУ ЗАБАЛ. Керакли фалокат?! Таажжуб.

БЕЛЬФАСТ. Тавба! Фалокатни ташкил этиш?!

АТТИКА. Менинг тушунчамдаги яхши ташкилотчи қўлидан бундай иш



ҳам келиши керак. Албатта, жуда зарур бўлиб қолган кезлардагина. Мана, ҳозир жуда зарур. Тўғрими, жаноб Бухенвальд?

**БУХЕНВАЛЬД.** Мени синамоқчисиз шекилли. Йўқ, мен ундайлардан эмасман. Қотилликка бош қўшишдан ҳазар қиламан.

**АТТИКА.** Демак, тоғамга садоқатсиз экансиз-да. (*Кесатиб.*) Яхши!

**БУХЕНВАЛЬД.** Садоқатимни бундай йўл билан, ошкора намоён қилмайман. Бу тентакларнинг иши.

**Узоқдан Хиросиманинг овози келади.**

**ХИРОСИМАНИНГ ОВОЗИ.** Войдод, войдод!! Одамлар, ёрдам беринглар.

**Бельфаст ва Абу Забал ирғиб туришади.**

**БУХЕНВАЛЬД.** Ташвишланманг, жаноблар.

**АБУ ЗАБАЛ.** Ахир... Хиросиманинг овози келяпти-ку!..

**АТТИКА.** Гўзалмисан гўзал. Мен гўзал аёлнинг нолишини эшитсам, ҳузур қиламан.

**БУХЕНВАЛЬД.** Хиросима ҳоним Заксенхаузен ёки Маутхаузенни кўриб қолса, шунақа беҳудага айюҳаннос солади. Бу биринчи бўлаётган ҳодиса эмас.

**АБУ ЗАБАЛ.** Авваллари Заксенхаузен билан Маутхаузен қандай ёқимли эдилар-а. Атрофларида аёллар парвона эди. Энди эса...

**БЕЛЬФАСТ.** Хиросима бир нолиди-ю, жим бўлди-қолди. Хабар олайлик.

**БУХЕНВАЛЬД.** Соқчилар бор-ку, хабар беришар.

**АТТИКА.** Гўзал аёлга жин ҳам урмайди. Гўзаллиги қалқон! Оч қолмайди.

**БУХЕНВАЛЬД.** Гўзаллиги ҳам қалқон, ҳам оҳанрабо! Гўзаллигига мафтун бўлиб, битта-яримтаси тегишгандир. Муроди ҳосил бўлгач, қўйиб юборди, ҳечқиси йўқ...

**БЕЛЬФАСТ.** Эридан бир қарич айрилмай юргувчи эди, шекилли.

**АБУ ЗАБАЛ.** Мен ҳам уларни доимо бирга кўраман.

**БУХЕНВАЛЬД.** Курк товуклардек оқшом қўнмасдан қўноққа чиқиб оласизлару, тунги саргузаштларни билиб ўтирибсизларми.

**Сочлари тўзғиб кетган Хиросима югуриб киради.**

**Чехрасида кўз ёшлари қотиб қолган.**

**ХИРОСИМА** (*нафаси оғзига тиқилиб, келган томонини кўрсатиб*). Мана шу ёқда!.. Мана шу ёқда!..

**БУХЕНВАЛЬД.** Тушунтириброқ айтинг. Нима гап ўзи?

**ХИРОСИМА.** Эрим... Нагасакийим беҳуш ётибди. Ердам беринглар.

**АБУ ЗАБАЛ.** Нима бўлди?

**БЕЛЬФАСТ.** Нима бўлди?

**ХИРОСИМА.** Бутазор айланиб келаётган эдик шу ёққа. Бир маҳал орқадан келиб кимдир Нагасакининг бошига нима биландир урди. Ердам беринглар, вой, шўрим қуриб қолди, шўрим қуриб қолди. Энди нима қиламан?

**АБУ ЗАБАЛ** (*Хиросимага*). Шу ёқдами?.. Қани кетдик.

**Абу Забал, Бельфаст шошилиб чиқадилар.**

**БУХЕНВАЛЬД** (*Хиросиманинг йўлини тўсиб*). Нагасакини ким урди? Нима билан урди?

**ХИРОСИМА.** Қоронғу эди. Кўрмай қолдим.

**АТТИКА.** Жазманларингиздан бири бўлса керак.

**Хиросима** **Аттикага нафрат билан қараб, чиқа бошлайди.**

**БУХЕНВАЛЬД** (*Хиросимага*). Тўхтанг. (*Аттикага.*) Ҳозир бачканаликнинг вақтимас.

**АТТИКА.** Бўлмаса, ярим кечада эрини сайрга бошлаб чиқармиди.

**ХИРОСИМА.** Биз ўзимизча чиқмадик. Жаноб Бухенвальд бизни чақирган эканлар. Шу ёққа келаётган эдик.

**БУХЕНВАЛЬД.** Мен? Е тавба?!

**ХИРОСИМА.** Бизга Доктрина телефон қилиб шундай деди. Биз эса унга ишониб уйдан чиқдик.

**АТТИКА** (*Бухенвальдга*). Аҳа! Тушунарли... Жаноб ташкилотчи, тушунарли.

**БУХЕНВАЛЬД** (*Хиросимани юпатиб*). Эрингизнинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз. (*Аттикага*). Қотил Заксенхаузен ёки Маутхаузен. Ҳа, икковидан бири...

**ХИРОСИМА.** Бечора эримга ёрдам беринглар! (*Чиқади.*)

**АТТИКА** (*киноя билан*). Ҳорманг энди, жаноби ташкилотчи! Чиндан ҳам моҳир ташкилотчи экансиз.

БУХЕНВАЛЬД. Узларидан сўрасак, жаноби бўлғуси меросхўр! (*Маъноли қилиб.*) Сигарадан олинг, бир чекайлик.

АТТИКА. Чекишни ташладим.

Иккови бир-бирига еб қўйгудек бўлиб ўқради.  
Абу Забал хомуш киради.

БУХЕНВАЛЬД. Нима гап?

Абу Забал жим.

АТТИКА. Тинчликми?

АБУ ЗАБАЛ. Тоғангизнинг куни туғибди.

АТТИКА. Тушунтириброқ айтинг.

Бельфаст шошилиб киради.

БЕЛЬФАСТ. Жаноб Абу Забал! Операцияни зудлик билан бошлаш керак.  
АБУ ЗАБАЛ. Йўқ!

Бельфаст хўрсинади.

БУХЕНВАЛЬД. Нега?

АБУ ЗАБАЛ. Аввал фалокат суиқасдми ёки тасодифми, шуни аниқлаш керак.

АТТИКА. Тўғри, аниқлаш керак.

БУХЕНВАЛЬД. Жаноб Атика! (*Бир оз сукутдан сўнг, маъноли қилиб.*) Сигарангиздан борми?

АТТИКА. Чекишни ташладим.

БЕЛЬФАСТ (*Абу Забал олдига яқин бориб, ёлбориб*). Ҳозир... ҳозир вақт зик. Бўлар иш бўлган. Энди беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш керак.

АТТИКА. Бемор ким?

БЕЛЬФАСТ. Тоғангиз! Тоғангизни айтяпман. Ўзингиз қандай жиансиз-а?

БУХЕНВАЛЬД. Қандай бўларди. Бирдан бир меросхўр жиан!

АТТИКА (*Бельфастга*). Намунча жон куйдирмасангиз тоғамга?

БЕЛЬФАСТ. Чунки тоғангиз ҳали шахс сифатида тирик, Нагасаки эса шахс сифатида ўлган.

АБУ ЗАБАЛ. Ҳали жони чиққанича йўқ.

БЕЛЬФАСТ. Тўғри, ҳали жони бор. Лекин бир неча дақиқадан сўнг тугайди.

АТТИКА. Бечора. Аҳволи шунақанги оғирми?

АБУ ЗАБАЛ. Мияси пачоқланган.

АТТИКА. Ким пачоқлабди? Қандай қилиб?

АБУ ЗАБАЛ. Шуларни аниқлайлик деяпман-да.

БУХЕНВАЛЬД. Аниқлаймиз, албатта, аниқлаймиз.

БЕЛЬФАСТ (*бақириб*). Жаноблар, ҳозир вақтимас.

АТТИКА. Нима қилиш керак бўлмаса?

БЕЛЬФАСТ. Нагасакининг соғ аъзоларидан, масалан, бу ўринда юрагидан беморнинг саломатлиги учун фойдаланиш керак, шарт.

АТТИКА. Яъни тоғам учун...

БЕЛЬФАСТ (*гапни бўлиб*). Тоғангизми, бошқасими, мен учун бари бир! Мен врачман ахир! Мен учун ҳозир жаноб Освенцим фақат бемор! Ҳа, фақат бемор!

АТТИКА. Нагасаки-чи?

БЕЛЬФАСТ. Донор.

АБУ ЗАБАЛ. Фақат донорми?

БЕЛЬФАСТ. Ҳа! Бунинг устига умри тугаб қолган донор.

АБУ ЗАБАЛ. Мен учун эса бахтсизликка учраган бир кимса. Қолаверса...

БЕЛЬФАСТ. Азизим, қўйинг бу гапларни. Келинг, биргалашиб инженер Нагасаки юрагини жаноб Освенцимга кўчириб ўтказайлик. Биласиз, бу жуда мураккаб операция.

АБУ ЗАБАЛ. Азиз ҳамкасбим, бу ишга қўлим бормайди. Фалокат тафсилотини билмагунимча, қўлим бормайди. Узр.

БЕЛЬФАСТ. Бўлмаса, врачлик бурчим амри билан бу ишга бир ўзим қўл ураман.

БУХЕНВАЛЬД. Офарин!

АТТИКА. Чиқмаган жондан умид деб, Хиросима рози бўлармикин.

Бухенвальд ва Бельфаст чиқадилар.

АБУ ЗАБАЛ. Бечорага чора...

АТТИКА (Абу Забалга яқин бориб, шивирлаб). Қулоғингизга айтадиган гапим бор, фалокатга оид...

АБУ ЗАБАЛ. Гийбатга ҳушим йўқ. (Чиқади.)

АТТИКА. Тавба! Бу одамга тушунмай қолдим. Яқин тутай десам ҳам ёнига йўлатмайди, душманлигини ҳам билиб бўлмайди. (Қўл силтаб.) Бу қўрқинчли эмас. Хўш, мен учун қўрқинчли одам ким? (Бир томондан Заксенхаузен, иккинчи томондан Маутхаузен кирадилар. Бир-бирига кўзи тушиб, қўрққанларича икки тарафга қочадилар). Мен учун энг қўрқинчлиги Бухенвальд! Ҳа Бухенвальд. Мускул группамиз бир хил-а... Тўққизинчи! Тўққизинчи! Тўққизинчи... (Отгилиб чиқиб кетади.)

Чироқ ўчади.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Иккинчи кўринишдаги манзара. Энди шийпон ойнаванд қилиниб, оранжереяга айлантирилган. Освенцим беморлар кийимида креслода ўтирибди. Бухенвальд тик турибди.

ОСВЕНЦИМ. Нега жим қолдинг? Гапир!

БУХЕНВАЛЬД. Ҳозир. Аввал бир эслаб олай.

ОСВЕНЦИМ. Топиб келган гапингни бир чеккадан гапиравер.

БУХЕНВАЛЬД. Бир гап бор. Топганимга анча бўлган.

ОСВЕНЦИМ. Нега шу пайтгача айтмадинг? Еки вазифангни унутдингми?

БУХЕНВАЛЬД. Йўқ, унутганим йўқ. Аввал айтсам сизга тўғри келмасди, соғлигингиз кўтармасди.

ОСВЕНЦИМ. Энди-чи?

БУХЕНВАЛЬД. Энди йигит юрагингиз бор. Айтишга мен қўрқмайман, тинглашга...

ОСВЕНЦИМ. Чўзмай, тезроқ гапир.

БУХЕНВАЛЬД. Нима учун сиздек соппа-соғ юрган одам тўсатдан юрак касалига учрайди, сабабини биласизми?

ОСВЕНЦИМ. Йўғ-а!

БУХЕНВАЛЬД. Сиз жиянингиз берган сигарадан заҳарлангансиз.

ОСВЕНЦИМ. Шундайми?

БУХЕНВАЛЬД. Худди шундай, жаноб!

ОСВЕНЦИМ. Аблаҳ! Жияним десам, аблаҳ экан!

БУХЕНВАЛЬД. Уни, яъни меросхўрингизни, бу ердан ҳайдаб юборайлик.

ОСВЕНЦИМ. Нега?

БУХЕНВАЛЬД. Яна зиёни тегиши мумкин.

ОСВЕНЦИМ. Йўқ. Мумкин эмас.

БУХЕНВАЛЬД. Нима учун?

ОСВЕНЦИМ. Ахир, мен ҳам унинг меросхўриман. Қўл остимдан чиқмаслиги керак. Чиқса, мерос ҳам қўлимдан кетиши мумкин.

БУХЕНВАЛЬД. Бўлмаса нима қиламиз?

ОСВЕНЦИМ. Ҳозирча ҳеч нарс.

БУХЕНВАЛЬД. Нима, қотил жазосиз қолаверадами?

ОСВЕНЦИМ. Албатта, йўқ. Вақти келганида уни ўзи тутган йўл билан даф этамиз.

БУХЕНВАЛЬД. Хиросимаңи-чи?

ОСВЕНЦИМ (аччиқланиб). Уңи ҳали ҳам қитъага жўнатиб юбормадингми?

БУХЕНВАЛЬД. Кетмаяпти.

ОСВЕНЦИМ. Оролчани ёмонла. Қитъага унда муҳаббат уйғот. Ишқилиб, тезроқ жўнат.

БУХЕНВАЛЬД. Хўп. Маутхаузен билан Заксенхаузенни-чи?

ОСВЕНЦИМ. Ҳозирча шу ерда юра турсин. Ақлдан озган бўлгани учун улар ҳали бизга иш беради.

БУХЕНВАЛЬД. Абу Забал кашфиётини ҳеч айтмаяпти.

ОСВЕНЦИМ. Майли. Бари бир бир кунмас-бир кун айтади. Айттирамиз ҳам.

БУХЕНВАЛЬД. Чорасини кўрайлик, жаноб.

ОСВЕНЦИМ. Биринчи чораси шуки, Абу Забалнинг кўз ўнгида Бельфастни яхши хизмати учун мукофотла. Ахир, Бельфаст юрагимни янгилаб берди. Қолаверса, мўътадил иқлимли, мусаффо ҳаволи мана шу иссиқхонада яшашим гоёси ҳам ундан чиқди. Бўлмаса, юрагимни янгилаганим бир пул эди. Табиат таъсирларига дош беролмай аллақачон ўлиб кетган бўлардим. Ҳа, у арзийди мукофотлашга. Уни мукофотласак, Абу Забалнинг ҳам кўзи мошдек очилади. Мукофотнинг қудрати зўр.

БУХЕНВАЛЬД. Абу Забални ийдириш мушкул. Ҳатто, оғир дақиқаларда сизга янги юрак қўйишга қарши турди-я.

ОСВЕНЦИМ. Утган ишга саловат. Ақлли одамлар ўч олмайдилар. Бельфаст каби Абу Забални ҳам тўғри йўлга бошлашимиз керак. Бизга шундан кўпроқ манфаат тегади. Қолаверса... Агар Абу Забал кашфиётини айтмаса, мен бир умр шу иссиқхонада қолиб кетаман-а.

БУХЕНВАЛЬД. Сизга қийин бўлди, биламан, тушунаман, ачинаман...

ОСВЕНЦИМ. Ҳамдард бўлишни йиғиштир! Яна қанақа гапинг қолди? Бўлмаса...

БУХЕНВАЛЬД. Сонгмига ишқибоз бўлиб қолдим.

ОСВЕНЦИМ. Шошилма. Ҳали ўртада жияним турибди.

БУХЕНВАЛЬД. Жуда зўр-да.

ОСВЕНЦИМ. Ундан кўра Хиросиманинг кўнглини овла, бева жувон... Кўнглини овла-ю, тезроқ бу ердан даф қил. У оролчада экан, юрагим ниманидир сезадими... менга тинчлик йўқ... Энди сенга рухсат. Мени тинч қўй.

Освенцим креслога суяниб, жим қолади. Бухенвальд чиқади. Освенцимнинг юраги шиддагли ураётгани сезилиб туради. Унинг назарида юрак тегиши қулоққа эшитилаётгандек туюлади.

Чирок ўчади.

## ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Биринчи кўринишдаги манзара. Бухенвальд иш жойида столни чертиб ўтирибди.

БУХЕНВАЛЬД (*кўл соатига қараб олиб*). Хиросима кечикяпти. Балки пардоз-андоз қилаётгандир. Майли, келгунича кутаман. (*Яна столни черта бошлайди. Тимқора кийинган Хиросима ва Сонгми кирадилар.*) Келинг, хоним! (*Сонгмига кўзи тушиб.*) Мен фақат Хиросима хонимни чақирган эдим шекилли.

ХИРОСИМА. Дугонамни мен бошлаб келдим.

БУХЕНВАЛЬД. Нега?

СОНГМИ. Сизни еб қўяди деб кўрқди.

БУХЕНВАЛЬД. Сонгми! Ҳозир ҳазилнинг пайтимас. Хиросима билан жиддий гапларимиз бор. Гаплашиб олишимиз керак. Сиз эса жаноб Атиканинг роҳатини кўзланг. Боринг.

СОНГМИ. У ёғидан кўнглингиз хотиржам бўлсин. Ҳозир жаноб Атика ухламоқда.

БУХЕНВАЛЬД. Уйғониб қолар. Боринг.

ХИРОСИМА. Бизлар бирга келдик. Бирга кетамиз. Гапиринг гапингизни. Лекин кечагига ўхшаш чегарадан чиқманг. Илтимос.

БУХЕНВАЛЬД. Шундайми? Яхши, гап бундай. (*Стол тортмасидан дафтар ва бир боғлам пул олади.*) Мана бу — минг доллар. Суғурта пули. Эрингиз учун. (*Дафтарга ишора қилиб.*) Мана бу ерга қўл қўйиб, пулни олинг. Кўз олдимда санаб кўринг. Роппа-роса минг доллар. (*Пулни узатади.*) Олинг!

ХИРОСИМА. Менга пул керакмас. Менга қотилни топиб беринг.

БУХЕНВАЛЬД. Хоним, бачканалик қилманг. Эрингиз вафот этган. Қайта тирилмайди.

ХИРОСИМА. Лекин ҳали юраги тирик.

БУХЕНВАЛЬД. Бу гапни қўйинг, хоним. Энди ўз бахтингизни ўйланг. Ҳали ёшсиз. Сизга маслаҳатим шуки, тезроқ қитъага қайтиб кетинг.

ХИРОСИМА. Эримнинг юраги то тирик экан, мен шу ерда бўламан. БУХЕНВАЛЬД. Хоним, жуда катта кетвордингиз. Эрингизнинг юраги Освенцим жанобларининг кўксига ҳали ярим аср яшайди.

ХИРОСИМА. Майли, ярим аср кутаман.

БУХЕНВАЛЬД. Унгача кампир бўласиз. Еш умрингиз хазон бўлади.

ХИРОСИМА. Майли, хазон бўла қолсин.

БУХЕНВАЛЬД. Билиб қўйинг: эртага самолётда қитъага жўнайсиз. Освенцим жанобларининг амри шундай.

ХИРОСИМА. Бўлмаса, қотил жазолансин, ўз кўзим билан кўрай.

СОНГМИ. Мен ҳам бир кўрай.

БУХЕНВАЛЬД. *(бақариб)*. Сонгми! Сен гапга аралашма! *(Хиросимага мулойимлик билан)*. Ахир, қотил Заксенхаузен. У эса ақлдан озган. Ақлдан озган бўлгани учун жазолаб бўлмайди.

ХИРОСИМА. Хўш, нега бўлмаса уни жиннихонага бериб юборамай-сизлар?

БУХЕНВАЛЬД. Даволаяпмиз.

СОНГМИ. Бўлмаса, бу ер жиннихона экан-да!

БУХЕНВАЛЬД *(бақариб)*. Сонгми! Ҳазилни йиғиштир.

СОНГМИ. Хўп.

БУХЕНВАЛЬД. Эртага сен ҳам даф бўл.

СОНГМИ. Кошкийди. Хўжайиним рухсат бермайди-да.

БУХЕНВАЛЬД. Ўзим тўғрилайман. Кўзимдан йўқол.

СОНГМИ. Жоним билан.

**Сонгми ва Хиросима чиқа бошлайдилар.**

БУХЕНВАЛЬД. Пулни ола кетинг.

ХИРОСИМА. Эримнинг арвоҳига мендан садақа...

### Чиқадилар.

БУХЕНВАЛЬД. Қизиқ! Пулдан, мендек эркак бағридан воз кечган аёл зотини энди кўришим. *(Пулни стол тортмасига солиб қўяди. Бельфаст ва Абу Забал кирадилар.)* Келинглр, жаноблар.

БЕЛЬФАСТ. Бизларни йўқлабсиз?

БУХЕНВАЛЬД. Ҳа, сизни Освенцим жаноблари клиникамиз маъмурияти номидан мукофотладилар, табриклайман.

БЕЛЬФАСТ. Нима учун?

БУХЕНВАЛЬД. Трансплантология соҳасидаги катта амалий хизматингиз учун.

АБУ ЗАБАЛ. Яъни Освенцим жанобларига янги юрак ўрнатганлиги учун.

БУХЕНВАЛЬД. Қисман шундай.

АБУ ЗАБАЛ. Асосан деяверинг.

БУХЕНВАЛЬД. Десам деявераман. *(Бельфастга.)* Яқинроқ келинг. *(Стол тортмасидан дафтар ва бир боғлам пул олиб.)* Мана бу мукофот пули. Роппа роса икки минг доллар. *(Дафтарга ишора қилиб.)* Мана бу ерга қўл қўйинг-да, пулни олинг. Марҳамат. *(Абу Забалга.)* Сиз ҳам сўзимга унаб, операцияга қўл ургангингизда, шундай мукофотга лойиқ бўлардингиз.

АБУ ЗАБАЛ *(кесатиб)*. Кечирилмас гуноҳ қилибман.

БУХЕНВАЛЬД. Сўнги пушаймон — ўзингга душман. Ҳали ҳам бўлса, кашфиётингизни тезроқ маълум қилинг. Освенцим жавобларининг саҳийлигини ана ўшанда кўрасиз.

АБУ ЗАБАЛ. Гап бу ёқда денг?

БУХЕНВАЛЬД *(зшитмаганга олиб, Бельфастга)*. Пулни, олмайсизми, кўлим толиб кетди.

БЕЛЬФАСТ. Олиш қочмас. Бизни шунга чақирдингизми?

БУХЕНВАЛЬД. Қисман шунга. Асосан эса сизларни Освенцим жаноблари йўқламоқдалар.

БЕЛЬФАСТ. Ҳозирми?

БУХЕНВАЛЬД. Ҳа. Қани, пулингизни олинг.

БЕЛЬФАСТ. Сизда тура турсин.

**Абу Забал ва Бельфаст чиқадилар.**

БУХЕНВАЛЬД. Қизиқ, ёнимда пулим бўлмаса ўзимни дармонсиз ҳис этаман. Булар-чи? Буларга ҳеч тушунмайсан киши *(Дафтар билан пулни стол тортмасига солиб қўяди. Югуриб Аттика кирди)*.

АТТИКА. Сонгмини кўрмадингизми?

БУХЕНВАЛЬД. Кўрдим. Хиросима билан маъна бу ёққа кетди. *(Аттика кета бошлайди)*. Тўхтаг. *(Аттика тўхтабди.)* Мендан сизга маслаҳат: котибангизни бева жувонга яқин йўлатманг. Йўлдан оздириши мумкин. *(Аттика кета бошлайди)*. Тўхтаг!

АТТИКА *(тўхтаб)*. Шошиб турибман.

БУХЕНВАЛЬД. Шошманг. Гап бор.

АТТИКА. Айта қолинг тез.

БУХЕНВАЛЬД. Сигарангиз борми?

АТТИКА. Сизга минг марта айтганман, чекишни ташлаганман деб.

БУХЕНВАЛЬД. Менда эса сигара бор.  
 АТТИКА. Бор бўлса нима қипти?  
 БУХЕНВАЛЬД. Худди ўша сигарадан бор. Тушундингизми. Кўрасизми?  
 (Стол торгмасидан сигара қугисини олиб очиб.) Мана!  
 АТТИКА. Сигарани кўриб, кўрқувдан қалтираб кетади.  
 АТТИКА. Сотмайсизми?  
 БУХЕНВАЛЬД. Сотаман.  
 АТТИКА. Неча пул?  
 БУХЕНВАЛЬД. Ким ошса, ўшанга сотаман. Тоғангиз ҳам олиши мумкин.  
 АТТИКА. Фақат мен олишим керак. Нархини айтинг.  
 БУХЕНВАЛЬД. Ўзингиз айта қолинг.  
 АТТИКА. Мол сизники. Сўранг.  
 БУХЕНВАЛЬД. Ҳозир шошиб турибсиз.  
 АТТИКА. Шошаётганим йўқ.  
 БУХЕНВАЛЬД. Сонгмини қидириб юрибсиз.  
 АТТИКА. Йўқ, сигара қидириб юрибман.  
 БУХЕНВАЛЬД. Майли, эртагача ўйланг. Бугун сотмайман.  
 АТТИКА. Биринчи харидор менман. Илтимос, шуни унутманг.  
 БУХЕНВАЛЬД. Бўпти. (Аттики судралиб чиқиб кетади). Энди жиловименинг кўлимда. Истаганимча минаман. (Зивқланиб кулади.)

Чироқ ўчади.

## ЕТТИНЧИ КҮРИНИШ

Бешинчи кўринишдаги манзара. Освенцим, Абу Забал, Бельфаст турли томонга қараб, турли ҳолатда туришибди. Бухенвальд киради.  
 БУХЕНВАЛЬД. Жаноблар, ҳали ҳам тортишяпсизми? Балли-ей!  
 БЕЛЬФАСТ. Ҳа, тортишяпмиз.  
 АБУ ЗАБАЛ. Фан — гоёлар драмаси. Буни унутманг, азизим.  
 БЕЛЬФАСТ. Битимга келтириш ҳам фаннинг иши.  
 ОСВЕНЦИМ. Офарин!  
 АБУ ЗАБАЛ. Табиёт фанлари бошқа, техника бошқа.  
 БУХЕНВАЛЬД. Фарқи нимада экан?  
 АБУ ЗАБАЛ. Фанни амалиётга татбиқ этиш — бу техника. Татбиқ этиш бобида сизлар билан бир битимга келолмайман.  
 БЕЛЬФАСТ. Нима учун?  
 АБУ ЗАБАЛ. Чунки табиёт фанлари, жумладан, тиббиёт ҳам бетараф ҳодиса. Техникадан эса эзгулик йўлида ҳам, ёмонлик йўлида ҳам фойдаланиш мумкин. Буни муайян шароит, тўғрироғи, бизнинг шароитда (Освенцимга қўли билан ишори қилиб) сиз белгилайсиз.  
 БУХЕНВАЛЬД. Освенцим жанобларига нима қипти? Валинеъматимиз илм-фан ютуқларини изчиллик билан эзгуликка сафарбар этиб келаяптилар. Буни бутун жаҳон билади. Мана, шу оролчадаги клиникамизнинг фаолияти бунга ёрқин мисол. Сизлар, шахсан сизнинг ўзингиз ҳам, Абу Забал жаноблари, шохидсиз: клиникамизда қанчадан-қанча бедаво дардга учраган мумтоз кишиларнинг умри узайтирилди. Уларга қўшимча ҳаёт бердик.  
 БЕЛЬФАСТ. Тўғри, қўшимча ҳаёт бердик. Бизлар берган ҳаёт ҳозирча қисқа. Лекин қўшимча умр. Қанча бўлмасин умр!  
 БУХЕНВАЛЬД. Бўлмаса-чи!  
 ОСВЕНЦИМ. Ҳозирча шунисига ҳам шукр. Бўлмаса, биз даволаган беморлар, шу жумладан, мен ҳам аллақачон ўлиб кетган бўлардик.  
 БЕЛЬФАСТ. Икки-уч йил-а! Ахир ўлим чангалидан ҳаётни шунча муддатга юлиб олиш катта бахт-ку!  
 БУХЕНВАЛЬД. Албатта!  
 ОСВЕНЦИМ. Мен ҳам ана шундай бахтга ноил бўлганлардан бириман. Бахтиёрман. Бу билан фахрланаман.  
 БУХЕНВАЛЬД. Бўлмаса-чи!  
 АБУ ЗАБАЛ (кесагиб). Тўғри, бахтиёрсиз, фахрланасиз. Улимни орқага чекинтириш чиндан ҳам фавқулодда ютуқ. Лекин сизнинг бахтиёрлигингиз, фахрланишингиз Нагасакининг ҳалокати, Хиросиманинг тул қолиши эвазига бўлмадими?!  
 БУХЕНВАЛЬД. Яна ўша гап.  
 ОСВЕНЦИМ. Жаноб Абу Забал, соғлиқ — мисоли сармоя. У кишига туғилганда берилади. Уни авайлаб сарфлаш, Нагасаки каби фалокатга учраб, бой бериб қўймаслик керак. Яхши биласиз, сармоя авлоддан авлодга, қўлдан қўлга ўтиб турадиган нарса. Шунга ўхшаш Нагасакининг юрак сармояси менга

ўтди. Шу холос. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи, тортишадиган ўрни йўқ.  
АБУ ЗАБАЛ. Соғлиқ — сармоя? Ғоятда янги ибора. Биринчи эшитишим.  
БУХЕНВАЛЬД. Бўлмаса-чи, соғлиқ энг катта сармоя.

АБУ ЗАБАЛ. Жаноб Освенцим! Агар Нагасаки атайлаб фалокатга  
учратилган бўлса, унинг юраги билан яшашга рози бўлармидингиз?

ОСВЕНЦИМ. Нима дейишим мумкин. Йўқ дердим.

БУХЕНВАЛЬД. Нагасакини ҳеч ким атайлаб фалокатга учратмаган.  
Унинг ўлимига телба Маутхаузен сабабчи. Бу аниқ.

АБУ ЗАБАЛ. Мен учун ҳали қоронғу.

БУХЕНВАЛЬД. Сафсатабозликни қўйинг энди. Олим одамга ярашмайди.  
Кашфиётингизни айтасизми-йўқми? Шундан келинг!

ОСВЕНЦИМ. Тинчланинг, Бухенвальд. Оғир бўлинг.

АБУ ЗАБАЛ. Айтиш-айтмаслик хусусида ҳали бир қарорга келганим йўқ.

БУХЕНВАЛЬД. Нега бўлмаса учини чиқариб, бизларни қийин аҳволга  
солиб қўйдингиз?

АБУ ЗАБАЛ. Бу қилмишим учун узр сўрайман. (*Хўрсинади.*) Авваллари  
инсон қўлидан келган ҳар қандай ишни қилиш керак, деб ўйлардим. Энди-чи?  
Эндиликда нимани қилиш керақу нимани қилмаслик керак, аввало буни  
аниқлаш, тагига чуқур етиб, танлаб олиш керак, деб ҳисоблайман.

БЕЛЬФАСТ. Азизим, нима учун бундай фикрга келиб қолдингиз?

АБУ ЗАБАЛ. Теварагимизда шундай ишлар бўляптики, буларни кўзим  
билан кўрмасам-да, шарпасини сезиб, ҳис этиб турибман. Ана шулар мени  
ўйлантиряпти, эҳтиёткорликка ундаяпти.

БУХЕНВАЛЬД. Нима, валинеъматимиз — Освенцим жаноблари бир умр  
шу оранжереяда қолиб кетишлари керакми? Ҳали ҳам Освенцим жаноблари-  
нинг тоқатларига балли! Уч ойдан бери шу оранжереяда яшаш осонми?!  
Наҳотки, шу қадар худбин бўлсангиз, жаноб Абу Забал?!

ОСВЕНЦИМ. Бухенвальд, қизишманг!

БУХЕНВАЛЬД. Бор гапни айтапман. Кашфиётдан инсоният фойда-  
лансин деяпман, холос. Биринчи навбатда сизга нафи тегиши керак. Ахир  
кашфиёт шу оролчада вужудга келди-ку. Бу оролча эса сизники!

АБУ ЗАБАЛ. Балки бошқа жойда, бошқа шароитда кашфиётимни дарҳол  
айтган бўлардим. Бу ерда эса, ҳали бир тўхтамга келганим йўқ.

БУХЕНВАЛЬД. Яна қанча кутамиз?

АБУ ЗАБАЛ. Билмасам. Ҳозирча Освенцим жанобларига бир ғояни  
таклиф қиламан.

БУХЕНВАЛЬД. Қани-қани, эшитайлик.

АБУ ЗАБАЛ. Ҳозирги ҳолатда Освенцим жаноблари учун табиий анабиоз,  
яъни баъзи ҳайвонларда бўладиган «қиш уйқуси»ни татбиқ этиш маъқул.  
Тиббий йўл билан, масалан, олти ойми, бир йилми ухлатиб қўйиш керак.  
Унгача мен ҳам бир фикрга келарман.

БУХЕНВАЛЬД. Унгача ким бору, ким йўқ.

ОСВЕНЦИМ. Келажакда ишларим кўп. Таклифингиз бўлмайди. Уғил бола  
гап қилайлик. Оғзингизга сиққанини сўрангу кашфиётни ҳозирнинг ўзидаёқ  
айтинг.

БУХЕНВАЛЬД. Ҳа, айтинг, кейин хурсанд бўласиз.

АБУ ЗАБАЛ. Мен хурсанд бўларман. Лекин бошқалар-чи?

БУХЕНВАЛЬД. Оммани қўйинг. Мумтозлардан келинг. Биласиз. Ер юзида  
соатига саккиз минг нонхўр кўпаймоқда.

АБУ ЗАБАЛ. Мен учун ҳамма барабар. Инсонга ҳурмат билан қарамоқ  
керак.

БУХЕНВАЛЬД. Жаноб Абу Забал, гапларингиздан марксизм-ленинизм  
нафаси келяпти-я.

АБУ ЗАБАЛ. Мумкин. Кейинги пайтларда марксизм-ленинизм таълимоти  
билан ҳам танишдим. Лекин мени бундай хулосаларга фақат назарий фикрлар-  
гина эмас, балки шу оролчадаги турмуш тарзидаги паст-балаңдликлар ҳам  
олиб келиб қўйди. Бора-бора ер юзида ҳамма ҳам шу хулосага келади, комму-  
низм — инсониятнинг келажакдигидир.

ОСВЕНЦИМ. Мен йўл қўймайман!

БУХЕНВАЛЬД. Бўлмаган гап.

АБУ ЗАБАЛ. Энди бунга ишончим комил. Чунки мушукни тепиб ўтган  
одам одамни тепганда ҳам жони ачимаса керак, деб ўйлайман.

ОСВЕНЦИМ. Лекин мушукнинг азоб чекиши бу одамнинг азоб чекиши  
деган гап эмас. Бири ўз оти билан одам, иккинчиси ҳайвон...

БУХЕНВАЛЬД. Худди шунга ўхшаш мумтоз кишининг азобланиши оддий  
одамнинг азоб чекиши деган гап эмас. Мумтоз кишининг ҳис этиш қобилияти  
ўткир бўлади.

БЕЛЬФАСТ. Йўғ-ей.

АБУ ЗАБАЛ. Бўлмаган гап! Хўш, нега?

БУХЕНВАЛЬД. Биз каби мумтозларнинг марказий асаб системамиз кўп тараққий этган бўлади. Оғриқни тез ва кучли сезамиз.

ОСВЕНЦИМ. Масалан, қалам тутган қўл болга ёки ўроқ ушлаган қўлга нисбатан иссиқ-совуқни яхшироқ ва тезроқ сезади.

АБУ ЗАБАЛ. Елгон!

БЕЛЬФАСТ. Жаноблар, фикрингизга мутлақо қўшилмайман.

АБУ ЗАБАЛ. *(Бельфастга.)* Азизим, кашфиётимни яширишим сабабига энди тушунган бўлсангиз керак?

БУХЕНВАЛЬД. Бу гапларнинг кашфиётга ҳеч алоқаси йўқ.

ОСВЕНЦИМ. Мутлақо.

АБУ ЗАБАЛ. Нега бўлмас экан?! Кашфиётимни татбиқ этишда ана шу гаплар ҳал қилувчи ўрин тутуши мумкин! Инсониятнинг келажаги нимага боғлиқ? Менимча, бу кўп жиҳатдан бизга, ўзимизда, болаларимизда одамзодга, қолаверса, бутун жонли мавжудотга ҳурмат билан қараш ҳиссини тарбиялай олишга боғлиқ.

БЕЛЬФАСТ. Тўғри!

БУХЕНВАЛЬД. Нотўғри! *(Бельфастга.)* Жаноб, сиз ҳам айниясиз...

ОСВЕНЦИМ. Тортишув жонимга тегди. Чарчадим. Жағоблар, сизларга рухсат.

БУХЕНВАЛЬД. Менга ҳамми?

ОСВЕНЦИМ. Ҳа.

БУХЕНВАЛЬД. Хайрли кеч.

Бельфаст, Бухенвальд чиқадилар. Освенцим креслога ястаниб ўтиради. Мудрайди, Хиросима аста киради. Освенцим, ўтирганича ухлаб қолади. Унинг юраги ураётгани сезилиб туради. Буга Хиросиманинг кўзи тушади, тушади-ю, орқасига тисарилади.

ХИРОСИМА. Мен сен билан видолашгани келдим, эй юрак! Севгилимнинг юраги! Суюкли ёрим кўксиди эдинг. Худди шундай уриб турардинг. Тинглардим. Тинглардим сени. Тун бўйи тинглаганман ҳам. Сен ҳам мени севган эдинг. Мени севгига чорлаган эдинг. Севмоққа ўргатиб, севги бўстониға олиб кирган эдинг. Кўксимдаги юрак билан ҳамоҳанг эдинг. Икковингиз қўшилиб кетган эдингиз. Энди-чи? Энди? Сизларни айирдилар. Айрилиқ тушди орага. Эй юрак, ҳамон ўша-ўшамисан? Кўксимдаги юрак билан ҳамоҳангмисан? Юрагимни унутмадингми? Менинг юрагим унутгани йўқ, ҳеч унутгани йўқ. Ўша тотли дамларни унутиб бўлармиди! Икковингиз гоҳо оҳиста, гоҳида шиддатли урардингиз. Азиз ёрим Нагасакининг ҳам, менинг ҳам инон-ихтиёримиз сизларда эди. Сизлар ҳукмрон эдингиз. Бизлар бўйсунардик. Энди-чи? Эй юрак! Ихтиёринг ўзингдами? Йўқ! Энди сен Нагасакийимнинг кўксиди эмассан. Буни билиб қўй. Билиб қўй! Балким буни ўзинг аллақачонлар билиб олгандирсан. Етсирамадингми, чўчимадингми? Лекин кўксимдаги юрак ҳамон ўша-ўша: ўзинг билгандайин. Ихтиёри ўз измимда. Йўқ, бундай десам хато бўлур. Мен унинг измидаман. Измидаман ҳамон. Мангу шундай бўлур. Эй юрак. Кўксимдаги юрак сени қўмсайди, менга тинчлик бермайди. Сенга интилгани интилган. Мени бу қафасга етаклаб келган ҳам мана шу юрагим. Мана шу юрагим, ўзинг билган юрак. Қадрдонинг. Сен билан бир умрга видолашгани келдик. Мени оролчадан қувяптилар. Эртага қитъага кетишим шарт эмиш. Буйруқ қатъий эмиш. Бу — сен одам қилиб турган кимсанинг буйруғи. Демак, сен ҳам розисан кетишимга? Йўқ-йўқ, ундай демоқчи эмасман. Сени рози бўлишга мажбур этганлар. Юрак кимнинг кўксиди бўлса, ўшанинг амрига бўйсунар экан. Мана мен ҳам, юрагим «қол» деса-да, кетяпман-ку. Эй юрак, ёримнинг юраги! Сендан ҳам, ўз юрагимдан ҳам узр сўрайман. Кечиринглар мендайин бир бахти қарони. Кечиринглар! Узимни фаришта деёлмайман. Гуноҳим бор менинг, Нагасакийимнинг бу оролчага келишига аслида мен сабабчман. Тўйимиздан кейин узоқ саёҳатларга чиқишни, курортларда ҳордиқ чиқаришни орзу қилган ҳам менман. Боқкиш Нагасакининг қурби буларга етмасди. Буни ҳеч хаёлимга келтирмабман. Хатойим мана шунда. Эркалик қилибман-у, оқибатини ўйламабман. Нагасакийим эса мени ўйлаб, мен хоҳлаганча пул топиш ва ҳордиқ чиқариш учун оролчага келди. Уни қитъадаги иссиқ ўрнидан, оддийгина турмушидан айирган ҳам менман. Мен ноўрин эркалик қилмаганимда Нагасакийим оролчага келмасди, фалокатга учраб ҳалок бўлмасди. Ҳамма-ҳаммасига айбдор менман. Йўқ! Фақат биргина мен айбдорми? Йўқ! Қотил ким? Қотил? Буни яширдилар, яширадилар. Лекин сен билсанг керак. Афсуски, гапиролмайсан-да. Ўзгалар ҳалақит бермай туриб, сени бир тинглай. Балки уришингдан бирор нима билиб оларман. *(Освенцим олдиға аста боради, унинг кўксига оҳиста бош қўяди, юрак уришига)*



қулоқ солади.) Ажабо, ҳамон ўшандайин уриб турибди-я. Нагасакийим кўксида ураётгандай, а? Эй юрак, мен ўзинг билган Хиросимаман, Ҳа, ўша Хиросима!.. Нагасакийгинам!

Хиросима юрак тепишини тинглашга берилиб кетиб, кўзларини юмиб жим қолади. Освенцим аста кўзини очади, кўксига бош қўйиб тиззалаб ўтирган Хиросимани кўриб, аввалига «ким бўлдийкин» деган хаёлга бориб, бир оз чўчийди, кейин уни «Доктрина бўлса керак» деб ўйлаб сочларини, елкаларини силай бошлайди.

ОСВЕНЦИМ. Доктринам, гўзалим, мени чўчитиб юборай дединг-ку! Сездириб келсанг бўлмайдимми? Биласан-ку, юрагим ўзимники эмас. Менга чўчиш мумкин эмас. Майли, майли, жонгинам. Ўтган ишга саловат. Тура қол, қани, ётоқхонага бошла.

ХИРОСИМА (ҳамон хаёлида Освенцимни Нагасаки ҳис этиб). Жоним, азизим, Нагасакигинам...

ОСВЕНЦИМ. Доктрина, Нагасаки деганинг нимаси?! (Хиросимани ўздан йироқлаштиради. Уни таниб қолиб.) Йе, сизмисиз, хоним? Марҳабо!

ХИРОСИМА (хаёли ўзига келиб). Войдод!! (Туришга шошилади.)

ОСВЕНЦИМ (Хиросимани бағрига тортиб). Уз оёгингиз билан келибсиз-у, биз йўқ дермидик. (Упишга интилади.)

ХИРОСИМА (типиричилаб). Қўйиб юборинг, кўксингизда ураётган юрак ҳурмати, қўйворинг.

ОСВЕНЦИМ. Йўқ...

ХИРОСИМА. Бу нима қилиқ? Кекса одамсиз, ахир! Уят!

ОСВЕНЦИМ. Нимаси уят, хоним? Юрагим ёш! Истасам бошқа аъзоларимни ҳам ёшартириб оламан...

Хиросима Освенцим қучоғидан силтаниб қочиб чиқиб кетади.

ОСВЕНЦИМ (бамайлихотир). Бефойда. (Кресло суянчиғидаги тугмачани босади.) Рухсатимсиз бу ердан чиқолмайсиз, хоним.

Хиросима қайтиб киради.

ХИРОСИМА. Ўтинаман, эшикни очиб юборинг.

ОСВЕНЦИМ (Хиросимага яқин келиб). Кейин, хоним! Ҳозир эса, қани, ётоқхонага марҳамат!

ХИРОСИМА. Отам тенги одамсиз, уят эмасми?

ОСВЕНЦИМ. Нега уят бўлар экан. Хоним, айтдим-ку, юрагим ёш. Фақатгина самолётда учолмайман, ҳаётимни суғурта қилолмайман, холос.

ХИРОСИМА. Баттар бўл!

ОСВЕНЦИМ. Бошқа ҳамма-ҳаммаси мумкин. Бугун меникисиз...

ХИРОСИМА. Тушингни сувга айт! Аблаҳ! Ярамас!

ОСВЕНЦИМ. Бари бир айтганимни қиламан!

Освенцим Хиросимани қувлайди. У эса тутқич бермайди. Освенцим қувлашда давом этиб, кўққисдан йиқилади.

ХИРОСИМА. Вой шўрим! (Кўрқа-писа Освенцимга яқин келади, уни чалқанча ётқизиб қўяди, тепасида тиззалаб ўтиради. Освенцимнинг юраги тез уриб кетади.) Эй юрак, нечук безовтасан. Менга озор етиш хавфи туғилгани учунми? (Освенцимнинг юрак тепиши секинлашади.) Эй юрак, тўсатдан ҳаракатинг секинлашди-я. Менга озор етмай қолгани учунми? Освенцимнинг юрак тепиши секинлашади.) Эй юрак, нега жим қолдинг? Нега? Эй юрак, сўнма! Сўнмагин! Сўнма! (Освенцим кўксига бош қўйиб, юрагини тинглаб.) Сўнибди бечора юрак, сўнибди. (Уридан туриб.) Сўнганда ҳам, ўзганинг кўксига сўнди-я! (Освенцим ўлганини ҳис этиб.) Улди... Юрак сўнган, ўлади-да...


Нагасакининг «Хиросима» дея чақиргани гойибона уч бора эшитилади, унинг акс садоси ҳаммаёқни тутиб кетади. Хиросима кўққисдан хандон отиб юборади, жим қолади, кейин телбаларча кула бошлайди. У ақлдан озиб қолган эди. Сонгми, Аттика, Бельфаст, Абу Забал, Бухенвальд кирадилар.

СОНГМИ. Хиросима!.. Сенга нима бўлди?

Хиросима ҳеч кимни танимайди, ҳеч нарсани сезмайди. У Освенцим тепасига бориб бош эгиб ўтиради.

БУХЕНВАЛЬД (Освенцимнинг ўлиб ётганини кўриб). Эвоҳ!..

Абу Забал пинжагини ечиб, марҳумнинг юзини ёпиб қўяди. Буни Хиросима сезмайди.



Рассом А. Ҳолиқов

АБУ ЗАБАЛ. Хафа бўлманг, жаноб Бухенвальд. Ахир (*Аттикани кўрсатиб*) меросхўр бор-ку.

Аттика хурсанд.

БУХЕНВАЛЬД (*кўрқиб*). Нима? Аттика меросхўр? Бўлмаган гап! Аттика — қотил!

АТТИКА. Йўқ! Мен қотил эмасман. Қотил — Хиросима! У эрининг ўчини олган!

СОНГМИ (*куйиниб*). Йўқ-йўқ! Хиросима қотил эмас. У эрининг юраги билан видолашгани келган эди. Бирга эдик. У бу ёққа кирди, мен ташқарида қолдим. Кутдим, кутдим, чиқмади. Кирай десам, эшикни очолмадим.

БУХЕНВАЛЬД. Тўғри, йўлини билмаган одам очолмайди.

СОНГМИ. Кейин... Кейин Хиросиманинг ёлборгани эшитилди. Эшитдим-у, сизлар томон югурдим. Вечора Хиросимагинам...

АТТИКА. Сонгми! Хиросима — қотил!

БУХЕНВАЛЬД. Йўқ, қотил ўзингсан.

АТТИКА. Тухмат! Бўхтон!

БУХЕНВАЛЬД. Йўқ, рост гап! Марҳумни аввал бошда сизгара билан заҳарлаган ким? Сен! Сен!

АТТИКА. Йўқ, қотил ўзингсан! Хиросимани ишга солиб, эрининг ўчини ол, деб гижгижлаган ҳам сен! Нагасакига суиқасд уюштирган ҳам сен! (*Абу Забал ва Бельфастга.*) Жаноблар, билиб қўйинг! Бу ярамасни ҳозирдан бошлаб вазифасидан озод этдим. Оролчадан ҳам бадарга қилинсин.

БУХЕНВАЛЬД. Ҳаққинг йўқ. Меросхўр мана мен бўлман. Сен эса қотилсан!

АТТИКА (*Бухенвальдга ҳамла қилади*). Меросхўрликни сенга кўрсатиб кўяман...

БУХЕНВАЛЬД. Жаноблар, ёрдам беринг!

БЕЛЬФАСТ. Жаноблар, сизларга нима бўлди. Ҳозир мерос талашадиган пайтми? Лоақал марҳумни хурмат қилинг.

Бухенвальд қочади, Атика уни қувлайди. Бельфаст уларни ажратишга уринганича улар билан чиқиб кетади.

АБУ ЗАБАЛ. Мана, жанобларнинг ҳақиқий башараси.

СОНГМИ (*ўзича*). Боёқиш Хиросимагинам. Ҳатто мени ҳам танима-япсан-а. (*Абу Забалга*.) Боёқиш энди нима қилади?

АБУ ЗАБАЛ. Нима қиларди? Жиннихонага бориши керак.

СОНГМИ. Оролчанинг ўзи жиннихона эмасми?

### Бельфаст киради.

АБУ ЗАБАЛ. Жанобларни яраштириб қўйдингизми?

БЕЛЬФАСТ. Бе, қаёқда. Мерос талаша-талаша океанга қулаб кетишди.

СОНГМИ (*севиниб*). Атикадан қутулибман. Озодман энди. Озодлик қандай яхши-я!

АБУ ЗАБАЛ. Дўстим Бельфаст! Мана, оролча ҳам эгасиз қолибди. (*Ўсмоқчилаб*.) Фаолиятимизни давом эттираммизми?

БЕЛЬФАСТЪ. Йўқ... Сиз ҳақ экансиз. Бу оролчада, пул ҳукмрон бўлган бу шароитда трансплантология билан шуғулланиш мумкин эмас экан. Кетамиз, дўстим. Бу ердан кетамиз. Пул эмас, адолат ҳукмрон, фуқаролари ҳуқуқан тепша-тег ўлкаларга бош олиб кетамиз.

СОНГМИ. Мен сизлар билан бирга бўламан.

АБУ ЗАБАЛ (*Бельфастга атайлаб*). Сизга ҳам тушунолмай қолдим. Кашфиётимни айтмаганим учун мени қоралаган эдингиз. Энди бўлса...

БЕЛЬФАСТ. Айтмай тўғри қилгансиз. Кўзим мана энди очилди.

СОНГМИ. Меники ҳам.

АБУ ЗАБАЛ. Кашфиётимни энди айтмоқчиман.

БЕЛЬФАСТ. Йўқ, йўқ, айтманг. Ҳатто менга ҳам бу ерда айтманг. Иродам бўш, оғзимдан гуллаб қўйишим мумкин. Кашфиётингиз оддий кишилар бошига бало бўлиб тушиши мумкин бу шароитда. Пул ҳукмрон бўлган бу муҳитда инсонни чаканалаб сотишлари мумкин экан. Бунга бугун тушуниб етдим. Шунини ўйланг, азизим. Шунини ўйланг.

АБУ ЗАБАЛ (*ҳазиллашиб*). Айтаман. Мана эшитинг...

БЕЛЬФАСТ (*қулоқларини бекитиб*). Йўқ, айтманг! Утинаман!

АБУ ЗАБАЛ (*кулиб*). Хўп.

Заксенхаузен киради. Хиросима унинг олдига келади. Иккови телба-тескари қилиқлар қилиб рақс тушади. Маутхаузен киради. Заксенхаузен уни кўриб, Хиросима қўлидан чиқишга интилади. Хиросима қўйиб юбормайди. Заксенхаузен кичқиради. Бунини эшитиб, Маутхаузен Заксенхаузенга кўзи тушади, тирақайлаб қочади. Заксенхаузен ҳам Хиросима қўлидан силтаниб чиқиб, иккинчи томонга қочади. Хиросима унга эргашади.

БЕЛЬФАСТ. Мана бу ҳодисалар ҳам пул ҳукмрон бўлган жамиятнинг инқирозидан дарак беради.

АБУ ЗАБАЛ. Дўстим Бельфаст, қани, кетдик.

Ишонч билан қадам ташлайдилар.

ПАРДА.



## ЎЛКАМИЗНИ ТҲЙЛАРГА ЧОРЛАБ

Эшқобил Шукуров

## Бутун Ўзбекистон...

Бир куни кўзимда гапирар Ватан,  
Юрагимдан эса чиқиб келар халқ,  
Қайта туғиламан буюк севгидан,  
Бутун Ўзбекистонга айланади қалб.

Бир куни кўзимда гапирар Ватан,  
Кўксимни очаман халқимга мамнун.  
Қайта туғиламан буюк севгидан,  
Мен тўлиқ Мен бўлиб қолурман у кун...

Айланар оғир-оғир,  
Оғир-оғир фалаклар.  
Оғир-оғир силкиниб,  
Куйлайдилар тераклар.

Ой сўнар аста-аста,  
Аста-аста юлдузлар.  
Аста-аста тебраниб,  
Кириб келар кундузлар.

Елади энгил-енгил,  
Энгил-енгил хаёллар.

Энгил-енгил сочингга  
Шўнғийдилар шамоллар.

Нур синар секин-секин,  
Секин-секин ўтар кун.  
Секин-секин дарчангга —  
Салом учун келар тун.

Яшайсан интиқ-интиқ,  
Интиқ-интиқ кутасан.  
Интиқ-интиқ ўзингга  
Шивирлайсан: «Севаман.»

Янгибой Шоймардонов

## Кузнинг чопари

Куз ўз риштасини тортмоқда таранг,  
Залварли хаёлдан тоғлар боши оқ!  
Кузга ярашади босиқ бир оҳанг,  
Деҳқон ҳам шоирдир мезон учган чоқ.



Журналимиз саҳифаларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон  
Компартиясининг 60 йиллигини шарафлаб ташкил қилинган рес-  
публика областлари мушоираси давом этади.

Навбат сурхондарёлик ва қашқадарёлик ижодкорларга.

*Мезон учиб юрар орзумиздай пок,  
Олис сарҳадларни қучмоққа қодир.  
Кузнинг кабутари — қаноти оппоқ,  
Оппоқ хаёл бўлиб кезиб юрадир.*

*Пахтакор ўлкани тўйларга чорлаб,  
Учмоқда оқ тола — кузнинг чопари.  
Коммуна уфқини бормоқда чоғлаб  
Менинг юрагимнинг нурли иплари...*

## Муҳаммад Азимов

*Қўллар бийрон-бийрон иплар йигирди,  
Кўзлар аямасдан тўкди нуруни,  
Ақл гўзаллашиш чорасин кўрди,  
Юрак бахш айлади меҳр-қўруни.*

*Аямай эгилиб-букилди бел ҳам,  
Шундай заҳматларда — яралди гилам...  
Оёғин остига бўлиб пойандоз —  
Сўнг ўз яратганин этди у эъвоз.*

## Ҳайдар Тўраев

### Манзара

*Хаёт келар сувда оқиб,  
Дехқонбобо хаёл сураб.  
Бепоён заминга боқиб,  
Бепоён осмонни кўраб...*

## Хуррам Мақсадқулов

### Қўшиб уз

*(Халқ йўлида)*

*Қирда лолақизғалдоқ  
Узмоқ бўлган, ойимқиз,  
Эҳтиёт бўл, у гулмас,  
Кўкдан қулаган юлдуз.  
Қўлгинангни лағча чўғ  
Куйдирмасин, гулойим.  
Бўйгинамни қучмоққа  
У асрансин мулойим.  
Воҳ, сўзимга кирмадинг,  
Эгилдинг-а, гулойим.  
Қўлгинангни аямай,  
Тегиндинг-а, гулойим?..  
Майли, бўлди бўлгани,  
Уз, бўйидан тўййлик.  
Фақат битта қўшиб уз,  
Куйсак, бирга куййлик.*

## Сафар Омонқулов

●  
«Мактубинг адашиб кетибди» дебсиз,  
Бизнинг асримизда бу оддий гапдир.  
Адашган мактублар сингари гоҳо  
Адашган тақдирлар дунёда кўпдир.

Адашган соғинчлар, адашган ишонч —  
Адашган қушлардай юрарсиз сизлар.  
Бу ёруғ дунёга келган кунданоқ  
Ишончни излаймиз аслида бизлар!

Ўзгарар шаҳарлар, ўзгаради йўл,  
Қитғалар ўзгарар, ўзгаради ёш.  
Аминман, бир ҳовуч тупроқ ҳурмати,  
Адашмайди юрак, адашмас Қуёш!

Сурхондарё

## Нормурад Норқулов

### Юрак

Кеча-кундуз, бу содиқ дўстим  
Тутиб менга эзгулик торин:  
«Етма!» дея ҳаргиз лоқайд, жим,  
Муштлаб турар кўксим деворин!

●  
Кўзгунинг тили йўқ.  
Тили кесилган:  
Айбингни юзингга  
Айтгани Учун!

## Шарофжон Орифий

●  
Емғир ёғди шовуллаб тунда,  
Ерда оби ҳаёт томчиси.  
Яшил барглар бағрида ханда,  
Гўёки камалак қамчиси.

Тиниқ бу тонг бағрига тортди,  
Вужуд яйрар, гўзал бир ҳолат.  
Юракларда қувонч уйғотди  
Турфа либос кийган табиат...

Пиллакашлар маскани, гўё  
Мафтункор бир баҳорий чаман.  
Оқ толадан таратиб зиё  
Дастгоҳларда гуркирайди шан.

Урчуқларда ҳаёт садоси,  
Қизлар худди рақс тушгандай.

Эзгуликдир чин муддаоси,  
Гўзал ҳислар оқар пайдарпай...

Баҳор каби беролсам шукӯҳ —  
Пиллакашлар қалбига ҳаргиз,  
Рухларига қўшаолсам руҳ,  
Бу умримнинг варақларини —  
Безармикин шавкатли бир из?!

## Тўра Жуман

Шоҳи белбоғ — ёрим тиккан қийиқ экан,  
Белбоғдаги ноннинг чети куюк экан.

Қашта мисол хат бор экан у қийиқда,  
Ўқиб кўрсам, ёрим ёзган туюқ экан.

Менинг ёзган машқларимни ёқтирмай, у  
Савалабди: «Шеърингиз кўп суюқ экан.»

Шамол каби елдим, дўстлар, жонон гўё  
Севги тоғин кўп соғинган кийиқ экан.

Олам-олам завқ-шавқ берди сўзи, ўзи,  
Юрагида ишқ шарбати қуюқ экан.

Таърифлашга тилим ожиз ёр васлини,  
Армоним йўқ, муҳаббати буюк экан.

## Қобил Эшмаматов

Тиним билмай тунлар, кундузлар,  
Ушалсин деб боламнинг аҳди,  
Ер остида қолиб илдишлар —  
Кўтаради кўкка дарахтни.

## Ўроз Ҳайдаров

### Дашт тонги

Юлдузлар сурувин ютар кўк ўтов,  
Изида тўзғийди нилий тутунлар.  
Ел тойчоғи чопар қирда бетўхтов,  
Лолалардан юлиб учқунлар.

Эзгулик йўлида кумуш тонг қирга  
Нур-офтобдан чодир тикади.  
Егдуларни қучиб, тўлиб сурурга  
Турналар кўзимга чўкади...

Вақт

I

*Вақт — думалаб, ўрмалаб кетяпти,  
Кўриб қолдим унинг дақиқаларин —  
Уғлимнинг бурро-бурро сўзларида,  
Эндигина дунёда туғилган —  
Жижжи чақилоқнинг кўзларида.*

II

*Вақт — ўйноқлаб, чопқиллаб боряпти,  
Навқирон фаслларга тутқич бермай,  
Лекин шу оламнинг ворисларига  
Бор дунёни қолдириб, эгилмай —  
Ешликни яратиб кетяпти.*

III

*Вақт — эшилиб, қийналиб ўтяпти,  
Бесўнақай харсангни еб-емириб.  
Билмадим олисларгами кетяпти  
Узлигини ахтариб йиллардан,  
Кексаларнинг юзида чизилиб...*

Қашқадарё



Ҳамид Ғулом ва  
Рамз Бобожон




Лазиз Қаюмов, Иззат Султон,  
Мақсуд Қориев, Матёқуб Қўшчонов.





Иўлдош  
Сулаймон



## А В Д О Д Д Д Р

Қисса

Ушанда кун ниҳоятда иссиқ эди. Ота Марияни ўз ҳолига қўйиб берди. Дадасининг қабрини зиёрат қилиб, йиғлаб-йиғлаб кўнглини бўшатиб олган Мария отанинг ёнига келиб, «кетамизми» дегандай қаради. Ота ҳам кўзи билан «хўп» ишорасини қилиб, оғир-оғир қадам босиб, индамай йўлга тушди. Унинг орқасидан бораётган Мария рўмолчаси билан кўз ёшларини артаркан, ўзини қушдай енгил, қувноқ ҳис этди. Кўнгли ёруғ эди. Шимириб-шимириб нафас олди. Унга ҳавонинг шундай иссиқ ва димиққанлиги «Октябрь хиёбони» дан Муқимий номли маданият ва истироҳат боғи ёнидаги кўчага чиқишгандагина бехос сезилди. Дадаси Александр Елисенко билан хаёлан гаплашиб, унга соғинчини, ахтариб келганини изҳор этиб, ҳатто ўзини ҳам, бу ерга уни бошлаб келган одамни ҳам унутиб қўйганини ўйлаган Мария қадамни жадаллатиб, чорраҳада Отага етиб олди. Улар ҳамон бир-бирларининг хаёлларини бўлмасликка ҳаракат қилиб, индамай боришарди.

— Чарчамадингми?

— Йўқ!

— Боққа кириб чой ичамиз,— деди Ота. У ўнг тарафга бурилди. Мария индамай эргашиди. Чойхоначи уларни узоқдан кўриши билан икки қўли кўксига пешвоз чиқиб, мулозамат билан кутиб олди, «қаерга ўтирасизлар» дегандай, сўриларга қараб қўйди.

— Чеккадаги маъқул,— деди Ота, холи турган кичик сўрини кўрсатиб.— Кабобпазга ҳам яқин экан.

Урта бўйлидан паст, бўйни йўғон, калладор, ўзи семиз чойхоначи, ёши элликлардан ошиб қолган бўлса ҳам, худди ўсмирлардай енгил қадам билан югуриб-еларди. Сўридаги эскирок, кўрпачани дарров

йиғиштириб олиб, супуриб, кўз очиб юмгунча янги якандоз тўшади-да, «марҳамат» деб сўрига таклиф қилди. Сўрига жойлашиб ўтириб олган Ота чинорларнинг пастки шохларига қатор қилиб илиб қўйилган тўрқовоқларга, беданаларнинг бири олиб, бири қўйиб сайрашига махлиё бўлиб қолган Марияни кулганича кузатиб турарди. Чойхоначи патнисда нон билан қанд-қурс, кабобпаз кабоб олиб келди.

— Ота,— деди чойхоначи, худди гуноҳ иш қилиб қўйгандай илтижо билан,— қизим шу ерликмилар?

— Меҳмон.

— Сизган эдим.

— Қизимга қора чой,— деб Ота кулди. Кейин Марияга қаради. — Бизнинг чойимиз ҳам бошқачароқ. Ҳали ўрганиб кетасан. Александр, палов билан кўк чой бор жойда бошқаси ўта берсин, деб турарди. Ана шу гапи ҳозиргидай эсимда.

Мария дадасининг номини эшитиб, ўрнидан туриб кетди, атрофидагилардан ийманиб, секин ўтирди. Мариянинг эътиборини беихтиёр чойхоначи тортди. У сўриларга яқинлашаётган учта ёш йигитни ҳам худди Отани қандай илтифот билан кутган бўлса, ўша ҳолатда қўл қовуштириб кутиб, улар ҳали ҳеч нима демасдан олдиларига дастурхон ёзди. Фақат янги якандоз олиб чиқмади, холос. Мария, Ота ҳурматли одам бўлгани учун чойхоначи шундай қиляпти, деб ўйлаган эди. У ёш йигитларни, улардан кейин келган бошқаларни ҳам худди шундай илтифот билан кутаётганини кўриб ажабланди. «Чойхоначиларнинг ҳаммаси шунақа бўлармикин?— кўнглидан ўтказди Мария.— Беш қўл баравар эмас-ку?»

— Бизда чойхоначи шундай одамшаванда, чаққон, ҳушёр, покиза бўлмаса, чойхўрлар қадам босмай қўяди. Бу ерда нима кўп — чойхона,— деди Ота, Мариянинг кўнглидан ўтаётганини сезгандай.— Одамлар бу ерга фақат чой ичиш учунгина эмас, дам олгани, кўнгил ёзгани ҳам келишади.

— Яхши экан,— деди Мария кўзлари порлаб,— хафа одам чойхоначининг муомаласидан, қушларнинг овозидан, манови озодаликдан кўнгли ёришиб, ташвишини ҳам унутади.

Ота чойни ичиб бўлишлари билан Марияни Қўқоннинг сўнгги ҳукмдори Худоёрхон ўрдасига бошлади, кейин извошда юриб, бошқа тарихий жойларни бирин-кетин кўрсатди. Ўша куни Мария ота билан Яйпанга келиб, унинг уйида меҳмон бўлди. Бир-биридан шўх ўғил-қизлари билан бир пасда апоқ-чапоқ бўлиб, уларнинг қизиқ-қизик гапларини эшитиб, қотиб-қотиб кулиб, роса яйради. Эрталаб Ота уни

---

*Тақдир тақозоси билан 1943 йили ўн уч ёшида 94-ўқчи дивизияга тушиб, урушда қатнашган, дивизия ўғли номини олган ва айни пайтда Фарғонанинг гўзал Арсиф қишлоғида тракторчилик қилаётган Жумабой Мирзаев билан танишганимда ҳайратланган эдим.*

*Украинада ҳарбий хизматни ўтаётган поччаси олдига беш ёшида опаси билан бирга бориб, бехос бошланган уруш олови ичида қолган, бомбардимон вақтида опасини йўқотиб қўйиб, кўп ҳодисаларни бошидан кечирган, шу кунларда Марғилон ипак комбинатининг пиллакашлик фабрикасида смена мастери бўлиб ишлаётган Оминахон Содиқова билан танишдим-у, унинг саргузаштлари, гўё «ёз бутирни» дегандай, тинчлик бермай қўйди.*

*Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳамқишлоқларим ҳақида очерклар ёздим.*

*Фарғонада инқилоб ғалабаларини ҳимоя қилишда, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш учун курашда қардош халқларнинг қанча-қанча фарзандлари ҳалок бўлганига, рус, украин, белорус, латин, озар, грузин ва бошқа халқлар вакиллари Фарғонанинг шу кунги бахтиёр кунларини деб, ўзларидан кечганликларига оид факт ва воқеаларни ўрганишим эса, ушбу қиссанинг моҳиятини белгилаб бергандай бўлди.*

*Ҳа, совет халқлари ўртасида қарор топган мустаҳкам дўстлигимиз илдизлари шунақа, жуда ҳам теран.*

Муаллиф

Халил ота билан учраштиргани олиб кетди. Извош йўлдан бурилиб тўхтади.

— Қайнарбулоқ шу, — деди Ота, бир гектардан мўлроқ кенгликдаги гоҳ жимирлаб, гоҳ виқир-виқир қайнаб турган булоқни кўрсатиб, — суви муздай, асалдан ҳам ширин!

— Қайнарбулоқ дегани қишлоқнинг номи эмасми? — деб сўради Мария, сувнинг юзни кўрсатадиган ойнадай тиниқлигига, қуюқ қайрағоч ва толлар тагидаги ясатилган сўриларда чақчақлашиб ўтирган кишиларга қараб, тўрқовоқлардаги беданаларнинг ёқимли овозига қулоқ тутиб. — Булоқлигини хаёлимга келтирмаган эдим.

— Қайнарбулоқнинг қишлоғи ҳам бор, — деди Ота, Мариянинг соддадиллик билан айтган гапларидан завқланиб. — Қайнарбулоқ номида булоқ ҳам, қишлоқ ҳам, ҳатто жамоа ҳам бор. Бир бўлак сув чиқадиған кичик чашмани ҳам элимиз муқаддас тутган. Бу ахир сувда, қизим!

Мария худди кеча Муқимий номидаги маданият ва истироҳат боғида кўрганидай, бу ернинг чойхоначиси ҳам сўрилар орасида ҳали унга, ҳали бунга ҳазил-мутойиба қилиб, дам дастурхон билан патнисда нон, дам чайнак кўтариб, югуриб-югуриб хизмат қиларди. Марияга ҳаммадан ҳам ана шу муомала ёқди. Чойхоначи уларни сўрига таклиф этди.

— Добр билан чиқармиз, — деди Ота. Чойхоначи қуллуқ қилди.

— Добр дедингизми? — дея ҳайрон бўлиб сўради Мария.

Ота 1918 йилнинг бошида Қайнарбулоқда биринчи кўнгилли бўлиб тўртинчилар хизматиға киргани учун Халил отанинг «добр» аталиб кетганлигини тушунтирди. Мариянинг Халил отага меҳри яна ортди. Иккалалари извошни булоқ ёнида қолдириб, ўзлари қишлоққа пиёда йўл олишди. Йўл қишлоқнинг ўртасидан чиқаркан. Чап тарафга бурилиб, учта ҳовли эшиги тагидан ўтиб, ўнг қўлдаги тўртинчи ҳовли яқиниға борганда, кўча ўртасидан чеккаға чиқишди.

— Добр бува, ҳой, Добр бува, — эшикни тақиллатмасдан чақирган Ота ичкариға қулоқ тутди. Жимжитлик. Яна чақирди.

— Отам йўқлар, — аёл кишининг майин овози келди. У эшикни очди. — Ия, опоқ дада, келинлар, — аёл бошидаги рўмолини пешонасини беркитгунча тортиб, югуриб келиб, аввал Отанинг елкасидан олди. Мария билан бир оз тортиниб сўрашди. Мария ўрта бўйли, тиниқ юзлари оқ-сарикдан келган, узун-узун киприklarининг хиёл сарғишлиги ўзига ярашиб тушган, майдалаб ўрилган қалин ва узун сочлари икки елкаси ва орқасини тўлдириб турган рўпарасидаги жувондан кўз узолмай турарди. Ота эса ўзбекчалаб жувонни гапга солиб, хонадонидегиларни суриштирди, Марияни таништирди, Мария уларнинг гапларига мутлақо тушунмаса ҳам, диққат билан қулоқ тутарди.

— Ие, сизға Марияни таништирибман, ўзингизни эса... — деди Ота хижолат бўлгандай аввал Марияға, кейин чиройли жувонға қараб, — исмингиз ёдимдан кўтарилибди.

— Насиба, — деди сўрини шошилиб супуриб, қоқиб-силкиб якандоз солаётган мезбон ийманибгина. У меҳмонларни ўтиришға таклиф этди. Дастурхон ёзиб, бирпасда нозу неъматға тўлдириб, нонлардан ушатиб, «олиб туринлар» деди-да, дарров чой дамлаб келиб, меҳмонларға бир пиёладан узатди. У ҳамма ишни жой-жойида тиндириб, ҳозир қайнонасини чақириб келишини билдириб, кўчаға чиқиб кетди.

— Қайнонаси билан ўгли қишлоқнинг нариги бетидеги боғда экан. Айтгани кетди, — деди унинг орқасидан қараб қолган Ота. Марияға тушунтириб. — Халил ота далада!

— Насиба опа уйда ўтирадиларми? Ишламайдиларми?

— Ҳозиргина даладан келибди. Кўрдинг-ку, биз билан сўрашди-ю, ўзини уй ичига ўқдай уриб, бошқатдай кийиниб чиқди, — деди Ота. — Бу хонадонда бекорчи одам йўқ.

Орадан кўп ўтмай ўн-ўн бир ёшлардаги хушрўйгина бола остонадан шошилиб ҳатлаб, меҳмонларға кўзи тушиши билан турган

жойида тўхтаб қолди. Ота ўтирган ерида унга қучоғини очди. Бола сўрашгани югуриб келди. Отанинг бағридан чиққан бола Мариянинг қўл узатиб турганидан ийманиб, бошини ўнг елкаси тарафга қийшайтириб, меҳмонга ер<sup>3</sup>тагидан қараб яқинлашди. У Отанинг имоси билан қўлини узатди. У биринчи марта аёллар билан қўл бериб сўрашгани учун яна қизариб кетди.

— Даданг билан Халил буванинг ораларидан қил ҳам ўтмасди. У, ўша дўстлик ҳурмати, неварасини унинг номи билан атаган,— ота.

— Исми Александрми? — Мария ҳайратланиб сўради.

— Александрни ўзбекчалаб Искандар дейишади. Отангни ҳам ўзбек дўстлари Искандар дейишарди.

— Искандар, Искандар, — Мария икки-уч такрорлади. У Искандардан яна сўради. — Исминг Искандарми?

— Ҳа!

Мария Искандарнинг қўлини қўйиб юбормай, ўз ёнига ўтиргизди. Кўча эшикдан бирин-кетин кириб келаётган Хонбиби хола билан Насибахонни кўриб, уччалалари ҳам ўринларидан туришди. Хонбиби хола отанинг елкасидан олиб кўришиб, Марияга қучоқ очди. У Марияга ўзбекчалаб, «келинг, хуш келибсиз» деб ҳол-аҳвол сўраб, қувончини қандай ифода этишни билмасди. Кампирнинг шундай севинганини кўриб турган Мария Ота бу хонадонга ниҳоятда азиз эканини ҳис этди. «Ахир улар бирга қон кечишган, бугунги бахтли кунни биргалашиб қуришган, — ўйлади Мария, — дадамнинг дўстлари». Ота Хонбиби холага Мариyani таништирди. Мария ўз номини эшитиб, иккалаларига жовдираб қаради. Хонбиби хола Мария билан бошқатдан саломлашди.

— Вой, бўйингдан энанг қоқиндиқ, вой, она қизим, ҳали сен Искандаримнинг қизимсан, — деди хола, кўзларига беихтиёр ёш олиб, Мариyani ўз бағридан қўйиб юбормай, у бетидан, бу бетидан, пешонасидан ўпиб, — хайрият-ей, Искандаржоннинг қизи бор экан.

Хонбиби хола айтаётган сўзларининг бирортаси ҳам Марияга таниш бўлмаса-да, маъносини англаб турарди. Хонбиби хола билан баробар унинг ҳам кўзлари ёшга тўлди. Кампир ундан айланиб-ўргиларди.

— Искандаржон ҳовлимизда кўп бўлган, — деди Хонбиби хола, — мени ўз опасидай кўрарди. Бешариқда Раҳмонқул қўрбоши билан урушаётганларингда, — деб у Отага қаради, — Халил отангиздан ўн саккиз кун дарак бўлмади. Ушанда Ёндошалигинам менинг розилигимни ҳам олмай, дадасини қидириб кетса бўладими?! Ана, қўрқишни кўринг. Икки кундан кейин, ярим кечадан ўтганда, эшигимиз тақиллади. От кишнади. Раҳматли қайнонам ҳаёт эдилар. Иккаламизнинг танамизда жон қолмади. Ахир икки ойча илгари қайнатам бечорани «Ўғлинг, қани? Нега тўртинчиларга қўшилди?» деб, у десалар у деб, бу десалар бу деб, охири кўзимиз олдида энг аввал кўзларига, кейин кўкракларига пичоқ уриб, ўлдириб, кўча эшигимиз тагидаги тутга осиб, бизга: «Халил келса, айтинглар, бу ҳали ҳолваси. Товба қилиб, Ислом полвоннинг ҳузурига бош уриб бормаса, сизларни ҳам, анови боласини ҳам тутга осамиз. Кейин ўзини ҳам!» дейишди.

Ўша даҳшатли куннинг яраси битадими? Ўша гапларини эслатгани ё бажаргани келдимикин? Қайнонам иккаламиз нафасимизни ичимизга ютиб, бир-биримизга қараймиз. Ёндошалининг йўқлигига суюндик. Яна эшик бесаранжом тақиллади. Отнинг дукурдукур туёғи овозини бутун маҳалла эшитаётгандай. «Буви, очинглар!» Ёндошалининг овозини эшитиб, бир дақиқанинг ўзида кўнглимизга чироқ ёқилгандай қаддимизни ростладик. Ушангача «Ёндошали босмачининг қўлига тушдимикин?» деб юрагимиз така-пука эди. «Искандар акам билан келдим, — деди Ёндошали худди бизнинг қўрқаётганимизни, хаёлимиздан нима ўтаётганини билгандай, — очинглар!» Қайнона-келин эшикни очиб, уларни баробар қучоқлаб, пешоналаридан ўпиб кутиб олдик. «Абдухалил қани?» қайнонам

саволга жавоб қайтариш ўрнига савол бердилар. «У кишидан хавотир олманглар, неварангиз ўз кўзи билан кўриб келди.» «Нега келмади?» «Топшириқ, бувижон, топшириқ!» Искандаржон отдан тушмади, гапни калта қилиб, кетди-қолди. Ушанда у ўғлимиз Ендошалани ўлимдан сақлаб қолган экан...

Хонбиби холанинг бу хотирасини ота таржима қилиб берди. У иши зарурлигини, кечқурун мажлиси борлигини, Ҳалил отани ўша ерда кўришини гапириб, узр сўради, икки-уч кун ичида яна келишга ваъда бериб хайрлашди. Марияга хоҳлаган вақтида райижрокомга боришини, Қайнарбулоқ жамоасида медпункт мудирини бўлиб иш бошлаб беришини тайинлади. Буни эшитиб, Хонбиби холанинг қувончига қувонч қўшилди. Меҳмон жўнаши билан у яна Мариани ўпди.

Искандар билан Мария дам сўз, дам имо-ишора билан гаплашиб туришганда кўча эшикнинг нариги ёғидан отнинг пишқиргани, тапур-тапури эшитилди.

— Бувам,— Искандар сапчиб турди. Кўчадан отини етаклаб Ҳалил бува кириб келди. Искандар унинг қўлидан отни олди. Мария худди ўз бобоси Петр Никитич келиб қолгандай сўридан сакраб тушиб, тортинишни ҳам унутиб, ўзбекчалаб:

— Бобо,— деб Ҳалил отанинг бўйнига қўл ташлаб, бошини унинг кўксига қўйди. Ҳалил ота шошганидан, ҳаяжонланганидан «оббо, қизим-ей» деган сўзни қайта-қайта такрорларди.

— Билдингизми, ким келди,— сўради Хонбиби хола, чолининг гапиролмаётганини танимаяптига йўйиб,— Искандаржоннинг қизи!

— Идорада эшитдим, у қоровулга «миробни топинглар» деб тайинлаб кетибди,— деди Ҳалил бува кўзи жиққа ёш, ўзига тикилиб турган Марианинг пешонасини силаб,— худди туш кўраётганга ўхшайман. Дадасига ўхшайди. Кўзлари, ияклари, қошлари худди ўзи.

Ҳалил ота Марияга қараб-қараб қўяр, ҳамон «оббо, қизимей, оббо қизим-ей» дейишдан нарига ўтмас, қувончи ҳеч ерга сиғмасди. Дасгурхон йиғиштирилгандан кейин Ҳалил ота Мариани кўчага бошлаб, қишлоқ билан таништирди. Қишлоқнинг ўртасида қуюқ барглари тагига тангадай офтоб туширмаган сершоҳ қайрағочлар ёнидан ўтишаётганда Марианинг юзига ёқимли, муздай шабада урилгандай бўлди. Ҳалил ота кўрпачалар тўшалган, аммо бўм-бўш сўриларни кўрсатиб:

— Бу ер қишлоғимиз чойхонаси,— деди,— кечки пайт гавжум бўлиб кетади.

Ариқ лабидаги сўрида гурунглашиб ўтирган уч қария улар билан ўринларидан туриб салом-алик қилишди. Ҳалил бува:

— Узоқдан азиз меҳмон келди,— деди Марияга ишора қилиб,— Украинадан!

— Украинадан?

— Александр Елисенко деган тутинган укамни биласизлар. Биз уни Искандар дер эдик.

— Раҳмонқул қўрбоши билан жангда ҳалок бўлган мана бу укангизми?— деб қариялардан бири, чўққи соқол, кўзлари ўтқир мўйсафид, қайрағочларга имо қилди.

— Топдингиз.

— Хўш-хўш,— дейишди қариялар хушёр тортиб, худди бир мўъжиза юз берадигандай дам Ҳалил бувага, дам Марияга қарашиб.— Тинчликми?

— Мана, унинг қизи келди,— деди Ҳалил бува Мариани кўрсатиб,— қаранглар, дадасининг изини излаб келибди.

— Мана, унинг дадаси,— деди ҳалиги чўққи соқол мўйсафид. Ҳалил бува унинг нима деганини Марияга тушунтирди.

— Нега бу қайрағочлар менинг дадам бўлади?— дея Мария ажабланиб сўради.

— Даданг ҳалок бўлгандан бир йил кейин унинг хотираси учун ўтказган эдим. Ҳамқишлоқларимга отанг ҳақида неча-неча марта

гапириб берганман. Қишлоқда унинг ўзини кўрганлар ҳам бор. Ҳозир ёши улуглар тугул, ҳатто ёш болалардан бу қайрағочларни сўрасанг «булар Искандар қайрағочлари» деб, даданг ҳақида фахрланиб гапиришади. Бу қайрағочларнинг ўтқазилганига ўн олти йил бўлди.

— Биласизми,— деди қариялардан бўйи пастроқ, пешонаси кенг, қошлари ўсган чол Марияга ўзбекчалаб,— қайрағочлар эҳтиёт қилинса, минг йилдан ҳам ошиқ яшайди.

— Дадангнинг умри шунақа узун, қизим,— деди Халил бува чолнинг сўзини таржима қилиб,— даданг қишлоғимизнинг кўрки.

Қариялар «шундай-шундай» деб Халил буванинг гапларини тасдиқлашди. Мария ўзини ушлаб туролмади. Қани, атрофида ҳеч ким бўлмаса: «Дадажон, мана, мен келдим! Сизни охири топдим. Олевскда ҳам, Лапатичида ҳам Сизни ёши катталар мени кўришганда эслашади. Мен тенгилар ёса билишмайди. Бу ерда Сизни ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Йўқ, сиз ҳаётсиз, дадажон, мени ўзингиз кутиб олдингиз», деб ҳайқирса, қани, тўйиб-тўйиб, овозининг борича ҳайқирса!

Кечқурун бутун оила дастурхон атрофида жам бўлиб ўтирганда ҳам Марияни ана шу ҳаяжон ўз бағридан бўшатмаган эди. Халил ота билан Искандар айвонда, Мария, Хонбиби хола, Насибахон уй ичида ётишди. Эрталаб, уйғонибоқ, уй тўрисидаги токча тепасида осиглиқ турган катта суратга кўзи тушган Мария «нега буни кечқурун кўрмадим экан» деб ҳайрон қолди.

— Искандаржоннинг дадаси шу киши бўладилар,— деди Насибахон кўзлари ёшланиб,— тўққиз йилдан буён суратларига тикилиб, суратлари билан гаплашиб, кун ўтказяпмиз.— Насибахон бир сўзни аввал ўзбекча айтиб, кейин уни бир амаллаб русчага айлантириб, ўз фикрини тушунтирди. Мария унга таскин берадиган сўз тополмай ҳамон суратдан кўз узмасди. Баланд бўйли, кенг елкали, бўйинлари узун, қошлари туташ, қирғиз қовоқ, қирра бурун, қалин лаблари бўлиқ гавдасига ярашиб тушгани Ёндошалининг суратидан ҳам билиниб турарди. У Халил бува билан Хонбиби холанинг ёлғиз ўғиллари ҳаёт эмаслигини кеча билган, аммо уни суриштиришга ботинолмаган эди. Яна кундузи билан ҳам, кечқурун ҳам бу ҳақда сўролмади. Мария уларга сездирмай суратга тикилиб, «ёшгина экан. Ўз ажали билан ўлганми ё уни ҳам ҳалок этишганми» деб ўйлаб, бошидан шу савол нари кетмасди. Бу ерга келганининг тўртинчи куни эрталаб, Насибахон юқори текчадан бир папка олиб, уни очиб, ичидаги газеталарни бир-бир кўздан кечириб:

— Мана буни олинг, қолганлари ўзбекча ёзилган,— деб Марияга «Ферганская правда» газетасини узатди.— Учинчи бетидagi очеркни ўқиб кўринг!

Мария газетани олиб, учинчи саҳифасини очиб, шошилиб, кўз югуртирди. Очеркнинг сарлавҳасини ўқиб, ҳаяжонланиб кетди.

«Хонбиби хола юмшоқлик билан келинини юпатишга уринди-ю, лекин бари бир, Насибахонга ачинди. Ахир у келин бўлиб келгандан бери нима ҳузур-ҳаловат кўрди. Мана, ўғли бир ярим ёшга етиб қолди-ю, бир дастурхон устида хотиржам ўтиришганини эслолмади. Унинг ўғлини деб келингинаси не-не азобларга тушмади. Ёндошалидан бугун ҳам дарак бўлмади. Ишқилиб, қаерда ётиб-қаерда турса ҳам, соғ бўлсин! Хонбиби хола ана шу ўйлар билан эрталабдан бери ғириллаётган чархини йиғиштириб, ичкари уйга кириб кетди.

— Келин пошшо,— ичкари уйдан чиқиб келаётган Хонбиби хола Насибахонни чақирди.— Искандаржонни менга беринг, қани, тай-ёргарлигингизни кўринг.

— Буви, тинчликми?

— Унинг вақти бўлмаса, ўзимиз бориб келайлик,— Хонбиби хола жиддий гапирди.— Юкимиз фақат Искандаржон холос.

— Кун анча оғиб қолди,— Насибахон ширинсуханлик билан қайнонасининг кўнглини кўтармоқчи бўлди.— Қараб турайлик, зора ўзлари келиб қолсалар.

Уша куни хуфтонгача илҳақлик билан эшикка кўз тикишди. Қани келса!

Саҳарга яқин кўзи илинган Насибахон хунук туш кўриб, зўриқиб йиғлади. У қайнонасининг қистови билан йўл ҳозирлигини кўрди. Супрадаги уннинг ярмидан кўпроғидан хамир қориб, чоракам бир тандир патир ёпишди. Ендошаланинг жон-дили патир! Эрта билан Насибахон, қайнонаси пиёдалашиб Қўқон шаҳрига етиб олишди, у ердан извош кира қилиб, Дашти Қипчоққа йўл олишди. Эндигина тетапоя қила бошлаган Искандар бувиси билан онасининг «дадага кетяпмиз» деганларини эшитиб, атрофга аланглайди. Қандай яхши, ҳадемай уларни дадалари кутиб олади...

— Ие, ие, сизларми? — Ендошали бўйнига осилиб олган Искандарни қайта-қайта ўпди. Онаси билан хотинини ичкарига бошлади. Севинчдан кўзларига ёш келгудай бўлди. Қаранг, бир ярим ойдан бери Қайнарбулоққа бирров тушиб чиқишга вақт тополмайди. Уларни жуда-жуда соғингани ҳозир билинди.

— Эсингиздан чиқиб кетган бўлсак, яна ўзимиз ёдингизга туширгани келдик. — деди Насибахон, ҳол-аҳвол сўрашишдан кейин ҳазил аралаш. — Хайрият, топдик.

— Сабрнинг таги олтин деганлар. — Ендошали Хонбиби хола билан Насибахонни ўтирғизгани жой тополмай қолди. — Тинчмисизлар? Дадам тузукмилар? Бу ёғи оз қолди, кўрмагандай бўлиб кетамиз.

Ендошали шу куни ҳеч ерга бормади. Искандарни қўлидан туширмади. Кечқурун қишлоқ фаолларидан бирининг хотини Хонбиби холани ҳол-жонига қўймай, уйига олиб чиқиб кетди.

Искандар дарров ухлаб қолди. Жимликни Ендошали бузди.

— Насиба!

— Ҳа!

— Уйқунг келдими?

— Йўқ.

— Насиба!

— Лаббай!

— Мени кечир, Насиба! — Ендошали ёлвораётгандай юмшоқ сўзлар қидирарди. — Мени кечир, Насибажон. Умринг мени кутиш билан нигорон ўтяпти.

— Мен сизга ачинаман, — Насибахоннинг кўзларида ёш йилтиради, — бахтимизга, мана бу гўдакнинг иқболига бошингиз омон бўлсин. Пайингизга тушганларни ер ҳам ютмади, хотиржам бўлсак...

— Оз қолди.

Ендошалига босмачилар билан юзма-юз олишиш, жанг майдонида от суриш насиб этмади. У 1926 йили комсомол сафига кириб, Қайнарбулоқ қишлоғига туташ Элаш, Қоратепа, Мўймуборак қишлоқларида ер-сув ислоҳоти ўтказишга раҳбарлик қилаётган шаҳарлик муаллимга ёрдамчиликка юборилганида, кураш тугамаганини ҳис этди. Муаллим бошқа қишлоққа олиниб, ўрнига Ендошали қолди. Янги тузилган «Коммуна» ни ҳимоя қилиш, ер-сув тақсимотини охирига етказиш тепасида турган Ендошали ўн чоғли йигит билан Элаш қишлоғида бойдан тортиб олинган саройда тунашарди. «Коммуна» аъзоларининг дон-дуни, мол-қўйлари, бисотларида тишга босгудай нималари бўлса, ана шу саройда эди.

— Ендошали, — деб пичирлади йигитлардан бири кечаси унинг ияги тагига келиб, — қаранг, девордан сирғалиб тушишяпти.

— Шошманг, — деди Ендошали, сўнг милтиқни тўғрилаб, шарпага қаради. — Ҳой, кимсан?

Эмаклаб келаётган иккала шарпа бир дақиқа тошдай қотди.

— Яхшиликча қуролларни ташлашни буюраман, — деди ҳалиги шарпалардан бири ўрнидан даст туриб, — кўпчиликмиз, урвоқ ҳам бўлмайсизлар.

Кутилмаганда устма-уст узилган ўқ тунги «меҳмон»нинг иккови-

И. СУЛАЙМОН ◆ АВЛОДЛАР ◆ ҚИССА

ни ҳам ер тишлатиб қўйди. Ҳаммаёқ ҳайқирик, ўқ овозига тўлиб кетди. «Коммуна» йигитлари туриш бера олармикин? Бир кишига уч киши! Ё «Коммуна», ё ўлим! Жонини ҳовучлаб турганлар ҳам ўзини ўнглаб олди. Омборга яқин йўлламаган ўғрилар тонг ғира-ширасида сўкиниб-сўкиниб изларига қайтишди... Ер тақсимлаш давом этди. Ендошали деҳқонларнинг азиз кишиси бўлиб қолди. «Шундай доно, шундай баҳодир йигитнинг этагидан ушламаган одам кўрнамак. Ахир у Халил добрнинг ўғли!» дейишарди улар. Бу гапларни кўпчилик ҳамқишлоқлари қатори Насибахоннинг отаси ҳам дастурхон устида такрорлади. «У биз бечораларни деб ўлимдан ҳам қўрқмаяпти,— деди у,— бойларнинг куни битганига энди ишондим». Бу мақтовлар эндигина бўйга етган Насибахоннинг хаёлини ўғирлади, у хаёлан Ендошалани қидирарди. Отаси ер олган куни Насибахон Ендошалига кутилмаганда рўбарў келиб қолди. Кўзлар бир дақиқагина учрашди. Насибахон ўзини панага олди...

Уларнинг тўйлари бир ярим йилдан кейин ўтди. Бу вақтда Ендошали область комсомол комитетининг инструктори сифатида кунлари ҳали Бешариқ ё Риштонда, ҳали Водил ё Асакада ўтарди. У Қўқон район аҳолисидан тушган шикоятларни текшириш комиссиясининг раиси, кейин область бўйича алоҳида хўжаликларни солиқ мажбуриятига тортиш махсус комиссияси раисининг муовини вазифарини бажарди. Кейин у коллективлаштириш иши бўйича республиканинг олис областларида бўлди. 1930 йил кузида Қашқадарёдан қайтган Ендошали Халилов Бешариқ районига ишга юборилди. Қишлоқма-қишлоқ кезиб, колхоз тузишда ташкилотчилик намунасини кўрсатаётганлар орасида унинг номи алоҳида ажралиб турарди.

Ендошали билан Насибахоннинг хаёлидан бирпасда ана шулар гириллаб ўтди деб ўйлайсизми? Йўқ. Ендошали ҳозир тонг отиши билан бошланадиган ишлар режаси оғушида тўлғаняпти. Ахир Исфара тоғлари этагига жойлашган Дашти қипчоқда ҳали ҳам ўзга юртларга қочиб кетган Раҳмонқул қўрбошининг таъсири йўқ эмас. Баъзиларнинг бежо кўзлари буни айтиб турибди. Насибахон ҳам уйғоқ. Дам-бадам шивирлашиб қолишади.

— Насиба!

— Лаббай!

— Қара, тонг ҳам ёришай деяпти, ухламадингми?

— Ўйқу қаёқда,— Насибахон хўрсинди.— Ойга тикиляпман-у, кўнглимнинг ич-ичига қоронғулик тушяпти.

— Толиқибсан,— Ендошали гапни бошқа тарафга бурди.

— Эртага худди шу вақтда сиз ҳам ойга қаранг,— яна хўрсинди Насибахон,— бир-биримизни кўраимиз...

Ендошали уларни йўловчи арава билан Қўқонга жўнатиб, ўзи пахта пунктига кирди. Жанжал қишлоғида колхоз ҳисобидаги учта омовнинг тиши, ҳўкизлар учун олиб келинган похоллар ўғирланганини эшитган Ендошали Жанжал қишлоғига жўнади. Кун қайтишда омов тишлари ҳам, похол ҳам қишлоқ жўрабошисининг ғўзапоя босилган ғарами остидан топилди. Жўрабошининг изига одам таинлаб, отнинг бошини кечки пайт яна Дашти қипчоққа бурди.

Ендошалани Рафқон қозисининг ҳовлисида ёнида Хусан деган йигит кутиб олди. Ер-сув ислоҳоти вақтида отаси «оқ қилган» гапдонгина йигит. Бой ерлари тортиб олинганда «гадойваччаларга тепада туриб ер бўлишган ўғли Хусан билан юз кўрмас» бўлган, қонсиз юзларида яранинг ўрни бор, кўзлари жовдираб турадиган, эътиборлироқ одам рўбарасидан чиқса, бирпаснинг ичида ковушига патак бўлишга улгурадиган Хусанга ҳамма ишонади. Ендошали ҳам отнинг жиловини унга тутказди.

Шомдан кейин қозининг ҳовлисида одамлар тиззама-тизза бўлиб кетди. Йигилишда Ендошали Халилов колхоз тузуми ва Дашти қипчоқнинг истиқболи ҳақида ҳаяжонланиб нутқ сўзлади, охирида «колхоз тузамизми-йўқми» саволини ўртага ташлади.



— Колхозга кирамиз,— деди ўрта яшар, паст бўйли, серсоқол йигит, биринчи бўлиб сўз олиб.— Ҳамма жой колхозлашиб бўлди. Ҳали ҳам қараб туришимиз керакми? Бизни босмачилар чангалидан қизил қўшин қутқарди. Колхозимизни «Қизил қўшин» десак...

— Тўғри-тўғри,— деди кўпчилик. Ғала-ғовур кўтарилди. Бирдан фонуслар ўчди. Ҳали ой кўтарилмаган. Зимистон. Ҳовлининг тўрисиغا қараб ўқ узилди. Ҳамма ўзини олиб қочди. Ендошали ҳам девордан ошиб, магазиннинг ёнидаги ҳужрага яширинди, эшикни тамбалади. «Бу ғаламислар қаердан келиб қолди?» Ендошалининг ақли шошиб, хаёлига ҳеч нима келмасди. Кетма-кет тепилган эшик зарб билан Ендошалининг тиззасига тушди.

— Мана сенга колхоз.— Олдиндагиси Ендошалига устма-уст ўқ узиб, хириллаб бақирди.— Мана сенга колхоз...

— От, яна от,— Ендошали ҳушини йиғиб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди.— Бари бир муродингга етмайсан!

Ендошалининг ҳаёти узилди.

... Халил добрнинг эшиги бемаҳалда тақиллади. Даштиқипчоқдан ҳориб қайтган Насибахон Искандарни қучганича ширин уйқуда эди. Кеча Даштиқипчоқ қозисининг ҳовлисида Ендошали билан бирга эди. Эшик яна тақиллади. Халил бува йўқ. Хонбиби хола Насибахонни уйғотди. Кўчада от кишнади. Иккалаларининг ҳам юраклари бир ағдарилиб тушди. Эшик тирқишидан мўралашди. Ботишга яқинлашган ой нурида атроф ғира-шира кўриниб турарди. От-арава устида икки йигит — бири пиқ-пиқ йиғлапти, унисининг кўзлари эшикка тикилган.

— Айта қолинглар, нима гап?— иккалалари бараварига чугурлашди.

— Ендошали акамдан айрилдик!..

— Ишонмайман!— Насибахон қайнонасини беҳуш қучди.— Йўқ. Ишонмайман, у ўлмаган...

Насибахоннинг 1931 йил 24 март тонготаридаги ана шу наъраси ҳамон янграётгандай...»

Очеркнинг сўнгги сатрлари Марияни титратиб юборди. Ендошалининг йўқлигини билдирмай, Халил бува билан Хонбиби холага ҳам қиз, ҳам келин, ҳам ўғил бўлиб ўтирган Насибахонни ўз туғишган опасидай яхши кўриб кетди. Мария уч ой ўтар-ўтмас ўзбекчани «тимдалаб» гапирадиган, етти ойдан кейин эса, тутилмайдиган бўлиб қолди.

Мария ана шу воқеаларни, ана шу кечмишларни қайта жонлантириш учунгина ўтган кунлар бағрида кезаптимми? Йўқ. Қайнарбулоқ ҳам, унга қўшни Элашу Қумбости ҳам, бошқа қишлоқлар ҳам унга нима учун худди Олевскдай азиз бўлиб қолганини ўйлапти. «Бу ерда ҳар қадамда дадамнинг изларини кўряпман, «тез ёрдам» сумкасини елкасига осиб дала йўлидан Қайнарбулоққа қайтаётган Мариyanинг дили пичирларди: «дада, бу қишлоқларда Сизнинг руҳингиз кезиб юрибди.»

\*  
\* \*

У Хонбиби холанинг келинлигидан қолган, кўп жойидан сирин кўчган, одамни ола-кула қилиб кўрсатадиган тошойна ёнига борди. Ўзини ойнада кўриб кулди. «Бу ўзимми?» Сочлари қизилга мойил, сариқ киприклари ним қора, қошлари кеча қўйилган ўсмадан тўқ кўк, кўзларининг кўкига ярашиб тушган. Қошларини силади. «Бувим кўрсалар нима деяркинлар? Отам-чи? Бувим-ку, «бу нима қилиқ» деб койисалар ҳам, отам кулиб-кулиб қўя қолардилар. Олесь-чи? «Ярашибди» дерди. У шунақа. Ҳамиша одамнинг кўнглига қарайди. Олесь! Олесь! Имтиҳонларинг ҳам тугагандир. Кимсан — Олевск қишлоғининг биринчи олий маълумотли муаллими! Харидоринг кўпайиб,

Мария бир чеккада сурилиб қолмаса эди ҳали. Йўқ. У мени унутарми-ди? Чамадоним тўлай деб қолди унинг хатига». У оқ-сарик сурпдан ўзи тикиб олган «тез ёрдам» сумкасини елкасига осиб, йўлга чиққанда ҳам Олесь кўз ўнгида турди. У билан хаёлида гаплашиб борди.

Мария Киевнинг ғарбида жойлашган олис қишлоқда, Олевскда туғилиб ўсди. Дадаси Александр Елисенко кўшни Лапатичи қишлоғидан бўлиб, оқ гвардиячилар билан урушда олевсклик дурадгор Петр Никитич билан қадрдон бўлиб қолди. Петр Никитич — Олевскда ва унинг атрофида Совет ҳокимиятини ўрнатишда фидойилиги билан танилади. 1923 йили Олевскда яшириниб, бу ердаги қариндошлари ёрдамида атрофдан куч тўплаш режасига тушган миллатчилар тўдасининг бошлигини ушлаб беради. Фёъл-атворларидаги бир сўзлик, баҳодирлик, очиқ кўнгиллик Петр Никитич билан Александр Елисенкони дўстлаштирган эди. Петр Никитичнинг қизи Мария 16—17 ёшларда эди. Александр унга кўнгил қўйди. Уруш эса давом этар, охири кўринмасди. «Марияни бирорта эпчил илиб кетмасайди», Александр кўнгидагини Петр Никитичга билдиришга тортинарди. У кўнглини Марияга ёрди.

— Сени кутаман,— деди Мария.— Ахир, уруш умримизнинг охиригача давом этмас-ку?

— Бизни Ўрта Осиёга юборишмоқчи,— деди Александр, ҳалидан бери яшириб айтолмаётган ўйини ошкора қилиб, «бўлар иш бўлди» дегандай Марияга синчковлик билан тикилиб,— эҳтимол, икки-уч йил кўришмасмиз!

— Буни дадам биладиларми?— ҳаяжонланиб сўради Мария.— Сени ўз ўғилларидай кўрадилар.

— Сафарни-ку, айтаман,— деди Александр хаёлчан,— сенинг ҳақингда гапириш ноқулай бўляпти.

— Нега?

— Мен ҳурмат қилсам, у қизимга кўз олайтирибди, деб ранжимасмиканлар?

— Ахир қизларига бир кунмас-бир кун сенми, бошқами кўз олайтириши турган гап-ку,— деди Мария ярми ҳазил, ярми чин шўхлик билан.— Кўпам мени бошларига ёстиқ қилиш ўйлари йўқдир.

— Даданнинг феъли сенда ҳам бор. Шунингга борман-да,— деб Александр қафтларини бир-бирига ишқалади.— Майли, гапни узоқдан олиб, кўнгилларига қўл солиб кўраман.

— Тағин юраклари қўлингни куйдириб қўймасин.

— Юрагимнинг куйгани етмай, энди қўлим ҳам куяркан-да,— деди муносиб жавоб топганидан Александрнинг ўзи ҳам завқланиб.

Александр Петр Никитичнинг ёнига яна кирди, ўнғайсизланиб, атрофга алаңлади. Кўпни кўрган, ер тагида илон қимирласа сезадиган чол уни ўз ҳолига қўйиб, жимликни атайин бузмади. Сукунат Александрнинг елкасидан босиб, борган сари ўйлаб қўйганлари ёдидан кўтариларди.

— Ўрта Осиёга жўнатишмоқчи,— гапни шундан бошлади.

— Махсус топшириқ биланми?

— Қароқчиларга қарши жангга!

— Нега бу ҳақда гапирмадинг?

— Қўрқдим.

— Нимадан?— ҳайрон бўлиб сўради Петр Никитич.

— Сиздан, Мариядан,— деди ерга қараб Александр,— кечирасиз, Марияни...

— Биламан,— кулди Петр Никитич,— лекин қўрқдим деганингга тушунмаяпман.

— Узоқда юриб, Мариядан ажраб қолмасам дейман!

— Мария сени кутади!

Александр ўрнидан қандай қўзғалиб, Мариянинг ёнига қандай чиққанини ўзи ҳам сезмай қолди. Александр биринчи марта, бунинг устига беижозат, Марияни ўпди.

— Хайр!

— Хайр!

— Мени кут, — деди Александр ҳаяжонланиб, — Петр амаки рози. Кутишга сабринг етадими? Гап сенда!

— Сенга қўл беряпман-ку, — Мариянинг кўзлари ёшланди. — Омон-эсон қайтиб кел!

— Сен кутсанг, албатта, қайтиб келаман. Худди Бульбадай, Шчорсдай шуҳрат билан, — деди Александр.

Унинг айтгани келди. Бир йил ўтар-ўтмас Александр бир ойлик муҳлат билан Лапатичига қайтди. Ана шу фурсатда тўйни ўтказишга Мариянинг онаси Вера холадан бошқа ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмади. Петр Никитичнинг бир пўписаси билан Вера хола ҳам осонгина тинчиди. Тўйдан кейин Александр Мария билан икки ҳафта турар-турмас хизматга жўнаб, Фарғона водийсида жанг қилаётган Фрунзе қўшинларига қўшилди. Улар қайта учрашолмадилар. Александр Қўқондан унча узокда бўлмаган Исфара тоғи этакларида Раҳмонқул кўрбошининг парчаланган тўдалари билан жангда қаттиқ яраланди. Худди шу куни Мария ҳам тўлғоқ дардини тортарди. Александр Қўқон касалхонасига келтирилган куни узилди. Украинанинг Лапатичи қишлоғига, Олевскка «... У Совет ҳокимияти учун курашда қурбон бўлди» мазмунида машъум хабар келди. Қорахат Александрнинг ота-онасини, Петр Никитич билан Вера холани чўктирди. Қийналиб кўз ёриб, ҳолсизланиб турган Марияга Қўқон фожиасини сездиришмади. Лекин кўргани келиб-келиб турган узок-яқинларидан бири хушига кела бошлаган Марияга «Отасиз деб кўпам куяверманг», деб сездириб қўйди. Мариянинг кўзлари ола-кула бўлиб сўради:

— Қачон?

— Билмасмидингиз? — кўнгил сўровчи катта айб қилиб қўйганидан довдиради.

— Нега яширадилар? — Мария жонҳолатда ўрнидан туриб кетди. — Мени Александр ўлимдан сақлади. Унинг кўзлари, сўзлари менга қувват бўлаётган эди.

— Кечир, Мария, мени кечир, — деди ҳалиги аёл, — мен ҳам анигини билмайман!

— Дадамни чақиринг, онамни чақиринг...

Петр Никитич лапанглаб кириб келди. Нариги хонадан йўрғакланган жажжи қизалоқни бағрига босиб, Вера хола чиқди.

— Дада!

— Ҳа, қизим!

— Дадажон! Наҳотки, Александр энди йўқ!

— Тақдир экан! Гўдакнинг бахтига, бизнинг бахтимизга сен омон бўл!

Хонага жимлик чўкди. Петр Никитич Мариянинг кўнглини нима билан овлашни билмасди. Мария энтикар, юрак-юрагини нимадир аёвсиз эзгиларди. Бундай пайтда сўз сизмайди. Петр Никитич бошини эгганича хотинининг ёнига чиқди.

— Эй, худо, гўдакка раҳм қил! — Вера хола эрининг кўзига мўлтиради. Петр Никитич бошини кўтаролмади. Мария иккинчи ҳафтага ўтолмади. Ёшлари элликдан ошиб, кучдан қайтиб қолган чоғларида ёлғиз суянчиқларидан айрилган Петр Никитич билан Вера хола, онасининг номи ўчмасин деб чақалоққа Мария деган исм қўйишди.

Тириклар шунақа, йиғлайди-сиқтайди, эслайди, кўз ёшини ҳам бора-бора тияди, кўникади, Фақат ўлган қайтиб тирилмайди! Мариянинг тили чиқиб, хувиллаган хонадон тўлди-қўйди. Мария етти ёшида бувисининг қўлидан ишини олди. Югуриб-елиб бобосининг ўтидан кириб-кулидан чиқадиган бўлди. Уни Лапатичидаги бошланғич мактабга ўқишга беришди. Бошланғич мактабни битиргунча уни эрталаб Петр Никитич олиб борар, қайтишида мактаб дарвозаси олдида уни Вера хола кутиб турарди. Етти йилликни тамомлаб, кейин Киевда-

ги медицина билим юртини тугатиш арафасида Мария имтихонлар орасида Олевскка келиб, «дадамнинг изларидан боришни ўйлаб юрардим. Уша ёққа ўрин бор экан, йўлланма олсаммикин,» деб чолкампирага маслаҳат солган эди.

— Биз-чи? Бизни ташлаб яна қаёққа?— деб Вера хола сапчиб тушди.

Петр Никитич Вера холанинг аччиқланганини кўриб, юмшатишга уринди.

— Александрдан на сен, на мен, на қариндош-уруғлари хабар олди,— деди Петр Никитич гапни бошқа ёққа буриб,— қизи катта бўлди. Йўқлаб бормоқчи. Борсин, биз йўлига тўғаноқ бўлмайлик.

— Ихтиёр сизларда, буви,— деди бувисининг хафа бўлишини кутмаган Мария.— Сизларга ёқмаган иш менга татирмиди?

— Йигитлардай кучим бор,— деди Петр Никитич,—бувинг ҳам чакимас! Биз рози, қизим!

Вера хола кейин гапирмади. У розими-йўқми, Мария билолмади, сўрагани юраги бетламади. Киевга қайтаётганда Петр Никитич «йўлланмани Қўқонга ол» деб тайинлаб жўнатди. Мария кетгандан кейин Вера хола Петр Никитичга бир-икки йўлаб берди.

— Уша ёқларда турмушга чиқиб кетса нима бўлади?— деди Вера хола ваҳима билан.— Яна йўлга кўз тикишми?

— Олесьни биласанми?

— Шишченкоми?

— Ҳа!

— Нима бўлибди?

— Ҳеч нимани сезмаганмисан?

— Йўқ!

— Мария билан Олесь бир-бирларини севишади.

— Қаердан биласиз?

— Биламан-да!

— Нега бўлмаса Мария Қўқонга жўнамоқчи?

— Улар бир-бирларини топиб олишади,— деди Петр Никитич,— Марияни дадасининг меҳри тортяпти. У қайтиб келади.

Вера хола «сизга гап топиб бўлмайди» дегандай уй ишига уннаб кетди. Шу билан гап тугади. Мария диплом билан қайтгандан кейин бирорталари бу тўғрида оғиз очишмади. Мария индинига юрак очди.

— Бобо,— деди у,— йўлланма сиз айтгандай бўлди.

— Розиман,— деди Вера хола,— фақат ўзингга эҳтиёт бўл!

— Ўзбекистон бегона юртмиди,— деди Мария тўлқинлиб,— дадамнинг қони тўкилган ер! Дадам Қўқонни худди Олевск, худди Лапатичи, худди Киевдай севмаганда, ўзини қурбон қилармиди?

— Ҳа, даданг ўша вақтлар ўзбеклардан дўстларим кўп, улар билан ака-ука бўлиб кетдик, деб ёзарди,— деди Петр Никитич, Александрнинг хатларини эслаб.— Даданг уларни муштумзўрлардан ҳимоя қилгани борган. Майли, сен унинг ишини давом эттир!

— Бир-икки йил ишлайман,— деди Мария,— ёқса сизларни ҳам кўчириб кетаман. Мана, бувим, Олевск билан Лапатичидан нарини, ҳатто Киевни ҳам кўрмаганлар...

Петр Никитич Марияни Киевдан кузатиб юборишга тараддуд кўраётган эди, Вера хола ҳам отланди.

Марияни Киевда тонгда поездга чиқаришди. Хайрлаша туриб, Вера хола ўзини ушлолмай кўзига ёш олди. Петр Никитичнинг киприклари ҳам нам бўлди. Мария ҳам кўзлари жиққа ёш билан вагонга чиқди. «Тўғри қиялманми? Улар ёлғиз қолишяпти-ку?» Поезд ўрнидан қўзғолгандан кейин Мариянинг ичини ана шу саволлар аёвсиз тирнади...

Оқ халатда яна чиройи очилган Мария Қайнарбулоқдан қўшни Қоратепа қишлоғига ўзининг бир йил бурунги ана шу кечмишлари қўйнида кириб борди. Бир йил ҳам кўз очиб юмгунча ўтяпти. Бобоси кеча ёзган хатида «қачон келасан, бувинг сўрай бериб хол-жонимга

қўймапти», дебди. «Яқинда бораман,— жилмайди Мария,— Искандарни олиб бораман. Ҳаммалари сизларга совға-салом тайёрлашяпти. Бувижон, сизга махси-калиш ҳам олиб қўйдим. Қарияларга жуда қўл келаркан-да,— Мариянинг кўзлари чақнади.— Худди шу ерда туғилгандайман. Ажойиб одамлар. Бир йил ичида тилларини ўргатиб қўйишти. Олесь нима қияляпти экан? Ҳадемай борамиз-ку».

Қоратепа қишлоғини кесиб ўтган канал бўйидаги боғдан чиқаётган болаларнинг қийқириқлари Мариянинг хаёлини бўлди.

— Доктор опа!— ҳамшагидай атрофини катта-кичик ўраб олди.

— Искандарни Украинага олиб боряпсизми?

— Ҳа.

— Мени ҳам олиб кетинг.

— Мени ҳам, доктор опа!

— Ота-оналаринг рухсат беришса, майли, ҳаммаларингни ҳам олиб кетаман,— деди кулиб Мария.— Искандаржон кўринмаяптими?

— Палатада навбатчи,— дейишди синфдошлари.

Мария отрядма-отряд юриб, болаларнинг соғлиғини суриштирди. Икки бола тоби қочиб, уйига кетибди. Уларнинг қайси қишлоқдан, кимнинг фарзанди эканини ёзиб олган Мария яна қишлоққа кирди. У ёнма-ён қишлоқларнинг бир-бирига ўхшамаган қиёфасини ўйлаб ажабланарди. Қайнарбулоқ нуқул ўрикзор, олмазор, беҳизор, анжирзор, шафтолизор, ёнғоқзор ичида. Элаш қишлоғида узумдан бошқа мева кам. Қоратепада тут кўп. «Яна уч кундан кейин Искандарни лагердан оламан,— дилидан ўтказди Мария,— райондагилар рухсат беришди. Бағрида онам бўлган Олевск кўчалари, ўрмон орасидаги гўзал Олевск, сени бобо, буви, сизларни, жуда соғинганимни сезяпман! Олесь, сен-чи? Кўзлари зангорим. Туришларинг худди Есениннинг суратдаги хаёлчан туришига ўхшаб кетади. Олесь, менинг Есениним!»

Мария ҳали лагердан олган адрес бўйича Қоратепанинг чиқаверишидаги қўрालи ҳовли эшигини қоқди. Мариянинг беҳосдан кириб келишидан боши осмонга етган она севинчдан кўзига ёш олди.

Улар Киев вокзалига чошгоҳларда тушишди. Мариянинг қадами ниҳоятда чаққон. У Искандарга кулиб қараб-қараб, вокзал майдонини қиялаб ўтиб, справка бюросидан Олевскдан ўтадиган поездни суриштирди. Кечқурун жўнар экан. Искандарни кун юриш тарафга бошлаган Мариянинг нимқора киприклари севинчдан пирпирар, одамларга, биноларга, йўлларга, осмонга, терак бўйидан юқори кўтарилиб, худди жилмайганга ўхшаб, шуъла сочаётган қуёшга, йўл ёқасидаги барглари хиёл сарғишдан келган дарахтларга, ариқда чулдираб оқаётган бир билак сувга худди жонини алишгудай бўлиб тикилар, назарида буларнинг ҳаммаси гўё Марияни «хуш келибсан» қилаётгандай.

Аллақандай туйғулар Марияни ўз бағридан қўйиб юбормасди, икки қўлида икки чамадон борлигини ҳам унутгандай дадил қадам босарди. Унинг ёнида ўн бир ёшлардаги бўйчан, юзлари оппоқ, кўзлари қора, қошу сочи тим қора, қарашлари ҳушёр бола ҳам Мария билан тенглашиб юриш учун қўлидаги кичик чамадонни дам у қўлига, дам бу қўлига олиб, тўхтамай борар, пешонасидан бодроқ-бодроқ тер қуйиларди. Мария чамадонларини ерга қўйди, у Искандарнинг чамадонини олиб, ўзиникининг қаторига қўшди.

— Қани, дам олайлик. Чарчабсан-у, айтмайсан,— Мария кулиб турган Искандарни эркалади, рўмолини олиб, унинг пешонасидан оқиб, бетларига тушган терларини артди.

— Чарчаганим йўқ,— деди Искандар, Марияга меҳрли кўз тикиб,— ўзим дадамга ўхшаган терчилман.

— Дадангни биласанми?— Мария хомуш тортиб сўради.

— Йўқ,— деди Искандар ҳам дилининг ич-ичи беҳос титрагандай бўлиб,— аям «даданг чой ичса ҳам терларди» дейдилар. Шундан биламан.

— Даданг, Ёндошали Халилов, афсонавий қаҳрамон,— деди Мария тўлқинланиб. — Даданг ҳақида ҳали кўплаб китоблар ёзишади. Бобонг-чи? Эҳ, сен кимларнинг авлодсан!

— Сизнинг дадангиз ҳам қаҳрамон,— деди Искандар.

— Ажойиб аянг бор-да,— Мария яна завқ-шавқ билан сўзлади,— тенги йўқ меҳнаткаш, ўктам аёл!

Искандарнинг аллақаерини соғинч чимдиб кетди. «Ёш келинлик вақтида тул қолди,— Мариянинг кўз олдидан Насибахон ўтди.— Турмушга чиқиб нима кўрибди! Бардошингизга қойилман, Насиба опа!» У Олесъни ўйлади.

— Ҳозир қаерга борамиз,— Искандар Мариянинг хаёлини бўлиб сўради.

— Танишимиз турадиган ётоқхонага,— деди Мария қизариб,— ҳамқишлоғимиз шу ерда ўқийди. Чамадонларни ўша ерга қўйиб, шаҳар айланамиз, хўпми?

— Хўп,— деди Искандар ҳам хаёлларга берилиб.

Мария Искандарга чамадонларга қараб туришни буюриб, ўзи у йўлнинг нариги бетига ўтиб, атрофи каштан дарахти билан ўралган икки қаватли бинога кириб кетди. У ердан дарров чиқиб Искандарга узоқдан яна «ҳозир чиқаман» ишорасини қилиб, қўшни бинога шошилди. Мария анча ҳаяллаб қолди.

Булут орасидан бехос чарақлаб чиқиб, оламни мунаввар этган қуёшдай ярқ этиб Мария кўринди. Унинг ёнида бўйлари баланд, кенг елкали, силлиқ таралган сочлари сап-сарик, хиёл эгилиб юрадиган йигит Мариянинг тирсагидан ушлаб, йўлни кесиб ўтишаётганда Искандарга бир-икки кўз югуртирди. Мария ҳам бир Искандарга, бир ёнидаги йигитга қараб, нималарнидир гапириб келарди. Икковларининг ҳам хурсандчиликлари ичларига сиғмаётгани бир-бирларига табассум билан қараб-қараб келишларидан, хиёл гапга кулишларидан сезилиб турарди.

— Танишиб қўйинглар, Олесъ,— деди Мария. Сенга ёзардим-ку, Халил ота, Хонбиби хола, Насибахон опа ҳақида.

— Бўлди, бўлди!

— Танидингми?

— Ичкарида ҳам айтдинг-ку,— Олесъ Искандарнинг қўлини қисди.— Яша, ука, Мария опангни кўриқлаб келибсан!

Мария кулди. Олесъ ҳам, Искандар ҳам унга қўшилиб кулишди. Олесъ уларни студентлар ошхонасига бошлади. Искандар ҳар бино, ҳар бир кўча, майдонлардаги ҳайкаллар, кўприклар — ҳамма-ҳаммаси ҳақида ҳеч қолдирмай сўрагиси келар, негадир Олесдан ийманиб, даммини ичига ютиб борарди. Олесъ билан Мария кўпинча бир-бири билан чақчақлашиб, гапга тушиб кетиб, қаёққа кетишаётганини ҳам белишмасди.

Олесъ яна икки кундан кейин шаҳар бошида ўтадиган ёшлар карнавалига қатнашиб, кейин қайтишни таклиф этди.

— Поезд бўлганда ҳозир Олевскда турган бўлардик!

— Мени ҳам кўрмасдан-а?

— Кўришдик-ку!

— Башарти поезддан тушишинг билан поезд тайёр бўлганда-чи?

— Гапни қовлаштириш сенга ярашмайди,— деди Мария.— Ахир Киевга тушиш билан кимни қидирдим? Шу етмайдими?

— Етади,— деди Олесъ ҳазиллашиб,— сен билан фақат чизикдан чиқмай гаплашилса...

— Чизикдан чиқиб юрибсанми-чиқмай юрибсанми, қаёқдан билай,— деди Мария гапни чуқурлаштириб,— йигитларга ишониб бўладими?

— Қизларга-чи?— Олесъ ҳазил жilовини ҳамон бўшатмасди. Уларнинг шу мавзудаги суҳбатлари чамадонларини олиб вокзалга етгунча гоҳ ҳазил, гоҳ жиддий давом этди. «Бирга катта бўлишганда. Бир-бирларини соғинишган,— Искандар уларнинг сўз ўйинига ту-

шунмаса-да, ўйларди,— ҳеч гаплари тугамайди. Ҳали Олевскка етмасдан ўзим-чи?! Ҳалитдан бувимни соғиниб кетяпман.

Мариянинг шунчалар ўзгариб кетгани, фикрларининг бардамлиги Олеснинг ҳавасини, завқини оширган эди. «Мария, Мария, жуда ўзгариб кетибсан»,— Олесь Марияни дилида эркаларди.

У ўзини шу топда дунёдаги энг бахтли йигит ҳис қилар, Марияни кафтига олиб кўтаргиси келарди. Поезд келиб, йўловчилар таклиф этилганда, Олесь ҳайрон бўлиб, соатига қаради,— «бунча тез».

— Сен ёнимда бўлсанг, вақтнинг қандай ўтгани билинмайди,— деди Олесь поездга чиқиб, ўрнашиб олишгандан кейин яна соатига қараб.— Назаримда бир соат худди институтдаги беш минутлик таннаффусдан ҳам қисқа туюлди.

— Биз югурмасак ҳам вақт югуряпти. Яқинда Қайнарбулоқда эдик,— деди Мария Искандарни томоша қилиши қулай бўлсин учун дераза ёнига ўтиргизиб, Олесга қараб,— мана, бугун сен билан биргамиз!

— Ҳали Қўқон ҳақида, Қайнарбулоқ ҳақида бафуржа гапириб беришга ваъда берган эдинг,— деди Олесь.

— Бир-икки кун ўтсин!

— Нега?

— Олевскка тўйиб олай,— деди Мария,— таассуротлар тўлиб-тошиб ётибди. Ҳаммасини эшитасан.

Уччовлари ҳам деразага кўз қадашди. Гап билан бўлиб, сезишмаган экан, орага сукунат чўкиб, хонани поезднинг қасир-қусури тўлдирди. Олесь шуни ўйлади. Мариянинг қулоғига вагонларнинг гижиллаши ҳам, ғилдиракларнинг товуши ҳам, поезднинг қичқирishi ҳам кирмасди.

Мана ўрмонлар бошланди. Вагоннинг қайси тарафига қараманг, қоронғулик. Мария ўрмондан бир нимани кўрмоқчидай ташқарига Искандар оша бўйланиб-бўйланиб тикилар, завқи тошиб, овозини баралла қўйиб, ашула айтгиси келарди. Искандардан торгинди, яна деразага қаради. Ўрмонлар гўё унинг келишига саф тортиб тургандай, гўё «қаерда қолдинг, қизгинам Мария, кўпдан бери кўринмай кетдинг-ку» деяётгандай. Мария бўлса, дилида пичирларди. Ўрмон эса, гоҳ Петр Никитич, гоҳ Вера хола, гоҳ ўзи кўрмаган дадаси Александр ё онаси Мария бўлиб, уни қўл кўтариб олқишаётгандай. Искандарга бўлса, қоронғулик қўйнидаги ўрмонлар худди шохлари ҳам, таналари ҳам бир-бирларига киришиб кетган, ҳатто мушук ҳам ўтолмайдиган чангалзорни эслатарди.

— Ўқишим ҳам битди,— деди Олесь ширин жимликни бузиб, пайт пойлаб,— энди жуда ёш ҳам эмасмиз, нима дейсан?

— Қайнарбулоқда рус тили ўқитувчиси йўқ,— деди гапни буриб Мария.— Йўлланмани ўша тарафга олсанг! Бошларига кўтаришарди.

— Ўз қишлоғимга ҳам зарурман,— деди Олесь жиддий,— гапни айлантирмай, ўйлаб кўр, Мария, умримиз бир-биримизни кутиш билан ўтсинми?

— Сен нега ҳеч гапирмайсан,— Мария яна мавзуни чалғитмоқчи бўлиб Искандардан сўради.

Искандар, «нима дей» маъносида илжайди. Катталарнинг олдида гапириб ўрганмаган Искандар Олесь билан Мариянинг гапларини эшитиб борар, ўзича мулоҳаза юритар, хаёлига бир гап келса ё савол туғилса, кейин сўрарман» деб индамасди. Ҳозир ҳам кулиб қўя қолди. Манзилга етгунча ҳам ундан садо чиқмади. Гапни кўпинча Олесь бошларди.

Ярим кечада поезддан тушишди. Разъезддан Олевскка пиёда жўнашди. Йўлнинг икки бети бора-боргунча қоп-қоронғу ўрмон билан қопланган. Олесь билан Мария худди кундузи Киев вокзали тўғрисидаги катта кўчадан кетаётгандай бамайлихотир.

«Бўримни, йўлбарсми чиқиб қолмасин-да», дея Искандар, атрофга қарашга ҳам юраги бетлолмай, жим қадам ташларди.

Милтиллаб чироқлар кўринди. Пиёдага икки соатлик йўл экан. Йўлнинг ўнг тарафидаги ўрмон тугаб, очиқлик бошланди. Қишлоққа яқинлашган сари чап тарафдаги ўрмон ҳам сийраклашиб-сийраклашиб тугади.

Мария кўчанинг чап тарафидаги бир-бирига ўхшаган эшикларнинг бирини тақиллатди. Уй деразасидан чироқ шуъласи тушиб турибди-ю, ҳадеганда овоз чиқмаяпти. Олесь ҳам қўшилиб тақиллатишди. Искандар ҳам эшикни ушлаб турарди. У фақат бир нарсани — кирибоқ таппа ташлаб ухлашни ўйларди.

«Ухлагим қеляпти. Ҳозир Қайнарбулоқда бўлганимда, аям дўппи ё қийиқ тикаётган, мен ухлаётган бўлардим.» Искандарнинг кўзлари сузилиб борарди.

— Ким?— ичкаридан дўриллаб чиққан йўгон овоз эшикнинг тақиллаганини ҳам босиб кетди.

— Бобо!— деди Мария эшикка лабларини теккизиб,— Марияман!

— Вера, ҳой, Вера,— Петр Никитич эшикни очиш ўрнига изига қайтди.— Вера, чиқ, Мария келди. Қара-я, Мария келди!

Петр Никитич оғир қадамларини тез-тез ташлаб келиб, эшик ҳалқасига қўл узатди.

— Бобожон!— Мария баланд бўйли, серсоқол Петр Никитичнинг бўйнига осилди.

— Қизим, кўзимнинг нури,— қариянинг нафаси қалтирарди,— қизим!

— Тушимми, ўнгимми,— Вера хола Петр Никитич бағрида турган Мариянинг елкасидан кучоқлаб ўзига тортди.

— Буви,— Мария унга ташланди,— бувижон!

Петр Никитич Олесьни таниб, қўл бериб сўрашиб, елкасига уриб қўйди. Искандарни бўлса, унга қарашли деб ўйлаб, пешонасини силади.

— Қайта қолай,— деди Олесь ҳовли ўртасига келганда ийманиб,— кеч бўлиб қолди.

— Ҳечқиси йўқ,— деб уни қистади Петр Никитич,— қани, юр укангни ҳам бошла!

Вера хола билан аллақачон чироқ шуъласи тушиб турган уй ичкарасига кириб олган Мария Олесьнинг киришга кўнмаётганини сездими, югуриб чиқди. Олесь ҳам, Искандар ҳам худди шуни кутиб тургандай Марияга пешвоз юришди.

— Бу Искадаржон,— деди Мария, Искандарнинг ёнига келиб, унинг елкасига қўл ташлаб,— Халил отамнинг невараси!

«Отамнинг овозларидан ҳам йўгон экан,— Петр Никитични кимгадир ўхшатиб, унга тез-тез, билдирмай кўз ташлаётган Искандар ўйларди.— Овозлари худди момагулдиракдай. Ўзларини ҳам қаердадир кўргандайман. Кўрганман, аниқ кўрганман! Ё Мария опамдан илгари биз тарафга борганмиканлар? Танигандай бўляпман!» Искандар нариги хонага чиқиб кетаётган Петр Никитичнинг орқасидан ҳам ажабланиб кўз югуртирди. «Ие, тарих китобидаги расмга ўхшатибман,— Искандар севиниб кетди.— Худди ўзи». Искандарга Петр Никитичнинг баланд бўйи, кенг елкалари, гувиллаган қаҳқаҳаси, салмоқли гаплари, япалоқ юзи, йўгон бўйни, қалин соқоли, кўзларининг йириклиги, қошларининг бароқлиги худди мўғул босқинчиларига зарба берган Невский қўшинидаги баҳодир рус жангчисини эслатди. Искандар тарих дарсида, рус жангчисини қандай тасаввур этган бўлса, бу Петр Никитич эди.

— Оқ гвардиячилар Петр Никитичнинг номини эшитишса, юраклари ёриларди,— деб сўзга қўшилди дастурхон ёзаётган Вера хола,— кўкраги орденга бекорга тўлибдими?

— Буларга ҳадеб нимани маъқуллатаяпсан тагин,— деди Петр Никитич, қўлидаги қанд солинган идишни дастурхон устига қўяркан.

— Сиздан бошқа гапим борми;— деди Вера хола кулиб,— Сизни мақтаяпман!



— Сен зеркиб қолмаяпсанми?— Петр Никитич Искандарга юзланди.— Гапимизга тушуняпсанми?

— Жавоб қайтаришга қийналади, холос, тушунади,— деди Мария. Искандар уни маъқуллаб бошини ликиллатди.

Олесь ўрнидан қўзғолди. Уни ҳаммалари кўча эшиккача кузатишди.

— Яхши йигит чиқди. Олий маълумотли,— уйга қайтиб киришаркан, Петр Никитич ўнг қўлини баланд кўтарди,— янаги йилга яна икки киши битиради.

— Тинчлик бўлсин,— деди Вера хола,— кўп нарсани кўрамиз ҳали. Ишқилиб, уруш бўлмасин!

— Бўлмайди,— деди Петр Никитич,— туновги лектор ҳам айтди-ку, Германия билан урушмасликка келишиб олинган!

— Тўғри-ю,— деди Мария ўйланиб,— Германия атрофидаги давлатларни ўзиники қилиб олди. Мана, ёнгинамиздаги Чехославакия, Венгрия, Руминия, Польша нима бўлди?

— Биз ҳам шундай бўламиз деб ўйлайсанми?— Петр Никитичнинг лаблари чўччайди.— Биз билан ҳисоблашмай бўлибди!

— Ҳисоблашгани учун уруш очмаслик ҳақидаги шартномани имзолади. Лекин унга ишониб бўлмайди, бурни қонамагунча тинчмайди.

— Қўз олайтирадиган бўлса, бурни қонаши тугул,— деди Петр Никитич,— бир йўла барҳам топади.

— Тўғри,— унинг гапини маъқуллади Мария.

— Дам олинглар,— деди Вера хола қўл силтаб,— оти ўчсин Гитлерни!

Бу ерга уйқусираб келган Искандарга Петр Никитич маъқул келиб, Вера холанинг меҳрибонлигига эриб, сергакланди. Олесь билан хайрлашганларидан кейин яна кўзини уйқу элита бошлади. Уруш ҳақида гап чиқиб, яна ҳушёр тортди. Кўрпа ичига кириб ҳам урушни ўйлади. «Бизни Олевскка ташлаб кетган поезд чегарагача боради, дейишди.» — хаёл Искандарнинг уйқусини бутунлай қочирди.

х х  
х

— Майли, бор,— деди Петр Никитич оёқ тираб турган Марияга,— биздан ҳам аввал қишлоққа, ўртоқларингга тўйиб ол!

— Бормисиз, Петр Никитич!— деди йигитлардан Жилко исмлиси.— Мария кичиклигида ҳам ўйинбузуқи эди.

— Ўйинбузуқи ўзинг эдинг-ку,— кулди Мария йўлга отланиб,— кичиклигингда ҳам доим айбни бошқаларга ағдарардинг.

Мариянинг кулиб айтган бу гапида жон бор, у беқарор, писмиқ, ичи кирроқ эди. Лекин, айни чоқда Жилко қизик-қизик гаплар топиб даврани қизитишга, латифаларга, ўйинга, умуман, кўнгилочар кечаларни ташкил этишга уста эди. Шунинг учун ҳам етти йилликни бир амаллаб битиргандан буён колхоз клубига мудирлик қиларди. «Ўқишни давом эттирмайсанми?» дейишса, «шунинг нони етиб-ортяпти. Қаллани ҳам авайлаш керак, ўқиганлардан кам еб, кам кийяпманми?»— дерди. «Сен, Жилко, тоғанг Талашкога ҳам дарс берасан,» дейишарди одамлар ҳазиллашиб.

Тоғаси жиноят устида қўлга тушганда кўпчилик олдида унга қўлини бигиз қилиб, ҳаммадан кўп дўқ урган ҳам Жилко бўлди. У шундай гаплар топиб сўзладики, Талашко унга қараб тупуриб юборди. Шундан кейин уни комсомол сафига қабул қилишди. У эҳтиёткор, ҳамиша мажлисларда сўзлайдиган актив эди. Бугунги сайилнинг ташкилотчиси ҳам Жилко бўлди. У Марияни яхши кўрарди. Юрагидаги бу дардни ҳеч кимга, ҳатто Мариянинг ўзига ҳам билдир-

масди. «Унинг кўнгли Олесьда,— дерди ичида,— Олесь олий маълумотли, ҳамманинг оғзида. У билан чап чиқишиб бўладими?»

Ана шу ўй уни Олесьга яқинлаштирар, тўртта одам йиғилган ерда Олесьни мақтарди. Олесь буни эшитиб, баъзан хижолат бўлар, баъзан кўзига Жилко яхши кўриниб кетарди.

— Қани, ким ашула айтади?— ўрмоннинг ичига кириб, ҳамиша ўйин қиладиган жойларига ҳаммадан бурун етиб келган Жилко гармонни чалди, ўзи ашула бошлади. Унга ҳамма қўшилди. Искандар Олесьнинг укаси Саша билан қўл ушлашиб, хиёл нарида катталарга ҳавас билан қараб туришарди. Сашанинг Искандар билан ёши ҳам, бўйи ҳам тенг эди.

— Юр, ичкарига,— деди Саша Искандарнинг ўрмонни биринчи марта кўраётганини билиб,— яширинамиз!

— Кимдан?

— Улар бизни роса ахтаришади?— деди Саша Олесь билан Марияга ишора қилиб,— ҳеч кимнинг эсига келмайдиган жойни топамиз.

Искандар кечқурундагидай қўрқаётган бўлмаса ҳам, одамлардан йироқлашишга юраги бетлолмай турди, Сашанинг гапни қайтаришга кўнгли бўлмай, ночор эргашди. Ҳали улар яширинишга улгурмасларидан орқаларидан Мария қақриб келди. Искандар кутгандай бўлди.

— Саша, Искандарни узоқ олиб кетма,— деди Мария.

Мариянинг изидан Олесь ҳам етиб келди. Искандар нимадир эсига тушиб, ўрмон ичидаги ҳар хил ўсимликларнинг шохларидан бирмабир иккита-учтадан уза бошлади.

— Нима қиласан?— сўради Саша.

— Мактабимизга,— деди Искандар,— юқори синфдагилар тайинлаб юборишган. Буларнинг номини биласанми?

— Петр Никитич яхши биладилар,— деди Саша.

— Сўраб оламан,— Искандар теришда давом этди. Унга Саша ёрдамлашди ўсимликларнинг янги хилини қидириб, беихтиёр ичкарига, буталар орасига кириб боришарди. Гармон овози, йигит-қизларнинг қийқириқлари борган сари олисдан эшитиларди. Олесь Мариянинг тирсагидан ушлади.

— Мария,— деди Олесь илтижо билан сўз бошлаб,— қайсарлик қилма.

— Нима қиляпман?— Мария ҳазиллашгиси келиб, гапни айлантирди.

— Ўзингни гўлликка солма,— Олесь жиддийлашди,— шу ёз ичи тўйни ўтказайлик!

— Мен билан кетишга рози бўлсанг, майли,— деди Мария ҳам жиддий,— улар мени кутишади.

— Менинг кутишим ҳисобга ўтмас экан-да,— Олесь Мариянинг иккала елкасидан ушлади.— Кетсам, олевскликлар нима дейди?

— Хўш, нима дейди?

— Билмадим,— хафа бўлди Олесь,— мени бу ерда қанчалар орзиқиб кутишяпти. Сен ундай қилма, майли, бирга бораман, ўшалар билан хайрлашсанг!

— Олесжон, сени сира хафа қилгим йўқ,— деди Мария ялиниб,— уларни ҳам сира-сира хафа қилолмайман.

— Тушунтираман-да!

— Улар раъиймга қарашади. Оёқ тирашмайди,— деди Мария, кўзларини олисларга қадаб,— ҳозир уларга жуда керакман. Икки йил ўтса, ўзларидан ҳам чиқади. Олевскда медиклар бор. Жон Олесь, ранжима, шуңча кутган!..

— Сен-ей,— деди Олесь гапни мужмал қилиб. У Петр Никитич билан оқиқчасига гаплашишни, Марияни кўплашиб кўндиришни дилига тугди.

— Ўзимнинг ақллим,— деди Мария Олесьнинг индамаганини розиликка йўйиб,— биласан-ку; дадамнинг тупроғи ўша ерда!

— Таассуротларни энди гапирарсан,— деди Олесь Мариянинг кўнглини овлаб,— айна фурсати!

— Худди эртакка ўхшайди!— Мария ўйланиб қолди. У гапирса, кулса, суҳбатдошига тикилса — юзларидаги қизиллик яна бўртгандай, кўзлари ёнаётгандай, фақат унинг балоғат ёшидалигини, тўлиб-тошиб турганини атрофдагиларга таъкидлаётгандай, кўз-кўзлаётгандай бўларди.

Олесь унинг ҳикоясини кутарди. Искандар билан Сашанинг шарпалари узоқдан эшитиляпти. Мария уларга бўйланиб қараяпти. Олесь бўлса Марияни кузатаяпти. Аллақандай қушнинг чийилдоқ овозига икковлари ҳам қулоқ тутишяпти. Улар севги оғушида. Ҳаво очиқ. Билинар-билимас эсаётган шабада дарахтларни оралаб, Мария билан Олесьнинг ҳам юз-кўзларини сийпалаб ўтаяпти. Уларни Жилко чақиряпти. Шошиб келаётган Жилко уларнинг елкалари бир-бирига тегай-тегай деб турганини, чақиргани ҳам қулоқларига кирмаётганини кўриб, дарров изига қайтди. Олесь билан Мария бир-бирларига маъноли кулиб, тикилишди. Яна гармон овози келди.

— Узинг билардинг, йўлланмам Тошкент ихтиёрига эди,— деб ҳикоясини бошлади Мария,— Тошкентда Қўқонга юборишларини сўрадим. Улар Хоразм тарафни тавсия этишди. Мақсадимни тушунтирмасам бўлмади. Розилиklarини олиб, Қўқонга бордим. Биласанми, Олесь, бу шаҳарнинг номи дилимга Киевдан ҳам бурун тушган.

— Оширма,— деди Олесь,— Киев дейсан-а?

— Дадамнинг хатларини ўқигансан,— гапида давом этди Мария,— у кишининг сўнги ҳаётлари Қўқон ва унинг атрофида ўтди. Жасадлари Қўқонга қўйилгани ҳақида ҳам хабар келган. Бу — мен янги туғилган вақтдаги гаплар! Дадамнинг номи билан Қўқонни баробар эшитганман. Гўдакликдан бу шаҳарга боришга, дадам жанг қилган жойларни кўришга, дадамнинг қабрини топишга интилардим. Поезддан Қўқонга тонг ёришаётган пайтда тушдим. Шаҳар партия комитетига кириб, босмачилар билан курашган отряд командирларидан бирортасини топишда ёрдам беришларини сўрадим.

\* \* \*

Гармон овози билан йигит-қизларнинг қадам товуши уларга яқинлашиб келарди. Мариянинг ҳикояси чала қолди.

— Ҳали гап кўп,— деди Мария қўлларини Олесьнинг кафтларидан олиб, ўзлари томон келаётган тенгдошларига пешвоз юриб,— Ҳалил ота, Хонбиби хола, Насибахон опа ҳақида ҳали гапирганим йўқ...

Мариянинг бу ҳикоясига унча аҳамият бермай Жилко унга ҳирс билан яширинча тикилиб, «Сени ўлгудай яхши кўраман. Лабингни, белларингни яхши кўраман. Менга насиб қилмаслигингни биламан. Сен Олесьнинг этагидан тутгансан. Олесьни шунинг учун кўргани кўзим йўқ. Сени деб, унинг пинжига кираман. Ҳали уйлариингнинг тўрисида ҳам бўламан», дерди фикран. Ана шу ўйлар таъсирида Жилконинг гармонидан ғалати кўй тараларди.

— Юракни сиқиб юбординг-ку,— дея Олесь ўрнидан туриб, ўйинга қўл кўтарди, — қани бошқасига ол!

У ўйнаб келиб, Мариянинг қўлидан тортди. Мария дик этиб турди. «Жонгинам Мария, худди баҳор ҳавосига ўхшайсан. Бир пасда гулдай очилиб, яна бир пасда тумтайиб оласан,— Олесь кўзларини Марияга илтижо билан қадади.— Сенинг аразинг ҳам чиройлик. Жилконинг ҳазил гапларига ҳам аччиқланиб ўтирибсан. Унинг бетамизлигини биласан-ку. Гапиради-қўяди!»

Олесь Мария билан ўйнагани учун кучи танасига сиғмас, кечқурунғача тепинишга ҳам тайёрдай эди. Киев медицина институтининг 2-курсини яқинда тамомлаб қайтган бўйдор, ингичка, қиррабу-

рун, сийракроқ сочлари оққа мойилроқ, сарик, бўйни узун, гаплари ёқимли Пашко деган йигит иккала қўлини кўтарди.

— Жилко тоғаси бўлиб берсин,— деди у.— Талашко чол уйда қандай, кўчада қандай, бир кўрайлик!

— Тур, Жилко!— Мариядан бошқа ҳаммалари қисташди. Жилко «Марияга қараганимни сезмадимикин» дегандай Олесъга бир кўз ташлаб, гармонни қўйиб, ўртага чиқди. Жилко тоғаси Талашконинг раис ҳузуридаги, омборни ўғирлашдаги, унга ўт қўйишдаги, қамокдан қайтишидаги ҳолатини шундай келтириб ўйнадики, шундай қилиқлар қилдики, Мария ҳам, Искандар ҳам тиззаларига уриб кулишди.

— Бу ўйиним тоғамнинг қулоғига етибди, — деди Жилко, — у «судда вакиллаганинг етмай, энди масхаралашга тушдингми,» деб болта кўтарса бўладими! Қочдим. Ҳозир кўрса, юзини тескари буради. Гаплашмаса гаплашмас, унга жиянлигим учун ерга кириб кетай дейман.

Қуёш ғарбга ёнбошлаб, ётоғига шошилаётганда, улар қишлоққа кириб келишди. Келаси йил каникулда Ўзбекистонга боришга аҳдлашган Саша Искандардан айрилмай қолди.

— Мария опам ўша ерда-ку,— деди у,— Олесъ акам олиб боради. Тоққа олиб чиқасан!

— Қишлоғимиздан сой ўтади,— деди Искандар,— роса чўмила-миз.

х х  
х

Искандар меҳмонлар тарқалмасдан уйқуга кетди. У айвонда кечаги ётган ерида донг қотиб ухлаб, кейинги ашулаларни, ҳазил-мутоғийбаларни, Петр Никитичнинг оқ гвардиячилар билан бўлган жанглр хусусидаги ҳаяжонли ҳикоясини эшитолмай қолди. Уни тонг ғира-ширасида қушнинг сайраши уйғотди.

Булбул! Искандарнинг жонидан ортиқ кўргани булбул! У гулзор тепасидаги дарахтда сайраяпти. У бошини секин кўтарди. Ёнидаги каравотда ётган Петр Никитич ҳам уйғонибди. У ҳам булбулни тинглаяпти. «Худди бизнинг боғдаги булбулга ўхшайди. Овози худди ўша,— Искандар кўзларини юмиб тинглади. У кеча қаттиқ ухлаб, булбулни эшитмаган эди. Хайрон бўлиб ўйлади.— Кеча йўқ эди-ку. Узимнинг булбулим қидириб келдимикин? Булбулжон, сен сайраганда отам, бувим, аям мени эслашаётгандир. Нега тўхтаб қолдинг, булбулжон?»

Бир дақиқа тин олган булбул, гўё Искандарнинг илтижосини эшитгандай, яна сайради. Билинар-билинемас шабада ҳам эсиб турарди. Гуллар бўйи, булбул навоси гўзалликда бир-бири билан бўйлашмоқчидай. Искандар Халил буванинг «Булбул гулни севади. Қаерда гулзор бўлса, ўша ерда» деган гапларини эслади.

Ўрnidан турган Петр Никитич Искандарга қаради, унинг кўзлари очиқлигини кўриб, тепасига келди.

— Сени ҳам булбул уйғотдимми?

— Ҳа,— бошини кўтарди Искандар,— бизнинг уйда ҳам булбул бор!

— Ҳовлиларинг ҳам гулзор, ҳам тинч экан-да,— деди Петр Никитич ювингани пастга тушаркан,— булбулга гул керак, тинчлик керак. Гул пайҳон қилинса, шовқин кўтарилса, булбул зада бўлади, қайтмайди!

Нонуштада ҳам булбул мақтови бўлди. «Булбул нега ҳар куни тонгда сайрайди?— ўйлайди Искандар,— Петр Никитич «тинчлик керак» деб айтдилар-ку! Тонг сокинлигини кутаркан-да!»

— Замоннинг ўзи булбул куйидан ҳам ширин бўляпти,— деди Петр Никитич, яна суҳбатга яқун ясаб,— шунинг учун булбул кўпаяпти, одамларнинг бир-бирига қадр-қиммати ошяпти.

Булбул мавзуи замонни олқишлашга уланди. Вера хола ҳам куйиб-пишиб гапирди. Мария билан Исқандар жим қулоқ тутишди.

— Бугун нима қилмоқчисизлар?— Петр Никитич Мариядан бехос сўраб қолди.— Исқандар зерикмасин!

— Саша билан танишиб олди,— деди Мария,— бирга ўйнашади.

— Ўзинг-чи?

— Сизларга тўйганим йўқ,— Мария бошини бувисининг тиззасига қўйди. Ўрнидан туриб, бобосининг ўнг юзидан чўлп этиб ўпиб олди. Кўчадан ҳуштак овози келди. Исқандар ўрнидан туришга улгурмасдан остонада Саша кўринди.

— Ўрмонга борманглар,— деди Вера хола,— ўрмон адаштиради.

— Нега адаштиради?— ҳайрон бўлиб сўради Петр Никитич.— Муқаддас ўрмонга тўхмат қилма! Оқ гвардиячилар кучайган пайтларни, ундан илгариги урушни эслайсанми? Партизанларимиз ўрмонда жон сақлаб, куч тўплаб, қишлоқни ўша ваҳшийлардан тозалашгани ёдингдан кўтарилдими? Қани, болалар,— деди Петр Никитич, Исқандар билан Сашага юзланиб,— ўрмонимизда қўрқинчли ҳайвонлар йўқ! Кўнгиллларинг қаёққа етакласа, ўша ерда сайр қилинглар! Ўрмонга таъзим билан киришглар! У қанча-қанча ота-боболаримизни кўрмаган, Қувғинда бўлган қанча-қанча фарзандларга бошпана бўлмаган. Оқ гвардиячилар сўнги кунларида ўрмонга ўт қўйишгани бекоргамиди?!

Петр Никитич сўзини тугатиши билан болалар кўчага югуришди. Уларнинг орқасидан Мария ҳам отланди.

— Сизларга тўйганим йўқ дейди-ю, кўчага шошилади,— Вера холанинг гапини Мария эшитмади. Уни колхоз идорасининг олдида Олесь бетоқат кутиб турган экан. Мария ўзи ўйлаганидан кўпроқ ушланиб қолди. У уйга хижолат билан қайтди.

— Вой, келдингми, қизим,— Вера хола худди невараси билан кўпдан бери энди кўришаётгандай бағрига тортиб, уни эгиб, бетларини-бетларига суйкади.

— Бунчалар ҳам меҳрибон бўлмасангиз, бунча ҳам соғинмасангиз, бувижон!— Мария ҳам бувисининг дам у юзидан, дам бу юзидан қайта-қайта ўпди. Бувисининг бағридан чиққан Мария эркаланиб бориб, бошини бобосининг кўксига қўйди. «Нега озгина вақтга келиб ҳам уларни ёлғиз қолдирдим,— деган фикр ўтди унинг кўнглидан.— Уларнинг мендан бошқа суянадиганлари борми?!» Кечки овқат устига Исқандар билан Саша ҳам етиб келди.

— Концертга чиқаркансизлар.

— Ким айтди?— Петр Никитич Сашадан сўради.

— Акам.

— Олесьми?

— Ҳа!

— Олесь ҳаммани йўқлаптимми?

— Билмадим!

Петр Никитич билан Вера хола бир-бирлари билан кулумсираб, кўз уриштиришди. Мария дастурхон қирғоғини ўйнаб, лабини хиёл тишлаб ўтирарди. Болалар апил-тапил овқатланиб, яна кўчага югуришди. Петр Никитич билан Мария ҳам тараддудга тушишди.

— Қани, бўл,— деди Петр Никитич хотинини қистаб,— ҳам концерт, ҳам парткомимизнинг маърузасини эшитамиз.

— Мени судраб нима қиласиз,— деди Вера хола эриниб,— концертларини кўрганман.

Уларни клуб ёнида Олесь кутиб олди. Лектор маърузасини бошлаб юборибди. У дунё воқеаларини, фашистларнинг Европа бўйлаб зўравонлик уруши олиб бораётганликларини, Франциянинг хиёнаткорона таслим бўлишини, Англия ва АҚШдаги саросималиклар, Осиёдаги ғалаёнлар хусусида кенг тўхталди.

— Гапларинг нуқул ваҳима-ку, Павло Станиславович!— колхоз раиси Петр Евтушо нотикқа лўқма ташлади.— Гапингдан фашистлар

эрта-индин бизнинг устимизга ҳам бостириб кираётгандай. Ахир ўртада шартнома бор-ку?

— Тўғри,— деди лектор Хильчук,— лекин бу дўстмиз деган гап эмас!

— Ким дўст деяпти?— раис лекциянинг охирини мунозарага айлантирди.— Фашист ҳар қалай фашист, аммо бизга ўйлашиб кўз олайтиради.

— Тўғри айтяпсан, раис,— сўзга қўшилди Петр Никитич,— бошларига оқ гвардиячиларнинг кунини солиб қўямиз...

— Бундан чиқди, яқин ўртада бизга ҳам ҳужум қилиши мумкин экан-да,— клубнинг этагидан Талашко чол ўрнидан туриб, савол берди.

— Очиқ айтиш қийин,— деди лектор, мужмал қилиб.

— Ҳозирги вақтда кўп нарса мужмал бўлиб кетяпти,— деди Талашко ўтирган ерида дўнғиллаб.

Талашкони лектор кесатиқ билан тузлади. Яна саволлар тушди. Жавоблар қисқа, лўнда бўлди.

Концерт бошланди. Вера хола айтгандай, Жилконинг қизиқчилиги, қизлар ва йигитларнинг якка ва оммавий ўйинлари, комбайнчи қизнинг ашуласи — бари бир илгари қайта-қайта эшитилган, кўрилган. Фақат Пашко янги ашула айтди. Искандарга унинг овози ўрмонда эшитилганидан ширалидай, бўйни кечагидан ингичкалашиб чўзилгандай, сочлари яна ҳам сийраклашгандай, аммо бошидаги ўзбекча дўппи эса, истарасини иссиқ кўрсагаётгандай кўринди. Пашко ориқ бўлгани учун қирра бурни худди хўроз тожидай кўзга алоҳида ташланарди. Унинг янги ашуласи, тиниқ овози йиғилганларга маъқул келиб, ҳаммадан кўп олқиш олди.

Залдан чиқа туриб Олесънинг, Пашконинг, Сашанинг бошларидаги дўппига алоҳида назар ташлаган Петр Никитич ўзи кийиб чиқмаганига ичида афсусланди. Бугунги тун кечагидан ҳам серкулги, завқли ва ширин ўтди. Эрталаб Мария Искандарни Лопатичига бошлади. Уларни Олесъ билан Саша кутиб олди. Украинанинг чегарага яқин қишлоқларидан бўлган Лопатичида аллақандай сирли миш-мишларни эшитиб, Олесъ билан Мария йўл-йўлакай жим қайтишди. Бехос босиши мумкин бўлган фалокатни юрак баъзан ҳис этади. Юрак ўзидан ўзи қисилади.

— Ростдан ҳам уруш бўлармикин?— Мария Олесъга тикилди. У Олесънинг «Йўқ. Уруш нима қилсин. Биласан-ку, бундай-бундай сабаблар бор. Кўнгилини тинч қил» дейишини кутди. Олесъ бир неча қадамни индамай босди.

— Хильчук кўп нарсани билади,— деди Олесъ ўйчанлик билан.

Олесъ чуқур нафас олди. Лопатичи-нотинч. Қимдир чегарага яқин борганга ўхшайди. Кўзларда ташвиш-у, тилда ҳеч гап йўқ.

Ана шу ташвиш билан Олевскка етиб келишганини ҳам, қишлоққа қоронғулик чўка бошлаганини ҳам сезишмади. Искандар билан Саша ҳам катталар гапини ярим-ёрти эшитиб, ҳушёр тортишди. Олесъ билан маъюсгина хайрлашган Мария уйга кириб, бобоси билан бувисига амакисининг саломини топшириб, бошқа гапга ўтмади. Дастурхон устида ҳам гаплар унча қовушмади. Чолу кампир, кўп юриб толиққандир, деган фикрда Мариани саволга туттишмади. Уринга эрта киришди. «Уруш, қайси тарафдан бошланаркин? Биз ҳам чегарага яқинмиз. Наҳотки, тинч ҳаётимиз тугаса?— Мария кўзларини шипга тикиб ўйлади,— Искандарни эрта-индин ташлаб келаман! Насибахон опанинг бор-йўғи шу ўғли-ку!»— Мария ухлаб қолгиси келар, лекин ҳар хил хаёл уни олиб қочарди. Искандар ҳам худди биринчи тундагидай нотинчланди. Аввал дарров уйқу элитди-ю, ярим кечада уйғониб кетди. Уни лойқа хаёллар ўз бағрига олган эди.» Агар уруш шу ўртада бўлиб, қайтиб кетолмасам, отам, бувим, аямнинг ҳоли нима кечади? Фашистлар ўлдириб қўйишса-чи? Бувимнинг гапларига кирсам бўларкан! Кетгунимизча уруш бўлмасин! Олесъ акам, Мария опам нега хафа? Улар бир нимани билишади. Мария опамни тезроқ кетишга кўндираман. Петр Никитич билан Вера бувимни ҳам олиб кетамиз!»

Уларни Петр Никитич эрта тонгда бесаранжомлик билан уйғотди.

— Ҳа, бобо?

— Нима гап?

Мария, кейин Вера хола сачраб туриб, саросима билан Петр Никитичга тикилишди. Унинг ёнида Исқандар пишиллаб ухлаб ётарди.

— Қулоқ солинглар,— деди Петр Никитич тинглаб,— ниманинг овози?

— Уруш!— деди олисдан келаётган гумбир-гумбир овозни аниқ эшитган Мария қалтироқ ичида,— Лопатичининг нарёгидан!

— Ундай деманглар,— деди Вера хола мўлтираб,— янглишдир!

Вера хола Исқандарнинг ярим очилиб қолган устига кўрпа тортиб қўйди. Петр Никитич, Мария жонсараклик билан дам аниқ, дам элас-элас келаётган тўпу замбараклар овозига қулоқ тутганларича тик туришарди.

— Яна жанг, яна қирғин,— деди Петр Никитич асабий,— бизнинг кўрганимиз етмасмиди? Қонларимиз тўкилганда бу сизларнинг, келажак авлодимизнинг тинчи учун деб ўйлаган эдик. Яна чаласи бор экан-да!

Эшик устма-уст тақиллаб, Мария бобосидан бурун бориб эшикни очди.

— Келдингми?— у Олесьни худди йўлига интизорлик билан қараб тургандай кутиб олди. Вера хола нимадир демоқчи-ю, тилига гап келмас, Петр Никитич эса, дамба-дам соқолини бармоқлари билан тарарди.

— Нариги хонага чиқайлик,— деди у Исқандар ухлаётганини эслатиб,— уйғотмайлик!

— Саша ҳам ухлаяпти,— деди Олесь жойни ўзгартиришаётганда гапни нимадан бошлашни билмай,— онам тез қайтишимни тайинлаб қолди.

— Уларни ҳам бу ёққа олиб кел,— деди Петр Никитич,— кўпайишиб, бир-биримизга далда бўламиз!

Даҳшатли овозлар жуда яқиндан кела бошлагандай. Деразалар, эшиклар яна титраб кетди. Олесь уйларига чопди. Гумбурлаган шовқиндан Исқандар чўчиб уйғонди. Хонада ҳеч ким йўқ. Деразадан қаради. Қуёш энди қизариб, нурлари уфқдан худди қонга бўялгандай кўриняпти. Яна чийиллаган, бўкирган, сувиллаган ва аллақандай гусир-гусирлар Исқандарни кўрқувга солди. Ер қимирлаятимикин? Шовқинлар қаёқдан! Югуриб нариги хонага ўтди. Уни Петр Никитич кучоғига олди.

— Нима бу?

— Қўрқма, ўғлим,— деди Мўйсафид Исқандарни бағрида маҳкам тутиб,— уруш бошланиб қолди!

— Уруш!— Исқандар Петр Никитичга беихтиёр қаттиқ ёпишди. «Энди қандай қайтиб кетаман?» Унинг нажот истаган кўзлари Марияга тикилди. Мария Исқандарнинг дилидагини сезгандай, унинг олдида гуноҳқордай кўзини яширарди.

Еру кўк зирилларди. Ҳали танклар, самолётлар, қўшин қишлоққа етиб келмасдан ваҳимаси шунчалар... «Фашистлар оқ гвардиячилар эмас» — Петр Никитичнинг хаёлидан бу гап ялт этиб ўтди. Буни ўтган куни Павло Станиславович айтганини эслади.

Олесь онаси билан Сашани бошлаб келди. Улар қучоқлашиб кўришишди. Улар нима қилишни, бир-бирларига қандай далда бўлишни билишмасди. Ҳаммаларининг хаёллари, қулоқлари ташқарида эди. Ранглари оқариб кетган Исқандар ҳар бир гумбирлаган овоздан бир чўчиб тушади, кўзлари тиниб, боши айлангандай бўлади. Назарида, ўзи ёлғиз қолаётгандай, анови кўм-кўк осмондан, Петр Никитичдан, Вера холадан, Мариядан, Олесьдан, Сашадан — ҳамма-ҳаммасидан айрилиб қолаётгандай юрагини аллақандай ғашлик аёвсиз тимдаларди. Бирдан осмонни самолётлар овози тутиб кетди. Бирлари деразадан бош чиқариб, бирлари эшик остонасидан ярим ҳатлаб,

осмонга тикилишди. Бири «бу ўзимизнинг самолёт» деса, бири «овози ўхшамайди» деди.

— Овозини ажратиб бўладими?— Мария ҳайрон бўлиб сўради.

— Бизники эмас,— деди Олесь, Марияга тўлиқ жавоб беролмай,— овозидан юрагим сезяпти.

Искандар ҳали унга, ҳали бунга жовдираб қарар, улардан нажот излар, ёлғон бўлса ҳам, «Ие, ўзимизнинг самолётлар-ку» дейишларини кутарди.

У ҳозирги ҳолатнинг туш бўлишини, уни кимдир уйғотишини, Саша ўйнагани кутаётганини айтишини шундай истардики, қани энди бунинг иложи бўлса! Олесьни йўқлаб, битта-битта келган йигитлар, қизлар билан ҳовли тўлди. Ҳаммадан кейин Жилко кириб келди.

— Қизлар қолади,— деди Олесь йигитларга, қизларга бир-бир қараб,— мен, Жилко, Пашко, Максим, Ваня,— у яна бир неча йигитнинг номини айтди,— районга бориб, армияга қўшилишимиз керак.

— Биз-чи?— Мария қизлар номидан гапирди.

— Сизлар,— деди Олесьнинг ўрнига Жилко ҳар доимгидек дадиллик билан,— Сизлар шу ердан қимирламанглар!

— Хильчук ҳам, Евтушок ҳам кўринмаяпти,— деди Олесь,— районга жўнашганга ўхшайди. Ҳали замон етиб келишар...

— Кетдикми?— Пашко ҳаммадан бурун ўрнидан турди. Йигитлар ҳамма билан бир-бир қучоқлашиб, ўпишиб хайрлашишди. Жилко Мариянинг ёнига ҳаммадан кейин борди, уни қучоқлаб ўзига тортди, лабини лабига мажбур олиб борди. Мария ҳеч кимга сездирмай унинг бағридан силтаниб чиқди. Юраги шув этди. «Ҳамма хайрлашиш учун бир-бирига меҳр қучоғини тутса, нега бу шилқимлик қилади!— Мариянинг ғашлиги ортди. У Олесьдан кўзини узмай Жилкони ўйларди.— Олесьни огоҳлантириб қўймасам бўлмайди». Йигитлар жўнашди. Ҳамма энди Петр Никитичнинг оғзига термуларди.

— Битта-биттадан бўлиб ўрмонга яширинайликмикин,— қизлардан бири таклиф қилди.— Жон сақлаш керак-ку!

— Жон сақлаш осон,— деди Петр Никитич, қовоғини уйиб,— ҳозирдан шунга ўйласак, ўзимизни ўзимиз кишанлаб берамиз-ку! Ота-боболаримиз чўқмор, найза, шамшир, қилич, милтиқ билан ўз юртини ҳаммиша ҳимоя қилиб келган, ҳеч кимга топтатмаган. Биз ўша мардлар авлодиданмиз-ку?!

Даврага чўккан сукунатни фақат тўплар овози бузиб турарди. Тушга яқин колхоз қоровули уйма-уй кезиб, одамларни қишлоқнинг шарқий томонидаги ўрмон қоровулининг уйи олдига якка-якка етиб боришларини, кийим-бош, бир ҳафталик озиқ-овқатларини ҳам олишларини тайинлади. Уларни колхоз раиси Петр Евтушок, партком секретари Хильчук кутарди. Қишлоқнинг у бошидан-бу бошигача ҳовлима-ҳовли одамлар рўйхати ўқилди.

— Талашко қани?

— Билмадик!

— Айтганмисан?— Хильчук колхоз қоровулидан сўради.

— Уйда йўқ экан!

— Майли,— деди Хильчук раисга «бошлай берайлик» деган ишора билан бир қараб олиб,— ҳар биримиз учун синов кунлари бошланди. Кимнинг кимлигини билинадиган дақиқалар палласига кирдик. Уруш узоққа чўзилмайди. Фашистларни тез орада янчиб ташлаймиз. Ҳозир райондан келдик. Вазифалар аниқ. Гўдаклар, балогатга етмаган болалар, қариялар мамлакат ичкарасига юборилди. Ўттиз чақиримлик йўлни босиб ўтиб, Радощгоча шаҳарчасига етиб олиш керак. Уларни ўша ерда кутишади.

— Азиз онажонлар, азиз отахонлар,— деди раис беихтиёр ўрнидан туриб,— гўдақларимизни, ўспиринларимизни сизларга топширамиз. Аравалар юролмайди. Манзилга сўқмоқ йўллар билан боришдан бошқа илож йўқ. Сизлар уруш тинчигунча мамлакатнинг энг ичкарасида, урушдан узоқда тинч яшайсизлар. Бизнинг қарияла-



римизни, гўдақларимизни Россиянинг олис шаҳар ва қишлоқлари, ҳамда Урта Осиё шаҳарлари кутяпти. Фақатгина Радощгочага етиб олиш машаққатига бардош беришларинг керак бўлади.

Сўзни яна Хильчук олди. У йигит-қизлар ўрмон ичкарасига жойлашиши, қўшни қишлоқ ва колхоз билан алоқа боғлаб, партизанлар ҳаракатини бошлаш ва шу йўл билан армияга мададкор бўлиш хусусида гапирди. Одамлар Хильчукни, Ёвгушокни ўраб олишди.

— Сизларга оқ йўл,— деди раис,— омон-эсон етиб олинглар! Петр Никитич! Сиз йўл бошловчи бўлинг!

— Сўқмоқ йўллари Федор ва Павло яхши билади,— деди Петр Никитич, кўнглидагини яшириб,— иккови ҳам машҳур овчимиз-ку!

Ҳамма Федорга, кейин Павлога қаради. Паст бўйли, йўғон, аммо қадам олишлари тез, ёшига қараганда абжир Федор индамади. Жону дили билан ишлашни, ҳамиша мақтов олишни, тўртта одам йиғилган жойда ишбоши бўлишни суядиган Федор Шендрикка Петр Никитичнинг таклифи ёқиб тушди. Баджаҳл, аммо ҳалол, гапнинг пўсткалласини гапирадиган Павло кўпчиликнинг раъйини қайтаришни истамади. Раис ҳам, партком секретари ҳам бу фикрни маъқуллашди. Петр Никитич Марияни ёнига чақирди.

— Лаббай!

— Сен ҳам анови қариялар ва болаларга кўз-қулоқ бўлиб, ичкарига кирасан.

— Нега?

— Ўзбекистонга борадиганларга йўлбошловчи бўласан!

— У ёқда йўлбошловчилар кўп,— деди Мария қатъий.

— Уруш билан ҳазиллашма!

— Жон бобо, хафа қилманг, эшитяпсизми, хафа қилманг.

— Ота-онангдан қолган биттаю битта ёдгорсан. Бирор фалокат бўлса, ўзингнинггина эмас, ота-бобонгнинг ҳам изини йўқотасан. Сен бизнинг ҳам, уларнинг ҳам ёлғизисан-ку, жоним қизим.

— Мени алдаманг, бобо, мени авайламанг, бобо, қоламан!

Петр Никитич гап тополмай қолди. У алдаб ҳам, дўқ қилиб ҳам Марияни гапга сололмаслигига ақли етиб, «аттанг» деб бош чайқади.

Ешлар Олевскнинг ғарбидаги катта ўрмонга, қариялар шарққа картошказорни қиялаб, яккам-дуккам қарағайлар кўриниб турган майдонга ўтиб, ўрмонга элтадиган сўқмоққа тушиб олишди. Оломоннинг энг орқасида Петр Никитич, Вера хола, Искандар борарди.

Самолётлар Олевск тепасида ҳам, ўрмонга яқинлашиб қолган Федор Шендик бошлиқ кишилар устида ҳам изғиб юрарди. Қишлоқ тарафдан портлашлар эшитилди.

— Бизнинг тепамиздагилари разведкачи самолётларга ўхшайди, кузатиб қайтади. Бир нимани сезса, бомбардимончи самолётларни чақиради,— деди Федор Шендик, одамларни озгина бўлса ҳам тинчителишга уришиб,— униси келгунча ўрмон ичига сингиб кетасизлар.

Самолётларнинг биридан устма-уст чувуллаб бир нималар тушди. Искандар кўзини юмди. Петр Никитич Вера хола билан уни ўнг тарафга судради. Ҳаммалари йиқилиб тушишди. Кимдир додлаб юборди, кимдир чинқирди. Самолётлар узоклашиши билан Петр Никитич ўрнидан турди, ҳамма бош кўтаришга қўрқиб, қимирламай ётарди.

— Ҳей, тирикмисизлар?— деди у бақириб.— Қани, эмакланглар. Ўрмонга етиб олайлик. Федор, Павло, қанисизлар!

(Давоми бор.)

Раҳмат Файзий

## ҚАЛБИ ҚАЙНОК КИШИЛАР ҲУЗУРИДА

Бу йилги баҳорнинг ноз-карашмаси ўзгачароқ бўлди. У анча кечикиброқ, бамайлихотир кириб келди. Лекин, шунга қарамай, мамлакатимиз ва совет кишилари ҳаётида унутилмас, тарихий воқеаларга бой баҳор бўлди. Коммунистлар, барча совет кишилари, она Ватанимизнинг маънавий ва ижтимоий ҳаётида буюк руҳий, сиёсий кўтаринкилик баҳори бўлди: халқаро вазият кескинлашган, дунё қалқиб турган ҳозирги пайтда, бунинг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловлар, унинг якуни, ўн биринчи қақриқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси ва бу сессияда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненконинг яқдиллик билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланиши — совет халқининг буюк бирдамлиги, ҳамжихатлиги, йўлбошчимиз, раҳномомиз коммунистик партияга тўла ишончи, меҳри, садоқати ифодаси бўлди, социалистик демократиянинг, бутун сиёсий системамизнинг қудратини бутун жаҳон яна бир қарра тан олди.

Беш йилликнинг тўртинчи йили, беш йилликнинг ниҳоятда масъулиятли маррасида, ойлар ҳисобга олинаётган паллада бўлиб ўтган тарихий анжуман — КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненконинг сўзлаган нутқи катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга моликдир. Нутқнинг мазмуни ҳам, унда баён этилган қоида ва ҳулосалар ҳам партия ва совет халқини, КПСС XXVI сьезди қарорларини бажаришга сафарбар этади, амалга ошириладиган энг зарур вазифаларимизни аниқ белгилаб беради, мамлакатимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, халқ турмуши фаровонлигини, моддий ва маданий жиҳатдан тагин ҳам юксалтириш; ёш авлоднинг тарбиялаш каби муҳим масалаларни қўяди. Шу билан бирга у партияимизнинг навбатдаги XXVII сьездига тайёргарлик кўриш масалаларини, янги таҳрирга асосланган КПСС Программасини тайёрлаш масаласини ҳам белгилаб беради.

Баҳор байрами арафасида Константин Устинович Черненконинг санаотимизнинг

саркорларидан бири, кекса ва қудратли корхона — Москвадаги «Серп и Молот» заводида ташриф буюриши, инженер-техник ходимлар билан учрашгани, суҳбатлашгани ва ниҳоят сермазмун, партия ва давлатимизнинг ишчилар синфига қилаётган ғамхўрлиги, меҳрибонлиги руҳидаги нутқини эшитганимда, индустрияимизнинг бу гигант корхонаси, унинг ажойиб кишилари кўз олдимга келди. Вамисоли узоқ кўришмаган танишлар, кадрдонларни қўмсагандек бўлдим. Беихтиёр столим ўстидаги «Серп и Молот»нинг 90 йиллигига бағишлаб чиқарилган юбилей медалини қўлимга олдим. Қаердадир нимқора ё зангори ранг кўзойнак ҳам борлиги эсимга тушди. Эсдаликка берилган шу кўзойнакни тақиб, пўлат қуйилишини кўздан кечиргандик, хаёл ўша дамларга олиб кетди, ўйга толдим.

Бундан роса ўн йил муқаддам, СССР Ёзувчилар союзи ташкил топганининг қирқ йиллиги тантаналари кунларида, биз, бир гуруҳ ёзувчилар атоқли адибимиз, СССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретари Сергей Сартаков бошчилигида Александр Жаров, Григорий Бровман, Адам Шогенцков, Яков Шведов, Маро Маркарян, Жўлмирза Оймирзаев, Фазлиддин Муҳаммадиев, Санжи Каляев, Карим Қурбоннепесов, Иброҳим Юсуповдан иборат бир гуруҳ ёзувчилар «Серп и Молот»чилар ҳузурига ташриф буюрган эдик.

Маҳсулотининг тури ва сифати жиҳатидан ҳам, корхонанинг кўлами ва қуввати жиҳатидан ҳам, ўзининг жанговар революцион тарихи жиҳатидан ҳам совет мамлакатининг тарихий тимосоли — Урок-болга тамғали, уч орденли, юртимиздагина эмас, жаҳонга таниқли шундай корхонада бўлиш ҳар биримизни ҳаяжонга соларди. Визни жуда самимий кутиб олган ишчиларнинг илтифотларида ҳам, кайфиятларида ҳам, муомила, гапларида ҳам юксак маданият, одоб, меҳр-оқибат, энг муҳими адабиётга ихлос сезилиб турарди. Мен буни, ўз кечинмаларим деб ўйлаган эдим. Кейинчалик билсам, учрашувнинг ҳар бир иштирокчиси худди шундай ҳис-туйғуларни кечирган экан.

Листопроқат цехининг йиғинлар зали катта бир корхонанинг мажлис залига ўхшар-

ди. Залнинг махсус безатилиши, ёзувчилар юбилей пленумининг қатнашчилари шарафига авлонларга битилган табрик сўзларидан тортиб, гулдондаги гулларгача — бари адабиёт шинавандаларининг ихлос ва ҳавасларини акс эттириб турарди.

Фақат бир цех. Ун минг кишилик коллективнинг бир қисми, холос. Таъбир жоиз бўлса, ўзининг ёзувчилар союзига, яъни адабий уюшмасига эга бўлган, неча ўнлаб истеъдод соҳибларининг ижодлари вояга етган адабий уюшманинг бир гуруҳи билан учрашаётимиз.

Оқ ту누ка цехи бамисоли улкан чит тўқиш фабрикасига ёхуд лабораторияга ўхшайди. Кумушимон ту누ка оппоқ сурпдай бетўхтов ўралиб чиқиб турибди.

«Сизларга, Сизларнинг цехингизга қараб туриб,— дейди К. У. Черненко,— фидокорона меҳнати, истеъдоди заминимизга хос бўлган ҳамма нарсаи мужассам эътаётган: уйлар бунёд қилиб, ғалла етиштиратган, пўлат эритиб, кўприклар ва гидростанциялар қураётган совет кишиларимиз учун ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошасан, киши. Бугун Сизлар билан ўтган учрашувлар ва суҳбатлар чоғида мен жаҳонда тенги йўқ ажойиб ишчилар синфимиз борлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Сизларга раҳмат... Дилкашлигингиз ва очик кўнгиллигингиз учун Сизларга чуқур ташаккур айтаман. Буни Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига астойдил ишончининг кўриниши деб биламан. Меҳнат аҳли билан бевосита мулоқотда бўлишдан иборат ленинча анъана партиямизда ҳамиша яшаб келмоқда.»

Совет кишилари Константин Устиновичнинг завод ишчилари, инженер-техниклар шаънига айтган бу сўзлари билан ҳақли суръатда фахрланадилар.

Ишчи авлодларининг, ишчилар сулоласининг бу фахр ва ифтихори меҳнат ва ижод завқи-шавқигина эмас, шу билан бирга кадр-қиммати юксак тақдирга сазовор бўлганидан, партия, Ватан, халқ эъзозиди эканидан, маънавий бой ички оламнинг камолдан ҳамдир. Корхонанинг тамал тошини қўйган, мағзини ташкил этган, чуқур идиз оттириб, унинг устун бўлган кадр ишчиларга иззат-икром қанчалик муҳим ва зарур бўлса, ёш-авлодга, устозлар ўрнини эгаллайдиган қобил шогирдларга меҳрибонлик, отахонлик, мурабийлик ҳам шунчалик диққат-эътиборда эканлиги Константин Устинович Черненконинг нутқида ҳам, суҳбатларида ҳам ўз аксини топди:

«Кадр ишчилар ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг ўзагигина эмас, ишчилар синфимизнинг ифтихори ҳамдир. Уларни эъзозлаш, уларга таяниш керак. Моҳирона меҳнатнинг обрўсини, умрбод яшайдиган заргарлик иши деб аталадиган сифатли ишнинг обрўсини кўтариш лозим.»

«Серп и Молот» дилар билан бўлган суҳбат, К. У. Черненконинг нутқи ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир цех, участка, бригада ахлининг, ҳар бир ишчи, инженер-техник ходимнинг қалбидан жой олганлигини матбуотдан, телевидение, радио орқали берилаётган хабарлардан, суҳбат, баҳслардан, республикамизда 18 майда ўтказилган ягона сиёсий куннинг материалларидан, ниҳоят, партия Бош секретарининг металлургия ҳузурида бўлганидан хабар топган

социалистик мамлакатлардаги яхши ниятли дўстларимиз, тараққийпарвар инсоният вакилларининг шарҳ ва ахборотларидан ҳам англаб турибмиз!

Учрашув иштирокчиси, вальцовкачи Александр Моисеев, ёшлар номидан гапириб, шундай деган эди: «Ёш металлургиялар, Сизнинг, Константин Устинович, янги дунёни қуриш — янги дунё кишисини камол топтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш демақдир, деган сўзларингизни қизгин маъқуллаб кутиб олдилар. Ёшлар буни ҳар бир йигит ва қиз ўзида юксак ғоявий эътиқод, коммунизм ишига садоқатни тарбиялаш тўғрисидаги партиянинг нақизи деб биладилар. Бизлар намуна олиб, ўргансак арзийдиган кишилар бор. Булар заводимизнинг тажрибали ишчилари, партия, меҳнат, Улуғ Ватан уруши ветеранларидир. Константин Устинович, Сизнинг ёрқин ҳаёт йўлингиз биз учун ўрнак бўлади...»

Ота касбини севиб, унинг изидан борган Александр Моисеев моҳир вальцовкачи бўлиб етишди, ҳозир унинг шогирдлари бор. Металлургиялар уни ўзларининг Москва Советидаги депутатлари қилиб сайладилар. Ўртоқ Константин Устинович Черненко билан бўлган учрашувдаги суҳбат, унинг нутқи руҳи билан яшаб, меҳнат қилаётган Александр Моисеев орадан салкам бир ой ўтгач, ўз таассуротлари, ўй-фикрлари, мулоҳазаларини, касб-ҳунарнинг завқи шавқию, унинг масъулиятлари, металлургия касбининг шон-шухрати ҳақида ўз тенгқурлари, ҳамкасблари, комсомол ёшлар билан маслаҳатлашиб олмоқчи, ўз фикрларини ўртага ташламоқчи бўлди. Ёшларнинг энг сеvimли, мўътабар газетаси — «Комсомольская правда» саҳифасида катта мақола босиб чиқарди. Биз, ижод аҳли ибораси билан айтганда, давримизнинг, замондош ёшларимизнинг ёрқин тимсоли Александр Моисеев бадий асарларимизнинг етакчи қаҳрамони, прототипи бўлишга муносиб илғор металлургия вакили эканлигини, биз уларнинг бадий образини яратишимиз, яратганда ҳам шу куннинг, даврнинг талабига мос қилиб яратишимиз керак. Афсуски, биз ҳамон улар олдида қарздор бўлиб қолямиз. Буни, Александрнинг ўзи ҳам мақоласида айтиб ўтади, ҳақли талаб қўяди, у-ку ётиги билан ёзадию, аммо биз... жиддийроқ ўйлаб кўришимиз керак.

— Унутилмас учрашувда сўзлаш шарафига муаясир, бўлдим,— дейди Александр Моисеев,— Константин Устинович Черненко металлургия касбининг обрўси — шаъни ҳақида ҳам гапирдилар. Бизнинг касбимиз ҳаммавақт авлодан авлодга — бободан неварога, отадан ўғилга ўтиб келаётган касб, мен ҳам худди шундайлардан — металлургия бўлиб етишдим. Отамни ўтга бардош берадиган одам деб аташарди. Гўдаккимдаёқ шу сўз менинг фикр-ўйимни қамраб олганди — ўтга бардош деган сўзини мен ўзимча ўт ва матонат, ўт ва тиришқоқлик дердим, бу икки сўзини бир-биридан ажратган ҳолда тасаввур этолмасдим... Аммо, орзуимга эришиб, ўзим металлургия бўлиб ишлай бошладим-у, нима учундир кейинги йилларда очигини айтсам «менинг отам металлургия», «меники пўлат қуювчи» деганга ўхшаш фахрлиниш ҳис-туйғуларини камроқ учратадиган, эшитадиган бўлиб қолдим. Узи нима гап? Ватан эҳтиёжи учун пўлат эритишдан

ҳам шарафлироқ, обрўлироқ касб борми?

Тўғри, касбимиз оғир, буни яшириб ўтирмайман. Ҳақиқий мард ва бақувват кишилар, эркаклар касби. Яна бунинг устига Ватанга жудаам зарур касб. Ахир, мамлакатнинг индустриал ва мудофаа қудрати эритилган металл кўлами, миқдорига боғлиқ эканлигини ким билмайди. Биз СССР пўлат, чўян ишлаб чиқаришда жаҳонда биринчи ўринда туриши билан фахрланамиз. Аммо бу муваффақиятнинг ўзигина ёшлар орасида металлург деган шарафли касбнинг шаънини кўтаролмайди.

Металлургия ишлаб чиқаришимиз бугунги кунда сифат ўзгаришларига — қайта қуришга муҳтожлигини таъкидлаш даркорми-кан? Яна катта кўламда. Ахир, бизнинг баъзи цехларимизда ҳалиям, заводни барпо этган «Гужон даври» деб ўрганиб қолган даврдаги ускуналар ишлаб турибди-ку. Еш йигит, шу ускуналарда ишлаш келармикин? Келмайди! Чорлаб чақирсанг ҳам келмайди. Битта чора бор. Ишлаб чиқаришни шундай ташкил этиш керакки, унда ҳал қилувчи омил жисмоний куч эмас, билим, ақлий иқтидор, қобилият талаб қиладиган бўлсин. Шундагина ёшлар ўқишни битириб, металлург касбини эгаллашга қизиқадилар. Бу борада заводимизда анча-мунча ишлар қилинди. Заводнинг юз йиллигига бизнинг цехимизда қора металлургиянинг сўнгги техник ютуқлари асосида сортли симлар стани ишга туширилди. Эндиликда 80 килограмм оғирликдаги қўйилмани чўғ ҳолида омбир билан ағдариб, тортиб турилмайди. Ҳамма жараён автоматлашган. Табиийки, бундай ишларга ёшларни жалб қилиш ҳам осон бўлади. Бу борада Константин Устинович Черненко бундай оловли цехларда ишлайдиганларнинг меҳнатларини қадрлаш, бу меҳнатдан қаноат ҳосил қилишлари, мамнун бўлишлари тўғрисида қайғуришни таъкидлайди. Бу — айна муддао.

Бир сафар цехимизни кинога олишди. Қараб турсан, уларга бизнинг «натура» миз ёқаркан. Сортпрокат станимиз-ку жудаам ёқиб қолди. Олов пуркаб турган печдаги қипқизил қўйилма, ундан кўзини олмай ишлаётган вальцовкачининг юзлари қип-қизариб, аланганинг нуруни акс эттираётгани — булар ҳаммаси суратга олинди, фильмда ҳам ҳамма ёққа сачраётган олов учқунлари, аланга акси, бари олинган. Аммо менинг назаримда, маҳорат билан олинган кадрларда энг муҳим нарса — касб-коримизнинг ички дунёси, аниқроқ қилиб айтганда, меҳ-

нат гўзаллик тожигина бўлмай, айна бир вақтда энг азоб — уқубатли иш эканлиги акс этмаган, ўз ифодасини топмаган.

Мен ҳам, ҳамкасбларим ҳам адабиёт, кино, театр ҳали металлурглар олдида қарздор деб ўйлайми. Қайси бир сафар бригадамизда ўзаро гаплашиб қолдик. Ҳар биримиз кейинги вақтларда ҳамкасбларимиз ҳақида кўрган киноси, ўқиган асарини эсладик. Ҳаммамизнинг оғзимиздан чиққани: «Заречная кўчасида баҳор» фильми-ю, Бокаревининг «Пўлат қувовчилар» пьесаси бўлди. Кўп эмас, бизнинг касбимиз энгил касбмас, аммо бусиз иш битмайди, демак, шундай экан, уни тарғиб қилиш, муносиб тарғиб қилиш керак, ёшларда бу оловли касбга, металлургияга қизиқиш уйғотиш керак...

Металлург Александр Моисеевнинг фикр-мулоҳазалари, биз ижодкорлар олдида қўяётган талаблари менда чуқур таассурот қолдирди. Совет кишилари жуда яхши биладиларки, ҳамма ишда моҳирлик, дид-фаросат, интизом ва масъулият кўрсатиб, сидқидилдан ишласалар, ҳаётимиз борган сари фаровон бўлиб, гуллаб яшнайверадди. Ватанимизнинг қудрати бундан ҳам ортади. Фидокорона меҳнатимиз тинчлик ишига, фаровонлик ишига қўшган ҳиссамиздир. Ўртоқ К. У. Черненконинг металлурглар ҳузурида сўзлаган нутқида социалистик мамлакатимиз, совет халқи олдида турган вазифалар ғоятда равшан-ифода қилиб берилди. Мени шу масалаларни қўйиш, уларни ҳал қилишнинг конкрет реал йўл-йўриқларини кўрсатишдаги ажойиб ҳаётийлик, беқиёс инсоний ишонч қаттиқ тўлқинлантириб юборди. Бу фикрлар замонимизнинг энг илғор фикрлари. Улар соддалиги, аниқлиги ва шу билан бирга ғоятда чуқурлиги билан ҳаётбахшдир. Партия ва давлатимизнинг раҳбари социалистик ҳаётдаги ютуқларимизни қайд қилар экан, ҳал этилмаган масалаларга жиддий эътиборни қаратди. Ҳар бир онгли, фикрловчи киши булар нечоғлиқ муҳим муаммолар эканлигига, албатта, ҳисоб беради, ўйлайди, уларни муваффақият билан ҳал қилиш йўлида бутун кучгайратини аямай сарфлайди.

Партиямиз бугун кишиларимиз олдида ишлай билиш, истисносиз ҳар бир ишда моҳир бўлиш талабини қўймоқда. Бу — охиरोқибат давримиз кишисининг маънавий қиёфасини белгилаб берадиган талабдир. У одамга ҳам, унинг касби-ҳунарига ҳам чин обрў келтиради.

Бу — ижод аҳлига ҳам бевосита тааллуқли талабдир.

Ҳусниддин Шарипов

## УМИД

Ижодкор умрининг узун-қисқалиги унинг ёзганлари қанча яшашига боғлиқ. Адабиётда ўз ўрнини излаган ижодкор борки, айтган сўзим, фарзандларимга ўхшаб, ортимда қолсин, келгуси асрларга етиб борсин, дейди. Бунинг сабаби шўҳратпарастлик эмас. Ижодкор нақадар улкан истеъдод эгаси бўлса, у ўзини шунчалик халқ хизматидаги сидқидил киши деб ҳисоблайди, ўзи бу яшил дунёни тарк этганда ҳам сўзи одамларга хизмат қилиб қолишини ўйлайди, ёзганларини келажакка мактуб деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, давр гўзал, ўша гўзалликдан туғилган жарангдор сатрлар ундан серзавк. Биз неварачевараларга фақат уй-жой, ер-сув эмас, завқ ҳам мерос қолдиришимиз керак. Шуларни ўйлаб мундоқ бош кўтарсак, узоқ-яқинга кўз югуртсак, «Биз-ку келажакка мактуб йўллаётимиз, лекин у мактуб эгасига беҳато етиб борармикин?» деган ўйдан юрак жиг этиб кетади.

Мана, ўн йил мўлроқ аввал ёзилган сатрлар:

**Неча ўн йилдирки, дам олмас жаҳон,  
Соҳибин соғинар салқин супалар.  
Аниқ луғатда ҳам келар ёнма-ён  
Номсиз қаҳрамонлар, номсиз тепалар.**

**Бир ўспирин эдим, эдим талаба  
Корея кўкида кўпганида жанг.  
Қилганда Вьетнам халқи ғалаба,  
Ўғлим ўн иккига кирибди, қаранг.**

**Бормаган бўлсам-да жангларга яқин,  
Йигирма икки йил эғовлаб ҳисни,  
Менинг пешонамга қўндирди эжин  
«Сўнги ахборот»нинг ажнабий қисми.**

«Сўнги ахборот»нинг ажнабий қисми ҳозир кескинроқ. Унда гап кўпинча дунёнинг турли қисмларида атом зарядлари портлатиб ўтказилаётган тажрибалар ҳақида, одам боласининг томирларини тириштириб қўйишга қодир кимёвий қурооллар ҳақида, бурнимиз тагига келтириб ўрнатилаётган ажал ташувчи ракеталар ҳақида боради. Янада аниқроқ айтсак, бундан роса бир йил бурун Узоқ Шарқда Жанубий Корея самолёти билан бўлиб ўтган воқеа, шу йил баҳорида Америка Қўшма Штатлари Никарагуа соҳилларини мина билан ўраб олиши, ундан аввалроқ миттигина Гренада тупроғини бутун жаҳон кўз ўнгида пайҳон қилингани империализм кўзига қон тўлиб турганини яққол кўрсатувчи мисол бўлиши мумкин. Албатта бундан, даҳшатга тушишимиз керак, деган хулоса чиқмаслиги лозим. Лекин бепарво бўлиш ҳам оқилнинг иши эмас.

Биз совет қуроли қудратини яхши биламиз. Адабиёт, хусусан шеърят тинчлик йўлида хизмат қилаётган қуроолларнинг бир тури экани бизга ифтихор ҳисси бахш этади.

Ишонаманки, халқ ижоди ва буюк классикаримиз асарларидан бошлаб, биз кўриб, озми-кўпми тарбиясини олишга улғуриб қолган устозларимиз Ойбекнинг «Даврим жароҳати» ва «Қизлар», Ғафур Ғуломнинг «Кузатиш» ва «Сен етим эмассан», Ҳамид Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари» ва «Қамал қилинган шаҳар тепасида ой», Миртемирнинг «Сураати», қолаверса, тенгдошимиз Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни» ва «Нидо»си халқимизни тинчпарварлик руҳида улғайишига албатта муносиб ҳисса қўшган. Зулфия, Уйғун, Шўхрат, Жуманиёз Жабборов, Душан Файзий, Ойдин Ҳожиева, Жамол Камол каби ўнлаб шоирларнинг шеър ва дostonлари ҳали ҳам ватандошимизнинг ҳижронда матонатли ва висолда беғуборлигини, зафарда бағри кенг ва хатарда фидойилигини куйлайди.

Рост, турмушда ҳар хил воқеалар бўлиши мумкин. Бундан йигирма йилча аввал Мирзачўлдаги бир колхозга шеърхонлик қилгани борган эдик. Хўжалик чўлнинг четига жойлашган, шундоққина этагидан Сирдарё буралиб оқарди. Оқшом, ўзимиз қолганда, колхоз активлари бошларини қотириб турган бир чигалликнинг учини чиқаришди. Айтишларига қараганда, фронтга бормай қолган бир киши, эркак зотининг кўпчилиги жанг-жадалларда бандлиги туфайлими ёки қизларнинг оғир йиллардан эсон-омон ўтиб олишини ўйлаган калтабин ота-оналар сабаб бўлибми, ҳар ҳолда уруш йиллари тўрт аёллик бўлиб қолган экан. Мана, йиллар ўтиб, замон тинч, тинч ҳаёт қонунлари бўйича ўз йулида оқа бошлади. Қишлоқ оқсоқолари бизнинг турмуш тарзимизга сингмайдиған, покиза турмуш чеҳрасини бузиб турган ўша ярани кесиб ташлашлари керак эди энди. Лекин қандоқ қилиб? Ахир, тиғ тегса, ўша тугунга тушган кимнингдир жони оғрийди-ку албатта: аёллар қариб қолган, ўртада фарзандлар бор. Кесиб ташламасликнинг эса ҳеч иложи йўқ. Бу тақдир чалкашлиги лаънати урушнинг ўн йиллардан кейин ҳам ўзини эслатиб турган оқибати эди. Шоир аҳли беғубор ва садоқатли севгини куйлаб кун кечиради, пешоналарни шўр қилгувчи урушни шунинг учун ҳам бошқалардан кўра кўпроқ ёмон кўради. Хайрият у кунлар орқада қолиб қетди.

Мен ҳозир бундай мисолларни жуда қалаштириб ўлтиргим йўқ. Чунки уруш нақадар даҳшатли нарса эканини ҳатто уруш ўтини ёқиш ҳаракатида юрган эси пастларнинг ўзи ҳам дурустгина билса керак. Халқимизда «Кўрққан олдин мушт кўтарар» деган гап бор. Янги чиққан урушқоқлар ўз истиқболларига ишонмаганлари учун, менимча, бизнинг истиқболимизга таҳдид қилишяпти. Замоннинг мураккаблиги шунда.

**Ҳадикни унутиб жамикки одам,  
Ноумид кимсалар топгали илинж,  
Ҳатто ақли пастлар эс йиққани ҳам  
Тинчлик керак, дўстлар,  
Замон бўлсин тинч...**

Асад Асиллов

## ҒАНИШЕРЛАР САДОСИ

Йил тугашига яқин қолган кезларда чарақлаб турган ҳаво бирдан айнаиди. Қибладан изғирин келдими, тамом, унинг оқибати давомли ёғингарчиликлар, «қорасовуқлар»га уланиб кетади. Пахта йиғим-терими ҳануз яқунланмаганлиги учун шу кунларда автобуслар сезиларли камайганди. Шунинг учун ҳамма станция ва бекатларда йўловчилар тирбанд.

Одамлар оқими оёғимни ерга теккизиб-теккизмай, автобусга чиқариб қўйди. Жойимга ўтиришим ҳамано ўрта бўй, гўштор, қора фуфайка ва қора қалпоқ кийган, ёши ўтинқираб қолганига қарамай, думалоқ юзларини ҳали ажин чалмаган бир киши ёнимдаги ўриндиқни эгаллади. Беихтиёр бир-биримизга қарадиг-у, саломлашдик.

Автобус гуриллаб йўлга чиқди. Ҳамроҳимга зимдан назар ташладим. Шу кунги ҳаводан андоза олгандек, унинг қорамтир қоқоқлари, лаб-лунжи осилиб кетган, жуда хомуш ўтирарди. «Важоҳати шу бўлса, манзилига етгунча қўшим менга бир оғиз ҳам гапирмас керагов». Шу ййимни сезиб, гўё мени изза қилишга чоғлангандек, тўсатдан гап қотди:

— Ҳавонинг бузилгани чатоқ бўлди-да, пахтадаги болалар қийналишади...

— Уқувчилар пахтадан қайтганди, шекилли? — дедим мен.

— Студентларни айтяпман, бизданам учови ҳашарда, шаҳарга тушиб, шуларга кийим-бош харид қилдим.

— Сирдарёданмисиз?

— Нима десамикин, асли андижонликмиз, чўл ўзлаштиришга ёппасига киришилганда ота-онамиз орқасида келиб қолганмиз. Гулистонда катта бўлдик...

«Айни муддао-ку, бу одам билан суҳбатлашиб кетишим керак экан. Зардали, чўрткесар бўлса ҳам ростгўй кўринади».

— Демак, пахтакорсиз?

— Ҳа, умримизни шу ишга бахшида қияпмиз...

— Нима сабабдан бу йил пахта иши чўзилиб кетдйкин, а?

— Э, бунинг сабаби кўп, — оғриниброқ жавоб берди ҳамроҳим. Сўнғ у анча вақт жим борди. Кейин, олис йўлда индамай кетаверишга сабри чидамадим, ёки азбаройи менинг саволимни жавобсиз қолдирмаслик учунми, ўз-ўзига гапиргандай, кескинроқ оҳангда давом этди, — масалан, бош оғриси, касал биргина оғриган жойда, дейиш тўғрими? Йўқ. Унинг сабабчилари баданнинг турли аъзоларида бўлиши мумкин. Шунга ўхшаш, бизнинг областдаям қоқоқлик сабаблари кўп. Менинг тушунишимча, учтўртта йирик нуқсонларни аритолмаяпмиз. Биринчиси, кадр масаласи. Одам бўлмаса йўллар, чўллар бари бекор, савил, буни ҳамма билади. Чўлга, кейинги вақтларда, тутуруқсиз одамлар кўпроқ оралайдиган бўлиб қолди. Катта ваъдалар билан келишади, қўйни-кўнжини тўлдиришгач, жўнаб қолишади. Бир хил жойларда дуппа-дуруст бошлиқларнинг кети қўним топмаяпти-да! Бир гапни гапирганда, исботи бўлмаса — у гапмас. Мана, олайлик, биз яшаб турган Гулистон районидаги Навоий колхоз. Ҳар йили раис ўзгаради. Қошқи эди, бу билан колхоз ўнғалса, борган сари чўкиб кетяпти...

— Бу йил ўша колхозда пахта плани бажарилармикин?

— Бе, қайда дейсиз, — ҳафсаласи пир бўлиб ойнадан ташқари қаради ҳамроҳим, — шунақа колхоз-совхозлар касрига район тугул область ҳам доғда қолмасайди...

— Кадрларни танлаш, уларни оқиллик билан ишга солиш, албатта, энг муҳим иш, аммо қоқоқликнинг бошқа сабаблариям бордир?

— Боя айтдим-ку, занжирдек — бирибирига боғлиқ деб. Инсоф қилиш керак, ахир ота-боболаримиз Мирзачўл ерларини ер қилгунча озмунча азият чекишганми! Чўл тарихидан ўзингиз бирор

нима биласизми? — бирдан менга юзланди у. Чўл, умуман, Ватан ўтмишига қизиқмайдиган одам топилмас керак. Бир томони Сайхун, бир томони Қизилқум, яна бир томони Туркистон тоғлари оралиғидаги бир миллион гектардан зиёд биёбоннинг аянчли ўтмиши ҳақида билганларимни гапирдим. Эрамизгача бўлган даврда форслар шоҳи Кирнинг, кейин македониялик Искандарнинг бу жойлардан ўтиши, чўлда ҳаётни жонлантириш учун шаҳарлар бунёд этганликлари, Чингизхоннинг қонли қиличи яна ҳаммаёқни хувиллатиб қўйганлиги, ниҳоят, юз йигирма йиллар муқаддам ҳозирги Гулистон шаҳри ўрнида қирқ-эллик хонадонли қишлоқча пайдо бўлиб, аста-секин одамлар кўпайиб борганлиги ва бошқа маълум маълумотлари бирма-бир айтдим. Менинг жўшиб сўзлашларим таъсириданми, шеригимнинг ҳам чиройи очила борди.

— У гапларни биламиз, чўлни обод қилиш ҳамиша одамларнинг мана бу еридаги орзуси бўлиб келган, — дея ҳамроҳим катта кафтини кўксига қўйди.

— Шу тўридаги бир ривоятни айтиб берайми, зерикмай эшитасизми?

— Зерикмайсизми, деганингиз нимаси, жоним билан тинглайман!

— Қадим-қадимларда, Сайхуннинг бош томонида тоғ устида чиройли бир қаср қад кўтариб тураркан. Унда хушчиroy, дилбар ва оқила бир малика яшар экан. Қиз ҳар доим шўх-шаддод юраркан-у, сайр қилиб баланд қоятошлар устига чиққандагина уни ғам босаркан. Чунки қуёшнинг беаёв тиглари остида мудом жизғинаги чиқиб, кўкларга жимирлаб ҳовури кўтарилиб ётган худудсиз дашт тоғ устидан аниқ кўринаркан-да! «Шу ерларга жон киргизишнинг, обод қилишнинг ҳеч имкони топилармикин? Унинг тилсими қаерда экан?» Оқила қиз кўнглидан шундай орзу сира аримас экан. Кунларнинг бирида қизга икки йигит бараварига хуштор бўлиб, унинг розилигини сўрашибди. Бири буюк шоҳ, яна бири эса халқ орасидан чиққан баланд бўйли қора кўзлари мудом порлаб турувчи паҳлавон йигит экан. Малика йигитларнинг фидойилиги, муҳаббатининг софлиги ва жасоратларини синаб кўрмоқ, бир йўла юрагида қат-қат бўлиб ётган армонига чора топмоқ — чўлни обод қилмоқ ниятида улар олдига битта шарт қўйибди: «Кимки дарё сувини тўсиб, даштга оқизса, висолимга ўша етишади». Халқ фарзанди учун бу шарт айна муддао бўлибди. Чунки чўлларга сув чиқариш, боғ-бўстонга айланттириш дарди унинг қалбини ҳам азалдан қуйдириб келаркан. Шу ниятда усталарга катта кетмон ясатиб, зудлик билан ишга киришибди. Бир томондан, қизнинг ишқи, қолаверса, халқ орзусини рўёбга чиқаришдек олижаноб орзу йигит кучи-

га-куч қўшибди. У улкан кетмони билан тиним билмай, ишлаб, чўлнинг ичкарисигача ариқ қазибди, тоғдаги туятошларни кўчириб, дарёни тўса бошлабди...

Шоҳ ҳам тинч ўтирмабди. Унинг кўрсатмаси билан хизматкорлари дарё қирғоғидан чўл қўнига қарата ғалати бир тарнов ётқизишибди. Тунда, ой нурида қаралса, гуё тарновлардан тўлиб-тошиб сув оқаётгандай кўринаркан. Бунинг гувоҳи бўлган малика ўзи севмаган ошни ичишга — кўнглидан қандайдир гумон аримай, шоҳ олдида бош эгишга мажбур бўлибди. Халқ фарзанди ҳали чўлларга сув оқизмай туриб севгилисидан жудо бўлганини эшитибди ва ишлаб турган жойида ўз-ўзини ҳалок этибди. Тун ўтиб, қуёш оламни мунаввар этгач, кўнглида шубҳа билан тоққа чиққан малика қарасаки, чўлга сув эмас, қуруқ тарновлар «оқизилган» экан. Шундан сўнг унинг бутун вужуди ўртаниб кетиб, фирибгар шоҳ шаънига лаънатлар ўқий-ўқий севгисига содиқ йигит жасади қошига борипти ва ўзининг алданган қалбига ўткир ханжар санчибди...

Кўшним ривоятни шунчалик берилиб тингладики, мен ҳам завқландик кетдим.

— Бу афсона ҳозир ҳақиқатга айланди-да, — сўхбатни давом эттирдим. — Уша айтилган жойда Фарҳод ГЭСи бунёд этилган, ҳозир Сирдарё ГРЭСи ишлаб турибди, гузал Ширин шаҳри гуллаб-яшнапти. Яна айтишларича, қадим замонларда Мирзачўл ўрни бутунисича шовуллаган боғ-роғлардан иборат экан. Дарахтлар шунчалик қалин ва сўлим бўлганлигидан Чиноз боғларида кўйлаётган булбул, бирон марта қанот қоқмай, шохдан-шоҳга сакрай-сакрай, то Самарқандгача етиб бораркан. Буларни ҳам эшитганмисиз?

— У-ку, бўлмаган гапдир, ҳали айтганингиздай, одамларнинг қуруқ орзуси бўлса керак. Мен оддий бир деҳқонман-у, чўлимизнинг ўтмишини бошқалардан кам билмайман, — энди ёниб гапира бошлади ҳамроҳим. — Қадимда чўлга югуриш, човут солишларнинг ҳаммаси пахта важида бўлган. Океанларнинг нарёғидагилар эга чиқволмасин деб, чор ҳукуматининг канал очишлари, ур калтак, сур калтак қилиб одам ишлатишлари — ҳаммаси шул сабабдан-да! Ленин отамиз бўлмаса бу рўшноликлар қайда эди! Бизнинг чўл ўзлаштиришларимиз учун биваракайга эллик миллион сўм ажратиш Декретига қўл қўйганаканда, ўзиям. Кейин, халқимиз ҳам қараб ўтирмабди. Тоғ келса кемириб, сув келса симириб, мана, ҳаммаёқни жаннат қилиб юборди.

— Чўлдаги дастлабки хўжаликларниям биларсиз?

— Бўлмасам-чи, — сўхбатимиз тобора қизгин тус олиб борарди, — республикамиз билан тенгдош — 1924 йил

охирроғида тузилган «Пахтаорол» совхози-да! Чўлга келган биринчи трактор ҳам шу хўжаликнинг далаларида ишлаганакан. Завод ҳам, клуб, ҳаммом, водопроводлар қурилишлариям, умуман, чўлдаги рўшноликларнинг бари шу жойдан бошланган, дейишади. Совхознинг биринчи директори Александр Семёнович Орлов, шу хўжаликда ўттиз йилдан ошиқ муддат ишлаган Фёдор Фёдорович Семёновнинг хизматларини ҳали-ҳали мақтаб гапиришади. Узиям ҳосилдорликни ўша пайтдаёқ ўн етти центнерга етказганакан-да, азамат!..

Гап шу ерга етганда менинг ёдимга беихтиёр Ғанишер Юнусов тушди.

— Агар янглишмасам, Ғанишер ота ўз бригадасида пахта ҳосилдорлигини олтимиш центнердан ҳам ошириб юборганди. Ун етти центнер қайда-ю, олтимиш центнер қайда. Ғанишер отанинг ғўзасига меҳри қанчалик баландлигига биз ҳам бевосита гувоҳ бўлганмиз. Эллагинчи йилларнинг охириларида пахта терими ҳашарига бизларни Мирзачўл хўжаликларига олиб боришганди. Ўша йиллари биз пахта теримига фақат кун ўтказиш учун эмас, сидқидилдан ишлаб, даромад топиш учун ҳам ошиқардик. Бир мавсумда топган даромадимизга ўзимиз бошдан-оёқ кийинардик, ота-оналаримиз-у, кенжа укаларимизгача совғалар олиб қайтардик. Қизгин терим кунларининг бирида ишга шунчалик берилибмизки, бошқа бригада даласига ўтиб кетганимизни сезмай қолибмиз. Бу далада пахта чунонам очилганлигидан кўзлар қамашиб кетарди. Кутилмаган «хазина»га дуч келиб қолганимиздан қувониб, бирор соат ичида қанорларимиз-у, этакларимизни пахтага лиммо-лим тўлдирдик. Эндигина жўнай деб турган эдик, гавдали бир одам қоратўри юзларидан тер қўйилиб, даҳшатли важоҳат билан йўлимизни тўсиб чиқди. Шундагина хаёлимизга «Ғанишер ота!» деган сўз келди. Бригадиримиз қайси кундир: «Нариги дала Ғанишер отага тегишли, унга ўтиб кетманглар!» деганди-я! Биз айбдор эдик, қочиб қолишга ҳам уринмадик, кўзлари ғазабдан ёниб, қаҳри қирқта девга юк бўладиган бу одамга мўлтиллаб туравердик. У пайҳон қилинган даласини кўриб, тоқат қилолмас, депсиниб уёқдан-буёққа бориб келарди. Шундай аҳволда бўлса-да, бизни на урди, на сўқди. Фақат: «Булар менинг фарзандларим ахир, пайҳонламасдан, бир чеккадан терсанглар қўлларинг синармиди?!» деди-ю, чирпиниб қўйди. Биз Ғанишер отани юпатиш учун терган пахталаримизни ташлаб кетмоқчи бўлгандик, унинг баттар жаҳли чиқиб, бақирди: «Ғанишер унақа номардмас, меҳнат қилдингми, опкет! — шу заҳоти бирдан мулойимлашди; бизларга қанорларни ўзи орқалатиб юбораётди, оҳиста ва ғоят меҳрибон

товушда, — мандан хафа бўлманглар, — деб қўйди. Шундай олижаноб, меҳнатсевар экан у одам, тўғрими?

Менинг ҳикоямни эшитган ҳамроҳимнинг қадди-қомати тобора кўтарилиб борар, юртошидан фахрланаётгани ошқора кўриниб турарди.

— Ғанишер оталар энди бир яшаб ўтдилар-да, у кишининг жасоратиға боғлиқ гаплар кўп. У одамнинг чўлга келиш тафсилотини биласизми?

— Йўқ, эшитмаганман.

— Бўлмаса эшитинг. Урушдан олдинги ўша пайтларда ҳам раҳбарлик, ҳам ташкилотчилик қилган фаоллардан бўлмиш Бузрукхўжа Усмонхўжаев билан бир қишлоққа келган Йўлдош Охунбобоев энг зўр аскиячиларнинг исмларини чойхоначидан суриштириб билиб, уларни чақиртириб келади. Аста-секин бошланган аския авжга чиқиб, давра атрофига жуда кўп одам тўпланади. Йўлдош ота ногаҳон аскияни тўхтатиб, йиғилганларга қарата: «Ўйин-кулгининг давомини чўлда қиламиз», дейди ва уларни жасорат майдони сари даъват этади. Буни қарангки, биргина шу суҳбат сабабли 166 хонадон чўл ўзлаштиришга отланади. Республика оқсоқоли чўлга тез-тез бориб, одамларнинг кўнгилларини кўтариб тураркан. Ота андижонлик ташаббускорлар билан 1940 йилнинг баҳорида Мирзачўл (ҳозирги Гулистон) станциясида митинг ўтказади. Охунбобоев кўрсаки, баъзи андижонлик йигитларнинг шашти пастроқ, Ғанишернинг эса қовоғи солинган. Уларга чамаси, чўл ёқмаганди. Йўлдош ота дарров бир чора ўйлаб топади: ўртага эроний гилам ёздириб, устига полвонларни таклиф этади.

— Гилам ёлиб чиққанники, мана шу кунлардан ёдгорлик бўлсин, — дейди юрт отаси. Шу дам ўртага норғул гавдали, бутун вужудидан куч ёғилиб турган ерли бир полвон чиқиб, майдонни айланаверибди. Андижонликлардан ҳеч ким миқ этмас эмиш. Ғанишернинг ори келиб, полвонга талабгор бўлибди. Иккаласи беллаша кетишибди. Ғанишернинг келбати рақибиникидан қолишмаса-да, бўйи пастроқ экан. Шу туфайли менсимабдими, рақибни Ғанишерни бир зарб билан йиқитиб қўйиш ниятида даст кўтариб, ёнбошга отибди. Ғанишер эса чапдастлик билан оёқ тираб қолибдида, фурсатни бой бермай, рақибининг устига тушибди. Буни тепасида йўқ эдиг-у, аммо шу пайтда биз ҳам чўлда тупроқ чангитиб юрардик. Ўша соврин — гиламни ҳозир ҳам Ғанишер отанинг фарзандлари авайлаб сақлаб келишади. Э, нимасини айтасиз, Ғанишер Юнусовлар чўлда бўстон яратган чинакам миришкор деҳқонлардан эдилар. Ўзлари аввал ишни механизаторликдан бошлаган, кейин бригадирлик қилган...

Бунга ҳозир ҳам эришса бўлади, аммо



етишиш йўлидаги машаққатга унча-мунча одам дош беролмайди-да. Уста пахтакор — Ғанишер отадан қолган бир гап бор: илғорликнинг калити — ерни эъозлаш, унга ишлов беришда. Юқорида айтганингиздек, Ғанишер Юнусов ердан жуда эҳтиёт бўлиб, авайлаб фойдаланар, унинг ориқлаши, ҳолдан тойишига асло йўл қўймасди. Ғузларини эса, дарҳақиқат, ўз фарзандларидек авайлаб ўстирарди. Бир Ғанишер эмас, у каби жасоратлиларни санайвериб адоғига етиш қийин. Менинг ўзим билган қаҳрамонлар, доврўғи дoston бўлганлардан, — суҳбатдошим бармоқларини букиб санашга тушиб кетди, — Усмон ота Юсупов, Агрипина Ковалёва, оғанилардан Пўлат, Жалил, Ҳасан Абдукаримовлар, Муҳаммаджон Сайдалиев, Йўлдош Эшматов, Тўтихон Тошева, Иқбол Жониқулова, Маира Рустамова, Бўрон Шамсиев, Тожиқўзи Болтабоев, Лолахон Эрбўтаева, Мирзаакбар Зокиров, Абдурахмон Султонов, Турсунбой Латипов, Шарофат Бозорова, Икром Ёров...

Қарасам, у санайверадиған. Гапини бўлиб, мен ҳам ўз фикримни айтдим:

— Ҳозир-чи? Менимча, машҳур кишилар Сирдарёда кўпайса кўпайдик, камаймади. Масалан, Собиржон Сиддиқов, Тўхтаҳон Қирғизбоева, Қўзибоқар Синдоров, Зарем Ёкубов, Раҳмат Ҳотамов, Абдували Рустамов, Шавқиддин Мирзаев, Незматжон Мирзаев, Абдураззоқ Қажомов, Камол Халилов, Эгамберди Ботиров, Тоғай Идиқулов, Абдусаммад Саидмуродов, Павел Сивоконев кабилар кимдан кам? Қаранг, турли миллат, касблари ҳам ҳар хил: райком секретари, механизатор, директор, бригадир, ишчи... Аммо, мақсадлари, эътиқодлари бир хил — инсонийлик бурчини оқлаш, виждонга хилоф иш тутмаслик, чўлда эртақлардагидек бўстон яратиш, келажак авлодга ўзларидан ажойиб ёдгорликлар, унутилмас ном-нишон қолдириш. Шундай эмасми?

— Фикрингизга буткул қўшиламан. Бирок сиз ҳам, бошқа кўпчилик ҳам билмайдиган, ҳануз ҳақиқий қадрига эга бўлолмаган, Ғанишер ота сингарилардан сира қолишмайдиган одамларимиз бор. Чўлда туғилаётган қаҳрамонларнинг устозлари улар. Ажабки, буларнинг кўксиларини ҳали юлдуз бегагани йўқ, сабаби, улар дабдабалардан, кўз-кўз бўлишдан ўзларини четга олиб юришади. Кўнглидагидек ишласа, вазифани ҳалол бажариб, виждони доим тоза, эл-юрт олдида юзлари ёруғ бўлса бас. Ана шунинг ўзи улар учун ҳар қандай шон-шухратдан аъло. Аммо, менимча, ҳар бир инсон, айниқса бизнинг жамиятда, тўғри баҳосини олиши керак.

— Қани, бирон шундай одамни айта оласизми? — сўрадим мен.

— Нега айтмай, мана, масалан, Гулистон районининг Фрунзе номли колхозиде йигирма йиллар чамаси бригадирлик қилиб келаётган Давлат ака Тожиқуловни олайлик. Бу одам бошқараётган бригада, бирон йил йўқки, пахтачилик юзасидан зиммасига олган мажбуриятларини бажармаган бўлса! Давлат ака бир меҳнаткашликдагина эмас, ҳамма ишда ҳам кўпчиликка ўрнак. Қолоқ районда илғорлик қилишининг ўзи бўлмаса керак?! Шундай пайтда раҳбарлар ҳушёрроқ бўлишлари лозим-да, тўғрими?! Аслида бошлиққа кўп нарса боғлиқ бўларкан, — саволига жавоб кутмай, давом этди ҳамроҳим. — Шу районнинг «Октябрь» колхози раиси Мамазўхур Номозов ҳам ўзи бошчилик қилаётган хўжаликни муҳом илғорлик сари бошлаб боряпти. Мана шу оғир йилдаям улар область илғорлари сафиде бўлишди. Уларнинг оғзидан ҳеч қачон зорланиш, ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиш, умуман, шикоят эшитмайси. «Об-ҳаво инжиқлиги» буларнинг далаларидан четлаб ўтандими, қайдам?! Беш қўл баробар эмас-да. Бир қозон ошни битта калтакасақ булғатаркан-қўяркан. Очиғи — орамизда қолақлар унчалик кўп эмас. Шуларнинг касрига бутун область орқага кетиб, план бажарилмай ўтирса... Ҳамма ўлиб-тирилиб ишлаётган бир пайтда, ўз ҳузур-халоватини, киссасини ўйлаб «шилтинг-билтинг» юрганлар ҳамма ишнинг белига тепиши... одамга алам қиларкан! Ҳа, энди, айтаверсак — гап кўп: Чўлда, илгарилари кўрилмаган ҳар хил иллатлар ҳам, «оёқ чиқариб» қолган. Қилинмаган ишларни қилинди, деб ҳужжат тўғриловчи, ҳар хил йўллар билан йўқ хирмонларни «яратувчи»лар ҳам топилади. Билсак, бу йўл билан давлатимиз, оддий колхозчи, совхоз ишчилари ҳақи ҳисобига эгриқўллар ҳамёни чаппаяркан. Шу ўринда назоратчилар ҳушёр бўлиши, қаттиқ туриши керак, албатта. Мен сизга айтсам, олға силжишимизга тўғаноқ бўлаётган яна бир катта сабаб — ерга юзаки муносабат. Узингиз ўйланг, ер ишдан чиқса, уни уриб-сўкиб ҳосил олиб бўлмайди-ку! Бир ёқдан, чўлларнинг ҳам тағи кўриниб қоляпти. Агар байлашиб, чўлни айлансангиз кўрасиз — кўринарли, йўлга яқин жойлардаги ерларга, шўр ювиш мақсадида сув бостирилган. Шўринг қурғур ичкариларидаги ерлар тақдирини ҳамма барабар — Ғанишер отадай, унинг издошлариде ўйлаётгани йўқ! Энг муҳим гаплардан яна бири, чамамда, кейинги пахта навларининг ҳам мазаси қочдиёв. Бу олимларимиз ҳам... Э, манзилдан ўтиб кетишимизга сал қолибди-ку, қани бизникига меҳмон бўлинг!..

Суҳбати бўлиниб ҳамроҳим билан хайрлашишга зўрға улгурдим. Оддийги-

на кийинган, аммо савияси, тушунчаси олимлардан сира қолишмайдыган: бу киши билан кизгин суҳбатга берилиб, ҳатто исмини сўраш ҳам ёдимга келмабди. Майли, ким бўлса ҳам, жамиятимизнинг, халқимизнинг асл фарзандларидан бири экан. Шундай инсонлар яшаётган Гулистон шаҳри қаршимизда кад ростлаб турарди...

Автобусдан тушгач, Сирдарё облас-нинг маъмурий ташкилотларига бориш учун кўтарма йўлдан ўтилади. Чунки Гулистон станцияси темир йўлларида ҳар доим вагонлар қатор-қатор қалашиб ётади. Бу станциянинг ўзига хос ёрқин саҳифаси бор. 1896 йили қурилган Тошкент — Красноводск темир йўли шарофати билан Гулистон станцияси бунёд бўлган эди. Чўлга қадам ранжида қилган барча олижаноб кишиларнинг одим излари қолган бу ерларда. Шижоатли агроном-инженерлар Михаил Михайлович Бушуев, Николай Александрович Димо, Георгий Константинович Ризенкамфлар ўша оғир дамларда бу ерларда елиб-югуришган, чўлни обод қилиш — маъмурчилик учун жон куйдиришган. Худди мана шу жойда Ғанишер Юнусов Йўлдош отанинг маърузасини тинглаган, енг шимариб чўл билан курашга киришган. Автобусдаги суҳбатдошим, умуман, сирдарёлик жиддий, ориятли, камгап, ишчан одамлар қиёфасида Ғанишер отани кўргандек, у билан суҳбатлашгандек бўламан...

Далил ва ҳужжатлар ёқимли ё кўнгилсиз, ҳарҳолда улар ўжар, бор гапни бетга айтиб тура беришади. Чор ҳукуматининг К. П. Кауфман, Н. К. Романов каби ноиблари пахта илинжида неча юз минглаб одамларга каналлар қазитди. Қанчадан-қанча қурбонлар, қонли кўзёшларга сабабчи бўлишди. Аммо тузукроқ бирор натижага эришдиларми? Йўқ!

Фақат башарият дохийси Владимир Ильининг ғамхўрлиги, халқнинг бир ҳовуч бойлар, амалдорлар учун эмас, ўзи, болалари, келажак авлод бахт-саодати учун кураши барча орзуларни рўёбга чиқарди. Ўжар Сайхун, қаҳри қаттиқ Мирзачўл овоз, азамат инсонлар — Ғанишерлар измига бўйин эгди. Энди Сайхун мавжлари тобора каттароқ кўламли нурафшон этмоқда. Йил сайин янги-янги посёлкалар, шаҳарлар, ҳатто областлар вужудга келмоқда. Сирдарё бағридан Жиззах облас-тининг бўлиниб чиқиши шу об-ҳаёт шарофати эмасми?! Айни чоқда Сирдарё облас-тида мавжуд бўлган беш шаҳар, шаҳар типиди бунёд этилаётган посёлкалар, тўққиз район йил сайин чароғоналашиб, гуллаб-яшнамоқда. Шинам, кўркам бу шаҳару посёлкаларда халқ гавжумлашгандан гавжумлашди. Дастлаб эллиқдан ҳам оз хонадон яшаган Гулистон шаҳри аҳолиси бетиним

ўсиб борапти. Сирдарё, эндиликда саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, қурилиш, маданий-маиший, савдо ва, умуман, халқ ривожланган қудратли областлардан бирига айланди. Бу ерда «Ташсельмаш» заводининг филиали, тикув фабрикаси, ремонт-механика заводи, шунингдек бир қанча энгил, озик-овқат саноатлари тармоқлари ишлаб турибди. Қудратли қурилиш индустрияси вужудга келди. Биргина темир-бетон конструкциялари тайёрловчи Янгиер комбинатида йилига эллиқ минг кубометр ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Сирдарё ГРЭСи эса Урта Осиёда йирик нур иншооти бўлиб қолди...

Шундай экан, унда Ғанишер авлодлари, чўл шунқорлари нега хафа? Ҳа, далил ва ҳужжатлар ўжар бўлади. Яхшиси, биргалиқда область бўйлаб саёҳат қилайлик-чи...

«Қорасовуқ» бошланган кунлар. Далалар кимсасиз. Мирзачўл белига камардек тортилган асфальт ўзра ғизиллаб кетаётган машинанинг ён-вериди ҳаво чийиллаб «қўшиқ куйлайди». Узоқ-узоқларда онда-сонда кўриниб қолувчи, кўн-ғиздек ўрмалаб ер ҳайдаётган тракторлар ортида қарға-зағчалар учиб юришибди. Ҳамроҳим — облас-тининг раҳбар ходимларидан бири ҳорғин судралаётган тракторларга хомуш назар ташлаб қўйди-да, юзини четга бурди.

— Ер остида қолаётган ғўзапоя экин пайтигача чириб улгурармикин? — суҳбатга тортдим уни. — Тажрибали деҳқонларнинг айтишича, ғўзапоя қолдиғи экишга, ёш ниҳоллар ривожига халақит берибгина қолмасдан, зараркунандалар учун яхшигина бошпана ҳам бўлармиш, шу ростми?

— Ҳақ гап, — фикримга эътирозсиз қўшилди суҳбатдошим. — Ҳал қилиниши лозим бўлган ҳозирги долзарб муаммолардан бири шу. Ғўзапояни йиғиштириб олиш имкони бўлмаган тақдирда уни техника орқали майдалаб, далаларга сочиб кетиш чорасини қўллаш лозим. Шундагина у безарар ҳолга келиб, ўғит вази-фасини ўтайди...

Машина елиб бормоқда. Ҳайдалмаган далаларда нимжон ғўзапоялар жинграйиб туришибди. Катта-катта майдонларни қамиш, ғумай, ажриқ каби бегона ўт қолдиқлари қоплаб олган.

— Бу ҳақда тагин гап кавлаштираётганим учун хафа бўлманг-у; чўлни ўзлаштиришдан асосий мақсад пахтачиликни ривожлантириш эканлиги аниқ, — дея мавзуни давом эттирдим. — Аммо, аҳволдан ерларнинг жири-жирдони қуриб бораётгани кўриниб турибди. Буни область марказий ҳисоблаш бошқармаси берган маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Маълумки, дастлабки хўжалик «Пахта-орол» совхозида ҳосилдорлик 17 центнерга етган экан. 1941 йилга бориб Мирзачўл пахта заводи зонасида бир гектардан ўрта ҳисобда 18,6 центнердан пахта ҳосили етиштирилибди 1970—1975 йиллар давомида эса Сирдарё областида ҳар гектар ердан ўртача 29,9 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилган! Демак, шу даврга қадар тўхтовсиз ўсиш, ривожланиш давом этган. Энди кейинги тўрт йиллик (1980—1983) натижаларини алоҳида-алоҳида олиб кўрадиган бўлсак, ҳосилдорлик 26,2; 26,3; 24,7 ва 22 центнерданни ташкил этгани ойдинлашади. Қаранг, ерларни ўт босган, ғўзапоялар нимжон. Демокчиманки, ортага кетиш сабабларидан бири ерга эътиборсизлик эмасмикин?

Сухбатдошимнинг юзида қилт этган ўзгариш сезилмади. У менинг ҳаяжонланиб гапирган гапларимни, келтирган далилларимни гўё эшитмаётгандек эди. Анча жим боргач, юзимга ўткир назар билан қараб қўйди-да:

— Чўлга кўпда ишингиз тушмаган, шекилли? — деди совуққонлик билан. — Мирзачўл дастурхоний қанчалик кенгайган сари, уни безатиш шунчалик қийинлашиб боришини тасаввур қиларсиз. Демак, бошқариш ишлари йилдан-йилга мураккаблашмоқда. Бу билан ўзимизни оқламоқчи эмасмиз, сизнинг гапларингизда жон бор, албатта... Мана, Янгиер шаҳрига ҳам етиб келдик. Ҳозир Мирзачўл қурилиш музейига борамиз, тараққиёт босқичлари акс эттирилган лавҳаларни кўриб, чўл ҳақидаги тасаввурингиз бойиши шубҳасиз...

Кескинроқ тус олган суҳбат мавзуси ўзгарди. Шинам, ораста шаҳарча кўз ўнгимизда чирой очиб, қад ростлаб борарди. Кунчиқар ёқда қалин ихота дарахтлари катта йўл бўйлаб чўзилиб кетган. Бу «жонли девор» Бекобод шамолига қалқонлик вазифасини ўтаркан. Катта, серсув канал, ёқасига етгач, машинадан тушиб, қирғоқ бўйлаб пиёда кетдик.

— Бу каналга А. А. Саркисов номи берилган, қурилганига йигирма беш йил тўляпти. У одамнинг кимлигини биларсиз?

Мен тасдиқ ишораси қилдим. Бутун ҳаётини чўл ўзлаштиришга бағишлаган инсон — Акоп Абрамович ҳақида кўп эшитгандим.

— Ана у бинолар. — каналнинг нариги қирғоғидаги кўлқаватли кошоналарга ишора қилди ҳамроҳим, — Тошкент Ирригация институтининг Янгиердаги филиали.

— Тараққиёт ҳукми. Туркистонда ирригация-мелиорация соҳасининг илк дебочалари ҳам Мирзачўлда пайдо бўлган эди-да...

— Бу соҳада ҳал қилиниши лозим бўл-

ган кўп мушкул муаммолар ҳали олдинда турибди, — гапимни кесди суҳбатдошим. — Боя! айтганингиз — ернинг тинкасини қуритаётган сабаблардан қутулиш учун шўр ювиш, зах қочиришга жиддий қараш кераг-у, талабдагидек иш қилолмаяпмиз...

Мирзачўл қурилиш музейи, дарҳақиқат, ҳар қандай бадқовоқ меҳмон кўнглини ҳам яйратиб юборар даражада жозибали, мазмунли ва ораста экан. Хонама-хона ўтиб, Мирзачўл ҳаётини саҳифама-саҳифа ўқиб боргандек бўласиз. Елкама-елка туриб чўл билан олишган турли миллат вакилларининг ёрқин сиймолари билан танишасиз...

Қайтишда узилиб қолган суҳбатимиз ўз-ўзидан улашиб кетди. Ҳамроҳимнинг авзойи ўша-ўша — тунд кўринса-да, энди муҳим масалаларни тинмай гапириб келарди.

— Сиз айтган муаммолар — ерга эътиборсизлик, кадр танлашдаги юзакликлар, ирригация, ва мелиорациядаги кўзбўямачиликлар, баъзи кўпиртирувчилар айтаётган даражага тушиб қолган бўлмасада, ҳарҳолда, у даъволарда жон бор. Буларнинг илдизи битта жойга — ўз-ўзимизга ва бошқаларга назоратни сусайтириб юборганимизга бориб тақалади. Чамамда, биз ўта даражада хотиржам бўлиб қолдик. Бунинг оқибатида ошна-оғайнигарчилик, ўзибўларчилик, шахсиятпарастлик сингари иллатлар бош кўтариб, олға силжишимизга тўғаноқ бўляпти...

— Табиий шароит ҳақида нима дейсиз? Кейинги йилда об-ҳаво, ҳар қалай, анча оғир келди шекилли?

— Кечирасиз-у, қидирса, иш ёқмасга баҳона кўп топилаверади. Чин кўнгилдан берилиб, шу уйим, шу жойим, шу ҳаётим деб ишлаганлар сира нолимайдилар. Бу масалада гап кетганда агросаноат бирлашмаимизнинг бош директори Собиржон Сиддиқов ёдимга тушади. У одам ўзи бошқараётган хўжаликка биронта ҳам эгрикўнгилни йўлатмайди. Мен бошлиқман, деб ўтирмай, ҳамма жойда, ҳамма ишда шахсий намуна кўрсатади. Раҳбарлигидаги одамлар, техникалар, умуман, хўжаликнинг барча икир-чикирларини беш қўлдек билади. Натижада, ҳар қандай оғир шароит бўлмасин, бирлашма деҳқонлари ҳар йили мўлжалдаги пахтасини сира қамайтирмай топширишяпти. Энг оғир келди, дейилган йилда ҳам улар қойил қилишди: 18 минг 627 тонна ўрнига 21 минг 500 тоннадан зиёд пахта беришиб, ҳосилнинг 16 минг тоннадан кўпроғини машиналарда теришди. Сирдарё районининг «Малик» совхози бригадири, кўп болали аёл Тўхтаҳон Қирғизбоевани айтмайсизми! Оила, бола-чақа, рўзғорини гулдек қилиб қўйиб, ҳосилдорликни ҳар гектардан 50 центнерга етказилиши-

ни таъминлади! — Суҳбатдошим бир оз жим борди-да, чуқур ҳўрсиниб қўйиб, гап жilовини яна қўлига олди. — Облaстимизда Зарем Ёқубов деган масъул вазифада ишлайдиган бир одам бор. Уша киши кўнгиллилардан бригада тузиб, бекор ётган тўқайдан ер очди, улар пахта экишди. Ҳам буёқдаги ишини эплайпти, ҳам пахта ҳосилдорлигини муттасил ошириб боряпти. Муҳими шундаки, ундайларнинг гапига ҳамма ишонади, ишонишга мажбур. Чунки улар кимлигини амалда кўрсатишяпти-да! Э, саломатлик бўлса, биз ҳам энди раҳбарларимиздан илтимос қиламиз, бирон қолоқ хўжаликка бориб толени синаб кўрмоқчиман. Жа бўлмаса, Зарем Ёқубовга ўхшаб, бевосита пахта етиштиришга киришмоқчиман!..

Беихтиёр унга кўз ташладим. Ҳамроҳимнинг япалоқ қизгиш-қорамтир юзи ҳаяжондан бўғриққан, узоқ-узоқларга тикилган йирик-йирик кўзлари чўғдек ёнарди. У ҳам Ғанишер шиддатини ёдга тушириб юборди. Қариндошлари, невалариданмикин? Ким бўлса ҳам чакана эмас! Шундайлар тўғри йўлдан тойганларни изга туширишга, даврнинг оғир юкларини елкага олишга қодир.

Ҳар йилнинг ўзига хос машаққатлари-ю, сурури бўлади. Бултурнинг ёзи узайиб, қиши кеч келганлиги маълум. Табиатда ҳамма томон ўлчовли, ўша кечикиш эвазига бу йилнинг баҳори анча ортга сурилди. Шундай шароитда деҳқон ишининг мушкуллашуви табиий бир ҳол. Аммо баҳонага ҳам ўрин йўқ: қиш фасли ўзига тегишли «улуш»ни олди холос. Шундай бўлишини яхши билган тадбиркор дала соҳиблари ҳар дамнинг қадрига етиб ўлчовли, аниқ ҳисоб-китоб асосида иш юритмоқдалар.

Мана, республикамиз навқирон ёши нишонланадиган йилнинг ярми кетди, ҳисоб. Хўш, шундай долзарб паллада Сирдарё областида ишлар қай даражада бормоқда? Юбилей йили вазифалари бажариладими, йўқми? Бу сингари саволларга ҳозирча аниқ жавоб бериш имкони бўлмаса-да, сирдарёлик деҳқонлар сарҳисоб маррасини яхши билишади. Улар ошадиган доvon анча юксак: бу йилнинг хирмони устига устак бултурдан қолган қарз ҳам бор. Ҳар қалай, якун чакки бўлмаса керак, ахир Ғанишерлар садоси қалбларга илҳом, белларга куч-қудрат бахш этиб турибди-ку!



С. П. Бородин



Одил Ёқубов

# БИР ШЕЪР ТАРИХИ

Таниқли шоиримиз Тошпўлат Ҳамид Нуротага тез-тез келиб турарди. Бу ерда у чорвадорлар, боғбонлар, турли касб кишилари билан суҳбатлашар, Нуротани ўзича яхши кўрарди.

Тошпўлат аканинг бир қатор шеърлари, жумладан унинг тилга тушган, анча машҳур «Тоғларга боқ, тоғларга» деган қўшиғи шу ерда ёзилган эди.

Мен Тошпўлат ака билан яқиндан таниш, дўст, у кишининг айрим шеърлари, дostonлари ёзилишидан воқиф эдим. Тошпўлат ака ҳар қандий даврага қўшилиб кетар, оддий кишилар суҳбатидан баҳраманд бўлар, ҳизил-мутабаъни, беғуборликни ёқтирар, даврларда олган таассуротлари унинг асарларига кўчар эди. У ниҳоятда бағри кенг, холис, самимий инсон эди.

Инсондан дунёда унинг қилган ишлари қолади, дейишади. Тошпўлат акадан буларнинг устига, ўқувчилар севиб ўқиган, ўқиётган шеър-dostonлар, сўз қолди.

Ҳамид Олимжон номидаги адабий мукофот лауреати Тошпўлат Ҳамид баъзан кезиб юриб, шеър ёзар ва суюниб, уни дўстлари қўлида эсdалик тириқасиоа қолдириб ҳам кетаверар эди. Шу боисдан, Тошпўлат аканинг дўст-биродарлари қўлида қолган шеърлари ҳам йўқ эмас, деб ўйлайман.

«Нурато» деган мана бу шеърнинг тарихи ҳам шундай. Тошпўлат ака Нуротага сўнги келишида уни битган, менга эсdалик тариқасида топширган эди.

Ажойиб дўстимизни ҳурмат билан хотирлаб, мазкур шеърни азиз журнал-хонлар эътиборига таклиф этишни истардим.

Ҳожиқул ХУДОЙҚУЛОВ



## Нурато

Табиат нур ато этмиш,  
бу ерни Нурато дерлар,  
Кимики кўрмаган бўлса,  
қилибдур ул хато дерлар.  
Чўзиб бўй тоғлари кўкка,  
бу осмон устуни гўё,  
Азалдан боғлари жаннат,  
бу жаннат пурзиё дерлар.  
Париваш қизлари дилкаш,  
йигитлар паҳлавон, ўктам,  
Муҳаббат бобида якто,  
тутар шарми-ҳаё дерлар.  
Қалашган тоғу тошлардан  
шалола шарқираб оққай,  
Бу ерда мункимас чоллар,  
олиб қўлга асо дерлар.  
Булоқлардан зилол сувлар  
ичиб ойдинда оҳулар,  
Какарлаб сайрагай каклик,  
қилиб кайфу сафо дерлар.  
Юракдан дарз кетиб кўплар,  
шифо излаб юрар бекор,  
Бу гулшан хасталикларга  
ўзи доим шифо дерлар.  
Бу ерни, Тошпўлат, куйла,  
табиатни севар бўлсанг,  
Ғазалхон бахшилар юрти,  
қадамда куй, наво дерлар...



Алексей Толстой

## СОВЕТ АДАБИЁТИНИНГ ЧОРАК АСРИ

Ўрта Осиё халқлари адабиётининг илдизи теран, у қадим замонларга бориб тақалади. Бу айниқса Ўзбекистонга тааллуқлидир. Бироқ феодал муносабатлар ва колониал зулм бу ерда ниҳоятда оғир эди... Шундан, совет давридаги адабий ҳаракат узоқ замонлар сукут сақлаган Ўрта Осиё халқлари учун миллий маданиятнинг гуллаш даври бўлди. Ўзбек ва қозоқ адабиётлари урушдан олдинги даврда узоқ анъанага эга шеърятдан ташқари, қисса, роман ва драма ҳисобига бойиб боришди. Буни тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқ ва Доғистон халқлари тўғрисида ҳам айтиш мумкин...

Стальский сингари Жамбул, Исом шоир, Дурди Қилич, Фекли Буззубова, Фаррах, Ҳамзат Цадаса, озар ошиқлари, арман гусанлари, ёқут олонгохутлари, қирғиз ва қозоқ оқинлари асарларининг рус тилига таржима қилиниши уларни халқ оғзаки ва ёзма адабиётнинг муштарак намунасига айлантираётди.

Миллий адабиётларнинг ўсишида миллий маданиятда ворисликнинг қарор топиши ва Низомий, Навоий, «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон», «Довуд Сосуний», «Жангар», «Манас» сингари классиклар асарлари ва халқ дostonларининг миллий тилларда ҳамда рус тилига таржима қилиниб босилиши чинакам катта аҳамият касб этди...

Миллий адабиётларда бутун совет адабиёти тараққиётини таъминлаб, унинг юксалишига муайян даражада таъсир кўрсатаётган прозаиклар, шоир ва драматурглар — бир талай ёзувчилар қалам тебратяптилар. Булар, Украинада: — Тычина, Рыльский, Корнейчук, Яновский, Панч, Первомайский; Белоруссияда: — яқинда вафот этган Янка Купала, шунингдек, Якуб Колас, Бровка, Крапива, Линьков, Грузияда: — Табидзе, Чиковани, Леонидзе, Киачели, Лордкипанидзе, Шальва Дадвани; Озарбайжонда: — Самад Вурғун, Расул Ризо, Ўрдубоди; Ўзбекистонда: — Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Яшин, Абдулла Қаҳҳор; Қозоғистонда: — Собит Муқонов, Мухтор Авезов, Мусрепов, Тожибоев; Арманистонда: — Аветик Исаакян, Дереник Демирчян, Наир Зарьян, Стефан Зорян; Тожикистонда: — Лоҳутий ҳамда тожик ва ўзбек тилларида ёзадиган Садриддин Айний; Қирғизистонда: — Али Тўқумбоев ва Маликов; Туркманистонда: — Берди Кербобоевлардир...

1. Александр Александрович Фадеев мазкур мақолани 1945 йилда ёзганди. У ёзувчи вафотидан сўнг, «Дружба народов» журналы 1957 йил 1-сонида эълон қилинган. Қисқартиб олинди.

Александр Фадеев

## ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ИФТИХОРИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар, чорак асрдан жилла кўпроқ вақт муқаддам, рус чоризми ва ўз боёнлари истибдоди остида бўлган ўзбек халқи Шарқдаги қоронғида қолган, мазлум халқлардан бири саналар эди. Бугунги кунда эса, Ўзбекистон, халқлар дўстлиги, айниқса улуғ рус халқининг биродарларча ёрдами туфайли, СССРдаги йирик sanoat райониға, шунрақ қозонган пахтакор республикаға, қишлоқ хўжалиги ҳар жиҳатдан ривожланган ўлкаға айланди; ўзбек халқи ўзининг чинакам миллий маданияти, санъати, ўз она тилидаги адабиётини яратиб ва камол топдириб, жаҳон маданият ва тараққиётига улуш қўшиб келаётди...

Совет тузуми миллионлаб ўзбек халқи фарзандлари учун уларга асрлар давомида берк турган қадимий классик мерос хазинаси қопқаларини очиб берди. XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер

Навоий, ундан сал бурун яшаб ўтган Лутфий яратган асарлар, шоир Бобурнинг ажойиб рубойи ва ғазаллари, унинг таржиман ҳоли акс этган машҳур асари, номи Хўжа Насриддин сингари халқ хотирасига чуқур ўрнашган Машрабнинг хаёлкаш ва исёнкор шеърляти, XIX аср охири XX аср бошида ҳаёт кечирган ўткир ижтимоий характердаги ҳажвий асарлар муаллифи, демократик йўналишдаги улкан лирик шоир Муқимийнинг ижодиёти, буларнинг бари — юксак инсоний идеаллар ва миллий характерни ўзида мужассам этган барҳаёт инсонлар қомусини ташкил қилиб, халқнинг тафаккур оламида унинг миллий ифтихорига айланган. Ўзбек халқининг бу миллий бойлиги эндиликда кундан кунга СССР ва бутун дунё халқлари маърифат хазинасига унинг ажралмас бир бўлаги бўлиб қўшилиб.

«Равшанхон», «Алломиш» сингари халқ дostonлари, бой ва рангин халқ қўшиқлари ва рақслари — булар маданият арбоблари томонидан ҳозирги замон миллий санъатининг табиий негизи, теран манбаи сифатида янгидан иккишоф этилиб, улар ижодида ўз ифодасини топтоқда. Халқ қўшиқлари, дostonлари билимдони, ўзи бир хазина бўлган, Ватан уруши кунларида учта, жанг китоби, баҳодирлик китоби ҳамда зафар китоби, деб аталган янги қўшиқлар тўпламлари тузган машҳур Ислom шоирга ўхшаган халқ бахшилари чинакам маданият арбоблари сафига қўшилиб, обрў-эътибор қозонишмоқда...

Тошкентда учта театр мавжуд: опера ва балет театри, Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театри, Ҳамза номидаги драматик театр.

Мазкур театрлар рус, украин, бир қатор совет адиблари ҳамда жаҳон адабиёти классиклари асарларини саҳналаштиришаётир. Аммо ўзбек театри ва драматургиясининг энг буюк муваффақияти ўзига хос миллий опера ва драма яратганидир. Шу жиҳатдан, уруш йилларида саҳналаштирилган бир неча асарларни таъкидлаб ўтиш мумкин. Булар — ажойиб «Улуғбек» операси (Козловский музикаси), фожиавий, шу билан бирга, қаҳрамонлик руҳига тўлгин, шоирона нозик битилган, ўзбек Ромео ва Жульеттаси пок севгисини тараннум этувчи Собир Абдулла асари асосидаги «Тоҳир ва Зухра» музикали драмаси, таниқли ўзбек драматурги К. Яшин ва шоир Амин Умарийнинг «Ҳамза» пьесасида ёрқин образи гавдаланган ўзбек совет адабиётининг асосчиси ва ўзбек маърифатпарварси — Ҳамза номидаги драматик театрнинг талай спектакллари. Театрнинг қўйган асарлари орасида драматург Иззат Султоновнинг ўзбек халқининг буюк дўсти, таниқли совет саркардаси Михаил Васильевич Фрунзе ҳаётига бағишланган «Бургутнинг парвози» асари ҳам алоҳида аҳамиятга молик...

Бадий наср соҳасида миллий традицияларга эга бўлмаган ўзбек совет адабиёти ўз ижодини «Уч» ҳамда «Бахтигул ва Соғиндиқ» деган ажойиб дostonлар билан бошлаган, ҳозирда академик — Ойбек сингари улкан прозаикни майдонга чиқарди. Сўнги йилларда бу адиб рус тилига таржима қилиниб, бутун совет насрида аниқ воқеага айланган икки салмоқли асар — «Қутлуг қон» ва «Навоий» романларини яратди. Ўзбекистонлик бошқа прозаик — Абдулла Қаҳҳорнинг истеъдоди ҳам кундан кунга барқ ураётир. Ёзувчи Ойдиннинг маиший мавзудаги ҳикоялари ҳам диққатга сазовор...

Шоир ва академик Ғафур Ғулom ижоди совет поэзиясидаги ўзига хос, бетакрор воқеадир. Унинг шеърляти миллий анаъналарни Маяковский шеърляти традициялари билан ғаройиб бир тарзда уйғунлаштирган. Шоирнинг шеърлари катта фикр ва теран туйғулар маҳсулидир. Бу — том маънодаги улкан совет шоири...

Рус тилига таржима қилинган, рус китобхонлари ҳам таниш «Урик гуллаганда» шеърлар китоби ҳамда «Зайнаб ва Омон» дostonининг муаллифи Ҳамид Олимжон кундан кунга камол топиб, бўй-бастини намойиш этди. У халқ қўшиқлари ва дostonларига яқин руҳда асарлар яратган юксак маданиятли шоир...

Ўзбек шоирлари, бошқа халқларнинг шоирлари билан бир сафда, аини уруш кунларида ҳар қачонгидан кўп қалб қўрларини тўкиб, ўз иқтидорларини намойиш этишди...

1. Алексей Николаевич Толстойнинг мазкур мақоласи нутқ тарзида 1942 йил октябрь ойида Тошкентда ёзилган. Айрим парчалар олинди.

## Ҳ. НИЁЗИЙ ВА Н. ПОГОДИН

Николай Погодин XIX аср рус ҳаётини, ундаги истибод, жаҳолатпарастлик каби жирканч қусур ва иллатларни пьесаларида катта маҳорат билан акс эттирган улуғ рус драматурги Александр Островский ижодини юксак баҳолаган. Александр Островскийнинг ажойиб драмалари кўп, аммо бош қаҳрамони Катерина софлик тимсоли даражасига кўтарилган «Момақалдироқ» драматург ижодининг чўққисидир. Бу эҳтиросли, романтик аёл уни охир-оқибат ҳалокатга олиб борувчи «диққинафас дунё»да яшай олмайди.

Улуғ рус таниқдчиси Добролюбов ўзининг мазкур пьеса таҳлилига бағишланган мақоласида «Момақалдироқ»ни Островскийнинг «энг ўткир асари» деган эди. «Катерина ўлимида биз, — деб ёзади Добролюбов, — Кабанованинг ахлоқ тўғрисидаги тушунчаларига қарши норозилик, уйда азоб-уқубатлар тортган пайтда изҳор этилган ва бу муштилар аёл ўзини чуқур дарёга ташлаши олдиндан ниҳоясига етказилган норозилик ифодасини тўямиз. Катерина образида халқнинг эзгу ғояси — озодлик ғояси ўзининг бадий инъикосини топгандир.» Буни келтиришимиздан мурод мазкур асарнинг ўзбек драматургиясига таъсирини кўрсатишдир. Бу жиҳатдан йирик ўзбек драматурги Ҳамзанинг пьесалари бой материал беради. У ҳам Туркистоннинг инқилобгача бўлган ҳаёти ҳақида бир қатор асарлар

яратган. «Захарли ҳаёт», «Майсаранинг иши», «Паранжи сирлари» сингари пьесаларида хонлар, бойлар, мулгаларнинг қилмишлари оқибатида пайдо бўлган «зулмат»ни ҳаққоний тасвирларда кўрсатди. Бу салбий типлар қиёфаси ва характерида ана шу тарихий муҳитга мансуб барча реакцион, ғайриинсоний хусусиятлар мужассамлашган. Шу нуқтаи назардан қараганда Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» пьесаси Островскийнинг «Момақалдироқ» драматикасига ҳамроҳандир. Унинг бош қаҳрамонларидан бири Жамила эса ўзининг ахлоқий софлиги, аччиқ қисмати билан Катерина образини эслатади. Жамила ҳам «зулмат» билан курашда ҳалок бўлади. Ўз навбатида Ҳамза ҳам Островский каби қаҳрамонининг ўлими орқали адолатсиз тузумни, заҳарли муҳитни айблайти. Ҳар иккала ўлим пьесаларга фожияна тус берса-да, бироқ ҳар иккала образда ҳам умидсизлик руҳи сезилмайди. Чунки бу ўлимлар қаҳрамон аёлларнинг мағлубияти эмас, балки муқаррар равишда яқинлашиб келаётган «зулмат» таназулининг рамзидир. Иккала улғу драматургнинг асарларидан ҳам шундай ғоя балқиб туради.

Николай Погодин Александр Островскийнинггина эмас, айни вақтда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодининг ҳам билмидони, уни муносиб баҳолаганлардан биридир. Бундан қирқ икки йил муқаддам у Островский ва Ҳамза ғояларининг ўхшашлигига эътибор қилган эди.

Таниқли драматургни, яқиндан биладиган журналист Осип Юхнов ўз эсдаликларида Николай Погодиннинг 1942 йили Тошкентда, Ҳамза номидаги академик театр артистлари ижросида «Бой ила хизматчи» пьесасини томоша қилганини ва спектаклнинг унда катта таассурот қолдирганини қайд этади.

Николай Погодин Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижодидан ташқари, унинг инқилобий таржимаи ҳоли билан ҳам қизиққан. Осип Юхновнинг хотирлашича, Николай Погодин театр артистлари билан бўлган суҳбатда шундай деган: «Ҳамза руҳига кўра, шубҳасиз Островскийнинг шогирдидир. «Бой ила хизматчи» пьесасини диққат билан кузатсангиз, сиз унда ўзига хос «зулмат»ни кўрасиз. Ҳамзадаги бой ва дин пешволари ўз характери, бойликка муносабатлари, бағритошлиги билан буюк рус драматурги яратган классик образларга жуда монанддир. Ҳамза асарларидаги образлар синфий жиҳатдан янада ўткирлаштирилган, миллий тус берилган.»

Қаранг, Николай Погодин «Бой ила хизматчи» пьесасидаги бадий типларнинг синфий моҳиятига қандай баҳо берган!

Погодин ҳақли равишда таъкидлаганидай, Островский реализми билан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий социалистик реализми ўртасидаги тафовутнинг моҳияти ана шунда.

Бироқ, Ҳамза реализми бошқа бир омиллар билан бирга XIX аср рус классиклари, жумладан Александр Островскийдан озиқланиб, ўзлаштирилган адабий анъаналар таъсирида шаклландир.

Николай Погодин юқорида эслатиб ўтилган суҳбатда «рус ва ўзбек классиклари илғор ғояларининг муштараклиги»ни таъкидлагани бежиз эмас, албатта.

Александр Островский қатор ижобий қаҳрамонлар, хусусан «Момақалдироқ»даги Катерина образи орқали рус аёллари ҳақидаги идеалини ифода этди:

Ҳамза ҳам ўзбек маданияти тарихига асрлар давомида жабру ситам чеккан ва ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум этилган Шарқ аёллари эрки ва ҳуқуқининг куйчиси ва курашчиси сифатида кирди.

Николай Погодин ўзининг 1935 йил «Правда» саҳифаларида босилган «Фарғона водийсига саёҳат» очеркида хурриятга эришган бир қатор ўзбек аёллари ҳақида ҳикоя қилади.

Шарқ аёлларининг эрки учун кураш узоқ давом этди, ниҳоятда оғир, машаққатли кечди. Биринчи бўлиб паранжи ташлаган ўзбек аёли Турсуной Саидазимова саҳнага чиқишга журъат қилгани учун 1928 йилнинг май ойида эри Ҳожикўл томонидан ваҳшийларча ўлдирилди. Аксилинқилобчилар, шарият пешволари ислом қонунларини, эски дунёнинг шафқатсиз ахлоқ қоидаларини поймол этган аёлни ўз эрининг қўли билан ана шу тариқа жазоладилар.

Бу қотиллик бутун Ўзбекистонни ларзага солди. Ҳамза бу воқеага дарҳол «Турсуной марсияси» шеъри билан ўз муносабатини билдирди. Унда шоир Турсуной номидан сўзлайди ва бу усул шеърининг ҳиссий таъсирини кучайтиради:

**Қуримасдан дорга ёйган кўйлагим,  
Езмай шимарилган нозик билегим,  
Вафосиз ёр экан — қонимни тўқди,  
Шул эрдими дўстлар, севган тилагим!!**

Фожеий ҳолатни ана шу тарзда баён этган шоир яна қаҳрамони тилидан ўзгаларга, сафдошларига қуйидагича мурожаат қилади:

**Соғинганлар сўрса: алдаб, юпатинг,  
Мендан салом айтиб, кўнглин қувонтинг!  
Ҳожикўлдек ёвуз юрак ётларни  
Еш турмушдан, ёшлар, қувлаб йўқотинг!**

1. Осип Юхнов. На дорогах минувших лет. «Звезда Востока», 1963, № 9.



Мазкур тарихий факт Николай Погодин қалбида ҳам акс-садо қайтаради: у 1942 йили ёзган очеркларидан бирини рус китобхонларига шундай ҳикоя қилади:

«Театрнинг халқ ҳаётидаги аҳамиятини чуқур англаб етган манфаатпараст, қабиҳ ниятли миллатчилар ўзбек санъатига қарши ниҳоятда усталик ва маккорлик билан қуролланган эдилар.

Лекин театрда қаҳрамонлик кўрсатганлар асосан ўзбек аёллари бўлди. Бу ана шу давр драмасининг бош мавзуи эди.

Ўзбекистоннинг илк актрисаларидан бири Турсуной эри томонидан ўлдирилади. Маккорлиги жиҳатдан чуқур ўйлаб амалга оширилган бу қотиллик, ўзига хос интиқом эди. Бахтсиз қотилин тухмат, мишмишлар басир қилиб қўйганди. Ахир тухмат фош бўлиб қолиши мумкин-ку. Яхшиси, артист-хотин билан яшашнинг нақадар шармандали эканлигини эрининг қулоғига қўйиш керак, токи у хотинини ўз уйида ўлдирсин, шунда бу воқеа бошқа кўплаб қизларга ибрат бўлиб, улар театр ҳақидаги орзуларидан воз кечишса ажаб эмас.»

Агар, Ҳамза «Турсуной марсияси» шеърисида артистанинг тенгдошларини ҳаётда ва санъатда ана шу жасур аёл изидан боришга даъват этса, Николай Погодин ўз очеркида мазкур фикрни кенгайтириб, қотилликнинг пинҳона сиёсий моҳиятини очиб беради, унинг махфий фатвочиларини ва ўзақ сабабларини фош этади.

Айнан, бир мавзуда атиги ўн тўрт йил тафовути билан [бири 1928 йил, иккинчиси 1942 йил] қалам тебратилган Ҳамза билан Погодин шу тарих ҳамфикр бўлиб чиқишади.

Юқоридаги факт ягона эмас. Турсуной мазкур шиддатли курашларнинг ёлғиз қурбони бўлмаган. «Раққоса Нурхонни унинг акаси ўлдирди. Бу театрга, санъатга нисбатан ошқора қасос эди», — деб яқунлайди фикрини Николай Погодин.

Ҳамзанинг шогирди ва Николай Погодиннинг сафдоши Комил Яшин 1940 йили «Нурхон» драмасини ёзади ва унда ана шу мардона аёл образини ҳаққоний талқин этади. Нурхон янги турмуш, янги санъат тантанасига қатъий ишонади ва ўлими олдидан бу ишончини ўзгаларга васият қилиб қолдиради: «Қўрқманглар... Маҳкам бўлинглар. Санъатни гуллатинглар!

Сиз эй, ўртоқларим, бу нурли йўлдан қайтмангиз асло.  
Уларман, лекин ўлмас санъатим, бахтим, шараф-шоним.»

Нурхон ана шу тарзда гўё Турсунойни такрорлайди, уларнинг чақириғи оммавий васиятга айланади, бу васиятга юзлаб қизлар садо берадилар. Шунинг учун ҳам Нурхон ва Турсунойларнинг сўзи, бахти, санъати ўлмади. Уларнинг умрини, санъатини, ўзларидан кейинги авлод вакиллари давом эттирдилар.

«Бу вақтда Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраевалар театрга кириб келишди, — деб ёзади Николай Погодин ушбу ворисликни алоҳида таъкидлаб. — Бундай жасорат, бундай ёлқин қаёқдан пайдо бўлди! Ҳаётини тажриба ортдим, фикрлар ўзгардим, билим, тушунча ўсдим! Қишлоқдаги биқиқ турмуш, болалар уйи, педагогика институти ва Боку театр студияси... Эҳтимол бу аёллар ўз халқи санъати тараққиётида нечоғли қимматли, мислсиз роль ўйнаганликларини ўша пайтда ҳатто тасаввур ҳам қилишмаган бўлса керак. Ҳақиқий талантга қўрқоқлик ёт. Ҳамза улар учун чинакам ибрат бўлган эди.»

Николай Погодин Ҳалима Носирова ҳақидаги очеркида («Правда Востока», 1 май 1942 й.) бу санъат фидойисининг ҳаётини шарҳлаб, завқ-шавқ билан шундай ҳаяжонли сатрлар битган эди: «... Ҳалима Носировани ҳамма ниҳоятда дилбар актриса, овози жуда ёқимли, умуман ҳақиқий истеъдод эгаси, деб тан олади. Артистона жозоба, овоз, истеъдод — табиат томонидан ато этилган, ҳавас қилишга сазовор инъом. Бироқ, гап шундагина эмас, биз агар боғларда ҳалинчак учиб юрган қизалоқнинг СССР халқ артистигача бўлган ҳаёт йўлини назардан ўтказсак, кўз олдимизда узоқ ва машаққатли йиллар, ниҳоятда катта, оғир меҳнат жараёнлари гавдаланади.

Тинимсиз меҳнат ва тажриба билан такомиллаштирилиб борилмаса, табиат ато этган ҳар қандай истеъдод ҳам сўниши, барг ёзмаслиги мумкин.»

Николай Погодин Ҳалима Носирова баҳонасида бошқа қалдирғоч санъаткорларимизнинг ҳаёт йўлига ҳам жуда ҳаққоний баҳо беради:

«Қалбида санъатга бўлган отақин муҳаббат билан революцион жасорат уйғунлашиб кетган биринчи ўзбек актрисаларининг ўзбек маданияти тарихи ва тараққиётида тутган ўрни ва роли беқиёс қимматга эгадир.»

Бундай граждонлик ва ижодий жасорат манбаини Николай Погодин юқоридаги очеркида қуйидагича изоҳлайди:

«Бу ўринда Ҳамзанинг — маърифатпарвар, шоир ва драматургнинг серқирра фаолияти ва шахсиятини эслаб ўтиш жоиздир. Унинг ҳаёти ҳозир биз учун афсонага ўхшаб туюлади. У санъатга алоқадор кишилар хотирасида барҳаётдир. Ўзбек театрининг улкан муваффақиётлари, кўпгина артистларнинг шон-шухрати Ҳамза билан беvosита боғлиқдир. Шахсий намунада ҳикмат катта.»

Ахир, «Зар қадрини заргар билади» деб бежиз айтишмаган-ку.

Биз икки улкан драматургни бир-бирига яқинлаштирувчи айрим хусусиятлар тўғрисида сўз юритдик. Бу далиллар, Николай Погодин айтгандай, «рус ва ўзбек классиклари (эндиликда совет ижодкорлари ҳам — А. Қ.) илғор ғояларининг муштараклиги»га дахлдордир.

Алишер ҚАЮМОВ.



Туроб Тўла

## ҲАЁТ ҲАМИША ҲАҚ

Буни мен айтмаганман. Бу эскидан бор гап, ҳаёт ҳақиқати. Унинг қонуниятидан йироқлашган нарса борки, сингмайди, қабул қилмайди китобхон. Шунинг учун ҳар бир асарнинг адреси бор, ҳар бир образнинг прототиби — тимсоли бор, дейилади. Шу сабабдан кўп яхши китобларни ўқиб, яхши образларни севиб китобхон сўрайди муаллифдан: бу воқеа қаерда бўлган, бу одам қаердан, деб. Воқеанинг оқимида, у ўзининг тасаввурини билан яшайди, шу сабабдан ундан таъсирланади, таълим олади, муаллифдан миннатдор бўлиб мактублар ёзади, ҳатто давомини ёзиб беришни илтимос қилади. Шу сабаб балки, у китобнинг иккинчи, учинчилари туғилади. Афсуски, кўпинча, муаллифнинг яхши йўлдошлари бўлмиш адабиётшунослар бунга эътибор бермайдилар, у мактублар, у саволлар билан қизиқмайдилар. Агар қизиққанларида кўпинча танқидчи қалами тегмай, ё тегиб улгурмай ўтиб кетаётган асарлар, образлар орқали танқидчиликда, адабиётшуносликда янги саҳифалар очган бўлардилар. Мен бу билан муҳтарам адабиётшуносларимизни айбламоқчи эмасман, йўқ, ҳар кимнинг майли ўзида, сен мана бунга боқ, деб бўлмайди, мен фақат улар кўзлари, эътиборлари тушмай қолаётган, ўтиб кетаётган саҳифаларни кўрсатмоқчи бўламан, холос. Биз жуда кўп китобхонлар даврасида бўламиз, асарларимизни нақадар ихлос ва муҳаббат билан ўқиганларини, кўнгилларида туғилган мулоҳазаларини айтадилар, ҳеч ўйламаган саволларини беришади, ёзаётганимда ҳаёлингга бўлиб, аммо қорозга тушмай қолган ажойиб воқеаларни, драмаларни, масалаларни айтиб берадиларки, уларни китобингнинг кейинги наприда киритгинг келади. Демак, сен ҳақсан, ҳаётда шундай, бундан мураккаблари ҳам бор, улар сенинг ёрдамингни кутади. Баъзан аксининг олдидан чиқсан, китобингни китобхон қабул қилолмайди, ишонмайди. У билан юзма-юз келганимда унинг ҳақ саволлари қаршисида лол қолсан, тушунтирмоқчи бўлиб кўрасан, аммо бу мусоҳабада сени енгиб қўяди. Мени бир партия ташкилотига унинг ходимларидан бири шундай гапга тугди. Дўстларимиздан бировининг китобини ўқиганини, у китобнинг маълум қорхонада ёзилганини, аммо ҳақиқатдан йироққа кетиб қолганини ишонарли фактлар билан айтиб берди. Ҳатто китобнинг асл қаҳрамонини (тимсолини) чақириб юзлаштиради. Мен у китобни ўқимаганим учун ўқиб, сўнг мусоҳабага келаман, дедим

ва шундай қилдим ҳам. Дарҳақиқат, китоб шундай экан. У ёмон ёзилмаган, аммо бугунги кишиларимиз ва уларнинг турмуш таралари, замон, давр, жамият орасидаги ўринлари тўғри тасвирланмаган. Улар адиб муҳокама юритгандан кўра юқори маданиятли, юқори билимли, юқори муҳокамали одамлар. «Бизнинг ичимизда юрди, ҳатто ишлади биз билан, бизнинг мажлисларимизда бўлди, назаримда, бизнинг ички ишларимизга қотишди ҳам», дейди ҳалиги партия ходими. Аммо нашр қониқарсиз бўлиб чиққан. Китобхон ҳақ, бундай енгиб, саёз муносабатда бўлмаслик керак, хусусан, совет ёзувчиси ҳаётга, кишиларга бундай қарайолмайди. Мен мана шуларни муҳокама қилиб, гоҳо танқидчиларимизнинг муҳокамаларига ҳайрон қоламан. Ёзувчига ўргатадилар, ўз фикрларини тикиштирадилар, ўзлари кўрмаган, ё у қадар яхши билмаган ҳаётни яхши биладиганлар сингари муҳокама қилишга уринадилар. Аммо афсуски, ишонтиролмайдилар на китобхонни, на муаллифни. Шундан муаллиф ва адабиётшунос орасида ихтилоф чиқади. Адабиётда ихтилофмас, баҳс ҳукмрон бўлиши керак, самимий баҳс, дўстона, жонқуярлик баҳси!

Адибнинг ижодий муҳити ҳам нозик, ҳам мураккаб бўлади. У бир масалада тўхтамоқ учун унинг ўзини қизиқтириб турган биринчи масалани ўйлайди, уни ўрганишга киришади, у адиб ҳаёлида шаклланади ва уни яратмоққа киришади. У бунга келишга қадар тагин бир неча масалаларни ҳисобга олади, бу бўлажак асар бугун зарурми китобхонга, бугунги кунга, ё бундан ҳам кўра муҳимроқ масала борми бошқа. Адиб замонининг, халқининг, тузумининг граждани, унинг юмуши билан яшайди, унинг дарди ва келажаги билан! Унинг замони, тузуми муаммоларидан ташқари юришга, узоқ яшашга ҳаққи йўқ. Шунинг учун ҳар сафар қатта полотнога киришар экан, аввал мана шу масалани ўйлайди, кейин киришади. Китобхон ҳам ундан шуни кутади. Тўғри, адибнинг қалами қайси мавзуга, қайси даврга тегмасин, у ўз даври муаммолари нуқтаи назаридан таҳлил қилади уни. Шу боис адиб учун тарихий асар, замонавий асар деган гап бу бир қадар нисбийдир. Мен ҳеч қачон, ҳеч қайси асаримда бугундан узоқлашган эмасман, бугунни кўзда тутиб, бугуннинг муаммолари нуқтаи назаридан қараб киришганман ишга ва шундай иш кўрганман. Устозларим, тенгдошларим, мен шаклланган адабий муҳит

шундай ўргатган, шундай таълим берган. Шеърятда ҳам, драматургияда ҳам, кино-сценарийда ҳам шундай йўл тутганман. Назаримда тўғри қилганман. Нимаики рағбат топган бўлсам шундай муносабатимдан топганман.

Бу эса, ҳар бир адибнинг шаклланиши билан боғлиқ. У адабиётда ҳам ҳаётдаги сингари туғилади ва шаклланади.

Бундай шаклланган адибнинг асари ҳеч қандай чакана йўлга хизмат қилмайди. Унинг ҳар бир асари ўзи учун бир давр ва бир кашф бўлади, ўз даври ва замонига, тузуми ва партиясига муносиб жавоб бўлади. У ҳар бир асари билан Ватанини муҳолифларидан асрайди!

Бундай асар ҳамма жиҳатдан пухта, пишиқ, ҳаққоний яралган бўлиши керак. Бунинг учун адиб, шоир, драматург қоронғи уйда, шам ёқиб ўтириб ёзмайди асарини. У ёзмоқчи бўлган асарининг қаҳрамонлари билан учрашади, у яшаётган ё яшаган муҳитни, даврни, замони ўрганади, пайпаслаб, varaқлаб, битталаб ўрганади, уриб турган томирини топади, унга имони комил бўлади. Шундагина ижодхонасига қайтади, бармоғини сўриб иш кўрмайди. Менинг ҳурматли китобхонларга етиб борган, томошабинларни «овора» қилган ёзмаларимнинг ҳаммаси, қандай бўлишларидан қатъи назар, шундай қийноқларда юзага келганлар. Драмаларим ҳам, киносценарийларим ҳам, дostonларим ҳам, қиссаларим ҳам, ҳамма-ҳаммаси. «Суюк Момо» шеърый эпосининг кетидан унинг қаҳрамони яшаб, курашиб ўтган Қорақишлоқ, Қўйтош, Бахмал тоғларида бир неча бор ва ҳафталаб юрганман, ҳатто битганидан кейин ҳам унинг тирик қаҳрамонлигига ўқиб бериб, муҳоқамаларини олганман. «Нодирабегим»нинг майдонга келиши ҳам у ўтган жойларсиз, уни билган кишилар яшаган қишлоқларсиз, Қўқон, Марғилон, Ўзган шаҳарлари сафарисиз бўлмаган. Мени уни кўрганлармас, уни кўрганларни кўрганларнинг суҳбатлари ҳайратга солган ва асарнинг шу тахлитда яралишига сабаб бўлган. Бу асарнинг пайдо бўлиши учун буюк Навоий образини яратиб берган Шайхзода мактаблари, архивлари, суҳбатлари кам ёрдам бермаган. Шайхзода вафотларидан сўнг у муҳтарамнинг ижодхонасига кўз югуртганимизда (мерос комиссияси аъзолари эдик) шахсан у кишининг менга айтган ўгитларининг ижод дафтарларида ҳатто ёзуғлиқ эканлигини кўрганман. У киши қараган манбалар, у киши суҳбат қилган олимлар ва билмдонлар, у киши кезган жойлар... Булар ҳақиқатан ҳам катта мактаб эди бизнинг бўлажак ишларимизга.

Ижодкор ижодхонасида ижодкорнинг ўтган ҳаёт йўли ва тажрибаси ҳам катта мактаб дарсини ўтади катта асар яралишида. Ёзувчи халқ орасидан узоқлашмаслиги керак деб бекор айтмаганлар. Халқ орасида юрасан, суҳбатда бўласан, унинг турмуши билан, қизиқсинсан, узоқ тинглайсан уни... Баъзан сенинг хаёлинг учун ҳеч нарса унмайди, қулаб, ҳафталаб вақтинг бекор кетади... Бирдан бир нарсага урилсан, у тошмас, тилло бўлиб чиқади, аллақайда кечирганингга ўхшайди, кўрганнинг эса солади, манзаралар пайдо бўла бошлайди, излаганинг топилади. «Қизбулоқ» драмаси мана шундай пайдо бўлган асарларимнинг бири. Унда айтганларимнинг кўпи кўрганларим, билганларим, ҳатто жойларигача. Бундай топилма осон ёзилади, тез ёзилади!

Ҳаёт ҳалқасидан ташқари хаёл билан ёзилган асарларни билмадим, бекой, безамон, қандай деб аталади, улар яшаб кетадиларми, йўқми, ҳукм чиқаролмайман, аммо менинг қўшиқларим бирон жой ё беадрес пайдо бўлмаган десам янглишмайман. Улар албатта бирон қаттиқ таассурот билан ёзилганлар. Ўша «Тошкент наҳори» ҳам, «Бухоро» ё «Йўлларим» ҳам, ўша «Мафтунингман» ё «Газли гўзали» ҳам, ўша «Нон нашидаси» билан «Олтин сандиқ» ҳам, ўша «Кўчалар» билан «Қайдасан» ҳам, ўша «Ширмоной» билан «Уч дугона» ҳам, ҳамма-ҳаммаси! «Нон нашидаси» Ғаллаоролда бир Шокир ота деган кекса коммунистнинг ховлисида пайдо бўлган. У кишининг келинлари янги ғалланинг тегиримондан чиққан унидан нон ёпмоқдайдилар. Иссиққина иккита нон келтириб синдирдилар. Тўкин дастурхон устида ўтириб, бундай гўзал, ажиб манзарага бир нарса демасликнинг ўзи гуноҳ эди. У шеър бахтли экан, келибоқ Муҳаммаджон Мирзаев билан Шавкат Мирзаевнинг қўлига тушди, қўшиқ бўлиб қанотланди. «Ярми ҳайрон, ярми лол» Наманганнинг Уйчи районида ҳосил байрами кун ёзилди. Уйчи районини айландик, унинг боғлари бирам чиройли, бирам сўлим эдики, қараб кўзинг тўймади. Оператор Раҳмонов Комил Ерматов ҳақида кинофильм олаётган экан. Комил ака Уйчи сойи тепасида туриб «Хўб ажойиб юртимиз бор-де, Туробжон» деди-ю, хаёлим бўлинди. Бир оғиз шу сўз бу қўшиқни яратилишига сабаб бўлди.

Ижодкор хаёли бир мўъжиза. Унинг тағига етмоқ маҳол. Мен дўстларимнинг ижодхонасида бўлишни, уларнинг ижодий минтақаларини кўришни истаيمان. Уларнинг қаламларидан чиққан асарларни тўлқинланиб, ҳаяжонда ўқир эканман бу мўъжизанинг сирларини кўрсам дейман, ҳавас қиламан.





Анатолий Алексин

## БЕШИНЧИ ҚАТОРДАН УЧИНЧИСИ...

— Айтинг-чи... унинг юзида сепкиллари борми?— сўрадим ҳамшира қиз Машадан.

— Ҳа, у яқиндагина: «Менинг юзимга бир қаранглар-а, баҳор келганлигини биласиз-қоласиз!»— деганди.

— Яна жиндай валерянка беролмайсизми?

— Ҳозир... Аммо сиз ўтиринг! Сиз бўлсангиз ҳадеб коридорда юраверасиз... юраверасиз...

Думалоқ соат иккидан етти минут ўтганини кўрсатарди.

\* \* \*

Операция хонасидан ўша ёш йигит отилиб чиқди. Дока ниқоби бу гал ҳам қора соқолига силжиб тушиб кетибди.

— Маша! Бригаданинг ҳаммасини... Ҳаммасини бу ёққа!— қичқирди у ва тезда ғойиб бўлди.

— Қанақа бригадани?— сўрадим мен.

Маша телефон номерларини тера бошлади.

— Қанақа бригадани сўраяпти?

У трубкани телефон ричагига тақ этиб ташлади:

— Банд. Гаплашишга топган вақтларини-чи!

— Қанақа бригадани?..

У коридор бўйлаб чошиб кетди. Баланд пошналарда югуриш қийин эди. У тифлисини йўл-йўлакай ечиб ташлади-да, пайпоқда чошиб кетди.



*Совет ёшларининг севимли ёзувчиларидан бири, СССР Давлат мукофоти ва Ленин комсомоли мукофоти лауреати Анатолий Алексин 60 ёшга тўлди. А. Алексин ўзининг кўп йиллик ижодий фаолияти давомида «Ўттиз бир кун», «Шу пайт қаердадир», «Акам кларнет чалади» каби ўнлаб асарлар яратди. Адибнинг китоблари кўпгина чет эл тилларига, иттифоқимиздаги барча қардош халқлар тилларига ва жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.*

*Журналнинг бу сонида А. Алексиннинг «Бешинчи қатордан учинчиси...» повестидан парча ўқийсиз.*

Кейин у югуриб кетган томондан оқ халат, оқ қалпоқ кийган уч эркак кўринди. Улар Машани қувиб ўтишди-да, операция хонасига кириб кетишди.

— Маша тўхтаб, туфлиларини олиб столи ёнига келди, сўнгра кийди.

— Қанақа бригада? — сўрадим мен.

— А, шунчаки... Хавотирланманг. Улар практикант — студентлар. Жуда ноёб операция экан. У шуни уларга кўрсатмоқчи. Иван Сергеевич бор экан, ҳаммаси жойида бўлади.

У тагин кичкинагина кўзгучасини чиқариб қаради.

— Тушунаман. Ваня Белов бор экан, турган гапки...

Мен шу топда унинг ҳақида фақат яхши нарсаларни ўйлаб ўтиришим зарур эди. Бутун умидим ҳам, нажотим ундан.

Шундай қилиб, эслашга тушиб кетдим.

\* \* \*

Бир куни Володя билан Ваня ҳали олтинчи синфда ўқиб юришган вақтларида «район бўйича» диктант ўтказиладиган бўлиб қолди. Районимиздаги ўн икки яшарлиларнинг саводи қай даражада эканлигини текшириб кўришга қарор қилинган эди. Диктант анча мураккаб тузилибди. Ҳаётда мутлақо билимдон деб ҳисобланадиган одамнинг ўзи бўлмаганидек, ҳатто мен ҳам бу диктантни ҳатосиз ёзишим қийин эди.

Шундай бўлгач, Сеня Голубкин ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. У саросимада, чунки бу диктантдан икки олиш, унга синфда яна бир йил қолиш деган гап эди.

У маҳалларда Ваня ҳали Голубкиннинг қандай бола эканлигини яхши билиб олмаган, шу туфайли ҳам унга жони ачирди. Сеня ҳаммага болалигидан беш қўлдай ёд бўлиб кетган машҳур тўртликларни айтолмаган, ёки ўзини йўқотиб, тутилиб қолган пайтларида, Ваня роса қийналарди. Мен буни сезиб турардим... Агар мен унинг Сеняга шеърдан адашиб қолган жойларини секингина шипшитиб қўяётганини билиб қолсам ҳам бунга эътибор бермай қўя қолардим.

Дардан сўнг эса коридорда сўлоқмондай Голубкин ўрта бўйлигина Ваняга ҳадеб тикилиб қиларди: «Ўзинг ёдлаб олгансан-а? Ўзинг ҳам-ма-сини биласан!..» Гўё у, бу билан ўзи билмай қолган жойларини аниқ ва тушунса бўладиган қилиб айтиб юбормагани учун Ваняни айблаётгандек бўларди.

Бу ҳолни мен ҳам яширин кузатиб турардим.

Диктантдан сўнг Сеня коридорда у ёқдан-бу ёққа югуриб, синфдошларидан сўраб-сўриштирарди:

— «Бир пайтда» қандай ёзилади? Қўшибми ёки айирибми?

— Айириб, — дейишди унга.

— Демак, битта хато нақд экан, — деди у ва битта бармоғини букди. — Сенинг ўзинг-чи, ўзинг қандай ёзгансан? Тўғри ёздингми?

Агар борди-ю, ўша бола тўғри ёзган бўлиб чиқса, Сеня:

— Албатта-да... Ўзинг ёзаверасан, ўзим бўлсам бўлди, дейсан-да! — дерди гижиниб.

Ўзгаларнинг муваффақиятини у асло кўролдмасди. Унинг назарида, ўзидан бошқа ҳаммага насиб бўлаётган омадлар, гўё фақат унинг ҳисобидан бўлаётгандек бўлаверарди. Баъзи одамларда учрайдиган ёмон феъл қилиқларнинг манбаи деб ҳисоблаб юрганим бахиллик Сеняни ҳам ўз қолига қўймас эди.

— Хўш... Яна бир хато! — хитоб қиларди у битта бармоғини букаркан ҳаммага. Гўё ўзининг йўл қўйган бу хатоларига атрофидаги ана шу одамлар айбдордек назар билан қарарди.

Володя ҳеч қачон менга ўз ўртоқларининг сирларини айтмас, аммо, буларнинг ҳаммаси юз-кўзларидан билиниб турарди. Мен гўё уларни ўз кўзларим билан кўриб тургандай бўлардим.

Район бўйича ўтказилган диктантдан кейин хатоларини санаб чиқишга Сенянинг икки қўлидаги бармоқлари ҳам етмай қолди. У ўн иккита хато санади. Бу вергул ва тирелардан ташқариси...

Танаффусда Ваня Белов менинг ёнимга келди-да:

— Нима энди, Вера Матвеевна, Голубкин синфида қоладиган бўлдимми? — деб сўради.

— Билмадим. Ҳали текширганимча йўқ.

Эсимда, ўша куни менинг атиги икки соатгина дарсим бор эди, ўқитувчилар хонасида ўтириб эндигина дафтарларни қўлга олганимда, маълум бўлдики, дафтарлар орасидан олтитаси ғойиб бўлибди. Йўқолган дафтарлар ичиде Сеня Голубкин, Володя ва Ванянинг диктант дафтарлари ҳам бор эди.

Катта танаффусда биз директор билан иккаламиз бўшаб қолган синф хонасида ўтириб Голубкиннинг виждонига қўл солиб кўришга ҳаракат қилдик. Бундан ҳеч қандай натижа чиқмади...

Худди ўшанда, суҳбатимиз энг авжига чиққанида деразада Ваня Белов пайдо бўлган эди ва:

— Кирсам майлими?— деганди.

Биз бундан донг қотиб қолган эдик. Ваня бўлса гўё учинчи қаватдан то пастдаги йўлкагача бўлган масофани чамалаб кўраётгандай ерга қаради ва бизга ўгирилиб, хотиржамлик билан деди:

— Мен бу ерга ўзимни адолат судига топширмақ учун келдим!

Йўк, мен диктантларни унинг олганлигига ишонмас эдим. Борди-ю, унинг калласига бундай фикр келган тақдирда ҳам, у менинг ўғлимнинг дафтарига зинҳор қўл теккизмаган бўларди. Нега деганда, у ўқитувчининг ўғли... Сеня бўлса, худди ана шу сабабга кўра ҳам айни Володянинг дафтарини олган! Аммо мен буни исботлай олмадим.

Ўша пайтларда директор Ваня Беловнинг кирдикорларини ҳисоб-китоб қилиб боришини ҳали бошламаган эди. У бу ҳақдаги менинг фикрларимга қўшилди-ю: — Лекин олижанобликнинг ҳам чегараси бўлиши керак-да,— деди...— Аммо, шу билан бирга синф хонасини терговчи кабинетига айлантириб юбориш ҳам керакмас,— деб қўйди.

Виждоним олдида ўзимни оқлаш учун бари бир Ваняга:

— Мен сени шу даражада беодобгарчилик қилади деб ишонмайман!— дедим.

— Учинчи қават карнизидан юриб келиш беодобгарчиликка кирмайдими?

Мен унинг нима учун деразада пайдо бўлганлигини энди тушундим. Биз унинг ҳар қандай ишга қодир эканлигига ишонишимиз керак эди!

Шу куни дарсдан кейин дафтари йўқолган ўша олти ўқувчига қайтадан диктант ёздирдим. Сеня Голубкин уч олди, чунки у танаффус пайтида диктантда йўл қўйган хатоларни бошқалардан сўраб билиб олишга улгурган эди. Ва у еттинчи синфга кўчди.

У Ваня Беловга нисбатан миннатдорчилик ҳисси билан тўлиб-тошмади. Аксинча, айнан ўша кундан бошлаб Сеня уни ёмон кўриб қолди. Унга йўл қўйган хатоларини топишга ёрдам берганларнинг билимдонликларини кўролмаганидек, уни деб қилинган ҳар қандай олижанобликни ҳам кўролмади.

Ваня Белов буни тушунди...

Сеня қандайдир бир баҳона билан ўз халоскорини яна бир бор роса тузлаётганини кўрганимдан кейин, шунчаки Ваняга дедим:

— Хўш... буёғи қандоқ бўлди? Бирорта ҳам хайрли иш жазосиз қолмас эканда-а?

Унинг мени жуда ҳам гўл экан деб ҳисоблашини ва учинчи қават карнизидан юриб келиб деразадан айтган сўзларимга ишонибди, деб ўйлашини истамас эдим.

Ваня бир оз ҳурпайди. Аммо бу унинг фош бўлганидан эмас, балки менинг ҳар қандай хайрли ишнинг жазосиз қолмаслиги ҳақидаги сўзимдан эди.

— Э, нималар бўлмайди дейсиз!— деди у.— Шуни деб ҳеч кимга ишонмаслик керакми?

Мана энди мен, Ваня Беловга бутун вужудим билан ишонишим зарур бўлиб турган айни шу пайтда, орамизда бўлиб ўтган ўша суҳбат эсимга тушиб кетди.

Аммо, нега мен илгарилари бунга ҳеч аҳамият бермаган эканман?..

\* \* \*

Ваня Беловнинг ғайратини фойдали ишга йўналтириш учун еттинчи синфда уни синф деворий газетасига редактор қилиб тайинлаб қўйганим эсимда.

Ваня деворий газетанинг дастлабки сонидеяк: «Ўқитувчиларимиз биз ҳақимизда нималарни ўйлашади?» деган анкета эълон қилди.

Мен уларнинг ҳаммасини, қирқ учтасини яхши кўришимни, шунинг учун ҳам уларга нисбатан қаттиққўл эканимни ва уларнинг барчасига бахт тилашимни ёздим.

Кейинги анкета бошқачароқ эди. «Биз ўз ўқитувчиларимиз ҳақида нималарни ўйлаймиз?»

Газетанинг бу сонидея Ваня мен билан баҳслашарди: «Менимча дунёдаги одамларнинг ҳаммасини бирдай яхши кўриш мумкин эмас. Биз ҳам ўша одамлар тоифасига киримиз. Мен эса, масалан, Сеня Голубкинни яхши кўролмаган бўлардим!»

Тўғридан-тўғри шундай деб ёзибди. Сенядан қўрқиб ҳам ўтирмабди. Мен эса бўлар-бўлмасга Голубкиндан ҳадиксираб юрардим.

— Неварангиз неча ёшди?— сўради ҳамшира Маша.

— Олти яримда.

— Кузда мактабга бориши керакмиди?

«Керакмиди»си нимаси? У мактабга боради,— дедим мен ичимда.— Ваня Белов уни сақлаб қолади. Энди уни мен жуда яхши тушунгандим... Мен батамом унга ишонгандим... У неварамни албатта омон сақлаб қолади».

Юмалоқ соат иккидан етти минут ўтганлигини кўрсатарди.

\* \* \*

«У фақат ўзини ўйларди. Ўзининг қилиқлари ҳақида ўйларди...» дегандим мен бир сафар неварамга.

Бу нотўғри эди. Унинг тўғрисида бошқалар қанча ўйласа, унинг ўзи бошқалар тўғрисида ундан ҳам кўпроқ ўйларди.

Аммо, Ваня учун бу нарсанинг аҳамияти йўқ эди. Чунки, у ўзининг «қутқарув экспедициялари»ни амалга оширганда бировга яхшилик қилиш учун ёнидан ҳеч кимга ҳеч нарса тўлаган ҳам эмас ва бунинг эвазига эса ҳеч кимдан ҳеч нарса кутмаган эди.

Ҳозир эса у менинг неварам ҳақида ўйларди. Мана, уни сақлаб қолди ҳам.

«Жасурларнинг телбалигини қўшиқ қилиб куйлаймиз!»— ҳазиллашарди ҳам у ёддан ўқиб. У ўз фойдасини деб, ҳеч қачон телбалик қилган эмас. Нега энди мен буни, фақат касалхонадагина тушуниб турибман-а?

Бошимизга тушган фалокатдан бизни ким қутқариб қолишини билишимиз учун наҳотки ўша фалокат албатта содир бўлиши керак?

Юз берган бу катта фожиа олдида мен ўз айбларимга иқроп бўлишни, қилган гуноҳларим учун тавба қилишни истардим.

Донишманд Монтеннинг ўз кўзлари ҳақида айтган: «Дунёда менга шу қадар тик боқиб, мени кузатиб юрадиган шу жуфт кўзлардан бошқа кўз йўқдир», деган сўзларини эсладим.

Менинг ҳам кўзларим, ўша куни ўзимга шундай тикилиб боқишар ва улар мендан унчалик ҳам рози бўлмаслар.

\* \* \*

Геннадийнинг, менинг собиқ умр йўлдошимнинг фан доктори, йирик олим бўлиб етишганлигини эшитганимда, илгарилари у ўз қобилиятларини мендан яшириб юрган экан-да, деган ўйга бордим. Аксинча, унинг бу қобилиятини ва характерини ҳатто, унинг ўзидан ҳам яшириб юрган аслида мен бўлган эканман. Менинг фикрларим ва менинг ишончларим унинг учун йўл-йўриқ кўрсатувчи компас бўлиб хизмат қилишини истаган эканман.

Аммо, бошқа бир одам учун тўғри деб ҳисобланган ҳаётий компас, иккинчи бир одамни йўлдан адаштириши ҳам мумкин экан... Мен эса, эримнинг дунёга фақат менинг кўзларим билан қарашини ва менинг майлларим билан яшашини истардим. Сени севган кишиларга нисбатан бундай муносабатда бўлиш хавфли экан: улар бу ҳолда сенга бўйсунмишлари ва шу билан ўзларига хос бўлган хусусиятларини, яъни ўзлигини йўқотиб қўйишлари мумкин экан.

Баъзан мен, ўғлимга нисбатан ҳам худди шундай иш тутганман: унга дўстларни ҳам ўзим танлардим. Уни Ваня Беловдан ажратиб ташлаган ҳам мен эдим... У мени севар ва шунинг учун ҳам гапимга кирар эди. Кейинчалик эса, ҳадеб тергайверишларим кўнглига урган бўлса керакки, Клавага уйланди ва бир умр Володяга «ҳамфикр» бўлиб қолди.

Киши ўзида ўзига ишонч ҳосил қилиш учун баъзан бошқалар томонидан эътироф этилишига зарурат сезади... Ўғлим ҳали ўқувчилик йилларидаёқ кир бўлиб кетган калла суяклари билан овора бўлар ва ҳар хил эски-тускилардан ўзича «ўтмиш маданияти» белгиларини қидириб юрган пайтларида, кўплар унинг устидан кулар эди. Ваня Белов эса унинг бу ишларидан завқланарди.

Нима учун мен уларни бир-бирларидан жудо қилган эканман-а?

Ванянинг ўзига хос табиати бор эди. Ҳеч кимга бўйсунмайдиган... Мен эса ўша йилларда, бундоқ ўйлаб кўрмасдан қирқ учта характерга эга бўлган қирқ уч ўқувчимни бир қолипга солишга ҳаракат қилган эканман. Ва бу қолип менинг ўзим бўлган эканман.

Уз ўқувчиларимнинг тақдирлари ҳақида ҳаммасини билгим келарди: оналари кимлар, яшаш шароитлари қандай, дарсларни қандай тайёрлашади... Аммо, тақдирлардан кўра характерларни билиб олиш қийин экан. Шунақа

қийинлиги учун ҳам балки мен ўзимни уларнинг характерларини чуқурроқ ўрганишдан озод этгандирман.

Мен, ўқувчиларимнинг ўқишда ва ишда ўзларини менга итоатда тутишларини истардим. Бўлмаса Ванянинг ўзиёқ баъзи нарсаларда менга таълим бериб қўйиши у ёқда турсин, ҳатто таъзимимни ҳам беришга қодир эди.

\* \* \*

— Мен операция хонасидан хабар олиб келай-чи,— деди менга ҳамшира Маша. У яна кўзгучасини чиқарди, сочини тузатди-да, нари кетди. Кейин қайтиб келиб:

— Емон эмас... Иван Сергеевич жилмаяпти. Ҳаммаси жойида бўлади!— деди.

У валерянка қуя бошлади. Мен қўлимни узатдим... Аммо, бу сафар валерянкани унинг ўзи ичди. «Унинг жилмаяётганини қандай кўриб қолдйкин?— ўйлардим мен.— У бунини қандай кўрдйкин? Ахир, жарроҳнинг юзида ниқоби бор эди-ку?! Қандай қилиб у... Ҳар нима бўлганда ҳам, у ерда, неварамнинг ёнида, Ваня Белов бор! Демак, ҳақиқатда ҳаммаси жойида бўлади... Ишонаман. Агар Ваня Белов...»

\* \* \*

Илгарилари у ҳадеб менинг бошимга фавкуллода ташвишларни солаверар эди. «Агар ҳамма унга эргашиб иш кўргудек бўлса, билмадим нималар бўлмас эди?»— ўйлардим мен кўрқув билан. Аммо, ҳеч ким унга эргашиб иш кўрмасди: чунки, бунинг учун улар Ваняга ўхшаш фазилатларга эга бўлишлари керак эди.

Менинг ўғлим — археолог. У ўтмишнинг ҳозирги замонга ва келажакка таъсири жуда катталигини доимо таъкидлаб юради.

«Азбаройи, Сеня Голубкинни қутқариб қолиш учун учинчи қаватнинг карнизидан юриб келган ўша Ванядан мана, хирург етишиб чиқибди,— дея ўйлардим мен.— Хирурглар уларга муҳтож бўлганларнинг барчасига: Голубкинларга ҳам, менинг неварамга ҳам уларнинг қандай фазилат ва хислатларга эгалликларидан қатъи назар, ёрдам беришлари лозим-ку, ахир!»

Мени, ёшлигимни билган айрим кишилар, энди учрашиб қолишганида:

— Ҳаёт сени букиб қўйибди... букибди!— дейишарди.

Аслида эса ҳаёт менга инсонни букиб бўлмаслигини, яхшиликни ҳар ким ўз билганича яратмоғи лозимлигини, бешинчи қатордаги учинчи, учинчи қатордаги бешинчига ўхшаш эмаслигини... Умуман мен, муаллима бўла туриб фақат «қаторлар»ни эмас, балки ёнма-ён ёки бир-биридан нарироқ турган одамларни ҳам кўра олишим кераклигини... исбот қилган эди. Характерларнинг бир-бирига ўхшамаслигини эса номуаносиблик деб қабул қилиш ҳам балки унчалик тўғри бўлмас...

Бундай ҳаётнинг тажрибаларга эга бўлиш афсуски, мен йўл қўйишим мумкин бўлмаган хатолар ҳисобига қўлга киритилган. Муаллим ҳам худди хирург сингари ўз ишида хатога йўл қўйишга ҳаққи йўқ чамаси... Гарчи маънавий жиҳатдан носоғломлик жисмоний ўлимга олиб келмайдиган бўлган тақдирда ҳам.

«Қани сенинг аввалги талабчанлигинг, мурдасасизлигинг?» дея сўрашарди баъзан мендан. Муро-са-сиз-лик... Бу демак, роса-сиз-лик демакдир. Дўстлар билан бўладиган ўзаро муомалада бундай қуролдан фойдаланишга ҳожат бормикин? Умуман олганда, шундай инсоний хислатлар ҳам борки, улар хирург наштари сингари ҳаётимиздаги оддий ва кундалик истеъмолга ярамайди.

«Мени бир йилда фақат бир мартагина дарғазаб бўладиган одамнинг ғазабига ҳайратга солади» — деган экан донолардан бири.

Мурдасасизлик тўғрисида ҳам менимча, худди ана шундай дейиш мумкин, деб ўйлайман.

«Ушбу ҳақиқатларни ҳозир олтмиш уч ёшимда, яъни олтмиш уч ёшга тўлган пайтимда эмас, балки, ҳеч бўлмаганда Ваня Беловдан қочиб юрган ўша пайтларимда... ўттиз тўққизинчи йилда тўла тушуниб еганимда, жуда яхши бўларди... Ушанда нақ ўттиз ёшга тўлган пайтим эди» — деб ўйлардим.

Бундай тасодиф (яна тасодиф!) Володянинг доимо завқини келтирарди.

— Ойи, сиз ҳозир неча ёшга кирдингиз?— деб сўрарди у. Шу заҳотиёқ ўйлаб туриб:— Х-ў-ўш... ҳозир» энг аълочи йил», яъни эллик бешинчи йил. Демак ойижон, ёшингиз ҳам иккита аъло экан-да!— дерди.



Бу йил ҳам у, календардаги 63 рақамини менинг олтмиш уч баҳоримга тўғри келади деб ҳазиломуз эслатиб ўтди. Мен одатдагидек унинг бу ҳазилига жилмайиб қўйдим. Аммо, бу жилмайишим, бундан чорак аср илгариги жилмайишимга ўхшаш хушчақчақ эмас эди.

\* \* \*

Ваня ўша, ўз-ўзлигича қолибдим — демак, неварам кузда мактабга боради, деб ишонардим. Бунга кўзим етарди.

«Бугунги тасодифий мўс келишликлар, — ўйлардим мен, — Ванянинг неварамни қутқариб қолишлиги учун, менинг унга энди ҳаммасини тушуниб етдим, деб айтишим учун, — ҳозир эмас албатта, кейинроқ, — зарур бўлганда... Ҳозир эса унга фақат ташаккур, битмас-туганмас ташаккурлар айтаман».

— Иван Сергеевич! — дея хитоб қилди Маша ва чопиб кета туриб, турмакланган сочини тузатаркан, операция хонасидан чиқиб келаётган барваста киши истиқболига отилди. У юзидаги дока ниқобини олди-да, пешонасини артди.

Машанинг столини ушлаганча, турган жойимда қотиб қолдим... Оёқларим гўё зилдек бўлиб кетди.

Ванянинг ўзи ёнимга келди.

— Маликангиз кўзини очди.

«Нимадан» — дея сўрамоқчи бўлдим-у, аммо сўрамадим.

— Қизалоқни Елизавета Петровна деб чақирмайсизларми!

Жавоб беролмадим. Йиғлаб юбордим. У елкамни оҳиста силаб:

— Ишқилиб, тўйига таклиф қилиш эсингиздан чиқмас-а? — деди.

— Раҳмат сизга, доктор...

Ваня яна бошимни силади. Унинг бармоқлари узун-узун, бақувват эди. Докторинг сепкил босган юз-кўзларига пешонасидан тер оқиб тушарди.

Машадан мен ҳаммасини сўраб олишга улгурган эдим. Барча нарсалар тўғрисида... Аммо, унинг бўйи қандай эканлигини сўраш эсимдан чиққан экан. Ваня ахир, паканагина эди-ку...

\* \* \*

Иван Сергеевич мендан Елизавета билан ҳозироқ учраштиришни «талаб» этмаслигимни илтимос қилди.

— У сизни эртага қабул қилади, — деб ваъда берди. — Еки эртадан кейин. Унга ҳозир гапириш мумкин эмас.

Операция хонаси эшиги тепасидаги думалоқ соат иккидан етти минут ўтганлигини кўрсагиб турарди.

Мен ниҳоят соат тўхтаб қолганлигини англадим.

Ҳамшира Маша мени коридор охиригача кузатиб қўйди.

— Омадингиз бор экан, Беловнинг ўзи шу ерда бўлди. У камдан-кам навбатчилик қилади. Операция ҳам кам учрайдиган хилидан экан. Узи унчалик мураккаб эмас-у, шундай бўлса ҳам... Аммо, аллергия юз берганди.

— Бу нима дегани...

— Энди мен сизга очигини айтсам, аҳволи жуда оғир эди.

У ҳамма вақт менга суйканар, елкамдан қучоқлаб олган эди. Қулоғидаги узун сирғалари эшитилар-эшитилмас шилдирарди.

— Эрталабгача унга ўзим қарайман. (Биз коридор охирига бориб қолдик.)

Иван Сергеевич операция олдидан унинг кайфиятини билиш учун: «Шундай қилиб, сенинг исминг нима? — деб сўради. У эса: «Елизавета» — деб жавоб қилди.

— Уни фақат шундай деб чақиринглар, — илтимос қилдим мен. — Бўлмаса, жавоб бермайди... Демак, боя югуриб келганлар практикантлар эмас экан-да?

У жавоб бермади.

Мен пастга туша бошладим.

«Ҳаётимда мен жуда кўп одамларни учратдим, — ўйлардим мен. — Аммо, мана бу иккаласи қалбимда абадий қолади: Иван Сергеевич, Маша... ва Ваня Белов ҳам. Чунки, у ҳам шулар билан бирга эди. Ахир, унинг отасини Андрей деб аташарди-ку!.. Сергей эмас, Андрей деб. Қанақасига унутибман-а, бунга? Қандай мулойим, қандай камтар киши эди. Борсам доим пальтомни ечишни таклиф қиларди. Мен бўлсам, фақат бир минутгагина келдим, дердим. Ванянинг ойиси ҳам жуда мулойим, тортинчоқ аёл бўлиб, эрига ўпкалангансимон қараб: «Сени қара-ю, Андрей, нега пальтони ечишга ёрдам бермайсан? — дерди. У шу заҳоти яна мендан пальтомни ечишимни илтимос қиларди».

Мен Алёнани кўриб қолдим. У касалхона ёнидаги узун скамейкада ўтирган экан.

Шивалаб ёмғир ёғарди.

— Хўш, қандай, Вера Матвеевна?..

Мен ўзимни туголмадим. Тагин йиғлаб юбордим. У ёноқларимдан думалаб тушаётган кўз ёшлари ва ёмғир томчиларини артиб қўйди. Рўмолчаси билан эмас, илиққина, майин бармоқлари билан артди. Эҳтимол, у ўзининг кичкинтойларини ҳам худди шундай қилиб овутса керак.

— Ўзига келди. Кўзини очди...— дедим мен йиғи аралаш.

— Омадимиз бор экан. Навбатчи Белов экан! Тўйига ҳам келаман деди. Вой, нимага сиз... кўчада турибсиз?

— Вестибюлга дам кираман, дам чиқаманг. Бир жойда қадалиб ўтиришга юрагим чидамайди... Мен айбдорман, Вера Матвеевна!

— Бу гапингизни тагин борчада гапириб ўтирманг,— сесканиб кетдим мен. Йиғидан тўхтадим.— Сиз ахир фолбин эмас, педагогсиз. Ўзим сизни огоҳлантириб қўйишим керак эди.

— Йўқ, сиз огоҳлантиргансиз,— мулоимлик билан эътироз билдирди Алёна.

— Врачга айтганман, аммо сизга эмас!

— Мен эса буни врачдан билиб олишим керак эди. Ҳамма ҳақида, ҳамма нарсани билиб олишим керак эди!

— Мана энди билиб оласиз. Тажриба орттириш қурбон талаб қилади... Менга ишонаверинг.

— Аммо бунақасини эмас!

— Агар биз қаерда йиқилиб тушишимизни олдиндан биладиган бўлганимизда эди... у ерга похол тўшаб қўйган бўлар эдик. Бу азалий ҳақиқат. бу гап мана энди-бугун эсимга тушиб турибди...

Йўқ, мен ўзимнинг аччиқ ҳаётий тажрибаларим мисолида Алёнага бирон-бир нарса ўргатишга интилаётганим йўқ эди. Шунчаки, бу билан уни бироз юпатмоқчи эдим. Кейин унга эрим, Володя ва Ваня Белов ҳақида сўзлаб бера бошладим.

Эркаклар бизга қараб-қараб ўтишарди. Мен паст овозда гапира бошладим.

Эркин БОЙСИНОВ таржимаси.



Нинель Владимирова

## ЭСКИ МАСАЛА ВА ЯНГИ МУАММОЛАР

Таржима маҳорати ҳам, айна вақтда таржимачилик ҳунари ҳам (ижодкор — таржимон билан ҳунарманд-таржимоннинг ҳар иккала тоифасига эътиқодимиз баланд) шу қадар мураккабки, бунда турли-туман эътиборли нуқтаи назарлар мавжуд. Лекин барча назарий қарашлар ҳам ҳанузгача баҳс-мунозаралар замирида туғиладиган ҳақиқатга айланиб етганича йўқ.

Шу қадар кўплаб проблемалар юзага қалқиб чиқдики, олам жаҳон тиллардан-тилларга таржима материалларига таянган ҳолда, уларни ёритиш билан эндиликда бемалол кўп томлик таржима тарихи ва назариясини яратиш мумкин. Эсимки, гоҳо турли-туман сершовкин, машмашали тортишувлар пўртанасида ҳақиқат гули ном-нишонсиз сўниб, йўқ бўлиб кетади.

Шунга қарамасдан, ҳар хил нашрлар, турли даражаларда олиб бориладиган мунозаралар кенг миқёсда гап бошлаш, муҳокама юритишга асос беради, муайян усуллар, ақидалар, хулосалар ва ҳоказоларни ёқлаш ёки рад этишга имконият яратади. Алқисса, мунозара қизиқарли ҳодиса, аксарият, зараридан кўра нафи кўпроқ. Ҳамма гап шундаки, тадқиқот предмети пухта билиб баҳслашган ҳолда, баҳслашувчи томонлар қўлларидаги факт ва далиллари билан иш кўриб, асосли бир тарзда ишқотиришлари лозим.

Таржимашунос олим Андрей Венедиктович Фёдоровнинг таърифлашича, таржима «кўп тарафлама ўрганиш объектидир.» Бизнинг таржима тарихимиз ҳам, назариямиз ҳам аллақачонлар ўзининг навқиронлик давридан ўтиб, ҳозирда балоғат палласига кўчган бўлса-да, мазкур «кўп томонлама ўрганиш объекти»нинг хийла кўп томонлари ўрганилган, тадқиқ қилинган эмас.

Яна қизиқ бир ҳол: бирон таржима танқидчиси ёки назариячиси муайян бир ёки бир неча проблема билан машғул бўлди дегунча, ўзга тадқиқотчилар ҳам бошқаларини эмас, балки айна ўша проблемаларни энг муҳим ва сермаҳсул ҳисоблаб, унинг кетидан эргашиб кетадилар. Оқибатда муҳимлиги, долзарблиги тарафидан бундан қолишмайди-ган кўпдан-кўп бўлак масалалар уларнинг қизиқиш доираси, диққат-эътиборидан четда, махсус тадқиқот предмети бўлмасдан қолиб кетади.

Бунинг зарарли томони йўқ, албатта. Бирон муҳим проблема юзасидан қанча кўп фикр ва мулоҳазалар йиғилса, асос ва далиллар келтирилса, олинадиган натижа ҳам шунчалик жозиб ва мукамал бўлади, масала шу қадар чуқурроқ ўрганилади, бундан келиб чиқадиган хулосалар ҳам тобора теранлашиб боради.

Олайлик, таржимани лисоний ва адабий йўналишлар тарафидан тадқиқ қилиш юзасидан бир неча йиллар давомида сурункасига жиддий тортишувларга сабаб бўлиб келаётган шундай бир «қадимий» муаммо ҳам ҳозирга қадар ҳал этилмаган. Бинобарин, таржимашунослар, менинг наздимда ўзаро муваққат «сулҳ» тузишиб, мурсою-мадорага келишганлар, бунга кўра, бир-биридан жиддий масофада ажралиб туришган ҳар иккала тадқиқот йўриғининг намояндалари (улар ўз эътиқодларига кўра, таълаган методологик тадорикларига ғоят ихлосманд, собитқадам кишилар) мазкур лисоний ва адабий йўналишларнинг қўшилиши юзасидан вақтинчалик битимга рози бўлишган.

«Мурсавий-мадоравий» деб айтишимнинг боиси шуки, баҳслашувчилар ўртасида бот-бот қизгин мунозаралар кўзғалиб, сўнгра яна вақтинчалик сокинлик юз бериб турибди.

Гарчи кўпгина ишларда, мақолаларда олимлар билан мунаққидлар бадий таржима таҳлилининг худди ана шу (лисоний-услубий ҳамда адабий-эстетик) «омухтавий» шаклига мурожаат этсалар-да, уларга қараб, адабиётшунослик фанимизнинг истиқболли соҳаси ҳисобланмиш таржимашуносликнинг қай йўриғида ёзилганини беҳато аниқлаш мумкин.

Эндиликда яна бир гуруҳ мутахассислардан шундай садо чиқмоқдаки, лингвистика билан адабиётшунослик ўртасидаги ихтилофларни гўё ижод психологияси негизида бартаф этса бўлар эмиш. Бироқ бу ҳам, аслида, янги гап, оригинал фикр эмас.

Профессор А.В. Фёдоров «Таржима назариясига кириш» (1953) китобининг илк

нашрида (1983 йилда мазкур дарсликнинг тўлдирилган ва қайта ишланган тўртинчи наشري босилиб чиқди) таржима проблемасини ўрганишнинг тарихий-маданий, адабиётшунослик, тилшунослик жабҳалари билан бирга, психологик йўналиши ҳам борлигини қайд этган эди, зеро, ўз-ўзидан аёнки, таржимоннинг меҳнати ижод психологияси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу табиий ҳол, бинобарин, таржимашунослик фанининг тараққиёти йўлида бундан кейин ҳам унинг барча жабҳаларини бирдай ривожлантириб бориш керак.

Таржимашунослик фанининг адабиётшунослик жабҳасини анъанавий йўриққа, лингвистик жабҳасини эса аниқлик йўриғига нисбат берадилар ва шундай деб атайдилар ҳам.

Сир эмаски, асарнинг гоъвий-образли қурилмасини, мазмун билан шакл бирлигини қайта яратиш шу мақсадларга мувофиқ айнан нутқ воситаларини қидириб топиш ва саралашга асосланган бўлади. Таржимон асл нусхани талқин этиш ва ўгириш мақсадида лисоний воситалар саралайди. Бинобарин, лингвистик таржимашунослик ҳам баайни адабий таржимашунослик сингари анъанавийдир. Ўгирилмиш асар таҳлилига киришиларкан, уларни, илмий йўналишларни бу залда: анъанавий ёҳуд аниқлик йўриғига ажратиб фарқлашга интилишни ортиқча ва сунъий уриниш деб биламан.

Лингвистика, чиндан ҳам, таржимашунослик фанининг қарор топиши ва тараққиёти йўлида кўп иш қилди. Таржиманинг ютуқлари ва кам-кўстларини аниқлаш мақсадида йўналтирилган ҳар қандай бадий асар таҳлили муқаррар равишда мутаржим истифода этган лисоний воситаларни тадқиқ этишга олиб келади ва шунга асосланади. Бу ҳар иккала йўналиш биргаликда жуда катта фойда келтирган ҳолда ўз вазифасини адо этади ва уларнинг ўзаро бирикиб қўлланилиши материални тадқиқ этишда мўл-кўл натижа беради.

Психология ҳам тилнинг тафаккурга ҳамда лисоний образларга муносабатига худди шу залда алоқадордир. А. В. Фёдоров ўз асарининг барча тўрттала нашрида ҳам бу ҳусусда гапирди. Шубҳасиз, бадий асар таржимасида тиллараро фонетик, морфологик, синтаксистик тафовутлар зуҳур кўрғазди, уларни жиддий тарафда ҳал этиш ҳар гал таржимоннинг зиммасига тушади. Бироқ стилистика фақат лисоний талқин ва нутқий тушунчалар билангина чегараланиши мумкин эмас. Стилистика айни вақтда ва муқаррар алоҳида олинган ҳар бир ёзувчининг, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хослиги, индивидуаллиги бўлиб, бу унинг композицион усул — тадбирларидан тортиб бадий деталь-тафсилотларгача қамраб олади.

Таржимон ижоди бадий тўқима, шакл усуллари, ижодкорнинг ўзига хос қиёфаси, образлару характерлар ва ҳоказолар дейсизми, яъни асосий омилларни ҳамда, шу билан бирга, ҳар гал таржимон олдида бор бўйи билан ястаниб, уни ўйлашга ва ҳал қилишга даъват этадиган нарсаларни қайта тиклашда муайян лисоний воситаларни топиш, уларни истифода этиш билан боғлиқ проблемаларни бевосита, ҳар гал янгича, мустақил, баъзан фавқулодда ҳал қилишни тақозо этади. Бу таржимон ўзининг кундалик амалий фаолиятида дуч келиб турадиган, таржимашунос — танқидчи ва назариячи жамлаб умумлаштириб, ўрганиб, тадқиқ этадиган проблемалар мундарижасининг мажмуасига дахлдор нарсаларнинг бир қисмидир, холос. Бошқача айтганда, таржима ҳақидаги фан таржима амалиёти материаллари ҳамда таржимонлар ижодининг таҳлили асосида иш кўради. Эҳтимол шу сабабдан бўлса керакки, гарчанд шакл-шубҳасиз муайян қимматга эга бўлса-да, соф назария ва таҳлилга асосланган тадқиқотлардан кўра, амалий таржимачилик иши билан банд бўлган таржимонларнинг ўзлари томонидан ёзилган китоблар кўпроқ қизиқиш уйғотади. Бундай назарий ва адабий-танқидий асарларда таржимонлар ўзларининг гоъйда бой, хилма-хил тажрибаларини ёритадилар, ўзга тилда ёзилган асарни ўз она тилида қайта яратиш жараёнида тажриби истифода этган ёҳуд ўзлари кашф қилган турли-туман усул, восита, тадбирларнинг мағзини чақадиларки, булар назариячи-таржимашунос учун бирламчи дастур, амалий тажрибаларни ўрганиш ва бу тажрибаларни типологик йўриқ асосида ҳар тарафлама ёритишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Зотан, қайта яратиш жараёнида нуқул аниқликни пеш қилувчи айрим назариячиларнинг талаб ва даъволарига зид ўларок, таржимон шунчаки матн ўғирмачиси эмас, балки ижодкордир. Бу, зинҳор-базинҳор, аниқ таржима қилиш заруратини инкор этмайди, балки таржима аниқлиги гоҳо биз ўйлаганимиз, тасаввур қилганимиздан кўра анча кенг тушунчадир. Аниқлик мезони аслига монанд образ, характер, монанд шакл ёҳуд оҳанг ҳосил қилиш билангина ўлчанмайди. Таржима аниқлиги бу, дафъатан, асари таржима қилинаётган адибнинг ўзига хос бадий қиёфасини сақлаш тадорики, саховати, ўгирилаётган «бегона» асарни Ватан адабиёти мулкига ва она тили ҳодисасига айлантириш санъати демакдир.

Бундай аниқликка эришишнинг назариячилар диққатини жалб этиб келаётган кўпгина йўл-йўриқлари бор. Ортиқбой Абдуллаевнинг бадий таржима муаммолари юзасидан «Шарқ юлдузи» журнали саҳифасида (1983 йил, 3-сон) «Мулоҳаза, муҳокама, мунозара» рубрикаси остида берилган «Мен на дейман-у, қўбўзим на дейди» номли мақоласи билан кейинчалик баҳсга қўшилган Нажмиддин Комиловнинг «Илҳом ва муҳаббат фарзанди» («Шарқ юлдузи, 1983 йил, 6-сон) мақоласи бугунги адабий ҳаётда долзарб аҳамият касб этаётган поэзия таржималари муаммоларини ўртага қўяди. Тадқиқотчиларнинг масалага ёндашувлари ҳам, муҳокама юритиш тарз-таҳлитлари ҳам ҳар хил.

Ортиқбой Абдуллаев услубни қайта яратиш ҳамда бундай услубий инкишоф жараёнида таржимон маҳоратига эътиборни қаратади, булар, дарҳақиқат, муҳим ва актуал таржима проблемаларидан биридир. Расул Ҳамзатовнинг «Бир хонадон фарзандлари» номи остида жамланган, турли-туман ижодкорлар қаламига мансуб шеър

таржималари таҳлиliga бағишланган бу мақола айнан шу проблема билан боғлиқ. Тўғриси айтиб қўя қолайлик. Танқидий баҳс учун танланган объектни унчалик муваффақиятли деб бўлмайди. Бунинг сабаби бор: авар шоирнинг шеърлари авар тилидан эмас, ҳатто уларнинг русча ёки ўзбекча таҳтуллафзи (тағламаси)дан ҳам эмас, балки тайёр русча шеърий таржимасидан, яна таъкидлайман: назмга айлантирилган, шеърӣ таржимасидан, бошқача айтганда, мавжуд икки русча таржимадан ўзбекча-лаштирилган. Бири — авар тилидан русчага қилинган тағлама матн, иккинчиси тағлама орқали амалга оширилган русча шеърӣ таржимадан ўзбек тилига ўгирилган. Бу таржима жараёнида беҳад катта душворликни келтириб чиқаради, зероки, асл нусха замирида энди фақат иккита эмас, балки учта ўзига хос бадий қиёфа, овозга эга бўлган ижодкор сиймоси гавдаланади. Булар: шоирнинг ўзи, тағламачи, рус бадий таржимони.

Сирасини айтганда, бундай серпогона босқичлардан ўтиш ижодий, бадий ва эстетик мазмун — мундарижага эга бўлган қатор қийинчиликларга дучор қилади.

Бунинг устига, Нажмиддин Комилов ҳақ: таржимон ҳам ўзига хос ижодий сиймо. Шундай экан, бу жараёнда ўз индивидуал услуби, ўз қаламига эга бўлган тўғрига ижодкор намоён бўлади. Бундай шароитда ўзбек таржимонининг ижодий қисмати нақадар қийинлигини осонгина тушуниш мумкин, бинобарин, таржимонлар меҳнати-нинг натижалари ҳақида ҳолисона муҳокама юритиш, таҳлил қилиш, умумлашма яратиш, хулосалар чиқариш, бошқача айтганда, ўзининг одағий, конкрет тадқиқоти билан шуғулланишга чоғланган бундай таржиманинг мунаққидига ташаккур айтиш билан борабариде, таассуф билдиргинг ҳам кетади.

Начора: Расул Ҳамзатовнинг шеърӣ тилида чоп этилди (бундан муқаддам, 1964 йилда шоирнинг «Юсак юлдузлар» номли тўплами ҳам босилиб чиққан эди), ўзбекча таржималар иложи борича яхши жаранглаши, бадий асар ўзбек тилида бор бўйи билан қаддини ростлаши, таржима чинакам таржимадай бўлишидан маъфаддор тадқиқотчилар, таржимашунослар, назариячи ва таъкидчилар машҳур авар шоирнинг ўзбек тилида қандай янграши масаласига бефарқ қарай олмайдилар.

Шундай мақсад ва ўй-ташвиш оғушида Ортиқбой Абдуллаев билан Нажмиддин Комилов мазкур таржималар таҳлилидан тегишли хулосалар чиқаришга, тегишли проблемаларни асослашга, уларни ўз маромида ҳал қилишга, бир талай аниқ-таниқ масалалар юзасидан баҳслашишга ҳаракат қилганлар. Таржима воқе бўлиб, нашр юзини кўрибдими, у тадқиқотга, танқидга, ўз мавқе даражасига муносиб, бамаъни-батамкин муҳокамага муҳтож, деган сўз.

Мунаққидларимизнинг асосий, ибтидоий талабларидан бири таржимага «маҳкум» ва «ғирифтор» бўлган шоирнинг услубини қайта яратиш масаласидан баҳс очадилар. Дарҳақиқат, бу муҳим таржимавий проблема бўлиб, у адабиётшунослик, тилшунослик ва психологик йўналишлар бўйича муҳокама ва таҳлилга имкон туғдиради. Услубни қайта яратиш билан боғлиқ мазкур масала, таржиманинг муҳимлиги тарафидан бундан қолишмайдиган бошқа аллақанча муаммолар қатори, бугунги қунда энг долзарб ва энг баҳсталаб проблемадир.

Қониқиш билан қайд этиш керакки, мунаққидлар ўзлари таҳлил қилаётган таржималарнинг кўпгина фактлари, асос ва далилларини нуқул лисоний усул билан тушунтиришга интилмайдилар, балки улар бу масалани таржимоннинг асл нусхага муносабати, уни қандай талқин қилиши, лисоний маҳорат ва услубий хослик ҳамда муаллифга услубан яқин бўлиш сингари муаамоларни яхлитликда олиб ўрганадилар. Улар яна бошқа бир қанча масалаларга муносабат билдирадилар, жумладан, тилни зўриқтириш масаласига тегиб ўтадиларки, кези келганда, шеърӣ таржималардан далиллар келтирган ҳолда, бу ҳусусда ўз мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Ортиқбой Абдуллаев ўз мақоласида айрим таржимонларнинг маҳоратига баҳо беради, мақола давомида назарий проблемаларни ҳам четлаб ўтолмайди. Таржима санъати ҳусусида гап бораркан, шундай бўлиши табиий ҳол.

Ортиқбой Абдуллаев мақоланинг бошида қайд этган масала — таржимон чуқур кириб боришга ва мукамал, тўқис қайта яратишга даъват этилган ёзувчининг бадийят олами, бизнинг назаримизда, ижод психологияси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ёзувчи ўй-фикрларининг тилда зоҳир бўлиши, оҳанг-жарангос пайдо қилиши жараёнига вобаста, ўз навбатида, булар ёзувчининг асл нусхага ва теварак-атрофдаги воқеликка, айни асарни ёзишдан кузатилган мақсад-муддаога бориб тақалади. Сирасини айтганда, буларсиз ижодий жараён тўғрисида гапиришнинг ўзи амри маҳол.

Энди юқорида қайд этилган мақолалар юзасидан туғилган мулоҳазаларимизни конкрет қиёслар орқали айтмоқчимиз.

Нажмиддин Комилов услуб тўғрисида айтилган мулоҳазаларни давом эттириб, қайд этадики, «... муаллиф услубини тўғри акс эттирмасдан туриб, асарнинг ғоявий-бадий қиймати, эстетик таъсир кучини янги тилда ифодалаш мумкин эмас.» Бу фикрнинг тўғрилигига шубҳа йўқ. Нажмиддин Комилов ўз мулоҳазаларини давом эттириб яна дейдики, «... таржимада услуб деганда фақат муаллифнинг индивидуаллиги эмас, шу билан бирга таржимон услуби ҳам назарда тутилиши керак.»

Чиндан-да таржимоннинг ўз услуби ҳам унинг ўзига хос ижодий сиймоси ҳам у амалга оширган таржимага таъсир кўрсатмасдан иложи йўқ. Таржимон, унинг ўзига хос руҳий олами асл нусха муаллифининг услуби ичра беному нишон эриб, сингишиб, маҳв бўлиб кетиши мумкин эмас. Акс ҳолда бу таржима эмас, балки қуруқ нусха кўчириш, кўр-кўрона ағдармачилик бўлиб қолади.

Ҳа, таржимон ўз таржимасига ёнидан нимадир қўшади ҳам, бусиз мукамал таржима яратиб бўлмайди. Нажмиддин Комилов Лорканинг шеърини Шавкат Раҳмон таржимасида келтиради ва уни ажойиб бир тарзда таҳлил қилади. Лорка мисраларини Шавкат Раҳмон таржимасида ўқир эканман, қўлимда шеърнинг асл нусхаси йўқ эди.

... Шундай йиғлар тонгни қўмсаб шом,  
Шундай йиғлар нишонсиз ўқлар.  
Шундай йиғлар ловиллаган қум  
Тароватли гулларни йўқлаб...

Бу ажойиб-гаройиб мисралардан мен фақат Лорка шеърятининг тароватини эмас, балки ногаҳонда Марина Цветаеванинг оҳанги ва нафосатини ҳам илғаб қолдим. Бир зумда Лорканинг мажмуасини қўлга олсам, не кўз билан кўрайки, бу шеър чиндан ҳам Марина Цветаева таржимасига мансуб экан.

... Так плачет закат о рассвете,  
Так плачет стрела без цели.  
Так песок раскаленный плачет  
О прохладной красе камелий...

Шавкат Раҳмоннинг Марина Цветаева шеърларини яхши билиши-билмаслигидан воқиф эмасман, бироқ унга асл нусха ўрнида хизмат қилган Лорканинг Марина Цветаева таржимасида шоиранинг мақоми, оҳанги, таржимон — шоиранинг сиймоси, ўзига хос услуби ўзбекча таржиманинг ҳам руҳига таъсир этганидан далолат бериб турибди. Далил сифатида Цветаеванинг ўз шеърларига ҳамоҳанг жаранглайдиган таржималардан намуналар келтирамиз.

Мировое началось во мгле кочевье:  
Это бродят по ночной земле — деревья.  
Это бродят золотым вином — грозди,  
Это странствуют из дома в дом звезды...

Мазмуни:

Зулматда бошланмиш жаҳоний кўчиш,  
Тунги заминда дарахтлар дарбадар кезар.  
Ўзум ғужумлари кезарлар олтин шароб бўлиб,  
Жаҳонгапта сайёралар учарлар уйма-уй кезиб...

Ёки:

Август — астры.  
Август — звезды,  
Август — грозди  
Винограда и рябины  
Ржавый — август!..

Мазмуни:

Саратон — уфор гул.  
Саратон — юдузлар,  
Саратон — узум ва  
Милаш ғужумлари,  
Қўнғир саратон!..

Лорка шеърятини таржималарида Марина Цветаеванинг нафаси уфуриб тураркан, ёш ўзбек таржимони уни идрок этмасдан, «симирамасдан» ва қайта яратмасдан иложи йўқ эди. Агар Шавкат Раҳмоннинг Лоркадан таржима қилган юқоридоги шеърларини олсак, шунга эътироф этишимиз лозимки, матний тарафдан таржима аслидан анча йироқ, лекин шунга қарамай, бу Цветаева таржимасидаги Лорка ва, бундан ташқари, баркамол ўзбек шеърятини намуналари кўзларни қувонтириб турибди.

Таржимада бир-биридан қийин, бир-биридан мураккаб мана шундай чирмашиш ва пайвандланиш ҳодисалари содир бўладики, бунда таржимоннинг иқтидори шубҳасиз катта роль ўйнайди.

Фаразан, мазкур шеърларни соф лингвистик тарафдан таҳлил қилиб кўрганамизда, маълум бўлар эдики, «Гитара — бедная жертва пяти проворных кинжалов.» (айнан: «Гитара — чақдастлик билан санчилган бешта ханжарнинг шўрлик қурбони»). «О гитара, шўрлик гитара, бешта ханжар санчилган юрак!» тушунчасига айнан мос эмас, бинобарин, биз тил қонуниятларига хилоф иш қилинганини қайд этган бўлар эдик. «Қурбон» тушунчаси ўзбекча таржимада йўқ. Бошқача айтганда, аслият билан таржима ўртасида тўла лисоний-услубий номувофиқлик келиб чиққан. Матн лугавий материалдан тўла чекиниш содир бўлган ва ҳатто образ ҳам алмаштирилган (о, дахшатнок ўзбошимчалик!) Бироқ аниқликдан, ашаддий-лисоний-услубий мувофиқликдан чекиниб қилинган таржима Лорка асарининг асл ўзбекча, гўзал шеър бўлиб яралишида муҳим омил бўлган. Ҳа, таржимоннинг ўзига хослиги асл нусха замирига сингмаслиги мумкин эмас, бинобарин, Нажмиддин Комилов «шеър — ҳақиқат портрети, ҳаётнинг сўз ила чизилган мусиқий суврати» дея иқроор бўларкан, у минг марта ҳақ.

Бироқ таржима сингари мураккаб жараёнда муаллиф услуби билан мутаржим услуби бир-бирига тенг қийматли миқдорга эга эмас, бинобарин, аслият услубини сақлаш таржимоннинг, ҳар қалай, бирламчи вазифалари жумласидан ҳисобланади. Бу,

чинданам, Нажмиддин Комилов айтганидек, эски масала бўлиб, барча назариятчилар ҳам, таржимонларнинг ўзлари ҳам унга ўз муносабатларини билдирганлар. Менинг наздимда, бу «эски масала» яна неча-неча ўн йиллар давомида турли-туман баҳсларга сабаб бўлади, шундай экан, муаллиф услуби-ю, уни қайта яратишда таржимонларнинг инон-ихтиёрлари ва имкониятлари хусусида изҳор этилган янгидан-янги фикрлар бизнинг тасаввур ва билимларимизни тобора бойитиб боради.

«Агар муаллиф ўктам бўлса, уни мўмин-қобил қилиб кўрсатиш жоиз эмас, — деб ёзади машҳур таржимон Н. Любимов ўзининг «Самандар сўзлар» асарида. — Таржимон муаллифнинг ижодий ўзига хослигини, намоён этаркан, шу аснода ўзлигини ҳам кўрсатади, лекин у муаллифнинг ўзига хослигини тўсиб қўймаслиги лозим... Асл нусханинг ҳарфини деб мен рус тили манфаатлари баҳридан ўтмайман, лекин ўзимнинг услубий шавқ-иштиёқимни ўзим таржима қилаётган муаллифларга юқтирмайман ҳам.»

Ёзувчи шакл билан мазмун устида иш олиб боради. Таржимон муаллифнинг ортидан эргашади. У муаллиф яратган шаклни қайта яратиш учун ҳам, ўгириладиган асарнинг Ватан адабиёти намунаси бўлишини тақозо этадиган даражадаги шаклини мукаммал сақлаш учун ҳам бирдай маъсулдир. Боз устига, икки лисоний шакл ҳам борки, тил тафовутларининг чуқурлиги вазидан бу ҳал этишга имкон бермайдиган мушкулот бўлиб кўринади.

Ортиқбой Абдуллаев мақоласининг бошида шундай ёзади: «Маяковский услубига руҳан яқин бўлган бошқа халқ шоири Есенин шеърларини таржима қилса, кўнгилдагидек чиқмаслиги мумкин ёки аксинча. Шунинг учун ҳам чинакам таржимонлар дуч келган асарни эмас, ўз қалбига ўрнашиб, кўнгил мулкига айланиб қолган, ўз истездод йўналишига мувофиқ келадиган бадият намуналарини танлаб таржима қиладилар...» Муаллиф бир неча сатр қўйи тушиб, Эркин Воҳидов билан Муҳаммад Али таржималари мавзуга кўчаркан, муҳокама йўналишини сал ўзгартиргандай бўлади: «Ҳар икки шоирнинг заҳматли меҳнати туфайли Гётенинг «Фауст»и, С. Есениннинг дилрабо шеърлари, Роберт Бёрнснинг ҳаётбахш кўшиқларию буюк ҳинд эпоси «Рамаяна» ва яна кўплаб нодир асарларни завқ билан ўқишга муяссар бўлганмиз...»

Муаллифнинг ўз даъвосини ўзи инкор этувчи бу қарашларини келтиришдан мақсад унинг муҳокамасида изчиллик етишмаслигини таъна қилишмас. Албатта, гап таржимон — шоирнинг ўзи ўтираётган адибга усул, услуб, маҳорат тарафидан муқаррар яқин бўлишмида эмас. Таржима учун тадорик, услуб, маҳорат яқинлигидан ташқари — Куприн сўзи билан айтганда, «... ҳар бир сўзнинг чуқур, жонли, ранг-баранг маънолари ҳамда муайян сўзлар бирикувининг сирли жозибаси тагига ета билиш» лозим.

Ортиқбой Абдуллаевнинг сўзларига қараганда эса, таржимон — шоирлар шу қадар «кент кўнгил» эканларки, акс қолда икки-уч муаллифни ўгириш билан бир умрга таққа тўхтаб қоларканлар. Жаҳон адабиётининг қанчадан-қанча ажойиб обидалари эса, таржимонларнинг «кўнгил мулки»га айланмай, бизга номаълумлигича қолиб кетар экан.

Рост, таржиманинг мукаммал, жозибадор бўлиб чиқишида хайрихоҳлик, лутф, севиш, муайян асарга дил талпиниши сингари омилларнинг муҳимлигини инкор қилиб бўлмайди. Муаллиф билан мутаржимнинг қалбан яқинлиги аслиятни таржимани баҳс боғлаб турувчи олтин занжирнинг барқарор ҳалқаларидан биридир. Лекин баҳс мавзуи — Расул Ҳамзатов шеърларининг ўзбекча таржималарига қайтайлик. Ортиқбой Абдуллаев сингри, мен ҳам авар тилини билмайман, шу ваздан шоир асарларининг ўзбек таржимонларига «аслият» ўрнида хизмат қилган русча матнига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашаман. Устига-устак, юқорида бир қарра айтиб ўтилганидай, русча таржималарнинг ўзи ҳам авар тилидан эмас, балки тахтўллафз матн, яъни тагламадан амалга оширилган. Бу ерда шеърлар таркибидаги луғавий-маънавий ва гоъвий-образдор сўз ва муносабатлар шу қадар мураккаб ва чигалки, Расул Ҳамзатов шеърларини уларнинг ўзбекча таржималари орқали баҳолаш жилла осон эмас, бунинг учун бой тасаввур, шеърый ва мусиқий идрок ва яна бошқа бир қанча сифатларга эга бўлиш талаб қилинади.

Расул Ҳамзатовнинг Мамарасул Бобоев таржимасида келтирилган «Она тили» шеърини қисқача таъриф-тавсифлаб, уни ижобий баҳолагандан сўнг, таъкидчи мазкур шеърнинг Эркин Воҳидов қаламига мансуб таржимасини келтиради. Эркин Воҳидов таржимаси ҳақида кўплаб мақтов сўзлар айтилади-ю, ҳар иккала таржимани ўқиганда дарҳол кўзга ташланадиган бир нарса: Эркин Воҳидов таржимасини жаранглатишга жуда кўмаклашган восита асарнинг илк таржимаси, Мамарасул Бобоев шеърини эканлиги эслатилмайди. Аслида, бу ўзи табиий ҳол: таржимани илк бор амалга оширган бир яхши шоир айни шеърни кейинроқ таржима қилишга чоғланган иккинчи яхши шоирга қулайлик яратади, таржиманинг қайси жойларини кучайтириш, теранлаштириш ва яхшилаш, қайси жойларини кўпроқ жаранглатиш ёхуд майинлаштиришга асос ва туртки беради.

Яна бир гап: Мамарасул Бобоев билан Эркин Воҳидов услубий тарафдан ҳам бир-бирларидан фарқ қиладиган шоирлар. Мамарасул Бобоевнинг услуби — анъанавий услуб. Унга нафосат, равонлик, босиқ шеърый баён каби сифатлар хос. Лисоний воситалар танлаганда вазминлик, шарқона ҳамдардлик, ўйчанлик ва мулоҳазакорлик, майин дилгир ва бир оз ғуссали оҳанглари ифодалаш сингари хосса-хуесиятларга эътибор қилади. Эркин Воҳидовнинг услубига хос сифатлар — кишини лол қолдирадиган турли «ғалат» нарсалар тўқиб, топқирлик, нигоҳ ва идрок тиниқлиги, ҳис-туйғуларни ўткир ифодалаш, лирик майинлик ва мардона гражданлик замирида сезгиларнинг қарийб яланғоч ҳолда бадий зоҳир бўлиши кўзга ташланади.

Хуллас, Расул Ҳамзатов шеърининг бирдай бақувват, айни вақтда бир-бирдан шу

қадар ажралиб турадиган икки шоир қаламидан чақнаган таржималари орқали ўзбек шеърияти бойиди. Эркин Воҳидов шеър воқелигини янгича шуур билан идрок этади, шеърый ифодани ўзига хос бир тарзда ўқувчига етказади. Бу ерда шоирона ўзига хосликдан ташқари, вақт омили ҳам зоҳир бўлади — ҳар иккала таржима ўртасида маълум давр, йиллар кечдики, бу таржиманинг мазмун — мундарижасидан ташқари, янги китобхоннинг идроки, талаби билан ҳам ҳисоблашишга тўғри келади.

Бир муаллиф асарларини бир қатор ижодкорлар таржима қилишларига доир воқеалар тез-тез учраб туради. Зеро, вақти-вақти билан таржималарни «янгилаб» туриш ҳақидаги фикрларда, шубҳасиз, жон бор. Расул Ҳамзатовнинг «Она тили» шеърининг Эркин Воҳидов қилган таржимаси бунинг ёрқин далили бўла олади. Аммо масаланинг бир жиҳатига эътироз билдирамиз. Чунончи, янги таржимоннинг қалами остидан қандай моҳирона шеърлар, бақувват поэтик асар пайдо бўлганини намойиш этиш учун бундан муқаддам яратилган таржимани ерга уриш ёхуд уни беписанд қилиш шартмас. Хусусан, эски таржима ҳам бинойида бўлиб, яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаганда уни камситиш инсофдан эмас. Бошқача айтганда, янги ютуқларга баҳо берганда эскиларини унутиш, улардан қўлни ювиш ярамайди. Бунда давомийлик, шеърый таржима аънаналарини тараққий эттириш ва шеърый таржима таафаккурини бойитиш хусусида муҳокама юрийтиш, ёнги масалани шеърый услуб тафовутини таҳлил этиш тарзида қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мақола муаллифи Шекспир асарларининг М. Лозинский ва Б. Партернак томонидан қилинган таржималарини билади, бу таржималарнинг ҳар бири ўзининг кўзга ярқ этиб ташланадиган афзалликлари, тасвирий-услубий бўёқларининг сержило эканлиги ва ҳоказолардан хабардор. Бу ажойиб «ранг-баранг» жилолар, айни бир асарни бир-биридан жиддий тарзда тафовут қиладиган усул, услуб ва тадорик воитасида юксак таржимавий, шеърый ва бадий уфқлардан туриб ўтириш орқали ёришилган ширадор тасвирий воситалар, омишлар, далилларнинг туб моҳияти бизга маълум.

«Ҳамлет»нинг Мақсуд Шайхзода таржимаси билан айни ўша трагедиянинг Жамол Камол қилган янги таржимасини ҳам далил қилиб келтириш мумкин. Иккала таржима ҳам, ҳар бири ўзича жозибатор. Винобарин, Шайхзода таржимаси ҳам, Жамол Камол таржимаси ҳам, ҳар бири ўз йўлида, ўз маромида муқаррар ва муҳаққак.

Расул Ҳамзатовнинг «Туғилган йилим» асари таржимасида Муҳаммад Алининг маҳоратини мунаққид шундай таърифлайди: «... Ҳамзатов дostonига хос ўйноқи оҳанглар, мусиқийлик ва бадий жозибани, теран мазмунни ўзбек ўқувчисига содда ва раvon мисраларда етказишга муваффақ бўлган. Масалан, дostonда катта маҳорат билан битилган қуйидаги бандларга разм солайлик...» Далил сифатида танқидчимиз сўзма-сўз ҳижжалаб қилинган таржима намунасини келтиради.

Худди мана шу ўринда фақат «содда ва раvon мисралар», ўйноқи оҳанглар» (гарчи бу сифатлар Муҳаммад Али таржимасида чиндан ҳам мавжуд бўлса-да) хусусидагина эмас, балки шеър таржимасида содир бўлмиш ажойиб-гаройиб ҳодиса ҳақида гапирса яхши бўлар эди. Чунончи, қандай зайлда, нечук бўлиб айни ҳолда сўзма-сўз, ҳижжавий таржима образнинг емирилиши, шеърый тўқиманинг нурашига олиб келмасдан, аксинча, табиий шеърый жарангос, шакл билан мазмун узвийлигини таъминлади? Бу шеърый таржима тадқиқотининг жуда қизиқ, мўъжизавий масалаларидан бири. Нега айни ҳолда сўзма-сўз таржима ўзини бу қадар оқлаган тадорик сифатида зоҳир бўлган-у, бошқа ҳолларда айнан шундай тадбир таржима амалиётида энг кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқаради?

Бу ўринда икки томонлама — лисоний-услубий ва адабий таҳлил қилишга зарурат туғилади. Бунинг сабаби шуки, шеърый сўзма-сўз таржима зоҳиран енгил, ўнғай кўринса-да, амалда бу мураккаб адабий жараёнدير.

Кўриниб турибдики, бандлар жойлашишида мусиқийликни ҳосил қилиш тадбири қўлланилган.

**В нашем крае весна,  
Посмотри, Али!  
Сходит с гор седина  
Посмотри, Али!**

Барча лисоний-услубий воситаларни олиб қарайдиган бўлсак, аслият билан таржима ўртасида номувофиқлик, нотенглик аломатларини пайқаймиз: «сходит с гор седина» билан «кўчаётгир тогдан қор» — бир-бирига тенг мажоз эмас. Гарчи бу ўринда «седина, сходящая с гор» — айнан ўша қор бўлса-да, грамматик кўрсаткич (сўз туркуми) тарафидан от бўлган мазкур сўзини таржимон мажозан эмас, тўғри маъносида қўллаган. Шундай бўлса-да, инверсия тарзида қурилган «кўчаётгир тогдан қор» мисраси аслиятда-ги мажозий сатрдан мусиқавийлик жиҳатидан заррача қолишмайди.

Юзаки қараганда, қуйидаги икки мисрада ҳам луғавий номувофиқлик ҳосил бўлган:

**Зазвучали вдали  
Ручейки, Али.**

**Ариқчалар чалдилар  
Кўнғироқ, Али.**

«Зазвучали ручейки» (ариқчалар шилдирашди) деганда улар жарангдор овоз таратиб оқаётганини аңлатади, шунга кўра таржимон бу жарангос образга аниқлик киритиб ўтиради — «ариқчалар чалдилар кўнғироқ», яъни мажозий ва образлиликни кучайтиради — бу билан биринчи мисрада қўлдан бой берилган образли тасвир ўрнини тўлдиргандай бўлади. Ўзбек таржимони русча матнга кўр-кўрона эргашмайди: унда бинафшалар шунчаки чироқ эмас, балки «гулчироқ» ёқадилар, яъни русча шеърый мисра маъзида яширинган маъно рўёбга чиқарилган (*гулчироқ*), унга гўё аниқлик



киритилган (аслида, бинафшалар чироқ ёқа олмайди). Бу ерда бадий ижоднинг ўз методикаси ва методологияси амал қилади, бинобарин, ортиқча ҳижжавий муқоасага эҳтиёж йўқ.

Мазмун панида таҳлилга ўтганда шу нарсани таъкидлаш лозимки, энг керакли сўзни танлаб-топиб, уни таржима матнидаги аини ўринга қўя билиш — шеърни таъсирчан, мароқли қиладиган, унга жон ато этадиган нарса шундан иборат.)

Таржимада сўзлар гармонияси (уйғунлиги ва ҳамоҳанглиги) диққатталаб масала. Ҳамоҳанглик сўзларнинг фақат ташқи томондан ўзаро бир-бирига мос тушишинигина англашмайди, балки бу ботиний мослик ва уйғунликдир. «Туғилган йилим» дostonи таржимасининг сири, менимча, худди шунда зоҳир бўлган. Асарни бошдан-оёқ муфассал таҳлил қилиб ўтирмайман, чунки танқидчи мисол тариқасида келтирган ўша шеърини парчаларнинг ўзиданоқ Муҳаммад Алининг маҳорати ва услуби шундоққина кўриниб турибди.

Ортиқбой Абдуллаев шоирлардан Машраб Бобоев, Раззоқ Абдурашид ва Омон Матжонларнинг таржималари хусусида бир шингилдан илиқ сўзлар айтиб, сўнгра ёш таржимонларнинг ижодини таҳлил этишга ўтадики, бу аини мударо, негаки, одатда, ёш шоир-таржимонларнинг ижоди эътибордан четда қолади. Худди мана шу ўринда муфассал бадий таҳлил, таржимада асл нусхани қайта яратиш, услуб, маҳорат бахсларида очикчасига, астойдил гаплашиб олиш керак.

Танқидчимиз бўлса ёш ижодкор — таржимонларга таъналар қилиб, уларнинг таржималари Расул Ҳамзатов шеърятидан йироқ, деган гапларни айтади. Лекин, азбаройи савоб, таржималарни авар шоири ижодидан йироқлаштирган кимлар: рус таржимонларими ёки ўзбек таржимонларими? — бунни билмаймиз. Айрим шеърларга қараб ҳукм чиқарсак, кўпгина ҳолларда рус таржимонлари ишни ланж қилишган.

Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг. «Севадирман алвон баҳорни» шеъри илгари Мамарасул Бобоёв таржимасида босилиб чиққан бўлса, янги таржимани Эргаш Муҳаммад амалга оширган. Рост, Мамарасул Бобоёвнинг таржималари чакки эмас, равон, бироқ кишини бир оз таажжубга солади, нега десангиз, ўзбекча таржимага асос бўлган русча матн ўзи аниқликдан жуда узок. Шеърда нима тўғрисида гап боради? Ҳалол ва пухта шоир, тажрибали мутаржим Мамарасул Бобоёв, чамаси, узок ўй-мулоҳазалардан сўнг, рус таржимонининг фикрларини тусмоллаб ва ўзича талқин қилиб, ҳар қалай, силлиқ ва равон ўзбекча шеър яратишга мяссар бўлган.

Афтидан, русча таржимадан Эргаш Муҳаммаднинг кўнгли тўлмаган кўринади. Зотан, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Негаки, юқорида айтилганидай, русча таржима шунчалик бетайинки, уни ўғираётган киши шоир нима хусусда ёзаётганини, нимани назарда тутаетганини, мақсад-мудароиси не эканини билолмай боши қоатади.

«Севадирман алвон баҳорни» шеърдан олинган бандда «бош» сўзи уч марта қайтарилади, деб таржимонни мулазам қилиш осон. Бироқ, зарурат бор экан, агар бу шеъринг равонликка, фикрни бадий йўсинда гўзал бир тарзда ифодалашга хизмат қиларкан, сўз боринги, ўттиз уч марта такрорланмайдими... Фикр иккинчи мисранинг бошида давом этаётганини кўра-била, чала қолган биринчи мисрани юлиб-юлкиб далил келтириш ҳам танқидчининг асосий вазифаси эмас. Воқеан, «Ой бошимга қўймагунча бош» мисрасини соф шоирона мажоз сифатида ёмон деб бўлмайди, бу жуда замонавий жаранглайди. Ажабмаски, ёш шоир ноаниқ, тўмтоқ, чигал русча матн оша авар тилида ифодаланган шеърни кўришга, авар шоирининг фикрини ўқишга ҳаракат қилгандир. Ассולי равишда, авар тилидаги шеър ҳойнаҳой мазмундор ва аниқ бўлса керак, деб ўйлагандир.

Ортиқбой Абдуллаев Эргаш Муҳаммаднинг Расул Ҳамзатовдан қилган таржималари тўғрисида гапириб, у «қош қўяман деб, кўз чиқарди...» дейди, аслида эса, ўзбек шоирдан аллақанча олдин, рус таржимонлари «кўз чиқариб» улгурган эдилар. Дангал айтиш керакки, Расул Ҳамзатовнинг русчага ўгирилган ашғори нафақат шеърини нафосат, образдорлик тарафидан ҳам яхши жарангламайди: Я без крова обшелся б даже. Мне не нужно в жизни ничего. Маъзур тутгайлар-у, лекин бунинг номини ҳавойи назмбозлик дейдилар.

Эргаш Муҳаммадни ҳимоя қилиш ниятида айтаётганим йўқ, — унинг таржималарида пала-партишлик ҳам, ярқираб чиқмаган, хира мисралар ҳам йўқ эмас, — бироқ бошпана, уй-жой, паноҳ маъноларидаги «кров» сўзини «кровь» — қон деб ўқишига ишонмайман, аввало шунинг учунки, унинг қўлида Мамарасул Бобоёв таржимаси турган эди. Қолаверса, мантиқ тақозоси ҳам бор. Мен ўзим ҳам русча таржимада Расул Ҳамзатовнинг ўша шеърини мутолаа қилганимда, аварча аслиятда бу, ҳойнаҳой, «кров» — бошпана эмас, «кровь» — қон маъносидаги сўз бўлмаганмикан, деган хаёлга борган эдим. Бошқача айтганда, шоир ўз тоғларини кўриш учун бир чакра қолгунга қадар бутун қонини беришга ҳам тайёрман, демоқчи эмасмикан, деб ўйлагандим. Бу ўринда тахайюлга кенг ўрин бериш мумкин. Эргаш Муҳаммад билан менинг ўй-хотиримиздан, мушоадамиздан бир хил фикр кечганлиги қизиқ. Лекин гапнинг «индаллоси» бу эмас. Эҳтимол, ҳар иккаламиз ҳам — Эргаш Муҳаммад билан мен — ҳақ эмасдирми. Аммо ўзининг «без крова обшелся б даже» деган алмойи-алжойи таржимаси билан рус таржимони ҳам ҳақмикан?

Ким билади дейсиз, эҳтимол Расул Ҳамзатовнинг ўзбекча шеърини мажмуасига мазкур асарнинг Мамарасул Бобоёв қилган таржимаси киритилса маъқул бўлардимки, ё бўлмаса, яхшиси, уни умуман тўпلامга киритмай қўя қолиш керак эди, вассалом.

Бундан буёғига мен Эргаш Муҳаммад томонига ўтаман, нега деганда, авар шоирининг ўзбекча таржимага асос қилиб олинган русча таржималари ҳам номукамалдир. «Каспий» шеърдан олинган қуйидаги парчага эътибор беринг:

То утихаешь, как больной мудрец,  
Осмеянный удачливым невеждой.

Авалло, «больной» (касалманд) билан «удачливый» (омади чопган) сўзлари рус тилида, маънога кўра, бир-бирига зид қўйилмайди. Русчада бундай дейилмайди, ўйлайманки, авар тилида ҳам бу қабилда сўзланмаса керак. Боринги, бу умуман шеър, поэзия эмас. Юқоридаги икки мисрага Ортиқбой Абдуллаев берган талкин эса жуда баҳсли. Бу ғариб мисралар ичра Расул Ҳамзатовнинг «фалсафий руҳи»ни (танқидчи таъбири) кундуз кун чироқ ёқиб юриб ҳам топиб бўлмайди. Бу ердан қандайдир йилт этган фалсафа учқунини топиш учун киши бориб турган, чексиз хаёлпараст, идроки беҳудуд бўлиши даркор.

Яхши хаёлпарастликка қарши бўлмасам-да, Эргаш Мўхаммаднинг тусмолий изла-нишлари дуруст самара бермаганини кўриб, юрагим увушади. Мен таржима жараёнида хаёлга чўмиш, ўй ўйлаш, тусмоллаш, фаразияларга бориш, масаланинг маъзини чақиш, мураккаб проблемаларни оқилона ҳал этиш, матннинг чўкиртиканак чангалзори оша ёриб ўтишларга қарши эмасман-у, ҳар нарсанинг ҳам чеки ва меъёри бўлади-да...

Омон Матжон таржимасини баҳолаш йўриғига келганда, танқидчининг фикрига қатъиян қўшила олмайман. «Қофияларнинг оҳангдош эмаслиги мисралардаги ра-вонликка путур етказган, — деб ёзади Ортиқбой Абдуллаев. — ... Таржимон (Омон Матжон. — Н. В.) сўзларни ишлатишда меъеридан ташқари «иктисод» — тежамкорлик-ка берилиб кетадики, оқибатда сатрлар керакли ширадан махрум бўлиб, қуруқшаб қолгандай кўринади.»

Не кўз билан кўрайликки, гап мана бу мисралар хусусида экан:

Тонг билан шом, тун билан кундуз  
Оқ балиқчи, қора балиқчи.  
Олам — денгиз, бизлар балиқчимиз,  
Чукур ерда сузиб борувчи.

Олам — денгиз. Балиқчи бедор.  
Қармоқ, тўри шайдир қўлида.  
Ушлашига мени қанча бор  
Кун қармоғи, туннинг тўрида.

«Равонлик», «ширадорлик»дан баҳс очиш не ҳожат, шеърда булар барчаси муҳайё ва унда наинки равонлигу ширадорлик... булардан ташқари — поэзия бор.

Ғарчи мен ҳам, Ортиқбой Абдуллаев сингари, авар тилини билмаган ҳолда, русча оралиқ — таржимага қараб ҳукм чиқарсамда, ёрқин, образли, ширадор ўзбекча шеърлар катта маҳоратдан тавожлик бериб турибди. Бунда ҳеч нарса бир қолида, тайёр ҳолда ҳал қилинмаган. Шеъринг техника, нафосат, услуб муаммолари бу ерда ҳеч кимнинг ўтмишда қўлга киритган тажрибалари замирида ҳал қилинмаган. Омон Матжонда асосий нарса — маъно ва услубий жило, шоирнинг жонли, ўқтам овозию, унинг ўзига хос поэтик сиймосини ўзбек тилида қайта яратишдан иборат. Айтилганлардан шундай хулоса ва далил яна бир қарра тасдиқланадики, таржима назарияси қонуниятларни ўрганади, лекин барча ҳолат ва вазиятларда баб-баравар қўлласа бўлаверадиган ечимлар, тайёр схемаларни бермайди.

Воқеан, яна бир гап. Таржимада қофияга эътиборсизлик дуруст эмас, албатта. «Шеър қофияли қилиб ёзиладими, демак ҳаммаси тўла-тўқис мукаммал бўлмоғи шарт», деб талаб қилади танқидчимиз. Йўқ, шарт эмас, деймиз биз. Қолаверса, Расул Ҳамза-товнинг шеърлари авар тилида нуқул бошдан-оёқ қофиясиз қилиб ёзилган. Шоирнинг шеърларини рус адиблари қофияли қилиб ўтирадилар. Омон Матжон ҳам, Ҳуршид Даврон ҳам бундан огоҳ бўлсалар керак, деб ўйлайман.

Миллий ўзига хослик масаласи ҳам бадий таржимада муҳим аҳамиятга эга. Турган гап, аслиятда акс этган барча миллийлик аломатларини таржимада иложи борича мукаммал етказиш лозим. Лекин миллийликнинг мундарижасини, аслият билан таржиманинг миллий хослиги мезони ва меъерини қандай аниқласа бўлади?

Ортиқбой Абдуллаев икки шоир — Мамарасул Бобоев билан Ҳуршид Даврон таржималарида «миллий хусусият етарли даражада сақлаб қолинмаган» деб бевовтала-нади.

«Элларда қадимда уч хил қўшиқ бор» шеърида икки шоир — таржимон «фарзанд тобутин кучоқлаган дам» (Мамарасул Бобоев) ҳамда «ўғиллар жасадин кучганда мозор» (Ҳуршид Даврон) тўғрисида фожиавий воқеани изҳор этар эканлар, фикримизча, русча матндаги «рукою глядя шеки ледяные» (муз ёноқларни қўл билан сийпалаш) ҳодисасини ҳам акс эттиришни талаб қилиш ортиқча. «Муз ёноқларни сийпалаш» — миллий мотам маросимининг муҳим бир аломати деб ўйламайман, бинобарин, таржимада айни шу ҳолатга диққатни қаратиш муҳим, деган фикрдан узоқман.

Бундай олиб қараганда, мазкур жумла дидсизлик маҳсули, ўзи аварча матнда бу нарса борми ёки йўқми, маълум эмас, эҳтимол, рус таржимони матни шу зайдда «миллийлаштиргандир?» Гап ўз фарзандларининг тобути устида уларнинг сифатлари ва ўзларининг ҳасрат, ғам-андухларини айтиб йиғлаётган онаизорнинг гўяндалиги ҳақида бормоқда. Бу даҳшатли изтироб тасвирини ҳар иккала ўзбек таржимони тўқис ва таъсирчан бера олганлар.

Нурулла Остон билан Эргаш Мўхаммад шеърларни ҳаддан ташқари ҳижжалаб таржима қилишган. Улар авар шоири асарларининг русча таржималарига ҳаддан зиёд

ишониб қараганлар. «Мачит билан ичгум қасам» деб ўгириш номатлуб эканлиги, русчасида ҳам «клянусь мечетью» дейилгани қайд этилади. Лекин бу ўзбекчада қандай гализ бўлса, русларнинг наздида ҳам шунчалик гализ ибора. Чайналган, сийқа қасамнинг ёт ифодавий шакли қаёқдан пайдо бўлди? Русларда мачитни ёки черковни шафе ва ҳоказолар номига қасам ичилади. Қасамга миллий хослик тусини бериш мақсадида рус таржимони «мачитга қасамёд» қилишни тўқиб чиқарган, асл аварча варианты қандай эканлиги яна бизга қоронги. «Мачит билан қасам ичиш» — қабул қилинмаган, нотўғри, пичинг-исеҳзоли маъно касб этади.

«Доғистонга» шеърини таржима қилган Эргаш Муҳаммаднинг шўри курсин. Чунончи, мана бундай шеър аталмиш сатрларга дуч келган таржимоннинг холига вой бўлиши олдиндан маълум:

**Даришь свою мне и стар ты и новь,  
Реки, как барсов, вскормив на плечах.  
Верстами любви не мерять любовь,  
Все рождены мы с пристрастьем в очах.**

Мушкулни осон қилишнинг бирдан-бир чораси — таржимадан воз кечиш. Эргаш Муҳаммадни бўйин товламаганликда, бу маъни-матрасиз сатрларни ўзбекчага ўгиришга жаҳд қилганликда айбласа бўлади. Бу алмойи-ажмойи матни таҳлил қилиш ҳам амри маҳол. Лекин Ортиқбой Абдуллаев қуйидагича тусмолий фаразияларга берилиб кетган:

«Сойни ҳам, қоплондай елкангда боқиб» жумласида русчадаги маъно тўғри ифодаланган эмас, — деб шарҳлайди танқидчи. — У ўзбек тилига сингишмай турибди. Қулоққа қандайдир хунук эшитилади.» Ҳамма гап шундаки, у рус тилига ҳам сингишмай турибди ва русларнинг қулоғига ҳам қандайдир хунук эшитилади.

Танқидчи яна давом этади: «Бу ерда «кин», «нафрат», ҳақида эмас, аксинча, шайдолик, мафтунлик, ҳаётсеварлик ҳақида гап кетапти. Мазкур бандда депсиб турган ҳаётга шайдолик, она диёрга мафтунлик ҳисси Ҳамзатов шеърятининг асосий руҳини ташкил этадики, таржимон бу нозик, пинҳон нуқтани пухта идрок этмоғи лозим эди.»

«Все рождены мы с пристрастьем в очах» сўзларини ўқиш уят, боз устига, ногирон, палъада фикр «Ҳамзатов шеърятининг асосий руҳини ташкил этади» деган хулоса чиқариш — нодуруст. Шу тахлитдаги илмий таҳлил асосида таржимон зиммасига вазифа юклаб, у «нозик, пинҳон нуқтани пухта идрок этмоғи лозим» дейиш мубҳамликни туғдиради, холос. Тўғри, таржимон фидойи, закий ва зийрак ижодкор, лекин у... фолбин эмас. Визнингча, бу олдинги икки мақолада ташвишланиб айтилган ўша — тилга зўравонлик, тил устидан ҳукмфармонлик қилишнинг айнан ўзгинасидир.

Мақолада «Доғистонга» шеърдан яна бир жуфт мисра келтирилади:

**Гулом ушелей меня позови,  
Посвистом, что предназначен коню.**

Ўзбекча таржимаси:

**Мени гордек чувлаб чорлагил доим,  
Отга мўлжалланган ҳуштакка айлан.**

Бу мисраларнинг маъносини дафъатан русчада уқиб олиш амри маҳол бўлиб турибди. От ёки итнинг инсонга садоқати тўғрисида гап борадими? Русча шеърнинг (агар уни шеър деб бўлса) маъносини тушуниб етиш қанчалик душвор бўлса, ўзбек таржимонининг қисматига шунчалик раҳим келади.

Танқидчи Ортиқбой Абдуллаев ёзади: «Оқибатда банддаги нафосат ўрнини шеърят табиатига тўғри келмайдиган қўпол, сунъий ифодалар эгаллаб олган» ва ҳоказо.

Қандай «шеърый нафосат»? Қани у?

Қўлимизда гирт саводсиз, ланж, чучмал русча шеърый матн тураркан, таржимоннинг изланишларию, танқидчининг таъна дашномларига тутақиб кетасан киши.

Таажжубки, Нажмиддин Комиловда ҳам Барот Исроилнинг Ҳамзатовдан қилган таржималарига бўлган муносабатида шунга ўхшаш эътирозни кўриш мумкин.

Нажмиддин Комилов таҳлили нозик, чуқур мушоҳадали таржима танқидчиси, билагон назариячи. У «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1983 йил 18 февраль сониде «Таржимоннинг бурчи» номи остида эълон қилган мақоласида Расул Ҳамзатовнинг русча таржимасидан қуйидаги мисолни келтиради:

**Если ты кунак, то мой порог  
Ждёт тебя, сдувая облака(!)  
Если ты от жажды изнемог,  
То моя река — твоя река.**

Бу тўртликда шоирнинг маънавийёт олами ва оҳангига дахлдор нимадир, жуда тароватли бир нарса бордай. Аммо ўша «бир нарса» нима ўзи?  
«Сдувая облака» бирикмаси маҳаллий колоритни беради, — деб ишонади мунаққид, — манзара кўз олдингизга келади. Ўзбекчасида эса бу йўқ.»

Қанақа «манзара», қандай «маҳаллий колорит»?  
Нажмиддин Комиловга ихлосим баянд. У таржиманинг нозик жиҳатларини илғаб, билиб таҳлил қилади, ўзи жиддий тадқиқотчи. Нажмиддин Комиловнинг ёзган ишлари

ҳамма вақт мароқли, асосли, тамизлидир. Таржима назарияси бобида жиддий ишлар қилаяпти. Лекин бу ўринда олимнинг Барот Исроил таржимасига билдирган таънасига қўшилолмайман. «Менинг оstonам», «булутларни пуфлаб, сени кутади» деб бўлмайди. Оstonадаги булутлар? Бу номатлуб, саводсиз, шоирона ширадан холи жумла. Ўзбек таржимони мазкур жумлани «Сенга — уйим очик, оstonам муштоқ» деб ўгирган экан, унинг топқирлигига раҳмат айтиш керак, зеро, бу шеъринг фикр тарзининг хийла мантиқий талқинидир.

Мен таржимонларни, хусусан, шеъринг мажмуа тўплóвчиларини сираям окламоқчи эмасман. Икки офатдан бирига гирифтор бўлиш шарт экан, кичикроғини танлайдилар. Яхши таржималар мавжуд экан, «Бир хонадон фарзандлари» тўпламига, Ортиқбой Абдуллаев айтганидай, ўша пухта ишларни киритиш лозим эди.

Нажмиддин Комилов ҳақ гапни айтади: бизда таржимашуносликда ва танқидчилигимизда содир бўлаётган нарсалар таржима назариясининг таржимачилик амалиёти билан боғлиқ эмаслиги, ундан алоҳида ажралиб туришини кўрсатади, деган нотўғри хулосага олиб келмоқда. Бу масалани таржима баҳсига бағишланган мақолаларида кўпгина танқидчилар ва назариячилар кўтариб чиқишмоқда. Хусусан, амалий таржимачилик соҳасида тер тўкиб, ундан ўз ризқини татиб кўрмаган «курук» назариячилар бу тўғрида кўпроқ ёзишни хуш кўрадилар.

Назария ўз қобигига бурканган ёки, аксинча, таржима назарияси, таржимашунослик ҳаётда учраши мумкин бўлган ҳамма ҳолларга бирдай рецепт яратиб беришга даъват қилинган, деб ўйловчилар таржима назариясининг вазифаларини нотўғри тушунадилар.

«... Таржима амалиётига шу амалиётга пешрав бўладиган назария раводир. Бу назария мавжуд таржималарни тавсифлаб-таърифлабгина қолмай, балки амалиётчиларни қизиқтирадиган бирдан-бир савол: қандай қилиб, қандай воситалар билан яхшироқ таржима қилиш мумкин? Умуман, яхши таржима қандай бино бўлади? — деган муаммога жавоб бериши лозим.» Бундай нуқтаи назар «Дружба народов» журналининг 1983 йил 10-сонида Т. Воеводинанинг машҳур совет таржимони Н. Любимов ёзган «Самандар сўзлар» китобига босилган тақризида баён этилган.

Бу савол Т. Воеводинанинг хотирида пайдо бўлишидан аллақанча йиллар муқаддам, А. В. Фёдоровнинг юкорида эслатиб ўтилган китобида илгари сурилган ва унга жавоб ҳам берилган эди: «Таржима назариясини ҳар қандай ҳолда ҳам қандай ўгириш керак, деган тор амалий рецeптлар ёки қондалар мажмуаси билан қориштириш ярамайди. Бундай қондаларни бериб бўлмайди.»

Таржима назарияси мавжуд масалаларни «таърифлаб-тавсифламайди», балки ҳар қандай фан, ҳар қандай назария сингари уларни чуқур ўрганади, таҳлил ва тадқиқ қилади.

Табиийки, бошқа ҳар қандай соҳада бўлгани каби, бадий таржима ишида ҳам истеъдод керак. Истеъдод — бу олий неъмат, ноёб нарса, аммо... таржима ишини ҳаяллатиб ҳам бўлмайди. Драйер билан Жек Лондон, Олдингтон билан Бредбери ва жаҳон адабиётининг бошқа кўплаб машҳур намоёндалари асарларини ўгирган машҳур таржимон Нора Галнинг сўзлари менга жуда маъқул. Унинг айтишича, нодир, ноёб, оламшумул истеъдодга эга бўлмаган ҳолда ҳам, ўз ишингни тиришиб қиёмига етказиб, ҳалол-покиза бажаришинг мумкин. Дарҳақиқат, ўз ишини «тиришқоқлик билан», «ҳалол-покиза» ўринлатиб келаётган ўнлаб ва юзлаб таржимонларнинг номларини, сара таржималарни биламиз. Улар яратган таржималар барҳаёт ва ўз вазифасини удаламоқда — классиклар ва ҳозирги замон ёзувчиларининг асарларини таниб олишимиз ва севиб қолишимизга имконият туғдирмоқда, эстетик завқимизни оширмоқда, дидимизни парвариш қилмоқда.

Фаразан айтايлик, Хемингуэйдан Кашкин қилган таржималар — истеъдод маҳсули, машъала; ўша Хемингуэйдан Е. Д. Калашникова қилган таржималар — сархил, пухта, ҳалол меҳнат, сара ҳунар натижаси. Дарвоқе, «Кимнинг юлдузи кўчди?» романи Бутуниттифоқ китобхонига айна шу таржимон меҳнати тўғрисида танилди ва манзур бўлди.

Юкорида кўриб ўтганимиздай, таржима муаммолари масалаларини бир эмас, бир қанча йўриқлар асосида синаб кўриш ва ҳал этиш имконияти жуда муҳим бўлиб, бу жараёнда аслияда акс этган ҳис-туйғулар ифодасининг таржимада ҳаққонийлиги ва тўғричилигини майда гап деб бўлмайди. Расул Ҳамзатовнинг қўбузи ўзбек тилида ўзининг мароқли, қувноқ ва ғуссали оҳанг, садолари билан уйғунлашиб, равон жаранглаши керак.

Нажмиддин Комилов ўз мақоласида бугунги кунимиз учун долзарб ҳисобланган яна бир масалани тилга оладики, бу таржима назарияси проблемаларининг ҳозирги адабий жараён билан суст боғланиётганидир.

Эндиликда кўпгина шоирларнинг таржималарини уларнинг оригинал ижодлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, таржима билан ёзувчининг ўз ижоди ўртасидаги таъсир ва ўзаро таъсирга вобаста йўналишда олиб қараш имкони туғилди. Бу мароқли, кам тадқиқ қилинган проблемалардан биридир. Зеро, таржима жараёнида асари ўгирилаётган муаллифнинг маҳорати, унинг фикрий лутф-назоқати ва каломи, ўзига хос услубига муносибатдош бўлиш унинг ўз асарларини ёзишига таъсир ўтказиши, табиий.

# ПУБЛИЦИСТИК ТАҲЛИЛ САНЪАТИ

Бадий публицистика ҳаётга фаол таъсир кўрсатади ва у ўткир гражданлик, ҳозиржавоблик пафосига эгадир.

В. И. Ленин публицистиканинг ҳозиржавоблик хусусиятини кўзда тутиб, уни «Замон йилномаси» деб атаган эди. Маълумки, тарих содир бўлаётган воқеаларни фақат қайд этиш учунгина ёзилмайди. Тарих ҳозирги ва келажак авлод учун ҳаёт сабоғи бўлиб хизмат қилади. «Биз доимо, — деб ёзган эди доҳий Ленин, — публицистлар қиладиган иш билан шуғулланишимиз, ҳозирги кун тарихини ёза боришимиз лозим ва биз уни шундай қилиб ёзишга интилишимиз керакки, турмуш ҳақида ёзган асарларимиз ҳаракатнинг бевосита иштирокчиларига ва қаҳрамон пролетарларга ўша ҳаракат бўлаётган жойда мумкин қадар ёрдам берсин — биз шундай қилиб ёзмоғимиз керакки, у ҳаракатнинг кенгайишига, куч кам сарф қилингани ҳолда кўпроқ ва мустаҳкамроқ натижалар берадиган кураш воситаларини, усул ва методларини онгли равишда танлаб олишга ёрдам берсин».

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида»ги қарорига ҳам публицистиканинг ҳозиржавоблиги, таҳлилий таъсирчанлигига доир ленинча принципларнинг барқарорлиги алоҳида таъкидланади.

Публицистиканинг ленинча таъсирчанлигини ҳозиржавоблик ва маҳорат таъминлайди. Публицистикада маҳорат бадий адабиётдаги маҳоратдан шаклан фарқ қилади ва бу ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бундай публицистик маҳоратда бадий жанрларга хос беллетристик унсурлар ошқора публицистик талқин ва таҳлил билан бирлашиб кетади. Демак, бу ҳол бадий публицистикада образ яратиш, ҳаётни тадқиқ этишнинг ўзига хос хусусиятини белгилайди.

## 1.

Ўзбек бадий публицистикасининг ҳаётга фаол аралашуви, сиёсий-гражданлик руҳи, гоёвий-бадий пафоси мавзу ва проблема кўламининг кенгайишида кўзга ташланади.

Ҳозирги замон ўзбек публицистикасида совет кишининг ижтимоий-маънавий ҳаётига доир бир қанча масалаларга фаол муносабат билдирилмоқда. Халқаро мавзу ўзбек публицистикасининг муҳим гоёвий-тематик йўналишларидандир. Бу мавзуда Шароф Рашидов, Воҳид Зоҳидов, Сарвар Азимов, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Раҳмат Файзий, Жуманиёз Жабборов каби ёзувчиларнинг сафар таассуротлари мавжуд эди. Айниқса, публицист-адиб В. Зоҳидовнинг чег эл империалистларининг Африка, Осиё мамлакатларидаги кирдикорларини фош этувчи ўткир мақола, очерк ва памфлетлари халқаро мавзуда ёзилган публицистиканинг кўрки ҳисобланади. В. Зоҳидовнинг ана шу мавзудаги публицистикасида яна бир ёрқин йўналиш муҳим ўрин тутди. Бу Европанинг капиталистик мамлакатларидаги ишчилар синфи, Африка, Осиёдаги халқ оммасининг зулмга қарши, озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган курашини кўрсатишдан иборатдир. Унинг публицистикасида халқ эрки учун курашаётган коммунистларнинг ифодали портретлари яратилган. «Нон ва гул учун курашамиз» очеркида адиб афиналик коммунист билан учрашуви ҳақида ҳикоя қиларкан, уни коммунистик идеал билан яшовчи ва ўз идеалини ҳаётга тадқиқ этиш учун курашчи, фидойи коммунист сифатида таърифлайди. Очеркда француз коммунисти портрети ҳам шундай юксак гоёни мутаассамлаштиради. В. Зоҳидов публицистикасида капиталистик воқеликни синчков тафаккур ва гражданлик руҳи билан тадқиқ этувчи адиб кифёси гавдаланади. «Бемор тафаккур ва гражданлик руҳи билан тадқиқ этувчи адиб Америка воқелигидаги барча қулайликларнинг ички сиёсий моҳиятини очади — буларнинг ҳаммаси пулдорлар манфаатига хизмат қилишини ҳаётий далиллар билан исботлайди. Оддий кишининг энг ҳашаматли меҳмонхоналарда бир кечаю кундуз яшashi учун бир йиллик даромади ҳам кифоя қилмайди, дейди муаллиф.

Публицист Америка ҳаётидаги сурункали жароҳатлардан бири — оқ танлилар билан қора танлилар зиддияти муаммосига диққатни жалб этади. Ирқчилик иллатининг ҳаётий, сиёсий, иқтисодий жиҳатларини теран тадқиқ этади. Бу китобда буржуа ахлоқи ва ташвиқотининг чирик моҳияти очиб ташланади. Америка телевидениеси кўрсатувларидаги ноҳақлик ва ёлгон, турли воситалар орқали тарғиб этилаётган парнографиянинг сиёсий-маънавий бузғунчилик нияти фош этилади. Бундай ёлгон ва беҳаё ташвиқотни буржуа сиёсатдонлари фикр эркинлиги, санъат ва матбуот эркинлиги ниқоби билан хаспўшлашга уринадилар. Бу — одамларни маънавий қашшоқлантириш, тубанликка судраш эркинлигидир. «Америка маъмурияти тушунчасидаги бу «озодлик», — деб ёзади адиб, — тубан ҳиссиёт томонидан эркин ақлни бўғишга йўл қўйиб бериш деган нарса эмасми, инсонийлик устидан ноинсонийликнинг ҳукмронлигини таъмин этиш дегани эмасми, гўзал ҳиссиёт устидан чиркин ҳирс устунлигини ўрнатишга ёрдам бериш дегани эмасми, яъни, аслида ҳақиқий озодликни паймол этиш дегани эмасми?! Ахир, одамни маънавий жиҳатдан ўлдиришни қандай қилиб озодлик дейиш мумкин?»

Халқаро мавзуда ҳозиржавоблик билан ижод қилаётган публицистларнинг пайдо бўлганлиги қувончли ҳолдир. Файзи Шоҳисмоилнинг ҳозиржавоб ахборот, репортаж, памфлетлари диққатга сазовор.

Аҳмадjon Мелибоевнинг «Умидли дунё» (1982) китобида сиёсий далил ва концепцияларни мантиқий ва ҳаётий жиҳатдан асослаб оригинал талқин этилади. Муаллиф империалистлар уруш сиёсатининг ғайри инсоний моҳиятини фош этиш учун типик ҳаётий мисоллар келтиради. Масалан, урушдан ногирон бўлиб қайтган муаллимнинг дарс жараёнида гоҳи-гоҳида: «Лаънати уруш», деб белини ушлаб ўтириб қолиши ҳолати урушдан кейин туғилган ёшларда руҳий сергаклик пайдо қилади.

Уруш доғи кўпчилик ўзбек зиёлисининг ниятларини тўла юзага чиқаришига йўл кўймади. Уруш ва зиёли дэтале воқеа моҳиятини янгидан англашга ундайди: китобхон уруш ҳаёт кушандаси, зиё душмани, деган фикрни жонли ҳис этади.

Образли фикрий контраст, деталлар қарама-қаршилиги публицистик тафаккурнинг таъсирчанлигини белгиловчи хусусиятлардандир. А. Мелибоев қуролланишга кетаётган харажати ифодаловчи рақамларни инсониятнинг иқтисодий, маданий қашшоқланиши маълумотлари билан таққослаш орқали эмоционал фикр уйғотади: ҳар бир минутда дунёда 200 бола туғилади, айни шу вақтда бир миллион доллар ҳарбий мақсадларга сарфланади. Бир йилда бу маблағ ярим триллиондан ортади. Ҳолбуки, дунёда 200 миллион бола тўйиб овқат ея олмайди. Туғилаётган боланинг ҳар бешинчиси беш ёшга етмай нобуд бўлади. Публицист бу факт ва рақамларни контраст юзадаш билан дам эттиради. Маълумки, империалистларнинг айби билан қуролланиш пойгаши халқларнинг тинқасини қуритмоқда. Бу ҳолатни адиблардан бири «рақам қўйилмаган уруш» деб атаган эди. Публицист «рақам қўйилмаган» урушнинг инсоният тақдиридаги ҳалокатли изларини кўрсатади.

Қаҳрамонлар сиймосида намоён бўлган ватанпарварлик хусусиятлари янги авлодга эстафета сифатида тақдим этилиши, унинг характериға сингдирилиши лозим. «Жасорат» очерклари ана шу олижаноб мақсадга хизмат қилади.

Маълумки, ҳар бир адабий ёки публицистик жанрнинг асосий объекти инсон. Бадий ижодни бир мураккаб механизм деб тасаввур этсак, унинг асосий тиргаги инсон, унинг ижодий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий дунёсидир. Бадий-публицистиканинг етакчи жанрларидан бири очеркда, айниқса, унинг портрет хилида замондош образи мужим ўрин тутади. Назир Сафаров, Иброҳим Раҳим, Раҳмат Файзий, Йўлдош Шамшаров, Ҳаким Назир, Суннатулла Анорбоев, Йўлдош Муқимов каби пешқадам очеркчиларимизнинг ижоди бунга ёрқин мисол бўла олади. Назир Сафаров ўзининг бой ҳаётий тажрибаси, долзарб масалаларга фаол граждандлик муносабати билан ҳамон катта ижтимоий-ижодий ибрат кўрсатиб келмоқда. Назир Сафаровнинг ҳарбий очерк яратишдаги ижодий жасоратиға тўхталиб, ёзувчи битта қаҳрамонни кашф этиш учун ойлаб-ййллаб изланишлар олиб борганлиги ҳақида олдин ҳам ёзган эдик. Назир Сафаров ёш журналист ва адиб Отаёр билан яна меҳнат кишилари ҳузурига сафарга чиқади. Бу гал очеркчилар Парда Турсуннинг ўтгизинчи йилларнинг бошларида ёзган очерки қаҳрамонлари ҳузурига йўл оладилар. Н. Сафаров ва Отаёрнинг «Эллигинчи баҳор» очерки «Шарқ юлдузи»нинг юбилей сонида Парда Турсуннинг «Яша, пахтакор» очерки билан ёнма-ён босилган. Бу билан журнал редакцияси Норпой районидаги муайян колхозда эллик йил мобайнида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ўзгаришлар ҳақида журналхонда ёрқин тасаввур туғдиришга эришган. Парда Турсуннинг очеркида коммунист Оллоёровнинг ижтимоий, партиявий ташкилотчилиқ фаолияти кўрсатилади.

Н. Сафаровнинг «Эллигинчи баҳор» очеркида эса 30-йиллар бошида тузилган колхоз кишилариинг ҳозирги даврда иқтисодий, сиёсий-маънавий жиҳатдан нақадар юксак даражага кўтарилганлигини ҳис этамиз. 30-йиллар колхозчиси ижтимоий меҳнатнинг моҳиятини эндиғина англай бошлаган ва бу ҳол улар фаолиятида кескин ўзгариш вужудга келтирган бўлса, 80-йиллар колхозчиси сиёсий жиҳатдан гоят етук, илмий-техника инқилоби даврининг кишисидир. Очеркда колхоз раиси Зулфия Ҳошимова хўжаликнинг ҳозир ва истиқболи ҳақида кенг ва чуқур фикр юритувчи, билимдон хўжалик руҳбари сифатида гавдаланади. Бу — социализмнинг ярим асрлик давр мобайнида халқимиз ҳаёти ва онгида вужудга келтирган янглиги, инқилобий ўзгаришларнинг ёрқин исботидир.

М. Горький очерк жанриға менсимай қараш кайфиятиға зарба бериб, уни тенг ҳуқуқли бадий-публицистик жанр сифатида муносив баҳолаган эди. М. Горький асарнинг муваффақиятини материал эмас, унинг қайси жанрда яратилгани ҳам эмас, балки ҳаммавақт сўз санъаткори маҳорати белгилайди, деган эди. Айрим ижодкорларнинг очерк жанриға масъулият билан муносабатда бўла бошлагани бу жанрнинг таъсирчанлигини янада оширишға ёрдам қилмоқда. Саид Аҳмаднинг «Хазонсиз бог» очеркида Тошкент яқинидаги Яланғоч қишлоғида яшовчи Зайниддин Фахриддиновнинг республикамизда биринчилардан бўлиб, сунъий иситилган участкаларда цитрус ўсимлиги — лимон, апельсин ва бошқа сабзавот, мевалар етиштиришни йўлга қўйганлиги мароқ билан ҳикоя қилинади. Зайниддин Фахриддиновнинг изланишлари икки йўналишда давом этади. Биринчиси, цитрус ўсимликларни Ўзбекистон шароитида иқлимға мослаштиришдан иборат бўлиб, иккинчиси, унинг навини янгилаш эди. Фахриддинов дастлабки қийинчиликлар, муваффақиятсизликлардан чўчимади. Меер номли лимон нави иссиқхонада эркин ўса бошлагач, уни бошқалари билан частиштириш орқали ҳар бир донаси 200 граммдан икки килограммғача келадиган лимон турини етиштиришға муваффақ бўлди. Цитрус ўсимликларини уруғидан эмас, қаламчадан кўпайтириш усулини янгидан жорий этди. 21 гектардан ошиқ иссиқхона майдонида гул кўчатларидан то дарахт кўчатларигача ўстириб, республикамиз районларига тарқатди.







Хуллас, очерк муаллифнинг ўзи ёқтирган ҳар бир кишига тақдим этадиган шахсий тўқфаси эмас, балки халққа, Ватанга ибратли меҳнат қилган, умум манфаати йўлида гражданлик жасорати кўрсатган кишига партия — совет матбуотининг маънавий мукофотидир.

## 2.

Очеркда ҳаёт фактларини чуқур ўрганиш ва бадий-публицистик кашф этишда ёзувчи-журналистларнинг муайян соҳа, мавзу бўйича иқтисослашуви, менимча, яхши самара беради. Ҳамма соҳадан дуч келган мавзуда ёзишга интилиш, юқорида таъкидлаганимиздек, юзакиликка олиб келади. «Ҳозирги вақтда, — дейди Игорь Золотусский, — ким, бирданга ҳам кимёгар, ҳам врач, ҳам файласуф бўла олади?» Н. Сафаровнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ҳақидаги, Раҳмат Файзий ва Мирзакалон Исмоилийнинг ахлоқ мавзuidaги, Ҳақим Назирнинг Бухоро газ саноати, Йўлдош Шамшаровнинг бир қишлоқ пахтакорлари, Суннатулла Анорбоевнинг чорвадорлар ҳақидаги очерклари ўз вақтида адабий ҳодиса сифатида муҳим ўрин тутганлиги маълум. Бизда ана шундай соҳа очерклари яратиб аъёнана кейинги вақтларда бирмунча сусайиб қолди. Бу масалада гражданлик, журналистик руҳ ва маҳоратга эга ёш талантлар жасорат кўрсатмоқлари керак. Шу муносабат билан сурхондарёлик Норқул Ҳайитқуловнинг деҳқончилик мавзuidaги очеркларини, айниқса, унинг «Ер тафти» (1980) деб аталган таҳлилий публицистик очерк китобини алоҳида қайд этмоқчиман. Портрет очерк жанрида Шомурод Сиддиқов иқтисослашув йўлидан бориб, маданиятимиз намояндалари ҳақида очерклар яратди. У ўз очеркларида олимларимиз илмий лабораториясига киришга интилади, улар илмий йўналишидаги бош йўналишни илғаб олиб, шу асосда олимнинг портретини гавдалантиради. Унинг очеркларидаги яна бир фазилат — олимнинг маънавий қиёфасига хос белгиларини, илмий муаммоларни халқчил эмоционал публицистик услубда талқин эта олиш хусусиятидир. Илмий муаммолар ва уларни ҳал этиш жараёнидаги зиддият ва конфликтларнинг илм аҳиллари маънавиятидаги инъикоси, яъни портретда психологик коллизиялар ифодасига алоҳида эътибор берса, бу очеркчи ижодининг таъсирчанлигини янада оширар эди.

Очерк ва публицистикамизда кейинги йилларда таҳлилий тафаккур чуқурлашганини мамнуният билан қайд этмоқ керак. Фаол гражданлик руҳ ва ўз таҳлилий услубига эга очеркчилардан бири Шароф Убайдуллаевдир. Публицистнинг тажрибали ёзувчи Назир Сафаров билан адабий ҳамкорлиги унинг ижодига катта ижобий аҳамият қасб этади. У долзарб ижтимоий муаммоларга фаол муносабат билдиради ва публицистик таъсирчан ифодалай олади. У Назир Сафаров билан ёзган мақолаларида қишлоқ ҳўжалигидаги айрим доғматик қарашларга зарба берди, меҳнатда ва ижтимоий фаолиятда ҳалолликни ҳимоя қилиб чиқди.

Ш. Убайдуллаев ижодига яна бир диққатга сазовор хусусият бор. У — маънавий-ахлоқий проблемаларга ўта таъсирчан публицист. Унинг «Яшасин муҳаббат» рисоласи ва бошқа мақолалари шундан далolat беради.

Бундан бир неча йил илгари публицистикамизда таъсирчан тафаккурга эга очеркчи Норқул Ҳайитқуловнинг кўзга кўринганини хурсандчилик билан қайд этган эдик. Ҳафталик газетамиз ҳаётга фаол аралашуви туфайли янги истеъдодли публицистлар кашф эта бошлади. Шулардан бири Нусрат Раҳматовдир. Унинг дастлабки проблематик мақолалари «Гулистон» журнали саҳифаларида пайдо бўлган эди. Нусрат Раҳматов қишлоқ ҳўжалигимиз иқтисодининг билимдон тадқиқотчиси сифатида майдонга чиқмоқда: уни чорвачилигимизнинг долзарб муаммолари қаттиқ безовта қилади. Шу соҳанинг мутахассислари билан тенгма-тенг қизгин баҳсга киришади. Муаллифни озик-овқат программасига доир муаммолардан бири — ёрдамчи ҳўжалик, томорқа, деҳқончилик масалалари ўзига жалб этади, шунингдек, колхоз бозорининг иқтисодий-маданий масалалари ҳам ўйлашга мажбур этади. У ноёб йилқичилик ва чорва зотларини сақлаб қолиш ва урчитиш муаммосини ҳам қаламга олади.

Мавзу ҳали публицист маҳоратидан далolat бера олмайди. Мавзуга ҳар қандай журналист ҳам тегиб ўтавериши мумкин. Лекин мавзуга муносабат билдириш ва публицистик тадқиқ этиш бошқа-бошқа нарсалардир. Мавзуга муносабат журналистнинг муайян масала бўйича дилини безовта қилган тўғғали фикр-мулоҳазалар, дастлабки таассуротлардир. Мавзуга дастлабки муносабат публицистик қалб ҳарорати билан ифодаланганда жамоатчиликда фикр уйғотади. Фикр уйғотиш ҳали сафарбарлик деган сўз эмас. Хуллас мавзуга дастлабки муносабат проблема ҳақиқати тўғғисида юзаки тушунча беради. Мавзу замиридаги ҳақиқат чуқур публицистик тадқиқот натижасидагина тўла очилади. Шу тарада одамлар онига синган гоа моддий кучга айланади ва уларни мазкур муаммони ҳал этиш учун сафарбарликка ундайди. Н. Раҳматовнинг бир қанча публицистик мақолалари ҳаётга ўзгартирувчи таъсир кўрсатиш қувватига эгадир. Фаол публицистлардан яна бири фарғоналик журналист Шокирвали Нуралиевдир. Мен Шокирвалининг публицистик мақолаларини ўқиб, унинг ўзига хос оригинал таҳлилий тафаккур ва фаол гражданлик руҳига эга нодир публицистик истеъдод эканлигига амин бўлдим. Муаллиф мақолаларининг асосий қаҳрамони фикр-муаммо. Бирок фикр илмий асарлардаги сингари соф мантиқий концепция тараида талқин этилмайди. Шокирвали муаммони ўз ҳолича лўнда баён этиб, муносабат билдириш билан чекланмайди. Балки муаммони ҳар тарафлама публицистик тадқиқ этишга киришади. У фикр-муаммога аввало инсон ҳаёти ва кураши, маънавиятининг тимсоли сифатида муносабада бўлади. Публицист фикр-муаммога жонлилик, руҳий ҳаракат бағишлайди. Шу мақсадда мақолада ўзига хос публицистик сюжет, мантиқий конфликт яратади. Бир-бирига қарама-қарши мантиқий йўналишлар (тезис-антитезис) тўқнашуви-

дан иборат бу конфликт ривожчи ҳақиқатни ойдинлаштиришга олиб келади. Бу йўналишларни конкретлаштирувчи табиий ёки шартли ситуациялар пайдо бўлади, манзара чизилади, диалоглар юз беради, одамларнинг портрет белгилари кўзга ташланади. Хуллас, муаммо амал қилаётган жараён — вазиятнинг конкрет манзарали кўлами гавдаланади. «Илдизга назар солса» проблематик публицистик мақоласида райкомнинг биринчи секретари сабзавотчилик бригада бошлиғи Мамажон акага мурожаат қилиб, ҳар гектардан олиннадиган ҳосилни 300 центнерга етказишни таклиф қилади. Мамажон ака бундан ҳам ошириш мумкинлигини, бироқ айтиш керакки, табиий шартларнинг қўлини қўймай қилиш ва сақлаш учун (1) моддий техника воситалари (омборхоналар, машиналар) ҳамда (2) мавсумий ишчи кучи етишмаслиги шундай муаммони келтириб чиқарган сабаблардир. Бунинг учун райондаги бир неча мустақил тайёрлов идораларини (сабзавот, дон, пахта, пилла) фаолиятини координациялаштирувчи бирлашма тузиши фикрини олға суради. Бундай бирлашма мазкур ташкилотлар ҳузуридаги машина, ер, майдони, омборхоналар, ишчи кучи, ҳатто мутахассислардан биргаликда эркин фойдаланиш имкониятини вужудга келтиради.

Шокирвали Нуралиевнинг «Қўқон шамолини қайтариб бўладими?», «Янгилик учун қурашмоқ керак», «Район ташвишлари» ва «Бозор» мақола ва очерклари ҳам ана шундай ўткир гражданлик руҳи билан суғорилган асарлардир.

Ш. Нуралиев ижтимоий-иқтисодий таҳлил тафаккурига эга журналист. У ўз истеъдоди кучини бегона соҳага сарфламасдан халқ ҳўжалигимизнинг иқтисодий организини тадқиқ этишга бағишласа, умум манфаати учун самарали ижодий муваффақиётларга эришади.

Н. Раҳматовда таҳлил устун бўлса, Шокирвали Нуралиевда синтез руҳи устун. У иллаган муаммони бир-икки эпизод асосида таҳлил этиш билан чегараланмайди, балки кенгрок кўлама умумлаштиради, хулосалар чиқаради. Концепцияларини ҳам далиллайди. Турли манбалардан фикр-мулоҳазалар, фактлар келтираверади. Унинг публицистик мақолаларида инсон образи мустақил равишда амал қилмайди, балки муаммони тадқиқ этиш мақсадига бўйсундирилади. Унинг публицистик истеъдоди табиатиға хос бу хусусиятни тушунмай фикр юритган Шухрат Жабборовнинг «Публицист дўстимга хат»ида ёш публицист меҳнатини камситиш кайфияти сезилади.

Ўзбек публицистикасида табиатни муҳофаза қилиш мавзусида фаоллик кўрсатаётган Эмин Усмоновнинг ижодини алоҳида таъкидламоқчиман. Эмин Усмонов бу мавзуга доир муаммоларни жонқуварлик билан кўтариб чиқади, таҳлил этади, ўз таклиф ва режаларини ўртага ташлайди. Унинг бундай публицистик фаолияти катта ватанпарварлик аҳамиятиға эгадир.

### 3.

Публицистиканинг кичик жанрларида янгиликдан дарак берувчи ахборотға алоҳида эътибор қилинса, йирик жанрларда, айниқса, очерк ва мақолаларда таҳлилий янгилик ҳам муҳим ўрин тутаяди. Воқеа, ҳодиса, фактлар ҳақида дастлабки маълумот ҳисобланган информацияни янгилик воқелик ҳақида юзаки тушунча беради. Таҳлилий янгилик эса, ҳаёт ҳақиқатини чуқур очаяди. В. Великий: «Даҳо ижодкор эски фактларни ҳам янгилай олади», деган эди. Оқилона далилланган таҳлил ва тадқиқот факт ва ҳодисалар моҳиятини янгидан идрок этишға имкон беради, воқеликка фаол муносабат пайдо қилади. «Правда» газетасидан бир мисол келтириб ўтаман: «Мутахассислар ҳисоблаб чиқишди, агар тўрт кишидан иборат бир хонадондан ҳар куни юз грамм нон чиқитға чиқарилса, бир йилда 36,5 килограммни ташкил этади. Бутун мамлакат миқёсида олганда, ҳар бир оилада чиқитға чиқарилган нон учун қўшимча равишда бир миллион уч юз минг гектар ерни ҳайдаб дон экиш, унинг ҳар гектаридан 16 центнердан ҳосил ундириш ва 2 миллион 78 минг тонна донни янчиш талаб қилинади. Шунча миқдордаги донни сақлаш учун ҳар бири йигирма минг тонна ҳажмға эга 104 элеватор зарур бўлади. Бу донни унга айлантириш учун эса бир неча йирик тегирмон йил бўйи узлуксиз ишлаши керак. Ҳосил бўлган ундан нон ва булкалар пишириш учун 18 минг тонна хамиртуруш, 30 минг тонна ош тузи, кўп миқдорда шакар, сут, кўкнор уруғи, тухум тайёрлашға тўғри келарди. Бундан ташқари электр қувватининг сарф-қаражати, ғалла, ун, нон булкаларни ташини, оқлаш ва тушириш, савдо учун қўшиладиган сарф-қаражатларни ҳисобға олганда, биз бир тўғрам нонни чиқитға чиқариш билан нақадар улкан инсоний меҳнатни шамолга учириб юбораётганимизни англаймиз».

Кўряписизки, публицистнинг чуқур таҳлил тафаккури орқали бир тўғрам нон одамлар меҳнати тимсолида жонланиб, ғаллани етиштиришдан тортиб, нон шаклида пиширилиб, дастурхонимизға етиб келишға қадар бўлган машаққатли йўл кўз ўнги-мизда гавдаланади. Нонни исроф қилиш дунёда энг муқаддас ҳисобланган инсон меҳнатига, халқ мулкига хиёнатдир, деган ҳақиқат янгидан қарор топади.

Хуллас, таҳлилий публицистика ҳаёт тараққиётида ижтимоий фикр ривожига кучли таъсир кўрсатади. Таҳлилий — тадқиқот тафаккуриға эга журналист халқ моддий-маънавий бойликларининг ҳосилни, қўриқчисиدير.

Тахдлий янгилик образлик билан қўшилганда эстетик моҳият касб этади. У қанчалик чуқур ҳаётӣ, ижтимоӣ қимматга эга бўлса, ифодаси ҳам фавқулодда оригинал, образли бўлмоғи керак.

Очеркларимизда, айниқса, рақамларнинг ижодий идрок этилмаётганлигини қайд этиш керак. Тадқиқотчи олимлар учун рақамлар мамлакат ҳаётининг тарихий, иқтисодий далиллари бўлиб хизмат қилса, очеркчи учун улар инсон ҳаёти ва маънавиятининг жонли тимсоллари сифатида муҳимдир. «Аслини олганда, бу зерикарли қалин китобларда, — деб ёзади ўтган аср рус адаби Г. И. Успенский статистик мажмуалар ҳақида, — биз яшаб турган ҳаётнинг шундай муҳим ҳақиқати битилганки, бу ҳақиқат тўғрисида биз инсоний тил билан гапиришга одатланмаганмиз. Бу статистик китобларда ва жадвалларда тўлиб-тошиб ётган қасрлар, нолларга биров қизиқиб қаралса, бу ҳовуч-ҳовуч рақамларнинг ҳаммаси одам қиёфасига кириб, кундалик ҳаётнинг манзараларига айланиб кетади, яъни улар қотиб қолган зерикарли белгилар бўлмай, аксинча, ҳаётнинг ҳар тарафлама инъикоси аҳамиятига эга бўлади».

Глеб Успенский ўз очеркларидида статистик маълумотларнинг инсоний моҳиятини очиш, яъни уларни образга айлантиришнинг классик намунасини кўрсатди. Россияда ўтган асрнинг иккинчи ярмида асосий ишчи кучи бўлган отлар ҳисоблаб чиқилганда, ҳар бир хонадонга чорактадан тўғри келар экан. Бу рақамни инсон ҳаётига тадбиқ этиб кўрилганда қандай маъно англатади? Одамлар тақдирини қандай зухур этади? Г. Успенский «Чорак от» очеркида ана шу саволларга жавоб беради. Очеркда тасвирланишича, мужик Авдей хотини Авдотья билан бир ярим яшар қизини елкага олиб, озиқ-овқат, ўроқ ва бошқа асбобларни кўтариб, анчагина йўл босиб далага келишади. Кун бўйи пичан ўриб, ўрилган пичани замбилда ташиб, ғарамлайдилар. Ийглаб хархаша қилаётган қизини ҳам замбилга ўтказиб, хашак билан бирга у ёқдан-бу ёққа ташиб келтирадилар. Улар кун бўйи машаққатли меҳнат қилиб, яна шу зайлда ҳамма нарсани елкага ортиб уйга қайтадилар. «Эр-хотин ва қизча менинг кўзимга чоракта рақам белгиси бўлиб кўринди», дейди адиб. Россияда тўрт хонадондан учтасида от бажарадиган ишларни инсон оғир машаққат остида ўз кучи билан адо этаётганлигини манзарали акс эттиради.

Совет публицистикасида ҳам рақамларни жонлантиришнинг ранг-баранг шакллари кўриш мумкин. Тадқиқотчилар қайд этган баъзи рақамларни келтириб ўтаман. М. Шагинян Англияда уй-қойлар мўл бўлгани ҳолда бошпанасиз одамлар кўчаларда изғиб юрганлиги ҳақида мана бундай образли мулоҳаза юритади:

«Мен Лондонда камбағаллар маҳалласидан ўтганимда, кўчаларда тунаб юрган бошпанасиз одамлар рақамларини кўрган бўлсам, бойлар яшайдиган дабдабали кўчалардан ўтганимда одамларнинг ҳувиллаб ётган уйлар фожиясини кўрдим.» Адибанинг бу образли мулоҳазаси орқали биз капитализм жамиятига хос антогонистик зиддиятнинг ижтимоий моҳиятини янгидан ҳис этамиз. Москва Давлат университетининг янги биноси ҳақида фикр юритган бир чет эл журналисти бинодаги хоналарнинг умумий сонини қуйидагича образли идрок этади. Бир кунлик чақалоқни бинодаги хоналарнинг ҳар бирига бир кундан қўйиб борилса, чақалоқ охири хонадан чиққанида олтмиш ёшга тўлар экан. Бу — бинодаги қарийб йигирма бир минг тўққиз юз хона рақамни жонли инсон тимсолида образли кашф этиш намунаси эди. Бундай жонли образга айлантирилган рақам тушунчагагина эмас, туйғуга таъсир этувчи эстетик қимматга эга бўлади.

Юқоридаги кузатишларимиздан аёнки бугунги кунда публицистиканинг жанр ва мавзу кўлами ранг-баранглашиб, бойиб бормоқда. Ассоциатив ва интеллектуал тафаккурни тақозо этувчи таъсирчан жанр бўлган эссе ўзбек адабиётида янгиликдир. Эссе — лотинча сўз бўлиб, таровида тортиб кўрмоқ, яъни ўз куч-имкониятларини чамалаб кўриш, деган маънони англатади. Эсседа «санъат ва сиёсат, адабиёт ва фалсафа масалалари шахсий кузатишлар ва ўй-мулоҳазалар билан қоришиб кетади». (А. Рубашкин). Эсседа муаллифнинг бутун ҳаётини тажриба, билим савияси, кўрган-кечирганларидан чиқарган сабоқлари, умуман, ҳаёти ва фаолиятининг синтези мужассамлашган бўлади. Шу сабаби эссени тажриба маъносида ҳам қўллайдилар. Француз ёзувчиси, эссе жанрининг асосчиси Монтеннинг 1580 йилда яратган «Эссе» асари рус тилига «Тажрибалар» деб таржима қилинган эди. Эссе сўзи кейинги йилларда ўзбек матбуотида ҳам қўллана бошланди. Шу рубриканинг остида мақолалар, айрим рисоалар пайдо бўлди. М. Қўшмоқов ўзбек бахшилар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги «Чечанликда сўзда сувдайн оқиб» (1974) адабий очерк китобини «эссе» деб атаган. Муаллиф рисола услубига эссенинг айрим хусусиятларини сингдиришга ҳаракат қилган. Бу муаллифнинг образли ассоциатив тафаккур тарзида, фавқулодда жўшқин фикр-мулоҳазаларида сезилади. Лекин Нурали Қобулнинг «Рассом ҳақида қўшиқ» асарини бу жанрнинг мукамал намунаси, деб аташ мумкин. Бу асарда Нурали Қобулнинг образли-интеллектуал тафаккури, объектни муфассал ўрганиб, материалларни чуқур ҳиссий идрок эта олганлиги яққол намоён бўлган.

Хуллас, публицистикамизнинг мавзу кўлами ва жанр имкониятлари кенгайиб, таҳлил ва тадқиқот хусусияти чуқурлашиб бормоқда.

## ТУРМУШНИНГ ТЕРАН ТАҲЛИЛИ

Пиримқул Қодиров. Олмос камар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1983.

Таниқли адибимиз Пиримқул Қодиров 70-йилларда ҳам тарихий мавзудаги «Юлдузли тунлар» ҳам замондошлари ҳақидаги «Олмос камар» романлари устида иш олиб борди. Авторнинг ўзи эътироф этишича, «Олмос камар» бир оз шошилиброк ёзилди, асар 1977 йили босилиб чиқди. Гарчи роман жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этган, адабий танқидчилик асосан ижобий баҳолаган бўлса-да, муаллифнинг ундан кўнгли тўлмай юрди; ниҳоят, «Юлдузли тунлар» устидаги иш интиҳосига етгач, «Олмос камар»ни такрор қўлга олди, уни тубдан қайта ишлаб чиқди, романининг янги варианты 1983 йили алоҳида китоб ҳолида чоп этилди, айна шу янги вариант Ю. Суровцев таржимасида «Дружба народов» журналинда босилди. Асар 1983 йилги СССР Ёзувчилар союзи мукофоти билан тақдирланди.

«Олмос камар»нинг янги варианты билан танишганда дастлаб ундаги ўзгаришларни пайқаш қийин: асар фабуласи аввалгича қолган, бир-икки янги персонажни, эпизодни мустасно этганда илгаридан таниш воқеалар, қаҳрамонлар билан қайта учрашамиз, асарда кўтарилган муаммолар ҳам тўлалигича сақланган. Аммо асарни синчиклаб ўқиган сезгир китобхон ундаги туб ўзгаришларни, принципаал янгилекларни илғаб олади. Ҳа, асардаги туб ўзгариш, принципаал янгилеклар худди ўша бош мақсад — автор концепциясида, қаҳрамонлар, ҳодисалар талқинида кўринади; ёзувчи кўп ўринларда аввалдан таниш ҳодисаларга янги томондан ёндашади, уларнинг моҳиятига чуқурроқ кириб боради, ҳодисаларни мураккаблиги, ички зиддиятлари, манфий ва мусбат томонлари билан кўрсатишга айрича аҳамият беради; турмуш икир-чикирларига янада теранроқ нигоҳ ташлайди; автор услубига хос мушоҳадакорлик, фалсафийликка мойиллик, ҳар бир катта-кичик ҳодисадан маъно топишга интилиш романининг янги редакциясида хийла кучайган, характерлардаги концептуаллик ортган. Энг муҳими, роман бош қаҳрамони Аброр характери янада сайқал топган, Аброрнинг марказий фигура сифатидаги ғоявий-бадий функцияси, унинг

манфаат, фаолият, ҳаёт билан муносабат доираси кенгайган, асарда қаламга олинган жамики катта-кичик ҳодисалар, можаролар, муаммолар — барчаси бевосита ёки билвосита шу бош қаҳрамон билан туташади. Ёзувчи Аброр характериға хилма-хил томондан ёндашади. Асарда Аброрнинг ҳам ота-она, оила, фарзандлар олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этадиган шахс тарзидagi инсоний фазилатлари; ҳам соҳасини пухта биладиган яхши олим, ижодкор, ҳам инсоф-диёнатни қалбига жо қилиб олган, нопоклик, қаллоблик, худбинлик, демагоглик билан асло келиша олмайдиган, теварак-атрофдаги ҳодисаларга асло бефарқ қаролмайдиган, нуқул ўзгалар ташвиши, эл-юрт, она табиат ғами билан юрадиган, ўз касби-корини жон-дилдан севадиган, унга ҳаётини тикиб қўйган фидойи курашчи, граждон сифатидаги хислатлари яна ҳам тўлароқ оцилган.

Аброр шахсий ҳаётда, меҳнат, ижтимоий фаолиятда, фан ва ижодда баркамол, етук шахс; у мақсад йўлида кўп қаршиликларга, муаммоларга дуч келади, деярли ҳамма ҳолларда ҳақ ва ғолиб бўлиб чиқади. Аброр бир қатор асарларимизда учрайдиган «қусурлардан холи бўлмаган», ҳадеб адашаверадиган, хато қилаверадиған зиддиятли, ношуд-нотавон «ижобий қаҳрамон»лар тоифасидан эмас. Шунга қарамай, бу қаҳрамон характерида ҳеч қанақа идеаллаштириш, фавқулодда ҳолатлар йўқ; унинг ҳатти-ҳаракатлари, фидойилиги, шахсиятидаги баркамоллик ўта табиий, ҳаётий; ёзувчи Аброрнинг кўп қиррали фазилатларини, фидойилекларини ҳар қанақа бе-закдорлик ва тантанаворликдан холи, оддий, табиий ҳислат ва фаолият сифатида беради; зотан Абрордаги фазилатлар, у бажарган ишлар ҳар қандай виждонли, инсоф-диёнатли, фикрловчи, курашчи одам эришиши ва адо этиши мумкин бўлган ҳислат ва вазифалардир.

Аброр ҳаммадан бурун ижодкор одам, у — ноёб соҳа — ландшафт архитектураси бўйича мутахассис олим, бинобарин санъатга, табиатга яқин шахс, туғма талант эгаси; у кузатувчан, ўта таъсирчан одам, унда гўзалликни, ҳаётни, одамларни, уларнинг дардини тушуниш, ҳис этиш туйғуси ниҳоятда ўткир; турмушнинг ҳар бир икир-чикири унинг нигоҳи олдида қандайдир маъно касб этади, ҳар қандай ҳодисадан маъно ва гўзаллик ахтаради, ҳодисанинг моҳиятига назар ташлайди. У ижодкор сифатида бир оз романтик, хайрат ва фантазияга мойил, айна пайтда изчил реалист, унинг тафаккур тарзи реал ҳаёт, амалий фаолият билан

чамбарчас боғланган; ижодда унинг ўз принциплари бор, ҳозирги тезкор, шиддатли фан-техника революцияси даврида, урбанизация замонида табиий ғўзалликларни, миллий маданият анъаналарини сақлаб қолиш, замонавий шаҳар қурилишини неча минг йиллик миллий архитектура, халқ бунёдкорлиги тажрибалари билан бирга қўшиб олиб бориш, бунда ўлкамаизнинг табиий ва иқлим шароитини, инсон билан табиат орасидаги азалий муносабатларни ҳисобга олиб иш кўриш зарурлиги устида бош қотиради; унинг ижодий ўйлари, машаққатлари, кашфиётлари ва, ниҳоят, ижодий режаларини рўёбга чиқариш йўлидаги курашлари, рақиблик билан олишув-тортишувлари ана шу бош принциплар тева-рагида кетади.

Асарнинг бошидаёқ биз Аброрни цивилизация билан табиат, тарих билан ҳозирги кун ораллигида, ижодий ўйлар оғушида уч-ратамиз: Аброр улкан шаҳар қўйнида, замонавий тураржой, учинчи қаватдаги квар-тираси балконида туриб шаҳар жамолига нигоҳ ташлайди; унинг нигоҳи аввал энди-гина чиқиб келаётган эрта ёз қўёши нурига чулганган тунока ва шифер томлар, асфальт ва бетон кўчалар, дарёдай бетиним ҳаракат қилаётган машиналарга тушади, сўнгра тез-да кўкаламзор боғларга, азамат чинорлар ва эманларга кўчади: «Бодом, ўрик, шаф-толи ва олмалар аллақачон гулдан чиқиб, мева туккан, энди жийдаларнинг олтинранг гуллари атрофга муаттар ҳид таратиб, тон-ги нурлар билан шўх-шўх ўйнашади. Ток-лар билан анорлар ҳам шу кунларда гулга кирган. Ток гуллаганини Аброр фақат хуш-бўй узум шарбатини эслатувчи исидан билиб қолади... Анор гуллари худди яшил барглар орасида ёниб турган олов тилларидай узоқ-дан кўзга ташланади. Қип-қизил, узунчоқ анор гуллари совуқдан жуда кўрқади, тун-ги салқинда ҳарир япроқларини юмиб, тугунча бўлиб олади-ю, эрталаб яна очила-ди ва нур билан ҳарортга бағрини туттади.»

Табиатдаги бу жараён Абрордан узоқда рўй берапти, ammo унинг табиатга, ғўзаллик-ка ташна қалби бу новик жараёнини ҳис этиб турибди... қўёш юқори кўтарила бош-лайди, Аброр унинг иссиқ тафтига дош бер-ролмай, ўзини сояга олади. Асардаги «арзимас» шу ҳолат, хатти-ҳаракат ҳам муайян маъно касб этади, кишини безовта қилган эрталабки қўёш ҳароратининг таф-ти жиддий ўйлар учун бир туртки бўлади. Автор ёзади: «Шунда унинг ҳаёли кечаси ўзи чизган Бўзасув тасвирига кетди. Бундан икки минг йил олдинги давр, Тошкентни ям-яшил қилиб турган анҳор ва ариқлар ҳали қазилмаган пайтлар унинг кўз олдига гав-даланди. Нариги чети Қизилқум саҳросига бориб туташган қақроқ чўл... Бу ерларнинг офтоби шундай сахийки, осмони ҳафтала-р, ойлар давомида булут кўрмайди, ёз бўйи деярли ёмғир ёғмайди, одам иссиқдан жон сақлаш учун дарахт соясига ўзини олади. Дарахт эса одам қазиган ариқдан сув ичма-са қуриб қолади.» Шу тарихда бу ўлкада инсон билан табиат бир-биридан нажот олиб кун кўради. Минг йиллардан бери давом этиб келаётган инсон билан табиат-нинг шу тарздаги ҳамкорлигини юракдан туйиш, мағзини чақис жараёнида Аброр ўзини қийнаган ижодий жумбоқ калитини, калаванинг учини топиб олади.

Шуни айтиш керакки, романда қаҳрамон-нинг ижод психологияси — изланиш, ил-ҳом, кашф этиш дамлари, бундай кезлар-даги руҳий машаққатлар ва қувончлар тас-вири кўп, хусусан унинг улкан, оригинал фаввора лойиҳасини бунёд этишдаги кўн-гида кечган кўтаринки шоирона руҳ, ўша дамларда қалбда янтраган момақалди-роқ бу ҳам чинакам илҳом, ижод маҳсули. Аммо боя тилга олинган асар бошидаги ижодий ҳолат, ўй-мушоҳада ифодаси, ме-нингча, гўё роман учун дебоча, қаҳрамон-нинг галдаги ижодий фаолияти, қарашлари учун программа ролини ўтайди. Бошдаёқ маълум бўляптики, Аброрнинг ижодий каш-фиёти, режалари шунчаки фантазия, кўнги-л майли маҳсули эмас, бу режа ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, илмий асосланганлиги би-лан, реал ҳаёт қонуниятларига, инсон би-лан табиат орасидаги неча минг йил давом этган муносабатлар, аждодлар тажрибасига таянганлиги ва бугунги кун, келажак учун зарурийлиги билан жозибадор ва кучлидир.

Сир эмас, зиёлилар ҳаётдан олиб ёзил-ган айим роман ва қиссаларда қаҳрамон олиб борган курашлар мавҳум, омонат, арзи-мас, кўпинча ясама-китобий бўлиб, натижа-да асардаги «жанг»лар тасвири бегаъсир чи-қади; баъзан эса анчайин ҳаётий туюлган коллизиялар ифодаси тор, хусусий харак-тер касб этади, улар катта умумлашма да-ражасига кўтарилмай қолади. «Олмос ка-мар»да Аброрни қийнаган замонавий ша-ҳар қурилиши, ландшафт архитектураси, табиат ва илғор анъаналар муҳофазасига оид муаммолалар бугунги кунда барча ижо-дий зиёлиларни ташвишга солаётган, ўйга толдираётган, ҳар бир шахс учун бевосита дахлдор масалалардир. Шунинг учун ҳам хушёр китобхон Аброр олиб борган курашга, унинг тортишув ва олишувларига, ташвиш ҳамда қувончларига, нури ва изтиробли ўйларига асло бефарқ қаролмайди.

Аброр ижодий меҳнат бобида олиб борган курашлар занжирда энг муҳим ҳалқа унинг Сайфулла Раҳмонович билан тўқ-нашувларидир. Сайфулла Раҳмонович — масъулиятли лавозим эгаси, илмий текши-риш институти директори. У эллигинчи йилларнинг бошларида соғ нарсалардан иллат қидириб, ҳатто «Алпомиш»дай халқ достонини халққа қарши зарарли нарса деб юрган кимсалардан; ўша кезлари у яхши совет архитекторларидан бирига ноўрин ғоявий айблар тақиб, уни «фош» қилишга уринган, бироқ эллик олтинчи йилда ўзи фош бўлиб, уятга қолган, кейинчалик ха-тосига иқдор бўлиб, уни такрорламаслик шарти билан раҳбарий ишга ўтган, ленин-ча ҳаёт нормалари тўла тикланган, жамият-нинг бутун ҳаёти улкан бир ишонч асосига қурилган янги шароитда ҳам ундаги эски ҳадиқирашлар инерцияси сақланиб қол-ган. Бу одамда ижодкорлик, даврни, замон талабини ҳис этиш туйғуси сўниқ, фақат ўз тинчи, манфаатини ўйлайди, тинчини кўзлаб ҳаёт тақозо этаётган, ечимини ку-таётган жиддий муаммолардан ўзини четга олади; плани бир амаллаб ошириб бажар-са, рапорт бериб, мукофот олса бўлди. Ўзи лаёқатсиз, истеъдодсиз бўлганидан талант-ли, ижодий фикрлайдиган кишиларни ёмон кўради; қобилиятли одамлар билан асло чи-қиша олмайди. Энг ёмони, у маънавий қаш-шоқлигини, истеъдодсизлигини «ғоявий-

лик» никоби остида бекитиб юради, ўзини принципиал, ғоявий жиҳатдан «соғлом», хушёр қилиб кўрсатади, биронта илмоқ топиб талантли, ижодий фикрлайдиган одамга ёмон айбларни илишга тиришади, шивир-шивир орқали бунга бировларни ишонтиради, шу йўл билан ҳам ўз позициясини мустаҳкамлаб олишга уринади...

Аброр ана шундай хавфли шахс билан тўқнашади, кескин олишади.

Аброрнинг фикрича, Тошкентдаги Бўзсув меҳнаткаш халқ яратган қадимий бир маданият обидаси, бу халқ ижоди худди Самарқанд билан Бухоронинг қадимий ёдгорликлари сингари ардоққа муҳтож; у Бўзсув бўйларини обод қилиш, у ерда очик табиат музейи — халқ анъаналари ансамблини ташкил этиш ҳақида ижодий режалар тузади, бу режаларни Сайфулла Раҳмоновичга айтганида бу гап унга маъқул тушмайди, Аброрнинг анъаналарга эътибори шубҳали туюлади. Аброр шаҳарда қадимий анъанага кўра жийда, терак, тол, сарв дарахларини, гўзал садақайрағочларни ҳам ўстириш, кўпайтириш ҳусусида гап очганида очикдан-очик бу тақлифни ғоявий жиҳатдан нотўғри, носоғлом ният деб атайтиди, демагоглик билан гапни ёмон томонга буради, бундан «хунук бир маҳаллийчилик, миллий маҳдудлик» аломатларини қидиради...

Аброр билан Сайфулла Раҳмонович орасидаги кескин ижодий баҳсларда давр руҳи ёрқин ифода этилган, бу тўқнашувларда Сайфулла Раҳмонович ўзини қанчалик ғоявий соғлом, принципиал қилиб кўрсатмасин, ўз қарашларини пардаларга ўраб кўрсатишга тиришмасин, аслида унинг ўзи носоғлом, чекланган одам экани яққол сезилади, гарчи Аброрнинг гап-сўзалари, режалари, у кўтарган муаммолар бир қадар қалтис туюлса-да, аслида улар ҳаққоний, ҳаётий, ғоявий жиҳатдан соғломдир, бугунги кунда масалага чинакам партиявий ёндашишнинг намунаси. Аброр бунни жуда яхши билади, ўз ишининг тўғрилигига юракдан ишонади: «Сизга қалтис кўринган муаммоларни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйяпти. Биз бу долларб муаммолардан ўзимизни олиб қочсак мардликдан бўлмайди. Ахир партия ҳам, халқ ҳам: «Мураккаб муаммоларни четлаб ўтмасдан дадил ҳал қилинглар», деб бизга айтиб турибди-ку», — дейди у ёниб рақибига.

Афуски, Аброр билан Сайфулла Раҳмонович орасидаги бу «жанг»нинг шиддатли садоси авжига чиққанида ҳали поёнига етмай туриб бирдан узилиб қолади. Аброр бўш келадиган одам эмас, унинг рақибига ҳам осонликча жон таслим этадиган хилидан эмас, бинобарин кураш давом этиши турган гап, асарда эса курашнинг давоми кўрсатилмайди, у ерда — бу ерда рақиблар орасидаги «жанг» ҳақида шунчаки ахборот бериб ўтилади, холос. Китобхон хатарли рақиб Сайфулла Раҳмонович ҳақида кўпроқ нарса билгиси, унинг қалби билан чуқурроқ танишгиси келади. Бу тинидаги одамлар ҳам ўзига хос фожийи шахс. Асарда шу фожиянинг айрим аломатлари бор-у, аммо образ фожияси тўла, таъсирчан очилмай қолган.

Эҳтимол, муаллиф Сайфулла Раҳмоновичда тўла рўёбга чиқмай қолган жиҳатларни романдаги бошқа бир шахс — Шерзод

Баҳромов тимсолида ифода этмоқчи бўлгандир. Дарҳақиқат, Шерзод Баҳромов асарнинг бошидан то охирига қадар бевосита иштирок этади, Аброр билан бу одам орасида муросасиз кураш кетади.

Шерзод ҳам Сайфулла Раҳмонович сингари фандан йироқ, истеъдодсиз, ижодкорлик туйғусидан маҳрум, қуруқ одам; аммо у мақсадга, мансаб-мартабага демоогоглик билан эмас, устомонлик, эпчилик, мослашувчанлик орқали эришади, бу сирти ялтироқ лўттивоз уддабурролик билан ман-ман деган алломаларни, зўр истеъодларни ўз томонига ағдариб олади, чалғитади, уларнинг ишончини қозонади, ҳатто мосқалик улкан олим Маълум муддат унинг таъсирига берилади, Вазира ижодда беихтиёр унинг томонига ўтади, бу дажжол фирибгар Аброрни авраб ўз томонига тортишга уринади... Зўр истеъодлар соясида, кўмагида у жон сақлаш, обрў, мартабасини мустаҳкамлаш пайида бўлади, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан, ҳар қандай тубанликдан ҳам қайтмайди.

Аброр Шерзоднинг асл қиёфасини яхши билади, у мўлтонилик қилиб товланганида ҳам унинг мактини қалби билан ҳис этиб туради; ўз навбатида Шерзод ҳам Аброрни яхши тушунади, уни қўлга олиш мушкул экани, аynи пайтда у билан олишиб барака топиб бўлмаслигини билади, шунинг учун у нуқул Аброрга пинҳона панд беради, ҳар хил йўллар билан режаларига тўғаноқ бўлади, дилига изтироб солади.

Аброр йўлида кўндаланг турган ғовлар фақат Сайфулла Раҳмонович, Шерзод Баҳромов сингари кимсалар эмас; улар билан олишиш, улар қаршилигини енгиб ўтиш Аброр учун осон кечмаганини сезиб, ҳис этиб турамуш. Бунинг устига Аброр кундалик турмушда яна кўп муаммо-жумбоқларга дуч келадик, уларни ҳал этиш ҳам қаҳрамон учун ниҳоятда қимматга тушади.

Танқидчи Иброҳим Ғафуров «Олмос камар» ҳақидаги тақризида роман ғоятда проблематик эканини, унда проблемалар жуда кўплигини, очеркизм устулигини таъкидлаб «ўқувчи баъзан проблематик очерк ўқияптими ёки роман, ажратолмай қолади» деб ёзади. («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 17 февраль).

Бу эътироз бир жиҳатдан тўғри. Аммо роман поэтикаси, ўзига хос ифода тарзи, бош қаҳрамон характери мангики ҳисобга олинадиган бўлса, бу ҳолатнинг боиси бир қадар аён бўлади. Гап шундаки, романдаги деярли барча ҳодисалар бош қаҳрамон Аброр нигоҳи, унинг қалб призмаси орқали идрок ва ифода этилади. Ўқорида айтиб ўтилганидек, ниҳоятда кузатувчан, сезгир, мулоҳазакор, теварак-атрофда содир бўлаётган ҳодисаларга асло бефарқ қаролмайдиган, ҳодиса моҳиятига қизқадиган, ўзгалар ташвишини ўз шахсий дарди сифатида қабул этадиган, ўта куюнчак Аброр типидagi одам учун турмушдаги ҳар бир катта-кичик ҳодиса ўзига жумбоқ, муаммо! Эслаб кўринг: Сайфулла Раҳмонович фақат ўз тинчини ўйлайдиган одам бўлгани учун ҳаётда ҳар доим муаммолардан йироқ юради; худдин Шерзод учун турмушда шахсий манфаатдан бошқа муаммо-жумбоқ йўқ, балерина хотини билан оралари совуқ, омонат, бироқ бу ҳол уни сира ташвишга солмайди; Вазирага интим майл билдириб

бу садоқатли аёлни йўлдан оздирмоқчи бўлади, бироқ муддаога эриша олмагач, бунга ҳам парво қилмайди, хаёли дарҳол бошқа дўндиқчаларга кетади... Ута замонавий Алибек оила, она, хотин, қариндош-уруғлар олдидаги масъулиятни мутлақо тан олмайди, хасталаниб бораётган она, барбод бўлаётган оила уни сираям ташвишга солмайди...

Бугина эмас, иш, ижод, ижоддаги «жанг»лар билан ниҳоятда банд бу одам шу жумбоқ ва муаммоларни барта-раф этиш йўлида кўп тер тўқади. Аброр турмушда қатъий эътиқодларга, принципларга эга бўлган илғор фикрли зиёли, эътиқоди йўлида фаол курашчи шахс. Айни пайтда у ўзгаларни ҳам тушунадиган, кўнгил майли билан ҳисоблашадиган, уларни кадрлайдиган одам. Ўзгаларнинг хохиши, майли деб баъзан ўзининг дил розига қарши боради. Чунончи, у ҳовли-жойи бузилган ота-оналарининг тайёргина квартирага кўчиб ўтишларига тарафдор, аммо бир умр ҳовли-жойга ўрганган қариялар ўзларини ҳам, Аброрни ҳам қийнаб янги участка қуришга чоғланганларида улар ёнига кириб бу ишнинг асосий заҳмати уни ўз бўйнига олади. Бошқа бир мисол. Аброр айрим урф-одатлар, масалан дабдабали бешик тўйлари бугунги кунда ортиқча даҳмаза эканини билади, бироқ танида Ўзбек ойимнинг («Утган кунлар» персонажи) қони гупуриб турган танти она орзу-ҳавасларига қарши боролмайди, онасининг тилакларини бажо келтираман деб қийин аҳволга тушиб қолади... Бундай дамларда биз Аброр ҳолига ачинамиз, лекин уни асло айбал олмаймиз.

Аброр ишда, ижодда бўлгани каби турмушда, маиший ҳаётда халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари, удумлари устида ҳам жиддий бош қотиради. Эсрлар оша амал қилиб келинаётган хилма-хил таомилларни суриштирмай, уларни ёппасига «феодал ўтмиш сарқитлари»га чиқариш, қоқоқликка йўйиш Аброр учун ёт. У бу хил таомиллар моҳиятини қидиради, уларни бутун зиддияти, манфий ва мусбат томонлари, бугунги тезкор, шиддатли замон учун яроқли ва яроқсиз жиҳатлари устида ўй суради. Бир қарашда бугунги тўкинчилик замонида никоҳ тўйида ёки азада кўпчилик учун дастурхон ёзиб ош тортиш, янги тўғилган чақалоқ учун бешик тўйлари қилиш беҳуда оварагарчилик, исрофгарчилик, одамлар вақти ва оромини олиш бўлиб туюлиши мумкин. Аммо масалага синчиклаб қаралса, бундай маросимлар замирида мақбул инсоний жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Агар оқилна ёндашилса, бундай маросимлар жойига қўйиб ўтказиладиган бўлса, улар муҳим тарбиявий аҳамият касб этиши, одамларни коллективчилик руҳида тарбиялаш, бири-бирига бўлган меҳр-оқибат, бир-бирлари олдидаги масъулият туйғусини оширишга хизмат қилиши мумкин. Аброр кўп ўй-мушақодалардан сўнг ана шундай хулосага келади. «Ёмон урф-одатлардан мен ҳам безорман, — дейди у Вазирага... — Лекин одам — одам учун беғараз жон қойитиб яхшилик қилиши, биров-бировни эъзозлаб, кўнглини олиши — булар бутун дунёда кам-ёб бўлиб бораётган фазилатлар эмасми? Ғарбий Европага қилган сафаримизни эсланг. Одамлар бир-бирига шундай лоқайд! Ҳамма нарса пул билан, манфаат билан ўл-

чанади. Биров-биров учун текинга жон қойиши у ёқда турсин, узатган оёғини йиғгиси келмайди. Визадагига ўхшаб, оддий бир таниш келса ҳам, дастурхон ёзиб, қуюқ-сууюқ қилишлар, дошқозонларда ош дамлаб, ҳатто нотаниш одамларга ҳам текинга ош беришларни улар тасаввур қилишолмайди. Ота-бола, қариндош-уруғ орасидан меҳр-оқибат бутунлай кўтарилиб кетса қанчалик ёмон бўлишини ана ўша ёқларга бориб кўринган! Бири-бирдан ётсирайди, борди-келди қилиш йўқ. Ҳар бири ўз чиганоғига беркиниб олган. Визда бирон иш чиқса дарров қўшни ёрдамга келади, тўй-маърака бўлса бутун маҳалла қарашади, ҳар қандай мушкул иш ҳам ҳашарга айланиб, ўйин-кулги билан битиб кетади...»

Асарда одат-таомилларнинг, тўй-маросимларнинг кўп мушкул, серташвиш томонлари билан бирга завқли, сурурли, мафтункор жиҳатлари ҳам батафсил кўрсатилган, хусусан, участка қуришдаги ҳашар, никоҳ тўйи муносабати билан эрталабки ош тортиш маросимлари бутун жозибаси билан китобхон кўз олдида гавдалантириб берилган. Шу тўй маросимида қатнашган москвалик олим халқимизнинг бу удумига қойил қолади.

Ниҳоят, романдаги характерли бир деталга журналхонлар эътиборини тортмоқчиман. Асарда Аброрнинг гилосранг «Жигули» машинаси кўп марта тилга олинади, машина ҳам оиланинг серташвиш, шу билан баробар ҳолатбардор бир аъзоси. Кўпчилик йирик асарларда жондорлар инсоннинг ҳамроҳи тарзида талқин этилади, улар жонли персонаж даражасига кўтарилади, муҳим маъно ташийдди. Чунончи, Чингиз Айтматов роман ва қиссаларида яратилган Она Буги, Гулсари, Қоранор худди тирик инсон образлари қаторида ўқувчи хотирида узоқ сақланиб қолади, уни ҳаяжонга солади, ўйга толдиради... «Олмос камар»да эса жондор эмас, жонсиз предмет — «Жигули» машинаси ўзига хос образ даражасига бориб етган. Аброрнинг удкан, тигиз, шошқин шаҳар бўйлаб кўп юришлари — Вазира билан Москмага кузатиш, болаларни лагерга элтиб қўйиш, отаси билан участка қидириш, ота-онасини ўз квартирасига қўчириб келиш, тўйга келган қариндошларни уйларига элтиб қўйиш, ит қопган ўғдини поликлиникага, қайнанагини касалхонага олиб бориш — шу хилдаги яна талай саргузаштлар ўша «Жигули» билан кечади. Бу ҳолатбардор улов айна пайтда Аброрга кўп ташвишлар келтиради, машинани асраш, ремонт қилдириш, унинг учун ёнилғи, запас қисмлар топиш — булар енгил кўчадиган юмушлар эмас, бунинг устига шу хил юмушу ташвишлардан ўта толиққан Аброрнинг ҳаёти «Жигули» тудайли неча бор қалтис хавф остида қолади... Қисқаси, қаҳрамон ҳамроҳи бўлмиш машина қаҳрамон ҳаётини кенгроқ кўрсатиш, руҳиятини очиш, шаҳар турмуши манзараларини, бугунги муаммоларини ифода этиш учун муҳим бадиий восита бўлиб хизмат этади.

Шу тариқа «Олмос камар» романи бугунги кунимизнинг, замондошларимиз турмушининг кўп томонларини теран бадиий таҳлил этиб бергани билан адабиётимизда ўзига хос ҳодиса бўлди.

Умарали НОРМАТОВ.

Қадам  
Саидмуродов



**Ит, мушук ва  
хасис савдогар ҳақида эртақ**

Биринчи қисм

I

Бир сахий чол яшаркан  
Урганчдан сал йироқда,  
Яшил боғлар яшнатган,  
Қипчоқ деган қишлоқди.  
Ешлигидан шу ерда  
Саргарошлик қиларкан.  
Ўз касбини суйиб у,  
Шарафли деб биларкан.  
Эртадан то кечгача  
Тиним билмай ишларкан,  
Холис хизмати билан  
Эл кўнглини хушларкан.  
Ўз меҳнати туфайли  
Эгни, боши бут экан,  
Рўзгорида ҳамиша  
Баракаю қут экан.  
Уша чолнинг бир куни  
Хасталанмиш фарзанди.  
Пешонасига битган  
Якка-ёлғиз дилбанди.  
Чол бечора не қилсин,  
Тўрт тарафги чопибди,

Элда машхур, билагон  
Табибларни топибди.  
Ҳеч биридан наф бўлмай,  
Ўғли сўла бошлабди.  
Бу аҳволдан куйниб,  
Чол бошини қашлабди.  
Ўйлаб-ўйлаб куну тун  
Келолмай бир режага;  
Боши қотган алфозда  
Чиқибди у кўчага.  
Кўчада чол кўрибди  
Ўғилчасин кучугин,  
Унинг билан ёнма-ён  
Турган қўшни мушугин.  
Нимадир деб мушукка  
Кучук йиғлаб турганмиш,  
Қўшни мушук ачиниб,  
Уни тинглаб турганмиш.  
Хушёр тортиб чол шу дам,  
Сўзга қулоқ солибди.  
Кучук дебдики: — Хўжам  
Гулдек сўлиб қолибди.  
Нетай сезиб турибман  
Яқинлигин қазосин,  
Тополмади табиблар  
Унинг дарди давосин.  
Мушук дебди: — Даво бор,—

Юпатганча дўстини.—  
Едирсалар тузалар,  
Оқ илоннинг пўстини...  
Чол бу гапни эшитиб,  
Шошганича кетибди...  
Машхур овчи дўстининг  
Хузурига етибди.  
Топайлик деб оқ илон,  
Едирмоққа пўстини,  
Қумга овга чиқмоққа  
Кўндирибди дўстини.  
Уша куни қум ичра  
Бўлғунича токи кеч,  
Излабдилар, оқ илон  
Кўринмабди кўзга ҳеч.  
Чолга боқиб, хўрсиниб  
Дўсти дебди: — Энди бас...  
Икковлашиб бу ерда,  
Излашимиз шарт эмас.  
Отингни мин, жўна тез,  
Кўҳна Урганч шаҳрига.  
Бир савдогар бор унда,  
Маълум шаҳар ихлига.  
Тонгдан очик эшиги,



Кун богганда ёпилар.  
 Қуш сугими... не десанг,  
 Бари ундан топилар.  
 Ажаб эмас топилса,  
 Оқ илоннинг пўсти ҳам.  
 Фақат пулни аяма,  
 Айтганидан берма кам...

## II

Қаердасан Урганч, деб  
 Чол отланиб кегибди.  
 Тўхтам билмай йўл юриб,  
 Икки кунда егибди.  
 Хашамадли ўйни чол  
 Топибди жуда осон.  
 Салом-алиқдан кейин,  
 Гапни чўзмай, шу замон...  
 Мақсадга ўтиб бирдан  
 — Келдим, — дебди, — узоқдан,  
 Жуда зарур иш билан  
 Қипчоқ деган қишлоқдан.  
 Айтсам гапнинг қисқасин  
 Елғизгина ўғлим бор.  
 Уши ўғлим бир дардга  
 Бўлиб қолди гирифторм.  
 Оқ илоннинг пўстини  
 Еса шифо топармиш.  
 Бўлса беринг, илтимос,  
 Шунга қараб қолди иш...  
 Тинглаб хасис савдогар  
 Содда чолнинг гапини,  
 Шум хаёлга борибди  
 Кўзлаб фойда-нафини.  
 Дебди: — Илон пўстими?  
 Ути ноёб доривор...  
 Топилмайди ҳар кимди,  
 Фақатгина менди бор.  
 Лекин нархи қимматроқ,  
 Пулинг етса, майли, ол.  
 Бир мисқоли юз танга,  
 Сенга керак ўн мисқол.<sup>1</sup>  
 Агар шундан кам бўлса,  
 Фойдаси йўқ еганин,  
 Айтганман мен сенга,  
 Табибларнинг деганин.  
 Чол индамай, ёнидан  
 Пул чиқара бошлабди;  
 Мана, санаб олинг, деб  
 Бор-йўғини ташлабди...  
 Пулни санаб савдогар  
 Дебди: — Мингдан икки кам.  
 — Фурсат беринг, — дебди чол, —  
 Келтираман уни ҳам.  
 — Майли — дебди савдогар, —  
 Лекин айтгин ростини:  
 Дори деган мушукми  
 Оқ илоннинг пўстини.  
 Бу гап шубҳа тугдирар  
 Ҳар кимсанинг дилида.  
 Наҳот мушук гапирса,  
 Одамзоднинг тилида.  
 — Йўқ, йўқ, — дебди содда чол, —

Бўлмаса-да билимим,  
 Мен ўрганиб олганман  
 Ит, мушукнинг тилини...  
 — Ундай бўлса, — дебди бой,  
 Бир илтифот кўрсатиб,  
 Сен уларнинг тилини  
 Қўй менга ҳам ўргатиб.  
 Рад эгишдан қўрқиб чол,  
 Савдогарнинг сўзини.  
 — Майли, — дебди ноилож,  
 Мўлтиратиб кўзини.



— Фақат — дебди, — хайвонлар  
 Билинг бўлар бир сўзлик.  
 Кечиримас одатда  
 Кимки қилса хасислик.

## III

Уч кун таълим берибди  
 Савдогарга бизнинг чол.  
 У тушуниб қолибди  
 Ит, мушукни бемалол.  
 Тўртинчи кун чол, илон  
 Пўстин олиб, шошибди,  
 Қичаб саман отини,  
 Йўл юриб, тоғ ошибди.  
 Етиб келиб қишлоққа,  
 Еқа ушлаб турганмиш:

<sup>1</sup> Бир мисқол — 4,26 граммга тенг оғирлик ўлчови.

Дардманд ўғли соғ-омон,  
Ҳа, чопқиллаб юрганмиш.  
Билса, овчи келтирган,  
Охир, илон пўстини  
Ва бола шифо тоган...  
Чол қучибди дўстини!  
Хурсанд бўлиб, берибди  
Элу юртга зиёфат.  
Барча айтиб офарин  
Бўлинг дебди саломат.  
Зиёфатда бўлишиб  
Ўша кучук, мушук ҳам,  
Еб-ичишиб бир четда  
Бўлишибди шод-хуррам...

## Иккинчи қисм

### I

Савдогардин эшитинг,  
Энди гапнинг давомин.  
Чув туширмақ учун у  
Элнинг лақма, авомин,  
Қабих ишлар режасин  
Юрса боғда пишитиб,  
Ит, мушукнинг суҳбатин  
Қолмиш ногоҳ эшитиб.  
Ит қилармиш арзи ҳол:  
— Ич кетмоқда таталаб,  
Топгин бирон егулик —  
Устихонми, атала.  
Мушук дермиш: — Бежизмас  
Бу сарсонлик, қуруқлик...  
Чиқса чиқар тошдан ёғ,  
Бойдан чиқмас ёруғлик!  
Лекин бўлма ноумид,  
Тезда ризқ-рўз беради.  
Дўстим, бойнинг уйиги  
Бугун ажал киради.  
Товуқ бор-ку, кўк товуқ,  
Ҳаром ўлар, турган гап.  
Хуноб бўлар бой роса,  
Тополмасдан ҳеч сабаб.  
У товуғин эрталаб  
Бизга ташилаб кетади.  
Ўн ори<sup>1</sup> дан оғирроқ,  
Иккимизга етади...  
Бой бу гапни эшитиб,  
Ичкарига чопибди.  
Товуқларнинг ичидан  
Кўк товуқни топибди.  
Дарҳол узиб бошини,  
Тозалабди, тузлабди,  
Ҳеч нарса бўлмагандек,  
Пинагини бузлабди...

### II

Субҳидамда савдогар  
Боғ тўрига ўтибди.  
Деворнинг бу ёғида.

Ит, мушукни кутибди.  
Сал ўтмасдан у ёқда  
Иту мушук юзлашиб,  
Кўк товуқни ҳеч қайдин  
Топмабдилар излашиб.  
Жаҳли чиқиб, ит дебди:  
— Алдабсан-да, мушуквой.  
Бир иблисдан бу касал  
Юққан сенга, ҳойнаҳой.  
Мушук дебди: — Кўк товуқ  
Улганини биламан,  
Сен қараб тур шу ерда,  
Тез аниқлаб келаман...  
Мушук кетиб шу заҳот,  
Бир зумдаёқ қайтибди.  
Кўк товуқ патларини  
Кўрганини айтибди.  
Яна дебди: — Ажалнинг  
Кимдир олдин олибди,  
Бизларнинг ризқимизга  
Қасддан чангал солибди.  
Хафа бўлма бу оқшом,  
Қора кўчқор ўлади,  
Кўмадилар шу ерга,  
Ҳаммамизга бўлади...  
Савдогар бундан гангиб,  
Қассоб излаб кетибди...  
Кўчқорни тез сўйдириб,  
Пуллаб гумдон эгибди...

### III

Субҳидамда яна у  
Боғ тўрига ўтибди.  
Деворнинг бу ёғида,  
Ит, мушукни кутибди.  
Сал ўтмасдан у ёқда  
Иту мушук юзлашиб,  
Қора кўчқор ўлигин  
Топмабдилар излашиб.  
Жаҳли чиқиб, ит дебди:  
— Алдабсан-ку, мушуквой.  
Бир иблисдан бу касал  
Юққан сенга, ҳойнаҳой.  
Мушук дебди: — Кўчқорнинг  
Улганини биламан,  
Сен қараб тур шу ерда,  
Тез аниқлаб келаман.  
Мушук кетиб шу заҳот,  
Бир зумдаёқ қайтибди.  
Қора кўчқор шохини  
Кўрганини айтибди.  
Яна дебди: — Ажалнинг  
Кимдир олдин олибди,  
Бизларнинг ризқимизга  
Қасддан чангал солибди.  
Хафа бўлма, бу оқшом,  
Ола ҳўкиз ўлади.  
Кўмадилар шу ерга.  
Ҳаммамизга бўлади...  
Савдогар бундан гангиб,  
Қассоб излаб кетибди...  
Ҳўкизни тез сўйдириб,  
Пуллаб гумдон эгибди...

<sup>1</sup>Бир ори — 200 грамм.



#### IV

Субҳидамда яна у  
 Боғ тўрига ўтибди.  
 Деворнинг бу ёғида,  
 Ит, мушукни кутибди.  
 Сад ўтмасдан у ёқда,  
 Иту мушук юзлашиб,

Ола ҳўкиз жасадин  
 Топмабдилар излашиб.  
 Жаҳли чиқиб, ит дебди:  
 — Алдасан-ку, мушуквой.  
 Бир иблисдан бу касал  
 Юққан сенга, ҳойнаҳой.  
 Мушук дебди: — Ҳўкизнинг  
 Улганини биламан,  
 Сен қараб тур шу ерда,  
 Тез аниқлаб келаман.  
 Мушук кетиб шу заҳот,  
 Бир зумдаёқ қайтибди.  
 Ола ҳўкиз терисин  
 Кўрганини айтибди.  
 Яна дебди: — Ажални  
 Алдаб юрган бой экан,  
 Энди унинг ўзининг  
 Аҳволига вой экан...  
 Ажал ҳали шу уйда  
 Эркин кезиб юрибди.  
 Бойнинг нима қилганин  
 Езиб, чизиб юрибди.  
 Бой олдини олмаса,  
 Товуқ билан кетарди,  
 Ҳатто қора қўчқорга  
 Қарамасдан ўтарди.  
 Бой олдини олмаса,  
 Ҳўкиз билан кетарди,  
 Бунча хасислик қилиб  
 Бу аҳмоқ бой нетарди!  
 Ажал унинг пойида,  
 Энди ўзи ўлади.

Бу сўзларни эшитиб  
 Бойнинг қути учибди.  
 Келиб-кегган қипчоқлик  
 Чол эсига тушибди.

#### V

Бой отини қамчилаб,  
 Қипчоқ сари чопибди.  
 Сахий чолнинг уйини  
 Қийналмасдан топибди.  
 Бир сўз четдан қўшмасдан  
 Барин бир-бир сўзлабди...  
 Кўзларига ёш олиб,  
 Еш боладай бўзлабди:  
 — Қасгданми бу, — дебди у, —  
 Еки тақдир азалдан,  
 Қутулмоқнинг йўлини  
 Ургатинг сиз ажалдан.  
 Аямайман боримни  
 Нақддир, мана, пулингиз.  
 Омон қолсам бўлайин  
 Улгунимча қулингиз...  
 Нафс чоҳига тушганни  
 Сақлаб бўлмас ўлимдин.  
 — Йўқ, — дебди чол. — Кечиринг,  
 Бу иш келмас қўлимдан...  
 Елворибди яна бой,  
 Бирон ёрдам этинг, деб...  
 Охирида уйдан  
 Чол ҳайдабди, — кетинг, — деб...

Борис  
Пармузин



# Хон айтилган Найранлар

Повесть

Ваҳоб Рўзиматов таржимаси

## «Исфакон»

### қаҳвахонасидаги тушлик

У Зилли ус-салтана боғига етгач файтондан тушди. Отига ўхшаган эринчок ва бепарво файтончи унга уйқусираган қиёфада қараб қўйди. Сичёв кира ҳақини қўлига тутқазганча, орқасига қайрилиб ҳам қарамай, йўлка бўйлаб кета бошлади.

«Бир талай чойчақа бердим, бу файтончига қандай туюлди экан?», деб ўйлади у.

Илгари бундай саволларни Сичёв хаёлига ҳам келтирмасди. Пулни пўчок

ўрнида ҳам кўрмай, беҳуда совураверар, ҳамёни тилла тангага тўла юярди. Ҳозир эса мис чақа ҳам ҳисоб-китобли бўлиб қолган. Сичёвнинг юрагини сиқиб юборадиган нарса қайтимини беришларини кутиш эди. Кепчик башара дўкондорлар калака қилиб тиржайишар, эрон чақалари — ҳар бир шойини жўртгага ғоятда имиллаб санаб берар эдилар.

Бугун Сичёв бисотидаги бор пулини ола чиқди. Бундай ўйинда биратўласи дов кўтариш, ёки... Токчада турган идиш-товоқ орқасидаги яширин қавакда ўраб-чирмаб қўйилган браун — тўппонча ётибди. Бу омонат қавакдан уй эгаси ҳам воқиф бўлиши керак, албатта. Қолган учта ўқ хизмат қила-қила тинкаси қуриган юрагининг таққа тўхташи учун бемалол кифоя.

Аммо ўйин бўлиши керак. Сўнгги уч йил давомида Сичёвни илк бор эслашди. У хат олди, қолаверса, хат инглиз тилида эди. Мазмуни ҳам ғоятда сирли.

Хат эгаси у билан учрашмоқчи экан. Бунинг учун бир оз пиёда юриб... (бирон нарсага тушиб эмас! Демак, улар бунинг қашшоқлигини ҳам билишар экан) боққа етиб бориши, хиёбонларни айланиши, фавворалар олдида кутиши керак эмиш. Кейин эса... кейин Сичёвни қаҳвахоналардан бирига олиб кетишармиш. Бинобарин, бу собиқ чор армиясининг офицери, эндиликда оддий муҳожирни анчадан буён кузатиб келишган. Ҳозир ҳам кузатишяпти. У кимгадир керак экан.

Унча ел қувмайдиган оддийроқ файтонни қира қилди: узоқ йиллар мобайнида пул тежашни ўрганиб қолган эди.

Техроннинг бошдан-оёқ дов-дарахтлар саф тортган одатдаги хиёбонларидан бирида ҳашамдорлиги билан кўзни қамаштирайдиган дабдабали дўконлари камдан-кам учрарди. Сичёвнинг ҳали вақти бор... У турли-туман, мутлақо сирли дори-дармонлар, даста-даста хушбўй гиёҳлар, арзонгина атирлар билан савдо қилувчи атторнинг дўкони олдида тўхтади. Аттор бошини кўтариб, мудроқ босган хира кўзларини бу европаликка мутлақо бир ҳафсала-сизлик билан тикди. Сўнг бошини чайқаб, яна ўзининг аллақандай нохуш ўйларига чўмди. Сичёв кифтларини учирди. Фақат бир неча қадам юргачгина, нима учун аттор бунинг саволини эшитар-эшитмас ғалати бир тарзда бош чайқаганини фаҳмлаб қолди.

«Наҳотки мен бангу афюн қидириб юрган одамга ўхшасам?!» дея ўкинч билан кулиб қўйди. Йилдан йил ўтган сайин тобора кўпаяётган ажинлари жойида турган-турмаганлигига қаноат ҳосил қилмоқчи бўлгандек манглайини қўли билан пайпаслади. «Нима жин уриб атторнинг олдида ивирсиб юрибман», деб ўйлади у ғижинганча.

Боғ жимжит, ҳувиллаб ётибди. Куз одатдагича катта шаҳарга журъатсизгина, ошиқмай етиб келмоқда. Дастлаб нозик гулларни сўлдирган эди, энди чинорларнинг баргларига ҳам асар қилаёзибди.

Аммо Сичёв кузнинг нафасини чинакамига кичик фаввора олдида ҳис қилди. Қўлини кўтарган эди, кафтига бир неча совуқ томчи тушди. Кафтини дастрўмоли билан артди.

Одамлар икки ҳафтагина бурун жазирамадан жон сақлаш учун орзиқиб интилган бу майда томчилар энди ёқимсиз эди.

Сичёв бўлажак учрашувни ўйлашга юраги дов бермай юярди. Эндиликда ҳатто иблис билан ҳам учрашишга ва унга жонини гаровга қўйишга ҳам тайёр эди. Аммо ким ҳам унинг жонига зор экан дейсиз?

Енидан лип ётиб ўтган нозиккина жувон чодирини бир зумгина кўтариб, бу ёлғиз фарангйга чарақлаган кўзлари билан қараб қўйди. Сичёв қошларини чимириб ерга қаради, нафаси тикилди. Яхшигина кийинган сершавқ икки йигит ёнидан ўтиб кетди. Улар бу вазмин ажнабийга ҳатто эътибор ҳам

Борис Пармузиннинг номи китобхонларга «Пахта», «Полк тревога билан уйғонади», «Чегарадан саксон километр узоқликда», «Махсус буйруққача», «Ер ногоҳ силкинди», «Жадвал яна бузилади» сингари йирик асарлари орқали яхши таниш. У кўп йиллардан бери Совет Армиясининг тинч қурилиш йилларидаги ҳаёти ва кундалик жасоратлари ҳақида ёзилган асарлари билан жамоатчилик олқишини қозониб келмоқда. Езувчи қаламига мансуб «Сахро ҳар доим ногинч» повести 1971 йилда СССР Мудофиа ми-нистрлигининг дипломи билан тақдирланган.

Борис Пармузиннинг «Қўшиқнинг туғилиши», «Кўҳна Бухоро қизи», «Сени севги чорлайди», «Эгтироф» ва бошқа шеғрий китоблари, Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи кўплаб долзарб очерклари ҳам катта салимият билан ёзилган.

бермадилар. Бир-бирларига қараб олдилар-да, жувоннинг изидан йўртиб кетдилар.

— Жаноб Сичёв!— деган бу эронийни у пайқамабди ҳам. Қаршисида паҳлавийча оддий кулранг қалпоқ кийган, нимаси биландир арзон таомлар пишириб сотадиган мидихонанинг хизматкорига ўхшаган сертавозе, камтаргина бир одам турарди.

— Жаноб Сичёв, мен сизни олиб кетгани келдим. Бизни кутиб туришибди,— деди у қисқагина қилиб.

Улар боғдан индамайгина чиқиб кетишди. Эроний қўл силкиб, биринчи дуч кеган файтонни тўхтатди. Сичёвнинг назарида бу уларни кўпдан кутиб тургандек туюлди. Файтон ҳеч бир фармойишсиз кўча бўйлаб ела кетди.

«Битта-яримта ресторангадир-да,— деб ўйлади Сичёв.— Қайсидир «Париж»ми ё «Лондон»гадир. Бу ерда ана шунақа жойларни Европача шаҳарларнинг номлари билан аташни хуш кўрадилар».

Аммо киракаш файтонини «Исфаҳон» деган кичикроқ қаҳвахонанинг олдида тўхтатди.

— Бу ерда лаззатли миллий таомлар пиширилади,— деди эроний.— Юринг.— У чаққонлик билан эшикни очиб, жилмайди,— хуш омадед!— Сўнгра қўшимча қилиб қўйди,— қани, марҳамат!

«У ҳатто файтончига кира ҳақи ҳам бермади,— деб ўйлади Сичёв.— Ишлар пухта йўлга қўйилган экан».

Сичёв чинакам эронча таомларнинг ҳиди анқиб турган, озода, саранжом-саришта қаҳвахонага кириб борди. Назарида, кўрадан кўтарилаётган дуд ҳиди оз-моз бўлса-да, ҳар қалай, чоғроққина залга сизиб чиқаётгандек эди. Қолаверса, серчўғ қўрага томаётган ёғнинг жизиллаши эшитиларди, Йўқ, хаёлидагина шундай туйилаётган экан. Негаки, Сичёв аллақачонлардан бери европача ресторанларда ҳам, миллий мидихоналар қабилида барпо этилган бундай қимматфуруш ошхоналарда ҳам бўлмаган эди.

— Учрашувимизга шундай камтарона жойни танлаганим учун узр сўрайман,— деганча қўлларини ёзган нотаниш одам кичиккина файзли залга имо қилиб қўйди.— Бу ерда лаззатли таомлар пиширилади.

— Ҳа, кўп эшитганман,— деди Сичёв бош силкиб.

Аслида эса буни боғда дафъатан пайдо бўлиб, ҳозир худди ерга кириб кетгандек ғойиб бўлиб қолган ҳалиги эронийдан эшитган эди. У Сичёвни тирсагидан суяганча столга бошлаб келди-ю.. ғойиб бўлди-қолди.

— Утиринг, Николай Петрович,— дея таклиф қилди инглиз.

Сичёв каттакон бир бошлиқнинг олдида тургандек беихтиёр қомат ростлади. Уни аллақачонлардан бери ўзи ва отасининг номи билан атаб чақирмаган эдилар. Яшаб турган уйининг эгаси негадир эътиборсизгина: «Ичёв» деб чақиради. Ҳатто баъзан: «фақир» деган сўзни қўшиб қўяди.

Инглиз ё лўттибозлик қилмоқда, ёки ҳар қандай доирада, ҳаттоки мутлақо нотаниш доирада ҳам эркин мулоқотда бўлишга ўрганиб кетган.

— Утиринг,— дея такрорлади у русчалаб,— ўзингизни худди уйингизда ўтиргандек ҳис қилинг. Биз — мен ҳам, дўстларим ҳам бу жойни ёқтирамыз.— У кулиб юборди. Инглизнинг кўзлари осийча қора, юзи оқиш, сочлари малларанг эди.— Узимни танитай, авф этасиз. Мен Уэйс бўламан.

«Бу одамнинг номлари бир талай бўлса керак», деб дилидан ўтказди Сичёв.

— Айшни бошлаймизми?— дея жилмайди Уэйс.— Инглиз тилида сўзлаша қолайлик. Сиз ирландияликларга ўхшаб кетаркансиз. Келишдикми?

Столда ширинликлар. Мағизли холва, роҳат, хурмо, олма, анжир каби ҳўл мевалар солинган лаган, анор суви қуйилган финжонлар пайдо бўлди. Сичёв кўрмаган аллақандай хуруш, доривор, зирavorлар солинган идишлар.

◆

«Қувончга тўла ҳаёт», «Токиода сукунат йўқ» асарлари эса Европа, Осиё, Африка, Америка қитъаларига қилинган сафирлар таассуротлари асосида яратилган.

Борис Пармузин ўзбек адабиётининг фаол тарғиботчиларидан бири. У атоқли ёзувчимиз Ойбекнинг «Нур қидириб» повести ва «Қўёш қораймас» романини рус тилига маҳорат билан таржима қилди. Иброҳим Раҳим, Ҳаким Назир, Саъдулла Кароматов, Жонрид Абдуллахонов, Уткир Хошимов каби ўзбек адабларининг асарларини рус китобхонага етказиш учун жонбозлик кўрсатди. Адиб қорақалпоқ ёзувчиларининг ҳам бир қанча асарларини рус тилига таржима қилган.

Борис Пармузин бу йил 60 ёшга тўлди. Журналхонларимиз номидан таниқли ёзувчини муборак ёши билан қутлаймиз ва унга ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

— Шарқ экан-да! — деганча Уэйс яна қўлларини гуноҳкорона тарзда икки томонга ёзди. — У нарса бу ернинг таомилида йўқ. Аммо, билишимча, сиз ҳам ичмас экансиз.

Уэйс хизмат кўрсатишни ўрнига қўядиган, пазандаликда энг яхши, ресторанлардан қолишмайдиган бу қаҳвахонани яна бир неча оғиз сўз билан мақтади. Кичкина залнинг безаклари завқланса арзийдиганлигини, гулдор матодан тикилган пардалари, кандакорлик нақшлари, Исфаҳон усталарининг фахри эканлигини қайд этди.

— Бу ернинг лўла кабобидан еб бир ҳузур қилайлик. Қарши эмасмисиз? Есақ еяверамиз-да, дегандек, Сичёв кифтини учуриб қўйди.

— Энди, — ишга ўтайлик! — У Сичёвга маънодор тикилди. Кўзлари қадалиб турарди. Бундай кўзларга унча-мунча одам дош беролмайди.

Сичёв қимир этмай қолди, ҳаттоки, нафасини ҳам ичига ютди шекилли, ҳамма қарашига туриб берди. Инглиз ерга қараб, мағиздан биттасини олди-да, худди болаларга ўхшаб шўхлик билан ғарчиллатиб чайнади ва оғзини чапиллатиб тамшанди.

— Олинг. Ҳаммаси ҳам мазали. Хўш, ишга ўтайлик.

Ҳа, улар Николай Петрович Сичёвга даҳлдор ҳамма гапни билишаркан.

— Сиз полковник Зайцев билан боғлиқ эдингиз. Ҳали Хивада эканлигингизда, ўн саккизинчи йилда. Зайцев эса Жунайдохон билан дўст эди. Уларнинг биргаликда олиб борган ҳаракатлари муваффақиятли чиққан эди. Кейин полковник Зайцев «Туркистонда большевизмга қарши кураш иттифоқи»га бошчилик қилди.

— Мен яраланган эдим, — дея гап қистирди Сичёв.

— Тўғри. Сизлар бошқа учрашмадинглар. Бироқ бу ерда, муҳожирликда ҳам қўл қовуштириб ўтирганингиз йўқ.

— Ҳа, — дея тасдиқлади Сичёв.

Дастлаб, назарида Уэйс унга ҳеч вақоси йўқ касалчин муҳожирга қарагандек, бир қадар нафрат билан муомала қилаётгандек туюлган эди. Учрашувга эса дурустгина тайёрланган экан. Хўш, Уэйс Сичёвни, нима қила оларди? Ахир бу гапларнинг ҳаммаси маҳаллий маъмурларга бошдан-оёқ аёнку.

— Сиз бу ердаги, Техрондаги «Рус қочоқларига ёрдам комитети»нинг ташкилотчиларидан бири эдингиз. Йигирма еттинчи йилнинг Биринчи майини сиз ўзингизга хос тарзда байрам қилдингиз. Биз даъватномаларингиздан бирини сақлаб қўйганмиз. Унда сиз совет ходимларини калтаклашга чақиргансиз.

— Ҳа-а, шундай бўлган эди, — деб қўлларини икки томонга ёзди Сичёв. Уэйсга тақлид қилганини ўзи ҳам пайқамади, шекилли.

— Ушанда бу иш хунук дилсийҳлик билан тураган эди, — деди инглиз хўрсиниб. — Совет ҳукумати нота топширди. Таъбир жоиз бўлса, сизларни сиқувга олиб, ситиб ташлашди.

У ҳаттоки, аммо ҳеч қандай ғаразсиз, Эрон маъмурларининг оқгвардиячилар комитетини қандай қилиб «ситиб» ташлаганини имо-ишора билан кўрсатиб берди.

— Биз яна бир уриниб кўрган эдик, — деди Сичёв, ўзини ожизона оқлашга уриниб. — Хайрия жамияти барпо этмоқчи бўлдик, рус кутубхонаси очдик, лекин... — Ҳалигина Сичёв жуда ҳам очиқиб турган эди. Ҳозир эса эринчоқлик билан думбул анжирни чайнади. Қаршисида шунча сархиллари турганда келиб-келиб қўлига тушганини қаранг!

— Хўш, Эрондаги йигирма еттинчи йил яна нималари билан хотирангизда қолган эди? — деб сўради Уэйс.

— Бизни бошқа воқеалар қизиқтирмаган, — дея унча илтифот кўрсатмай жавоб берди Сичёв.

— Афсус. Бизни эса ҳамма нарса қизиқтиради, — деди аста-секин Уэйс, ҳар бир сўзини таъкидлагандек. — Ҳамма нарса! Шунинг учун ҳам бу ерда биз ўзимизни, — у маънодор кулиб қўйди, — ғоят эркин сезамиз.

Уэйс қўлини кўтарган эди, официант унинг худди шу ишорасига маҳтал бўлиб тургандек, лўла кабоб жазиллаб турган баркашни кўтарганча югуриб эмас, отилиб чиқди.

— Қани, олинг, — деб таклиф қилди Уэйс. — Анорнинг сувидан қуйиш керак. Мана бу хурушдан ҳам тотиб кўринг. Лекин эҳтиёт бўласиз, жуда аччиқ...

Энди Уэйс иш ҳақида гап очмайдигандек кўринган эди. Аммо тўсатдан эслаб қолди:

— Йигирма еттинчи йилда «савдогарлар бойкоти» юз берган эди. Улар советларга мол-у, хом ашё сотишдан воз кечган эдилар.

— Агар янглишмасам, савдогарлар ўшанда анчагина зиён кўришган эди, шекилли...

— Аммо мол-у, хом ашё, бари бир, Москвага етиб бормаган эди.

Мол-у, хом ашёси билан нима иши бор? Сичёв мўл-кўл, мазали таомларни бамайлихотир ҳузур қилиб емоқда, гоҳо қулоғига гап-сўз ҳам кирмас эди.

— Савдогарларнинг янгидан бойкот эълон қилишлари зарур бўлиб қолди, — деди Уэйс хотиржам оҳангда. У юпқа лабларини кичкина сочиқ билан артди. — «Рус персхлопок» деган ҳиссадорлик жамияти бор.

— Бор шекилли, — деб бош силкиди Сичёв. — Эшитишга эшитган эдим-у, аммо шундай ташкилот борлигига жиддий эътибор бермагандим.

— Чакки қилибсиз. Бундай ташкилотлар билан қизиқиш керак. Ахир Россия шир-яланғоч. Виз унинг бундан буён ҳам ямоқ-ясоқ либосда кўрк тўкиб туришидан манфаатдормиз. Кўрганмидингиз? — стол четида газета ётарди. — Бунда гоят мароқли суратлар бор.

Сичёв бундай суратларни анча-мунча кўрган. Уларда жулдур кийимдаги, ҳаттоки ярим яланғоч боқимсиз болалар ақс эттирилган эди.

— Аммо ҳақиқатдан кўз юмилмаса, уларнинг муваффақиятлари ҳам бор, — дея эслатди Сичёв. — У ерда қишлоқ хўжалиги учун кўплаб машиналар ҳам чиқарилмоқда. Ҳатто, баъзан, бу томонларга ҳам жўнатиб туришибди.

— Худди ана шу машиналарнинг ғилдиракларига чўп суқиш керак, — деб кулиб юборди Уэйс, аммо шундаёқ кулишдан тўхтаб, жиддий гапира бошлади. — Токи Россия ташқаридан келтириладиган хом ашёга муҳтож экан, бизнинг бурчимиз — ана шундай ашё етказиб беришни барбод қилиш. Биронта савдогар русларга бир грамм ҳам пахта сотмасли керак.

Сичёв ниманидир кутаётгандек инглизга тикилиб турар, ҳали ҳам ҳеч нарса тушунмаган эди.

— Сиз бу борада бизга ёрдам берасиз, — деди гапини яқунлаб Уэйс. — Ёрдам беришингиз зарур.

— Мен сизларга нима қилиб ёрдам беришим мумкин? — деди Сичёв кўрслик билан.

— Шимолий районларда пахта кўп. Сиз ўша ёққа бориб келишингиз керак.

— Кимга бораман? Нима учун? — Сичёв асабийлашганча сочиқни гижимларди.

— У ерда ҳали ҳам дўстларингиз бор, — инглиз ҳамон хотиржам эди. — Яхши биласиз, икки йил муқаддам Астробод билан қўшни шаҳару қишлоқларда Жунайдахон бўлган эди.

— Ҳа. Уқиган эдим. Уни сал кунда маъмурлар бадарға қилишган эди.

— Уни бадарға қилишган эди-ю, аммо туркманлар келиб ўрнашган касабаларда уни кутиб олган кимсалар ҳали-ҳали ўша ерларда яшаб туришибди. Сиз ҳам ўша ерларда баъзи танишларингизни учратиб қолсангиз ажаб эмас. Хива, Тошовуздан келган танишларингизни айтаман. Худди ана ўшалар савдогарларнинг янги бойкотини уюштиришда ёрдам беришлари мумкин. Ана ўша ерда битта-яримта билан биргаликда савдо ширкати очасиз. Бу жуда зарур.

— Мен, — Сичёв аён-ошкор ҳаяжонланарди, — мен йигирма еттинчи йилда, сиёсий воқеаларга, мамлакатнинг ички ишларига аралашмайман, деб тилхат берганман.

Уэйс ижирганди.

— Беҳуда гап! Тилхат эмиш! Бу аллақачон эсларидан чиқиб кетган. — У бепарволик билан қўл силкиди. — Сиз биздан шундай бир маблағ оласизки, бу билан бемалол Европага жўнаб кетишингиз мумкин. Сизнинг муддаонгиз ҳам шу-ку.

— Ҳа, — деди Сичёв хўрсиниб.

— Унда кабобдан енг, — кулди Уэйс. — Совиб қолмоқда. Парижда сизни бундай кабоб билан сийламайдилар. Есангиз-чи!

## Ҳар қалай, битимга келинадиган бўлди...

Савдогар Аршак кўзга кўринган шахс, у билан ҳисоблашишар эди. «Русперсхлопок» ҳиссадорлик жамиятининг бўлимида қўғирчоқдеккина



жусасига мос тушмайдиган дабдабаю кибр билан қадам ташлайдиган бу одамнинг кириб келишига кўз тутар эдилар. Аршак ишган одамлар доирасида салобатлироқ, ҳайбатлироқ кўриниш учун қорнини қаппайтириб юрарди.

Аммо уринишлари беҳуда кетарди. Салобатли кўринмоқчи бўлиб, буни ўрнига қўёлмасди. Аршакнинг ўз пахта далалари билан пахта тозалаш корхонаси борлигини барча биларди.

Гарчанд, бу сув билан юрадиган кичикроқ корхона бўлса ҳам, ҳар қалай, корхона эди. Теварак-атрофдаги бундай «саноат корхоналари» бармоқ билан санарли. Шунинг учун ҳам Аршак улгуржи пахта етказиб берувчи савдогарлардан бири ҳисобланади. Винобарин, шундай одамнинг вазоҳатидан кулиш кимнинг ҳам миясига келарди дейсиз?

Аршакнинг ҳар гал «Русперсхлопок»ка келиб-кетиши воқеа ҳисобланади. Бу ерга у қўрада изғиб юриш-у, бошқа савдогарлар билан учрашиб, қанчадан ҳосил олинishi билан нарх-наво ҳақида ҳангомалашгани эмас, улгуржироқ битим тузгани келади.

Пахтасининг салмоғи чаккимас. Нарх-навони ҳам яхши билади.

Бу гал Аршак қўрадан яна имиллаб ўтди, қишлоқ савдогарлари билан сезилар-сезилмас бош силкитиб саломлашди, ҳатто улардан қайси бирининг номи нима эканлигини ҳам дурустгина билмасди. Ҳамон ўшандай имиллаб қадам босганча идоранинг энсизгина йўлагидан бошқарувчининг кабинети томон қараб кетди.

Уч йилдан буён кабинетнинг торлиги-ю, фуқароча кийим кийиб юришдан (албатта энди, галстук тақишдан ҳам) диққат бўлиб кетган Фёдор Никифорович одатда ўтирган жойидан аранг чиқиб келар, кифтларини ростлаб, савдогарларни очиқ юз билан кутиб олар эди.

У Аршак келгандагина кифтларини ростламасликка тиришарди. Кўнгли нозик савдогар. Ҳар бир имо-ишорани, ҳар бир сўзни ўзича йўйиши мумкин.

Аршак саломлашиб, қўлини узатди, бошқарувчи ҳам эҳтиром билан унинг қўлини сиқиб қўйди.

— Аҳвол-руҳиятингиз қалай?— деб сўради Фёдор Никифорович ҳурмат юзасидан.

— Худого шукр, чакки эмас, чакки эмас,— дея гўлдиради Аршак кабинетини ҳушқўмайгина кўздан кечираркан.

У ҳар гал ўтириш учун маълумроқ жой қидиради. Басавлат креслога ўтирса йўқ бўлиб кетади. Стулга эса қашшоқ арзгўйлар келиб ўтиришади. Аммо, ҳозир эса у стулга ўтиришга қарор қилди. Утиради-ю, ўзини орқага ташлайди.

— Нима хизмат билан ташриф буюрдингиз, мухтарам Аршак?— Бу шунчакигина бир савол эди. Савдогар албатта энди пахта олиб келган.— Умид қиламанки, каттакон бир карвонни бошлаб келган бўлсангиз керак. Ҳўкизлар араваларни элон-қарон тортади, унғача сиз билан биз бир финжондан қаҳва ичиб, ишларимиз юзасидан гаплашиб олсак бўлар.

Аршак энгагини қаққайтириб, Фёдор Никифоровични гўёки илк бор кўраётгандек диққат билан кўздан кечирди-да, кейин оғир хўрсиниб қўйди.

— Нима бўлди?— Фёдор Никифорович ҳам ўтирди.— Карвонсиз келдингизми?

— Карвонсиз келдим,— деди Аршак хўрсиниб.

— Ҳосил йиғиб-териб олинди. Пахта ҳам маҳтал бўлиб турибди...—дея сўзида шахдам давом этди, нима гап эканлигини ҳали пайқаб етмаган Фёдор Никифорович.

Жавоб бериш ўрнига Аршак бошқарувчига бошдан-оёқ диққат билан разм солиб чиқди.

— Бамаъни одамсиз, жаноб Фёдор,— деб узоқдан гап бошлади савдогар.— Яхши одамсиз. Форс тилида бинойидеккина гаплашасиз, туркий тилларни ҳам биласиз. Эшитишимча, ҳатто қуръондан ҳам хабардормишсиз.

— Ҳа, унча-мунча.

— Кўзларингиз ҳам бамисоли осмонимиздек. Булут шарпаси кўринса дарров сезилади,— Аршакнинг овозида писанданамо оҳанглар пайдо бўлди.

— Яширмайман, ташвишланиб турибман,— дея эътироф этди Фёдор Никифорович.— Айни пахта сотадиган фурсатингиз, негадир пайсалга солиб турибсиз.

— Ҳа, айни фурсати,— дея мужмаллик билан таъкидлаб қўйди Аршак.— Аммо мен ҳозирча карвонсиз келганман.

— Хўш, нима гап ўзи, жаноб Аршак?

— Савдогар тайсалларди. У совуқ бир янги хабар айтса, бу қандай таъсир қилишини кўришга иштиёқманд бўлиб тургандек эди.

— Мен бу мавсумда уч минг пуд ҳосил кўтардим. Тозалатиб, шай қилиб қўйдим. Пахтам той-той бўлиб турибди.

Фёдор Никифорович жойлашиброқ ўтирди-да, шундан кейин бамайлихотиргина унинг нима гап айтиши мумкинлигини кута бошлади.

— Буларнинг ҳаммасига жуда катта маблағ сарф бўлади, жаноб Фёдор. Э-ҳа, жуда катта маблағ,— деди бош чайқаб Аршак.— Корхонани қайта қуриш керак.— У кўзларини шифтга тикди. Ҳатто бўлажак сарф-харажатларини ҳисоблаб кўраётгандек лабларини пирпиратди.

— Хўш, ҳисобласангиз қанчадан чиқар экан?— деди бошқарувчи заҳарханда билан.

— Пудига саксон риёлдан. Одатдагига қараганда атиги беш риёл кўпроқ. Замон оғир.— У ўрнидан туриб пиджагини тортқилаб қўйди, намат қалпоғини ўнглаб кийди-да, ўқсинган бўлиб хўрсинди.— Начора? Фикрингизни айтарсиз, жаноб Фёдор. Бир ҳафта кутаман, жавобингизни айтиб, одам юборарсиз.— Савдогар таъзим қилди. Қалпоғига қўлининг учини тегизиб қўйди. Шундан сўнг эшик томон юриб уни очди. Очганда ҳам шахт билан шундай ланг-очдики, унинг остонасидан баҳодир бир паҳлавон ҳатлаб ўтиши керак эди.

Ясси томли паҳса уйларини қалин деворлар ўраб олган, ўртасидан танҳо сертупроқ кўча кесиб ўтган кичик бир шаҳарда янги хабарни, қолаверса, совуқ хабарни сир тутиш амри маҳол.

Аршак Ажемян «Русперсхлопок»нинг кўрасида карвонсиз пайдо бўлган дақиқанинг ўзидаёқ янгилик теварак-атрофга ёйила бошлаган эди. Савдо аҳлидан биронтаси чурқ этиб оғиз очмади-ю, аммо бу одамлар бир-бирларининг кўзларига ялт этиб қараб, сезилар-сезилмас бош чайқадилар-да, дам сақлагандек индамай қолдилар.

Қачонки, Аршак пинагини бузмай дабдаба билан идорадан чиқиб келаркан, ҳамма гумонлар барҳам топди. Пахтаси йиғиб-терилиб, чигити тозаланиб, тойлаб қўйилганини ҳамма билади. Хўш, Аршак нима учун жаноб Фёдорнинг олдига келиб кетди? Нима сабабдан фойтонига бу қадар кибр билан чиқиб жўнаб қолди?

Қўрада дастлабки луқмалар эшитила бошлади:

— Наржини ошириб айтган.

— Биз нима қилдик.

— Нима қилардик? Бизда пул бўлса экан. У довул ўтиб кетгунча панада тураверади.

Кечгача Аршакнинг режаси ҳақидаги овозалар яқин-ёвуқ шаҳарларга ҳам бориб етди.

Бошқарувчи бир неча кишидан иборат ходимларнинг кенгашини чақирди. Мабодо бу қисқагина, ташвишли суҳбатлашувни кенгаш деб билса. Фёдор Никифорович Аршакни бошқа садогарлар ҳам, ҳеч бўлмаганда дўстлари албатта қўллашлари мумкинлигидан ташвишланарди.

— Унинг дўсти борми, ўзи?— деб сўради Собир, биронталарига ҳам мурожаат қилмай.— Ҳеч қандай дўсти йўқ, Қонхўрлар!

— Бундай қизиқиш ярамайди,— дея қўлини кўтарди Фёдор Никифорович, огоҳлантирган бўлиб.

Собирдан дипломат чиқиши маҳол. Бу ерда пахта қабул қилади, ана шу вазифасини адо этаркан, одобга унча риоя қилмайди.

Собирнинг қўниб турадиган жойи — отнинг эгари. Отига Жайхун деган ном жуда ёпишиб тушган. Собир Тошовузга биринчилардан бўлиб ёриб кирган эди. Келишган, олов йигит. Бу ердаги «тинч-осойишта» вазифасида ўзини зўр-базўр тийиб юради.

Аммо Фёдор Никифорович уни заводда ҳавас билан кузатган бир пайт ҳам бўлган. Собирнинг бармоқлари бир тутам оппоқ момикни деҳқончасига меҳр билан сийпаб кўрганида чеҳрасида аллақандай аломат бир ифода пайдо бўлган эди.

Бултур Собир Москвадан баъзи хўжаликлар учун юборилган янги чигитнинг афзаллигини исботлаш учун роса ғайрат кўрсатди.

— Албатта қонхўрлар-да!— дея оҳиста бўлса ҳам инод билан такрорлади Собир.

— Борди-ю, бирон нарса юз берган бўлса, очигини айтавер,— деди бошқарувчи жаҳли чиқиб.

— Очигини айтишим мумкин,— деди Собир асабийлашиб.— Мен ўзим ҳам бу тўғрида гаплашмоқчи эдим, ҳаммасини текширишга улгуролмадим.

— Нимани текшириб кўришга?— деди Фёдор Никифорович сергакланиб.

— Аршакнинг корхонасида бир балолар бўляпти,— деди Собир, энди бир оз мужмалроқ оҳангда, сўнг бошини қуйи солганча қўшиб қўйди.— Қиличнинг олдида борган эдим.

— Ахир сендан неча марта, ундай жойларда дайдиб юрма, деб илтимос қилганман-а!

— У ерда ваҳима қиладиган бирон нарса йўқ, Фёдор Никифорович,— деб уқтирди Собир.— Қиличнинг тоби қочиб қолибди. Мен унга дори олиб бориб бердим. У ёқда қаердан дори топади-ю, нимасига олади?

— Хўш-хўш?— деди бошқарувчи юмшаб.

— Аршак механигига айтиб, тахталарнинг орасини очдирганини Қилич ўз кўзи билан кўрибди...— Собир қўлларини чўзиб, қафтларининг орасини очди.— Мана шундай тирқишлар пайдо бўлибди,— деб тушунтирди у.— Ундан момик билан бирга нам, жиққа ҳўл чигит ҳам тўкилибди. Қисқаси, ҳар бир тойга гиж-гиж чигит жойланганмиш. Ўттиз минг пудга боради деяверинг! Тагин тупроқ ҳам аралаштирилганмиш. Шундай дейишяпти,— деди-да, стулга ўтириб қолди Собир.

— Бор гапинг шуми?— деб сўради Фёдор Никифорович.

— Шу,— деб нафасини бўшатди Собир.

— Айғоқчилик қилиб юришга сенга ким изн берди?

Собир таажжубланиб қошлари керилди:

— Нега айғоқчилик қиларканман, Фёдор Никифорович?

Бу гап ҳали бутун шаҳарга ёйилади. Ахир биз кимдан нима сотиб олаётганимизни билишимиз керак-ку. Мен Қиличдан, корхонагиздаги ишлардан гапириб беринг, деб илтимос ҳам қилганим йўқ.

Фёдор Никифорович бухгалтерга савол назари билан қаради. Ҳамма нарсага лоқайд қарайдигандек кўринган бу вазмин одам ҳозир ҳам мудроқ босиб ўтиргандек. Ҳозир Собир айтган фавқулодда янгилик ҳам сал бўлса-да, кор қилмади.

У Аршакнинг нархини ошириш ҳақидаги талабига бошқарувчи ўлақолса ҳам кўнмаслигини биларди. Қолаверса, бундай масалалар савдо ваколатхонасида ҳал этилади. Аммо ҳар эҳтимолга қарши огоҳлантириб қўйди:

— Саксон риёл — осмондаги нарса. Шунисини ҳам айтиб қўяйки, биз лимитдан четга чиқолмаймиз.

Фёдор Никифорович унинг фикрини маъқуллаб, бош силкиди. Бухгалтер унинг учун биронта янги гап айтгани йўқ. Шундан сўнг у завод бош механиги Самадовга савол назари билан қаради. Бош механик эса «меҳмонлар креслоси»га яхшилаб ўрнашиб олган бухгалтерга қаради. Шу тариқа ҳа-ҳалаб, бир-бирларининг фикрларини маъқуллаб, аҳён-аҳёнда мужмал-муҳмал лўқма ташлаб ўтирганча тонг оттириб юборишлари ҳам ҳеч гап эмас.

Самадовнинг ташвиши бошидан ошиб ётибди. У заводда ҳар куни ўн-ўн бир соатлаб қолиб кетади. Механик Фёдор Никифоровичнинг ҳузурига йиғилишларига сабаб бўлган масаланинг нечоғли жиддий эканлигини ҳам яхши билади.

— Балки, у бизга қутқу солмоқчи бўлаётгандир?— Самадов бошқарувчига диққат билан тикилди.

Фёдор Никифорович пешонасини ишқалаб, қатъиятсизроқ жавоб берди:

— Менга ҳам шу фикр тинчлик бермай турибди.

— Бошқа томондан қараганда, у пахтасини нима қилмоқчи?— дея сўзида давом этди Самадов. Қуюқ қора қошлари чимирилиб қаншарида чуқур чизиклар пайдо бўлди-да, қорамағиз юзида ўттиз ёшдан анчагина катта кишига хос бир ифода кўринди.

— Нари борса келаси йилгача сақлаб қўяди,— деб жавоб берди бошқарувчи.— Омборини жуда шайлаб қўйган.

— Пул важи қандай бўлади?— деб сўради Самадов.

— Бу қонхўр бадавлат, пулга ҳам унча муҳтож эмас,— деб юборди Собир сабри чидамай, Фёдор Никифоровичга кўзи тушиши билан, бас қилдим, бае қилдим, дегандек қўлини кўтариб қўйди.

— Бадавлатликка бадавлатку-я,— деб унинг фикрини маъқуллади Самадов.— Аммо нақд пули бормикан?

— Унисини ким билиши мумкин дейсиз,— деди бухгалтер ва қўшиб қўйди.— бундай саволга биронта ҳам банк жавоб бермайди, ҳар кимнинг жамғармаси сир тутилади.

— Агар Аршакнинг пули бўлса,— деб хулоса чиқарди Фёдор Никифорович,— у билан курашиш машаққатлироқ бўлади.

— Аммо унинг тузоғига илиниб ўтиришга ҳам ҳушимиз йўқ, — деб гап қистирди бухгалтер.

— Илинмаймиз! — Фёдор Никифорович шартта ўрнидан туриб кифтларини ростлади, ростлаганда ҳам шундай ростладики, шинам костюми таранг тортилди. Яна бир қимирласа борми — дипломатларга хизмат қиладиган машҳур тикувчи меҳр кўйиб яратган асари чок-чокидан сўкилиб кетган бўларди. У кафти билан столни тарсиллатиб урди:

— Бошқалардан сотиб оламиз. Қизгин бир вақтда турибмиз. Ҳамма эшитган янгилекларингиздан, айниқса Аршак ҳақидагиларидан дарҳол хабардор қилиб турсангизлар. Ўз-ўзидан маълумки, бизлардан ҳеч қайсимиз биринчи бўлиб масаланинг тагини суриштириб кўришга уринмаслигимиз керак. Аршак Ажемян пахта сотмаётган экан, майли, бу унинг иши. Тушунарлими? Биз шу йўсинда иш тутишимиз керак.

Кенгашдан сўнг Фёдор Никифорович креслога жойлашиб ўтирди-да, савдогар билан бўлган суҳбатларини ипидан-игнасиғача хотирлаб кўришга, биронта ҳам сўзни ёддан чиқариб қолдирмасликка ҳаракат қилди.

Нега Аршак кўзига тик қарамайди? Нима учун ошиқроқ нархни айтақолмади-ю, аввал бошданок ўзини қўли баланд келган кишидек тутди? Эҳтимолки, уни, пахтагни бари бир сотиб олишади, деб ишонтирган бўлсалар ажаб эмас.

Борди-ю, чиндан сотиб олмай қўя қолсалар-чи? Аниқроғи, савдомиз келишмади, деган йўсинда иш тутсалар-чи? Ростини айтганда, Аршакнинг пахтаси сотиб олинмаса бўлмайди — савдо ваколатхонасидагилар ташвишга тушиб қоладилар.

Собир Қилич билан баққолнинг дўконидан танишиб қолди. Қилич қанд олаётган экан. Баққол паллага қанд ташлай туриб, харидорларни гапга соларди:

— Аршакнинг қўлида ишласакми дейман? Корхонасидадир-да? Назаримда бугун Аршак ишчиларининг ҳақидан узилганга ўхшайди-я?

Баққол ўзи сўраб, саволига ўзи жавоб бериш салоҳиятига эга эди. Бу жонсарақ, сергап одам кўп нарса биларди. Уни ҳамма нарса: шаҳардаги, теваарак-атрофда жойлашган қишлоқлардаги, туркман касабаларидаги ҳаёт ҳам, Техрондаги ишлар ҳам қизиқтирарди. Унинг чоғроққина дўкони ўзига хос бир клуб дидини берарди. Бу ерда сиёсату нарх-наво ҳақида баҳслашишар, одамларнинг хатти-ҳаракатларини қоралашар ёки маъқуллалашар, унча-мунча суҳбатлари хуфия қолиб кетишга умид тутган ҳолда бир-бирларига маънодор им қоқиб ўтиришар эди. Аммо баққол ҳеч бир сир сақлаёлмас, унинг дўконидан чиққан сирлар бир зумнинг ўзидаёқ ҳаммаёққа тарқалиб кетар эди. Буни барча яхши билар, бари бир, худди шу баққолнинг дўконидан ивир-шивир қилиб, им қоқишда давом этар эди.

Сотувчи аввал тарозига, кейин қанд уюмига қараб таъкидлади:

— Сал-пал оғир келди. Шундай бебаҳо нарсани чақмоқлаб ўтирамизми? — чақилганда ушоқ-увоқ бўлиб увол кетади.

Сал-пал оғир келганмиш!.. Қилич хижил бўлди. Бироқ бегона одамларнинг олдида камбағаллигини ошқора қилиб ўтиргиси келмади. У посонгини босиб кетган худди ўша бир бўлак қандга майдаси етмаслигини олдиндан билган ҳолда пулини санай бошлади.

Сотувчи рўй-рост беписанд тиржайганча йигитни кузатиб турарди. Бу тарика таҳқирлашга чидаёлмай кетган Собир бир риёл ташлади.

— Қолганига бизнинг механик олиб юрадиган тамакидан беринг.

Баққол пулни чаққонлик билан пештахтадан юлиб олиб, шоша-пиша хижжалади:

— Ҳозир, ҳозир-да. Механикларингиз учун алоҳида тамаки олиб қўяман, Стамбулдан келадиганидан.

Дўконда хорижий моллар бўлмасди. Буни ҳамма яхши биларди. Баққол Стамбул, Париж, Лондондаги савдо аҳли билан алоқа тутишидан лоф урарди. Аммо ҳеч ким унинг ёлғон гапираётганини юзига солгиси келмасди. Шуни маъқулроқ кўришарди шекилли. Ҳатто баъзиларга эса нотаниш бир мамлакатдан келган нодир молни харид қилганлари ёқиб тушарди. Харидорлар ҳам лаққа тушибми, фалон мурч Африка қирғоқларидан олиб келинган, деган ва шу қабилидаги бошқа гапларни бир-бирларига айтиб туришарди.

Собир билан Қилич дўкондан биргаликда чиқдилар. Улар деярли тенгқур ё Қилич ундан икки ёшча кичик эди. Қизил Армия сафига келганида Собир ўн саккизга ҳам тўлмаган эди. У жангларда ҳам қатнашган, лазаретда ҳам ётиб чиққан, колхозларни ташкил қилишда ҳам иштирок этган эди. Авроқдаги туркман касабасида яшайдиган Қилич нималарни кўрди-ю, нималарни таниди экан?



— Нима, Аршак кам ҳақ тўлайдими? — деб суриштирарди Собир.  
 — Кам тўлайди, — деб хўрсинди Қилич, — шунда ҳам онда-сонда.  
 — Нима учун? — деди Собир таажжубланиб.  
 — Эрта-индин, деб пайсалга солади. Зориқиб кутиб юрамиз.  
 — Иш кўпми?  
 — Етиб ортади.  
 — Ун тўрт соатлаб ишласанглар керак-а?  
 — Ким қарабди дейсиз. Соат Аршакда бор холос. Назаримда, кечаю кундуз тинмай ишлаймиз.

— Ҳозир бизда ҳам иш кўп. Лекин биз маҳаллий ишчиларга ортиқча ишлаган ҳар бир соатлари учун алоҳида ҳақ тўлаймиз. Совет мамлакатига тартиб шундай.

— Аршак сизларнинг тартибларингизни ёқтирмайди, — деди Қилич.  
 — Бўлмасам-чи! Унинг биз билан қучоқ очиб оғиз-бурун ўпишмаслигини биламиз. Агар ихтиёр унда бўлса, бизни бўғиб ўлдириб қўя қолишга тайёр.

— Бўғишга-ку, бўғолмас-а, аммо бирон ёмонлик қилишдан сира ҳам тоймайди, — деди Қилич. — Бунга уста.

— Ҳа, уста, — деб маъқуллади Собир. — Мутахассис. Афсуски, ҳозирча бу ерда унақа устомонлар ошиб-тошиб ётибди. Хўп, майли, бир кунмас-кун бизга ҳам гал келиб қолар.

Собир нималарни кўзда тутаётганини Қилич тўла-тўқис тушуниб етолмади, аммо Собир ҳам вақтида тилини тишлай қолди, Фёдор Никифорович қатъий огоҳлантириб, «Қизил тарғибот» олиб бормасликни тайинлаган эди.

— Биз томонга бор. Албатта бор, — деб таклиф қилган эди Собир.

Қилич ҳам ўша таклиф баҳонасида бир неча марта «Русперсхлопок» заводига келиб кетди. Учрашганларида Собирга туркман касабаси ҳақида гапириб берарди. Бу қадим қишлоқлардан бири экан. Бу ерда одамлар XVI асрдан буён истиқомат қилиб келишаркан. Қабиладаги одамлар асосан чорвачилик билан шуғулланишаркан. Кейин-кейин бир неча киши деҳқончиликка ўтиб, бугдой, пахта экадиган бўлибди. Қабилянинг ўз урф-одатлари, қонун-қоидалари бор экан. Собирнинг фаҳмлашича, ҳамон феодал ва қабила уруғ тузумининг асорати сақланиб қолган экан. Қабила бошида бадавлат одам оқсоқол бўлиб тураркан. Оқсоқол яқингинада яна хотин олибди — ўн тўрт яшар қизалоққа уйланибди. Тўйга бутун қишлоқ йиғилибди. Фақат Қиличгина бормабди, қизалоқ амакиваччаси экан.

— Бизда бунақа аблаҳ чолнинг абжағини чиқаришарди! — деди Собир одатдагидек қизишиб, муштумини силтаркан.

Қилич эса чурқ этмай турарди. Ҳаёти ҳам, ўй-ташвишлари ҳам мутлақо бошқача бу йигитга кўп нарсалар тўғрисида гапириб бергиси келарди. Анчагача индамай юрди. Ниҳоят, бир куни сабри чидамай, муттаҳам хўжайинининг фирибгарликларини гапириб берди. Таажжубки, умри бино бўлиб хўжайинидан ҳайиқмай, ҳеч кимдан ҳайиқмай бемалол гапирарди.

## 1927 йилда нималар бўлган эди

Сичёвнинг уйга қайтгиси келмасди. Энсизгина тор кўчанинг жимжитлигидан, беўхшов эски уйдаги, қиртишлаб қатронланган казарманинг бир чеккасини эслатадиган хонасидаги диққинафасликдан қулоғи битадиган бўлиб қолди. Уй эгаси худди жўрттага қилгандек хонасига солдатча каравот, бесўнақай стол билан бир неча шалоғи чиққан эски стул олиб кириб қўйган. Хонадаги бирдан-бир ҳашаматли буюм — духоба филофининг туки тўкилиб кетган, пружинаси ўйноқлаб чиққан кресло эди.

— Мен сизнинг хонангизни бус-бутун оверупоча асосия билан жиҳозлаб қўйдим, — дерди аён ошкор заҳарханда қилиб, ўта кетган зиқна, бақбақалоқ уй эгаси.

Кечкурунлари эшик олдида жойлашиб олиб, тинимсиз тасбеҳ ўгириб ўтиради. Гўё тасбеҳ доналари бармоқлари орасидан «шиқ-шиқ»лаб ўтиб торкўча сукунатини бузаётгандек бўлади.

Дунё эса алгов-далгов, қайнаб тошарди... Урушлар бир куннинг ўзидаёқ, тугаб қўя қолмайди. Гала-гала каллакесарлар изғиб юрар, якка қолган ваҳшиёна қотиллар жон аччигида чўлтоқ милтиқми, қонли пичоқми, чангаллаб

пайт пойлар, кимлардир темир йўл излари, уйлар, театрлардаги зарҳал креслолар остига динамит жойлаш билан овора эдилар.

Дўнэ қайнаб тошарди... Янги куйлар, шеърлар юзага келарди. Одамлар ботир ва кафангадо бўлар эдилар. Тўй-ҳашам ўтказар, жонҳолатда заҳар ичар ёки чаккаларига тўппонча тирар эдилар.

Яқингинадаги расоқомат ва олифта сифат, айни вақтнинг ўзида қаҳри қаттиқ ва муруватли, хатти-ҳаракатлари ва оғзидан чиққан сўзларига ишонч билан қарайдиган офицер Сичёв таггинасидан бошқача Техрон бошланадиган хира, кир дераза олдида турарди. Мана, пастак, ясси томлар, каталак ҳовлилар шовқин сурон кўтарган чувринди бола-бақра, шанги хотин-халаж, маъюс, сердиққат эркаклар... Дарчани очиши билан хонага қўланса саримсоқ билан пиёздоғ ҳиди, баъзан эса нимтатир бўлса-да, нималиги аён сезилиб турган афюн кўкнори, наша ҳиди сизиб киради.

Сичёв яшиб турган жой бамисоли бир чегарадек. Расмона кўчадан торкўчага кириб келади-ю, хонасининг сиртидан қашшоқлар олами бошланиб кетади. Орада Сичёвни икки-уч қадамча йўл ажратиб туради. Аммо у ҳеч қачон ўша томонга қадам қўймасликка ҳаракат қилади. Токчада турган идиш-товоқ билан бир даста китобнинг орқасидаги кавакда авантюрист, ашаддий қиморбоз, Наполеоннинг пайдан бўлганлардан бири — полковник Зайцев совга қилган браун ётибди.

Сичёв бугун уйига ҳеч қайтгиси келмаган, аммо жуда тинкаси қуриган эди. Ошхонанинг ҳашамати, ресторандаги нарх-наво билан ундаги тартибдан, туйқусдан устига дув ёрилган хабару ахборотдан, ваъда қилинган бир талай инъом-эҳсонлардан, бўлажак хатти-ҳаракатлар ваҳимасидан тинкаси қуриб, мадори қолмаган эди. Сичёв фикран шу бугунги воқеаларга қайтди.

Хушбўй чой қуйилган кичкина стаканларни келтириб қўйганларида Уэйс дастлаб бу ичимликни мақтади, чой дамлашга уста, энг муҳими, уни хузур қилиб ичадиган руслар шаънига бир неча ёқимли сўзларни айтди.

— Биз инглизларда «ти» — ақл бовар қилмайдиган бадхўр нарса. Биз чойни дамлаш ўрнига, сувга солиб қайнатамиз. Сизларнинг бир офицерингиз жуда топиб таърифлаганидек, бу ювиндининг ўзи. — Уэйс стаканчани кўтариб, гўё ана шу ажойиб ичимликни хўплашга ҳам кўзи қиймай, аввал хушбўй ҳидига тўйиб олмоқчи, бўлгандек стакан четини лабига босди.

Афтидан, Уэйснинг суҳбат олиб боришда аллақачонлардан бери синашта бўлиб кетган бир мароми бор шекилли. У ҳар бир тасодиф билан четга алаҳсиб кетади. Кейин эса дафъатан ўзини қизиқтираётган мавзуга қайтади.

— Мабодо битта-яримта савдогар «Русперхлопок»ка тумшугини тикшишга уриниб қоладиган бўлса борми, уни дарҳол... — Уэйс ниҳоят чойдан хўплади-да, стаканни эҳтиёт билан қўйиб, қўлини худди пичоқ санчаётгандек нуқди. — Шундай қилиб қўйишади. Албатта энди буни сизнинг буйруғингиз билан бошқалар амалга оширишади. Аллақчонлардан бери биладиган танишларингиз.

— Орадан озмунча вақт ўтдими! Ҳозир уларнинг башараларини аниқ-таниқ таниёлмасам ҳам керак.

— Аммо ўзингиз аниқ-таниқ одамсиз-ку.

Зал гавжумланиб борарди. Уэйс учрашув учун қулай вақт танлаган экан. Ҳозир қаҳвахона гала-говур бўлиб кетади, ҳамма тилларда гангур-гунгур гурунглар бошланади.

Бу ерда ажнабийлар жуда кўп. Мамлакатда эса етиб ортади. Уларнинг ҳаммаси ҳам бу ерда ўзини дуппа-дуруст, мистер Уэйсга ўхшаб хўжайиндек ҳис этади.

Агарда битта-яримта Сичёвни четдан кузатса, тўсатдан унинг оёқ олиши ўзгариб қолганини пайқаш муқаррар эди. Бу кўчадаги халойиқнинг орасида лалайиб юрган бекорчи эмас, ишчан, ўйчан кетаётгиди, деб ўйларди. Дарҳақиқат, шаҳарнинг ҳашаматли хиёбонларидан бирида қимматбаҳо моллар сотиладиган магазинларнинг витриналари, хотин-халажни томоша қилиб бепарво, беҳафсала одимлаганча борарди. Негаки, нимага қўлини чўзса етадиган бўлиб қолди.

Инглиз муайян маблағини аниқ айтмади. Дастурхон устида Сичёвга ҳеч нарса тутқизмади ҳам. Очиғини айтганда, Сичёв чўнтагида охирги риёллари билан қайтиб келмоқда.

Ҳозир у файтон кира қилишга ҳам қодир эмасди. Тонг отса янги кун бошланади.

Торкўчанинг оғзига етганда Сичёв қадамни секинлатди. Ҳозир у яна жимжитлик қўйнига кириб боради. Уй эгасининг кепчикдек башарасига қарайди, қулоғининг тагида тасбеҳ доналари «шиқ-шиқ» лаётгандек бўлади.

Кейин пружина гижирлаб, варақланаётган газета шитирлайди. Умридан яна бир кун ўтади. Замонавий қаҳвахона, тўкин дастурхон, шошмайдиган, ҳукмрон инглиз, янги кураш, безовта ҳаёт режалари. Шулар ҳаммаси чиндан ҳам содир бўлдимми?

Уй эгаси тасбеҳини йиғиштириб, Сичёвга таъзим қилди.

— Оқшомингиз хайрли бўлсин, муҳтарам жаноб...

Сичёв ҳам саломлашди.

— Муҳтарам жаноб, мени кечирадилар. Узлари йўқларида хоналарига кириб чиқишга мажбур бўлдим. Мен, — деди у қўлини юқорига кўтариб, — оллоҳнинг марҳамати билан янги жиҳоз сотиб олдим. Агар жанобларига малол келмаса, хоналаридан қўшни хонага ўтадиган эшикни очиб қўйдим. У ер сизнинг ишхонангиз бўлади. — Уй эгаси яна таъзим қилди.

— Раҳмат, — деб қўйди Сичёв, таажжубланганини сездирмасликка тиришиб.

Жин урсин, ҳозир қандай иш тутиши керак? Миннатдорчилик билдириб, қўлини сиқиб қўйсамикан ёки бемалол ичкарига кириб кетаверсамикан? Сичёв бош силкиб, остонага қадам қўйди.

Қадам қўйди-ю, анграйиб қолди. Хувиллаб ётган, ғариб, бефайз хонаси бир неча соат мобайнида аслзода кимсанинг гўшасига айланибди-қолибди. Аммо безатган одамнинг дидидан дод солиб дунёдан чиқиб кетса арзирди. Тўқ сариқ духоба пардалар ғариб манзара кўзга ташланадиган деразалар билан токчани тўсиб турарди. Сичёв токча томонга ташланиб, пардани тортди — идиш-товоқларни ҳам янгиллашибди. Бир даста китоб қолибди-ю... унинг орқасидаги... Браунинг ҳам жойида турган экан. Енида эса вазмингина конверт ётарди. Сичёв бу пул эканлигини пайқади.

Инглиз у ўйлаганчалик андишали эмас экан, — пул солинган конвертни браунинг ёнгинасига ташлаб қўйиши — очикдан-очик ҳақорат. Аммо Сичёв уларга нима деб даъво қила оларди? Уни сотиб олмақдалар, бу ҳам шунга ўз ихтиёри билан рози бўлмоқда. Пулни санаб ўтирмади. Қалингина, бир даста, салмоқдор. Гап бундагина эмас. У бир операцияда иш бериши керак, операциянинг ҳам нимадан иборат эканлиги маълум эмас. Аммо, «Йигирма еттинчи йилдаги «савдогарлар бойкоти» билан танишиб чиқинг» деган гапини яхши эслаб қолди.

Сичёв, ҳар қалай, конвертни очди. Унда зич тахланган бир даста пулдан ташқари тўрт букланган бир варақ қоғоз ҳам бор экан. Жуда ҳам таниш дастхат. Тавба, Сичёв ўзгинаси ёзган дастхат-ку. Полиция бошқармаси назмиёга йўлланган бу хатда у сиёсий воқеаларга аралашмасликка, мамлакатнинг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишга ваъда берган эди. Ана шу қайд этилган ваъдаларнинг остига имзо чекилган, сана қўйилган.

Сичёв беихтиёр бурчакка қараб юрди. Илгари у ерда эски, аммо синашга кресло турарди. Қани энди ўша ўйнаб чиққан пружиналарнинг гижирлаган таниш товушини эшитса, ботиб озор беришини туйса, эски кресло барҳам топган, Сичёвни янги бир муҳит ўраб олган эди.

1927 йилда содир бўлган воқеаларни тасаввур этиш унча қийин бўлмади.

Эртаси кун и ўша «Исфиҳон» да тушлик қилиб қайтганидан сўнг уй эгаси кириб, жаноб Сичёвга уйда янги хизматкор пайдо бўлганини, жаноб Сичёв уни ўз эмида тутиб, хоҳлаганича амр-фармойиш бериши мумкинлигини тантанали равишда маълум қилди.

Худди кеча кузатиб келган ҳамроҳига ўхшаган, кулранг паҳлавийча қалпоқ кийган одам ўзини Сичёвга таништиради.

— Менинг номим Жавод, муҳтарам жаноб.

— Биз танишмиз шекилли, — дея ишонч билан гап бошлади Сичёв.

— Жанобимиз янглишадилар, — деди тавозе билан хизматкор тикка қараб.

— Эҳтимол, — деди Сичёв бамайлихотир.

— Менга истаган масалангиз юзасидан мурожаат қилаверинг, — деди Жавод, сўзида давом этиб.

— Мен йигирма еттинчи йил ҳақида унча-мунча нарса биладиган биронта одам билан учрашим керак. «Савдогарлар бойкоти» билан ўша воқеалар ҳақида гапириб берса, — деб муддаосини очик айта қолди Сичёв.

— Шу учрашувни эртага тайинласак сизга қудай бўладими? — деб сўради хизматкор. — Чунончи, кечки овқат устида. Қайси ресторанда учрашганингиз маъқул?

Сичёв саросимага тушиб, олазарак бўлиб қолди. Воқеаларнинг бу қадар суръат билан юришиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Хотиржам бўлинг, бизнинг сўзларимизни ҳеч ким эшитаётгани йўқ, — деди, унинг бундай саросимага тушганини нимагадир йўйган хизматкор.



— Дуруст, унда бундай қила қолсак бўлмаса, — Сичёв ўзини босиб олди. — Кечқурун «Пари» да учрашамиз.

— Айтганларингиз ҳаммаси жобажо адо этилади, — деди таъзим қилиб хизматкор.

Эртасига Сичёв ўқимишли, вазмин, сермулоҳаза бир давлат арбоби билан кечки овқат устида учрашди.

Амалдор европача кийимда, ўзини сипо тутарди. У ҳеч қандай муҳим бир сирни айтгани йўқ, йигирма еттинчи йилда ҳукм сурган вазиятни холис таърифлаб берди.

Чунончи, март оyi. СССРнинг Эрондаги Мухтор вакили К. Юренев Эроннинг Хорижия вазирига баёнот топширган.

Амалдор ҳатто баёнотдан бир неча сатр келтирди:

«Мен Эронда зоҳир бўлаётган баъзи хатти-ҳаракатларга Эрон ҳукумати-нинг диққатини тортиш шарафига моликманки, булар СССР билан Эрон ўртасидаги савдо алоқаларини бузишга қаратилгандир.»

Баёнотда шундай хатти-ҳаракатлардан бири мисол келтирилган. Совет «Бюроперс» транспорт жамиятининг Рашт-Пирбозор йўли бошқармасига топширилган юки ушлаб қолинган, қайиқчиларга эса совет хўжалик муассасаларининг молларини ташиш таъқиқлаб қўйилган.

Мартда совет чегарасидан ўтиш ҳоллари кўпайган. Бир неча бандалар Совет Озарбайжонининг аҳоли яшайдиган пунктларига хужум қилган. Масала, 3-март куни етти кишидан иборат банда Жабройл уездига бостириб кириб, подачиларга хужум қилган, бир неча туяни тортиб олган. 7 март куни худди ўша уездда қуролланган банда бир неча бош йирик шохли қорамол ва отни ҳайдаб кетган. Пирбандли деган форслар қишлоғидан келган Алхаз Фатхулла ўғли, Нажжорхон Муҳаррам ўғли каби бандитлар фаол иш кўрганлар. Папоқбек ўғли, Азиз Муҳаммад ўғли бошчилигидаги бандалар совет аҳолисига зарар етказган.

Июнь... Эронга мансуб казакларнинг 35 кишидан иборат отряди Хасанкули районида совет чегарасидан ўтган. Отряд маҳаллий аҳолини талаб, омборларда сақлаб қўйилган бугдой ва арбаларни олиб кетган.

Энди «савдогарлар бойкоти» ҳақида.

1927 йилнинг бошларида Техронда «Иқтисодий хужум жамияти» ташкил этилган. Жамият совет молларини бойкот қилиш йўли билан совет савдо ташкилотларига қарши курашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундай жамиятлар Эроннинг кўпгина вилоятларида барпо этилган.

— Уларнинг программаси қандай эди? — деб сўради Сичёв.

— Программаси? — деб сўради амалдор ҳам. — Программа нима қилади? Очикдан-очик бойкот-да. «Жамият»лар кучлигига эди. Улар... — деб чайналди амалдор, — улар шўролар билан савдогарларга нисбатан жазо чораларини қўллашга қодир эди.

— Батафсилроқ айтиб беролмайсизми?

— Бажонидил. Чунончи, Гилёнда бўлган воқеани олиб кўрайлик. Боку ярмаркасида иштирок этган савдогарларга тазйиқ кўрсатишди ситиб. — Амалдор Уэйсга тақлид қилибми, у кеча кўрсатган имо-ишорани такрорлади. — Бу тўғрида газеталарда ҳам ёзилган эди.

— Бойкотдан ҳамма савдогарлар ҳам манфаатдормиди? — деб сўради Сичёв ва қўшимча қилиб қўйди: — Бу ҳақда аниқ, холис фикр эшитишим жуда муҳим.

— Э-ҳа! — дея хўрсиниб қўйди амалдор. — Юқоридагилар манфаатдор эди. Шўролар иқтисодини кўпориш учун илк қадам қўйиш нечоғли аҳамиятга моликлигини майда ва ўртаҳол савдогарлар тушунмас эдилар. — Амалдор, чаласавод одамлар нимани биларди, дегандек бош чайқаб қўйди.

— Уларнинг муддаосини тушуниш мумкин, — савдо-сотикларини юрғазиб туришлари керак бўлган-ку, — деди Сичёв, хотиржам кўринишга тиришиб.

— Шундай, — деб маъқуллади амалдор ва беандишалик билан қўшиб қўйди, — акс ҳолда, очликдан ҳаром қотишлари мумкин эди.

— Советлар яхши ҳақ тўлармиди?

— Ҳа, чакки ҳақ тўламасди. Бу бойкотни тижорат аҳлининг ҳаммаси ҳам қўллаган эмас. Июнда садр аъзам Махдиқулихон Ҳидоят мажлисида «Иқтисодий хужум жамияти»нинг фаолиятига қарши чиқиб сўзлади. — У ўй суриб қолди. Сўнгра айтган сўзларига қисқагина хулоса ясади: — Майда ва ўртаҳол тижорат аҳли бизни қувватламади. — Амалдор муштини тугди. — Уларга нисбатан бошқача иш тутиш керак эди. Ҳамма нарсани шартта ишга солиш керак эди.

Сичёв чинакам француз қизил виносидан икки-уч қултум ичди. Таомлар мўл-кўл буюрилмаган бўлса ҳам лаззатли, тўйимли эди. Официант ким билан

мулоқот қилаётганини дарров пайқади. Қизил вино роз жигаридан қилинган паштет-у, қовурилган бузоқ гўшти билан жуда ҳам келишарди. Ҳаммаси жобажо.

«Пари»да ёқимсиз шовқин-сурон, инглизларнинг бақирик-чақириклари эшитилмасди. Зотан у жаноблар бу ерда ҳам қозир эдилар.

— Инглизлар кўп экан,— деди Сичёв. У аллақачон кайфи ошиб қолган амалдорни тезламоқчи эмасди. Ҳозир бўлганларни кўздан кечириб шундай деб қўя қолган эди.

— Жуда кўп,— деди амалдор ғазаб билан, кайфиятини яширгиси келмай, сўнг қандайдир инглизларга разм соларкан, қўшимча қилиб қўйди:— Сакбаччалар.

Сичёв унинг бу сўзини тушунмаганликка олди.

Хизматкор ҳар қандай топшириқни ҳам икир-чикиригача жойига қўйиб адо этарди. У адо этишга қодир бўлмаган ҳеч бир иш йўқдек, уни ҳатто энг тутуриқсиз илтимослар билан ҳам ҳайратга солиш мумкин эмасдек эди. Одатдан ташқари чаққонлиги кишини ҳайратга соларди.

— Муҳтарам жаноб, кеча сиз, газеталар билан танишиш имконияти йўқми, деган эдингиз.

— Ҳа,— деб бош силкиди Сичёв.— Турли мамлакатларнинг турли йиллардаги газеталари билан танишмоқчи эдим.

— Улар сизга мажлис кутубхонасида мунтазир.

— Ахир...— дея сўз бошлаган эди Сичёв, вақтида тилини тишлаб қолди: хизматкорининг чаққонлигидан аён-ошкор ҳайратланиб, қойил қолишни шаънига муносиб кўрмади.

У ўн йил муқаддам очилган мазкур кутубxonанинг мажлис вакилларига атаб барпо этилганини биларди. Анча-мунчагина холи, жимжит бинода у бир неча кун давомида 1927 йили Эронда чиқиб турган турли-туман нашрларни варақлади. Таажжубланарди: инглизлар нечоғли хуфия иш кўрган бўлмасинлар, уларнинг «савдогарлар бойкоти»га муносабати ўқтин-ўқтин аён бўлиб қоларди.

«Нир ист-энд Индия» ҳафталиги 1927 йилнинг мартада Эрон ҳукуматини ўз молларини сотиш учун бошқа бозор топишга чақирарди.

Ўша кунлари «Морнинг пост» газетаси бойкотчиларнинг талабларини ҳисобга олишга даъват этарди.

Ахборотлар, баённомалар, мунозаралар... Техрон тижорат аҳлининг раҳбарлари Темуртош билан Г. В. Чичериннинг музокараларини, уларнинг савдо битими лойиҳасини маъқулламас эдилар.

Мана садр аъзам Муставфийнинг Шимолий Эроннинг иқтисоди издан чиққанлиги ҳақидаги эътирофи... Шимолий Эрон — бу пахта экиладиган районлардир... Сичёв ҳудди ўша томонга йўл олиши керак.

## Нотинч савдо дунёси

Савдогар Аршак билан муносабатларида юз берган кутилмаган бурилиш ҳақида савдо ваколатхонасидагилар эртасигаёқ хабардор бўлган эдилар.

— Қандай иш тутмоқчисизлар?— деган маънодор савол эшитилди Техрондан телефон орқали.

— Қутмоқчимиз,— деб жавоб берди Фёдор Никифорович.

— Кимни?

— Савдогарни-да.

— Башартики, у сизларга муҳлат бериб чеклаб қўйган бўлса, нимасини кутасизлар?

— Токи у... Ушандай бўлган тақдирда ҳам ихтиёримизда яна икки кун муддат бор,— деб тинчитмоқчи бўларди Фёдор Никифорович.— Техронга боришимга рухсат берсангизлар. Янги нархни келишиб олишимиз зарур бўлиб қолди.

— Нархлар аллақачон келишиб олинган, жамият бошқармаси томонидан тасдиқланган,— деб эслатди ваколатхона ходими.— Нархни оширишларингизга Москва изн бермайди.

— Мен ҳузурларингизга боришимга рухсат беришларингизни сўрайман, борсамда, келишиб олсак.

— Хўп, майли,— деган мужмал жавоб эшитилди, нариги томондан.

Телефондаги суҳбатларини тинглаб турган бўлишлари мумкин, шунга кўра эҳтиёт бўлиш шарт эди.

Эрталаб келган почтада бошқарувчи битта хатга кўзи тушиб қолди. Дарҳол пайқадик, ўша кутгани! Номсиз хат эгаси қисқагина қилиб савдогар Аршак Ажемянининг нақд пули йўқ эканлигини, синиш арафасида турганлигини хабар қилибди.

Фёдор Никифорович хатни бир неча бор қайта-қайта ўқиди. Мутлақо ишониб бўлмайдиган, далил-исботсиз хат. «Хўш, қандай далил керак ўзи? — Фёдор Никифорович ўнг чаккасини беихтиёр бармоғи билан босди. Хаяжонлангудек бўлса, қайсидир асаб томири лўқиллаб пир-пир учарди. Бир неча йил муқаддам, Хоразмда эканлигида, дайди ўқ ўнг қулоғининг устидан ялаб ўтган. Унча оғритмаса ҳам жизиллатиб ялаб кетган. Ушанда бир шифокор, кейинчалик тузалиб қолади, деган эди. Шунча вақт ўтган бўлса ҳамки, ҳали-ҳали асорати бор. Бегона одамларнинг олдида Фёдор Никифорович ўзини босиб, қўлини чаккасига олиб бормади. Учса учаверсин, бошқарувчининг хаяжонланаётганини ҳеч ким билмагани маъқул.

Гапнинг рости, Аршак ўшанда унинг кўзлариданок, «жаноб Фёдор»нинг ташвишланаётганини пайқаб олган эди. Вой, муттаҳам-эй, тап тортмай баланд келишини қара...

Синай деб турганмиш... Шундай бўлса бордир, аммо эгасиз хатнинг ўзигина савдо ваколатхонаси учун кифоя қилмайди-да. Фёдор Никифорович заводга телефон қилиб, бош механикни чақирди. У вазмин, сермулоҳаза одам. Барча худосаларини унинг муҳокамасидан ўтказиб олиши мумкин. Агар бош механик бирон нарса устида иккиланиб гумонсираса, ўзи савол беради, унинг саволига эса жўяли жавоб қайтариш керак бўлади. Жавоб беролмаса, унда яна ўйлаб кўриши керак эканлигини фаҳмлайди.

Бошқарувчи бош механик Самадов билан фахрланарди. Биринчидан, ўттиз ёшлардаги бу одам олий маълумотли, кичик бир шаҳарда ундай кишиларни учратиш осон эмас эди. Гап унинг маълумотидагина эмас. Самадов ўз ишига моҳир. Уша Аршак ҳам унга, зотан, унча муҳим бўлмаса-да, уч-тўрт марта баъзи илтимослар билан мурожаат қилган.

— Менга қара, яна оғдириб кетмасин! — деб ҳазиллашган бўлди бир куни Фёдор Никифорович.

— Мени-я! — деди Самадов кўзлари чақнаб.

Шундай бир тарзда сўрадики, Фёдор Никифорович суҳбат мавзуини наридан-бери бошқа ёққа буриб юборишга ошиқди.

Самадов озода, махсус кўк коржомода юради, унинг ичидан оппоқ пахтадек кўйлак кияди. «Русперсхлопок» ҳиссадорлик жамиятининг заводига пахта олиб келадиган савдогарлар ва заминдорлар Самадовга тавозе билан салом берадилар. Улар учун мутлақо сирли бўлган машиналарнинг тилини биладиган бош механик ҳам аломат бир жумбоқдан иборат эди.

Бу одамлар риёларни адашмасдан бир зумда санаб олардилар. Улардан баъзилари бўзранг пахтани чаноқдан қўллари билан торткилаб ёки оддийгина машиналар кўмагида териб олган вақтларини яхши эслайдилар. Пахтанинг чигитини ҳам қўл билан ажратардилар.

Икки йилгина муқаддам савдогарлар кўрак олиб келардилар. Унга энди бошқача ҳақ олардилар.

Хозир хўжаликларда совет пахтаси экилади. Савдогарлар билан заминдорлар фойда кўришларига кўзлари етиб қолди. Ҳар гал учрашганларида «Русперсхлопок»нинг ходимларига миннатдорчилик билдиришга ёки сиҳат-саломатлик, бахту иқбол тилашга ошиқадилар.

— Самадов, — деди Фёдор Никифорович, — Техронга бориб, Аршакнинг пахтасига белгилайдиган нарх-наво масаласини ҳал қилиб келмоқчиман.

— Саксонданми?

— Йўқ. Камроқ. Унинг пахтаси ифлос.

— Исботлай оламизми? — деб сўради Самадов.

— Тойларни танлаб-танлаб очиб кўрамиз.

— У пахта олиб келармикан?

— Сендан худди шу нарсани сўрамоқчи эдим-да.

Самадов жимжит кабинетдаги шинам креслода яйраб ўтиришни хуш кўрарди. Оёқларини чалиштирганча ястаниб олса деразадан дарахтларнинг сарин, зумрад япроқлари кўриниб туради. Ҳавода ҳам пахтанинг гарди-ғубори, гужғон ўйнамайди, машиналар тинкани қуритиб гулдурамайди.

— У билан яна бир марта гаплашиб кўрилса бўлмасмикан?

— Нима тўғрисида, Самадов?

— Чигиртка балосидан ҳосилни совет экспедицияси омон сақлаб қолгани эслатилса.

— Қўлларини осмонга чўзади-да, ҳамма иш худодан, деб тураверади.  
— Аршак ҳамиша худони рўкач қилади,— деди Самадов бошқарувчининг фикрини қувватлаб, сўнг салмоқлаганча кўшиб кўйди,— назаримда, ишлари алдам-қалдамроққа ўхшаб турибди.

Фёдор Никифорович эгасиз хатни узатди. Самадов уни бир зумда ўқиб, таажжубланмасдан қайтариб берди:

— Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Бироқ савдо ваколатхонасидагилар бунга ишонишармикин?

— Ишонишмас дейман,— деди бошқарувчи хўрсиниб.

— Яна бир мисол.

Фёдор Никифорович стол орқасидан чиқиб келиб, қўлларини чўнтақларига суққан кўйи оёқларини керганча Самадовнинг қаршисида туриб қолди.

— Башанг либосингизнинг чўнтақларини шалвиратиб қўйманг, Фёдор Никифорович,— деб кулди Самадов— Сиз билан бизнинг бисогимиздаги ясангудек кийимларимиз унча кўп эмас.

— Ҳа, ҳа,— деб хижил бўлган бошқарувчи шоша-пиша қўлларини орқасига олди.

Москвада бу костюмни тиктириши роса даҳмаза бўлган. Бир машмаша... Тикувчи уч марта кийдириб кўрди. Ҳар гал машаққатдан қора терга тушиб кетарди. Нега деганда Фёдор Никифорович Чичерин-у, Карахан билан Юренивни «кийинтирган» тикувчидан ҳайиқарди.

— Қандай мисол?— деди бошқарувчи сергакляниб.

— Мен эрталаб тамаки олиш учун баққолнинг дўконига борган эдим. У ерда Жаъфар бор экан. Баққолга нимадир деяётган экан... Бир гапини илғаб қолдим: аллақандай оға Фарруҳ-бизнинг Аршакни қаттиқ сиқиққа олганмиш.

— Нега энди аллақандай Фарруҳ бўларкан!— деди бошқарувчи истехзо билан.— У жуда катта судхўр.

— Шунақами?— деди Самадов.— Унда, Аршакнинг ишлари ойдинлаш-япти, деяверинг, Фёдор Никифорович.

Бошқарувчи калласини силкиб қўйди.

— Унчалик эмас. Биз бу йил бир миллион пуддан зиёд пахта сотиб олишимиз керак. Аниқроғи, бир миллион икки юз пуд. Аршак Ажемянсиз ишимиз битармикан?

\* \* \*

Якшанба кuni арман-григориан черковидаги ибодатдан чиққан Аршак Ажемян барча ҳешу ақраболари қуршовида дабдаба билан пиллапоядан йўлгага тушиб келди, ёнидан вазмин соатини олди. Қопқоғини қирсиллатиб очди-да, таниш бўлиб кетган енгилтак куйни ҳузур билан тинглади. Бу оҳанг унга тақводорликдан мутлақо йироқ бир кайфият бахш этди.

— Тушликнинг фурсати етди,— деди Аршак, уни шу ерда кутиб турган Жаъфарга қараб қўяркан.

— Етди,— деб сиполик билан маъқуллади на худога ихлоси бор, на доврўги баланд савдогарнинг дўстона меҳри оқибатига ишонадиган Жаъфар.

Агар Жаъфарнинг ёнида пули бўлса, бу бадавлат одамнинг орқасидан ёш боладек эргашиб юрмасди, унинг оғзига маҳтал бўлиб қараб турмасди, ақл-идрокига тил учида таҳсин ўқимасди, ваъз-насихатларини эшитаркан: «Во-о-ох! Ақлим етмаганини қаранг-а!», деб зўрма-зўраки ҳайратланганди.

Пулнинг бўлса — ўйиндагилар ҳам осон кўча қолади.

Мана Аршак пахтанинг нархини оширмоқчи. Эҳтимолки, бирон ёққа олиб бориб, қимматроққа пуллайдигандир. Жаъфар қаёққа боради? Нимага ортиб боради?

— Бугун қаерда тушлик қилсак экан...— дея ўсмоқчилаб, ўй суриб қолган бўлди Аршак. Бўлмаса-ку, бу биргала одамни қайси ресторанга етаклаб боришини аллақачон ўйлаб, бир қарорга келиб қўйган. Чунки ҳамма ишни дабдаба билан қилиш керак-да. У соатининг қопқоғини қарсиллатиб ёпиб, сюртугининг чўнтағига солдида, шундай деди:— «Шероз»га бора қолайлик.

Аршак худди ақл бовар қилмайдиган фавқулодда бир нарсани таклиф қилгандек, ҳамма қувонч билан чуғур-чуғурлашиб кетди.

— Жуда маъқул-да. У ернинг таомлари ҳамма ердагидан мазали.— Ялтоқланганларнинг ёнига Жаъфарнинг ҳам қўшилишига тўғри келди. Шундан сўнг табиати бадтар тирриқ бўлди.

«Шероз»да улфатларини жимжит, аммо дим кабинетга олиб кириб ўтқазилди. Табиий энди, официант бу яхши кабинет эканлигини, шунда ҳам банд қилинмаган охириги кабинет эканлигини айтди. Якшанба кuni бу ерга бир қанча мўътабар меҳмонлар ташриф буюришларини уқтирди. Столда дарҳол хурушлар, мусаллас пайдо бўлди.

Биринчи қадаҳдан кейиноқ жиккаккина Аршак тош осиб қўйилгандек вазмин қўлларини аста-секин чайқата бошлади. У бепоён кенг далалари, ишларининг қулоч отиб ривожга миниб кетгани, бу ишларда унинг ёру дўстлари билан диндошлари албатта қатнашишлари кераклиги ҳақида гапга тушиб кетди.

— Худонинг иродаси билан шоҳ Аббос Аввал бизларнинг аждодларимизни ўн олтинчи асрдаёқ бу ерларга кўчириб келган. Исфаҳонда ўшандан буён Жулфа элати яшаб келади. Бу Кавказдаги шаҳарнинг номи билан аталган. Худого шукр, биз дупна-дуруст тотув яшаб турибмиз. Аммо бундан ҳам ахилроқ бўлишимиз керак, — деб у муштани тугди. — Шундай! Ҳамиша баҳамжиҳат бўлишимиз керак.

Бу гап учун бир неча марта оқ уришди.

Аммо Аршакнинг авзойи ғалатироқ эди. Зиёфатнинг эгаси, айшини суриб ўтирибди, бироқ кўзлари безовта... Аршак хаёлидан аллақандай ўйларни кувгиси келмоқчи бўлади-ю, лекин эплотмайди. Ниҳоят сабри чидамай, ўрнидан турди-да, қисқагина қилиб: «Мен ҳозир келаман», деганча чиқиб кетди.

Ҳозир бўлганларга Жаъфар эндигина разм солди. Тўйиб олган, ўзига бино қўйган Ажемян хоним ўқтин-ўқтин сочини тузатиб қўярди. Тўғрироғи, қўлини кўтаришидан мақсади — бақалоқ бармоқларидаги бриллиантларга одамларнинг диққатини тортиш. Онажонгиналарининг ёнгинасига ўтириб олган маймун башара серистигно икки қиз овқатларга кўзлари тушиши билан бурунларини жийрадилар. Оталари қисқагина қилиб, илвасин, деб атаган, сўлқилдоқ жўжа гўшти ҳам, бийрон қилиб пиширилган курка ҳам, сели сизиб турган каклик гўшти ҳам уларга сира ёқмайди шекилли.

Жаъфар шундай қила олиши мумкинми? Мана қирқдан ошиб қолди. Аршакдан икки ёш кичик. Аммо Аршакка етиб ололмайди. Икки йилда ҳам, ўн икки йилда ҳам.

— Мен ҳозир келаман, бир дақиқагина... — деб юборди Жаъфар, ўзи кутмаган ҳолда бехосдан. Номаялум бир куч уни ўрнидан турғазиб, ташқарига судради.

— Во-ой... — деди хушчақчақлик билан Ажемян хоним. — Ҳамма эркаклар бизни ташлаб чиқиб кетишди.

Бужмайган, мардаккина, ранги заҳилроқ иккинчи савдогар Геворкка хоним эътибор ҳам бермади. Савдогар шундай ҳашаматли ресторанга кунда кийиб юрадиган сюртукнамо нимдошгина сардорийсида келибди. Буришиб турган ёқасига қараганда, роса қириб-қиртишланган. Стулда омонатгина ўтирган Геворк наमत қалпоғини тузатиб қўяди.

— Шулар ҳам эркакми, — деб сўзида давом этди хоним, — бизни бир қавакка ташлаб ҳаммаси жўнаб қолди.

— Дим экан, — деб мингиллади бир қизи.

— Чанги димоқни ёради, — деди иккинчиси, унисига қўшилиб.

Жаъфар фаҳму фаросат бобида унча зукко эмасди. Нарх-навонинг қандай бўлиши-ю, молини қандай вақтда пуллаб юбориши кераклигини билмасди. Шу сабабли кўпинча чув тушиб қоларди. Нима учундир кейинги уч-тўрт кун давомида Аршак унга анчагина сермулозимат меҳрибон бўлиб юрибди. Аршакдек бир одам диққат-эътиборни ҳаддидан ошириб юборса бундан яхшилик чиқмайди. У беҳудага бундай қилмайди, бинобарин бир балоси бор.

— Биз жонажон биродарлармиз, — деди кеча унга Аршак. — Савдони бирга олиб борамиз. Русларнинг раъйимизга юрмай иложлари йўқ.

— Борди-ю... — сотилмаган пахтасини ўйлаб, ич-этини ерди Жаъфар.

— Қўмакласан, — деб унинг сўзини бўлди Аршак. — Биргаликда сотамиз. — Янги савол бериб қолмаслиги учун гапни қисқа қилди, — оладиганлар бор, кўнглинг тўқ бўлсин.

...Жаъфар атрофига аланглаганча аста-секин зални кесиб ўтди. Столларда бадавлат, басавлат одамлар ўтиришибди.

Узун қилиб тикилган, камёб устки кийимдаги сипоғина савдогар бир европалик билан овқатланмоқда. Қўйлагининг ёқасига ялтироқ тугма қадалган, кўк сардорий кийган йигит ҳаммадан ажралиб турибди. Оёқларидаги тумшуғи юқорига қайрилган бежирим маликий кавуши Шерозда тикилган бўлиши керак. Намат қалпоғини қўнқайтириб олган. Улфатлари эса европача либосда.

Ресторанда хотин-халаж деярли кўринмайди. Фақат кабинетларнинг вазмин духоба пардалари оша уларнинг ҳингиллаган товушларигина эшитилиб қолади.

Жаъфарнинг бу ресторанда биринчи марта бўлиши эди. Аммо мўъжазгина

вестибюлга адашмасдан чиқиб борди. У ердаги телефон олдида Аршак турарди.

Жаъфар эҳтиётсиз, қалтис иш тутаётганини биларди. Мабодо ҳозир Аршак шартта ўгирилиб кўриб қолса борми, унда... Аршакнинг қаҳри қаттиқ, бу фақиргина бир савдогарнинг абжағини чиқариб юборади. Мармар устунга суянганча Жаъфар нафасини чиқармай турди. Унга узук-юлук сўзлар эшитилиб қоларди.

— Ахир, жаноб Фаррух... Узингиз биласиз-ку, ахир... Муҳтарам оға Фаррух, Хўп бўлади. Икки кундан кейин ҳузурингизда бўламан, оға Фаррух... Аммо сиз ҳам...

Жаъфар Аршакнинг сирларидан воқиф бўлди... Пешонасини тер босди.

— Веҳузур бўляпсизми?— деган ачинганнамо товуши эшитилди кимнингдир.

Жаъфар у одамни кўрмасди. Аммо ўша товушдан ҳушини йиғиб, ўзини ўнглаб олди.

— Йўк, йўк, ҳеч қиси йўк,— деб шивирлади у ва ҳожатхонага уриб кетди.

Беркиниш керак. Аршакнинг кўзларидан яшириниши керак. Жаъфар яна бир марта қаноат ҳосил қилмоқчи эди: Аршак ҳамон орқа ўгирганча туриб олиб, ўша ҳар ишга қодир судхўрга нима важдандир илтижо қилмоқда эди.

Эртасига Жаъфар сабри чидамай бор гапни баққоллик дўкони бор узоқ қариндошига гапириб берди. Дўконга онда-сонда битта-яримта харидор кириб қолса, гапини тўхтатишга мажбур бўларди.

— Илтимос қиламан,— деди Фёдор Никифорович.— Жаъфар пахта олиб келса, менимча олиб келса керак, дарров менга хабар беринглар. Аммо телефонда эмас. Собирни юборинглар.

— Дуруст,— деди маъқуллаб Самадов ва хўрсиниб қўйди.— Жаъфарга одам ачинади. Анчагина заиф, бу ишини кечирмасликлари мумкин.

— Ҳозир унинг бундан бошқа нима иложи бор?— деди Фёдор Никифорович елкасини қисиб.— Борди-ю, пахтасини сотмаса бус-бутун синиб, хароб бўлади.

— Ҳақлисиз,— деди бош механик.— Айтмоқчи, Техронда пахтани темир йўл орқали ташишни ҳам ҳал қилиб келсангиз. Ҳозир ҳўкиз арава иш берармиди? Замонлар ўзгариб кетди. Савдогарларга ҳам, бизга ҳам нафи тегарди.

— Ҳал қилишга шу ернинг ўзида ҳал қилармиз-а. Аммо маълум қилиб қўйишимиз шарт.

— Қачон жўнамоқчисиз?

— Ҳар қалай, Жаъфар пахтасини олиб келгунча кетмай тураман,— деди бошқарувчи муддаосини айтиб.— Иш пухта бўлади.— Сўнгра яна эслатди,— Келиши билан дарров хабар беринглар.

Собир кечқурун ҳаллослаганча югуриб келди. Нафасини ростлаб, қисқагина шундай деди:

— Бўлди!

— Нега мунча тойчоққа ўхшаб шаталоқ отмасанг?— деди уни ҳазиллашганча қарши олган Фёдор Никифорович.

— Бу гапни эшитсангиз борми!— деди хитоб билан йигитча.— Бу гапни эшитсангиз борми, Фёдор ака!

— Нима аломат хабар олиб келдинг?

— Худди ўйлаганингиздек. Жаъфар келди. Аршакнинг пахтасини сотиб оламиз, деб ўтирманглар, ўзи олиб келади, дейди.

— Биламан, биламан.

— Аллақачон эшитган экансиз-да?— деди Собир, ёш болаларга ўхшаб пешонаси тиришганча.

— Йўк, пайқаб юрган эдим. Жаъфар ресторанга борган экан. Хуллас, ўша ерда билибди: Аршакнинг векселлари муддатидан ўтиб кетибди. Биринчигача муҳлат берилганмиш.

— Демак бир ҳафтадан кейин кутсак бўларкан-да. Шуниси борки, дупладуруст душман орттириб оладиган бўлдик, аммо на чора?

Аршак ҳам ҳеч нима бўлмагандек кириб келди, карвони томонга бепарвогина қўл силтаб қўйди:

— Олинг, жаноб Фёдор. Орани бузиб нима қилдик? Етмиш беш риёлдан ола қолинг.

— Дуруст,— деб унинг фикрига қўшилди бошқарувчи.— Эски баҳосида олаверамиз, аммо...

Аршак беихтиёр оёқ учиди бўй чўзди.

— Аммо ҳар бир юзинчи тойни очиб кўрамиз. Борди-ю, пахтангиз ифлос чиқса, янгидан тозалаймиз. Энди бизнинг заводимизда. Ана унда...

— Ана унда нима бўлади?— деб юборди савдогар.

- Унда нархи ўн риёл камроқ бўлади. Розимисиз?
- Ахир шартномада келишиб қўйилган нархимиз бор-ку!— қичқириб юбораёзди Аршак.— Уни ўзгартиришга ҳаққингиз йўқ.
- Худди шундай,— деб жилмайди бошқарувчи.— Ўзингизнинг ҳам хабарингиз бўлса керак, кеча мен Техрондан қайтиб келдим. Янги нарх ҳақидаги масалани ўша ерда жамият бошқармасининг аъзолари билан келишиб олдим. Биринчи навбатда бошқарманинг Эрон томондан кирган аъзолари билан.
- Келишиб олдингизми?— деб сўради Аршак нима учундир.
- Ҳа... Албатта, энди пахта ифлос чиқиб қолган тақдирда-да.

## Савдогарнинг тавсияномаси

Техроннинг бадавлат савдогарларидан бириникига меҳмондорчиликка таклиф этилиши бежиз эмасди. Бу Уэйс пишиқ-пухта тайёрлаган программага кириши шубҳасиз. Бўлмаса, бадавлат бир одам қашшоқ муҳожирни шундай очиқ юз билан кутиб олармиди?

Сичёвнинг янги жиҳозлар-у, келишмаган сап-сарик пардадан иборат ҳашамати, маълумки, вақтинча нарса. Савдогар ҳам бундан хабардор бўлса керак. Аммо Сичёвни қадрдон танишидек қабул қилди. Важоҳатига қараганда бу бойлик орттириш иштиёқида дуч келган рақибларини тирсаги билан суриб-туртиб ўтирмай, шартта улоқтириб ташлайдиган қатъиятли одамга ўхшарди. Бир неча йил муқаддам Шимолий Эронда яшаган, анчагина мол-давлат орттирган, Техронда данғиллама қўра сотиб олган, уни янги жиҳозлар билан безаган, ўғлини Европага ўқишга жўнатган эди. Ўзига бино қўйган олифтагина ўғли уйига меҳмон бўлиб келибди. Йигит Сичёвга ёқмади. Кўзларидан захар ёғилади. Ингичкагина мўйлаби остидаги лаби истеҳзоли ишшайиб турибди. Аён-ошкор нафратини яширгиси ҳам келмайди. Сичёвнинг шаънига қаратилган илк сўзларини ҳам ишшайганча истеҳзо билан айтди:

— Париждан яқингинада келдим. У ерда руслар кўп. Ҳатто мени, аэропортга олиб келиб қўйган шофёр ҳам рус эди.

Ўғлининг европача дабдабаси-ю, «нодир билимдон» лигига маз бўлиб кетган галварс отаси эса, унинг бетамизлигини пайқамади ҳам.

Сичёвга бир фикргина таскин берарди. Она сути оғзидан кетмаган бу гўдак яна бир неча дақиқагина айланишиб юради-да, ўзига ўхшаб омади юришиб қолган бекорчи улфатларининг олдигами, фоҳишахонагами жўнаб қолади. Лекин Сичёв янглишган экан. Йигитнинг бирон ёққа кетиши хаёлида ҳам йўқ эди. Қолаверса, беандишалик билан суҳбатга аралашаверар, ҳақ гапга тан бериш керак бўлса ақллигина, баъзан эса ўта кескин мулоҳазалар билдиради.

«Ўтирса ўтиравермайдами,— деб ўйлади Сичёв.— Ҳеч бўлмаса, ўша лаънати воқеаларнинг тафсилотидан хабардор бўларман.»

Шарққа хос даромад қилиб ўтирмасдан, дангал савол бера қолди:

— Йигирма еттинчи йили сиз Шимолий Эронда бўлган экансиз. Мени шу нарса қизиқтиради, ўшанда нималар бўлган эди?

Бунга жавобан савдогар мусулмонлар олами, Шўролар таҳдид солаётгани ҳақида, балойи офатлару бахтсизликлар ва ҳоказолар тўғрисида узундан-узоқ вайсаб жетди. Бу сафсаталар ҳатто Совет Россиясига бўлган нафратини яширмайдиган Сичёвнинг ҳам меъдасига тегди. У ҳали Хоразмда эканлигида-ёқ руҳонийлар билан дуч келган, уларнинг амри маъруфларини эшитган эди. Конкрет фактлар билан асосланмаган ёки уйдирмалиги аён кўриниб турган бундай тутуруқсиз ваъз-насихатларга ҳатто саводсиз одамлар ҳам ишонишмасди.

— Аммо советларга пахта сотишга уриниб кўрган баъзи савдогарлар ҳам бўлгандир-ку, а?— деб сўради Сичёв.

— Бўлган.

— Шу жумладан ҳатто отам ҳам,— деди йигит тиржайиб.

— Сиз ҳам-а?— дея таажжубланди Сичёв, дилида бир умид билан. Зора шарққа хос одоби муошарат голиб келиб отаси беандиша гўдакнинг оғзига уриб қўйса. Лекин мезбон бундай қилмади. Аксинча, навқирон зурёди билан гурурланар, ҳар бир сўзига маҳлиё бўлар, унинг билимдонлигига қойил қолиб завқланар эди.

«Шошмай тур, ҳали сенинг таъзирингни беради», деб ўйлади Сичёв. Худди унинг фикрини тасдиқлагандек йигит яна тиржайди:

— Бойкот вақтида отам майда савдогарларнинг пахтасини сотиб олган. Теп-текис деса бўлади. Шундан кейин... Айтингчи, ота шундан кейин нима бўлган эди?

— Ҳукумат бойкотни тўхтатишни илтимос қилди. Хўш, шундан кейин мен пахтани шўроларга сотдим.

— Албатта, янги нарх қўйиб, — деб қўшимча қилди ўғли.

Хизматкор баркаш кўтариб кирди. Уни нақшдор мизига қўйди-да, қандай оёсийишта кириб келган бўлса, шундай сезилар-сезилмас чиқиб кетди.

— Қани, чойга марҳамат, — дея таклиф қилди савдогар. — Мана бу ҳолвадан тотиб кўринг. Атайлаб Машҳаддан пиширтириб келамиз. Бу юпқа хамирга ўралган зулбия обаки қиёмдан ясалади. Ана унисига — занжабилу қаҳва солинади. Кунжут ҳолваю парварда, русталардан олиб ўтиринг. Олинг, тортинманг.

«Ҳа, бизнинг суҳбатимизни ҳолва билан чучуклаштирмаса бўлмайди.»

Хивадаги бир қишлоқ оқсоқоллари билан учрашишга тайёрлана туриб, полковник Зайцев этигининг қўнжини қиличи дастаси билан ура-ура айтган сўзлари ёдига тушиб кетди. «Аввал ҳолва билан сийлаймиз. Томоқларидан ўтар-ўтмас савалаб кетамиз», деган, сўзларини тасдиқламоқчи бўлгандек ҳавони қамчини билан шартта кесарди.

«Хўш, менинг ҳолим нима кечаркан?» дея ўйлаиб қолди, Сичёв туйқисдан. Бу савол Сичёв янги, ҳозирча мавҳум бўлган авантюрага аралашиб қолганидан буён илк бор миясига келди.

Қимматбаҳо гиламлар тўшалган шарққа хос бўлган нақшиндор пастак жиҳозлар-асосиялар қўйилган емакхоналарига ўтдилар.

— Марҳамат, марҳамат, — деб мезбон Сичёвни олдинга ўтказиб юборди. — Тушлик вақти ҳам бўлди. У қасрни намоёиш қиларди. Бу хонада эса инглизларга хос сипо мебель қўйилган, пардалари ҳам одмигина, бир неча суратлар осилган.

Тортилган таом ҳам европача, озгина, лаззатсиз эди.

Савдогар чакаги тинмасдан ўғлини мақтарди.

— Ҳуқуқшуносликни, иқтисодни ўрганмоқда. Булар янгича яшашни исташади.

— Ҳа, янгича яшаймиз ҳам, — деди йигит ғурур билан.

— Сиз буни қандай тасаввур этасиз? — деб савол берди Сичёв эҳтиётсизлик билан. Савол беришга берди-ю, аммо шу ондаёқ ўкинди.

— Биз ўз мамлакатимизда, ўз қонунларимизга ривож қилиб яшашни, бойликларимизга ўзимиз бийлик қилишни истаймиз. Нефтимизни ҳам, пахтаимизни ҳам, ғалламизни ҳам ўз тасарруфимизда сақлаймиз, — деди йигит лўнда-лўнда қилиб, сўнг таом идишларни четга суриб қўйиб, Сичёвга тикилди. — Визга ажнабийлар ҳалал бермасликларини истаймиз.

— Аммо сизлар, — деб юборди Сичёв сабри чидамай, — ҳозирча ажнабийларнинг ёрдамисиз қийналиб қоласизлар.

— Сиз ҳақлисиз, — деб унинг фикрини тасдиқлади йигит. — Аммо ана шу мутахассислар ҳалол ишлашлари керак. Уларга озмунча ҳақ тўланилаётгани йўқ. Улар ҳалол ишлашлари, бизнинг ички ишларимизга аралашмасликлари керак.

Сичёв бошини қуйи солиб, бифштексдан кўзини ололмай қолди. Йигит эса чаққонлик билан бифштексдан парча-парча кесиб эшитган-билганларининг барчасини баралла айтишда давом этди.

Унинг мулоҳазаларида қизиқлари ҳам учраб қолар, шунда Сичёв диққат бериб тинглар эди.

— Шўро ҳукумати йигирма олтинчи йилдаёқ Нижегород ярмаркасига олиб бориладиган молларга божхона имтиёзлари бериш ҳақида қарор қабул қилган. Отам ҳам борган экан.

— Ростдан-а, борганмисиз? — дея қизиқиб сўради Сичёв.

— Ҳа, — деди қисқагина қилиб мезбон. У бифштекснинг таъзирини бермоқда эди. Санчқи ва пичоқ тутиш савдогар учун ит азоби эди. Пичоқ гичирлаб ликопдан тойиб кетарди.

— Қарорда худди шундай дейилган, — деб сўзида давом этди йигит, отасининг машаққат чекаётганига эътибор бермай. — «Эрон, Туркия, Афғонистон молларига қуйидагича божлар белгилансин... — дея парча келтирди, талаба ва ғолибона бир қиёфада хулоса қилди, — тозаланган ва тозаланмаган пахта учун бож олинмаслик.» Фойдаси катта эканми?

— Катта, — деб маъқуллади Сичёв.

— Яна бир гап. Йигирма еттинчи йили матбуотда Шўроларнинг Эрондаги



Мухтор вакилининг Эрон шоҳи шахсий дафтархонасининг бошлиғи Баҳромий билан суҳбати эълон қилинган.

— Бу суҳбатдан хабарим бор...

Сичёв, дарҳақиқат, ўша сатрларни бир неча бор қайта-қайта ўқиган эди. Уша сўзларни ҳозир ҳам бир бошдан хотирлади.

Суҳбатда Баҳромий «СССР ҳукуматидан Эроннинг шикаст етган бахтсиз тижорат аҳлига қурби етган қадар кўмаклашишни илтимос қилди. У деярли ҳар куни телеграфда бир неча соатлаб қимирламай ўтириб муҳтожликлари ҳақида арз-дод қилган савдогарларнинг кўпдан-кўп телеграммаларига жавоб қайтаришини маълум қилди. Шоҳнинг СССРга ғоят хайрхоҳ эканлигини, бирдан-бир тилағи — мумкин қадар тезроқ савдо битими тузиш эканлигини айтди...»

— Биладан, — деди Сичёв такроран. — Савдо битими ҳам тузилган. Унда бойкот уюштириб ўтиришининг нима ҳожати бор эди? Аллақандай жамиятлар тузишининг нима кераги бор эди? — Бу саволларни у аён-ошкор ғазаб билан берарди. Йигитчанинги қилиқлари, ўзига бино қўйган савдогарнинг вазоҳати, пичоқнинг тарелкага тегиб бу тариқа гичирлаши Сичёвнинг ғашига тегиб, тоқатини тоқ қила бошлаган эди.

«Асабим ҳам роса...», деб ўзини вақтида ўнглаб олди. Сичёв босиқлиги, ҳарқандай вазиятда ҳам ўзини тийиб ола билишга қодирлиги билан фахрларди. Ҳозир бўлса тутатиб кетди.

— Савдо — бу сиёсат, — деди савдогар ўгит бергандек. — Савдо — бу, бамисоли шамол.

— Баъзан ҳатто довул ҳам, — деб қўшимча қилди ўғли.

Сичёв куйиб кетган гўшт қолдиги турган тарелкасига вилка билан пичоқни эҳтиётлаб қўйди.

— Тўғри айтасиз. Аммо мен қариган чоғимда таваккал қилиб бўлса ҳам ўзимни савдо борасида бир синаб кўришга аҳд қилдим.

— Сизга оллоҳ ёр бўлсин, — деб тилак билдирди савдогар. — Мен сизга дурустгина гумашта тавсия қилишим мумкин.

— Шунинг учун ҳам қимматли вақтингизни олишга журъат этган эдимда. Бу шаҳарда эътиборли кучлар бор. Чунончи, анчагина бадавлат савдогар Аршак Ажемян.

— Ҳа-а, — деди заҳарханда қилиб ўғли. — Синиб вайрон бўлишига сал қолди ўша эътиборли савдогарингизнинг.

— Оламнинг ишлари шунақа бўлиб тураркан, — деб ўғлининг сўзини бўлди мезбон ва мужмалгина илова қилди, — савдо деганимиз — бир хил турмайди, бугун сенинг омадинг келган, эртага бўлса...

— Руслар унинг кўзини очиб қўйишди, — деди йигит гап бермай.

— Зарари йўқ. Аршак Ажемян буни бурунларидан чиқаради. Аммо сизни бошқа одам кутиб турибди. Унча доврўғи чиқмаган одам, — деди савдогар гапида давом этиб.

Худди маслаҳатлашиб қўйгандек бир-бирларига лутф билан гапира бошладилар.

— Мен тавсиянома тайёрлаб қўйганман.

— Умид қиламанки, у менинг хайрли фаолиятимда мадад беради, — деди тавозе билан Сичёв.

У тавсияноманигина қўлга киритиб қолмади. У кириб бориши керак бўлган оламнинг паст-баланди билан ҳам танишди.

Бойкотда жорий ҳисоб очса чакки бўлмасди. Аммо яқинда Эроннинг молиявий оламида катта ўзгаришлар юз берди. Дафъатан «банки миллий» пайдо бўлиб қолди.

Сичёв ўзининг ҳар ишдан хабардор хизматкори билан маслаҳатлашиб кўрадиган бўлди. Бари бир у бунинг молиявий ишларини кузатиб юрган бўлиши керак.

Хизматкор бу тўғридаги саволни эшитиб таажжубланмади.

— Сабр қила турганинги дуруст, муҳтарам жаноб. Ҳисоб деган нарса савдо муомалалари учун зарур. Бинобарин, ҳисоб очиб масаласини гумаштангиз билан биргаликда ҳал қилишингиз керак бўлади. — Хизматкор илжайди. Бу билан у Сичёв шахсий маблағини ўз билганича тасарруф қилиши мумкинлигини, аммо ҳозирча ўзининг нимадан иборат эканлигини аён этмаган молия муассасасига тумшугини тикмаслиги кераклигини билдирди.

Аҳволининг мужмаллиги Сичёвнинг жонига тега бошлаган эди. У «1927 йил бойкоти»нинг барча материалларини анчагина синчиклаб ўрганди. Бўлиб ўтган воқеалар манзарасини яққол тасаввур этар, бундан етарли хулосалар чиқарганига амин эди. Фаҳмлаб олган эдики, савдогарлар

бойкоти — ҳазилакам иш эмас экан. Унга ҳукумат бошчилик қилмаган тақдирда ҳам, йирик амалдорлар бош бўлгандир. Чунки савдогарлар Советлар билан бажонидил савдо-сотиқ олиб борадилар. Советларга ҳам қойил қолиш керакки, ҳар бир савдо муомаласида ҳам савдогарларнинг яхшигина пул ишлаб олишларига ҳалол имконият яратиб беради.

Уэйснинг Сичёвдан кутган муддаоиси нима? Фаҳмлашича, Шимолий Эронда пахта сотишни барбод берган бўлиши керак. Бошқа сичёвлар эса мамлакатнинг бошқа районларида ўз ишлари билан шуғулланадилар. Ҳаммалари бир йўла берилган фармойиш билан иш кўра бошлайдилар.

Ниҳоят бир кунни останада пайдо бўлган хизматкор эҳтиром билан Сичёвнинг сиҳат-саломатлигини сўраб, унга бахту иқбол, ишларига ривожу қушойиш тилагаҳ, қўл қовуштириб турди.

— Нима гап бўлди? — деб юборди Сичёв беихтиёр.

— Шимолий Эронга бориб келишимиз керак, — деди хизматкор.

— Биз-а?

— Ҳа, муҳтарам жаноб. Мен сиз билан бирга бораман. У жойларни ҳам, одамларини ҳам яхши биламан, сизга фойдам тегиши мумкин.

— Дуруст, — деб рози бўлди Сичёв. — Қачон жўнашимиз керак бўлади?

— Бу сизнинг ихтиёрингизда. — Шу тариқа ўзини хўжайиндек ҳис қилиши учун имкон берадилар. — Аммо йўлга чиққунимизча, — деб қўшимча қилди хизматкор, — сиз бир муҳожир туркман билан учрашишингиз керак.

«Амир» бозори одатдагидек бамисоли ғирдоб эди. Одамлар расталар бўйлаб оқарди. Намат кулоҳлар, европача шляпалар, барра туркман папоқлари, курдча қалпоқлар кўринарди. Бу ғирдоб кимни қайси ўпқонга тортишини пайқаб олиш қийин эмасди.

Биров феруза кўзли узуклар сотиладиган дўкон олдида маҳлиё бўлиб қолади. Феруза ёмон кўздан сақлайди. Худди шу дўконда «умид», «дин» каби сўзлар нақш этилган узуклар ҳам сотилади...

Европача либосдаги яна бир сипо киши виқор билан заргарлик растасига кириб боради. У ердаги дўкондорлар харидорларнинг барига ёпишмайдилар. Улар чарақлаши — кўзни оладиган молларига ўхшаб басавлат. Бу ерда жулдур кийимли гадойларни учратмайсиз. Улар унча-мунча чақа, бир бурда-ярим бурда нон тегиб қоладиган расталарни кўзлайдилар. Кўпгина гадойлар бозор ошхоналарининг атрофида ўралашадилар. Бу ошхоналар сиртдан қарагандагина тор, пастак, ис босгандек туюлади. У ерларда лаззатли таомлар пиширилади. Кўрада гўштлар жизиллаб пишади, самовар вақирлаб қайнайди. Сичёв ана шундай ошхоналардан бирига кириб борди. Тўғрироғи, уни зўрлаб олиб киришди. Сичёвнинг назарида хизматкор уни елкасидан ниқтаб киритгандек бўлди.

Ошхонада ҳамма бирга ўтириб овқатланадиган, аммо озода стол қўйилган эди. Сичёв хизматкор билан ёнма-ён жойлашди. Рўлараларига эса папоғини қошигача бостириб кийган бир туркман гуп этиб ўтирди. Янги келган меҳмонларнинг олдида дарров ўн тўрт яшар бола пайдо бўлди.

— Обгўшт! — деди эроний. — Иккита.

— Обгўшт! — деб такрорлади туркман. — Чой ҳам!

Бола бош силкиб, ризиллаганча кетди. Тез орада столда уч коса сергўшт шўрва пайдо бўлди. Туркман обгўштни косадан хўриллатиб ичмоқчи бўлган эди, оғзи куйди шекилли, сабрсизлик билан хўплай бошлади, айни бир вақтда унинг хушбўй ҳидидан ҳузур қиларди.

Сичёв шўрвани ошиқмай ёғоч қошиқ билан ичарди. Эроний қошиқни айлантриб кўрди-да, сўнг бир четга қўйиб, обгўштни у ҳам косадан ича бошлади.

Туркман чопонининг энги билан ёғли лабини артди:

— Мен сизни танидим, ҳурматли жаноб.

— Таниган бўлсанг яхши, — деди Сичёв бамайлихотир. — Аҳволларинг қалай?

Туркман кифтларини учуриб, жавоб берди:

— Бир нав.

— Жунайд бирга ола келмабди-да? — деб сўради Сичёв.

— Ҳадемай ҳаром қотади. Қариб қолган, — деб дағал жавоб берди туркман.

«Менинг тўғримда ҳам шундай дейишар ёки аллақачон дейишаётгандир», деб ўйлади Сичёв беихтиёр.

— Сен унда хизмат қилган эдинг-ку.

— Хизмат қилган эдим. Энди унга керак бўлмай қолибмиз.

— Ҳозир кимнинг қўлидасан?

— Дурдининг қўлида. Агар ҳурматли жанобнинг ёдида бўлса.  
 — Едимда, — деди Сичёв. — У бойми?  
 — Ҳа, ҳурматли жаноб, — у бир талай пул, қорақўл билан келган. Ҳозир сурув-сурув қўйлари бор. Яқинда ёшгина бир қизга уйланмоқчи.  
 «Қариб қуйилмаган. Омади келган экан муттаҳам, аблаҳ галварсинг», деб гижинди Сичёв негадир.  
 — Менга айтишган эди, сизга керак эмишман? — деб саволини такрорлади туркман. Овқатларини еб бўлаётибди ҳамки, ишдан чурқ этиб ёғиз очишмайди.  
 — Керак бўлиб қоларсан, — деди Сичёв. — Сенинг одамларинг борми?  
 — Бор. Нариги томонга ўтмоқчимисиз?  
 — Йўқ, — деди Сичёв ижирганиб. — Ҳозирча йўқ. Сизларнинг маконларингизда яқин шаҳарларда иш кўришга тўғри келади.  
 — Дуруст, ҳурматли жаноб. Нима хизмат буюрасиз? — У четга олиб қўйган суюгини ҳафсала билан мужий бошлади. Унинг тишлари ҳам, асаблари ҳам, панжалари ҳам бақувват эди.

Сичёв қотилнинг олдида ўтиришга ҳазар қилди. Тоқати-тоқ бўлиб ўрнидан турди. Туркман ҳеч нарсага парво қилмай, чойга қўлини узатди.

Хизматкор билан жимжит тор кўчага чиқиб келарканлар, Сичёв ундан сўради.

— Жўнаб кетгунимизча мен жаноб Уэйсни кўра оламанми?

Афтидан, бундай саволни бермаслиги керак эди. Аммо беркинмачоқ ўйнаш Сичёвнинг жонига теккан эди. Инглиз билан ҳангомалашса арзийдиган гаплари бор.

Хизматкор тўхтади. Аён-ошкор ҳайратланганча, Сичёвга тикилди.

— Афв этасиз, — муҳтарам жаноб, — деди у ниҳоят, — мен ундай одамни танимайман.

## Катта йўлдаги боши берк кўчалар

Мўъжазгина паровоз шахт билан қичқириб, ўнта бўш платформадан иборат кичиккина қаторни судраб кетди.

— А-на — юриб ке-е-етди! — деб бош силкиди Собир. — Қудратли техника!

— Жим! — деб огоҳлантирди Самадов. — Орқамизда бекат бошлиғи турибди. Масхара қиляпти, деб ўйламасин тагин.

— Қайтага суйиняпман! Улай агар суйиняпман.

Собирнинг кайфиятини пайқамаслик мумкин эмасди. Қулочини кенг ёйиб ҳувиллаб ётган шу кичкина бекатни лапанглаганича кетаётган паровозу очик вагонлар билан бирга қўшиб қучоқлаб олмоқчидек эди.

— Биз келганимизда бу йўлни эндигина қураётган эдилар. Мана бунинг гизиллаб кетаётганини қаранг.

Самадов индамади. Собир билан Фёдор Никифоровичнинг иноқлигига ғайирлиги келганинамо ҳаваси келарди. Ўз-ўзидан маълум, уларнинг дўстликлари жангларда туғилган, бир-биридан тамом бошқача бўлган бу одамлар биргаликда бошларидан кўпгина нарсаларни кечирганлар. Аммо Самадов бўлса, ҳар қалай, пахта тозалаш заводининг бош механиги. Бутун бошли бир заводнинг бош механиги. Пахта билан чигитни темир йўлнинг янги шаҳобчаси бўйлаб ташиш масаласини узил-кесил ҳал қилиш ҳам худди унинг изнида.

Самадов билан бухгалтер икковлари пухта ҳисоблаб чиқиб, даромад кўламини белгиладилар. Нима учун энди Фёдор Никифорович Собирни станцияга олиб келди экан?

Бошқарувчи худди бош механикнинг дилидагини билгандек эди.

— Станцияда партия ташкилотимиздагиларнинг деярли барчаси йиғилган, — деди у. — Ишимизнинг ўнгидан келиб тургани шу. Ҳамма масалани шу ерда ҳал қилаверамиз.

Бекат дегани ҳам номига. Мўъжазгина уйчаю перрон, аниқроғи, теп-текис майдонча билан силлиқланиб, ялтираб кетган темир излар.

— Чигитни мой заводига жўнатиб турамин. Шаҳар билан ораси юз километрдан ортиқ келади. У ердан эса маҳаллий савдогарлар пахта ортиб жўнатишсин. Бўлмаса улар ҳўкиз араварларда икки кеча-кундузлаб йўл босиб келишади. Бу жуда қимматга тушадиган машмаша.

— Темир йўлга кетадиган харажатга қараганда икки баравар қимматга тушади, — деб эслатди Самадов.

— Темир йўлга ҳам нафи тегади. Учинчи марта кўришим, платформаларни қолдирганча бўш қайтиб келяпти,— деди Собир.

— Учинчи марта?!— деб сўради Фёдор Никифорович.

Собир хижил бўлиб, ерга қаради, шиббалавериб заранг бўлиб кетган ерни этигининг учи билан чиза бошлади.

— Одатингни ташламас экансан-да, Собир,— деб хўрсинди бошқарувчи.— Туркман қабиласида дайдиб нима қиласан?

— Мен бировнинг олдига бораман, Фёдор ака. Қиличнинг олдига бораман.

— Ҳали ҳам бетобми?

— Аҳволи ёмон. Бизнинг дориларимиз ҳам қор қилмаяпти. Докторга олиб борадиган бўлишса — пул керак.

Фёдор Никифорович қадрдонига синчиклаб разм солди.

— Сен пулни жамғариб қўйгандирсан, албатта?

— Унчалик эмас. Аммо оз-моз бор. Бошимга урамани,— деб қўйди Собир, бепарво кўринишга уриниб.— Қилич бўлса шу ерда туғилиб ўсган. У «анавилар»дан эмас, мен аниқ биламан. Унга ёрдам бериш керак.

— Хўш, бу ерларда,— деди бошқарувчи худди унинг гап оҳангида,— «анавилар»дан ҳам битта-яримта борми?

— Бўлиши керак.

Бир куни Собир Қиличаникага чиқиб келиш баҳонасида бошлигини туркманлар касабасига олиб борди.

— Қандай турмуш кецираётганларини кўриб келамиз. Балки отга миниб дала-даштни айланармиз.— Собир собиқ эскадрон командирининг дилига қандай чўғ ташлаб қўйишни биларди. Гапни айтиб қўйиб, кўзига тикилиб турарди.— Далайи даштнинг оти, миндим дегунингча елдек учириб кетади. Димоғингга ўт-ўланларнинг ҳиди урилади. Яғринингдан офтоб уриб туради.

— Қиличнинг шунақа отлари борми?— деб сўради бошқарувчи ишонқирамай.

— Йўғ-э, унда от нима қилсин? Аммо бошқаларда, қариндошларида бор. Дарҳақиқат, бошқаларнинг уюр-уюр йилқилари бор экан. Уша сафарлари Фёдор Никифоровичнинг ҳали-ҳали эсида.

— Қиличга ёрдам берамиз,— деди бошқарувчи гапга хулоса ясаб.— Доктор олиб борамиз. Мен, эҳтимол, эртагаёқ йўл бошқарувчисига учрашарман.

— Ҳа, кечиктирмаслик керак,— деб қувватлади Самадов.

Қилич даштда яшарди. Бу мутлақо бошқа бир дунё эди. Темир йўл бўйлаб битта-яримта қолган, чанг босган, мажмағил хурмо дарахтлари, ёшгина балут, бодомларнинг шоҳлари қаққийиб турарди.

Йўлнинг нарёгидаги энсизгина саёз сойнинг қуми кўриниб қолган, ёвшан, шўра, қандим каби гиёҳлар, эгри-бугри саксовул жазирама қуёш тафтида қовжираб ётарди.

Бошқа бир олам...

Фёдор Никифорович билан Собир эрталаб барвақт етиб келдилар. Қум хомалари, пишиқ-пухта солинган бинолар, сийрак ўтовлар орқасидан ҳам қуёш кўринмайди. Шуълалари оралиқлардан ўтиб кўча тусини олиб келаётган йўлдаги одамларнинг оёқлари остига тўшалмоқда. Шофёр машинасини қароргоҳдан анча бериди тўхтатди. Автомобиль қаршисига ёпирилиб чиққан бир гала ит кўз кўрмаган, номаълум, баҳайбат маҳлукдан қўрқиб кетиб, вангиллаганича ура қочди.

Қилич меҳмонларни янги солинган, ҳувиллаб ётган, мутлақо беўхшов бир уйда кутиб олди. Касабаларда бундай уйлар яқингинадан буён, 1925—1926 йиллардаги турк-курд қўзғолонидан кейин Эрон ҳукумати кўчманчи қабилаларнинг «Дориламон» лигига узил-кесил чек қўймоқчи бўлиб, уларни ўтроқликка мажбур қилган пайтдан бери қурила бошланган эди.

Бой-бадавлатларнинг гумбаз томли данғиллама иморатлари ҳам бор. Аммо уларнинг ёнгинасига рўзгордаги ҳожатларга яраб туради, деган баҳонада олачиқлар ҳам тикилган. Бундай ўтовларда ҳузур қилиб овқатланиш, мизғиб олиш мумкин.

Қиличнинг отаси нуруний чеҳрали, мулойим қария экан. Бу киши тақияси устидан салла ўраб юрар, бу унинг олтмиш учга — пайғамбар ёшига етганини билдирар эди.

Қилич отасига қараб олиб, таклиф қилди:

— Чойни ўтовда ича қолсакмикан?

— Жуда яхши бўлади-да,— деб қувватлади Фёдор Никифорович.

Ўтовнинг намати гулхан ёқидаверганидан ис босиб қорайиб кетган эди.

Бир вақтлар бу ўтовни тўрт-беш йил мобайнида «оқ уй» деб келишган бўлса, ҳозир у, «қора уй»га айланган эди.

Иигит меҳмонларни саҳарданоқ кутаётган бўлса керак. Фёдор Никифорович билан Собир тўрга чиқиб ўтиришлари биланоқ Қилич уларга чой, нон, сарғайиб қолган қанд олиб кирди. Афтидан, қанд ҳурматли меҳмонлар келгандагина қўйилади шекилли. Бу хонадонга меҳмон аҳён-аҳёндагина келса керак. Фёдор Никифорович билан Собир ҳам қандга қўл тегизмадилар: ҳозирги пайтда бу жуда қиммат турадиган тансиқ нарса эди.

— Мишани чақириб керак,— деди русчалаб Фёдор Никифорович, шофёрни эслатиб.

— Киргиси келмаяпти... Машинамни итлар ғажиб кетмасин, деб хавотир оляпти.

Фёдор Никифорович, ҳазиллашяптимикин, дегандек Собирга қия қараб қўйди. У эса қошини чимирганча ушоғини тўкмаслик учун чўракдан эҳтиёт билан ушатиб олиб, маза қилиб кўк чой ичмоқда эди.

Аллақандай бир тайини йўқ машаққатли турмуш, тирикчилик ҳақида гурунглашдилар.

— Бизнинг одамларимиз ҳам тиниб-тинчиб қолишди, қурол-яроққа ёпишмайдиган бўлишди. Чорва боқишяпти, экин экишга уринишяпти,— дерди Қиличнинг отаси.

— Жуда тўғри, деҳқончилик қилиш керак. Ғалла, пахта, шולי экиш керак,— деди Фёдор Никифорович уни қувватлаб.

— Шундай қилиш керак,— деб маъқуллади чол.— Аммо пахта билан шולי экиш учун сув йўқ. Бор сувимиз — лўрада.

Деярли ҳар бир хонадоннинг олдида ёғоч ёки бетон бочкани эслатувчи лўра туради. Ёгин-сочин вақтларида унга тансиқ ва танқис қор-ёмғир сувлари келиб қўйилади.

— Ҳа, сув бўлмаса чорасиз қоласиз. Қани энди, шу ерларни ҳайдаб, тўйдириб сугорсанг...— деди Фёдор Никифорович ширин ўй суриб.— Ушайнда бу ерлардан қанча-қанчалаб пахта олга бўларди...

— Олса бўларди-я...— деб яна унинг фикрини маъқуллади чол.— Бизнинг уруғимизда ҳам бу ишнинг миришкорлари бор. Бир вақтлар улар ҳам пахта экиб кўзлари пишган. Аммо бизнинг оқсоқолимиз бу ишга изн бермайдиди.

Бу касабанинг оқсоқоли ҳақида Фёдор Никифорович унча-мунча эшитган. Ўтган йили оқсоқолникида Жунайдохон икки-уч марта меҳмон бўлиб кетганини ҳам эшитган. Уларнинг нима ваздан учрашганини Қиличнинг отаси билмаса ҳам керак. Ҳамма сир-асрор янги уйнинг қалин деворлари орасида гум бўлиб кетган.

— Оқсоқолни кўндириш, пахта экишимизга рухсат берсин,— деб умидвор оҳангда илтимос қилди чол.— Одамларимиз шунга иштиёқманд. Бизда бир одат бор. Бизда тўйга атаб қирмизи тўн учун шоҳи тўқилаётганда ҳар икки газда арқоқнинг орасидан ип ўтказилади. Фақат ипакнинг ўзидан тўқилган матодан чопон кийилса, тоат-ибодат билан қилган илтижоларимиз оллоҳнинг даргоҳига етиб бормасмиш, икки кифтимизда ўтирган муаккиллар гуноҳларимизни битта қўймай ёзишармиш.

Фёдор Никифорович кулиб қўйди:

— Оддийгина пахта ипи шунча нарсага қодир экан-да!

— Қодир,— деб такрорлади чол ва ўғлига қараб қўйди: овқат олиб кириш вақти бўлган эди.

Тез орада Қилич сопол косаларда қовурма шўрва олиб кирди. Бежирим қилиб йўнилган ёғоч қошиқларни улашди.

— Марҳамат қиласизлар,— деди чол қўли билан дастурхонга имо қилиб.— Олинглар, қадрли меҳмонлар.

«Бизнинг келишимиз буларни анчагина чиқимдор қилади, шекилли», деб ўйлади Фёдор Никифорович беихтиёр ва Собирга таънаомуз қараб қўйди. У эса, шарқдаги одамларнинг азалдан қолиб келаётган удуми шу бўлса начора, дегандек кифтини қисди.

Овқатдан сўнг чол қайсидир қариндошининг иккита арғумоқ отини сўраб олиб келди. Арғумоқлар дашт бўйлаб елиб борарди. Туёқлари ерга тегмай, изларидан паға-паға гард кўтариларди... Ноёб отлар экан... Ола-тасир чопгандан кейин улар туёқларини тек тутолмай депсинар, норозидек пишқираб, дашт томонга қараб-қараб қўяр эди. Фёдор Никифорович ўзи минган отнинг асабий учиб-учиб турган терисини силай-силаё тинчигмоқчи бўлар, Қиличларнинг уйи олдида уймалашган туркманларга ийманганча жилмайиб қарар эди. У бачкана иш қилиб қўйганига узр сўраётгандек эди.

Шу пайт унинг қўли от бўйнида тўхтаб қолди. Фёдор Никифоровичнинг

таниш бир башарага кўзи тушиди. Бу ғоят даражада таниш башара, илжаяётган бўлса-да, заҳар ёғилиб турар эди. Қоракўл папоғини қошигача бостириб кийган бу одам қўлларини кўксига чалиштирганча Фёдор Никифоровични синчиклаб кўздан кечирарди. У ҳам собиқ эскадрон командирини таниган эди.

Фёдор Никифорович «тантанали ташриф»га отланди. Расмий шахслар билан бўладиган ҳар бир шундай учрашув нима қилиб бўлса ҳам енгиб чиқишни тақозо этадиган жангги эслатарди.

Бу атрофларда ҳали камдан-кам учрайдиган ноёб нарса ҳисобланган очиқ машина катта йўлга чиқиб олди.

Одатда камгап шофёр йигит Миша йўлда Фёдор Никифорович билан ўзларигина кетаётганларида турмуш ҳақида, ишлар ҳақида, сиёсий воқеалар ҳақида мулоҳаза юритишни ёқтирарди.

— Биз улар билан қачонгача пачакилашиб юрамиз, Фёдор Никифорович?— деб узоқдан гап бошлади, савдогарларни кўзда тутган шофёр.

— Токи буларсиз ҳам ишимиз битадиган пайтгача, Миша. На чора, шундай бир аҳволдамиз, ҳадемай қаддимизни ростлаб олсак, ана унда...

— Қачон ростлаб оларканмиз, нима деб ўйлайсиз? Икки йилчадан кейин ростлаб олармиканмиз?

— Тезроқ ростлаб олсак ҳам ажаб эмас.

Янтоқлар қовжираб, чанг босиб ётган адирлар бошланди.

— Қаддимизни ростлаб олсак...— деб такрорлади, бўлажак учрашувни ўйлаб бораётган бошқарувчи.

Фёдор Никифорович бу гал учрашувнинг яхши ўтишига амин эди. Қайси фирма яхлитгина пулдан воз кечарди. Бари бир, улар йўлнинг шу қисмида платформаларни юксиз қайдашади-ку. Бироқ шаҳарчага, йўл бошқармасининг биносига, ҳашамат билан жиҳозланган қабулхонага етиб боргунича дилидаги безовталиқ барҳам топмади.

Қабулхонадаги ёш йигит унинг плаши, шляпаси ва ҳассасини тавозе билан қўлидан олди. Енгилгина таъзим қилиб, кабинет эшигига имо қилди.

Вазмингина стол орқасидаги баҳайбат креслода худди савдогар Аршакка ўхшаб кетадиган япон мутахассиси чўкиб ўтирарди.

— Келинг, хизмат? Йўл бошқарувчиси бўламан,— дея ўзини танитди у инглиз тилида.— Ким билан танишиш шарафига муяссарман?..

Фёдор Никифорович форсий тилда саломлашиб, фамилияси билан вазифасини айтди.

— Мулоқот учун қайси тилни танлаймиз? Маҳаллий тилними? деб илжайди япон. Кулиши зўраки, номига эди.

— Яхшиси форс тилида гаплаша қолайлик, — дея унинг фикрини маъқуллади Фёдор Никифорович.— Биз ахир шу мамлакатда яшаб турибмиз-ку.

Бошқарувчи ўзини охириги гапни эшитмаганга солди. Қаршисидаги креслога имо қилиб, яна ўзининг улуғвор юмшоқ тахтига чўкди.

Стол усти саранжом-саришта қопқоқлари ялтироқ вазмин сиёҳдон, чамаси безак учун қўйилган. Негаки, баҳайбат стол орқали унга қўл етиши амри маҳол. Йўл бошқарувчисининг олдида юпқагина папка ва ҳафсала билан учи чиқарилган қалам турибди.

Фёдор Никифорович нима ваздан келганини айтди.

— Яхши,— деди япон. Кўзойнаги йилтилллар, кўзларини илғаб олишнинг имкони йўқ эди.

Аммо, арзимасдек кўринган шу сўзданоқ Фёдор Никифорович сергак тортди, унинг ташвиши ортди. Бақувват қўлларининг бармоқларини чирмаштириб чиққан эди, қирсиллаб кетди. Доимо ана шундай расмий учрашувларда Фёдор Никифорович қўлларини қаёққа қўйишни билмасди. Қўлларининг қирсиллаши гиламлар тўшалганлиги туфайли ҳар қандай товуш сингиб кетадиган жимжит кабинетда баралла эшитилди.

Япон индамай ўтирарди. Гўёки «Русперсхлопок»нинг вакили унинг олдига ғоят мушкул масала қўйгандек.

— Йўлнинг мана шу қисмида платформалар юксиз қатнайди,— дея эслатди Фёдор Никифорович ва шу ондаёқ ўкиниб қолди, негаки гапни илтижоли бир оҳангда бошлаган эди.

— Биз розимиз,— деган фикрни айтди йўл бошқарувчиси, кўзойнаги ҳамон ўша тарзда йилтираган куйи.— Албатта, энди биздаги мавжуд кира ҳақлари сизларга маъқул келса.

— Нима, сизлардаги кира ҳақлари бошқачами?— деб сўради Фёдор Никифорович.— Мен бизнинг темир йўлдаги, Европадаги баъзи темир йўлларда мавжуд кира ҳақини биламан.

— О-о-о!— деди япон маънодор оҳангда ва одобли ўқувчи боладек қўллари олдига қўйди.— Сиз бизнинг тартиб-қоидаларимизни яхши билмас экансиз.

— Эҳтимол. У қандай тартиб-қоида экан?

— Транер Эрон йўлининг қурилиши ҳади давом этиб турибди. Уни қуриб битказиш ўттиз бешинчи, ўттиз олтинчи йилларга мўлжалланган. Эҳтимол, кира ҳақлари ана ўшанда Европадагига яқин бир даражада қатъийлашиб қолар.

— Ҳозир-чи?— деб сўради Фёдор Никифорович, андиша қилиб ўтирмасдан.

— Ҳозиргиси қарийб бир ярим марта ортиқ,— деб оғир хўрсиниб қўйди япон. Унинг бу хўрсиниши, кошки ихтиёр менда бўлса экан, аммо ҳеч бир иложим йўқ-да, деган таассуфни билдираётгандек эшитилди.

— Хайронман,— деди гарангсиз Фёдор Никифорович.— Вагонларни юксиз қайдашдан келадиган фойда улар учун ҳатто энг паст кира ҳақи олишдан ҳам паст-ку. Бу — бир, иккинчидан эса, шундай қилинса савдогарларга ҳам нафи тегарди. Учинчидан, мой заводига ҳам. Қолаверса, бизга ҳам.

Япон чурқ этмасди. Шу тариқа бу кабинет каттакон, янги йўлдаги боши берк кўчалардан бирига айланди. Бутун бошли касабанинг туриш-турмушию тирикчилиги бир оқсоқолнинг измида бўлганидек, ҳамма нарса бир ажнабий мутахассисга бориб тақаларди.

Фёдор Никифорович аста-секин ўрнидан турди-да, таъзим қилиб, жини ёқтирмайдиган шу иборани айтишга мажбур бўлди.

— Хайрлашиш шарафига муяссарман.— Аммо ўзини тийиб туролмай қўшиб қўяди:— Бўлиб ўтган суҳбатимиздан йўл ишлари вазирини воқиф этишга мажбурман.

Япон мутахассиси дарҳол ўрнидан сапчиб турди.

— Аммо, муҳтарам жаноб,— деди у меҳмонининг номи билан отасининг номини айтишга тили келишмай.— Ахир жиддий масалалар бу тариқа ҳал қилинмайди-ку...

— Хайрлашиш шарафига муяссарман,— деб такрорлади Фёдор Никифорович ва эшик томон қараб юрди.

Оёқ остидаги гиламларнинг қалин бўлишига қарамай японнинг вазмин стол орқасидан чиқиб, изидан пилдираб келаётганини эшитди. Аммо Фёдор Никифорович саросимада қолган хизматкорнинг қўлидан башанг либосларининг рамзи бўлган плашию шляпаси билан ҳассасини аллақачон олиб улгурган эди.

(Давоми бор.)

### Қадрли журналхонлар!

Журналимиз ташаббуси билан Тошкент область Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхозда ва Наманган районидаги Дзержинский номли колхозда «Шарқ юлдузи» кутубхонаси ташкил этилганидан хабардорсиз. Бу кутубхоналарнинг жавонлари кун сайин бойиб бормоқда. Езувчи ва адибларимиз ўзларининг янги чиққан асарларини дил сўзлари билан кутубхонага тақдим этмоқдалар.

Яқинда Эллиққалға районида ва Қарши чўлида ҳам «Шарқ юлдузи» кутубхонаси ташкил этилади. Ҳурматли шоир ва ёзувчиларимиздан: Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Тўроб Тўла, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Нормурод Нарзуллаев, Ҳусниддин Шарипов, Уткир Ҳошимов, Гулчеҳра Жўраева, Шуккур Холмирзаев, Ҳожиакбар Шайхов, Сафар Барноев, Раффор Ҳатамов, Азим Суюн, Хуришид Даврон, Қамчибек Кенжа, Мирпўлат Мирзаев, Эргаш Муҳаммад ўроқлар янги китобларини ана шу кутубхонага лутфан тақдим этдилар. Виз уларга чуқур миннатдорчилик билдирамиз ва бошқа ижодкорлар ҳам журналимиз кутубхонасини бойитишга ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб умид қиламиз.

### Келгуси сонда:

Журналимизнинг навбатдаги сониди Урта Осиё ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги қон-қардошлиқни улғуловчи материаллар билан танишасиз.

**Шукрулло**  
Сенинг бахтинг  
Шеърлар

**Муроджон Мансуров**

Мангу жанг  
Роман. Давоми

**Отаёв**

Мен қуёшни кўргали келдим...  
Эссе

**Йўлдош Сулаймон**

Авлодлар.  
Қисса. Охири.

Румин шеърляти.

**Ғулом Каримов**

Давлатшоҳ Самарқандий

Рассом Х. Лутфуллаев  
Техник редактор М. Аҳмедов  
Корректор А. Билолов

На узбекском языке  
«Шарқ юлдузи»

(Звезда Востока)  
№ 8

Орган Союза писателей  
Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного  
Знамени типография издательства  
ЦК КП Узбекистана.  
Ташкент — 1984.

Редакцияга келган бир босма  
табоқча бўлган материаллар  
авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга  
«Шарқ юлдузи» дан олинди»,  
деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 6.06.84 й.  
Босишга рухсат этилди 2.08.84 й.  
Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Фотонабор. Офсет босма усули.  
Физ. листи 13.  
Шартли босма листи 18,55.  
Нашриёт ҳисоб листи 20,2.  
Тиражи 166684  
Заказ 3760  
P-09294

#### АДРЕСИМИЗ:

700 000, Тошкент ГСП,  
Пушкин кўчаси, 1.  
«Шарқ юлдузи» редакцияси.  
Телефонлар:  
Бош редактор — 33-24-37,  
Бош редактор ўринбосари — 33-21-81  
Масъул секретарь — 33-09-18  
Проза, публицистика — 33-21-81  
Поэзия, танқид ва адабиётшунослик —  
33-24-79

Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил  
Байроқ орденли босмахонаси.  
Тошкент — 700029,  
«Правда Востока» кўчаси, 26-уй.